

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

Норбой БЕКНОЗОВ

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

(Дарслик)

ТОШКЕНТ - 2006

65.01

Б 49

Тошкент Давлат юридик институти Ўқув Услубий Кенгаши 2004 йил 28 октябрь № 2 сонли мажлисида кўриб чиқилган ва нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир: иқтисод фанлари доктори,
профессор **Ж.Т.Рўзиев,**

Такризчилар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Т.Жумақулов,
иқтисод фанлари доктори
Ч.Муродов.

49 Норбой Бекнозов. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик.
/Масъул муҳаррир: и.ф.д.проф. **Ж.Т.Рўзиев.** -Т.: ТДЮИ
нашриёти. 2006. –552 бет.

Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги,
ТДЮИ.

ББК 65.01я73

Иқтисодиёт назарияси фани бўйича тайёрланган мазкур дарсликда Республикада Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва олий ўқув юртларида бакалаврлар тайёрлаш давлат андозаси талаби асосида яратилган. Дарсликка киритилган ҳар бир мавзунини ёритишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов асарларидан, республика қонунлари ва бошқа меъриий ҳужжатлардан кенг фойдаланилди. Дарслик таркибига киритилган мавзулар бири-бири билан мантқан боғланган. Янги мавзулар киритилган бўлиб дарслик мазмунан бойитилди. Бу мавзулар: Иқтисодиётнинг умумий асослари, Бозор иқтисодиёти, Макроиқтисодиёт ва жаҳон хўжалигининг ривожланиш босқичларига тааллуқли мавзулар киритилган. Дарслик барча йўналишдаги мутахассислар учун мўлжалланган.

№36-2005

**Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси**

© Норбой Бекнозов.

© Тошкент Давлат юридик институти, 2006 йил.

КИРИШ

*Ушбу дарсликни меҳрибон укаларим
Рустам ва Анварларнинг ёрқин хотирасига
бағишлайман.*

Иқтисодий тараққиёт даражасига қараб, ижтимоий ҳаёт йўналиши шаклланади. Иқтисодиёт жамият аъзоларининг нафақат бугунги, балки ҳозирги, эртанги ва келажакдаги фаровонлигини белгилаб беради. Иқтисодиёт ҳар бир киши, ҳар бир оила, жамоа ва, умуман, жамият аъзолари ҳаётида ҳал этувчи аҳамиятга эгадир. Унинг тараққиёт даражаси юқори бўлган жамиятда аҳоли фаровонлиги ҳам юксала боради, ижтимоий вазият барқарорлашади, жамият аъзоларининг келажакка ишончи ортади, фаоллиги тобора кучайиб боради.

Ўзбекистон Республикаси мустақил тараққиёт йўлини танлаб, бозор иқтисодиётига тўла ишонч билан ўтиб бормоқда. Мустақилликка ўтилган қисқа даврдаёқ, иқтисодиётда юзага келган инқироздан қутилинди. Унинг асосий етакчи соҳаларида барқарор иқтисодий ўсиш бошланди.

Миллий валютанинг жорий этилиши муносабати билан пулнинг кадрсизланиш суръати кескин қисқарди. Қаттиқ бюджет ва молия-кредит сиёсатининг юқори даражада амалга оширилиши ҳам кўп жиҳатдан барқарорликка эришишга олиб келди. Пировардида, нархлар либераллаштирилди, субсидияларнинг ҳажми кескин қисқартирилди. Муҳими, зарар кўриб ишловчи корхоналар тугатиб борилмоқда. Миллий тадбиркорликнинг азалий анъаналари ҳам тикланди, хусусийлаштириш босқичма-босқич амалга ошириб борилмоқда. Республикада хусусийлаштириш босқичлари ҳукумат томонидан «оддийдан мураккаб сари» қоидаси бўйича белгилаб олинди. Хусусийлаштиришни ҳуқуқий-меъёрий жиҳатдан таъминлаш мақсадида бир туркум қонунлар ишлаб чиқилди, қатор ҳужжатлар тайёрланди ва ҳаётга татбиқ этилди. Бозор иқтисодиётининг таркибий қисмлари қайта тузилиши асосида хилма-хил инфратузилмалар вужудга келтирилди.

Ўтган қисқа давр ичида жамият аъзоларининг иқтисодий тафаккури аста-секин ўзгара бориб, бозор иқтисодиёти ҳақидаги тушунчаси кенг маъно касб эта бошлади. Кишилар фаол суръатда бозор муносабатларининг шаклланиш жараёнида бевосита иштирок эта бошлади. Пировардида, кишилар тадбиркорликка интила бошладилар.

Буларнинг барчаси иқтисодиёт фанига қизиқиш ҳиссини уйғотди. Пул топиш ўз-ўзидан амалга ошмайди. Тадбиркор бўлиш ва яхши пул топиш учун ишнинг кўзини, иқтисодий фаолиятнинг барча сир-асрорларини, нозик томонларини била олиш талаб қилинади.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган жамият ҳақидаги янгича назарий дунёқарашнинг шаклланиши қисқа вақт ичида силлиқ ва осонгина кечмасди, албатта. Шу муносабат билан иқтисодшунослар ва бошқа казо-казолар орасида қизгин баҳс-мунозаралар келиб чиқди. Муаммони англаш борасида қарама-қарши ҳар хил йўналишлар ҳам пайдо бўлди. Бундай кескин баҳс-мунозараларнинг пайдо бўлиши тасодифий эмас. Унинг юзага чиқиши маълум асосларга эгадир.

Маълумки, қизил империя давридаги «План анархияси» бозор «бебошлиги»га қараганда анча хавфли ва бузғунчи сиёсат эканлиги тажрибада синалди. Эндиликда бозорга фақат самарасиз, тақчиллик ва беқарорлик иқтисодиётнинг муқобил бўла олиши тобора кўпроқ англаб борилмоқда. Зеро, бозор цивилизациянинг энг улкан ютуқларидан биридир. Бозор ҳозирги дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар иқтисодий тизимларининг самарали ишлашини таъминловчи, юз минглаб корхоналар ва миллионлаб кишиларнинг иш билан таъминланиши ҳамда муттасил иқтисодий ўсишни амалга оширувчи муҳим воситадир. Бироқ мазкур воситани рамзийлаштириш ҳам тўғри бўлиб чиқмайди, чунки у нуқсонлардан ҳам холи эмас. Аммо инсоният жамият иқтисодий ҳаётини тартибга солувчи бундан яхшироқ омилни ҳануз топганича йўқ. Бундан ташқари, маъмурий-буйруқбозлик бошқарув тизими инкор этилган бўлсада, амалда унинг асоратлари кишилар онгида сақланиб қолмоқда. Афсуски, мамлакатимизда бозор механизмининг шаклланиш жараёни кенг миқёсда содир бўлаётганлигига қарамай, бозор иқтисодиётининг афзалликлари ёхуд нуқсонлари, иқтисодий омиллар, бозор муносабатлари ва қонунларининг амал қилиши каби муаммолар ҳақида ҳамма бирдек аниқ ва етарли даражада тасаввурга эга эмаслиги сезилиб туради.

Бозор иқтисодиётига асосланган хўжалик механизми тадбиркорларнинг иқтисодий эркинлиги ва рақобат муҳитини яратиш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, иқтисодиётдаги монополизмни тугатиш сингари омиллар билан боғлиқ равишда босқичма-босқич ҳал этиладиган масалаларга асосланади. Бу жараён, яъни янгисига ўтиш муайян вақтда давом этишини тақозо қилади. Чунки иқтисодиёт

ривожланиб боргани сайин мураккаблашиб боради, бу кўп киррали алоқаларнинг юзага келиши билан боғлиқдир. Товар ишлаб чиқарувчи турли-туман корхоналар, фирмалар ўртасида нафақат миллий, балки халқаро миқёсда алоқалар кенгая бориб, чуқурлашиб, ҳар томонлама кенгайиб кетмоқда. Бундай шароитда мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг моҳияти, аҳамияти ва ўзига хос усуллари ҳамда хусусиятларини англаб олувчи ишбилармон кишиларни тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Ишбилармонлик учун иқтисод сиру асрорларини, унинг қонун-қоидаларини яхши билиш талаб қилинади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, иқтисод қонунлари ва категорияларини иқтисодиёт назарияси фани ўргатади. Иқтисодий назария ҳамма-ҳамма учун ҳаводек зарур. Иқтисодиёт назариясини билиш нафақат амалий фаолият билан шуғулланувчилар учун зарур бўлиб қолмасдан, шу иш билан шуғулланмайдиган кишилар учун ҳам керак. Чунки ноиқтисодчи кишилар, ҳеч бўлмаганда, истеъмолчи бўлиб, майдонга чиқадилар, пул ишлашга интиладилар, уни сарф-харажатлайдилар, оилавий бюджетни юритадилар. Умуман, иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ бўлмаган бирорта кишининг ўзи йўқ. Айрим кишилар тадбиркорлик фаолиятини кўрсатиб, иқтисод билан кўпроқ алоқага киришса, бошқалари камроқ киришиши мумкин. Аслида ҳеч бир киши иқтисодий муносабатларни четлаб ўта олмайди. Улар қандай фойдали фаолият билан шуғулланишларидан қатъий назар, доимо иқтисодий фаолият кўрсатишида умумий жиҳатлар мавжуд бўлади. Бу умумийлик тобора ривожлана бориб, пировард-натижада, умуминсоний муносабатлар ҳукмрон бўла бошлайди. Иқтисодиёт назарияси фани кишиларнинг иқтисодий фикрлаш қобилиятини ўстиради, жамиятда амал қилаётган қонун-қоидаларга итоат қилган ҳолда тежамли хўжалик юритишга, меҳнатни қадрлашга чорлайди, инсонга хос иқтисодий тарбия беради. Иқтисодиёт назарияси фанини эгаллаш фақат мутахассислар ёки тадбиркор, бизнесменларнинг иши бўлиб қолмай, жамиятда яшаётган барча фуқаролар учун ҳам зарурдир.

Биз қураётган янги иқтисодий тизим, яъни «Бозор иқтисодиёти»нинг ички, ўзига хос илғор хусусиятлари барчага, ҳар бир кишига тенг иқтисодий эркинликни яратиш, уларнинг мустақил фаолият кўрсатиши, фаровон ҳаёт кечириши учун қулай шароитлар туғдиради. Кишилар ўзи ва давлат манфаатларини рўёбга чиқариш

учун ҳаракат қиладилар. Бунинг учун, яъни ҳар қандай иқтисодий фаолият кўрсатишнинг ҳуқуқий, адолатли негизи барпо этилиши лозим. Шу ўринда мамлакатда яшайдиган барча фуқароларнинг ҳар бири бозор иқтисодиёти шароитида яратилган имкониятлардан фойдалана олиш даражасидаги иқтисодий тафаккурини ўстириш, янги иқтисодий фикрлаш қобилиятини ўстириш зарурияти устида гап бормоқда. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий билимлар иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг кучли омилига айланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Хоразм вилояти халқ депутатлари Кенгашининг III сессиясида «Халқимизнинг йўли - мустақиллик, озодлик ва туб ислохотлар йўлидир», деб номланган нутқида ҳозирги давр талабига мос вазифа қўйилдики, унда жумладан, шундай дейилди: «Бозор муносабатларига ўтиш даврида талабаларга иқтисодий билимларни, маркетинг, менежмент, бизнес соҳасида бизнинг иқтисодий ривожланишимизда бу тушунчаларнинг моҳияти ва роли борасида кўпроқ билим беришимиз мақсад-га мувофиқдир»¹.

Президентимиз ўртага қўйган масалаларга маълум даражада жавоб берувчи дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа ишларнинг яратилиши ҳозирги кун талабидир. Демак, янги иқтисодий тизимга ўтиш иқтисодий мустақил давлат куриш, кишилардан, ҳар биримиздан, биринчи навбатда, Ўзбекистон тақдири ва келажаги учун масъул бўлган ёшлар, уларда замонавий иқтисодий тафаккур, иқтисодий идрок ҳосил қилишдан бошлаш лозим.

Бундай иқтисодий тафаккур заминида кишиларда ўзи ва ўз халқи, Ватани тақдири учун масъулият ҳиссини уйғотиш ётади. Бунга эришиш учун иқтисодиёт илмини эгаллаш, иқтисодий қонунлар ва тушунчалар мазмунини чуқур идрок эта олиш, англаб етиш мутлақо даркордир.

Ўзбекистонда Президент И.Каримов томонидан таклиф қилинган модель асосида хусусийлаштириш ишини амалга ошириш учун ҳуқуқий негиз яратилди. Пировардида, чинакам миллий, маҳаллий ўзига хосликка мутаносиб хусусийлаштириш моделини рўёбга чиқариш имконияти пайдо бўлди. Бу модель амалда «Ўзбек модели» номини олганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсади эркин бозор иқтисодиёти ва очиқ ташқи сиёсат ўтказувчи кучли ҳуқуқий давлат, демо-

¹ Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. –Т.: «Ўзбекистон», 1996, 280-бет.

кратик фуқаролик жамият куришдан иборат эканлигини англаб олиш, идрок этишдан келиб чиқиб талабаларга иқтисодиёт назарияси фанини ўқитишни чуқурлаштириб сабоқ беришни ташкил этишдан иборат эканлиги исбот талаб қилмайдиган аксиомадир. Бозор иқтисодиёти бутун бир иқтисодий тизимдир, мураккаб муносабатлар комплекси-дир. Бунинг маъноси шуки, бозор муносабатларини доимо ўрганиб бориш асосидагина муваффақиятли хўжалик юритиш, юксак натижаларга эришиш, ўз мулкингиз ва маблағларингиздан энг юқори самара олиш, оқибат-натижада фаровон ва тўқ ҳаёт кечириш мумкин. Одамларда яхши яшаш кўникмаларини ҳосил қилиш эса иқтисодиёт илми-ни эгаллаш орқалигина таъминланади.

«Агар олдимизда миллий бойликнинг кўпайишини, - дейди И.А.Каримов бошқа бир нутқида, - Республиканинг мустақиллигини, одамларнинг муносиб турмуш ва иш шароитларини таъминлайдиган қудратли, барқарор ва жўшқин ривожланиб боровчи иқтисодиётни барпо этиш»² каби буюк вазифа турганлигидан келиб чиқилса, бундай иқтисодиёт стратегик мақсад бўлган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилишнинг асоси³ - барқарорлашган, узлуксиз, юқори суръатлар билан ўсиб боровчи иқтисодиётни барпо этишдан иборат эканлиги аён бўлади. Иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини тезроқ ҳал қилиш, уларнинг ечимини излаб топиш, миллий истиқлол мафкурасининг мазмуни ва хусусиятларини англаш, идрок этиш кўп жиҳатдан кишиларнинг иқтисодиёт сирларини, айниқса, бозор ва бозор иқтисодиёти муносабатларининг мазмуни, уларнинг талаблари ва хусусиятлари, қонун-қоидаларини амалга ошираётган иқтисодий ислохотларнинг мақсади ва моҳиятини чуқурроқ билишга боғлиқдир. Иқтисодиёт назарияси фани иқтисодиёт тушунчалари, унинг қонун-қоидалари, тежамли хўжалик юритиш сирларини тадбиркорларнинг ва фирмаларнинг бир-бири билан манфаатли иқтисодий алоқали бўлиб, унумли меҳнат қилиш йўллари ва шаклларини ўргатади. Шу билан бирга, иқтисодиёт назарияси фани мамлакатимизда яшаётган барча кишиларнинг даромадлари, уларнинг турмуш даражаси фақат миллий иқтисодиёт тараққиётига боғлиқ эканлиги, шу юртда меҳнат қилаётган кишиларнинг ижодий меҳнати билан вужудга келган миллий маҳсулотларнинг кўпайиши, унинг тўғри тақсимланиши ва фойдаланилиши, миллий пул барқа-

² Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1999, 17-б.

³ Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман.«Фидокор» газетаси, 2000 йилнинг 8 июни.

рорлиги билан боғлиқлиги ҳақида ҳам таълим беради. Бу эса миллий истиқлол мафқурасининг одамлар онгида шаклланишида, уларнинг интеллектуал камолотга эришувида муҳим роль ўйнайди. Бироқ иқтисодиётнинг, шу жумладан, бозор иқтисодиётининг ички сирлари, унинг ижобий томонлари, муаммоли тугунларини синчиклаб ўрганишга ёрдам берадиган адабиётлар, қўлланмалар, афсуски, дарсликлар ҳанузгача етарли эмас. Шундай шароитда Республика Президенти И.А.Каримов мураккаб кўп қиррали масалаларни ёритиш муаммосига алоҳида урғу бериб, шундай деган эди: «Ҳозирги дунё ва ўзимизнинг реал воқелигимиздан келиб чиқиб, жаҳон илмий тафаккури бойлигига ва ўзимизнинг кадриятимиз ҳамда хусусиятларимизга асосланган дарсликларни ёритиш зарурияти ҳозирги кун талаби эканлиги, биринчи галда, тараққиётимизнинг ҳар бир йўналиши – жамиятимиздаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий муносабатларнинг ривожига ҳақида махсус дарсликлар, қўлланмалар, оммабоп адабиётлар яратиш зарур»⁴.

Юртбошимиз кўргазмасига асосланиб, камина олий ўқув юртлири талабалари учун бугунги давр талабига монанд дарслик яратишдан иборат долзарб ва ўта масъулиятли вазифани бажаришга жазм этдим.

Дарсликни яратиш жараёнида Ўзбекистон иқтисодиётининг бир бутун яхлит иқтисодиёт тарзида шаклланиши ҳисобга олиниб, унинг таркибига киритилган мавзулар бир-бирига боғлиқ бўлган умумий бир бутун иқтисодиёт масалалари бўйича таҳлил этилди. Муҳими, ишни бунёдга келтиришда янги стандартлар бўйича тузилган дастур талабларига асосланилди. Дарсликда дастурда баён этилган асосий ва зарур мавзуларнинг қамраб олинишига ҳаракат қилинди.

Дарслик Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, Ўзбекистон қонунлари ва меъёрий ҳужжатларидан фойдаланилган ҳолда юзага келтирилганлигини таъкидлаймиз. Шунингдек, иқтисодиёт назариясига бағишланган турли дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, жумладан, А.Ўлмасов, М.Шарифхўжаев, Ш.Шодмонов, А.Алимов, Т.Жўраев, А.А.Хаитов, Ф.Ж.Жалоловларнинг⁵ дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳам мазкур ишнинг яратилишида фойдаланилди.

⁴ Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман.«Фидокор» газетаси, 2000 йилнинг 8 юни.

⁵ Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. –Т.: Мехнат, 1995; Шодмонов Ш., Алимов А, Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси.-Т., 2002; Хаитов А.А., Жалолов Ф.Ж. Бозор иқтисодиётининг шаклланиш асослари. -Андижон вилояти матбуот бошқармаси «Нашриёт» бўлими, 1996.

Дарсликни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тавсия этилган дастурга асосланилди.

Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтиш маҳалида Ғарбда чоп этилган ўқув қўлланмалари, илмий асарлар ва маълумотларни ўрганиш кучайиб кетди. Айрим ўқув юртларида ҳатто АҚШ профессори П.Самуэльсоннинг «Экономикс» деб аталган асарини дарслик сифатида қабул қилиш кераклиги уқтира бошланди. Лекин бундай хатти-ҳаракатлар ўзини оқлай олмади.

Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиётига қадам қўйганига унча кўп йил ўтганича йўқ. Лекин, маълум даражада, бу жараён реал воқеликка айланиб бормоқда. Секин-аста бозорнинг моддий тўқинчилиги кучайиб бормоқда, ишлаб чиқариш илғорлашиб бормоқда, бозор иқтисодиётига ўтиш даври бошдан кечирилмоқда.

Ўтиш даврининг босқичлари қанча давом этишини олдиндан башорат қилиш муайян вақтнинг кечишини тақозо этади.

Дарсликда иқтисодиёт муаммоларини ҳозирги бозор иқтисодиёти воқелиги ва қонуниятларининг назарий ифодаси бўлмиш қонунлар ва тушунчалар, Республикамизда давом этаётган «ўтиш даври» воқелиги ва хусусиятларининг уйғунлигини жипслаштириб баён этишга ҳаракат қилинди. Мазкур иш Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети, Тошкент Давлат юридик институтларининг Иқтисодиёт назарияси кафедраларида тайёрланган дастур асосида ёзилган «Бозор иқтисодиёти назарияси» ўқув қўлланмаси, «Иқтисодиёт назарияси» маърузалар матни, «Иқтисодиёт назарияси» ўқув қўлланмаси материалларига асосланиб ёзилди. Ушбу сатрлар муаллиф тақдим этаётган мазкур дарслик тўла ва ҳар томонлама мукамал, деган даъводан йироқдир. Ҳар тўқисда бир айб дейилганидек, бу дарсликда ҳам камчилик ва мунозарали жиҳатларнинг бўлиши мумкин.

Дарсликка киритилган мавзулар охирида асосий таянч тушунчалар ва терминлар, такрорлаш учун саволлар ҳам берилди.

Дарслик олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган бўлиб, ундан ўрта махсус билим юртлари, лицей ўқувчилари, аспирантлар, иқтисодиётга қизиқувчи барча китобхонлар фойдаланиши мумкин.

Ўқув қўлланманинг айрим бобларини ёзишда асосий муаллифдан ташқари ИИВ Академияси Иқтисодиёт назарияси кафедраси

катта ўқитувчиси Оқил Бекнозов –IX боб, XII боб, XVI боб, XVIII бобларни профессор Норбой Бекнозов билан ҳамкорликда ёзган.

Муаллиф ушбу дарсликнинг тузилиши, мазмунини янада бойитишга қаратилган ҳар қандай таклиф-мулоҳазалар, истак, фикрларни миннатдорчилик билан қабул қилади ва қайта нашр қилишда ҳисобга олади, уларни ушбу манзилга юборишларини сўрайди:

Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ, 35.

I БОБ. ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА БИЛИШ УСЛУБИ

1-§. Иқтисодиёт назариясининг фан сифатида шаклланиши

Инсоният ҳаёти ва унинг тараққиёти жуда мураккаб, кўп қиррали ва ғоят чигал муаммоларга бойдир. У кишиларнинг моддий неъматлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, фан, маданият, сиёсат, мафкура, ахлоқ, давлатни бошқаришдаги, ниҳоят, оиладаги ва бошқа соҳалардаги фаолият турларининг борган сари кўпайиб, ривожланиб боришидан, уларнинг ўзгариб туришидан иборат. Узоқ даврлар давомида инсоният тафаккури томонидан бош қотириб аниқланган айрим масалалар бугунги кунда жуда оддий ҳақиқат ва осон билиш мумкин бўлган нарсага ўхшаб кўринади.

Масалан, ҳозирда ҳаммага маълумки, сиёсат, санъат, адабиёт, маърифат, маданият каби соҳалар билан шуғулланувчи кишилар, талабалар ўқишга боришдан, ишчи ёки деҳқон ишга боришдан олдин овқатланишлари, кийинишлари лозим. Бунинг учун эса озиқ-овқат, кийим-кечак, уйжой ва турли хизматлардан иборат ҳаётий воситалар керак бўлади. Унинг заминида, энг аввало, айнан ишлаб чиқариш инсониятнинг мавжуд бўлиши учун энг оддий, шу билан бирга, энг асосий шарт-шароит, яъни ҳаётий неъматлар яратиш лозим деган оддий ва ишончли ҳақиқат ётади.

Демак, инсоннинг турли хил фаолияти ичида энг асосийси, яъни инсониятнинг мавжуд бўлиши ва унинг ўсишини таъминлайдиган фаолиятдир, аниқроғи, моддий ва маънавий неъматлар ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш, яъни иқтисодий фаолиятдир. Ижтимоий тафаккур узоқ муддат турли афсоналар ва чалкашликлар орасида адашиб юриб, шу оддий ҳақиқатни билишга эриша олади.

Иқтисодий ҳаёт сирларини билиш ва шу йўналишдаги фаолиятнинг асосий йўналишларини аниқлашга интилиш жуда қадим замонлардан мавжуд бўлиб, бу интилиш иқтисодий фаолиятни тартибга солиш, уни кишилар учун керакли томонга йўналтириш, ижобий таъсир этиш заруриятидан келиб чиққандир.

Иқтисодиётга оид билимлар антик дунёнинг кўзга кўринган олимлари Ксенофот, Платон, Аристотель асарларида, шунингдек қадимги Миср, Хитой, Ҳиндистон ва Марказий Осиё донишмандларининг асарларида қараб чиқилган эди.

Узоққа бормасдан шуни таъкидлаш лозимки, минг йиллар оша бизга етиб келган муқаддас Қуръони Карим, Ҳадислар, Қобуснома сингари ноёб манбалар, буюк ота-боболаримиз Абу Али Ибн Сино, Форобий, Абу Райхон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Темур асарларида инсоннинг яшаши учун табиат эҳсонлари етарли эмаслиги, уларни кўпайтириш учун эса ижодий меҳнат қилиш кераклиги қайта-қайта уқтирилгандир.

Муҳими, бу манбаларда ҳеч бир инсон ўзи учун зарур бўлган истеъмол буюмларининг ҳаммасини якка ўзи ярата олмаслиги, шунинг учун доимо иқтисодий алоқада, муносабатда бўлиши объектив зарурият эканлиги алоҳида қайд қилинганлигидадир.

Бундан ташқари, кўрсатилган обидаларда хўжаликларнинг ҳамма тури (уй, шаҳар, давлат)да даромад билан харажат мувозанатига катта эътибор берилиши лозимлиги таъкидланган, пулнинг мазмуни ва унинг келиб чиқиш сабаблари очиб берилган.

Амир Темурнинг иқтисодий сиёсати унинг «Тузуклари»да ба-тафсил баён этилган бўлиб, унда кишиларга касб-ҳунар ўргатиш, уларни иш билан банд қилиш, тижорат билан шуғулланиши учун шароит яратиш, ҳазинадан сармоя ажратиш, зарурат туғилганда деҳқонларга экиш учун уруғлик, асбоб-ускуналар бериш, янги ер очганларни солиқдан озод этиш каби фикрлар ўзининг ифодасини топган.

Лекин Аристотелдан бошлаб бутун дунёнинг шимолидан жанубигача ижод қилган олимлари, шунингдек Марказий Осиёнинг кўпгина донишмандлари иқтисодиётни изчил ўрганишни таъкидлаган, ва унинг айрим қонун-қоидалари, тушунчаларини шарҳлаб берган бўлсалар ҳам ҳали иқтисодиёт назарияси фани мустақил фан сифатида шаклланмаган эди.

Иқтисодиёт назарияси фани шундай фан сифатида кўпгина мамлакатларда миллий бозор оёққа турган ва жаҳон бозори вужудга келаётган даврларда «сиёсий иқтисод» номи билан шакллана бошлади.

“Сиёсий иқтисод” русча “политическая экономия” терминининг ўзбекча таржимасидир. Русча бирикма таркибидаги политический сўзи, политика терминининг сифат туркумига мансуб шакли ҳисобланади. Ўз навбатида, политика термини аслида грекча (юнонча) *politike* сўзидан ясалган бўлиб, “давлатни бошқариш” маъносини билдиради. Экономия термини ҳам грекча бўлиб, *oikonomia* (*oikos* «уй»-*nomos* «қонун») сўзидан ясалганки, у “хўжаликни бошқариш” маъносини ифодалайди. 1575-1621 йилларда яшаб, ижод қилган

француз иқтисодчиси Антуан Монкретьен «Сиёсий иқтисод трактати» (1615) номли кичик илмий асарида биринчи марта бу фанни иқтисодиётни бошқариш фани сифатида асослаб берган эди. Кейинчалик, Ф.Энгельс ўзининг “Анти-Дюринг” асарида бу фикрни тасдиқлаб, сиёсий иқтисод кенг маънода моддий ҳаётини воситаларни ишлаб чиқариш ва айирбошлашни бошқарувчи қонунлар тўғрисидаги фандир, деган фикрни билдирган.

Иқтисодиёт назарияси фанининг шаклланиши жараёнида бир қанча ғоявий оқимлар, мактаблар вужудга келган. Уларда жамият бойлигининг манбаи нима, у қаерда ва қандай қилиб кўпаяди, унинг асосини нима ташкил этади, қайси соҳаларда яратилади, қандай кўпаяди, деган саволларга жавоб изланилган. XV асрда таркиб топган бундай иқтисодий оқимлардан бири «меркантилизм» деб аталган («мерканти» италянча «савдогар, савдо қилувчи» маъносини ифодаловчи сўздан келиб чиққан. Европа мамлакатларида ҳукм сурган иқтисодий қарашларнинг мажмуаси бўлмиш бу оқим тарафдорлари кишиларнинг, жамиятнинг бойлиги пулдан, олтиндан иборат, бойлик савдода, асосан, ташқи савдода муомала жараёнида яратилади ва кўпаяди, савдода банд бўлган меҳнат унумли меҳнат, бошқа меҳнатлар эса унумсиздир, деб ҳисоблашган.

Шунинг учун ҳам меркантилизм тарафдорлари давлат саноати, иш ҳақи ва бошқа ресурслар харажатларини камайтириб, «экспорт ҳажмини кўпайтириш учун зарур чоралар кўриш керак», деган ғояни илгари сурганлар. Инглиз иқтисодчиларидан У.Стаффорд, Т.Кан, А.Серра, француз иқтисодчиси Ж.Б.Кольбер кабилар шу мактабнинг тарафдорлари ҳисобланади.

Кейинчалик айирбошлаш ёхуд савдо жараёнида ҳеч қандай бойлик яратилмаслиги, кўпаймаслиги маълум бўлиб қолди. Чунки фақат айирбошлашнинг эквивалентлик (тенг меҳнатга тенг меҳнат) мувозанати бузилган тақдирда бойлик бировлар фойдасига қайта тақсимланади, натижада кимдир бойиб, кимдир хонавайрон бўлади.

Кейинги оқим «физиократия», (грекча *phusis* табиат, *kratos* ҳокимият) яъни «табиат ҳукмдорлиги» деб аталган. Улар меркантилистлардан фарқли ўлароқ, бойлик қишлоқ хўжалигида яратилади ва кўпаяди, деган ғояни илгари сурадилар. Уларнинг вакили бўлмиш Ф.Кенэ томонидан машҳур иқтисодий жадвал ишлаб чиқилди. Кейинчалик иқтисод фанининг классик мактаби намоёндалари бўлмиш А.Смит, У.Петти, Д.Рикардо каби атоқли иқтисодчи олимлар бойлик

фақатгина қишлоқ хўжалигидагина эмас, шу билан бирга, саноат, транспорт, қурилиш ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам яратилишини исботлаб бердилар, ҳамма бойликнинг онаси ер, отаси меҳнат, деган қатъий илмий хулосага келдилар. Физиократлар биринчилардан бўлиб, иқтисодий категориялар, пул, иш ҳақи, фойда орқали яхлит такрор ишлаб чиқариш мумкинлигини таҳлил қилишди ва иқтисодий ривожланиш қонунларини тадқиқ этишга уриниб кўришди. Ф.Кенэ ўзи тузган «иқтисодий жадвал»ида биринчи бўлиб такрор ишлаб чиқариш чизмасини ишлаб чиқди. Ф.Кенэнинг бу ғояси XX асрда жами ижтимоий маҳсулотлар тармоқлараро балансининг юзага келишига назарий асос бўлди. Физиократлар ўзлари яшаган жамиятда кишиларнинг товарлар ишлаб чиқаришга сарфлаган меҳнати қиймат шаклида намоён бўлишини, ҳаракат қилишини, айрим кишилар меҳнаткашларни эксплуатация қилиб, уларнинг меҳнати эвазига яшаб, бойлик тўплашини тушунтирдилар. Шунини айтиш керакки, А.Смитнинг «кўринмас қўл» принципи ҳозирги кунда жуда кўп тилга олинмоқда. У ўзининг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот» (Москва, 1976) номли асарида инсонни фаоллаштирадиган асосий рағбат шахсий қизиқишдир, деб кўрсади. Мазкур асарда, шунингдек инсон ўз шахсий қизиқишини амалга оширишга интилиб меҳнат тақсимооти шароитида қандайдир товар ёки хизмат турини яратади, бошқаларга етказиб беради, ўз капиталини кўпайтиради ва шу интилишда ўзи билмаган ҳолда жамият тараққиётига ҳисса қўшади деб уқтирилади. У капитал, меҳнат, товар, инсон ва бошқа ресурсларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш принципини илгари суради.

Иқтисодиёт назарияси фанининг ривожланишида С.Сисмонди, У.Петти, А.Смит, Д.Рикардо каби тармоқ хусусиятларидан қатъи назар, ишлаб чиқариш, шунингдек неъматларнинг тақсимланиш масалаларини ўзларининг асосий тадқиқот объектлари қилиб олишган эди. Бу иқтисодчилар кўплаб иқтисодий жараёнларнинг илмий ифодаси бўлган тушунчаларни ва категориялар системасини ишлаб чиқишди ва уларни асослаб беришди.

К.Маркс иқтисодчилардан А.Смит, Уильям Петти, Д.Рикардолар томонидан бошланган қиймат назариясини ёрқин ва тушунарли қилиб хулосалади. К.Маркс томонидан товарда гавдаланган меҳнатнинг икки ёқлама характери ва ундан келиб чиқувчи товарнинг икки хил хусусияти, улар ўртасидаги зиддиятлар ҳаракати изчил очиб

берилди, қўшимча қиймат қонуни кашф қилинди. У ишлаб чиқариш жараёнида истеъмолда бўлган ишлаб чиқариш воситаларининг қиймати, ишчи ўзининг истеъмоли учун кетадиган зарурий маҳсулот қийматидан ташқари қўшимча меҳнат қилиб, қўшимча меҳнат ярата олишини кўрсатиб берди, қўшимча маҳсулот ҳисобидан жамғариш, тиббиёт, маориф, маданиятни ривожлантириш, давлатни бошқаришни, мудофаани мустаҳкамлаш ва уларни маблағлар билан таъминлаш мумкинлигини исботлаб берди.

Қўшимча маҳсулот фақат эксплуатациянинг мавжудлигини исботлайдиган кўрсаткич эмас. Шу барча тараққиётнинг иқтисодий мезони, унинг манбаи эканлиги исботланди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан “маржинализм” (французча *marge* «ёзилган саҳифада қолдирилган очиқ жой (поле)» маъносини билдиради) деб аталган оқим вужудга келиб, шакллана бошлади. Бу оқим тарафдорлари ўз тадқиқотларида индивидуал иқтисодий хулқнинг субъектив таърифини асос қилиб олдилар. Бундан ташқари, иқтисодий таҳлилда оғирлик нуқтаси ишлаб чиқариш харажатлари ва сарфларидан натижаларга ўтказилади. Маржинализм назарияси аниқ олинган товарга бўлган талаб ва унинг баҳоси ўртасидаги боғлиқлик ҳамда ўзаро таъсирни таҳлил қилишда кенг қўлланилди. Улар томонидан чегаравий фанга чегаравийлик қоидаси киритилдики, бу математик таҳлил усулларида кенг фойдаланиш имконини яратди. Ушбу йўналишда иқтисодий фанда бир қатор мактаблар шаклланди, уларнинг бир қисми ҳозирда эътироф этилиб, тан олинган. Жумладан, австрия мактаби намоёндалари К.Менгер, Э.Бем-Беворклар неъматларнинг чегаравий фойдалилиги назарияси билан таниқлидир. Унга мувофиқ неъматларнинг қиймати унинг чегараланганлиги ва ноёблиги билан аниқланади.

Иқтисодиёт назариясининг янги йўналиши неоклассик (яъни янги классик) деб ном олди. Бу назариянинг йирик намоёндаларидан бири А.Маршалл бўлиб, иқтисодий жараёнларнинг функционал боғланиши ва функционал нисбатларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилди. Унинг фикрича, бозор мувозанати ва баҳосини аниқловчи омиллар талаб ва таклифдан иборат. Бу назарий йўналишнинг намоёндаларидан бири Швейцария иқтисодчиси Леон Валрас бўлиб, у умумий иқтисодий мувозанат моделини ишлаб чиқишга ҳаракат қилди.

Австрия иқтисодий мактабининг намоёндаси Ц.Шумпетер «Иқтисодий тараққиёт назарияси» (1912) деб аталган китобида иқтисо-

дий тизимлар ўзгаришининг ички кучларини, унинг ички мазмунини ва туртки берувчи ички кучини кўрсатишга ҳаракат қилиб, иқтисодни асосий ҳаракатга келтирувчи куч тадбиркордир, деган хулосага келади.

Инглиз иқтисодчиси Джон Кейнс ўзининг «Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси» (1936) деган китобида макроиқтисодий кўрсаткичлар – даромад (капитал харажатлар), истеъмол ва жамғаришларнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиб, инвестиция ва истеъмолнинг энг мақсадга мувофиқ тарзда ташкил топиши иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили эканлигини исботлаб беради. Кейнс таъсири билан иқтисодиётда макроиқтисодий таҳлил йўлга қўйилди.

Ҳозирги иқтисодий назариянинг муҳим йўналишларидан бири “монетаризм” деб аталади. Унинг асосчиларидан бири америкалик иқтисодчи Милтон Фридмен тадқиқотининг негизда иқтисодиётни барқарор қилишда пул омили асосий роль ўйнайди, деган ғоя ётади.

Америкалик олим Василий Леонтьев «харажат-натижа», деб аталмиш иқтисодий назариянинг асосчиси дир.

Ҳозирги пайтда маржинализм, монетаризм, кейнсчилик ва бошқа қатор йўналишдаги иқтисодий таълимотлар мажмуи «Экономикс» («Иқтисод») номли китобда мужассамлашган бўлиб, у АҚШ, Англия ва бошқа қатор мамлакатларда дарслик ҳисобланади. Рус тилига таржима қилинган ва бизга маълум бўлган П.Самуэльсон, Макконнелл ва Брюлар каби иқтисодчиларнинг асарлари унинг намуналаридир. Шундай қилиб, иқтисодиёт назарияси фани аввалда политическая экономия (сиёсий иқтисод), кейин эса экономикс номи билан юритила бошланди.

Ҳозирги пайтда бу фан юртимизда ва бошқа қатор мамлакатларда иқтисодиёт назарияси деб атала бошлади.

Иқтисодиёт назарияси фан сифатида шакллангунгача босиб ўтилган йўллар, вужудга келган ғоялар, оқимлар жуда мураккаб, бир-бирига зид ва қарама-қаршидир. Шундай бўлса-да, улар бир-бирини тўлдириб, иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларнинг ички зиддиятларини, қонунларини маълум даражада ифодалаб келди. Шунинг учун уларни билиш ва Ватанимиз иқтисодий равнақи йўлида улардан фойдаланиш зарурдир.

2-§. Иқтисодиёт назарияси фанининг тутган ўрни, вазифаси ва предмети

Иқтисодиёт назарияси фани нимани ўрганеди, деган саволга тўғри жавоб бериш учун, аввало, иқтисод, иқтисодиёт тушунчаларини ва иқтисодиёт назарияси фанининг мазмунини, унинг мақсад ва вазифаларини билиш лозимдир.

Инсонлар фаолияти ичида энг муҳими ва асосийси иқтисодий фаолиятдир. Бир-бири билан чамбарчас боғлиқликда амал қиладиган иқтисодий фаолиятларнинг барчаси яхлит қилиниб бир сўз билан иқтисод деб, аталади.

Қадимда иқтисодий фаолиятнинг асосий шакли уй хўжалиги тарзида бўлганлиги учун иқтисод деган тушунча пайдо бўлган эди (унинг келиб чиқиши ҳақида юқорида маълумот берилган эди). Лекин ҳозирги даврда иқтисод фақат уй ёки индивидуал хўжаликдан иборат эмас, балки йирик жамоа, ҳиссадорлик, давлат хўжаликлари, молия ва банк системалари хўжаликлараро, давлатлараро кўшма корхоналар, давлатлар ўртасидаги турли иқтисодий алоқалардан ташкил топган бўлиб, жуда мураккаб соҳа ҳисобланади. Бунинг устига, ҳамма ресурслар, яъни маблағлар, табиий бойликлар, малакали ишчи кучлари чекланган. Шу чекланган ресурслардан оқилона фойдаланиб, аҳолининг тўхтовсиз ўсиб боровчи талабини қондириш, шу йўлда энг кам ресурс сарфлаб, кўпроқ натижага эришиш, ресурслар ва маҳсулотларни тўғри тақсимлаш йўлларини топиш ҳам иқтисодиёт назарияси фанининг мазмунини ташкил этади. Ҳамма фанлар каби иқтисодиёт назарияси фани ҳам, энг аввало, билиш вазифасини бажаради. У жамият иқтисодий ҳаётининг жараёнлари ва ҳодисаларини ўрганиш ва уларни тушунтириб беришга даъват этади. Бу фан фундаментал бўлиб, иқтисодий ҳаётнинг айна моҳиятига кириб бориши, иқтисодий жараёнларни бошқарувчи қонунларни кашф этиши ва бу қонунлардан фойдаланиш йўлларини кўрсатиб бериши лозим. Иқтисодиёт назарияси билишнинг назарий ва амалий вазифалари бир-бири билан узвий алоқадор эканлигини ҳам ифодалайди. Зеро, иқтисодиёт назарияси фани рақам ва далилларни фақат йиғиб, юзаки келтириб ўтиш билан чегараланиб қолмай, уларни назарий ва илмий жиҳатдан чуқур таҳлилдан ўтказиб, жамиятнинг ривожланиш қонунларини кашф этади ва уларни ҳаётга татбиқ қилади.

Иқтисодиёт назарияси фанининг яна бир вазифаси – тармоқ соҳалар иқтисодиёти фанлари учун методологик манба бўлиб ҳисобланишидир. У тармоқ (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва ҳоказолар иқтисоди), фундаментал (меҳнат иқтисодиёти, молия, пул муомаласи ва кредит, иқтисодий статистика ва бошқалар) каби фанларнинг назарий пойдевори сифатида майдонга чиқади. Бундан ташқари, мазкур фан билимнинг турли тармоқлари чегарасида туташган фанлар, масалан, иқтисодий география, демография, иқтисодиёт тарихи, бошқариш назарияси кабилар билан алоқадор бўлиб, бу фанларнинг ривожланишига хизмат қилади.

Шунинг учун иқтисодиёт назарияси фанини ҳозирги даврда қисқа қилиб, ижтимоий хўжаликни самарали юритиш ва бошқариш қонун-қоидаларини ўргатувчи фан деса бўлади. Иқтисодиёт назарияси фани иқтисодий тизимлар, уларнинг таркиби ва ўзгариши йўллари хам ўрганади.

Тарихий тараққиёт даражасига қараб, турли даврларда ва турли мамлакатларда иқтисоднинг тизимлари турлича бўлиши мумкин.

Ҳозиргача иқтисоднинг бир неча тизими маълум:

- 1) анъанавий иқтисод тизими;
- 2) бозор иқтисоди тизими;
- 3) маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодий тизим;
- 4) онгли равишда тартибга солинадиган уюшган иқтисодий тизим.

Иқтисод қамраб олиш даражасига қараб ҳам турлича бўлиши мумкин. Масалан: халқ хўжалиги ёки мамлакат иқтисоди, тармоқ иқтисоди, функционал иқтисод, минтақа иқтисоди, корхона ёки фирма иқтисоди ва бошқалар.

Баъзан улар яхлитлаштирилиб макроиқтисод ва микроиқтисод деб аталади. Санаб ўтилган тармоқ ва функционал иқтисодни ўргатувчи фанлар алоҳида бўлиб, улардан ҳар бирининг ўз предмети ва вазифалари мавжуд.

Иқтисодиёт назарияси бу фанлар билан чамбарчас боғланган ҳолда амал қилади, улардан ўз ифодасини топган айрим аниқ жиҳатларни олади ва ўрганади. Шу билан бирга, иқтисодиёт назарияси фани аниқ иқтисодий фанларнинг назарий асоси ва уларнинг фундаментал асоси бўлиб хизмат қилади, уларга назарий ва услубий йўналиш беради.

Иқтисодиёт назарияси фани ижтимоий фан бўлганлиги учун, фалсафа, ҳуқуқ, сиёсатшунослик, тарих каби ижтимоий фанлар билан чамбарчас боғлиқдир, чунки улардан услубий ва бошқа илмий озуқа олади, ҳамда ўз навбатида, улар учун ҳам манба бўлиб хизмат қилади. Лекин уларнинг биронтаси ҳам иқтисодиёт назарияси фанининг ўрнини боса олмайди, чунки унинг ўз вазифаси ва предмети бордир.

Иқтисодиёт назарияси фани сиёсий иқтисод номи билан юритилганда унинг предмети ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида содир бўладиган муносабатларни, яъни ишлаб чиқариш муносабатларини ўрганишдан иборат фан деб қаралар эди.

Иқтисод (Экономикс)нинг предмети кишиларнинг моддий талабларини тўлароқ қондириш мақсадида чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш муаммоларини таҳлил қилиш, кишиларнинг хулқ-атворини ўрганишдан иборат. Бундан кўришиб турибдики, сиёсий иқтисодда ишлаб чиқариш жараёнида қатнашаётган кишилар ўртасида бўладиган муносабатни ўрганишга алоҳида эътибор берган бўлса, экономиксда кишиларнинг ресурсда, ашё ва буюмларга муносабатини ўрганишга, ресурслардан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор берилган.

Иқтисодиёт назарияси фани масаланинг у томонини ҳам, бу томонини ҳам четда қолдира олмайди. Чунки ҳар қандай меҳнат, ҳар қандай ишлаб чиқариш, энг аввало, табиат ашёлари, моддий воситалар орқали амалга оширилади ва улардан фойдаланилади. Шунинг учун бу фанда мавжуд ресурсларга, ишлаб чиқарилган товар ва хизматларга, улардан унумли фойдаланишга бўлган муносабат, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирига таъсири ўрганилиши лозим. Иккинчи тарафдан, ҳеч қандай меҳнат ёки ишлаб чиқариш алоҳида олинган киши ёки гуруҳ томонидан, бошқалар билан алоқаларсиз амалга оширилмайди. Улар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида, албатта, ўзаро бир-бирлари билан ҳам, бошқалар билан ҳам алоҳида муносабатда бўладилар, ва шу муносабатга қараб ҳаракат қиладилар, ўз хулқ-атвори, хатти-ҳаракатини белгилайдилар. Демак, иқтисодиёт назарияси фани шу муносабатларнинг ҳар икки томонини қамраб олган бўлиши, уларни ўрганиши лозим. Бундан ташқари, мазкур муносабатлар, хатти-ҳаракатлар ишлаб чиқариш жараёнининг ҳамма фазаларида ишлаб чиқариш, пул орқали айирбошлаш (сотиб олиш, сотиш), тақсимлаш ва фойдаланиш, яъни истеъмол қилиш жараёнларида ҳам содир бўлади.

Мана шуларни ҳисобга олиб, иқтисодиёт назарияси фанининг предмети иқтисодий ресурсларни ва маҳсулотларни ҳамда хизматларни яратиш, тақсимлаш, айирбошлаш, унумли фойдаланиш бўйича кишилар ўртасидаги муносабатлар тизимини, ижтимоий хўжаликни самарали юритиш ва бошқариш қонун-қоидаларини ўрганишдан иборатдир, деб айтиш мумкин.

Иқтисодиёт назарияси фани иқтисодни соф ҳолда эмас, балки социал-сиёсий, руҳий-ахлоқий, миллий-демографик омиллар таъсирини инобатга олган ҳолда ўрганади.

Иқтисодиёт назарияси фанининг мақсади ва вазифаларини икки томонлама, яъни амалий ва назарий томонлари ҳақида сўз юритиш мумкин.

Амалий иқтисодиётнинг асосий мақсади иқтисодий ривожланишни таъминлашдан иборат. Шу мақсаддан келиб чиқиб, унинг вазифалари қуйидагилардан иборат эканлигини таъкидлаш мумкин: чекланган турли хил ресурслардан самарали фойдаланиб, унинг ҳар бир бирлиги эвазига кўпроқ товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни таъминлаш, ҳар бир фаолият тури бўйича харажатлар миқдори билан эришилган натижа, яъни товар ва хизматлар миқдорини таққослаш, ресурсларлардан самаралироқ фойдаланиш йўллари топиш ва бошқалар. Бундан ташқари, иқтисодиёт назарияси ишчи кучини иш билан таъминлаш, пул қадрсизланишининг олдини олиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш йўллари аниқлаб бериш каби муаммоларни ҳал этиб бериши лозим. Мазкур фан масалаларни макроиқтисод даражасида таҳлил қилиб, унинг соҳалари, кўрсаткичлари, омиллари ўртасида боғланишларни, иқтисодий ўсиш йўллари аниқлаб беради ва давлатнинг ташқи ва ички сиёсатида илмий асос бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, юқоридаги таҳлилларга асосланиб иқтисодиёт назарияси фанининг предмети қуйидаги умумлашган илмий тушунчага асосланиб-чекланган иқтисодий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш натижасида юксалиб бораётган инсон эҳтиёжларини максимал даражада қондириш мақсадида тобора кўпроқ моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва айирбошлашни оптималлаштириш жараёнида юзага келадиган алоқа ва боғланишларни, ижтимоий хўжаликни самарали юритиш, бошқариш соҳасидаги қонун-қоидаларни ўрганиш. Шунингдек, иқтисодиёт назарияси фани иқтисодий муносабатларнинг доимо шаклан ва мазмунан ўзгариб туриши, уларни асослаб

берувчи иқтисодий тушунчалар, қонун-қоидаларнинг ҳам ўзгариб туриши уларнинг доимий ҳаракати, ривожланиши каби масалаларни ўрганеди. Турли иқтисодий воқеа-ҳодисалар ва жараёнларнинг мазмуни, моҳияти ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги ҳамда бир-бирига таъсирини ҳам ўрганиш иқтисодиёт назарияси фанининг вазифасидир.

3-§. Иқтисодий қонунлар ва категориялар (тушунчалар)

Ҳар қандай фанлар қатори иқтисодиёт назарияси фанининг ҳам асосий вазифаси иқтисодий муносабатлар ҳақида маълумотлар йиғиш, системалаштириш, изоҳлаб бериш ва улар асосида тегишли хулосалар чиқаришдан иборатдир. Кузатиш ва таърифлаш, аниқлаш, ва тасниф қилиш - булар фақат тайёргарлик иши ҳисобланади. Лекин биз эришмоқчи бўлиб, интилаётган нарса иқтисодий воқеа-ҳодисаларнинг боғлиқлигини билишдан иборатдир. Бошқача қилиб айтганда, иқтисодиёт назарияси фанининг асосий вазифаси иқтисодий қонунларни билиш ва уларнинг мазмунини очиқ бериш ҳисобланади. Ҳар қандай жамиятда иқтисодий жараёнлар, уларга хос бўлган ички қонунлар, иқтисодий фаолият қонунлари билан бошқарилади. Иқтисодий ҳаёт қонунларининг мавжудлиги тараққиёт жараёнида кутилмаган, тасодифий ҳодиса ва воқеаларнинг пасту баландликлари мавжудлигини инкор этмайди. Лекин иқтисодий қонунлар алоҳида олинган бир ҳодисада намоён бўлмайди, балки ҳодисалар ва жараёнларнинг йиғиндисида кўринадиган ҳукмрон тенденциялар тарзида намоён бўлади.

Иқтисодий қонунлар деб, иқтисодий жараёнлар ўртасидаги доимий такрорланиб турадиган, барқарор типик сабаб-оқибат алоқаларини, уларнинг боғлиқлигини ифодаловчи воқеа-ҳодисаларга айтилади. Жамиятдаги барча ишлаб чиқариш ва тақсимотга, айирбошлаш ва истеъмолга боғлиқ бўлган муносабатлар иқтисодий қонунлар орқали бошқарилади ва йўналтириб турилади.

Иқтисодий қонунлар ижтимоий ҳаётнинг у ёки бу соҳасини ривожлантиришнинг муҳим, асосий йўналишларини ифодалайди.

Иқтисодиёт назарияси фани томонидан очиқ берилган иқтисодий қонунлар объектив амал қилаётган иқтисодий қонунларнинг умумлашган назарий ифодаси бўлиб, объектив реалликни илмий билиш натижасидир, унинг инсон онгидаги инъикосидир. Иқтисодий қонунлар объектив характерга эга бўлиб, уларнинг келиб чиқиши,

амал қилиши ривожланиши ва ҳалок бўлиши алоҳида кишиларнинг онгига, хоҳиш-иродасига боғлиқ эмас. Маълум иқтисодий фаолиятлар типичан мавжуд экан, шу тарихий даврда, шарт-шароитга мос келадиган иқтисодий қонунлар ва категориялар вужудга келади ва амал қилади. Лекин иқтисодий қонунлар одамларнинг иқтисодий фаолиятдан ташқарида, улардан ажралган ҳолда амал қилмайди, балки айнан одамларнинг фаолияти, уларнинг хатти-ҳаракатлари, иқтисодий хулқ-атвори туфайли таркиб топади ва улар орқали намоён бўлади. Кишилар иқтисодий қонунларнинг характерини, талабларини билиб, ундан фойдалана олишлари лозим. Масалан, кишилар вақтни тежаш қонунини, ишлаб чиқариш ёки бозор мувозанати қонунлари талабларини билсалар, шунга биноан, қарорга келиб, ўзаро келишиб, фаолият кўрсатсалар бир қанча иш вақти ва бошқа чекланган ресурсларни тежашлари, ўз фаолиятларини самарали олиб боришлари мумкин. Бу талабларга зид ҳар қандай қарорлар ва хатти-ҳаракатлар кишилар хоҳлайдиларми-йўқми, бундан қатъи назар, муқаррар равишда кўплаб хўжалик қийинчиликларига дуч келади ва натижада ресурслар исрофгарчилигига йўл очиб берилади.

Иқтисодий қонунлар табиат қонунлари сингари объектив бўлиб, уларнинг юзага келиши, яшаши, амал қилиши ёки амал қилмаслиги кишилар, сиёсий кучлар истаги, талабига мутлақо боғлиқ бўлмайди. Масалан, йил фаслларининг ўрнини ҳеч қачон кишиларнинг хоҳиши билан ўзгартириб бўлмаганидек, иқтисодий қонунларнинг ҳам амал қилиши, ҳаракатини тўхтатиб қўйиш, бекор қилиш, бири ўрнига иккинчисини қабул қилиш мумкин эмас.

Иқтисодий қонунлар ҳам табиат қонунларига ўхшайди, шунинг учун улардан билиб фойдаланилар экан, инсониятга, мамлакатларга фойда келтиради, улардан борди-ю, уларнинг талабларини билмасдан, кўр-кўрона хатти-ҳаракат қилинса, катта зарарлар кўрилади. Лекин иқтисодий қонунларнинг табиат қонунларига ўхшамайдиган жиҳатлари ҳам мавжуд. Уларнинг фарқи шундаки, табиат қонунлари доимийдир, иқтисодий қонунлар эса ўзгарувчан бўлиб, кишиларнинг фаолияти билан боғлиқдир.

Иқтисодий қонунлар иқтисодий жараёнлар ўртасидаги доимий такрорланиб турувчи, барқарор, аниқ сабаб-оқибат алоқаларини, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ифодаловчи воқеа-ҳодисаларнинг, муносабатларнинг илмий мажмуидир.

Жамиятдаги барча ишлаб чиқариш ва тақсимотга, айрибошланиш ва истеъмолга боғлиқ бўлган муносабатлар иқтисодий қонунлар орқали бошқарилади ва йўналтириб турилади.

Иқтисодий қонунлар буюк мутафаккирлар томонидан иқтисодий тафаккурнинг маҳсули сифатида ифода этилиб, унга амал қилиш моҳияти, талаблари аниқлаб берилди.

Шунинг учун иқтисодий қонунларни билиш, ўрганиш унинг талабларига мос равишда хўжалик юритиш, бошқариш ижобий натижалар беради. Оқибатда иқтисодиёт барқарор ўсади, таназулларга йўл қўйилмайди, халқ эҳтиёжлари қондирилиб, инсон турмуш даражаси кўтарилди, ҳаёти фаровон бўлади. Аксинча, иқтисодий қонунларни билмаслик, ўрганмаслик, уларнинг талабларига мос иш юритмаслик натижасида хўжалик фаолиятининг пировард яқунлари самарасиз ёки кам самарали бўлиши, ишлаб чиқаришдан кўзланган натижага, барқарор ўсишга эришиш қийинлашади. Шу сабабли кишиларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириб бўлмайди, халқ турмуш даражаси, ижтимоий аҳволи ёмонлашади, охир-оқибатда жамият иқтисодий инқирозга, ҳатто таназзулга учраши ҳам мумкин.

Шунинг учун кишилар ўз кучлари, тафаккури ёрдамида ўзлари яшаб турган муҳитни, шунингдек иқтисодий қонунларни ўрганиб, уларнинг моҳияти, ҳаракати ва амал қилиш йўллари билиб олишга интиладилар ҳамда улардан ўз фаолиятларида фойдаланадилар. Қайси жамиятда иқтисодий қонунларни билиб олишга ва улардан фойдаланишга кенг йўл очилса, ўша жойда иқтисодий ўсиш, иқтисодий барқарорликка эришилаётганлиги, ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўртача ўсиш суръати 4% ортиқ бўлаётганлиги, иқтисодий қонунлар талаблари асосида иш олиб борилаётганлигининг натижаси эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Иқтисодий қонунларни мамлакатларнинг қонун чиқарувчи органлари (Парламент, Сенат, Сейм, Олий Мажлис, Давлат думаси) томонидан қабул қилинадиган қонунлар билан бараварлаштириб бўлмайди.

Мамлакатларнинг қонун чиқарувчи органлари қабул қилган қонунлар иқтисодиётни ташкил этиш, унинг ҳаракати ва ривожланишини кафолатловчи ҳуқуқий асосларни белгилаб берувчи аниқ иқтисодий ҳолатдан, иқтисодий тараққиёт заруратидан келиб чиқилган ҳолда ишлаб чиқилади ва қабул қилинади. Бундай ҳуқуқий қонунлар тегишли тартибда қабул қилингандан кейингина ҳақиқий кучга

киради ва, пировардида, кутилган натижага эришиш имкони туғилади.

Мустақиллигимизнинг ўтган 13 йили мобайнида Республика-мизда ўтказилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини белгиловчи 400 дан ортиқ Қонун қабул қилинган. Муҳими, уларнинг 100 тадан ортиғи бевосита иқтисодий ислохотлар билан боғлиқ. Қуйидагилар шундай қонунлар жумласидандир: «Мулкчилик тўғрисида», «Тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Тадбиркорлик тўғрисида», «Қорхоналар тўғрисида», «Солиқ тўғрисида», «Банклар ва банклар фаолияти тўғрисида», «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида», «Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Ер тўғрисида», «Дехқон хўжалиги тўғрисида», «Фермер хўжаликлари тўғрисида», «Ширкат хўжаликлари тўғрисида», «Ижара тўғрисида» ва бошқалар. Ҳаёт талаблари тақозоси билан зарурат туғилганда бу каби қонунларга тегишли ўзгаришлар, қўшимчалар киритилиб, тўлдириб борилади.

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосларини ҳуқуқий қонунлар белгилаб берадики, улар билан иқтисодий қонунлар ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуддир. Шунинг учун ҳам иқтисодий қонунларни, шу билан бирга, уларни рўёбга чиқаришга хизмат қилувчи ҳуқуқий қонунларни ҳам билиш ва ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодий қонунлар бутун бир тизимлар мажмуидан иборат бўлиб, улардан ҳар бирининг ўз ўрни, мавқеи мавжуд.

Иқтисодиёт назарияси иқтисодий қонунларнинг ҳаракат механизмини турли гуруҳларга бўлиб ўрганади.

1. Умумий иқтисодий қонунлар кишилик жамиятининг барча босқичларида ҳаракат қилади. Улар, иқтисодиётнинг аниқ ижтимоий шаклидан қатъи назар, амал қилиш кучига эга бўлган қонунлардир. Бундай қонунларга вақтни тежаш қонуни, эҳтиёжларнинг ўсиб бориш қонуни, такрор ишлаб чиқариш қонуни, меҳнат унумдорлигининг ўсиши қонуни, меҳнат тақсимооти қонуни, жамғариш қонуни кабилар киради.

2. Формацион-махсус қонунлар муайян ижтимоий-иқтисодий тизимларда ҳаракат қилувчи қонунлар ҳисобланади. Буларга феодализм, капитализм, социализм тизимида мавжуд бўлган: қўшимча қиймат қонуни, меҳнатга қараб тақсимлаш қонуни, халқ хўжалигини режали ривожлантириш деб аталувчи қонунларни киритиш мумкин.

3. Хусусий иқтисодий қонунлар инсоният тараққиётининг бир неча босқичларида амал қилади. Масалан: талаб ва таклиф қонуни, қиймат қонуни, пул муомаласи қонуни ва бошқалар.

Умумий иқтисодий қонунлар, илмий тушунчаларни билиш, яхлит ва кенг маънода, иқтисодиёт назарияси фанини яратиш ёхуд тўлдиришда муҳим роль ўйнайди.

Иқтисод назарияси юқоридаги қонунлар билан бир қаторда иқтисодий категорияларни ҳам ўрганади.

Маълум бир иқтисодий муносабат ва унинг қонунларини билиб олиш уларни ифодаловчи иқтисодий категорияларни англаб етиш йўли билан амалга ошади. Шу сабабли иқтисодиётни ўрганиш унинг категорияларини билиб олишдан бошланади. Айрим иқтисодчилар иқтисодий категорияларни иқтисодиёт илмининг «калити» ёки «тили» деб ҳам атайдилар.

Иқтисодий категориялар, иқтисодий жараёнлар, ҳодиса ва воқеаларнинг бирон-бир алоҳида жиҳатларини характерлайдиган илмий тушунчалар ёки уларнинг илмий-назарий инъикосидир.

Назарияда иқтисодий категориялар гуруҳларга бўлиб ўрганилади.

1. Умумиқтисодий категориялар. Бундай қонунлар иқтисодий тараққиётнинг барча босқичларига хос, лекин ижтимоий-иқтисодий тизимга алоқаси бўлмаган умуминсоний муносабатларни ифодаловчи категориялар. Ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш омили, мулк, меҳнат жараёни, маҳсулот, иш вақти, меҳнат тақсимоти, айрибошлаш, истеъмол, иқтисодий манфаат, меҳнат унумдорлиги кабилар шундай категориялар жумласидандир.

2. Тизимнинг ўзига хос категориялари. Булар иқтисодий тараққиётнинг муайян бир босқичига, ижтимоий-иқтисодий тизимнинг табиатига алоқадор бўлган ва ўткинчи муносабатларни ифодаловчи махсус категориялардан иборат. Масалан, эксплуатация, рента, экспансия, рантье, аҳоли ортиқчалиги, қашшоқланиш, монополия, олигополия каби категориялар мавжудлигини билиш лозим.

3. Даврий оралиқ категориялар. Улар умуминсоний характердаги, лекин бир неча иқтисодий тизимлар шароитида амал қилувчи, тарихан узок сақланувчи, аммо ўткинчи мазмундаги иқтисодий муносабатларни ифодаловчи категориялардан иборат. Буларга бозор муносабатларига хос категориялар: товар, пул, талаб-таклиф, маркетинг, нарх-наво, инфляция ва бошқалар киради.

Иқтисодий муносабатлар ўзгариб турганлиги туфайли бирининг ўрнига бошқаси келиши, айримларининг янгиланиб туриши, бойиб бориши, янги қирраларининг пайдо бўлиши мумкин. Шу сабабли иқтисодий категориялар ҳам ўзгариб туради, илгари бўлмаганлари ўрнида янгилари пайдо бўлади. Масалан: интеграция, диверсификация, инфраструктура, конверсия, хусусийлаштириш, тасарруфдан чиқариш ва бошқалар.

Иқтисодий категориялар ўзига хос тизимлардан иборат бўлиб, унда ҳар бир категориянинг ўз ўрни ва мавқеи бор. Масалан, маълум иқтисодий давр иқтисодиётининг ҳолати бир неча иқтисодий тушунчалар орқали ифодаланади. Жами ижтимоий маҳсулот (ЖИМ), ялпи миллий маҳсулот (ЯММ), соф маҳсулотлар (СМ), зарур маҳсулот (ЗМ), қўшимча маҳсулот (ҚМ), ялпи даромад (ЯД), миллий даромад (МД), иқтисодий тушунчаларнинг айримлари иқтисодий ҳолатни умуман акс эттирса, бошқалари нисбий равишда ифодалайди. Агар соф маҳсулот иқтисодиётнинг ҳолатини буюм, маҳсулот шаклида ижтимоий меҳнат сарфини ифодаласа, миллий даромад қиймат-пул ҳисоби (қиёсий, қатъий ўзгармас нархлар) даги ҳолатини аниқлайди.

Иқтисодий тушунчалар ҳам иқтисодий қонунлар каби объектив характерда бўлиб, уларнинг мавжудлиги улар ифодаланадиган иқтисодий жараёнларнинг мавжудлиги билан белгиланади. Маълумки, иқтисодий жараёнлар доимо ўзгариб, ривожланишда бўлганлиги туфайли иқтисодий категориялар ҳам ўзгаради, ривожланади. Аммо улар иқтисодий қонунлар сингари абадий бўлмай, ўткинчи, тарихийдир. Иқтисодий қонунлар, категорияларнинг ўткинчи, тарихийлиги шундаки, уларни вужудга келтирган иқтисодий замин, иқтисодий муҳит ўзгариши туфайли янги иқтисодий асослар, шароитлар, иқтисодий муносабатларнинг келиб чиқиши билан иқтисодий қонунлар ва категория-тушунчалар ҳам ўзгаради ёки барҳам топади ёхуд бошқа шаклда майдонга келади.

Бугунги давр-бозор иқтисодиётига ўтиш, бозорга хос иқтисодий дастаклар билан хўжалик юритиш давридир. Шунинг учун ушбу муносабатларни ифодалайдиган иқтисодий қонунлар ва категорияларни ўрганиш ва улардан меҳнат фаолиятида самарали фойдаланиш зарур.

Ҳар бир фаннинг ўзига хос билиш усули, услубияти мавжуд. Услубият илмий ва аниқ ҳодиса бўлиб, объектив борлиқни билиш диалектикаси, мантиқи ва назариясини ўз ичига олувчи бир бутун таълимотдир. Услубият умумий хусусиятларга эга бўлади. Аммо ҳар

бир фан ўз предметидан келиб чиқиб, ўзининг илмий билиш усуллари асосида иш кўради. Услубият умумилмий ва хусусий бўлади.

Иқтисодиёт назарияси ҳам бошқа фанлар сингари ўз услубиятига эга. Улар, энг аввало, диалектик усул - яъни иқтисодиёт бири бири билан алоқада, узвий боғлиқда, зиддиятда, ўзаро таъсир қилиб турадиган турли бўғинлардан, бўлақлардан иборат бир жараён бўлиб, ҳар доим ҳаракатланиб, ривожланиб, мазмунан ва шаклан ўзгариб турадиган ички ва ташқи ҳодисалар билан узлуксиз алоқада бўлади. Мазкур фанда услубиятнинг хилма-хил турларидан фойдаланилади. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Илмий абстракция услуги. Маълумки, иқтисодий жараёнларнинг ўзгаришини ўрганишда, аниқлашда микроскоп ва кимёвий реактивлардан фойдаланиб бўлмайди, «*Назария – бу лаборатория фани эмас*»⁶. Уларнинг ўрнини абстракция эгаллайди, яъни иқтисодий таҳлил жараёнида ҳалал берувчи иккинчи даражали нарса, воқеа-ҳодисалар фикран четлаштириб ўрганилаётган объектнинг асл моҳиятига эътибор қаратилади, назарий умумлаштирмалар, илмий хулосалар чиқарилади. Бу усул ёрдамида иқтисодий воқеа ва ҳодисаларнинг табиатини, уларга хос қонуниятларни очиш имкони туғилади. Абстракциялаш натижасида иқтисодиётга оид энг муҳим, асосий далиллар ажратиб олиниб, таққосланади, улар ўртасидаги боғланишлар аниқланади. Булар, албатта, онг, тафаккур орқали амалга оширилади. Абстракциялаш механизми бўлмаса, жуда кўплаб фактлар орасидан асосийларини топиб тегишли назарий хулосалар чиқариш имкони бўлмайди. Абстракциялаш иқтисодиётнинг назарий моделини яратиш демакдир. Далилларга асосланган назарий умумлаштириш илмий асосга эга бўлади, чунки у реал борлиққа, воқеъликка асосланади.

2. Таҳлил ва синтез усуллари. Бунда ўрганилаётган бутун бир иқтисодий жараён алоҳида қисмларга бўлиниб, изчиллик билан ўрганиб чиқилади.

Синтез усулида ўрганилаётган нарса-ҳодисалардан олинган натижаларни яхлит, бир-бутун, умумий ҳолда олиб, умумий хулоса чиқариш кўзда тутилади.

3. Мантиқийлик ва тарихийликнинг ягоналиги усули. Иқтисодиёт назарияси тарихий фан сифатида тарихийлик, тарихий ривожланиш асосида тараққий этиб боради. Мантиқийликда иқтисо-

⁶ Макконнелл К.Р., Брю С.Л. «Экономикс». Москва, 1991. -С. 21

дий жараёнлар, фақат тарихий нуқтаи назардан эмас, балки асосий ички зарур қонуний боғланишлар орқали ҳам таҳлил этилади.

Иқтисодиёт назариясида, шунингдек *индукция ва дедукия, эксперимент, таққослаш, статистик, математик ва график усуллардан ҳам кенг фойдаланилади.*

Бу усуллар ёрдамида иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларнинг мазмуни, уларда юз бераётган ўзгаришлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари билиб олинади ва зарур ҳулосаларга келинади.

Билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, иқтисодиёт назарияси фанининг вазифаси ҳақида сўз юритиш мумкин.

Иқтисодиёт назарияси умуминсоний фан бўлиб, уч хил вазифани бажаради:

1) иқтисоднинг сир-асрорларини билиб олиш, уларни халққа етказиш, уларнинг иқтисодий билим савиясини ошириш;

2) бошқа иқтисодий фанларга илмий методологик асос бўлиб хизмат қилиш. Бошқа фанлар иқтисодиёт назарияси асослаб берган қонун ва категорияларга таянган ҳолда назария бошқа фанлар ҳулосасига асосланиб иқтисодий ҳодисаларни умумлаштиради. Масалан, микроиқтисод корхона фаолиятини ўрганишда олган натижаларига қараб, муайян тарзда назарий маълум умумлаштириш йўли билан янги қоидаларни асослайди, эскиларига ўзгартиришлар киритади.

3) амалий тавсиялар бериш. Бу тавсиялар умумиқтисодий характерга эга бўлиб, иқтисодий сиёсатга тегишлидир. Улар иқтисодий ўсишни ва унинг самарадорлигини ошириш, аҳолини тўла иш билан таъминлаш ва унинг фаровонлигини ошириш, иқтисодиётни барқарорлаштириш ва инфляцияни бартараф этиш, иқтисодий интеграциялаш ва ташқи алоқаларни кенгайтириш каби умумий аҳамиятга молик масалаларга эътиборни қаратади.

Иқтисодиёт назарияси ижтимоий-гуманитар фан сифатида иқтисодиётнинг *Нима? (Қанча ишлаб чиқариш?), (Қанча?), Қандай ишлаб чиқариш?, (Қандай?) Ким учун ишлаб чиқариш? (Кимга)дан иборат уч муаммосини ҳал этишига жавоб бериши керак.*

Маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётида муаммоларни давлатнинг марказий бошқарув муассасалари, масалан, нимани ва қанча ишлаб чиқаришни Давлат режа қўмитаси белгилайди. Ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларини жамиятда маҳсулотининг миқдори ҳар йиллик режаларда қатъий белгиланади. Ҳудудларда зарур талаблар ҳисобга олинмаганлиги туфайли, бир томондан,

кераксиз маҳсулотларнинг кўплаб захиралари пайдо бўлса, иккинчи томондан, зарур маҳсулотларнинг тақчиллиги, етишмовчилиги келиб чиқади. Ишлаб чиқариш кучларини қандай, қаерда жойлаштириш (қаерда, қандай завод, фабрика қуриш, қандай янги замонавий техника сотиб олиш, зарур, кўшимча ишчи кучини ишлаб чиқариш) учун керак ёки керак эмаслигини Давлат режа кўмитаси, вилоят, туман режа ташкилотлари белгилаб берган.

Кимга? Маҳсулотни ким сотиб олишини Давлат моддий-техника таъминоти муассасалари режа кўмитаси томонидан қатъий тасдиқлаб берган лимит асосида тақсимланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида *Нима?*, *Қанча?*, *Қандай?*, *Кимга?* муаммоларини бозор ҳал қилади. Давлат бозор иқтисоди шароитида фақат *Кимга?* муаммосига ўзининг ижтимоий ҳимоя сиёсати ва даромадларни тақсимлаш, қайта тақсимлаш йўли билан аралашади, холос.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир корхона ёки фирма ўз имкониятларидан келиб чиқиб, бозордаги талаб ва таклиф, нарх-наво ва рақобат асосида қандай турдаги товарлар ишлаб чиқаришни ўзи ҳал қилади. Корхона ёки фирмалар яхши даромад келтирувчи товарлар ишлаб чиқара бошлайди. Натижада омборда сақлаш учун ишлаб чиқариш барҳам топади, тақчилликнинг олди олинади, бозорга, талабга мос товарлар етказиб берилади, натижада бозорда ишлаб чиқарувчи эмас, балки истеъмолчи (харидор) ўз ҳукмини ўтказади.

Қаерда?, *Қандай?* Кўшма, хусусий корхоналар қуриш зарурми, ишчи кучини ёллаш ёки янги технология жорий этиш - керак ёки керак эмаслигини бозор белгилайди.

Ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни ким харид қилишини Давлат эмас бозор белгилайди. Ишлаб чиқариш учун зарур ресурслар ишлаб чиқариш воситалари бозорида истеъмол буюмлари эса истеъмол товарлар ва хизматлар бозори орқали танлов асосида эркин нархларда амалга оширилади.

Амалий жиҳатдан иқтисодиётнинг асосий мақсади иқтисодий ўсишни таъминлаш асосида жамият аъзоларининг ўсиб боровчи эҳтиёжларини қондира боришдан иборат бўлиб, чекланган ресурслардан оқилона фойдаланиб, ҳар бир ресурсдан кўпроқ товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни таъминлаш, ҳар бир фаолият тури бўйича харажатлар билан олинган самарани таққослаш, ресурслардан унумли фойдаланиш йўллариини излаш ва топишдан иборат.

Шунингдек, иқтисодиёт назарияси аҳолини иш билан таъминлаш, пулнинг қадрсизланиши-инфляциянинг олдини олиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш йўллари кўрсатиб бериши зарур.

Иқтисодиёт назарияси фани макроиқтисодий даражада таҳлилларни амалга ошириш орқали макроиқтисодий соҳаларни, унинг кўрсаткичлари ўртасидаги боғланишларни, иқтисодиётдаги ўзгаришлар, ўсиш, таназулларини аниқлайди, кўрсатиб беради. Бу эса мамлакатнинг ички ва ташқи иқтисодий сиёсатига илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодиётнинг назарий мақсади, энг аввало, илмий билимдан иборат бўлиб, иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларни кузатиш, улардаги шакл ва мазмун ўзгаришларини, ички боғланиш ва алоқаларни, зиддиятларни, қонун-қоидаларни, тушунчаларни билиб, уни, айниқса, ёшларга, талабаларга, иқтисодиёт билан қизиқувчи барча аҳолига ўрганишни тавсия этади.

Иқтисодиёт назариясининг юқорида қайд этилган амалий ва назарий томонлари бир-бири билан узвий боғлиқдир. Амалий иқтисодиёт назарий билимни эгаллашни, у билан қуролланиш заруриятини тақозо этса, назарий билим олдиндан кўра билиш ва амалий ҳаракат йўлини тўғри белгилаш учун имкон яратади.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодиёт назарияси фани иқтисодий жараёнлар, воқеа ва ҳодисаларнинг сир-асрорини билиш учун илмий қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодиёт назарияси фани «Кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш»⁷ вазифасини бажаради. Бу вазифа иқтисодиётни ислоҳ қилиш соҳасидаги бош мақсадлардан бири ҳисобланади.

Иқтисодиёт назариясининг етуклик даражаси фаннинг нақадар ривожланганлигини билдиради. Агар жамиятнинг интеллектуал потенциали қанчалик юқори бўлса, шунчалик иқтисодиёт назарияси ривож топади, унинг иқтисодиёт учун аҳамияти орта боради.

Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган иқтисодий ислохотлар ва бозорга ўтишнинг машҳур беш тамойили ёки «*ўзбек модели*» деб дунёда тан олинган назария, иқтисодни бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтказишни, иқтисодни барқарорлашти-

⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995, 18-б.

риш, макроиқтисодий муаммоларни ҳеч қандай ларзаларсиз ўтказишга имкониятлар очиб бермоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 13 йиллик Мустақиллик даврида иқтисодий фанлар, шу жумладан, иқтисодиёт назарияси ҳам янги ғоя ва фикрлар билан бойитилди. Бу иқтисодий устуворлик ғояси бўлиб, Ўзбекистон Президенти, йирик иқтисодчи олим Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги И.А.Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон буюк келажак сари», «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида», «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида», «Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон ХХІ асрга интиломоқда», «Озод ва Обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз» каби асарларида, шунингдек маъруза ҳамда нутқларида иқтисодиёт назарияси фанининг бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари, ўтишнинг ўзига хос йўллари, республикамиз олдида турган иқтисодий муаммолар ва вазифалар чуқур таҳлил қилиниб, унинг ечимини топиш йўллари кўрсатиб берилган, ўтиш даври иқтисодиётнинг хусусиятлари кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш, мулкчиликнинг турли шаклларини вужудга келтириш йўллари назарий ва амалий жиҳатдан асослаб ўтилганки, унинг самараси Мустақиллигимизнинг шу қисқа ўн уч йиллиги даврида иқтисодий, маънавий ривожланишимизда маълум ютуқларга эришилганлигини бутун жаҳон тан олганлигидан ҳам билиб олиш мумкин.

Асосий таянч тушунчалар

Ишлаб чиқариш муносабатлари – ҳаётий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида кишилар ўртасида объектив равишда шаклланадиган муносабатдир.

Иқтисодиёт назарияси – кишилик жамиятининг ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муаммолар ва уларга хос қонунларни ўрганадиган фандир.

Иқтисодиёт – чекланган иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланиб, кишилар учун зарур бўлган ҳаётий воситаларни ишлаб чиқариш ва етказиб беришга қаратилган, чамбарчас боғлиқликка амал қиладиган фаолиятлар бирлигидир.

Иқтисодиёт назариясининг тадқиқ соҳаси – хўжалик фаолияти амалга ошириладиган иқтисодий ҳаёт ёки муҳит демакдир.

Тадқиқот объекти – иқтисодий ҳодисалар.

Тадқиқот субъекти – кишилар, кишилар гуруҳлари, давлат, давлатлар.

Тадқиқот предмети–кишилар, кишилар гуруҳлари, давлатнинг ҳаётий фаолияти ва уларнинг иқтисодий муҳитдаги хулқ-атвори.

Услубият – иқтисодий жараёнларни илмий билишнинг принциплари, йўллари, қонун-қоидалари, аниқ ҳодисалар тизимидир.

Илмий абстракция – иқтисодий жараёнларни илмий билишда қўлланиладиган усуллардан бири бўлиб, таҳлил жараёнида ҳалақит берувчи иккинчи даражали воқеа-ҳодисаларни эътибордан соқит қилиб, асосий ўрганилаётган ҳодисаларнинг асл моҳиятига қаратилган фикр-мулоҳазадир.

Иқтисодий категориялар – жамият иқтисодий ҳаётининг асосий ва энг умумий томонларини акс эттирувчи мантиқий тушунчалардан иборат.

Иқтисодий қонунлар – иқтисодий жараёнлар ўртасидаги доимий такрорланиб турадиган, барқарор, аниқ сабаб-оқибат алоқалари, уларнинг боғлиқлигини ифодаловчи воқеа-ҳодисалар демакдир.

Иқтисодий сиёсат – давлатнинг неъматларни ижтимоий ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш соҳасидаги аниқ мақсадга йўналтирилган тадбирлари тизими. У жамият, барча ижтимоий гуруҳларининг манфаатларини акс эттиришга қаратилган бўлиб, миллий иқтисодиётни мустаҳкамлашга йўналтирилади.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Иқтисодиёт назарияси фани тушунчасини таърифлаб беринг.
2. Иқтисодиёт назариясининг ижтимоий, аниқ иқтисодий, социал ва табиий фанлар билан ўзаро алоқадорлигини кўрсатинг.
3. Иқтисодиёт тушунчаси ва унинг бош масаласи нима?
4. Эҳтиёж нима? Унинг қандай турларини биласиз?
5. Иқтисодий ресурс тушунчасига ва унинг турларига таъриф беринг.
6. Қуйидаги тушунчаларни қандай ўзлаштирганлигиниз юзасидан ўзингизни синаб кўринг: таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, абстракт ва аниқ, мантиқий ва тарихий, субъектив ва объектив. Бу тушунчаларга мисоллар келтиринг.
7. Иқтисодиёт назариясининг методологияси нимадан иборат?
8. Нима учун ҳаётий воситаларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш инсоннинг турли хил фаолияти ичида энг асосийси ҳисобланади?

II БОБ. ИЖТИМОЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА УНИНГ ОМИЛЛАРИ

1-§. Ишлаб чиқаришнинг натижалари ва асосий омиллари

Иқтисодий неъматлар. Ҳар қандай иқтисодий фаолиятнинг пировард мақсади инсон эҳтиёжларини қондиришдан иборат. Шунга яроқли воситалар неъматлар деб аталади. Моддий буюмлар, хизматлар, табиий жараёнларни шулар жумласига киритиш мумкин. Уларни истеъмол қилиш туфайли инсон ўз вужуди, ўз қобилияти, теварақдаги дунё билан алоқаси ва муносабатларини тиклаб олади. Шундай қилиб, неъматларни истеъмол қилиш айрим кишиларнинг ҳам, бутун жамиятнинг ҳам яшаш негизидир.

Шуни айтиб ўтиш керакки, иқтисод фанини ҳар қандай неъматлар эмас, балки, энг аввало, иқтисодий деб аталган неъматлар қизиқтиради. Уларнинг миқдори эса эҳтиёжларга нисбатан чеклангандир. Нафас олинаётган ҳавони ноиқтисодий неъматга мисол қилиб келтириш мумкин. Лекин кондиционер ишлаб бераётган ёки сув ости кемасида ҳосил қилинаётган ҳаво иқтисодий неъмат ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётини тадқиқ этишда бизни, биринчи галда, моддий неъматлар ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун зарур бўлган табиий ресурслар ва ишлаб чиқарилган буюмлар ҳамда маҳсулотлар қизиқтиради. Албатта, қатъий қилиб айтганда, моддий неъматлар жумласига киритиб бўлмайдиган, аммо ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширишда катта аҳамиятга эга неъматлар, масалан, таълим соҳаси хизматлари, иқтисодиётни юритиш учун шартшароитларни таъминлайдиган ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат амалдорларининг хизматлари ва ҳоказо иқтисодий неъматлар ҳам мавжуд.

Иқтисодий неъматлар бир-бирининг ўрнини босувчи ва бир-бирини тўлдирувчи неъматлардир. Уларнинг биринчи турига бир хил эҳтиёжларни қондирувчи ва бир-бирининг ўрнини боса оладиган неъматлар (масалан, сариёғ ва маргарин, транспортнинг турли хиллари) киради. Неъматларнинг бир-бирининг ўрнини босиши дейилганда, истеъмолчининг ўз эҳтиёжларини қондириши учун турли усуллардан бирини танлаши, бунда ўз дидига ва неъматни олиш шартлари (нархи, етказиб берилиши, мустақил ҳосил қилинганда кетадиган сарф-харажатлар ҳажми)га таяниши тушунилади. Бир-бирини тўлдирувчи неъматлар биргаликда истеъмол қилинган тақдирдагина эҳтиёжларни қондира олади (автомобиль ва бензин, радио-

приёмник ва унга қувват берадиган манба). Кенг маънода муҳим эҳтиёжларни қондирадиган барча иқтисодий неъматлар бир-бирини тўлдиради, чунки уларнинг жами тирикчилик учун зарурдир.

Шунингдек бевосита ва билвосита иқтисодий неъматлар (агар гап, буюмлар шаклидаги неъматлар ҳақида борса, бу истеъмол предметлари ва ишлаб чиқариш воситаларидир)ни алоҳида кўрсатиш мумкин. Биринчидан, улар кишилар эҳтиёжларини бевосита қондиради (озик-овқат, кийим-кечак, уй-жой), иккинчидан, эҳтиёжларни қондириш воситалари (хом ашё, меҳнат қуроллари) ҳисобланади. Дарвоқе, бир неъматнинг ўзини турли вазиятларда ҳам биринчиси, ҳам иккинчиси жумласига киритиш мумкин. Чунончи, шоколад истеъмол учун ҳам бевосита, бошқа озуқа маҳсулотларини тайёрлаш учун ҳам хом ашё сифатида ишлатилиши мумкин.

Эҳтиёжларни қондирувчи ҳар қандай неъмат негизида табиат инъомлари ва кучлар ётади. Аммо уларнинг аксарият қисмини табиий шаклда бевосита истеъмол қилиб бўлмайди. Ҳатто ёввойи ёнғоқни ҳам ейишдан аввал, ҳеч бўлмаганда, дарахтдан қоқиб олиш ва чақиш, яъни муайян куч сарфлаш лозим бўлади. Инсон табиат берган моддий неъматларни ўз эҳтиёжларига мослаш учун, кўпинча, уларнинг шаклини ўзгартирмоғи лозим. Табиат инъомлари ва кучларни инсон эҳтиёжларини бевосита қондириш учун мослаштиришдан иборат шу жараён ишлаб чиқариш деб аталади.

Эҳтиёжларнинг хусусияти ва хилма-хиллиги ишлаб чиқариш фаолияти турларининг хусусияти ва хилма-хиллиги билан белгиланади. Эҳтиёжлар (уларнинг юксалиши, ёки аҳолининг кўпайиши негизида)нинг ўсиши ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва такомиллаштиришнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучидир. Аммо ишлаб чиқаришнинг, ижтимоий алоқалар ва муносабатларнинг ривожланиши истеъмол жараёнига чуқур тескари таъсир кўрсатади. Инсоннинг билимларга, ижтимоий фаолиятга, эстетик лаззат олишга бўлган эҳтиёжлари унга ижтимоий муҳит, жамият томонидан сингдирилган бўлади. Иқтисодий тараққиёт моҳият жиҳатидан янги иқтисодий неъматларни яратади, эскиларининг сифатини яхшилайти, шу туфайли янги эҳтиёжлар пайдо бўлади ва эскилари мураккаблашади. Эндиликда ўз ҳаётимизни телевизорлар, холодильниклар, кир ювиш машиналарисиз тасаввур этиш қийин. Бундан юз йил аввал улар ҳатто ҳаёлга ҳам келмаган эди.

Бирор нарсани яшаш ёки бирор хизматни бажариш учун муайян сарф-харажат қилиш зарур. Бунга ходимлар меҳнати, хом ашё сарфи, асбоблар ва ишлаб чиқариш биноларининг путурдан кетиши ва ҳоказолар киради. Ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган буюмлар, табиат кучлари, инсон қобилиятлари ва саъй-ҳаракатлари, ахборот хизматлари ишлаб чиқариш омиллари (ёки туркумлари) деб аталади.

Ишлаб чиқаришнинг юз бериши учун унинг омиллари ҳаракатга келиши шарт. Иқтисодиёт назарияси фани тарихида ишлаб чиқариш омиллари турлича талқин этиб келинди. Француз иқтисодчи Ж.Б.Сей ишлаб чиқаришнинг уч омили назариясини асослаб, уларга ер, капитал ва меҳнатни киритган, уларнинг ўзаро таъсири асосида ишлаб чиқариш воқе эканлигини қайд этган. К.Маркс таълимоти ҳам ишлаб чиқаришнинг уч омили борлигидан келиб чиқади, лекин уларни иш кучи, меҳнат воситалари деб атайди.

Ҳозирги Ғарб мамлакатларида атоқли иқтисодчилар иқтисодий ресурс деган тушунчани олға суриб, уларга ер, капитал, меҳнат ва, ниҳоят, тадбиркорлик қобилиятини киритадилар.

Меҳнат ва табиат. Инсон меҳнати ва у фойдаланадиган табиат объектлари ишлаб чиқаришнинг асосий ва бирламчи туркумларидир. Сиёсий иқтисод классик мактабига асос солган Уильям Петти ёзганидек, «меҳнат бойликнинг отаси ва фаол принциpidир, ер эса – унинг онасидир»⁸.

Меҳнат бу инсоннинг ишлаб чиқаришдаги фаолияти, унинг табиат инъоми ва кучларини тубдан ўзгартириш борасида кўзлаган аниқ мақсадидир. Меҳнатнинг қуйидаги вазифаларини алоҳида кўрсатиш мумкин: 1) жисмоний (меҳнат предметига бевосита таъсир кўрсатиш); 2) сенсор (меҳнат жараёнидаги кўриш, эшитиш, иссиқлик ва ҳоказо орқали идрок этиш); 3) интеллектуал (мақсадни кўзлаш, ахборот олиш ва ишлаб чиқиш, қарорлар қабул қилиш). Инсоннинг ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган жисмоний, сенсор ва интеллектуал қобилиятлари жами иш кучининг ёки ишлаб чиқаришнинг шахсий омили деб ҳам аталади (Ғарб иқтисодий адабиётида ушбу омил «меҳнат» атамаси билан ифодаланади). Шахснинг инсоний омили дейилганда иш кучи, унинг амал қилиш натижаси бўлган меҳнат англашилади. Иш кучи бу инсоннинг меҳнат қилишига қаратилган жисмоний ва ақлий қобилиятдир. Бу қобилият

⁸ Петти У. Экономические и статические работы. –Москва., 1940. -С.55.

сохиби ҳар қандай меҳнатга лаёқатли кишидир. Иш кучини фақат жисмоний куч билан чеклаб бўлмайди. Иш кучи соҳиблари билим, малака, маҳорат ва иш кучидан фарқли улар ишлаб чиқаришнинг ашёвий омилларини ташкил этади. Иш кучининг унумдорлиги ходим малакасининг даражаси ва унинг ишлаб чиқариш натижасидан манфаатдорлигига боғлиқ.

Ишлаб чиқаришнинг табиий омиллари (иқтисодий адабиётда «ер» атамаси ҳам ишлатилади) ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган табиат инъомлари ва кучларидан иборатдир. Табиат, бир томондан, инсон фаолияти объекти, иккинчи томондан, меҳнат предметига таъсир кўрсатиш қуролидир. Чунончи, ер остидан қазиб олинган металлга ишлов бериш табиий жараён - ёниш, яъни ўз навбатида, бошқа табиий ашё - кўмирнинг ёниши билан амалга оширилади. Табиатнинг нодир ресурси - ер айна вақтда меҳнат предмети ва қуроли ҳамдир.

Ишлаб чиқаришнинг моддий омили. Инсон дарахт қирқиш учун, аввало, болта ясаши (ёки сотиб олиши) лозим. Инсоннинг табиатга таъсири натижасида олинган предметлар фақат шахсий истеъмол (бевосита неъматлар сифатида) учун эмас, балки хом ашё, меҳнат қуроллари, ишлаб чиқариш бинолари, транспорт воситалари ва ҳоказолар сифатида ишлаб чиқариш истеъмоли учун ҳам ишлатилади. Меҳнат билан яратилган ва ишлаб чиқариш жараёнида билвосита неъматлар шаклида мужассамланган предметлар ишлаб чиқаришнинг моддий омиллари деб аталади (Ғарб иқтисодчилари «капитал» атамасини ҳам ишлатадилар, лекин кўпинча уни анча кенг талқин этадилар).

Моддий омил инсонга табиатнинг янги кучларини ўзлаштиришда ёрдам беради, унинг ўзининг фаолиятини енгиллаштиради, меҳнат унумдорлигини оширади. Тегирмон ихтиро қилиш ва уни ишлатиш, масалан, шамол ва сув кучини инсонга хизмат қилдирди, уни оғир меҳнатдан бўшатди, унинг меҳнатининг натижадорлигини оширди. Иқтисодий тараққиёт тезлаша борган сайин техника иш кучи кўлидан унинг вазифаларини тобора кўп тартиб олади, инсонни ишлаб чиқаришдан сиқиб чиқаради. Ҳозирги машиналар инсоннинг нафақат жисмоний, балки аклий ишининг ҳам бир қисмини бажармоқда.

Моддий омил меҳнат ва табиат маҳсулидир. Шу боис, унинг ишлаб чиқаришдаги иштироки унда меҳнат ва табиатнинг ўзгарган шаклларда ўтган меҳнат ва сифат жиҳатдан тубдан ўзгарган табиат

ашёлари тариқасида иштирок этишини билдиради. Ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этган табиий ресурслар билан бирга, ишлаб чиқаришнинг моддий элементлари ишлаб чиқариш воситаларини ташкил этади. Бу воситалар жонсиз предметлар сифатида уларни ишлашга мажбур этувчи иш кучига қарама-қарши туради. Хом ашё ва материаллар, станоклар ва транспорт - буларнинг бари инсоннинг хошиш-иродаси ва саъй-ҳаракатсиз бефойда буюмлар йиғиндисидир. Табиий ресурслар, ўтган ва жонли меҳнатнинг ягоналиги ҳамда ўзаро таъсири туфайли ишлаб чиқариш жараёни содир бўлади. Ишлаб чиқариш омилларининг жами ва ўзаро таъсири жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ташкил этади.

Меҳнат воситаларига, энг аввало, меҳнат қуроли (турли механизмлар ва машиналар, мосламалар ва асбоб-ускуналар, двигателлар, узатувчи аппаратлар ва бошқалар) киради. Машиналашган ишлаб чиқариш шароитларида меҳнатнинг механик асослари уч таркибий қисмга: ишчи машина, двигателли ва узатувчи тузилмалари бўлган машиналар системасида ривожланади. Фан-техника революцияси уларга янги қисм бошқарувчи тузилма қўшади. Бу тузилма формализацияга берилувчи ақлий меҳнат вазифасини бажаради. Ходим бу қисмдан фойдаланиб, аста-секин бевосита ишлаб чиқариш жараёнидан чиқади ва унинг ёнида туради. Технология ҳам тубдан ўзгаради. Технология ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари орасида ўзаро таъсирини, шунингдек фан ва амалиёт кашф этадиган ва инсоннинг меҳнат предметларига ишлаб чиқариш воситаларининг механик, физик ва кимёвий хусусиятларига асосланган таъсир этиш усулларини ифодалайди.

Кишилар буюмларнинг илгари маълум бўлмаган барча хусусиятларини англаб олиб, маҳсулотнинг янги турларини тайёрлаш сирларини билиб оладилар, анча илғор технологияни қўллайдилар, сифат жиҳатдан янги материаллардан фойдаланадилар. Бу, ўз навбатида, иш кучига, ходим малакасига нисбатан янги талаблар қўяди. Шу билан ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳам ўзгарадики, у ишлаб чиқаришнинг барча омиллари бирлигини, бир текисда амал қилишини, унда қатнашаётган одамларнинг ўзаро таъсирини таъминлайди.

Меҳнат тақсимоли, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тармоқларга табақаланиши чуқурлашади, тузилиши мураккаблашади, ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг ихтисослаштириш ва кооперациялаш

каби шакллари ривож топади, ишлаб чиқаришнинг тўплануви рўй беради. Бунинг натижасида унинг ижтимоий характери, яъни корхона, бутун-бутун тармоқлар ходимларининг ишлаб чиқариш жараёнидаги ўзаро таъсири кучаяди. Меҳнат тақсимоти, унинг ихтисослаштирилиши ва кооперацияланиши меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъминлайди.

«Меҳнатнинг унумдорлик кучини ривожлантиришдаги улкан таракқиёт ҳамда уни йўлга солиш ва қўлланишдаги усталлик, моҳирлик ва ақлий ўткирликнинг катта улуши, чамаси, меҳнат тақсимотининг оқибати бўлади»⁹ - XVIII асрнинг буюк иқтисодчиси Адам Смит ўзининг асосий асарининг биринчи китобини шу сўзлар билан бошлаган эди. У меҳнат тақсимоти самарасини яққол кўрсатиш учун энди классик бўлиб қолган тўғноғич ишлаб чиқаришни мисол қилиб келтиради. А.Смит тўғноғич яшаш меҳнатини тахминан 18 та мустақил операцияларга бўлиш мумкин, деб ёзади: бир ишчи симни тортади, иккинчиси уни тўғрилайди, учинчиси қирқади, тўртинчиси учини ўткирлаштиради, бешинчиси тўғноғич қалпоқчасини ўрнатиш учун бошқа учини йўнади: қалпоқча яшашнинг ўзи иккита ёки учта мустақил операцияларни талаб қилади (ўша жойда 10-бет). Смитнинг айтишича, ўнта ишчиси бўлган мануфактура кунига 48000 тадан кўпроқ тўғноғич ясайди (ҳар кишига 4800 та тўғри келади). Ваҳоланки, якка ишчи, бир кунда 20 та тўғноғич ҳам ясай олмайди.

Меҳнат тақсимоти чоғида меҳнат унумдорлиги ўсишининг асосий сабаблари нимада? Биринчидан, ихтисослаштириш айрим ходимлар, корхоналар ва минтақаларнинг табиий ва тарихий вазифаларидан фойдаланиш имконини беради. Ҳар бир киши фаолиятнинг муайян турига мойил ва муайян ишда тажрибага эга бўлади. Ҳар бир корхона ишлаб чиқаришнинг конкрет турини амалга ошириш учун жуда ҳам мослашган асбоб-ускуналар ва ишчиларга эга. Ҳар бир минтақа маҳсулотнинг у ёки бу хилларини ишлаб чиқаришда унга афзаллик берадиган иқлимга, табиий ресурсларга, аҳоли анъаналарига эгадир. Иккинчидан, ихтисослаштириш ишлаб чиқарувчиларни ўз қобилиятларини, техникани, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг шакл ва усулларини анча тор йўналишда ривожлантиришга мажбур этади, шу туфайли ишлаб чиқариш омилларини такомиллаштириш суръатлари кескин тарзда ошади. Айнан корхона ичида меҳнат тақсимотини чуқурлаштириш, уни механизациялашнинг зарур шарти-

⁹ А.Смит. Исследования о природе и причинах богатства народов. Т.1, М.-Л., 1935. -С.9.

дир, чунки меҳнат функцияси қанчалик оддий бўлса, уни машина билан алмаштириш шунчалик осондир.

Меҳнат тақсимооти кўплаб кишилар фаолиятини бир бутун қилиб бирлаштиради, улар ўртасидаги ўзаро алоқа таъсирини кучайтиради, турли минтақалар хўжаликларини ягона иқтисодиётга бирлаштиради. Бундан ташқари, меҳнат тақсимооти кишилар эҳтиёжларини қондирувчи хилма-хил маҳсулот ва хизматларни белгиловчи энг муҳим омил бўлиб, бу ҳол эҳтиёжларнинг ўсишига олиб боради ва ходимни меҳнат унумдорлигини оширишга рағбатлантиради.

Меҳнат кооперацияси. Моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва амал қилиш қонунлари фаолиятнинг муайян соҳасига ихтисослашувчи мустақил ишлаб чиқарувчилар бўлмиш кишиларни бўлиб ташлаш у ёқда турсин, балки уларни ишлаб чиқариш жараёнини биргаликда амалга ошириш учун бирлаштиради. «Кўп шахслар айна бир ишлаб чиқариш жараёнида ёки ҳар хил, лекин бир-бирига боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнларида планли равишда бир-бирлари билан ёнма-ён туриб ва биргалашиб иштирок қиладиган меҳнат формасига кооперация дейилади».¹⁰

Хатто оддий кооперация ҳам (унинг доирасида меҳнат тақсимооти бўлмайди) якка меҳнатга қараганда катта ишлаб чиқариш имкониятига эга. Кооперациянинг фазилатлари, энг аввало, ишлаб чиқариш воситаларининг айрим турларини тежашда кўпроқ намоён бўлади. Айтайлик, кичик-кичик бўлса-да, мустақил устахоналардан 30 тасини қуриш ва қараб туришга нисбатан 10 киши ишлайдиган бир бинони қуриш, созлаш, ёритиш ва ҳоказога кетадиган харажатлар анча камдир. Бундан ташқари, фаолият айрим турларининг тавсифи бир эмас, бир неча ходимлар куч-ҳаракатини жамлашни талаб этади, хусусан, зарур техника воситалари бўлмаганда бир киши жуда оғир буюмларни ўзи кўтара олмайди.

Ижтимоий ва ишлаб чиқаришнинг ички меҳнат тақсимооти. Ижтимоий (корхоналар, тармоқлар, минтақалар, мамлакатлар ўртасидаги) ва ишлаб чиқаришнинг алоҳида корхона доирасидаги ички меҳнат тақсимоотини фарқ қилмоқ лозим.

Ижтимоий меҳнат тақсимооти ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва хизматлар алмашинувини назарда тутди. Алмашув учун яратилган неъматлар **товар** деб аталади. Ҳамма (ёки деярли ҳамма) неъматлар алмашув (сотиш) учун эмас, балки бевосита истеъмол учун яра-

¹⁰ К.Маркс. Капитал. 1-том, –Т.: Ўзбекистон, 1983, 324-б.

тиладиган натурал хўжалик товар ишлаб чиқаришининг аксидир. Товар муносабатларининг ривожланганлиги ижтимоий меҳнат тақсимотининг даражасига боғлиқдир. Агар жамиятда иккита ишлаб чиқариш тармоғи (масалан, деҳқончилик ва чорвачилик) бўлса, ишлаб чиқарувчиларнинг ҳар бири ўз маҳсулотларининг каттагина қисмини ўзи учун ишлаб чиқаради. Борди-ю, тармоқлар кўп бўлса, маҳсулотнинг катта қисми муқаррар равишда сотишга мўлжалланади. Ишлаб чиқаришнинг ички меҳнат тақсимои ижтимоий меҳнат тақсимоидан шу билан фарқ қиладики, бунда фаолиятларни алмашув товарлар ёрдамида эмас, балки бевосита ишлаб чиқаришнинг ўзида амалга оширилади. Алмашувга кетадиган пировард маҳсулот айрим (жузъий) ходимнинг эмас, балки ушбу корхонада банд бўлган кишилар (жами ходимлар) меҳнатининг натижасидир.

Иш кучининг фақат жисмоний эмас, балки интеллектуал функциялари ҳам ихтисослаштирилиши керак. Энг аввало, меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви объектив тарзда меҳнатга раҳбарлик қилишни, яъни бошқарувни инсон фаолиятининг алоҳида шакли қилиб ажратишни талаб этади. Замонавий корхонани ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан шуғулланувчи профессионал бошқарувчиларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ишлаб чиқариш жараёнига хизмат қилувчи инженерлар, конструкторлар, ихтирочилар, илмий ходимлар меҳнати ҳам алоҳида соҳаларга ажратилади.

Ишлаб чиқаришнинг ташкилий ва илмий омиллари. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни такомиллаштириш, техника ва хом ашёнинг янги турларини кашф этиш, илмий тадқиқотларнинг барини инсон амалга оширади. Шунга мувофиқ тарзда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ташкилий ва илмий фаолият шакллари иш кучининг функциялари деб ҳисоблаш мумкин. Бироқ бир қанча муаллифлар ҳозирги замон ишлаб чиқариши шароитида ана шу шаклларнинг муайян мустақиллигини ҳисобга олиб, ташкил қилишни ва фанни ишлаб чиқаришнинг алоҳида омиллари жумласига киритадилар.

Ҳар қандай фаолият каби меҳнат ҳам онгли тарзда ташкил қилинган жараён бўлиб, инсоннинг иш бошлашидан аввал ўз олдига муайян мақсадни қўйишини тақозо этади. Аммо битта вазифанинг ўзини турли усуллар билан ҳал этиш мумкин. Чунончи, уй қуриш мисолида улар учта эди (аслида эса ишлаб чиқаришнинг турли омиллари, демак, қуриш усулларини ҳам қўшиб олиб боришнинг вариантлари бекиёс кўп). Ишлаб чиқаришни ташкил қилувчи инсон кўп вари-

антлардан бирини танлаши керак. Уни амалга ошириш учун мақсадни белгилаш ва воситаларни танлашдан ташқари, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш функциялари мавжудки, уларга қуйидагилар киради: ишлаб чиқариш омилларини бир-бирига мослаш, ишлаб чиқариш жараёнининг ўзини бевосита бошқариш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва такомиллаштириш, таъминот ва сотишни йўлга қўйиш ва ҳоказо. Бундан асосий вазифа-ходимларни рағбатлантириш усул-йўллари яратиш бўлиб, у ходимлар меҳнатининг ҳам, бутун корхона фаолиятининг ҳам пировард натижаларидан манфаатдорлигини оширади. Илмий кашфиётларни ишлаб чиқариш омили сифатида татбиқ этиш, энг аввало, ишлаб чиқаришда табиат кучлари ва ашёларидан фойдаланиш билан боғлиқдир. Табиий жараёнларнинг кечиши қонунларини билмасдан уларни эгаллашнинг ва ўзимизга хизмат қилдиришнинг иложи йўқ. Даставвал, инсон табиат қонунларини билмаган ҳолда, тажриба йўли билан билим олади. У ишқаланиш кучи (масалан, икки бўлак тош ёки ёғоч ёрдамида олов ҳосил қилиш) нинг, кимёвий реакциялар (ўтин ёки кўмир ёқиб уйни иситиш)ни, биологик жараёнлар (уй шароитида ўсимлик ва ҳайвонларни ўстириш)ни ўз эҳтиёжларига мослаштиради.

Лекин бора-бора тажрибага асосланган билимлар кифоя қилмай қолади. Ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш учун махсус илмий изланишлар зарур. Фан иқтисодий тараққиётнинг энг муҳим воситасига айланади. Илмий ахборот асосида техника ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш такомиллашади, янги-янги энергия манбалари, техник жараёнлар ва материаллар татбиқ этилади. Илмий билимларнинг ўсиши инсон ақлий қобилиятларининг ривожланиш негизидир.

2-§. Иқтисодий ўсишнинг асосий босқичлари

Ижтимоий ривожланишнинг тоиндустрия босқичи. Йирик саноат иқтисодиётнинг етакчи тармоғига айланган саноат инкилобигача бўлган даврни тоиндустрия даври деб аташ одатга айланган. Ушбу босқичда саноат ё умуман йўқ, ёки қишлоқ хўжалигининг ёрдамчи тармоғи «иккинчи даражали» бўлган.

Мева-чева йиғиш ва ов қилиш кишилар иқтисодий фаолиятининг энг биринчи шаклидир. Табиат омиллари бунда инсон тирикчилигининг асосий шарт-шароити бўлган. Кишилар турмуш тарзи, фаолиятининг хусусияти, аҳолининг зичлиги, кўчиб юриш жараёнлари-

ни, асосан, яшашнинг табиий муҳити белгилайди. Ибтидоий ҳамжамиятларда меҳнат тақсимоти ҳам одамлар ўртасидаги табиий фарқлар (уларнинг жинси, ёки шахсий хусусиятлари)дан келиб чиқади. Аёллар ўсимликларни йиғишади, хўжалик юритишади. Эркаклар ов қилишади, урушларда қатнашишади. Чол-кампира болаларга қарашади, рўзғордаги енгил ишларни бажаришади, аждодлар тўплаган тажрибага ўргатишади.

Вақти келиб, одамлар фойдали ўсимликлар ўстиришни ўрганиб олдилар, ёввойи ҳайвонларни қўлга ўргатиб, хонакилаштирдилар. Қишлоқ хўжалиги иқтисодий фаолиятнинг асосий соҳасига айланади ва аграр муносабатлар кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар тизимида етакчи ўринни эгаллайди. Шу даврда деҳқон ва чорвадор қабилалар ўртасида биринчи йирик ижтимоий меҳнат тақсимоти содир бўлади. Товар алмашувнинг барқарор муносабатлари ва пуллар пайдо бўлади.

Ҳунармандчиликнинг қишлоқ хўжалигидан ажралиб чиқиши иккинчи йирик ижтимоий меҳнат тақсимоти ҳисобланади. Оқибатда иқтисодий фаолиятнинг яна бир тури, яъни савдо (меҳнат тақсимотидаги учинчи йирик инқилоб) кенг ёйилади. Шаҳарлар ҳунармандчилик ва савдо марказларига айланади.

Меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва унумдорлигининг ўсиши туфайли жамиятнинг табақаларга бўлиниши синфлар ва давлатнинг пайдо бўлишига олиб келади. Ҳукмрон табақалар улуши бўлган фан юзага келиб, у ишлаб чиқаришнинг бевосита эҳтиёжларидан деярли ажралган ҳолда эди. Бироқ фаннинг инсон ҳаёти фаолиятининг мустақил шакли сифатида ажралиб чиқишининг ўзи унинг ривожланиши учун имконият яратади.

Айни чоқда, меҳнат тақсимоти чуқурлашувига қарамай, тоиндустрия даврида хўжалик юритишнинг натурал ва ярим натурал шакллари устунлиги сақланиб қолади, чунки товар-пул муносабатлари ишлаб чиқариш жараёнига ҳали етарлича таъсир кўрсата олмаётган эди. Иқтисодий фаолият хусусиятини моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва тақсимлаш усуллари мустақил ишлаб чиқарувчиларнинг рақобати эмас, олдиндан тузилган режа асосида эмас, балки авлоддан-авлодга ўтиб келган мавжуд анъаналар белгилайди. Шу боисдан тоиндустрия даврининг ижтимоий тизимларини анъанавий деб аташ расм бўлган.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг паст даражаси, ишлаб чиқаришнинг натурал хусусияти ва бунинг оқибати сифатида транспортнинг ривожланмаганлиги анъанавий жамиятларнинг нисбий иқтисодий ва маданий биқиқлигига сабаб бўлди. Даставвал ижтимоий тизимлар ибтидоий жамоалар шаклида бир-биридан ажралган бўлиб, ўзларини ўзлари асосий неъматлар билан таъминлардилар. Кейинчалик ярим натурал хўжаликлар устунлик қилган табақа-мазҳабли давлатлар шаклида минтақа ҳамжамиятлари пайдо бўлди.

Ривожланишнинг тоиндустрія босқисидаги ишлаб чиқаришда унинг табиий ва шахсий омиллари етакчилик қилди. Инсон ё табиатнинг тайёр маҳсулларини ўзлаштиради (ов қилиш ва мева-чева йи-ғиш) ёки ўз кучлари билан табиий жараёнларни такрор амалга оши-ради (чорвачилик ва деҳқончилик).

Теварак муҳитга жуда ҳам қарам бўлиш (бунинг характери анча барқарор), ишлаб чиқарувчилар ва минтақалар ўртасидаги рақобат (товар муносабатларининг ривожланмаганлиги оқибатида), ижтимоий сиёсий барқарорлик ва ҳуқуқий кафолатлар (давлатнинг заифлиги ва ҳуқуқий тартиботларнинг ривожланмаганлиги оқибатида) йўқлиги анъанавий жамиятлар иқтисодий ҳаёти шаклларининг ўтмишпарастлигини тақозо этди.

Индустриал жамият. XVIII аср саноат инқилоби ижтимоий тараққиётнинг индустрия босқичига асос солди, ҳунармандчилик устахоналари ва мануфактуралар ўрнини фабрика ишлаб чиқариши эгаллаб олди. Машиналардан фойдаланиш ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин оширди. Саноат ишлаб чиқариши иқтисодий тараққиётида асосий ўринни олади, у моддий, молиявий ва инсон ресурсларини тобора кўпроқ ўзига жалб этди. Йирик саноат иқтисодиётининг етакчи тармоқлари бўлган ижтимоий тизимларни индустрия тизимлари деб аташ расм бўлган.

Ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва хўжалик натурал шаклларининг йўқолиши индустрия босқичида жадал суръатлар билан боради. Иқтисодиётнинг янги тармоқлари пайдо бўлади, ишлаб чиқарилаётган неъматларнинг хиллари кўпайиб, сифати ўзгаради, кишиларнинг эҳтиёжлари ортиб боради. Тобора кенгайиб борган саноат тинмай янги-янги сотиш, хом ашё ва ишчи кучи бозорларини излайди. Шу боисдан, товар муносабатларини исканжада тутиб турган миллий ва минтақавий чегаралардан ташқа-

рига чиқишга уринилади. Аста-секин ягона жаҳон хўжалиги вужудга келади.

XIX аср охиридан ишлаб чиқаришнинг жамланиш жараёни кескин жадаллашди ва XX аср ўрталарига келиб, саноати ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида тор ихтисослаштирилган машина-ускуналардан фойдаланувчи ва оммавий эҳтиёжни қондириш учун мўлжаллаб ишловчи йирик корхоналар етакчи ўринни эгаллайди. Бу пайтда ишлаб чиқариш меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви сўнгги нуқтага етди. Бир-иккитагина ишлаб чиқариш вазифасини бажарувчи конвейер ишчиси амалда машинанинг қўшимчасига айланди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин авж олган фан-техника инқилоби меҳнат кооперацияси ва ишлаб чиқариш ичида тақсимланиш ривожининг бошқа бир оқимини юзага чиқарди. Биринчидан, у жонли меҳнат ишлаб чиқаришидан сиқиб чиқарила бошланди: айрим ходимлар ишлаб чиқариш вазифаларининг ғоят оддийлиги уларни машиналарга топшириш имконини беради, инсонга асосан ақл билан бажариладиган вазифалар қолади (уларнинг бир қисми ҳам аста-секин техникага ўтади). Иккинчидан, ривожланган капиталистик мамлакатларнинг моли сероб бозори шароитида чиқариладиган товарларнинг миқдори эмас, балки хилма-хиллиги рақобат қила олишда тобора катта аҳамият касб эта боради. Оммавий ишлаб чиқаришга мўлжалланган улкан корхоналар доирасида чиқарилаётган маҳсулот тавсифи ва ҳажмини ўзгартириб туриш ғоят қийин. Ишлаб чиқаришнинг мослашувчанлиги муаммоси электрон-ҳисоблаш техникаси негизида автоматлаштириш ёрдамида ҳал этилади. Компьютер махсус программага мувофиқ истеъмолчиларнинг якка талабларига асосланиб, чиқарилаётган буюм тавсифини ўзи белгилашга қодирдир. Ишлаб чиқаришни хусусийлаштириш эса анъанавий фабрика бухронга учраганлигини билдиради, чунки бир жойда кўплаб асбоб-ускуна ва кишиларнинг жамланишига зарурат қолмайди. Энди ишлаб чиқариш жараёни кичик ва ўртача корхоналарда амалга оширилиши мумкин, чунки улар муайян ташкилий муносабатлар орқали ўзаро боғлангандирлар. Касава меҳнати ҳам кенг ёйилади.

Йирик машинали ишлаб чиқаришнинг ишлаши ва ривожланишининг ҳукмрон омили - унинг моддий элементлари, энг аввало, машиналардир. Бунда, одатда, қайта ишланган табиат ресурсларидан фойдаланилади. Қишлоқ хўжалигидан фарқли ўлароқ, саноат иқлимий шароитларга, заминнинг характери ва ҳоказоларга боғлиқ эмас.

Ягона жаҳон бозорининг ривожланиши ресурслар казиб олинадиган жойга ҳам боғлиқликни камайтиради. Масалан, Япония аслида ўз фойдали қазилмаларига эга эмас ва уларни хом ашё сифатида бошқа мамлакатлардан келтиради. Жонли меҳнатга келганда, у йирик саноатда ўзида кўп машиналар (гарчи фан-техника инқилоби шароитида жонли меҳнат бир қанча функцияларининг аҳамияти ошаётган бўлса-да)ни бирлаштирган улкан механизмни ҳаракатга келтириш учун ёрдамчи восита бўлиб хизмат қилади. Йирик саноатда буюмлашган меҳнат билан бир қаторда ишлаб чиқаришнинг ташкилий (бу, айниқса, бошқарувнинг аҳамияти корхоналар ҳажмларининг ўсишига қараганда ғоят тез ортиб бораётган йирик ишлаб чиқариш бирлашмаларига тааллуқлидир) ва илмий омиллари аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Илмий омил аҳамиятининг кескин ошиши индустрия ривожининг ҳозирги босқичи учун хосдир. XX асрда табиий ва аниқ фанларнинг инқилобий ривожланиши жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларида жуда катта инқилобий ўзгаришлар қилиш учун улкан имкониятлар яратади. Илмий кашфиётлар техникани ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш, иш кучи малакаси даражасини ошириш, янги хом ашё турлари ва энергия манбаларини қўллашга кўмаклашди. Физика, кимё, биология, кибернетика, руҳиятшунослик ва бошқа фанлар замонамиздаги ижтимоий тараққиётнинг ҳақиқий манбаидир. Америка футурологи О.Тоффлер фикрига кўра, ер юзида яшаган барча олимларнинг 90 фоизи бизнинг замондошларимиздир.

3-§. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг мазмуни, тузилиши ва пировард натижалари

Ишлаб чиқариш бошланғич нуқта бўлиб, ўзи вужудга келади, яратилади ва унинг ҳаракати ана шу нуқтадан бошланади. Ишлаб чиқариш жараёнида одам табиат неъматлари ва кучларини ўз эҳтиёжларини қондиришга мослаштириб олади.

Лекин иқтисодиёт назарияси фани иқтисодни техникавий жараённинг, айтайлик, пўлат қуйиш ёки нон пиширишнинг ўзи шунчалик қизиқтирмайди. У, юқорида айтиб ўтилганидек, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий шаклини ўрганади. Шундай экан, кишилар учун ишлаб чиқаришнинг ўзи эмас, у яратган ноз-неъматлар муҳимдир. Демак, одамлар учун зарурий бўлган, тирикчилик воситалари, хусусан, озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, ишлаб чиқариш воситалари бўлиши зарур. Улар истеъмол учун табиатда тайёр ҳолда учрамайди, уларни

одамлар ишлаб чиқариши керак. Ишлаб чиқариш табиат буюмларини кишилар истеъмолини қондиришга мослаштиришдир. Бинобарин, жамият ва унинг ҳар бир аъзоси учун ишлаб чиқариш натижалари бирламчи аҳамиятга эга.

Табиат инъоми материаллар қазиб олингандан сўнг, дастлабки ишловдан ўтказилади, хом ашёга айлантирилади. Кейин инсон эҳтиёжининг бирор зарур бўлган томонини қондиришга қаратилган маҳсулот тайёр ҳолга келтирилади. Ишлаб чиқариш учун ўта аҳамиятга эга бўлган табиий ресурслар, қишлоқ хўжалиги, ундирма саноат шулар жумласидандир. Шундай қилиб, ишлаб чиқаришнинг шахсий омили билан моддий-ашёвий омиллар билан бириккан тақдирдагина ишлаб чиқариш юз беради, ҳаётини неъматлар яратилади. Улар, биринчидан, моддий маҳсулотлардан, иккинчидан, ҳар хил хизматлардан иборатдир.

Ишлаб чиқарилган неъматлар қандай мақсадларда ишлатилишига қараб, икки гуруҳга бўлинади:

- *Моддий ишлаб чиқариш*, масалан, озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой ва бошқаларни ҳосил қилиш ҳамда ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хизматларни яратиш, масалан, юк ташиш, йўл хизматларини кўрсатиш, ишлаб чиқариш ахборотларини узатиш биринчи гуруҳни ташкил этади. Саноат, транспорт, алоқа, қурилиш, қишлоқ хўжалиги кабилар мазкур соҳа таркибига киради.

- *Номоддий ишлаб чиқариш* – моддий шаклга эга бўлмаган ва аҳоли учун зарур хизматларни ишлаб чиқариш иккинчи гуруҳни ташкил қилади. Мазкур соҳага аҳолига маданий-маиший, тиббий, спорт ва физкультура бўйича билим бериш хизматлари кабилар киради.

Моддий ишлаб чиқариш бирламчи бўлганлиги учун, унга қараб, номоддий соҳа ривожлана боради. Машиналашган ишлаб чиқариш, мураккаб машиналар системасига таянган ишлаб чиқаришнинг ўсиб бориши натижасида моддий ишлаб чиқариш номоддий соҳалар учун иш кучини бўшатиб беради, уни моддий ресурслар билан таъминлайди, демак, бу соҳада ишловчиларни боқади.

Моддий неъмат ишлаб чиқариш соҳаси тараққиёт даражасининг таъсири натижасида номоддий соҳа тараққиёт даражаси шунчалик юқори бўлади.

Ишлаб чиқариш омилларининг қўшилиш усули иқтисодиёт учун аҳамиятлидир, чунки шунга қараб, ўстирувчи куч пайдо бўлади. Уларнинг қўшилиши икки усулда рўй беради:

1. Билвосита бирикиш. Бунда моддий ашёвий омил ўзганики, бошқаники бўлган иш кучи билан бирикади. Демак, ҳар иккала омилнинг эгалари бошқа-бошқа кишилардир. Меҳнат бир томонда, ишлаб чиқариш воситалари эса иккинчи томонда туради. Бундай ҳолатда юмуш қилувчининг ишлаб чиқаришдан манфаатдорлиги кучсиз бўлади.

2. Бевосита бирикиш. Бунда моддий-ашёвий омил, ўз эгаси, шахсий омил қўлида бўлади. Демак, ҳам мулк эгаси, ҳам ишловчи айнан бир шахс ҳисобланади. Мулк эгаси моддий ашёвий омилни самарали ишлатишдан манфаатдор бўлади. Чунки ишлаб чиқариш натижалари унинг ўзиникидир. Ишлаб чиқариш натижаси унинг омилларининг бирикиш усули билан чегараланиб қолмайди. У, энг аввал, омилларнинг сифатига, сўнгра миқдорига ва, ниҳоят, нисбатига боғлиқдир. Моддий-ашёвий ва шахсий омиллар бир-бирига мос бўлгандагина ишлаб чиқариш равон ривожланади. Маълумки, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳаракати ишлаб чиқаришдан бошланиб ва тақсимлаш, айирбошлаш босқичини ўтиб, истеъмолда тугалланади. Зеро, ишлаб чиқариш билан истеъмол орасида мураккаб зиддиятли алоқа мавжуд бўлиб, ишлаб чиқариш қанчалик муҳим ўрин эгалламасин, истеъмол талаби даражасида хизмат қилган тақдирда бу зиддият ўз ечимини топади. Истеъмол ишлаб чиқаришнинг мақсадини ва, шу билан бир вақтда, ҳаракатлантирувчи кучини ташкил этади. У истеъмол ишлаб чиқаришга социал буюртма беради, ижтимоий маҳсулотнинг ҳажми, тузилиши ва сифатини олдиндан белгилайди.

Қондирилган ҳар қандай эҳтиёж янги, кўпинча, анча мураккаб эҳтиёжларни вужудга келтиради. Эҳтиёжларнинг ўсиши ва мураккаблашуви ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг қудратли ҳаракатлантирувчи кучидир. Эҳтиёжларнинг вужудга келишини ишлаб чиқаришнинг ўзи тақозо этади. Тақсимот ва айирбошлаш ишлаб чиқариш билан истеъмол орасидаги алоқани ифодалайди, уларнинг ўзаро таъсири этишининг, улар орасида вужудга келадиган зиддиятларни ҳал қилишнинг ўзига хос механизмини вужудга келтиради. Ишлаб чиқариш жараёнида бошланғич нуқта мавжуд бўлар экан, инсон табиатдаги бор нарсаларга таъсир этади: шаклини ўзгартиради ва ўз эҳтиёжига мослаштиради.

Тақсимот ишлаб чиқариш воситаларини ва, шунга мувофиқ, жамият аъзоларини ишлаб чиқариш соҳалари ҳамда тармоқлари

иқтисо-дий режалар, корхоналар бўйича тақсимлаш тарзида ўзи қисман ишлаб чиқариш жумласига киради.

Айирбошлаш, бир томондан, ишлаб чиқариш билан тақсимот орасидаги, иккинчи томондан, ишлаб чиқариш билан истеъмол ўрта-сидаги алоқани ифодалайди. Айирбошлаш тақсимот сингари ишлаб чиқаришнинг ўзида ҳам, маҳсулот ҳаракатлари мустақил вазифани ташкил этиб, ундан ташқарида ҳам амалга оширилади.

Истеъмол маҳсулот ҳаракатининг охирги босқичидир. Худди шу ерда унинг истеъмол қиймати амалга ошади. Истеъмол икки турда бўлади: 1. *Ишлаб чиқариш истеъмоли*, хом ашёларни ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол этилади ва истеъмол яроқли бўлган буюмларни вужудга келтиради. Бу жараён узлуксиз давом этувчи хусусиятга эга; 2. *Шахсий истеъмол* жараёнида кишилар озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой, маданий маиший буюмлардан ўз эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланади. Ҳаракатни ишлаб чиқаришдан бошлаб, маҳсулот истеъмоли аста-секин ўз умрини тугатади. Ишлаб чиқариш узлуксиз ҳаракат бўлиб, у доим такрорланиб ва тикланиб туради. Айни шу жараён такрор ишлаб чиқариш деб аталади. Унинг амалга ошиши учун ишлаб чиқаришнинг барча омиллари доим мавжуд бўлишини тақозо қилади.

Ишлаб чиқариш натижаси унинг омилларининг бирикиши билан чекланиб қолмайди. Ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган томони, биринчидан, фойдаланилаётган омилнинг сифатига, иккинчидан, унинг миқдорига, учинчидан, уларнинг нисбатига боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқаришнинг равон бўлиши учун моддий-ашёвий ва шахсий омиллар, албатта, бир-бирига мос келиши зарур. Ишлаб чиқариш жараёни қай тарзда бўлмасин, яъни индивидуал тартибдами, корхона ва хўжалик доирасидами, тармоқ ва ҳудуд миқёсидами, қаерда бўлмасин, кўзланган мақсад истеъмол учун товар ва хизматлар яратишдир. Унинг жамият аъзолари учун қизиқтирадиган томони ишлаб чиқариш эмас, балки яратилган товарлар муҳимдир. Демак, жамият ва унинг ҳар бир аъзоси учун ишлаб чиқариш натижалари бирламчи аҳамият касб этади. Жамият аъзоларининг ишлаб чиқаришдаги бир йиллик фаолияти натижаси яратилган барча маҳсулотлар ва хизматларнинг мажмуидир. Бу яратилган маҳсулотлар ва хизматларнинг фойдалилик ҳамда нафтилик хусусиятлари мавжуддир. Уларнинг фойдалилик хоссалари кишиларнинг эҳтиёжини қондира билиш хусусияти эга бўлса, фойдалилиги наф келтиришдан иборатдир. Маҳсулотлар ва

хизматларнинг ишлатилиши, яъни кишиларнинг қандай эҳтиёжларини, ишлаб чиқариш воситаларига ҳамда одамларнинг шахсий эҳтиёжларини қондиришига хизмат қилувчи-истеъмол буюмларига бўлган эҳтиёжларни қондиришга қараб икки турга ажратилади. Шунга мувофиқ, ишлаб чиқариш ҳам икки гуруҳга бўлинади:

- 1) ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш;
- 2) истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш.

Маҳсулот истеъмол қийматига айланиши учун ашё шаклига кириши, моддий неъмат бўлиши шарт эмас. Номоддий хусусиятга эга бўлган хизмат кўрсатиш ҳам истеъмол қиймати ҳисобланади. Бу таълим, тиббиёт, маданият, маиший хизмат кўрсатишдир. Кишиларнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари илмий хизмат, ахборот, транспорт ва бошқа хизматлар билан қондирилади.

Хизмат ҳажми ва сифати жамият иқтисодий тараққиёти ва аҳоли турмуш даражасининг энг муҳим кўрсаткичлари ҳисобланади. Ишлаб чиқариш хизмати ва шахсий хизматлар ижтимоий маҳсулотнинг ажралмас қисмидир, уларни яратиш учун сарфланадиган меҳнат эса унумли, ижтимоий фойдали меҳнатнинг бир қисми сифатида юзага чиқади. Маҳсулотнинг бошқа бир хусусияти шундаки, у сарфланган одам меҳнатининг муайян миқдорини ўзида гавдалантиради. Иқтисодий ҳаётда маҳсулотнинг бу хусусияти муҳим роль ўйнайди. У ёки бу истеъмол қийматини ҳосил қилиш жамиятга қанчага тушишини, пировард натижа эса кишиларнинг бирор эҳтиёжини қондириш қандай сарфлар эвазига эришилишини кўрсатади.

Табиат инъом этган ноз-неъматлардан ташқари, ҳар қандай моддий маҳсулот ва хизматлар инсон меҳнатининг натижасидир. Бунда истеъмол қиймати конкрет меҳнатнинг натижасидир. Конкрет меҳнат ходимнинг -деҳқон, металлург, темирчи, дурадгор ва бошқаларнинг муайян малакаси ва билими билан белгиланади. Ана шу меҳнат турларининг ҳар бири ўзига хос хусусиятларига эга.

Маҳсулотнинг иккинчи томони, конкрет шаклидан қатъи назар, умуман меҳнат сарфини ўзида мужассамлаштиради.

Кишининг мускули, асаби ва ақлий қувватининг сарфланишдан иборат физиологик маънодаги меҳнат унинг моддий асоси бўлиб хизмат қилади. Шундай қилиб, маълум шароитларда маҳсулот товар шаклига, умуман, меҳнат абстракт меҳнат шаклига, маҳсулотнинг ижтимоий томони қиймат шаклига киради. Тахминлар шуни кўрсатадики, маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат жонли

меҳнат ва буюмлашган меҳнат (меҳнат предметлари, меҳнат воситалари) сарфини ўз ичига олади. Зеро, ишлаб чиқариш воситалари, пировард-натижада, кишилар томонидан ўз вақтида меҳнат сарфлаб тайёрлаганликлари маълум. Шу сабабли иқтисодиёт назарияси фани ҳар бир маҳсулотни ишлаб чиқаришга жонли ва моддийлашган меҳнат сарфланади, деган тушунча асосида таҳлил этади. Ҳар бир аниқ ҳолда ягона маҳсулот нон, матолар, станоклар, автомобиллар ва бошқаларни ишлаб чиқариш натижасидир. Шу сабабли иқтисодиёт назарияси айрим олинган ягона маҳсулот билан, яъни аниқ олинган бир ишлаб чиқариш жараёни билан эмас, балки ижтимоий ишлаб чиқариш билан иш кўради, ижтимоий маҳсулот унинг натижаси бўлади. Бу иқтисодиётга алоқадор ниҳоятда мураккаб тушунча бўлиб, махсус берилган тадбирлар асосида ифодаланади.

Жами ижтимоий маҳсулот муайян давр давомида жамиятда ҳосил қилинган барча истеъмол қийматларининг йиғиндисидан иборат. У ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида сарфланган меҳнатни мужассамлаштиради ва айрим ишлаб чиқариш, макроиқтисодиётнинг бирламчи бўғинлари (корхоналар, бирлашмалар) нинг ана шу вақт оралиғи (одатда бир йил)даги маҳсулотнинг ва хизматларнинг йиғиндиси сифатида бозор қийматида ҳисобланган миқдордир. Жамиятнинг ижтимоий маҳсулоти таркибига турли-туман моддий ва номоддий неъматлар ва хизматлар киради. Улар моддий неъмат ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари ва тармоқларида яратилади. Шу муносабат билан пировард маҳсулот ижтимоий маҳсулотнинг муҳим шакли бўлиб хизмат қилади ва унинг ҳажми икки усулда ўлчанади: натурал ва қиймат шаклида. Биринчи, яъни натурал шакли моддий ўлчамдир. Бу усулда айрим маҳсулотларнинг ҳажми ўлчанади. Масалан, дон, нефть, металл, пахта, кўмир кабилар миллион тонна билан ўлчанади. Етказилган маҳсулотлар хилма-хил ва хоссаси турли-туман бўлганлиги учун уларни ягона моддий ўлчам билан ўлчаш мумкин эмас. Шу сабабли натурал шаклдаги маҳсулотлар ва хизматлар ҳажми бозор нархига кўпайтмасида пул билан қиймати ўлчанади. Ялпи миллий маҳсулот пировард маҳсулот ва хизматларни англатади, яъни истеъмолга тайёр инсон учун зарур бўлган ҳаётий неъматларни билдиради. Шунинг учун қайта ишланган ёки қайтадан сотишга мўлжалланган маҳсулотлар бунга кирмайди.

Жами ижтимоий маҳсулот таркибида қайта ишланадиган оралик маҳсулот мавжуд бўлади. Қайта, бир неча бор ишланадиган маҳсу-

лотларнинг қиймати жами ижтимоий маҳсулотдан чегирилиб ташланади, шунда ялпи миллий маҳсулот қолади. Ялпи миллий маҳсулотдан амортизация ажратмалари чегириб олингандан сўнг жамиятнинг соф миллий маҳсулоти қолади. Соф миллий маҳсулот жамиятнинг миллий даромадидир. У халқ истеъмоли ва ишлаб чиқариш омилларининг ортиб боришини таъминлай олади. Соф миллий маҳсулот моҳияти билан меҳнат туфайли янгидан ҳосил этилган маҳсулот бўлиб, у пул (қиймат) шаклида ўлчанади ва иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш учун, ўсиш суръатларини режалаштириш, халқнинг фаровонлигини яхшилаш учун фойдаланилади. Соф миллий маҳсулот икки қисмдан иборат: а) зарурий маҳсулот; б) қўшимча маҳсулот.

Зарурий маҳсулот соф маҳсулотнинг бир қисми бўлиб, у иш кучини нормал қайта тиклаш, яъни унинг ишга лаёқатини сақлаб туриш, оиласини таъминлаш учун кетадиган маҳсулотдир. Зарурий маҳсулот озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жойларни сақлаб туриш, таркиб топган маданий ва социал эҳтиёжлар, экологик заруратлар ва ҳоказоларга қилинадиган чиқимларни қоплашга кетади.

Қўшимча маҳсулот соф маҳсулотнинг бир қисми бўлиб, у меҳнатчилар томонидан зарурий маҳсулотдан ташқари, қўшимча иш вақти даврида яратилган қисмидир. Қўшимча маҳсулот давлат, тадбиркорлар, мулкдорларга тегишли бўлиб, ер эгасига рента, капитал эгасига фойда ва фоиз тариқасида олинади.

Соф миллий маҳсулотнинг жамият аъзоларига уларнинг даромади сифатида теккан қисми миллий даромад деб юритилади. Миллий даромад жамият тараққиётининг деярли ҳамма босқичларига хос бўлиб, жамият миқёсидаги барча даромадлар йиғиндиси ҳисобланади. У табиатан янгидан яратилган маҳсулот бўлиб, пул шаклида ифодаланади. Миллий даромад, моддий жиҳатдан олганда, ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмом буюмларидан иборат бўлиб, зарурий ва қўшимча маҳсулотни ўз ичига олади.

Ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажмини билиш учун ялпи миллий маҳсулот ва унинг пул шаклидаги қиймати ҳисобланадиган таркибий қисми соф миллий маҳсулот (СММ) ва миллий даромад (МД)ни нархларнинг ўзгариши таъсиридан ҳоли этиш керак. Маҳсулотларнинг нархи ўсиб кетса, сунъий равишда ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) нинг миқдори ёки ҳажми ҳам ўсиб кетади ва аксинча.

Демак, маҳсулотнинг моддий ҳажми унинг пулдаги ҳажмига тўғри келмай қолади.

Шу сабабли, иқтисодиёт фани номинал ва реал ЯММни фарқлаб туриб таҳлил этади. Пулда ифодаланган ва муайян нархларда ҳисобланган маҳсулот номинал ялпи миллий маҳсулот деб аталади. Номинал маҳсулот ҳажми маҳсулотнинг моддий миқдори ва нархига боғлиқдир. Жамият эҳтиёжларини моддий шаклдаги маҳсулотлар (ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмлари) қондиради. Истеъмол учун маҳсулотнинг ўзи керак, маҳсулотнинг неча сўм туришига эмас, балки унинг миқдори ва сифатига қараб истеъмол юз беради. Ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий моддий ҳажмини реал ЯММ белгилайди. Реал ЯММ ишлаб чиқаришнинг нарх ўзгариши назарда тутилиб ҳисобланган амалдаги миқёсини ифодаловчи маҳсулотдир. Реал ЯММни ҳисоблашда нархнинг ўзгариши эътиборга олинади, шунга қараб, номинал маҳсулот ҳажми ортган шароитда реал маҳсулот камайиши ҳам мумкин. Номинал маҳсулот ҳажми билан нархлар ўзгариши ўртасидаги нисбатдир. Агар номинал маҳсулот ҳажмига нисбатан нархлар секин ўсса, реал маҳсулот кўпаяди ва аксинча.

Реал маҳсулот ҳисобланганда нархлар индекси қўлланилади. Реал маҳсулот номинал маҳсулотнинг нархлар индекси бўлинмасига тенгдир (нархлар индекси ошиб ёки камайиб туриши мумкин).

Ишлаб чиқариш ҳажми меҳнат унумдорлигининг ўсиб боришига боғлиқ бўлади. Ресурсларнинг чекланганлигидан жамият ўз эҳтиёжларини қондириш, етказилаётган маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш учун меҳнат унумдорлигини ўстириш йўлидан боради. Меҳнат унумдорлиги меҳнат натижасини, меҳнат самарадорлигини англатади. Меҳнат унумдорлиги вақт бирлигида яратилган маҳсулот ва хизматлар миқдори ёки маҳсулот ва хизматлар бирлигини яратиш учун сарфланган иш вақтидир. Демак, меҳнат унумдорлиги юмушчи томонидан сарфланган жонли меҳнатнинг ҳар бир бирлиги эвазига, яъни киши куни, киши соати ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори билан аниқланади. Чекланган ресурслар натижасида уларни кўпроқ ишлатиб, эҳтиёжларни тўла қондириб бўлмайди. Шу сабабли, жамият ресурсларни тежаб ишлатиш йўлига ўтади, ресурс бирлигидан кўпроқ маҳсулот олади, бунда ҳам моддий, ҳам меҳнат ресурслари тежалади. Бу меҳнат унумдорлигининг ўсиб боришини англатади.


Меҳнат унумдорлигининг ўсишига қуйидаги омиллар таъсир этади:

- меҳнат қуроллари такомиллашади, техник-технологик даражаси ўсади, машиналашган ишлаб чиқаришда ғоят ва муттасил ўсиб боради;

- ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг меҳнат малакаси ва маҳорати ўсиб боради, чунки мураккаб техника-технология юксак савия ва малакани талаб қилади;

- ишлаб чиқаришнинг табиий шароити, табиий ресурсларнинг сифати ва уларни ишлаш шароитининг қулай бўлиши.

Ижтимоий меҳнат унумдорлигини аниқлашда профессор А.Ўлмасов услуги асосида қуйидаги формулада ифодалаш мумкин:



$YMM = 3$ млрд доллар, $IS = 500$ минг.



Бу ерда: Mu – меҳнат унумдорлиги; IS – ишчилар сони;
 MD – миллий даромад; YMM -ялпи миллий маҳсулот.

Ушбу кўрсаткич жамиятда меҳнат унумдорлиги ва жамиятнинг ишлаб чиқариш қуввати даражасини ифодалайди.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлашда ҳар бир соҳа ва тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмоқ зарур. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг муҳим омилларидан бири ер ҳисобланади. Ердан самарали фойдаланиш кўрсаткичи аниқланади. Бу кўрсаткич ер майдонининг ҳар бир гектаридан олинган ҳосилдорликнинг даражаси билан ҳисобланади.

Шунингдек, самарадорликни аниқлашда яна қўшимча бир қанча иқтисодий кўрсаткичлар ёрдамидан фойдаланилади: яъни меҳнат сиғими, материал сиғими, ишлаб чиқариш фондлари сиғими, энергия сиғими ва ҳоказолар. Улар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигини яратиш учун сарфланган меҳнат, энергия, моддий харажатлар миқдорини ифодалайди. Демак, турли омиллар самарадорлигини аниқлаш-

да бу кўрсаткичлардан фойдаланилади. Ишлаб чиқариш самарадорлигига қуйидаги омиллар бевосита таъсир кўрсатади:

- ишлаб чиқаришда янги техника ва технологиялардан фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаш;
- ишлаб чиқаришнинг таркибий қисмларини такомиллаштириш ва бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш;
- ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг ҳар бирининг ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлигини ошириш;
- чекланган ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш, сифатли ва арзон хом ашёлардан ва энергия турларини қўллаб, деҳқончиликда экинларнинг янги ҳосилдор навларини ва чорва молларининг маҳсулдор зотларини кўпайтириш;
- ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг билим савияси, малакаси ва маҳоратини ошириш ва ҳоказолар. Ушбу омиллар иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда таъсир қиладиган асосий ва умумий омиллардир. Ҳар бир соҳанинг, тармоқнинг ўзига хос бўлган кўплаб омиллари мавжудки, улардан фойдаланиш ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш имконияти ҳисобланади.

Асосий таянч тушунчалар

Иш кучи – инсоннинг меҳнатга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятлари мажмуи.

Меҳнат қуроллари – инсоннинг табиатга, меҳнат предметларига таъсир кўрсатувчи восита бўлиб хизмат қиладиган машина, станок, трактор, плуг, қурилма, ускуна кабилардан иборат.

Меҳнат предметлари – бевосита меҳнат таъсир қиладиган, яъни маҳсулот тайёрланадиган нарсалар (хом ашё материаллар ва бошқалар).

Капитал – ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда ишлатилиб, ўз эгаларига даромад келтирадиган ишлаб чиқариш воситалари, товарлар ва пул маблағларидир.

Ишлаб чиқариш жараёни – кишиларнинг мақсадни кўзлаб амалга оширадиган фаолияти бўлиб, истеъмоли учун зарур моддий ва маънавий неъматларни яратиш, ҳамда қийматнинг ўсиши жараёнидир.

Ижтимоий ишлаб чиқариш – ўзаро боғлиқ ва доимий алоқада бўлган барча индивидуал ишлаб чиқариш бирлигидан иборатдир.

Ишлаб чиқариш функцияси – ишлаб чиқариш омиллари билан унинг самаралари ўртасидаги боғлиқликдан иборат.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Ишлаб чиқариш омиллари таркиби нималардан иборат?
2. Ишлаб чиқариш омиллари қандай усуллар билан бирикади?
3. Капитал тушунчасига таъриф беринг ва унинг таркибига нималар киришини тушунтиринг.
4. Ишлаб чиқариш жараёнининг мазмуни ва унинг икки жиҳатини тушунтиринг.
5. Ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижаларини тушунтириб беринг.
6. Йиллик миллий маҳсулотнинг таркиби нималардан иборат?
7. Нима сабабдан ЯММни аниқлаш зарур?
8. Меҳнат унумдорлигининг вақтни тежаш қонунига алоқадорлиги ҳақида мулоҳаза юритинг?

III БОБ. МУЛКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ВА ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ШАКЛЛАРИ

1-§. Мулкый муносабатларнинг шаклланиш жараёни

Мулк ишлаб чиқаришнинг ашёвий омилларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар тизимидир. Мулк, биринчидан, жамиятда ишлаб чиқариш хусусиятларини, иккинчидан, жамият иқтисодий ҳаётининг асосларини белгилаб беради. Бунинг сабаби мулкнинг бирламчи эканлигидадир. У жамиятда ҳукмрон бўлган ишлаб чиқариш муносабатларининг негизини ташкил этади. Мулк ишлаб чиқаришнинг натижаларини тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш хусусиятларини белгилайди.

Масалан, тадбиркорлик фаолиятидаги бир шахс ишлаб чиқариш омиллари (ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи)га, эгалик қилса, бошқа бир шахс, албатта, бу имкониятдан маҳрумдир. Шундай қилиб, мулкчилик тушунчаси асосида табиат эмас, балки жамият ижтимоий муносабатлари ётади. Мулкдор ўз сармоялари билан шахсан ўзи ёки менеджерлар орқали ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этади ва ишлаб чиқариш фаолиятининг натижасини ўзлаштиради, яъни фойда олади ёки зарар кўради.

Ишчи кучининг мулкдорлари ёлланиб ишлайди, иш ҳақи олади. Мулкнинг жамият ижтимоий ҳаётидаги аҳамияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалар мавҳум назарий хусусиятга эга эмас. Бундай ҳолатни бир-бирига қарама-қарши турувчи иккита сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тизимлар, яъни давлат-бюрократик мулкка асосланган маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти ҳамда хусусий мулкнинг тенг ҳуқуқлигига асосланган рақобатли бозор тизимлари қиёсланишида аниқ намоён бўлади.

Мулкчилик иқтисодий категория сифатида кенг, серкирра тушунча бўлганлигидан иқтисодиёт тарихида кўп асрлар давомида кўплаб баҳсларга сабаб бўлиб келди. П.Ж.Прудон майда мулкдорлар нуқтаи назарини ифодалаб «мулкчилик ўғирликдир», деб талқин қилади. Бу фикр иқтисодчилар томонидан муттасил равишда танқидга учраб келди.

«Сиёсий иқтисод. Иқтисодий Энциклопедия»да таъкидланишича мулкчилик бу ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш, истеъмол жараёнидаги ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларининг

кишилар томонидан ўзлаштирилишини ифодаловчи тарихий ўзгарувчи объектив муносабатлар тизимидир.¹¹

Айрим муаллифлар мулк ўзи нима? деган саволга қуйидагича талқин беришади:

Биринчидан, бу муайян ишлаб чиқариш муносабатлари (яъни ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида вужудга келадиган, унинг дастлабки шарт ва натижасининг муносабатлари).

Иккинчидан, кишиларнинг моддий неъматларни, энг аввало, ишлаб чиқариш воситаларини (унинг шарт-шароитларини), шунингдек ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини бевосита ўзлаштириб олиш соҳасидаги иқтисодий муносабатлардир.

Учинчидан, мазкур муносабатларнинг моҳияти моддий неъматларнинг муайян шахслар ёки уларнинг жамоалари томонидан ўзлаштириб ва ўз ихтиёрига ўтказиб олинганлиги ҳолатидан иборатдир. Мулк ишлаб чиқарилган моддий неъматларни ўзлаштиришнинг ижтимоий шаклидир.¹²

Бинобарин, мулкчилик кенг маънодаги иқтисодий категория сифатида кишилар ўртасида ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари, хизмат кўрсатувчи ўзлаштириш муносабатлари тизимидир. Демак, мулк ишлаб чиқарилган моддий неъматларни кишилар ўртасидаги ўзлаштиришнинг ижтимоий шаклидир.

Ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкчилик ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқалар хусусиятини белгилабгина қолмай, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни айирбошлаш ва истеъмол қилиш шакллари ҳам белгилайди. Бу ўзаро алоқалар ва шакллар мажмуи эса жамият ишлаб чиқариш муносабатлари тизими йўналишини белгилайди.

Жамиятдаги ҳукмрон бўлган ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқаришнинг ашёвий натижаларини ўзлаштиришнинг хусусиятларини ҳам белгилаб беради. Мулк ва мулкчилик муносабатлари жамиятнинг асоси ва иқтисодий негизидир. Шу сабабли ҳар қандай мамлакатнинг Конституциясида шундай ҳолат эътироф этилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига мувофиқ, мустақил давлат иқтисодиётининг асосини ташкил этадиган мулкнинг ҳамма шакллари тенг ҳуқуқлилигини ва ҳимояланганлигини давлат кафолатлайди. Ҳар қандай мамлакат Конституцияга

¹¹ Сиёсий иқтисод. Иқтисодий Энциклопедия. -М., 1979, 3-том, 570-бет.

¹² Бозор қонунияти асослари. -Тошкент, 1996, 85-бет.

асосланиб, мулкчилик тўғрисида юридик қонунлар ишлаб чиқади ва шу қонунлар асосида мулкка эгалик қилиш муносабатларини ифода-лайди. Шунга асосан, жамиятдаги моддий бойликлар турли субъект-лар, яъни яна алоҳида кишилар, гуруҳлар, синфлар ва давлат ўрта-сида қандай тақсимланиши ва ўзлаштиришнинг ҳуқуқий нормалари аниқланиб ва белгиланиб қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳуқуқи қонуни ҳужжат-ларида мулкчилик ҳуқуқи – шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳишига қараб ва ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва тасарруф этиши ҳуқуқи эканлиги, шунингдек ким томонидан бўлмасин, мулк ҳуқуқининг ҳар қандай бузилиши бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқи белгилаб қўйилган.

Ушбу ҳуқуқ юридик фан ва амалиётда умум томонидан эътироф қилинган учта таркибий қисмдан иборат. Биринчидан, эгалик қилиш қонуний ҳуқуқ бўлиб, бунда қонунга асосланган ҳолда муайян ашёга эга бўлиш, уни ўз хўжалигида сақлаб туриш, балансга киритиш имкониятидир. Иккинчидан, фойдаланиш қонуний ҳуқуқ, яъни ашё-дан хўжалик ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш, уни ўз манфаати йўлида ишлатиб, фойдали хусусиятларини чиқариб олиш ҳуқуқи. Учинчидан, тасарруф этиш ҳуқуқи, яъни ашёнинг мансублиги ҳолати ёки вазифасини ўзгартириш (бошқа шахсга бериш, йўқ қилиб юбориш) йўли билан унинг тақдирини белгилаш имконияти. Қонун ҳужжатларида мулкнинг дахлсизлиги қонун билан қўриқланиши белгилаб қўйилган.

Мулкчилик жамиятдаги ҳам ҳуқуқий, ҳам иқтисодий муноса-батлар мазмунини ўзида мужассамлаштирган. Шу сабабли мулкчи-ликнинг ҳуқуқий ва иқтисодий мазмуни бир-бири билан ўзаро боғ-лик. Шу туфайли мулкчилик ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий катего-риядир.

Мулкчилик иқтисодий ўзлаштиришнинг тарихий муайян шакли бўлиб, ундан моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматларни амалга оширишда фойдаланилади. Шунга асосланган ҳолда мулкчи-ликни мавжуд тарихий шароитдан ташқари мустақил тушунча шак-лида эмас, балки муайян тарихий босқичдаги иқтисодий муносабат шаклида тушунмоқ керак. Давр тақозосига асосан мулкчилик турли шаклларда намоён бўлади. Мулкчилик субъекти Ўзбекистон Респуб-ликасининг Фуқаролик Кодексига мувофиқ фуқаролар, юридик шахс-лар ва давлат мулкчилик ҳуқуқининг субъектларидир. Ер, ер ости

бойликлари, сувлар, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар, корхоналар, ашёлар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, хом ашё ва маҳсулотлар, пул, қимматбаҳо қоғозлар ва бошқа мол-мулклар, шунингдек интеллектуал мулклар мулк ҳуқуқлари объектлари жумласига киритилади.

Мулкчилик ишлаб чиқаришнинг ашёвий омилларига ва хизматларига эгалик қилишда шаклланади. Масалан, товар оборотида бирор шахсда конкрет ашёга мулкчилик ҳуқуқининг вужудга келиши айна вақтда бошқа шахсдаги унга бўлган мулкчилик ҳуқуқининг бекор қилинишини англатади. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари мулкчилик ҳуқуқини қўлга киритишнинг бир қанча асосларини белгилаб берган. Бундай асослар жумласига қуйидагилар киритилган: меҳнат фаолияти, мол-мулкдан фойдаланиш бўйича тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти, шу жумладан, битимлар бўйича мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, қўлга киритиш, давлат мол-мулкни хусусийлаштириш, мерос қилиб олиш, қўлга киритиш муддати, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа асослар.

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш омилларини мулкчилик, кишилар ўртасидаги ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимот ва истеъмол муносабатларининг хусусиятлари белгилайди.

Мулк ва мулкчилик жамиятда бутун ижтимоий муносабатларнинг асосидир, пойдеворидир. Мулкчилик асосида айрим шахслар, гуруҳлар, синф ва қатламларнинг жамиятда эгаллаб турган мавқеи, ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш имконияти даражаси белгилаб берилади.

Бозор иқтисодиётига асосланган тизимда хусусий мулк бирламчи даражада бўлади ва бошқа мулк шаклларига нисбатан асосий, яъни етакчи ҳисобланади.

Республикада эволюцион йўл билан эски мулк шакллари ўрнига келувчи янги мулк шакллари рақобатли кураш асосида ўзининг янги тузум учун яшовчанлигини кўрсатмоқда.

2-§. Иқтисодий муносабатлар тизимида мулкчилик

Иқтисодиёт назарияси фани ишлаб чиқаришнинг ашёвий омилларига мулкчилик турлари ва шакллариининг фарқланишини ўргатади. Тарихан унинг иккита асосий – хусусий ва ижтимоий турлари, хилма-хил, бир-биридан фарқ қилувчи мулкчилик шакллари мавжуддир.

Ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқаришнинг ашёвий омиллари ва натижаларини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлгани учун у мулк муносабатлар сифатида ифодаланади. Ўзлаштиришнинг ҳуқуқий нормалари белгиланган бўлади. Шунга мувофиқ равишда мулк эгасига қонунда белгиланган ашёларгина тегишли бўлади, холос. Ҳар бир шахс фақатгина қонун орқали тегишли бўлган мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва тақсимлаш ваколатини, ҳуқуқини олади.

Моддий неъматларни ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида мураккаб муносабатлар юзага келди. Бунда кишилар манфаати юзага чиқади ва бунинг оқибатида ўзлаштириш рўй беради. Ижтимоий муносабатлар негизида яратилган бойлик кимга тегишлигига кўра, ўзлаштириш миқдори белгиланган бўлади. Бу ҳолат ўз ичига моддий неъматларни ўзлаштириш, улгуржи хўжаликда фойдаланиш ва иқтисодий жиҳатдан реализация қилиш жиҳатларини қамраб олади. Ўзлаштиришнинг тескариси мулкдан бегоналаштириш муносабатидир. Мулкка эгалик ҳуқуқининг бекор бўлиш асослари мулкдорнинг иродасига – мулкдор мажбуриятининг, ўзи бир томонлама қабул қилган, мол-мулкнинг тақдирини белгилайдиган қарор (масалан, ҳадя)ни ихтиёрий тарзда бажаришига боғлиқ. Бундай ҳолат унинг иродасига боғлиқ эмаслиги мол-мулкнинг суд қарори, шунингдек мулкка эгалик ҳуқуқини бекор қиладиган қонун ҳужжати асосида олиб қўйилиши (ҳақ тўлаб олиниши) шакллари бўлиши ҳам мумкин.

Мулкка эгалик ҳуқуқининг бекор бўлиши мулкдор иродасига боғлиқ бўлмаган вазиятлар жумласига мол-мулкни тугатиш (йўқ қилиш), миллийлаштириш – фуқаролар ва юридик шахсларга тегишли мол-мулкка эгалик ҳуқуқининг ҳақ тўлаб бошқа шахсга ўтказилиши, реквизиция – мулкдордан мулкни унинг қийматини тўлаган ҳолда олиш кабилар кирилади.

Мулкдор ўз хоҳиш-иродасига қараб, ишлаб чиқариш воситаларидан ишлаб чиқариш фаолиятида фойдаланмасдан четлаштира олиши, бошқа бир тадбиркорга ижарага бериши мумкин. Бунда мулкдор билан тадбиркор ўртасида мулкдан хўжаликда фойдаланиш муносабатлари юзага келади. Бу ҳолатда тадбиркор ижарага олган мулкка вақтинча эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш учун юридик ҳуқуқни қўлга киритади.

Ижара маълум, келишилган тўлов миқдори ҳисобига бирор мулк эгасидан бошқа бир кишининг ундан вақтинча фойдалана олиш учун тузилган шартномадир. Шунингдек, концессия, яъни ер участкаси

ёхуд бирор кон давлат томонидан хусусий сармоядор, корхона, ёинки чет эл фуқароларига берилиши мумкин. Бунда, яъни ишлаб чиқариш фаолиятида фойдаланиш учун шартнома тузилганда ҳам юқоридагидай муносабат юзага келади. Мулкнинг иқтисодий реализация қилиниши у эгасига даромад келтирган тақдирда намоён бўлади. Демак, мулкчилик муносабатининг иқтисодий мазмуни олинган ортиқча (қўшимча) маҳсулот ким томонидан, қандай қилиб ва кимнинг манфаати учун ўзлаштирилиши лозим деган маънони ифодалайди. Бу мулкчилик иқтисодий маънода қўшимча маҳсулотни ўзлаштириш шакли сифатида намоён бўлади, деган гапдир.

Мулкдан фойдаланиш хусусиятига қараб, ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишдан олинган, янгитдан яратилган қийматнинг ҳаммаси ёки бир қисми фойда, солиқ ёки тўловлар шаклида ифодаланади. Мулк ижарага берилганда ижара ҳақи ҳам белгиланади. Ижара ҳақи мулкдан фойдаланишдан олинган фойданинг бир қисми бўлиб, мулк эгасига тегади. Концессия тузилаётганда мулкдан фойдаланиш учун аввалдан мулк эгасига тўланиши зарур бўлган тўлов (улуш) белгилаб қўйилади.

Мустақиллик натижасида давлат мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш натижасида ишлаб чиқариш воситаларининг бир неча юз минг янги хусусий мулкдорлари вужудга келди. Хусусий мулк соҳибларини фақат ва фақат қўшимча маҳсулот (фойда) қийматигина қизиқтиради. Тўловлардан қолган миқдор мулк эгасига ўтади ва тўлиқ ўзлаштирилади. Бу билан мулкчиликнинг иқтисодий реализацияси рўёбга чиқади.

3-§. Мулкнинг турли шакллари

Мустақилликка эришилгандан сўнг ижтимоийлашган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида давлат мулкни хусусий мулк ва мулкнинг бошқа шаклларига алмаштириш мумкинлигини муқаррар қилиб қўйди. Бу бозор иқтисодиётига мос келадиган турли нодавлат шаклларининг вужудга келишига сабаб бўлди. Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни давлат қонунлари асосида босқичма-босқич амалга оширила бошланди. Натижада кўп укладлиликка асосланган бозор иқтисодиёти, аралаш иқтисодиёт юзага келди.

Иқтисодиёт назарияси фани укладни ижтимоий-иқтисодий категория сифатида мезонлар асосида, яъни мулк шакллари, хўжалик

юритиш услублари, даромад манбалари ва унинг турлари асосида татбиқ этади. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида тўртта уклад амал қилади: давлат, хусусий, жамоа ва аралаш укладлар. Бу укладлар мазмун жиҳатдан турличадир. Улар бир-бири билан доимо рақобатда бўлади. Миллий иқтисодиётнинг ривожланиши учун жами укладлар тизими рақобати асос бўлади ва бунга бозор муносабатлари орқали эришилади.

Кўп укладли иқтисодиётда мулк муносабатларнинг ривожланиб бориши натижасида мулк шакллари ўртасида рақобат кураши кучаяди. Улар бир-биридан ўзининг иқтисодий устунлигига эришишга интилиш, юқори мавқега чиқиб олишга ҳаракат қилиш доимий тус олади. Бу рақобат курашида иқтисодий жиҳатдан заиф бўлган мулк ўзини сақлаб қола олмайди, чунки у барҳам топади. Мулк шакллари рақобатли кураши натижасида мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръатлари кўтарилади ва бозорнинг таклиф даражаси ортади. Кўп укладли иқтисодиёт аралаш иқтисодиётдир. Бундай иқтисодиёт бозор иқтисодиётининг талаби ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисидаги қонунга асосан мулк қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

- хусусий мулк;
- жамоа (ширкат) мулки;
- давлат мулки;
- хорижий фуқаролар, ташкилотлар, давлатлар, шу жумладан, хорижий ҳуқуқий ва жисмоний шахслар мулклари.

Хусусий мулк айрим шахсларга қарашли бўлган, даромад олишга қаратилган мулкдир. Бу тушунча Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисидаги Қонунининг 7-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, хусусий мулк ўз мол-мулкига хусусий эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан иборатдир деб кўрсатилган. Хусусий мулкнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат: хусусий жисмоний ва юридик шахслар, фуқаролар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамият бирлашмалари, ижтимоий фондлар ва бошқа нодавлат юридик шахслар. Уларнинг барчаси хусусий мулкнинг субъектларидир. Хусусий мулкнинг асосий объектлари жумласига қуйидагилар киради: уйлар, квартиралар, дала ҳовлилар, турли бинолар, қурилишлар, иншоотлар, ускуналар, ишлаб чиқариш воситалари, транспорт воситалари, уй ҳайвонлари,

пул ва қимматбаҳо қоғозлар, алоҳида ҳуқуқларнинг турли-туман тафаккур объектлари (кашфиётлар, ноу-хау, фан, адабий асарлар).

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида, кўп укладли тизимда, энг аввало, хусусий мулк юзага кела бошлайди. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, «...биз ўз олдимизга қўйган мақсадни хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш мақсадини амалга оширишимиз керак»¹³. Ўзбекистонда хусусий мулкни ўрта ва кичик фирмалар ва корхоналар, фермер ва деҳқон хўжаликлари, томорқа хўжалиги ва индивидуал меҳнат фаолиятларидан ташкил топгандир. Ўрта ва кичик корхоналар хусусий мулкни ташкил этувчи пойдевор бўлиб, улар якка ҳолатдаги хусусий товар ишлаб чиқарувчи субъектлар жумласидандир. Кўпчилик иқтисодчилар майда товар хўжалиги хусусий уклад таркибида алоҳида мақомга эга, деб таъкидлашмоқда. Улар гуруҳлаштирилиб, майда товар хўжалиги таркибига кичик корхоналар, деҳқон хўжаликлари, кичик фермер хўжаликлари ва якка тартибда ишловчилар киритилмоқда. Албатта, улар бир-биридан фарқланади. Масалан, кичик фермер хўжалигида озчилик ишлагани ҳолда, иш билан банд бўлганлар оила аъзолари ёки оиланинг яқин қариндошлари ҳисобланади. Бундан фарқли ўлароқ, кичик фирмаларда ишловчиларнинг қон-қариндошлик муносабати кам учрайди. Майда товар хўжалиги илгарилари иқтисодиётда алоҳида уклад деб юритилган бўлса, бозор иқтисодиёти шароитида у хусусий укладнинг бир туридир, деб талқин этилмоқда. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида хусусий мулк йирик фермерлар хўжаликлар ҳисобига ҳам ўсиб бормоқда.

Бу хўжаликлар ёлланма меҳнатдан фойдаланади. Фермер хўжаликлари ҳам эркин қишлоқ хўжаликлари маҳсулотлари бозори учун, ҳам давлатнинг монополия бозори учун ишлайди. Эркин бозор унинг фаолиятини рағбатлантирса, давлат бозори иқтисодий рағбатлантиришни заифлаштиради. Шу сабабли фермер хўжаликлари зиддиятли омиллар таъсирида фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасида хусусий мулк икки кўринишда шаклланмоқда. Якка (индивидуал) хусусий мулк унинг биринчи шакли бўлиб айрим шахсларнинг мулки ҳисобланади. Иккинчи шакли корпоратив, яъни мулк эгаларининг шерикчилик асосида маълум гуруҳларга бирлашган ҳолда фаолият кўрсатиши натижасида қўлга

¹³ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Тошкент.: «Ўзбекистон», 1999, 32-бет.

киритиладиган мулкдир. Ўзбекистонда хусусий мулк жорий этилган пайтдан бошлаб, шахсан истеъмол қилиниб, фойда (даромад) олиш мақсадларига хизмат қиладиган шахсий мулкдан ажралиб туради. Чунки фойда олиш истаги мулк соҳибини ўз бизнесини кучайтиришга ундайди. Хусусий корхоналарда ёлланма ишчилар сони чекланмайди. Хусусий мулк бўлмас экан, бозор муносабатлари ҳам юзага келмайди.

Хусусий мулк соҳиби ёлланма меҳнатдан фойдаланган ҳолда икки хил тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланишнинг ҳуқуқий шакли сифатида амал қиладди. Буйруқбозлик иқтисодиёти шароитида хусусий мулк туфайли хусусий тадбиркорлик жинсий жазога тортиладиган ишлар ҳолатидан чиқиб, қонун томонидан ҳимоя қилинадиган фаолиятга айланади.

Давлат мустақиллиги туфайли бозорга ўтишнинг ўз моделимиз ишлаб чиқилгач, асосий эътибор хусусий мулкни амалда мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилди.

Хусусий мулкнинг ҳуқуқий мавқелари қуйидагилардан иборат: хусусий мулк тушунчаси, унинг бошқа шакллари тизимидаги ўрни, объектлари доираси, мулкдорнинг қонуний ҳуқуқлари хусусиятлари, бу ҳуқуқларнинг ҳимояси ва уни амалда рўёбга чиқариш. Хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди.

Хусусий мулк соҳиби мулкка нисбатан ўз ҳуқуқларини хусусий тарзда амалга оширади, яъни у бошқа шахсларнинг розилиги ёки рухсатини сўраб ўтирмай, ўз хоҳишига кўра иш олиб боради. Маълумки, давлат мулки шаклида давлатнинг ўзи субъект (мулкдор) ҳисобланиб, инсон мулкдан ажратилади, бегоналаштирилади. Хусусий мулкда эса бошқа киши эмас, балки унинг ўзи субъект бўлади. Хусусий мулкнинг асосий фазилати шундан иборатки, барча шакллар орасида ёлғиз у мулкдорга яқин туради. Бу ҳолда эса у ўз хоҳиши билан ва ўз иродасига мувофиқ, мол-мулкка тезкорлик билан таъсир кўрсатиб, унинг сақланиши ва кўпайиши масъулиятини зиммасига олади. Ўзбекистонда хусусий мулкнинг вужудга келишининг муҳим манбаи фуқароларнинг давлат мулкни хусусийлаштиришда иштирок этишларидан иборатдир.

Ер хусусий мулк объекти сифатида алоҳида хусусиятга эга. Ерга мулкчилик муаммоси республиканинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда чеклангандир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 21 январдаги фармонининг 3-бандига мувофиқ, савдо, хизмат

кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер участкалари билан бирга танлов асосида сотишга рухсат берилди. Ушбу ер участкаларига хусусий мулк ҳуқуқининг ҳамма меъёрлари тааллуқли бўлиб, улар сотилиши, васият қилиб қолдирилиши, ижарага берилиши мумкин. Бироқ ернинг бошқа тоифалари давлатнинг алоҳида мулки объекти бўлиб, фуқароларга, жамоа хўжаликларига умрбод эгалик қилиш учун берилиши мумкин.

Мулкдор хусусий корхонага эга бўлиши мумкин. Хусусий корхонанинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 февralида тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги Низомда белгиланган. Ушбу Низомга асосан хусусий корхоналарнинг икки хили – ёлланма меҳнатдан фойдаланадиган хусусий корхона ва фақат мулкдорнинг шахсий меҳнатига асосланган хусусий корхона фарқланади. Хусусий корхонанинг соҳиби, одатда, хусусий тадбиркордир. У, кўпинча, таваккалчилик билан иш юритади, ўз ҳаракатига ўзи жавобгар бўлган ҳолда шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида хўжалик фаолиятини амалга оширади. Хусусий корхонада ёлланма ишчи меҳнатидан фойдаланиш сони чекланмайди.

Хусусий корхона юридик шахс бўлиб, ўзининг мустақил баланси, муҳри, банкларда ҳисоб рақами ва бошқа ҳисоб варақларига эга. Унинг соҳиби ўз мол-мулкига нисбатан қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли, ишлаб чиқариш, тижорат ва юридик мустақиллика эга бўлиб, ўз корхонасини бошқаришда мустақил шахс ҳисобланади.

Давлат мулки. Ижтимоийлашган бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат мулкини хусусийлаштириш ва уни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнида кўп укладли иқтисодиёт, яъни аралаш иқтисодиётда давлат мулкининг мавқеи катта бўлади. Давлат сектори ҳам кўп укладли тузилмага киради, бунда яқка давлат мулкчилиги мавжуд бўлса-да, бу мулкнинг тасарруфи ҳар хил хўжалик юритиш шароитида рўй беради. Бу ўринда давлат мулки эркин рақобат муҳитини ҳосил этса, бошқа ўринда монопол тузилмани юзага келтиради. Бунинг сабаби бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат макроиқтисодиётнинг барқарорлиги ва унинг ривожланишини таъминлашга асос бўлиб хизмат қилувчи тармоқларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилганлигидадир. Шунингдек, у ўтиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялаши, айниқса, камбағал қатламнинг яшаш минимуми

даражасини таъминлаши керак. Ўтиш даврида, табиийки, давлат жамият ва иқтисодиёт мувозанатини сақлаб туриш учун буфер вазифасини бажаради. Шунга биноан, давлат мулкнинг мавқеи ва тутган ўрни сезиларли даражада бўлиши заруриятдир. Шу билан бирга, давлатнинг мулкнинг сиёсий-иқтисодий тараққиётидаги роли ва аҳамияти каттадир. Ҳақиқатан ҳам давлат мулки халққа тегишли бўлиб, у ажратилмайди ва ундан ноёб ресурсларни қайта ишлашда фойдаланилади.

Давлат мулки унга тегишли товар ва хизматлар яратувчи корхоналар мажмуидан иборат бўлиб, давлат сектори жумласига киради. Давлат мулк эгаси сифатида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни рағбатлантиради. Унинг корхоналари миллий маҳсулот яратувчи кўринишида майдонга чиқади. Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига ўтишида кучли давлатнинг фаол иштироки ва раҳбарлигида, яъни давлат секторини мустаҳкамлаш, сўнгра бошқа мулкларга эркинлик бериш йўли билан амалга оширилди.

Давлат мулкнинг хусусиятларидан бири давлатнинг мутлақ монополист бўлиб, ишлаб чиқариш воситалари ва яратилган маҳсулотларни якка ўзи ўзлаштираётганлигидадир.

Давлат мулкига қарашли корхоналарда ёлланиб ишловчи кишилар ўз мустақилликларини йўқотадилар. Чунки ишлаб чиқилган маҳсулот давлатнинг хоҳиш-истагига қараб тақсимланади ва қайта тақсимланади. Мулкка давлат монополизмининг сақланиб қолиниши, иқтисодий ҳаётда, маълум даражада, бозор иқтисодиёти қонуниятларининг эркин амал қилиши учун маълум чегараларнинг пайда бўлишини тақозо этади.

Ўзбекистон Фуқаролик кодексида давлат мулки республика мулки ва маъмурий-худудий (муниципал) тузилмалар мулкидан иборат эканлиги таъкидланган.

Давлат мулки тизимида мудофаа, давлат бошқаруви, ижтимоий тартибни муҳофаза қилиш, ягона энергетика тизимини таъминлаш, фундаментал фанларни ривожлантириш, ер, ер ости ва усти бойликлари, фойдали қазилмалар, сув ва сув иншоотлари, табиатни муҳофаза қилиш каби қатор объектлар киради.

Ўзбекистон Республикаси макроиқтисодиётида шундай соҳалар мавжудки, Фуқаролик кодексига мувофиқ ер, ер ости ва усти бойликлари, сув, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ёқилғи энергетика комплекси, нефть конлари, газ захиралари ва ниҳоят

«олтин захира»лари, давлат ҳокимияти ва республиканинг бошқа ташкилотлари мол-мулки, давлат аҳамиятига молик маданий ва тарихий бойликлар, республиканинг бюджет маблағлари, валюта фонди ва бошқа давлат фондлари республика мулки ҳисобланади.

Бюджет маблағлари ёки давлатнинг бошқа маблағлари ҳисобидан яратилган ёки сотиб олинган корхоналар, бошқа мулкрий комплекслар, ўқув, илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотлари, интеллектуал фаолият натижалари, бошқа мол-мулклар ҳам республиканинг фойдаланишида ва тасарруфида бўлиши мумкин.

Юқорида зикр этилган мулк объектларининг ягона давлат мулки таркибида бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг биринчи, иккинчи ва учинчи босқичи яқунлари шундан далолат бермоқдаки, республикада давлат мулки маълум давргача етакчи ўринда бўлиб қолаверади. Бундай ҳолат ўзига хос бўлган янги бошқарув тизимини талаб қилади. Ҳозирги шароитда давлат мулкига мансуб корхоналарнинг икки тури мавжуд: биринчиси давлатнинг тўғридан-тўғри, бевосита раҳбарлигида ишловчи корхоналар: иккинчиси тўла тижорат ҳисобида турувчи корхоналар. Демак, давлат тадбиркорлик секторида фаолият кўрсатиб, ўз улушига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикасида давлат мулкани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг аграр қонун ҳужжатларида вакил қилинган органлар тасарруф этади.

Жамоа мулки. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган мулкчилик тўғрисидаги қонунга биноан, ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилишнинг бир неча тури мавжуд. Бундай жамоа мулклари жумласига оилавий мулк, маҳалла мулки, кооператив мулк, ижара, жамоа корхоналар мулки, концернлар мулки, ижтимоий ва диний ташкилотлар мулки кабилар киради.

Жамоа мулки икки йўналишда вужудга келмоқда: 1) маъмурий-буйруқбозлик тизим даврида ҳам мавжуд бўлган жамоа мулки; уларни қайта ислоҳ қилиш бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириб шакллантирилмоқда; 2) давлат мулкани хусусийлаштириш натижасида корхоналар жамоаси томонидан сотиб олинган, бадал эвазига қурилган корхоналар, акция чиқариб, уларни сотиш асосида вужудга келтираётган мулклар жамоа хўжалиги мулкларидир. Ишлаб чиқариш воситалари ва ундан фойдаланиш натижасида вужудга кел-

тирилган маҳсулотлардан жамоа аъзоларининг манфаатлари учун фойдаланиш ва уларга эгалик қилиш шундай мулкнинг асосий белгисидир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аграр секторда, қурилишда, транспорт, савдо, хизмат қилиш соҳаларида жамоа мулкининг турли шакллардаги корхоналари пайдо бўлиб, фаолият кўрсатиб келмоқда.

Жамоа мулки ҳам эркин, ҳам монополия бозори билан боғланган бўлиб, хўжаликлар ўз маҳсулотларини эркин бозорда сотганда нарх паритетига мослашади. Бу маълум даражада зиддиятли бўлади. Чунки маҳсулот буюртма нархлар билан монополия бозорида давлатга сотилганда баланслашмаган инфляцияга хос ҳодисалар юз беради. Шу боис, хўжалик фаолияти қийин кечади. Чунки нарх паритети хўжаликнинг зарари томон ўзгаради, натижада унинг молиявий аҳволи қийинлашади. Жамоа хўжалик мулкларининг келажак истиқболи иқтисодий муносабатларнинг янада эркинлаштирилиши ва, имконият борича, тезроқ эркин бозор нархларига ўтиш билан боғлиқдир.

Аграр секторда жамоа аъзолари берилган ер майдонлари, ўз ихтиёридаги ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиб, меҳнат қилади, мустақил ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширади.

Жамоа хўжаликлари аъзолари ўз мулкларини ишлаб чиқаришда бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ишлатишни ташкил этиб, ўз хоҳишлари бўйича фойдаланишлари, тасарруф этишлари, эгалик қилишлари ва натижасини ўзлаштиришлари мумкин.

Жамоа ташкилотларининг мулкларидан айнан шу жамоа аъзоларининг манфаатини кўзлаб фойдаланилади.

Давлат мулкини тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштириш асосида янгидан ташкил этилаётган мулк амалда мазкур жамоага бирлашган кишилар томонидан биргалашиб ўзлаштириш рўй берган тақдирда жамоа мулки вужудга келади. Жамоа мулки давлат мулки шаклида ҳам, шунингдек мустақил ассоциациялашган шаклда ҳам вужудга келиб, фаолият кўрсатиши мумкин. Мазкур жамоага аъзо бўлганлар шу мулкдан фойдаланади, тасарруф этади ва ўзлаштиради.

Жамоа хўжалиги мулкининг ўзига хос хусусиятларидан бири, шу жамоа аъзолари меҳнати туфайли яратилган маҳсулот тақсимоти, ҳар бир жамоа мулк аъзоси меҳнатининг ҳиссаси ва сифати, мулкка қўшган улуши, маблағи миқдорининг ҳисобга олиниб тақсимланишидир. Унинг иккинчи хусусияти жамоа аъзоларининг ёлланма иш

кучидан ҳам фойдаланишлари мумкин эканлиги ва бунинг ҳар икки томоннинг ихтиёрий равишда келишилган шартнома асосида ҳал этилиши билан боғлиқлигидадир.

Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштиришнинг устувор йўналишида кичик, ўрта ва хусусий корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун қулай шарт-шароит яратилиши лозим. Бунинг учун кичик ва ўрта корхоналарни ташкил қилиш шартларини соддалаштириш, тадбиркорлик тузилмалари учун керакли ашё ва кредит захираларидан, асбоб-ускуна ва материаллардан доимий фойдалана олиш тартибларини эркинлаштириш лозим.

Иқтисодиётни эркинлаштириш жамоа мулкининг янада ривожланиб, кўпайиб боришини таъминлайди. Турли мулк шакллари ўрта-сида рақобат кучаяди. Рақобатбардошликни таъминлаш мақсадида новацияни қўллаш учун олинган даромаднинг маълум қисми жамғармага ажратилади. Шу сабабли мулкнинг миқдори кўпаяди.¹⁴

Жамоа мулкида масъулият ҳам, мулк жавобгарлиги ҳам, манфаатдорликнинг ҳам юқори бўлишининг сабаби бу мулкда меҳнат қилувчи эга фақат битта субъект эканлигидадир.

Оилавий мулк. Оилавий мулк оила аъзоларининг истеъмол буюмларидан фойдаланиш, уни ўзлаштириш, тасарруф этиш, унга эгалик қилишдан иборат бўлган муносабатдир.

Оилавий мулк оила аъзоларининг шахсий эҳтиёжини қондириши учун зарур бўлган объектлар – уй-жойлар, уй-рўзғор буюмлари, транспорт воситалари, радио, телевизор, мебель, пул жамғармалари ва зарур қўшимча буюмлар кабилардан иборат. Оилавий мулк оила аъзоларининг шахсий эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган бўлади.

Жамиятнинг иқтисодий тараққиёти даражасига қараб, кишиларнинг оилавий турмуш даражаси юқори ёки паст бўлиши мумкин. Оиланинг турмуш даражаси қанчалик юқори бўлса, озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминланиши миқдори, сифати шунчалик юқори бўлади ва аксинча. Оила даромадининг манбаи тадбиркорлик, жамоа хўжалигида меҳнат билан банд бўлиши ва шахсий томорқа хўжалигидан унумли фойдалана олишига боғлиқдир. Шахсий томорқа хўжалигининг товар хусусияти камроқ бўлиб, етказилган маҳсулот оила аъзоларининг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлади. Оила-

¹⁴ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2001.

вий мулкдан фақат оила аъзолари шахсий манфаатларини кўзлаб фойдаланилади.

Оила даромади ўсиб борган сайин оила аъзоларининг эҳтиёжи янада тўлароқ қондирилибгина қолмасдан, истеъмол таркиби сифат жиҳатидан ҳам кескин ўзгаради.

Оила мулкининг миқдори кўпайиб, сифати яхшиланиб боришида эҳтиёжнинг ўсиб бориш қонуни мураккаблашувида намоён бўлади. Натижада оиланинг мулки ресурслари таркиби ўзгаради ва кўпаяди, турмуш даражаси юқорига кўтарилади.

Кооператив мулк. Кооператив мулк аъзоларининг фаолият кўтариши натижасида ўз меҳнатларини ва маблағларини бирлаштиришлари асосида юзага келади. Бундай мулкни шакллантиришда ишлаб чиқариш воситалари ва зарур бўлган анжомлар ёрдамида хўжалик мақсадлари амалга оширилади.

Кооператив мулк таркибида, кўпинча, жамоа, пудрат ва ижара асосида иш юритувчи алоҳида цехлар, устахоналар, маиший хизмат кўрсатувчи бўлимлар, дўконлар мавжуд бўлади.

Кооператив мулк ишлаб чиқаришга қаратилганлиги туфайли аъзоларининг меҳнат қилиш фаолиятига асосланган бўлади. Масалан, матлубот кооперациясида унинг аъзолари меҳнат қилишлари шарт эмас. Қишлоқ хўжалик, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш кооперативлари бир-биридан фарқланиб, уларнинг ҳар бири ишлаб чиқаришда ўзларининг алоҳида-алоҳида хусусиятларига эгадир.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида кооператив мулкнинг асосий кўриниши колхозлар кўринишида ташкил топган эди. Кооператив мулк, кўпинча, давлат мулки билан бевосита боғлиқдир. Бунинг сабаби кооператив мулкнинг давлат мулки негизи (мелиорация, ирригация ва бошқа ишлаб чиқариш инфраструктура тузилма иншоотлари)да пайдо бўлганлигидадир.

Матлубот кооперацияси тизими таркибида истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи, маиший хизмат кўрсатувчи кооперативлар ташкил этиш мумкин. Кооперативлар мустақил равишда ёки бирор корхона ва жамоа ташкилотлари таркибида ташкил этилиши мумкин. Кооператив мулк фаолиятида иштирок этувчи субъект ўз хоҳишига қараб, унга доимий аъзо бўлиши ёки шартнома асосида унда иштирок қилиши мумкин.

Кооператив мулкнинг манбаи аъзоларининг қўшган маблағи, материаллари, ишлаб чиқарган маҳсулотларини, акция ва қиммат-

баҳо қоғозларни сотишдан тушган даромадлар, банкдан олинган кредитлар ҳисобланади. Кооператив мулкни ташкил қилиш қулай, тез анчайин осонлик билан амалга оширилиши мумкин. Кооператив мулк, айниқса, меҳнат ресурсларининг бандлик даражасини кўтаришда жуда аҳамиятлидир.

Ижара мулки. Тадбиркорларнинг кўпчилиги ўзга кишилар мулкни ижарага олиб, фаолият кўрсатади. Бунинг натижасида шаклланган мулк ижарачиларга тегишли бўлади.

Ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари ижарага берилганда мулкка бўлган ҳуқуқ кимнинг ихтиёрида бўлади?

Ижарага берилаётган мулкка эгалик ҳуқуқи ижарага олаётган соҳибкорнинг ихтиёрида қолади. Мулк эгаси бўлмиш соҳибкор ижарага бераётган мулкдан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини шартномада кўрсатилган давр ичида ижарага олувчи шахсга ўтказиши мумкин. Ижара муддатининг узок ёки қисқа бўлиши ҳар икки томоннинг келишувига боғлиқдир. Иқтисодиёт назарияси тарихидан маълумки, мулкни ижарага берувчи соҳибкор ижара муддатининг қисқа бўлишига интилади, мулкни ижарага олувчи тадбиркор ижара муддатининг узок бўлиши учун ҳаракат қилади.

Аралаш мулк. Ўтиш даврида кўп укладли тизимда аралаш уклад вужудга келади. Мазкур уклад икки тоифалидир: а) давлат улуши бор ҳиссадорлик корхоналари; б) қўшма корхоналар.

Аралаш укладда мулклар интеграциялашади, яъни турли шаклдаги мулк субъектлари ўз ресурсларини бирлаштириш асосида умумий капитал ҳосил этади ва шу асосида хўжалик фаолиятини юритади. Аралаш мулк давлат мулки, хусусий мулк, маҳаллий корхона, хорижий корхоналар қоришмасидан ҳосил бўлади.

Аралаш мулк ҳиссадорликка асосланади. Иқтисодий ривожланишнинг турли шароитида мулклар бир-бири билан қўшилиши мумкин. Ҳозирги давр иқтисодиётида бир хил хусусий ёки ижтимоий мулк шакли соф ҳолда мавжуд бўлган ҳолдаги мулкни бирон-бир давлатдан топиш қийин. Шундай йўл билан фаолият кўрсатиш мумкин бўлганлигидан улар «Аралаш иқтисодиёт» деб юритилади. Бунда эса умумий, хусусий ва аралаш мулк шакллари учратиш мумкин.

Аралаш мулкда хорижликларнинг иштироки туфайли макроиқтисодиётда инвестиция юки енгиллашади. Қўшма корхоналарда маълум даражада устунлик мавжуд бўлиб, унга замонавий хориж технологияси жорий этилади, малакали иш кучидан фойдаланилади, бу,

ўз навбатида, меҳнат унумдорлигининг анча юқори бўлишини таъминлайди.

Ўтиш даври иқтисодиёти шароитида макроиқтисодиётнинг турли соҳалари, тармоқларида ишлаб чиқариш кучлари, ишлаб чиқаришнинг умумлашув даражаси турлича бўлганлиги сабабли, табақалашув ҳолати ҳам мураккаблашиб бормоқда.

Макроиқтисодиётнинг турли соҳаларида мулк шаклларининг турли хиллари вужудга келмоқда. Мулк шаклларининг айрим турлари олдиндан мавжуд бўлган, айримлари янгитдан вужудга келмоқда.

Ўзбекистон Республикасида турли ташкилотлар-диний, ижтимоий (касаба уюшмаси, сиёсий партиялар), маҳалла кабиларнинг мулклари ҳам вужудга келди.

Диний ташкилотлар мулки диндорлар тасарруфидаги мачитлар, черковлар, синагогалар, улардаги маблағлар, асбоб-ускуналар, диний китоблардир. Унинг субъекти муайян мачит, мадраса, черков, синагогада қатнашувчи диндорлардир.

Ижтимоий ташкилотлар, яъни партиялар, касаба ташкилотлари, турли жамғарма фондларидан иборат гуруҳлар тегишли мулк субъектлари шу ташкилотларнинг аъзолари ҳисобланади. Маҳалла мулки – муайян маҳалла ҳудудудида истиқомат қилувчи фуқаролар ихтиёридаги идора-иморатлар, улар ихтиёридаги асбоб-анжомлар, идиш-товоқлар, тўпланган маблағлардан иборат. Маҳалла мулки субъекти фақат мазкур маҳаллада истиқомат қилувчининг ўзи ҳисобланади.

4-§. Иқтисодий ислохотлар ва мулкдорлар синфининг вужудга келиши

Ўзбекистон Мустақилликка эришгандан сўнг марказлаштирилган, маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш – эски тоталитар ҳўжалик юритиш механизмини шунчаки янгилаш ва такомиллаштириш эмас, балки бир сифат ҳолатидан тамоман ўзга, иккинчи сифат ҳолатига ўтиш демакдир. Ислохот бирор иқтисодий муносабатларни ташкилий бошқарув тузилмалари билан алмаштиришдир. «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ хусусийлаштириш дастури ишлаб чиқилди. Натижада мулкни давлат тасарруфидан чиқариш шароити ҳисобга олиниб, бу тадбир пулли, пулсиз ёки имтиёзли тарзда ўтказилди. Хусусийлаштиришнинг услубиятидан қатъи

назар, бу тадбир мамлакатда мулкнинг хилма-хил шаклининг вужудга келишини таъминлайди. Бу дастурда хусусийлаштиришни ўтказиш қонун қоидалари, муддатлари босқичма-босқич амалга ошириш белгиланди.

Биринчи босқич (1992-1993)да уй-жой фондларини, маиший хизмат кўрсатиш, савдо, маҳаллий саноат ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш тизими объектлари хусусийлаштирилди. Енгил саноат, маҳаллий саноат, транспорт ва қурилишга қарашли айрим ўрта ва йирик корхоналар кейинчалик сотиб олиш ҳуқуқи билан ижара ва жамоа корхоналарига, ёпиқ турдаги акционерлик жамиятларига айлантирилиб, акционерликнинг назорат пакети давлат ихтиёрида сақлаб қолинди. Бу тадбир «кичик хусусийлаштириш» деб аталади. Хусусийлаштириш дастурининг иккинчи босқичи (1994-1995)да авто-транспорт ва қурилиш муддатлари ўтиб кетган, тугалланмаган қурилиш объектлари, ўрта ва йирик саноат, озиқ-овқат, қайта ишлаш корхоналарининг улгуржи ва чакана савдо объектлари, ўрта ва йирик корхоналар, асосан, ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди. Уларнинг акциялари эвазига республика қимматбаҳо қоғозлар бозорининг асосини ташкил этувчи нодавлат сектори юзага келди. Иккинчи босқичда саноатнинг асосий тармоқлари – ёқилғи-энергетика, қон саноати, машинасозлик ва пахтани қайта ишлаш комплексларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида транспорт корхоналари, жумладан, автобус ва таксомотор парклари, транспорт воситаларини хусусийлаштириш, сотиш йўли билан амалга оширилди.

Иккинчи босқичнинг муҳим хусусияти шундан иборатки, бунда, асосан, хусусийлаштириш механизмининг ўзини янада такомиллаштириш кўзда тутилган эди. Хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг барча акцияларининг ярмидан кўпроғи эркин сотиш йўли билан амалга оширилди. Бу босқичда хусусийлаштириш, асосан, танлов ва қим ошди савдоси, яъни аукцион бўйича амалга оширилди. Хусусийлаштирилган корхоналарни бозордаги талаб ва таклиф қонуни асосида маҳсулот ишлаб чиқаришга қайта ихтисослаштириш кўзда тутилди. Натижада давлат мулкни дастлабки хусусийлаштиришни тугаллаш, чинакам мулкдорлар синфини шакллантириш, уларнинг ҳақиқий мулкдорлигини эътироф этиш, давлатнинг мулкка бўлган монополь ҳукмронлигини кескин камайитиришга эришилди.

Хусусийлаштиришни амалга оширишда аҳоли учун кучли ижтимоий кафолатлар ишлаб чиқилди. Уни бажаришда, биринчидан, фуқароларнинг мулкдан улуш олишида тенг ҳуқуққа эгаллиги эътироф қилинди. Иккинчидан, хусусийлаштирилаётган корхона меҳнат жамоаси аъзоларининг ижтимоий ҳимояланиши қонунга қатъий амал қилиш зарурлиги белгиланди. Жумладан, хусусийлаштирилаётган корхона меҳнат жамоаси аъзоларининг акцияларни имтиёзли шартлар билан сотиб олишлари учун имкониятлар яратилди.

Янги мулкдорларга эскирган асосий фондлар ҳамда ижтимоий инфраструктура объектлари бепул берилди. Давлат хўжаликларининг мол-мулки, фермалар, боғлар ва узумзорлар имтиёзли шартлар асосида хусусийлаштирилди.

Шундай қилиб, хусусийлаштириш жараёнидан кўзланган асосий мақсад икки хил вазифанинг бажарилишидан иборатдир.

Биринчидан, республика иқтисодиётидаги мулк ўзининг ҳақиқий хўжайинига топширилди, яъни мулк ўзининг ҳақиқий мулкдорига эга бўлиши амалга оширилди. Давлат мулкни хусусийлаштириш асосида жамоа, ҳиссадорлик, хусусий, кўшма корхоналар мулкларига айлантириш, яъни мулкни давлат шаклидан бошқа шаклга ўтказиш, энг аввало, мулкни тежаб-тергаб фойдаланадиган, талаб ва тақлиф қонуни асосида истеъмол бозорини тўлдира оладиган мулкдорларга топширилди.

Мулкдорни шакллантиришда унинг иқтисодий ва ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатишини таъминлаш, ўз фаолияти натижаларини таҳлил этиш, ниҳоят иқтисодий жавобгарлик ҳиссиётини уйғотишга ҳам эътибор қаратилди, чунки мулкдор ҳам мулк эгаси, ҳам ишлаб чиқаришни юритувчи, ҳам ўз меҳнати самарасининг эгасидир. У мулк ўзида мужассам бўлган барча қобилиятлардан фойдаланган ҳолда ўз меҳнати самараси учун курашади.

Хусусийлаштиришдан кўзланган иккинчи мақсад кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириб, рағбатлантирувчи рақобатни шакллантиришдан иборат.

Хусусийлаштириш натижасида мамлакат иқтисодиётида бир неча хил хўжалик юритиш шакллари – укладлар вужудга келди. Укладлар маълум тарздаги ижтимоий шаклларни ташкил этувчи ишлаб чиқариш муносабатларининг бутун бир тизимидир.

Ўзбекистонда, унинг аралаш иқтисодиётида давлат, жамоа, хусусий мулк ҳамда якка (индивидуал) мулклар мавжуд. Шундай мулк-

лар асосида турли корхоналар ташкил топиб, ишлаб чиқарувчиларнинг ўзларига қаршли ишлаб чиқариш хўжаликлари вужудга келди. Бу корхоналарда ишлаб чиқарувчилар айна вақтда мулк эгаси ҳамдир. Ишлаб чиқариш натижалари мазкур ишчиларнинг эҳтиёжлари, хоҳиш-истаклари учун ишлатилади. Натижада олинган фойда билан иш ҳақи қўшилиб, ишловчининг оладиган даромадини кўпайтиради. Кўп укладли иктисодиётда давлат, жамоа мулки асосида ижара ва ҳиссадорлик корхоналари ҳам вужудга келди. Бу корхоналарда меҳнаткашлар, бир томондан, мазкур ишлаб чиқаришнинг эгалари, иккинчи томондан, бевосита ишчи ходимлари ҳисобланади. Улар корхонадаги мавжуд ресурслардан фойдаланиб, кўп даромад олиш мақсадида бошқарувда иштирок этадилар.

Ҳиссадорлик корхоналарида ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилиш борасида «давлат-шахс», «жамоа-шахс» каби аралаш мулк шакли шаклланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида «ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли» эканлиги, «мулкнинг дахлсизлиги», «фуқаролар мулки хусусий мулкдан» иборат бўлиши, «мулкдор ўз мулкини тасарруф этиш ҳуқуқи чекланмаслиги», ҳар бир фуқаро ўз «ички кучини тасарруф эта олиш» каби ҳуқуқий меъёрлар белгилаб берилган. Давлат мулкини хусусийлаштиришда мулкдор тизимининг асосини ўрта мулк эгалари тоифаси ташкил этади. Бу тоифа муайян мулк-кўчмас мулк, яъни ер майдони, кичик ва ўрта корхона, шахсий ёрдамчи хўжалик, хилма-хил касб-корлар эгалари, тадбиркорлик, ҳунармандчилик, тижорат ва, умуман, бирон иктисодий фаолият билан шуғулланувчи шахслардир.

Мамлакатимизда мулкдорлар синфининг вужудга келиши учун «Мулкчилик тўғрисида», «Тадбиркорлик тўғрисида», «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Ер тўғрисида», «Ижара тўғрисида» каби бир қанча қонунлар хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: «Мулкдорлар синфини шакллантиришни ислохотларнинг бош мезони», - деб таърифлайди. Мамлакатда кўпроқ ўрта мулкдорлар синфининг шаклланиши кўзга ташланмоқда. Ўрта мулкдорлар синфи қуйидаги икки манбага асосланиб иш кўради: биринчидан, кичик ва ўрта корхоналар қурилишини ривожлантириш, яъни кичик ва ўрта бизнесга кенг йўл очиб бериш. Иккинчидан, қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлан-

тириш. Бу соҳа биз учун тамомила янгидир. Шунинг учун аҳолининг кенг қатламларини мазкур жараёнга жалб этиш, уларга қимматбаҳо қоғозлар моҳиятини етказиш, бу бозордан доимо даромад олиб турилиши мумкинлигини тушунтириб бориш керак. Бу жараённинг энг қийин томони аҳоли қатламларини ана шу мулк эгаллигига жалб этишдан иборатдир. Айниқса, кишилар қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш ва уларга бу тадбирнинг эгаллик қилишнинг фойдали фаолият эканлигини тушуниш фойдали эканлигини англашлари лозим. Бу ҳақда Президентимиз шундай деган эди: «Биз кишилар онгига қимматбаҳо қоғозлар ҳам аслида мулкка эгаллик шакли эканини сингдиришимиз керак».

Вужудга келган мулкчилик ишлаб чиқариш воситаларига ва истеъмол буюмларига эгаллик қилиш йўли билан шаклланади. Шунингдек, ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик кишилар ўртасида ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимот ва истеъмол муносабатларининг характерли хусусиятларини ҳам белгилаб беради.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда вужудга келган турли мулкчилик ижтимоий муносабатлари шакллари белгилаб бердики, у аста-секин иқтисодиётнинг пойдеворига айланиб бормоқда. Мулкчилик асосида айрим шахс, маълум гуруҳ, синф ва қатламларнинг жамиятда эгаллаб турган мавқеи, ишлаб чиқариш омиллари (капитал)дан фойдаланиш имконияти даражалари белгилаб берилди.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар асосида мулкни хусусийлаштириш натижасида хусусий мулк бошқа мулкларга нисбатан бирламчилар қаторига ўта бошлади ва бошқа мулклар билан алоқага киришиб, уларнинг тараққиётига таъсир кўрсата бошлади. Чунки хусусий мулк Ўзбекистон Республикаси Конституциясида «...хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир»¹⁵, -деб қайд этилган. Бу хусусий мулкнинг вужудга келиши ва ривожланиши учун иқтисодий шароит мавжудлиги эътироф этилиб, келажакда унинг етакчи, бирламчи мулк бўлишига заминдир.

Хусусий мулк хусусий тадбиркорлик мулкдир. У давлат, кооператив ёки бошқа мулкларнинг ҳаммаси ёхуд бир қисмининг фуқароларга ўтказилиши ёйинки шахсий жамғармалар, банкдан олинган қарзлар ҳисобига бу мулкни сотиб олиш, шунингдек ижарадаги мулкнинг ҳақини тўлиқ тўлаб ёки уни қонунда кўзда тутилган бошқа йўллар билан харид қилиш каби ҳолларда вужудга кела бошлади.

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент.: “Ўзбекистон”, 1992, 19-бет.

Хусусий корхонанинг эгаси, одатда, хусусий тадбиркор бўлади. Ўзи таваккал қилиб ва ўзи мулкрий жавобгар бўлгани ҳолда шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида ташаббускорлик асосида хўжалик фаолиятини амалга оширадиган жисмоний шахслар хусусий тадбиркорлар мақомини оладилар. Хусусий корхоналарнинг ёлланма меҳнатдан фойдаланиши чекланмаган.

Хусусий мулк ислохотларнинг йўлга қўйилиши билан макроиқтисодийнинг барча соҳаларида пайдо бўла бошлади. Аграр секторда ҳам умумхалқ мулки бўлган ерда иш юритувчи деҳқон (фермер) хўжаликларини шакллантириш асосида хусусий мулк юзага келмоқда.

Мулкнинг турли шакллари ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти, меҳнатнинг ихтисослашуви ва дифференциациясининг чуқурлашуви асосида ўзгарди.

Ҳозирги пайтда турли мулк шакллариининг ривожланиб бориши, маъмурий-буйруқбозлик услубларининг бозор иқтисодий асосларида ўзгариши, бугунги кун талабига мувофиқ келадиган хусусий мулкнинг вужудга келиши муносабати билан улар билан янги техника ва технологиялардан фойдаланиб, тобора ривожланиб бормоқда. Эски хўжалик юритиш шакллариининг янгитдан вужудга келадиган хўжалик юритиш шаклларига ўрин бўшатиб бериши бозор талабига мос бўлган мулкчилик муносабатларини вужудга келтиради ва шунга мувофиқ равишда ўзлаштириш ҳам амалга оширилади. Албатта, мулк эгаси мулкчилик муносабатининг иқтисодий мазмуни олинган фойдани ким томонидан, қандай қилиб ва кимнинг манфаати учун ўзлаштиради. Бошқача айтганда, иқтисодий маънода фойдани ўзлаштириш шакли юзага келади.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш асосида вужудга келган хусусий мулк эгасининг манфаати ишлаб чиқарилган маҳсулотдан фойда томон кўчади. Демак, мулкдорни фақат фойда олиш қизиқтиради.

Мулкдор яратилган маҳсулотнинг маълум қисмини ишлаб чиқаришни узлуксиз давом эттириш учун сарф бўлган харажатларни яна тиклаш мақсадида ишлатади, яъни сарфланган моддий ресурслар ва меҳнат сарфини қоплашга ҳаракат қилади. Фойда эса бирор миқдорда мулк эгасига ўтади. Бу билан мулкчиликнинг иқтисодий реализацияси, яъни мулк эгаси манфаати рўёбга чиқади.

Ўтиш даври кўп мулкчиликка асосланган бозор иқтисодиёти, аралаш иқтисодиёт томон ўтиш даврида давлат мулки, жамоа мулки, ижарага олинган корхона жамоаси мулки, якка (индивидуал) мулк, шахсий мулк, хусусий мулк, қўшма корхоналар мулклари кабилар вужудга келади. Хусусийлаштиришнинг дастлабки пайтидан бошлаб, мулкчиликнинг барча шаклларига мансуб корхоналарнинг амалда тенг ҳуқуқлилигини жорий этишни таъминлайдиган ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар тизими пайдо бўлади.

Нодавлат секторини сунъий равишда чеклаб турадиган юридик ва ташкилий тўсиқлар олиб ташланди. Мулк шакллариининг ривожланиб бориши натижасида қандай тенденциялар юзага келди? Биринчидан, мулк шакллари ўртасида рақобатчилик келиб чиқади. Бир-биридан устун бўлиш учун иқтисодиётда устувор йўналишларни эгаллаш, юқори мавқега чиқиш сари ҳаракатлар доимий тус олади. Бу курашда айрим мулк шакллари барҳам топиши мумкин. Иккинчидан, улар ўртасидаги рақобат кураши иқтисодиётнинг ўсиш суръатларининг тезлашуви, самарадорликнинг ортиши, бозорни истеъмол буюмлари ҳамда хизматлар билан тўлдиришга қаратилади. Мамлакатимизда хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, ҳақиқий мулкдор синфларнинг тўла шаклланиши сингари омиллар иқтисодиёт пойдеворига айланиб боришини таъминлайди.

Асосий таянч тушунчалар

Мулкчилик муносабатлари – жамиятдаги бойликларни ўзлаштириш хусусидаги иқтисодий муносабатлардир.

Мулкчилик – ўзлаштириш борасидаги муносабатлар бўлар экан, у эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишнинг яхлитлигини тақозо этади.

Эгаллик қилиш – мулкка расмий ва ҳуқуқий эгаллик қилишдир.

Фойдаланиш, ишлатиш – мулк бўлган бойликни иқтисодий фаолиятда қўллаб, хўжалик жараёнига киритиб, тегишли самара олиш.

Тасарруф этиш – мулк бўлган бойлик тақдирини мустақил ҳал этиш, яъни мулкни сотиш, ижарага бериш, меросга қолдириш, асраб-авайлаб кўпайтириш ёки уни йўқотиб юборишдан иборат хатти-ҳаракатдир.

Мулкчилик объектлари – мулкка айланган барча бойликларнинг турлари.

Мулкчилик субъектлари – мулк объектини ўзлаштиришда қатнашувчилар, мулккий муносабатларнинг иштирокчилари.

Мулкдорларнинг иқтисодий манфаати – бойлик эгаси сифатидаги эҳтиёжи бўлиб, хатти-ҳаракат, феъл-атвори иқтисодий фаолият сабабини юзага чиқаради.

Мулк шакллари – давлат, жамоа, хусусий мулклардан иборат.

Хусусий мулк – айрим кишиларга тегишли ва даромад олишнинг асоси бўлиб хизмат қилувчи мулк.

Жамоа мулки – муайян мақсад йўлида айрим жамоаларга бирлашган кишилар томонидан биргаликда ўзлаштириладиган бойлик.

Давлат мулки – ўз вазифасини адо этиш учун давлат томонидан ўзлаштирилган бойлик.

Давлат тасарруфидан чиқариш – давлат мулкини ислохотлар йўли билан ҳар хил мулк шаклларига айлантириш.

Хусусийлаштириш – ислохотлар йўли билан давлат мулкининг хусусий шахслар ихтиёрига ўтказилиши.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

Мулккий тизим нима дегани?

Мулккий моноструктура ва мулккий полиструктура қандай фарқланади?

Корпоратив хусусий мулк билан жамоа мулкини қайси белгиларига қараб фарқлаш мумкин?

Қўйилган саволга қуйидаги муқобил жавоблардан тўғриси танлаб олинг ва уларни кетма-кет ёзинг. Топган жавобларингизнинг тўғрилигини шу бобда ёзилган мулоҳазаларга қараб текшириб кўринг.

Савол: мулкни сақлашнинг қайси усуллари қулай бўлади?

Жавоб: Мулкни сотиб юбориб, пулни банкда сақлаш, мулкни меросга ўтказиш; мулкни капитал сифатида тадбиркорликка ишлатиш; мулкни ўзининг билими, иш қобилиятини оширишга сарфлаш; мулкни жавоҳирлар ва антиквар буюмларига айлантириб қўйиш; мулкни чет элга ўтказиб қўйиш.

IV БОБ. ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ. ПУЛ

1-§. **Натурал хўжалик – товар хўжалигининг моддий асоси**

Натурал хўжалик умумий иқтисодий ишлаб чиқаришнинг тарихан бирламчи шакли бўлиб, у хўжалик ички эҳтиёжларини, яъни ишлаб чиқарувчиларнинг ўз шахсий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ижтимоий хўжаликнинг дастлабки шакли ҳисобланади. Бундай хўжалик ибтидоий индустриал тараққиёт давригача ҳукмрон бўлиб келган. Ҳозирги даврда эса айрим давлатларда бир қадар салмоқли ўринни эгаллаб келмоқда.

Натурал хўжалик шароитида истеъмол, кўпинча, ишлаб чиқаришга мос келган, бундай ҳолат эса уларнинг бир-бири билан боғланиш муаммосини жуда осонлаштирган.

Бундай муносабатларда барча зарурий нарсалар қўл кучи билан тайёрланган, яъни хом ашёни тайёр маҳсулот ҳолатига келтириш учун ўз кучларидан фойдаланилган. Натурал хўжалиги шароитида маҳсулот айирбошланмаган ва ишлаб чиқарувчилар ўзлари учун ҳаётий воситаларни ишлаб чиқариб, кунлик эҳтиёжларини қондириб келишган.

Патриархал деҳқон хўжалиги ва феодал помещьелари, асосан, натурал хўжалик шаклида бўлган. Натурал ишлаб чиқариш шакли ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожланмаганлиги оқибатида вужудга келган, Чунки ўша вақтда ижтимоий меҳнатнинг у ёки бу бўғинигина ривожлана бошлаган эди. Бундай шароитда биқик ёки ўз эҳтиёжини ўзи қондирган ишлаб чиқариш жараёни пайдо бўлган. Меҳнат уларнинг тор доирасидагина ижтимоий характер касб этган.

Натурал хўжаликнинг дастлабки асоси, дастлаб, ер, кейинчалик хонаки хунармандчилик саноати шаклида бўлган.

Натурал хўжалик бир неча хил типдаги хўжаликлардан иборат бўлиб, якка деҳқон, оилавий, жамоа ва, ниҳоят, давлат хўжаликларидан ташкил топган.

Натурал хўжаликда ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан жуда кичик, тур жиҳатидан бир хил бўлганлиги сабабли энг оддий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган. Бундай хўжалик ўта архаик, эскиликка мойил – консерватив бўлиб, янгиликни ярата олмас эди. Шу туфайли асрлар давомида сақланиб келди.

Натурал хўжалик бозор иқтисодиёти муносабатлари қарор топгунга қадар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосий шакли бўлиб келди.

Узоқ ўтмишдаёқ натурал хўжаликнинг керакли эканлиги, уни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг зарурлиги ғоялари олға сурилган. Масалан, қадимги юнон (грек) олимларидан Платон, Аристотель кабилар ўз асарларида шундай ғояларни олға суришган.

Платон “Сиёсат ва давлат” номли асарида натурал қулдорлик хўжалигини мослаб, жамиятдаги ҳар қандай душманликни келтириб чиқарадиган ягона манба – пул деб ҳисоблайди ва натурал хўжаликни ҳимоя қилиб чиқади. Унинг фикрича, натурал хўжалик жамият аъзолари ўртасидаги иқтисодий табақаланишга чек қўяди.

Аристотель натурал хўжаликнинг ҳимоячиси ва унинг назариячиларидан ҳисобланади. У натурал хўжаликни мустаҳкамлаш билан биргаликда товар хўжалигини ҳам ривожлантириш керак, лекин бунда товар ишлаб чиқариб сотишдан мақсад ўз эҳтиёжини қондириш устун туради, деб ҳисоблайди. Таъкидлаш лозимки, Аристотель замонида натурал хўжалик билан бир вақтда унинг заминида товар хўжалиги ҳам мавжуд бўлган.

Натурал хўжалик ишлаб чиқарувчи кучларнинг ғоят паст даражасига хос бўлиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини бермайди. Чунки бундай хўжалик ва ишлаб чиқариш тўла-тўқис қўл меҳнатига таянади. Меҳнат қуроллари эса узоқ даврлар давомида ўзгармай қолаверади. Ишлаб чиқаришнинг моддий омили ривож топмаганлиги билан бирга, унинг шахсий омили ҳам ўта паст даражада сақланиб туради. Меҳнат унумдорлиги деярли ўсмайди. Меҳнат унумдорлиги ғоят суст борганлиги сабабли иқтисодий ўсиш ҳам суст бўлган.

Натурал ишлаб чиқариш шакли барча иқтисодий жараёнларни бир жой доирасига қатъий солиб қўяди ва ташқи алоқаларни ўрнатишга йўл қўймайди. Иш кучи муайян хўжаликка жуда қаттиқ бириктириб қўйилади ва кўчиб юришдан маҳрум этилади. Натурал хўжаликнинг эскиликка мойиллиги ҳам шунга боғлиқдир. Натурал хўжалик шакллариининг худди бундай хусусиятлари қишлоқ хўжалик жамоалариининг минг йиллар давомида барқарор яшовчан бўлиб келганлиги «сири»ни очиб беради. Меҳнат унумдорлиги ўсиши чегараланганлиги сабабли иқтисодий ривожланиш ғоят суст бориб, асосан, табиий омиллар ҳисобидан, яъни кам ҳосилдор ерлардан ҳосилдор

ерларга ўтиш ҳисобидан юз берган. Ишлаб чиқариш ҳажм жиҳатидан кичик, тур жиҳатидан бир хил бўлганидан ишлаб чиқарувчиларнинг энг оддий эҳтиёжларини қондирган, холос.

Хуллас, натурал хўжалик ишлаб чиқарувчи кучларнинг шундай даражаси ва ишлаб чиқариш муносабатларининг шундай типига моски, улар ишлаб чиқариш мақсадларини ниҳоятда чеклаб қўяди, ишлаб чиқаришнинг ҳажми жиҳатдан жуда оз ва характери жиҳатдан бир хил ибтидоий бўлган эҳтиёжларни қондиришга бўйсундиради.

Аста-секин ишлаб чиқариш кучларининг ўсиб бориши натижасида меҳнат тақсимооти маълум даражада ўсади, хусусий мулкчилик пайдо бўла бошлайди ва натурал хўжалик аста-секин емирилишга юз тутади. Унинг ўрнига товар хўжалиги шакллана бошлайди. Товар хўжаликлари узок тарихий тараққиёт маҳсулидир. Албатта, товар хўжалиги ва натурал хўжаликлар бир-биридан кескин фарқ қилинган. Бундан товар хўжалиги ва натурал хўжалик аралаш бўлганлиги аёнлашади. Бинобарин, натурал хўжалик ўрнини товар ишлаб чиқариш эгаллайди ва у ҳукмронлик ролини ўйнай бошлайди.

2-§. Товар ишлаб чиқариш

Товар ишлаб чиқариш натурал хўжаликка қарама-қарши омил сифатида юзага келган. Демак, маҳсулотнинг натурал шакли товар шакли билан ўрин алмашган. Товар хўжалиги иқтисодий жиҳатдан мустақил, маълум истеъмол маҳсулотини ишлаб чиқаришга ихтисослашган, ўз эҳтиёжларини олди-сотди, яъни бозор орқали қондиради-ган алоҳида хўжалик туридир.

Товар хўжалиги бевосита бозор билан боғланган, бозор талаблари асосида ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этадиган илғор хўжалик ҳисобланади.

Товар ишлаб чиқариш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг муайян тузилиши бўлиб, бунда кишилар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар товар-пул муносабатлари, яъни бозор -маҳсулотларни олди-сотди қилиш орқали рўёбга чиқарилади.

Демак, товар хўжалиги бозор билан боғланган бўлиб, бозор талабига қараб товар ишлаб чиқарилади. Жамиятда меҳнат тақсимооти чуқурлашиб бориши натижасида товар хўжалигининг турлари ҳам кўпайиб боради. Товар хўжалигининг ибтидоий даври оддий товар хўжалиги шаклида бўлган. Ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши, иш-

лаб чиқаришнинг индустриал тараққиёт даврига келиб йирик ихтисослашган товар хўжалиги ривожлана бошлади.

Оддий товар хўжалиги ишлаб чиқариш воситаларига асосланган бўлса-да, хўжалик эгаси ва аъзолари шахсий меҳнатга суянадилар. Ишлаб чиқаришдан мақсад оила ва хўжалик эҳтиёжларини қондиришдан иборатдир. Йирик ихтисослашган товар хўжалиги йирик хусусий мулкчиликка асосланган бўлиб, ёлланма меҳнатдан фойдаланади. Чунки унинг мақсади товар ишлаб чиқариб фойда олишдир. Шундай экан, товар ишлаб чиқариш маҳсулотни бозор учун, яъни пул воситасида олди-сотди қилиш мақсадида бунёдга келтирилган. Товар ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши узок тараққиёт мобайнида товар ишлаб чиқариш йўсинини объектив тарзда юзага келтиради. Чунки бозор орқали айирбошламай туриб кишиларнинг кун кўриши қийин кечган.

Товар ишлаб чиқариш объектив тарзда икки асосга таянади ва икки хил заруриятни вужудга келтиради:

1. Меҳнат тақсимооти-бунда товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг бирор турига ихтисослаштирилади, яъни бир неча хил маҳсулот ишлаб чиқариш, кейинчалик маҳсулотнинг айрим бир турини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилади. Бирор хил товар ишлаб чиқарувчи ўз эҳтиёжини қондириш учун маҳсулотини бошқа бир керакли товарга айирбошлашга ўта бошлайди. Шундай товар ишлаб чиқарувчилар бир-бири билан рўпара бўладилар ва натижада товарлар айирбошланади. Демак, товарлар доимо қўлдан-қўлга ўтиб туради. Бу жараёнда истеъмол қиймати алмашинув қийматига тенглаштирилади. Натижада меҳнат унумдорлиги анча оша боради. Демак, товарларни айирбошлаш нафақат зарурият, балки товар ишлаб чиқарувчилар учун ҳам фойдали ҳисобланади. Шу туфайли товар ишлаб чиқарувчиларнинг нимани ва қанча ишлаб чиқариш, уни қандай баҳоларда сотиш товар эгасининг ўзига боғлиқ бўлади. Товар ишлаб чиқарувчи фақат бозор қонунларини тан олади ва унинг талаблари билан ҳисоблашади. Товар хўжалиги шароитида хусусий манфаатларни рўёбга чиқариш учун тегишли шарт-шароитлар юзага келади.

2. Ишлаб чиқарувчилар бир-биридан алоҳидалашиб кетганларидан кейин улар (хизмат кўрсатувчилар) иқтисодий жиҳатдан мустақилликка эришадилар. Улар маълум шаклдаги йирик мулк эгаларига айланиб, мулкни мустақил равишда ўз тасарруфига ола бошлайдилар.

Мулкдорлар ўртасида товар айирбошлаш рўй беради. Бу жараёнда ҳар бир мулк эгасининг ўзига хос манфаатлари намоён бўлади.

Жамият миқёсида ишлаб чиқаришнинг ривожланиши натижасида айирбошлаш учун яратилган айрим товарларни эмас, балки яратилган барча товарларни айирбошлаш, бозорга чиқариш умумий тусга айланади. Бундай шароитда товар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш бир марта бўладиган тасодифий ҳол эмас, балки миллионлаб марта қайтариладиган узлуксиз жараёндир. Товар ишлаб чиқариш бозор иқтисодиёти муносабатлари тизимининг моддий асосидир. Маҳсулотларни товар шаклида ишлаб чиқариш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг муайян тузилиши бўлиб, бунда кишилар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар бозор орқали, уларнинг меҳнат маҳсулотларини олди-сотди қилиш орқали намоён бўлади. Товарни сотишдан мақсад унинг ўрнига бошқа товарни сотиб олиш ва ўз эҳтиёжини қондиришдир. Бунда эҳтиёжнинг шахсий ёки ишлаб чиқариш учун керак-керакмаслигининг аҳамияти йўқ. Чунки ишлаб чиқарувчи айти вақтда истеъмолчи ҳамдир. У бир томондан, сотувчи бўлса, бошқа томондан, харидор ҳисобланади.

Истеъмол буюмларининг умуман товарга айланишининг сабаби уларнинг бир-бирига боғлиқ бўлмаган хусусий меҳнатлари маҳсулотлари эканлигидандир. Бундай хусусий меҳнатларнинг йиғиндиси жамиятнинг жами меҳнاتини ташкил этади. Ишлаб чиқарувчилар ўз меҳнатларининг маҳсулотларини айирбошлаш йўли билангина бир-бирлари билан ижтимоий алоқага киришадиларки, шу туфайли улар меҳнати ижтимоий тус олади.

Жамият аъзоларининг жами меҳнат бўлиб, вақти билан ижтимоий меҳнат, унинг турлари ихтисослаша боради. Меҳнат тақсимоти ижтимоий меҳнатнинг мустақил вазифаларини бажарувчи меҳнат турларига ажралишидан иборат жараёндир.

Меҳнат тақсимоти ижтимоий меҳнат фаолиятининг сифат жиҳатдан оширилишини тақозо этади. Меҳнат тақсимоти юз берганда бир меҳнат туридан иккинчиси, иккинчисидан учинчиси ва ҳоказо тарзда ажралиб чиқади ҳамда бу жараён узлуксиз давом этаверади. Ҳар бир меҳнат тури мустақил вазифани бажаради, лекин унинг бошқа турлар билан боғланган ҳолда ишлаб чиқаришда қатнашади. Кишиларнинг меҳнат бозор орқали мужассамлаштириладиган жами меҳнатнинг бир қисми ҳисобланади. Бозордаги ўзаро алоқалар аслида меҳнатни ижтимоий зарурият сифатида эътироф қилишнинг бево-

сита эмас, балки билвосита йўли, яъни товарни бозорда, олди-сотди йўли билан амалга ошириладиган меҳнатнинг эътироф этилишидан бошқа нарса эмас.

Тарихий тараққиётдан маълумки, товар ишлаб чиқариш умуминсоний, иқтисодий ходисадир. Ҳозирги даврда давлатларнинг тараққиёт қай даражада бўлишидан қатъи назар, уларнинг барчасида товар ишлаб чиқариш мавжуд. Товар ишлаб чиқарувчиларнинг мавқеи зиддиятлидир. Бир томондан, уларнинг меҳнати ижтимоий характерга эга, яъни уларнинг товарига муҳтож бўлган шахслар тимсолида жамият учун зарурдир. Иккинчи томондан, уларнинг меҳнати алоҳида меҳнат мавқеида бўлиб, у ўз ҳисобидан амалга оширилади ва номаълум истеъмолчига мўлжаллангандир.

Товар ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнатнинг ижтимоий аҳамияти унинг бозорда ўз харидорини топганганлиги, сотилганганлиги билан тасдиқланади. Демак, товар ишлаб чиқарувчиларнинг меҳнати айна бир вақтда ҳам ижтимоий, ҳам алоҳидалашган меҳнатдир. Меҳнатнинг ижтимоий характери билан унинг алоҳидалашуви ўртасидаги зиддият товар ишлаб чиқарувчиларнинг алоҳида зиддиятидир. Бу зиддият ҳар бир товарга татбиқан бозорда ҳал этилади. Лекин шу билан бирга, у умумий ижтимоий хўжалик товар тузумининг зиддияти сифатида доим такрор пайдо бўлиб туради. Жами ижтимоий меҳнат таркибига кириш ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи учун жуда мураккаб ва ҳаётий муҳим муаммодир. Чунки у муваффақиятсизликка учраган тақдирда ўз маҳсулотини сота олмайди ва зарар кўради, баъзан эса хонавайрон бўлиши ҳам мумкин. Муаммо шу билан чуқурлашадики, ижтимоий эҳтиёжлар таркиби ҳамиша бирдай берилган доимий ўзгармас нарса эмас. Вақти-вақти билан бу таркиб албатта топиб туради. Бинобарин, ишлаб чиқариш таркиби, жами ижтимоий меҳнат таркиби ҳам қайта тузилиши керак. Товар ишлаб чиқарувчи ўз товарининг сотилмай қолиши хавфи тузилиши билан бозордаги ҳолатни хушёрона кузатиб боришга, доим бозорга мослашиб туришга мажбур бўлиб туради.

3-§. Товар ва унинг хусусиятлари

Модомики, товар меҳнат маҳсулининг бир шакли экан, меҳнат маҳсулининг кўриб чиқилган барча хоссалари унга ҳам хосдир. Хўш, товарнинг маҳсулотдан фарқи нимада? Товар, энг аввало, ўз истеъмолчи учун эмас, балки бошқа маҳсулотларга айрибошлаш мақсадида

тайёрланадиган меҳнат маҳсулидир. Товарнинг натурал моддий ва иқтисодий томонлари, ўзига хос хусусиятлари ана шундан келиб чиқади. Товар, биринчи галда, ташқи маҳсулот, буюмдир. У ўз хусусиятига кўра, кишининг бирон-бир эҳтиёжини қондирадиган нарса ҳисобланади. Ҳар бир фойдали нарсага, масалан, пахта, буғдой, темир ва шу кабиларни сифат жиҳатидан ва миқдор жиҳатидан қаралган кўп хусусиятлар фойдалидир.

Иқтисодиёт назарияси фани товарнинг биринчи хусусиятини қиймат, иккинчи хусусиятини эса истеъмол қиймати деб атайти. Демак, қиймат ва истеъмол қиймати товарнинг икки ёқлама хусусиятидир. Нарса фойдали бўлганлиги учун истеъмол қийматига айланади. Истеъмол қиймати фақат товардан фойдаланишда ва истеъмол қилганда рўёбга чиқади. Товарнинг бу хоссаси товарнинг истеъмол қиймати деб аталади. Бойликнинг ижтимоий шакли қандай бўлишидан қатъи назар, истеъмол қиймати унинг моддий маҳсулини ташкил этади.

Фойдалилик ўзида намоён қилинган истеъмол қийматидир. Истеъмол қиймати фойдали бўлиб, буюмнинг моддий хусусиятларидан ажралмайди, бироқ унга мос келади. Товарнинг истеъмол қиймати, даставвал, табиатда мавжуддир. Инсон меҳнат қуроллари воситасида унинг шаклини ўзгартиради ва ўз эҳтиёжига мослаштиради. Товари вужудга келтирган меҳнатнинг фойдали шакллари инсон ҳаёти, унинг тузилиши, ҳажми товар хусусиятлари билан алоқадор эканлигини тасдиқлайди. Бинобарин, товар истеъмол қийматининг икки хил хусусияти бор: биринчидан, товарнинг ташқи хусусияти билан боғлиқ бўлган муносабатлар; иккинчидан, товарнинг жами хусусиятлари мажмуи билан инсон эҳтиёжлари ўртасидаги муносабатлар. Иқтисодиёт назарияси барча товарларни истеъмол хусусиятига қараб икки катта гуруҳга бўлади: 1) ишлаб чиқариш истеъмоли буюмлари, 2) шахсий истеъмол буюмлари.

Биринчи гуруҳдаги товарлар, ишлаб чиқаришнинг моддий-ашёвий элементлари такрор ишлаб чиқаришда иштирок эттирилади; иккинчи гуруҳдаги товарлар эса бевосита ишлаб чиқарувчиларнинг иш кучини тиклаш, такрор ишлаб чиқариш ва жамиятнинг бошқа аъзолари истеъмоллари учун ишлатилади.

Истеъмол қиймати товарнинг бошқа товар билан айрибошланиш имконини бергани учунгина ўзининг ишлаб чиқарувчисини қизиқтиради. Товарларнинг алмашилиш хусусияти уларнинг алмашув қий-

мати деб аталади. Алмашув қиймати нимага асосланади? Муайян нисбатда товарларнинг айрибошланиши уларнинг миқдор жиҳатдан таққосланишини билдиради.

Демак, товарнинг истеъмол қиймати маълум иқтисодий муносабатларни – товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги айирбошлаш муносабатларини англатади. Агар истеъмол қиймати мазкур товарни сифат жиҳатдан ифодаласа, алмашув қиймати тарзида миқдор жиҳатини ифодалайди. Лекин алмашув қиймати товарнинг алоҳида учинчи хусусияти эмас. Алмашув қиймати товар хусусиятларининг амалда намоён бўлишидир, ҳаётда, алмашув жараёнида ифодаланишидир, унинг кўриниш шаклидир. Айирбошлаш, албатта, товарлар ўртасида ўзаро тенгликни-ўлчовни тақозо этади. Товарларни тенглаштириш учун асос бўладиган омил уларни ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнатдир.

Миқдор жиҳатдан бараварлаштириш эса ҳамيشа сифат жиҳатдан умумий ягона бирон-бир нарса борлигини тақозо этади. Нарса истеъмол қиймати бўлиши мумкин, лекин бундай ҳолат ҳар қандай истеъмол қийматига эга бўлган нарса товар бўлаверади маъносини билдиради деган гап эмас. Ҳаво, кўриқ ер, табиий ўтлоқлар, тўқайзорлар кабилар шулар жумласидандир. Нарса фойдали ва киши меҳнатининг маҳсули бўлиши, аммо у товарга айланмаслиги ҳам мумкин.

Ўз меҳнат маҳсулоти билан эҳтиёжини қондирувчи киши товар эмас, балки истеъмол қийматини яратади. Чунки яратилган маҳсулот товар бўлмаганлиги учун бозорга чиқарилмайди,

Демак, маҳсулот фақат истеъмолни қондириш йўли билан товар бўлиб қолмайди, чунки уни инсон ўз меҳнати орқали яратиши керак. Товар бошқалар эҳтиёжини қондиришга, яъни олди-сотдига мўлжаллаб ишлаб чиқарилган бўлиши керак. Шундай қилиб, инсон меҳнати туфайли яратилган маҳсулот товар бўлиши учун қуйидаги икки хусусиятга эга бўлиши керак: 1) истеъмол қийматига эга бўлиши, яъни инсоннинг бирон-бир эҳтиёжини қондириши шарт; 2) алмашув қийматига, яъни бошқа товарга маълум миқдорий нисбатда айирбошлаш учун хизмат қилиши керак. Товарнинг бу хусусиятлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Демак, товар истеъмол қиймат тарихида истеъмол учун, алмашув қиймати тарихида сотиш учун ишлаб чиқарилади.

Юқоридаги таҳлиллардан, товарларда иккиёқлама сифат, яъни истеъмол қиймати ва алмашув қиймати борлиги маълум бўлди. Бунинг сабаби товар ишлаб чиқарувчи меҳнати хусусиятларининг икки томонламалигига боғлиқдир. Бир томондан, бу – муайян турдаги меҳнатдир. Демак, ҳар бир товарнинг истеъмол қийматида мақсадга мувофиқлашган муайян ишлаб чиқариш фаолияти, яъни фойдали меҳнат бор. Демак, истеъмол қийматларини яратувчи кишиларнинг фойдали меҳнати уларнинг учун шартдир, абадий табиий заруриятдир: меҳнат қилинмаганда киши билан табиат ўртасида модда алмашинуви содир бўлмас, яъни кишиларнинг ҳаёт кечириши мумкин бўлмас эди. Бундай ҳолат ўзига хос меҳнат куроли ва предметларининг қўлланилиши, ишлаб чиқарувчиларнинг касбий малакасини тақозо этади ва у мутлақо аниқ натижа – муайян истеъмол қиймати билан ифодаланади.

Таъкидлаш жоизки, меҳнат киши ҳосил қиладиган истеъмол қийматларининг, моддий бойликнинг бирдан-бир манбаи эмасдир. Чунки, Уильям Петти айтганидек, меҳнат бойликнинг отасидир, ер эса унинг онасидир.

Шунинг учун товарни-истеъмол қийматини яратган меҳнат **конкрет меҳнат** деб аталади. Иккинчи томондан, меҳнат конкрет шаклидан қатъи назар, умуман, сарфланган иш кучи, жами ижтимоий меҳнатнинг қисмидир. Ўзининг шу сифатида меҳнат **абстракт (мавҳум) меҳнат** деб аталади, бу меҳнат эса товарнинг қийматини яратади. Ижтимоий тараққиёт барча босқичларида меҳнат бир томондан фойдали бўлса, иккинчи томондан эса инсоннинг жисмоний ва маънавий қобилиятлари мажмуаси сифатида иш кучининг сарфланиши, умуман меҳнат тарзида намоён бўлади. Демак, биринчидан, фойдали аниқ меҳнат сарфи истеъмол қийматни вужудга келтиради.

Товар фақат меҳнат маҳсулидир. Товарнинг иккиёқлама хусусиятга эга бўлишининг чуқур сабаби ҳам шундаки, унга сарфланган меҳнат иккиёқлама характер касб этади. Бир томондан, товарда мужассамлашган меҳнат аниқ меҳнатдир, бирон-бир мақсадни кўзлаб сарфланган меҳнатдир, чунки у истеъмол қийматини яратади. Иккинчи томондан, товарда, умуман, инсон меҳнати, унинг жисмоний ва аклий қобилияти мужассамлашган. У мавҳум меҳнатдир. Бундай меҳнат товар қийматини яратади. Масалан, нон ҳақида гап кетганда, табиий кўз олдимизда, новвой меҳнати гавдаланади. Бундай вақтда бошқа товар ишлаб чиқарувчилар (ғаллакор, шахтер, газ ходими,

пахтакор, металлург, транспорт ходими ва ҳоказо) нинг меҳнати эса кўзда тутилмайди. Агар нон қўлга олиниб мушоҳада қилинса у фақат новвой меҳнати натижаси бўлиб қолмайди, балки умуман товар ишлаб чиқарувчиларнинг меҳнати ҳисобланади. Демак, нон умуман меҳнат маҳсулидир. Бундан нон ҳам аниқ меҳнат, ҳам абстракт меҳнат натижаси эканлиги аён бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, товарнинг истеъмол қийматини яратувчи меҳнат ҳар доим конкретликдан маҳрум этилган бўлиб, қийматнинг асоси ва субстанцияси (моҳияти) ҳисобланади.

4-§. Товар қиймати ва унга таъсир этувчи омиллар

Товарларнинг қиймат миқдори бир-бирига тенг бўлганда айирбошлаш жараёни рўй беради. Миқдорий нисбат сунъий бўлмайди. Унинг асосида товарларга сарфланган меҳнат ётади. Айирбошланган товарлар турли-туман, бўлганлиги учун уларнинг ўлчами бирхил эмас. Уларнинг моддий ўлчами метр, кубометр, килограмм, дона, квадрат метр ва ҳоказо. Моддий ўлчами билан товарларни тенглаштириб бўлмайди. Товарларни тенглаштириш учун асосан уларни ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнатдир. Товарда гавдаланган меҳнат унинг қийматини вужудга келтиради. Албатта, бу ерда жами ишлаб чиқариш босқичларида сарфланган меҳнатнинг ҳаммаси назарда тутиляпти.

Бирор товарнинг истеъмол қийматини ва унинг фойдалилигини истеъмол қилиш жараёнида сезиш ёки билиш мумкин. Лекин товар қийматининг моддийлигини сезиш қийин. Чунки қиймат меҳнат маҳсули бўлиб, товарнинг ички хусусиятини ифода этади. Товар ўзида истеъмол қиймати ва қийматни биргаликда мужассамлаштирган бўлиб, улар ўзларини алмашув қиймати орқали ифодалайди.

Товар қийматининг манбаи бевосита меҳнат қийматининг ҳажмига сарфланган меҳнатнинг миқдори билан белгиланади. Шундай қилиб, меҳнат сарфи қанча кам бўлса товар қиймати шунча пасаяди ва аксинча. Қиймат товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги иқтисодий муносабатни билдирганлиги туфайли иқтисодий категория ҳисобланади. Шундай қилиб, қиймат кишиларнинг ишлаб чиқариш жараёнидаги ўзаро муносабатларини ифода этади. Бундай ҳолат товарнинг бозордаги олди-сотдиси орқали юзага чиқади. Бу қиймат маҳсулотнинг табиий эмас, балки ижтимоий-иқтисодий хусусияти демакдир.

Товар мужассамлашган, моддийлашган абстракт меҳнатдан иборат бўлиб, қиймат миқдори мазкур товарни ишлаб чиқариш учун сарф қилинган абстракт меҳнат миқдори билан белгиланади. Товарда мужассамлашган меҳнат уни ишлаб чиқариш учун кетганлиги, қанча давом этганлиги билан ўлчанади. Иш вақтининг кўлами эса вақтнинг муайян бўлаклари (масалан, соат, кун, ой кабилар)да ифодаланади. Жамиятда товар қийматини ифодаловчи иш кучи сон-саноксиз индивидуал иш кучларидан ташкил топган бўлиб, айти бир хилдаги иш кучининг сарф қилинишидан иборатдир.

Индивидуал иш вақти деганда бирор турдаги товарни ишлаб чиқариш учун айрим ишлаб чиқарувчининг сарф қилган вақти тушунилади. Маълумки, бирор товарни ишлаб чиқаришга фақат ўртача зарур иш вақти ёки ижтимоий зарурий иш вақти ишлаб чиқаришнинг мавжуд ижтимоий нормал шароитида иш кучи меҳнат маҳорати ва интенсивлигининг ўртача даражада бирон товарни тайёрлаш учун талаб қиладиган иш вақтидир. Бирор турдаги товар яратиш учун ишлаб чиқарувчилар ҳар хил иш вақти сарфлайдилар. Бу, асосан, уларнинг малакаси, билими иш вақтидан тўғри фойдалана олишига боғлиқ бўлади.

Товар қиймати айрим товар ишлаб чиқарувчилар сарфлаган меҳнат билан белгиланмайди. Уларнинг ишлаб чиқаришдаги шароитлари ҳар хил бўлиб, кўпчилик товар ишлаб чиқарувчиларнинг шароити товар ишлаб чиқаришнинг ўртача ижтимоийлигига боғлиқ бўлади. Мана шу ўртача шароитда сарфланган меҳнат ижтимоий зарурий меҳнатни билдиради ва товар қийматини белгилайди. Масалан, шартли равишда бирор-бир турдаги товарлар массасини – 3 хил гуруҳдаги ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилган стулларни олиб кўрайлик. Дейлик, биринчи гуруҳ 200 дона стул ясаб, унинг ҳар бирини ишлаб чиқариш учун 5 соат иш вақти сарф қилади. Иккинчи гуруҳдагилар 100 дона стул ишлаб чиқариб, унинг ҳар бири учун 8 соат иш вақти кетказди. Учинчи гуруҳдагилар 700 дона стул ишлаб чиқариб, ҳар қайсисини яратиш учун 6 соат иш вақти сарф қилади. Ҳисоб-китоблар бўйича стуллар яратиш учун жами $(200 \cdot 5 + 100 \cdot 8 + 700 \cdot 6)$ 6000 соат иш вақти сарф бўлганлиги аниқланади. Стулларнинг жами минг дона. Демак, ҳар бир стул яратиш учун ижтимоий зарурий иш вақти 6 соатга тенгдир. Мана шу 6 соат товарларнинг асосий қисмини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ижтимоий меҳнатни ифодалайди.

Ҳар бир гуруҳда индивидуал иш вақти ўзига хослиги билан ажралиб, ўз ўрнига эга. Бунинг сабаби товар ишлаб чиқарувчиларнинг маълум бир товарни яратиш учун сарфлаган иш вақти турлича эканлигидадир. Демак, ишлаб чиқарувчилар тайёрлаган товарнинг индивидуал иш вақти турличадир. Лекин товарларни айирбошлашда уларнинг индивидуал қиймати эмас, балки ижтимоий қиймати ҳисобга олинади. Жамиятда товар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган иш вақти доимий хусусиятга эга эмас. Бунинг сабаби меҳнатнинг унумдорлиги ҳар сафар ўзгариб туриши билан бирга, товарга сарфланган иш вақтининг ҳам ўзгариб туришидадир. Товар қийматининг миқдори ва унумдорлиги бошқа бир қанча омилларга боғлиқдир. Ишчи меҳнати ўртача даражасининг ўзгариши, фанлар тараққиёти ва унинг технология жиҳатдан татбиқ қилиниши даражаси, ишлаб чиқариш жараёнининг ижтимоий комбинацияси, ишлаб чиқариш воситаларининг кўлами ва самарадорлиги кабилар шулар жумласидандир. Умуман, меҳнат унумдорлиги қанча юқори бўлса, муайян товар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган иш вақти шунчалик кам сарфланади. Натижада товарда мужассамлашган меҳнат миқдори кам сарф қилинади, товарнинг қиймати пасайиб, арзонлашади ва аксинча. Шундай қилиб, товарнинг қиймат миқдори унда мужассамлашган меҳнат миқдорига нисбатан тўғри пропорционал равишда ва шу меҳнатнинг унумдорлик даражасига нисбатан тескари пропорционал ўзгариб туради. Бинобарин, тадбиркор ишлаб чиқарувчилар ва умуман жамият меҳнат унумдорлигининг ўсишидан манфаатдордирлар. Чунки пировард-натижада товар ишлаб чиқариш кўпаяди, сифати яхшиланади, арзонлашади. Бундан истеъмолчилар ҳам манфаатдор бўлади.

Товар айирбошлаш жараёнида меҳнатнинг турли хил даражаси ҳам ҳисобга олинади. Чунки оддий ва мураккаб меҳнат турлари бор. Товар қийматида оддий меҳнат ифодаланади. Махсус тайёргарлик кўрмасдан, ҳар бир соғлом киши бажариши мумкин бўлган меҳнат оддий меҳнатдир. Сувчи, ўроқчи кабиларнинг меҳнати ана шундай меҳнатдир. Бироқ токаръ, инженер, электрпайвандчи, тракторчи ва ҳоказоларнинг меҳнати маълум даражада касбий малака ва маҳорат, яъни махсус тайёргарликни талаб қилади. Бу мураккаб меҳнатдир. Оз миқдордаги мураккаб меҳнат натижаси кўп миқдордаги оддий меҳнатга тенгдир. Товар энг мураккаб меҳнатнинг маҳсули бўлган, қиймат шу вақт бирлигида оддий меҳнат сарфланиши орқали яратилган қийматдан юқори бўлади. Мураккаб меҳнатни оддий меҳнатга

тенглаштириш бозорда индивидуал сарфларни ижтимоий зарур сарфларга тенглаштириш билан биргаликда рўй беради.

5-§. Қиймат шаклларининг ривожланиши ва пулнинг пайдо бўлиши

Ижтимоий меҳнат тақсимооти, юқорида қайд этилганидек, муштақил товар эгалари ўртасида иқтисодий неъматларни ўзаро алмаштиришни тақозо этади. Масалан, битта болтани битта қўйга, бир қоп унни уч бўлак матога ва ҳоказо тарзда алмаштириш ҳам мумкин. Маълумки, бирор товарнинг қиймати уни бошқа товарга айирбошлаганда маълум бўлади (Т-Т). Бир қарашда, айирбошлаш вақтида товарлар бир хил роль ўйнагандек кўринади. Аслида эса бу роль турличадир. Бир товар ўз қийматини бошқа товарга нисбатан ифодалайди. Иккинчи товар эса эквивалент сифатида биринчи товарнинг қийматини белгилайди. Эквивалент роли чиқади қийматнинг эквивалент шаклини ташкил этади. Худди мана шу ўринда пулнинг куртаги мавжуд.

Аммо натура шаклида алмаштириш кўп ноқулайликларга эга. Чунончи, бир жуфт этик тиккан этикдўз ўз товарини унга алмаштирамоқчи. Бироқ этикка муҳтож бўлган кишида ортиқча ун бўлмаслиги мумкин. Табиийки, икки киши ўртасида товар алмаштириш амалга ошмайди. Ижтимоий меҳнат тақсимооти қанчалик чуқур ва ишлаб чиқарилаётган товар хили қанчалик кўп бўлса, кўрсатилган вазият шу қадар эҳтимолга яқин бўлади. Натурал товар алмашинувининг бошқа бир муаммоси – алмашинаётган неъматларнинг миқдорий нисбатларини аниқлашга боғлиқдир. Бир жуфт этик учун қанча ун бериш керак? Бу товарлар этик ва уннинг хусусиятлари эса бир-бирига мутлақо ўхшамайди. Шунинг учун алмашув пайтида улар қийматининг бирон ташқи ўлчови бўлмаган вақтда бундай товарларнинг миқдори нисбати ҳақида келишиб олиш анча мушкул. Бунинг устига, кўпгина неъматларни қисмларга парчалаб бўлмайди. Ҳатто, бундай алмашувнинг нисбатлари ҳақида келишиб олинган бўлса-да, уларни бир-бирига алмаштириш бир қадар қийин. Бундай зиддиятларнинг барини ҳал этиш учун эса пул ишлатиш зарур эканлиги аён бўлади.

Пул алмашув жараёнини анча осонлаштиради. Энди этикдўзнинг уни бор кишиларнинг ҳаммаси билан учрашиб, уларга ўз товарини таклиф этишига ҳожат қолмайди. Чунки у ўз этикларини ҳар бир кишига сотиши ва тушган пулга зарур нарсаларни сотиб олиш

мумкин. Ушбу ҳолда пул жамият (харидор қиёфасида) нинг этикдўз меҳнати тан олгани, уни муайян тарзда баҳолалаганлиги ва этикдўзга тегишли миқдорда иқтисодий неъматлар сотиб олиш ҳуқуқини берганлигини кўрсатувчи тилхат бўлиб хизмат қилади. Негаки, меҳнат нархи ҳажми товар учун берилган пул ҳажмида ифодаланади.

Демак, товарлар бир-бирига нисбатан қийматли бўлганлиги учун айирбошланади. Товарнинг қиймат шакллари пул кўринишига ўтгунга қадар бир қатор босқични босиб ўтди. Тарихда турли маҳсулотлар бир-бирининг эквиваленти ролини ўйнаган. Ибтидоий жамоа тузуми шароитида жамоа аъзолари ўзининг бирор маҳсулотини аҳён-аҳёндагина бошқа жамоанинг маҳсулотига айирбошлаган, бошқа жамоа маҳсулоти фақат айрим айирбошлов актларидагина эквивалент ролини бажарган. Бу қийматнинг оддий, камдан-кам учрайдиган ёки тасодифий шартли равишда пайдо бўлган шаклидир.

Товар бўлган мато, масалан, буғдой ўз жисмий шаклидан фарқланадиган бошқа ҳеч қандай қиймат шаклига кирмасдан матога бараварлаштирилганда ўз қиймат бирлигини намоён қилади. Шунинг учун ҳам бирор товарнинг эквивалент шакли унинг бошқа товарга бевосита айирбош қилиниш шаклидир, холос. Хоҳ буғдой эквивалент, мато нисбий қиймат бўлсин ёки, аксинча, мато эквивалент, буғдой нисбий қиймат бўлсин, бундан қатъи назар, буғдойнинг қиймат миқдори уни ишлаб чиқариш учун сарфланган иш вақти билан белгиланади. Демак, унинг қиймат шаклига боғлиқ бўлмайди.

Қийматнинг мазкур кўринишида 20 кг буғдой 3 бўлак мато билан тенг қийматга эга эканлиги маълум бўлади. 3 бўлак матонинг қиймати 20 кг буғдойнинг истеъмол қиймати билан ўлчанмоқда. Шунингдек, болта ўзининг натурал шаклидан қатъи назар, мустақил равишда қиймат шаклига эга бўлади ва ўрин алмашиб, эквивалент ролини бажариши ҳам мумкин. 3 бўлак матонинг 20 кг буғдойга тенг бўлиши уларни ишлаб чиқариш учун сарф бўлган меҳнат миқдорининг тенглигига боғлиқ. Қийматнинг бу кўринишида маълум бир товар қиймати нисбий шаклда иштирок этганда, эквивалент шаклини инкор этади. Агар эквивалент вазиятида бўлса, қийматнинг нисбий шаклини инкор этади. Демак, айти бир товар бир вақтнинг ўзида ҳам қийматнинг нисбий шаклида, ҳам эквивалент кўринишида намоён бўла олмайди.

Қийматнинг оддий тасодифий шакли қийматнинг нисбий шакли билан эквивалент шаклининг алоҳидалигидадир. Айирбошлаш жараёнида бу икки хусусият турли муносабатларни ифодалайди.

Меҳнат тақсимоти чуқурлашиб, кўпроқ барқарор бўла бориши ва конкрет меҳнатнинг кўпдан-кўп турларини қамраб олиши муносабати билан тобора кўп миқдордаги маҳсулотлар айирбошлашга жалб этила бошлайди. Бу ерда бир товар бошқа қатор товарларга айирбошланади. Қийматнинг оддий тасодифий шакли ўзининг кенгайган тўла шаклига ўсиб ўтади.

Ижтимоий меҳнат тақсимотининг янада ривожланиши, товар ишлаб чиқаришнинг ўсиши, айирбошлашнинг тобора мунтазамлашиб бориши шунга олиб келдики, барча товарлар дунёсидан бошқа товарларга тобора кўпроқ айирбошланадиган товарлар ажралиб чиқа бошлайди. Бу қийматнинг умумий шакли фойда бўлганлигини билдирар эди.

Ҳар қандай товар бевосита айирбошланиш лаёқатига эга бўлганлиги учун товар **умумий эквивалент** деб аталади. Турли халқларда ва айнан бир халқ тарихининг турли босқичларида ҳар хил маҳсулотлар масалан (ҳайвон, мўйна, зайтун ёғи, тери, фил суяги ва бошқалар) умумий эквивалент вазифасини бажарган.

Товар муносабатларининг ривожланиши натижасида қийматнинг умумий шакли вужудга келади. Энди барча товарлар ўз қийматларини фақат битта товар истеъмол қийматида намоён этадиган бўлади.

Умумий эквивалент вазифасини ўтовчи товарлар осонликча майда бўлақлар, қисмларга бўлиниши, ўз сифати ва ҳажмини ўзгартирмаслиги, об-ҳаво, турли табиат таъсирларида тез бузилмаслиги ҳамда олис масофаларга осонлик билан олиб бориб савдо қилишда афзалликларга ва узоқ вақтгача сақлаш имкониятларига эга эканлиги билан ажралиб туради.

Вақтлар ўтиши билан деярли ҳамма ерда бундай вазифа кумуш ва олтинга ўтади, бу эса қийматнинг пул шаклига ўтишига олиб келади. Шундай қилиб, $T - T$ шакли $T - P - T$ формуласига айланади. Пул ҳисоб бирлиги (қиймат ўлчови) сифатида ишлатила бошлайди.

Қийматнинг пул шакли товар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш муносабатларининг ўзига хос ижтимоий тараққиёт маҳсулидир. Пул ҳисоб бирлиги (қиймат ўлчови) сифатида ишлатилади. Товарнинг алмашув қиймати пул бирликларининг муайян миқдориди, яъни товар-

нинг баҳосида ифодаланади. Муомала воситаси функциясини бажариши учун нақд пул зарур бўлиб қолганда баҳони аниқлаш учун сотувчилар ва харидорлар товарни харидор кўлида бор, деб фараз қилинган идеал пул бирликларининг муайян миқдorigа хаёлан алмаштирадилар. Пулнинг қийматини сақлаб қолиш воситаси сифатида фойдаланилади. Бунда пул ялпи бойлик тимсоли сифатида майдонга чиқади. Сотилган буюғдининг пул эквиваленти унинг қиймати мато сотиб олингунча сақлаб қолинади. Пулнинг қийматни сақлаш қобилиятидан бойлик жамғариш учун фойдаланилади.

Машҳур инглиз иқтисодчиси Л.Харрис таърифидан фойдаланиб қайд этиш мумкинки, «пул ҳар қандай товар бўлиб, муомала воситаси, ҳисоб бирлиги ва қийматни сақлаш воситаси сифатида амал қилади».¹⁶

Пул сифатида турли (энг тарқалган ва қимматли) товарлар (чорва, мўйна, қимматли металл буюмлар ва ҳоказолар) ишлатилиши мумкин. Иқтисодиёти етарлича ривожланган жамиятларда металл (олтин, кумуш, мис, темир) танга-чақалар муомалада бўлади. Чунки улар муомалада қулай: узоқ вақт ўз хоссалари сақланади, уларни олиб юриш ва сақлаш, турли вариантларда асраш қулай. Қийматнинг пул шаклида пайдо бўлиши пулнинг келиб чиқиши демакдир. У товар-пул муносабатларининг ривожда жуда муҳим роль ўйнайди, товар-пул муносабатларининг айрим зиддиятларини ҳал қилади ва айни вақтда кучайтиради, янада мураккаблаштиради.

Шундай қилиб, пул ҳамма товарлар учун умумий эквивалент бўлиб, барча товарлар пулга нисбатан оддий товар мавқеини олади.

Товарлар пул билан бўлган муносабатларда у орқали ўзининг қийматини ифода этади.

6-§. Қиймат қонуни ва унинг функциялари

Қиймат қонуни товар ишлаб чиқариш шароитида товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги алоқалар, ижтимоий меҳнатни тақсимлаш ва рағбатлантиришни тартибга солувчи объектив қонундир. Қиймат қонунининг амал қилиш механизмига биноан, товар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш уларнинг қиймати асосида амалга оширилади. Товар қийматининг миқдори ижтимоий зарур меҳнат сарфлари билан ўлчанади.

¹⁶ Харрис Л. Денежная теория. -М., 1990. -С.75.

Меҳнатнинг табиий ўлчови иш вақтидир. Маълумки, қиймат шунчаки меҳнат билан эмас, балки ижтимоий меҳнат билан яратилади. Товар қийматининг миқдори у ёки бу ишлаб чиқарувчининг индивидуал меҳнат сарфлари билан эмас, балки ижтимоий зарур иш вақти билан ўлчанади.

Ижтимоий нормал ишлаб чиқариш шароити муайян турдаги товарларнинг кўпчилик қисми яратилган шароитдир. Бу, одатда, ўртача шароит ҳисобланади. Фақат шу шароитда ўртача маҳоратга эга бўлган ва ўртача интенсивлик билан ишлайдиган ишлаб чиқарувчи бир соатлик меҳнат мобайнида бир ижтимоий зарур соатга тенг қиймат яратади. Агар ишлаб чиқариш шароити ижтимоий нормал шароитга мос келмаса (ундан яхшироқ ёки ёмонроқ бўлса) ёхуд ходимнинг маҳорати ва меҳнатининг интенсивлиги жамиятда қарор топган ўртача даражадан юқорироқ ёки пастроқда турса, ходим бир соатлик меҳнати мобайнида яратган қиймат тегишлича кўпроқ ёки озроқ бўлади.

Бу типик ишлаб чиқариш шароитида ходимнинг маҳорат даражаси ва меҳнатининг интенсивлиги ўртача бўлган шароитда қилинадиган бир соатлик меҳнатдир. Демак, кўпроқ унумли меҳнатга нисбатан ҳамиша кўпроқ қиймат яратилади.

Жамиятда ижтимоий зарур иш вақти ўзига хос ижтимоий меҳнат нормативи ролида чиқади. Бу норматив бозорда аниқланадики, товар ишлаб чиқарувчилар унга амал қилишлари керак.

Агар товар ишлаб чиқаришда керагидан ортиқча меҳнат сарфлари қиймат яратилмаса, яъни жамият томонидан эътироф этилмаса, у рад қилинади.

Бозорда муайян турдаги товарга керагидан ортиқча меҳнат сарфланганда унга ҳеч ким ҳақ тўламайди. Қиймат қонуни индивидуал меҳнат сарфи ижтимоий зарур меҳнат сарфидан камроқ бўлган ишлаб чиқарувчиларни, яъни шу вақт ичида кўпроқ миқдорда истеъмол қиймати тайёрланишини ёки меҳнат унумдорлигини оширувчиларни рағбатлантиради. Қиймат қонуни товар ишлаб чиқарувчиларни меҳнат унумдорлигига ёки янги товар ишлаб чиқаришга ундайди.

Акс ҳолда, улар бозордан сиқиб чиқарилиши, хонавайрон бўлиш хавфи остида қолади.

Қиймат қонуни товар ишлаб чиқарувчиларни уларнинг индивидуал меҳнат сарфлари билан ижтимоий зарур меҳнат сарфлари ўртасидаги нисбатга боғлиқ ҳолда табақалаштиради, сарфларни камайти-

ришга рағбатлантиради ва меҳнатнинг ишлаб чиқариш соҳалари бўйича тақсимланиши тартибга солиб туради.

Қиймат қонуни баҳолар қонуни сифатида кўринади, баҳолар асосида қиймат ётади. Қиймат қонуни функцияси баҳолар қиймати билан тенг бўлганда ҳам, улар бир-биридан фарқ қилганда ҳам амал қилаверади.

Масалан, бирор фирма энг юксак меҳнат унумдорлиги асосида товарлар ишлаб чиқаради, ва уларни ижтимоий зарур сарфларидан кам, лекин индивидуал сарфлардан юқори баҳоларда сотади ҳамда кўшимча фойда олади. Лекин бундай ҳолат фирманинг аҳволи мутлақ гарантияланган деб ҳисоблашга асос бўлқ олмайди. Чунки мазкур фирма техник ва ташкилий янгиликларни қўлламас, кўпроқ самара берадиган ишлаб чиқариш усуллари кидириб топмаса, у бирмунча вақтдан кейин ўз устунликларидан ажралиб қолиши ҳеч гап эмас.

Қиймат қонуни товар ишлаб чиқарувчиларнинг меҳнат сарфини камайтириш ёки камайтирмасликни танлаб олиш эркинлигидан маҳрум қилиб кўяди. Чунки, уларнинг ҳаммаси иқтисодий тазйиқ остида бўлади ва доим иш вақтини тежаш омилларини ахтариш билан шуғулланишга мажбур қилади.

Қиймат қонуни ресурсларнинг турли ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида тақсимланишини тартибга солиб туриш функциясини бажаради. Бу функцияни бажаришда баҳолар динамикаси муҳим роль ўйнайди. У ёки бу аниқ товар жамият эҳтиёжини қондириш учун зарур бўлганидан камроқ ишлаб чиқарилган тақдирда бундай ҳолат талабнинг таклифдн ошиб кетишига олиб келади. Натижада товарнинг баҳоси ошиб кетади. Пировардида, ишлаб чиқарувчилар юқори фойда олишга эришадилар. Бундай ҳолат фойдаси юқори тармоққа фойдаси камроқ бошқа тармоқлардан ресурсларнинг ўтишига сабаб бўлади. Демак, фойдаси бўлган тармоқда товар ишлаб чиқариш кенгаяди. Агар муайян товар керагидан ортиқча ишлаб чиқарилса, уни таклиф қилиш талабдан ошиб кетади, баҳолар пасаяди, товар ишлаб чиқарувчилар фойдаси камаяди, тармоқдаги ишлаб чиқариш ресурслари фойдаси юқори бўлган бошқа тармоқларга ўтиб кетади. Қиймат қонунига асосланган товар ишлаб чиқариш нисбатларини тартибга солувчи қиймат ёки бозор механизми таъсири мана шунда яққол кўринади. Қиймат қонуни ишлаб чиқаришни рағбатлантиради ва тартибга солади, натижада алоқалар ўзаро тобора турли-туман тус олиб ва чуқурлашиб боради. Айни вақтда улар эҳтиёжлар ўзгарув-

чанлигини ва ишлаб чиқаришни кенгайтирувчи қудратли стимулларни туғдиради. Ижтимоий тараққиёт қиймат қонуни яратадиган стимуллар ва таъйиқ ғоят таъсирчан ва самарали эканлигини тўлиқ тасдиқлайди.

Ижтимоий меҳнат тақсимооти чуқурлашиб боргани сайин ишлаб чиқариш кучлари ўсиб, товар-пул муносабатлари тобора ҳукмрон мавқега эга бўлиб боради. Товар ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги ўсади, иш вақтини топишнинг таъсирчан механизми яратилади. Бу эса иқтисодиётни ривожлантиришда қиймат орқали рағбатлантиришни ҳам самаралироқ қилишга имконият яратиб беради.

Асосий таянч тушунчалар

Натурал ишлаб чиқариш – меҳнат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш, ички хўжалик эҳтиёжлари учун мўлжалланган бўлади.

Товар ишлаб чиқариш – меҳнат маҳсули бўлган товарлар ўзининг истеъмоли учун эмас, бозорда сотиш, айирбошлаш учун ва бошқаларнинг истеъмолини қондириш мақсадида ишлаб чиқарилади.

Товар – бирон бир нафликка ва қийматга эга бўлган айирбошлаш учун яратилган маҳсулот.

Алмашув қиймати – бир турдаги истеъмол қийматининг бошқа турдаги истеъмол қийматига айирбош қилинадиган миқдорий қиймат.

Меҳнат унумдорлиги – маълум вақт давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт билан аниқланади.

Пул – ҳамма товар ва хизматларни сотиш ва сотиб олиш мумкин бўлган умумий эквивалент.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Ижтимоий хўжалик шаклларига умумий тавсиф беринг. Товар ишлаб чиқариш ва бозорнинг вужудга келишининг умумий шарт-шароитларини тушунтиринг.

2. Нима учун товарнинг истеъмол қиймати алмашув қиймати-нинг бирлиги сифатида қаралади?

3. Товарларнинг қийматини аниқлашда қуйидаги фикрларга муносабатингиз:

- ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари билан белгиланади;
- кейинги қўшилган товарларнинг нафлиги билан аниқланади;
- ишлаб чиқариш харажатлари билан аниқланади.

4. Пулнинг мазмуни ва вужудга келишининг умумий шарт-шароитларини тушунтириб беринг.

V БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ МОҲИАТИ, БЕЛГИЛАРИ, ТУЗИЛИШИ ВА ҲАРАКАТ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

1-§. Бозор иқтисодиётининг моҳияти ва асосий белгилари

Бозор иқтисодиёти харидор (талаб) ва сотувчилар (товар ишлаб чиқарувчилар, хизматлар етказиб берувчилар) ўртасидаги муносабат тариқасида намоён бўлади. Демак, бозор асосида товар-пул муносабатлари ётади. Бундай муносабатлар товар ишлаб чиқариш, товарни айирбошлаш ва пул муомаласига хос муносабатларнинг яхлитлигини акс эттиради. Бозорнинг энг муҳим шартларидан бири айирбошланганда пулнинг воситачилик ролини бажаришидир. Товар-пул муомаласи дейилганда ички жараённинг биргаликда, бир вақтда бориши англашилади. Яъни товар пул (Т-П)га алмаштирилади. Товарни сотиш юз беради, пул товар (П-Т)га алмашади, яъни товар харид қилинади. Демак, бозордаги олди-сотди муомаланинг икки томонлама жараёни бўлиб, унда сотувчи ва харидор иштирок этиши муқаррардир.

Бозор ва бозор иқтисодиёти ҳозирги ҳаётимиздаги асосий тунча ва ҳодисалар ҳисобланади. Бозор ва бозор иқтисодиёти ҳозирги иқтисодиёт илмида ўз илмий таърифига эга бўлган икки хил категориядир.

Бозор иқтисодиётининг маъноси иқтисодиётни ташқаридан тартибга солиш тажрибасидан воз кечиб, ўзини ўзи бошқариш механизми демакдир.

Бозор маданийлашган жамиятнинг биринчи белгилари юзага келган вақтдан бошлаб мавжуд. Ҳозирги замон бозори ўрта асрлар ёки ўтган аср бошларидаги бозордан тубдан фарқ қилади.

Бугунги бозор кенг ривожланган тизим бўлиб, у қанча маҳсулот ишлаб чиқариш, харидорга қай сифатдаги товар ва хизматлар зарур бўлиши, уларни қандай тақсимлаш ва истеъмол қилиш кераклигини аниқлаб беради. Бу тизим жамиятдаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий муносабатларнинг юқори даражада ҳаётий бўлиши ва ривожланишини таъминлайди.

Мазкур тизим ресурслар тақсимотини шундай йўлга қўйишга имкон берадики, натижада улардан унумли даражада оқилона фойдаланиш, тадбиркорлик эркинлигини таъминлаш, шахсий манфаатдорликнинг исталган шаклини танлаб олиш ва фаолият кўрсатиш мумкин бўлади. Бозор ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларни яхши со-

зланган, ишда синашта бўлган соат механизми каби аниқ ва ўз вақтида ечади. Бундай бозор иқтисодиётининг жамиятдаги муносабатлари бир бутунлиги ва ўзаро алоқасининг бузмаслигига олиб келувчи қонунлар асосида ривожланишига имкон туғдиради.

Бу тизимда жамиятнинг асосий иқтисодий қонунлари рўёбга чиқади. Талаб ва таклифлар қонуни, пул муомаласи қонуни, қиймат қонуни мавжуд ҳаётдан алоҳида юзага кела олмайди. Аксинча, бозор иқтисодиёти шароитларига тўла амал қилинади, бинобарин, бу иқтисодиётнинг ҳаётийлигига асос солинади.

Талаб, таклиф нарх кабилар бозорнинг асосий тушунчалари ҳисобланиб, улар ҳар қандай бозор тизими ва қонунига мос равишда биргаликда ҳаракат қилади.

Бозор иқтисодиёти умуминсоний қадриятдир. Ҳақиқий бозор муносабатлари қарор топиши учун бозорни, бозор муносабатларини янгича фикрлар, бозор муносабатларини умуминсониятнинг кўп асрлар давомида эришилган тажрибаларини объектив иқтисодий механизм сифатида қабул қилиш тақозо этилади. Ҳозирги кунда бозор фан-техника тараққиётига, юқори самарали ва истеъмолчининг манфаатларига қаратилган таъсирчан, мураккаб хўжалик юритиш тизими ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти бозор учун товарлар ишлаб чиқариш, уларни айирбошлаш ва пул муомаласини қамраб олувчи товар-пул муносабатларининг мажмуидир. Юксак ривожланган бозор иқтисодиёти одатдаги бозор иқтисоди эмас, балки монополлашмаган, эркин товар пул муносабатлари мавжуд бўлган иқтисодиётдир.

Бозор иқтисодиёти бозор қатнашадиган субъектларнинг фаолиятини мослаштириб турадиган, аниқ ижтимоий мақсадларни кўзлаган иқтисодиётдир. Товар ишлаб чиқарувчилар мустақил равишда, бозорга қараб товарлар яратадилар. Бозор талаби қондирилгандагина даромад топиш мумкин бўлади. Яратилган товарларни айирбошлаш соҳасидаги муносабатлар сотувчи ва харидор ўртасидаги эркин олди-сотди муносабатларидир. Турли товар ишлаб чиқарувчилар бозорда айни бир вақтнинг ўзида ҳам сотувчи, ҳам харидор вазифасини ўташади. Бозор иқтисодиёти ғоят кўп қиррали ва мураккаб иқтисодиётдир. У эркин товар-пул муносабатларига асосланган, иқтисодий монополизмни инкор этадиган, ижтимоий мўлжалга, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш йўналишига эга бўлган ва бошқариб туриладиган

иқтисодиётдир. Бозор иқтисодиётининг субъектлари жумласига қуйидагилар киради:

– мулк эгалари, айрим истеъмолчи кишилар, гуруҳлар, булар одатда ёлланиб ишловчилар, ер эгалари, капитал соҳиблари, ишлаб чиқариш воситалари эгалари, тадбиркорлик қилмай, ўз мулкини ижарага бериб даромад топувчилар;

– фирмалар, корхоналар, хўжаликларда банд бўлган тадбиркорлар (улар фойда топиш учун мустақил фаолият юритиб, ишлаб чиқариш омилларини ишга солишади);

– давлат ва унинг барча маҳкамалари, идоралари, ташкилотлари (улар ҳам ишлаб чиқариш, ҳам истеъмол билан шуғулланадилар, бозор ва унинг иштирокчилари устидан назорат қиладилар).

Бозор иштирокчилари доимо ўзаро алоқада бўлишади. Иш кучи, ер, капитал ва бошқа восита эгалари корхоналар, фирмалар томонидан сотиб олинади.

Бозор иқтисодиёти бутун халқ хўжалиги, алоҳида ишлаб чиқарувчилар, кишилар меҳнатининг унумдорлигини ўстиришнинг юқори суръатларини, фан-техника тараққиётининг жадал ривожланишини ва халқ фаровонлигининг ошишини таъминлайди. Шу билан бирга, бундай иқтисодий тараққиёт янги кулфатлар, ишлаб чиқариш анархияси, масъулиятсизлик ва «пинхоний» иқтисодиётнинг кенг ёйилишини ҳам келтириб чиқариши мумкин.

Бозор ва бозор муносабатларининг шаклланиши жараёнида жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда маданийлашган бозор иқтисодиётига ўтиш «Ўзбекистон» йўли ҳисобланадики, бу йўл мавжуд моделларнинг ижобий томонларини миллий шароитга мослаштириш, бозор иқтисодиётининг умумий принциплари, мавжуд тарихий, табиий, миллий ва бошқа фарқлар асосида турли мамлакатларда таркиб топадиган бозор механизмларининг ўзига хослиги ва турлитуманлигини эътиборга олади.

Ҳозирги замон ривожланган бозорининг амал қилиши бир қатор негизий рўкнларга таянадики, улар товар ишлаб чиқарувчиларнинг бозордаги ҳулқ-атворини белгилаб беради. Бозор узок ўн йилликлар давомида иқтисодий муносабатларнинг мураккаб таркибига сингиб борди. Ҳозирги кунда ишлаб чиқарувчилар бозорга номаълум истеъмолчи учун тайёр маҳсулот билангина эмас, балки маҳсулотнинг истеъмолчига зарур жиҳатларига мос буюртмаларни бажариш таклифи

билан чиқадилар. Натижада, ишлаб чиқарувчи субъектлар ўртасидаги мустаҳкам хўжалик алоқалари юзага келади.

Бозор умумбашарий цивилизацияга тегишли воқелиқдир. У юқори бошқарув органларининг қуйи бошқарув органлари, корхоналар ва меҳнаткашлардан олган молиявий маблағлари учун иқтисодий масъулиятни ҳис қиладиган демократиянинг юқори даражасини ифода этади. Шу билан бирга, бозор ходимнинг иқтисодий эркинлигини тубдан кенгайтириб, иш кучларидан фақат ўз мамлакати доирасида фойдаланиб қолиш билан чекланмайди, балки уларни бошқа мамлакатларга ҳам олиб чиқиш имконини беради.

Бозор хўжалик юритишнинг самарадорлиги ҳолида ҳам аҳоли фаровонлигининг юқорироқ даражада бўлишини таъминлаши мумкин. Чунки бозор муносабатлари ижтимоий маҳсулот тақсимотининг шундай механизмини яратадики, унга кўра, қанча маҳсулот давлатга, минтақага ва ёхуд ходимга тегиши аниқ белгилаб берилади.

Бозор муносабатлари ишлаб чиқарувчининг ҳукмронлигини инкор этади, ишлаб чиқаришни истеъмолчи манфаатларига бўйсундиради, маҳсулотга бўлган талабни тўғри ҳисобга олади, конъюктуранинг ўзгаришларига тезда мослашишга имкон беради. Шунингдек, у давлатнинг иқтисодиётга аралашувларини чеклайди, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бир қисмини солиқ солиш йўли билан олишгина эмас, балки маҳсулот шу қисмининг ишлатилиши тўғрисида маълумот ва ҳисоботнинг бўлишини ифодалайди. Бунинг устига, маҳсулот бюджетга олинadиган қисмининг миқдорини қатъий чеклайди, юқори бошқарув органларининг иқтисодий бебошлигига йўл қўймайди.

Бозор иқтисодиёти хўжалик юритишнинг кучли рағбатлантирувчи тамойилларини юзага келтиради, ортиқча харажатларини камайтиради, талон-тарожга, дангасаликка йўл қўймайди. Бозор бугунги куннинг ўзидаёқ, халқ ижодий меҳнати куч-қудратини рўёбга чиқаришга, боқимандаликни енгишга, ташаббус ва тадбиркорликни ўстиришга ва бир вақтлар йўқотилган хўжалик юритиш туйғусини қайта тиклашга қодирлигини намоён қиладди. Бозор иқтисодиётига ўтиш илгаридагиларга қараганда, кўпроқ адолатни таъминлайди, чунки у ходимларни тенг шароитларга қўйиб, барча учун бир хил, тенг имкониятлар очиб беради. Лекин кишилар ўз қобилиятларига кўра бирдай эмаслар, шунинг учун бозор шижоатли ва тадбиркорларга кўпроқ қўл келади, бозор иқтисодиёти фаол ходимга мос бўлиб, ишлашни хоҳламайдиганлар учун маъқул эмас.

Бозор янгиликларга таъсирчан бўлишни тақозо этади, фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини дадил ва тезлик билан татбиқ этилишини, малакали меҳнатнинг қадрланишини талаб қилади.

Бозор шароитида қандай ишланса, шундай яшашга кўникалади. Меҳнат қилишга келганда эса аввалигига қараганда кам эмас, балки кўпроқ ишлашга тўғри келади. Шу билан бирга, корхоналар, меҳнат жамоалари ҳуқуқларини тортиб олиш, уларнинг ҳар бир қадамини чеклаб қўйиш мумкин бўлмайди. Демак, бозор иқтисодиёти шароитида ишлашга ва ишлаб пул топишга қизиқиш пайдо бўлади. Шундай қилиб, бозор меҳнат жамоасини ўзгаларга тобеликдан озод қилади ва ходимга, хўжалик юритувчи субъектга ишлаб чиқариш ва бошқариш соҳаларида ўзини рўёбга чиқариш имкониятини беради.

Шунинг билан бирга, бозор иқтисодиётига ўтишда бозорга товарлар билан лиқ тўла дўкон деб қараб, уни беками-кўст ҳолида тушуниш нотўғри бўлар эди. Дарҳақиқат, бозор иқтисодиёти учун истеъмол товарлари ва хизматларининг юқори ривожланган бўлиши характерлидир. Бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларига хушёрлик билан ҳаққоний равишда назар ташлаш зарур. Шунинг ҳам эсда тутиш керакки, бозор иқтисодиёти, айниқса, унинг қарор топиш босқичлари узоққа чўзилувчан ва чуқур иқтисодий кризислар, ишсизликнинг ўсиши, нарх-наволарнинг кўтарилиб кетиши, пулнинг қадрсизланиши, кўпгина корхоналарнинг синиши ва ёпилиши, тадбиркорларнинг хонавайрон бўлиши, аҳолининг моддий таъминот даражасига қараб табақаланиши, пул даромадларининг кескин фарқ қилиши, ҳуқуқбузарлик ва жинойтчиликнинг кўпайиши каби белгиларсиз мавжуд бўлмаган. Бозорнинг ана шу иллатларини билиш, уларга қарши тайёр туриш, уларни бартараф этиш учун тўғри йўл топа билиш керак.

Бозор иқтисодиётининг муҳим ва умумий жиҳатлари қуйидагилардир:

- мулкчиликнинг барча турлари мавжуд бўлиши ва уларнинг етарли даражада таъминланганлиги;
- ишлаб чиқарувчининг фаолиятида танлов эркинлигининг бўлиши;
- рақобат курашининг амал қилиши;
- давлатнинг иқтисодиётга чекланган ҳолда аралашуви;
- фирмалар ва корхоналарнинг бозор конъюктурасининг ўзгарувчанлигига мослашувчанлиги.

Ана шу жихатлар мавжуд бўлганда бозор иқтисодиёти механизмининг яхши ишлаши таъминланади. Бозор иқтисодиёти белгиларининг ривожланишининг ҳамма босқичларига таалуклидир. Иқтисодиёт тарихидан маълумки, унинг биринчи кўринишлари узок вақт давомида ривожланган давлатларда шаклланган. Бозорнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат: а) хусусий мулкка асосланган ҳолда иқтисодий фаолият юритиш; б) капитал ва ишлаб чиқаришнинг корхона миқёсида умумлашганлиги; в) тадбиркорлар, ёлланиб ишловчилар, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларнинг шахсий эркинлиги; г) тадбиркорларнинг юқори фойда олиш учун курашлари; д) иқтисодиётнинг талаб ва таклифлар, эркин бозор баҳоси ва рақобат курашлари асосида тартибланиши; е) аҳоли ижтимоий табақаланишининг кучайиши ва ҳоказо.

XX аср охиридаги бозор Адам Смит давридаги бозор у ёқда турсин, XIX аср классик капитализм давридаги бозордан ҳам тубдан фарқ қилади. Чунки у вақтда бозорда ҳар қандай назорат ўрнатиш ва тартибга солишга чек қўйувчи талаб ва таклифнинг бебошлиги ҳукм суларди.

Ҳозирги замон ривожланган бозор иқтисодиётининг асосий белгилари жумласига қуйидагилар киради:

– мулкчиликнинг турли-туман, яъни хусусий, давлат, жамоа, аралаш ва бошқа мулк шаклларига асосланган иқтисодий тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши;

– капитал ва ишлаб чиқаришнинг юқори даражада умумлашуви, мулкнинг маълум қисми давлат ва монополияларнинг ихтиёрида тўпланиб, миллий ва халқаро миқёсда умумлашуви;

– иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг фаол иштироки; бунда давлат фан-техника тараққиётини ҳисобга олиб, турли иқтисодий тадбирларни, ривожланишнинг истиқболларини белгилаш, турли тармоқлар, соҳалар ўртасидаги нисбатларни тартиблаш чора-тадбирлари ва вазифаларини бажаради;

– хўжалик юритишда режа усулидан фойдаланиш (бизнес режа, маркетинг тизими);

– ижтимоий ҳимоянинг кучайиши (давлат ва жамоалар, хусусий кишиларга тегишли ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта фондларининг вужудга келиши).

Бозор иқтисодиётининг дастлабки ва ҳозирги ривожланиш босқичларидаги асосий белгилар ва уларнинг хусусиятлари сақланиб

қолади, уларда товар ва пул муносабатлари ва уларга қонун-қоидаларнинг амал қилиши учун шарт-шароит мавжуд бўлади.

Бозор иқтисодиётида қатнашувчи субъектлар ўз манфаатларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик турини ва ҳажмини аниқлаб оладилар, Айирбошланиш эркин юзага келадиган бозор нархлари асосида юзага чиқади. Даромадларни тақсимлаш ва ўзлаштириш ҳам қатнашчиларнинг хоҳишларига кўра амалга оширилади.

Иқтисодиётнинг монополияга қарши характери мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларида мувоzanати иқтисодиётда алоҳида қатнашаётганларнинг яқка ҳукмронлигини инкор этади. Чунки яқка ҳукмронлик эркин иқтисодий фаолият билан чиқиша олмайди, у бозор муносабатларининг табиатига мос келмайди.

Бозор иқтисодиёти пул муносабатларига асосланади. Пул иқтисодиётнинг ажралмас бўлаги, иқтисодий муносабатлар қарор топишининг асосий воситасидир. Мустақкам пул тизимининг бўлиши бозор иқтисодиёти ривожланишининг муҳим шартидир.

Бозор иқтисодиёти иқтисодий ўсишнинг қудратли дастаги бўлган рақобатга асосланади. Эркин рақобат хўжалик юритиш мулкчилигининг эркинлигига асосланиб, тадбиркорликнинг иқтисодий манфаатларини амалга оширади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти маданийлашган, соғлом рақобатни афзал кўради. Рақобат шундай кучки, у маълум маънода бозорни тартибга солиди ва назорат қилиб туради.

Бозор иқтисодиёти унинг барча қатнашчилари учун тенг имкониятлар яратувчи иқтисодиётдир. Бинобарин, бундай иқтисодиётнинг амалга ошуви унда қатнашувчилардан ҳар бирининг тадбиркорлик қобилиятига боғлиқдир. Бундай шароитда ҳар бир қатнашчи ишлаб чиқаришнинг у ёки бу омили эгаси ҳисобланади, жамиятда эса бу омилларнинг бемалол ҳаракати туфайли капитал ва бозорга ёндашиш имкони содир бўлади. Бозор тизимидаги иқтисодий фаолият интилишлари, маълум даражада, ўз манфаатларни таваккалчилик билан амалга оширишда ўз ифодасини топади.

Бозор иқтисодиёти тартибга солинадиган ўзига хос иқтисодиётдир. Унинг асосий тартибга солувчиси бозор нарх-навоси ҳисобланади, чунки у ишлаб чиқарувчига бозор талабини етказди. Иқтисодий фаолиятни бозор талабаларига мослаштириш орқали микроиқтисодий тарзда ўз-ўзини тартибга солиш юз беради. Иқтисодиётни макротартибга солиш давлатнинг хатти-ҳаракатлари билан амалга оширилади. Давлат ўзининг иқтисодий сиёсати билан бозор иқтисодиёти

қатнашчиларининг хўжалик масалаларига фаол таъсир кўрсатади. Давлат солиқлар, бюджет субсидиялари ва божхона имтиёзлари орқали ишлаб чиқариш ресурсларининг ҳаракат йўналишларини, даромадлар тақсимланиши характерини ўзгартиради ва шу билан иқтисодий ўсиш жараёнига таъсир кўрсатади.

Бозор мослашуви иқтисодий фаолиятни давлат томонидан координациялаш билан уйғунлашиб кетади. Бу иқтисодиёт ривожланишининг стихиялилигини чеклайди, унга барқарор ўсиш характерини беради.

Бозор муносабатлари ижтимоий йўналтирилган бўлиб, кишилар эҳтиёжини бозорни товар ва хизматлар билан тўлғазиш орқали қондиришга қаратилган ҳамда бутун аҳолининг моддий тўкинлигини, умумий фаровонлигини юзага келтириш учун истеъмол даражасини ўстиришни таъминлайди. Умуминсоний мақсадлар бозор иқтисодиётининг аралаш иқтисодиётга айланиб бориши билан характерланади. Ривожланган мамлакатларда икки ҳукмронлик тизимидан аралаш таркибга ўтилиши муносабати билан моддий тўкинликни таъминлаш учун меҳнат унумдорлигининг юқори даражаси, аҳоли катта қисмининг борган сари акция эгалари – капитал мулкдорларига айланиши, миллий даромадда иш ҳақи улушининг доимо ўсиб боришини талаб этувчи малакали меҳнат ролининг ошишига олиб келади. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқаришни инсонпарварлаштириш омиллари ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муқаррар ҳолат ҳисобланади. Бу давр талаби, объектив воқелиқдир. Иқтисодий зарурат сифатида бозор муносабатларига ўтиш тарихий муқаррар ҳодисага айланади. Шу сабабли бозор тизимига кирмаган мамлакат ер юзида қолмайди. Тарихан бу тизимга энг сўнгги навбатда қадам қўйганлар собиқ социалистик мамлакатлар эди.

Бозор фақат мақсад эмас, балки услубдир, янги кадриятларнинг шаклланиш воситасидир, кишилар фаровонлигининг сифат жиҳатдан юқорироқ даражага кўтарилишидир. Илғор мамлакатлар тажрибасига кўра, бозор муносабатлари халқ фаровонлиги, турмуш даражасининг ўсиши ва гуллаб-яшнаши йўлида республиканинг ишлаб чиқариш кучларида мужассамлашган улкан имкониятлардан тўла фойдаланишни таъминлай олади. Вазифа шундан иборатки, бу жараёни енгиллаштириш уни аҳоли учун энг кам йўқотишлар йўли билан

амалга оширилади. Ижтимоий ларзаларсиз ҳаёт кечириш учун кўлдан келадиган ҳамма ишни қилиш керак.

Бозор иқтисодиётига катта сакрашларсиз, инқилобий ўзгаришлар йўлисиз ўтиш, яъни аста-секин, босқичма-босқич иш тутиш керак. Бу республикамизда бозорга ўтиш йўлининг кўзга ташланадиган хусусиятидир. Ҳар бир босқичнинг ўз асосий йўналишлари шаклланади, уларни амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилади.

Ҳар бир босқичнинг қанча давом этиши унда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар доирасига, ташқи омилларнинг қай даражада таъсир қилишига, аҳолининг меҳнат фаоллигига боғлиқдир.

Кишиларни ҳаётининг фаолиятлари шароитларидаги ўзгаришларга руҳий тайёрламай, зарурий шароитларни яратмай туриб, бозор муносабатларининг белгиларини шакллантириш, уларни сунъий тикиштириш кўзда тутилган натижаларни бермайди. Бу бозор иқтисодиётини қуриш ғоясини обрўсизлантириб қўйишга олиб келади.

Шунинг билан бирга, иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги сусткашлик, ҳад этилиши бўлган масалаларни ечишда кечикиш иқтисодий ва ижтимоий соҳада сўзсиз оғир бўлган ҳолатларни янада чуқурлаштириши мумкин.

Энг муҳими, бозор муносабатларига асосланган ривожланган жамиятни қуриш узоқ давом этадиган мураккаб жараён эканлигини, уни доимий равишда чуқур идрок қилиш ва зарур ҳолларда уларга ўзгартиришлар, тузатишлар киритишни талаб қилинишини англаш керак. Айниқса, кишиларнинг тафаккурини, қотиб қолган тушунчаларини ўзгартириш муҳимдир. Фикрлашни қадам-бақадам ўзгартира бориб, амалда бошқа мамлакатларда юз йиллаб қурилган янги тизимнинг афзалликларига эришамиз.¹⁷

Бозор талаб ва таклифлар қонуни асосида ривожлана бориб, инфраструктурани, яъни айирбошлаш муносабатларини йўлга қўювчи муҳитнинг яратилишини талаб қилади. Бу инфраструктурага банклар, фондлар, биржалар, аукционлар ва бошқалар киради.

Нимани ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришни қандай ташкил этиш, товар ва хизматларни қай ҳолда сотиш ва бошқа масалаларни бозор ва унинг инфраструктураси ҳал этади. Яна бир фундаментал асос иқтисодий тадбиркорлик ва танловнинг эркинлигидир. Бу биринчи даражали вазифалар бозор тизимини яратиш йўли билан ҳал этилиши лозим.

¹⁷ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли, 46-47 бетлар.

Бозор тизими шундай тизимки, унда нарх-наво ва тақсимот бўйича асосий қарорлар бозорларда қабул қилинади.

Бозор иқтисодиёти бозор анархияси ва бошбошдоқлиги тизими эмас, балки созланган механизм бўлиб, унда аҳоли ҳамда давлат корхоналарининг фаолиятлари нархлар ва бозор тизимлари орқали бир-бирига мувофиқлаштириб турилади.

Шундай қилиб, бозор ва бозор иқтисодиёти рақобат ва эркин нарх белгилаш асосида ҳам ишлаб чиқарувчилар, ҳам истеъмолчилар манфаатларига қаратилган жамиятдаги ўзаро муносабатлар тизимидир. Бу тизимнинг афзалликлари ресурсларни тақсимлаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигида ҳамда товар ишлаб чиқарувчиларнинг шахсий эркинлигида кўринади.

Ўзбекистоннинг тоталитар тузумдан демократик жамиятга ўтиши бозор иқтисодиётини яратишда «Ўзбек модели» асосида амалга оширилмоқда (кейинги саҳифаларда Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиши масаласини батафсил таҳлил қиламиз).

Бу йўналишда илк қадамлар қўйилди: амалга оширилаётган ислохотларнинг ортга қайтишининг олдини оладиган ҳуқуқий асослар яратилди, ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий эркинлиги эълон қилинди. Булар якка тартибдаги мулкчилик шакллариининг ўсиши, хусусий корхоналар, акционерлик жамиятлари ва бошқа корхоналар янги шакллариининг пайдо бўлишига олиб келди. Шу билан бирга, иқтисодиётни бошқариш ислох этилмоқда, яъни аҳоли ва корхоналар давлатнинг якка ҳукмронлигидан аста-секин қутилиб бормоқда.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг ривожланиш дастури қабул қилинди. Унинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– миллий бойлик асосий манбаида – қишлоқ хўжалигида харид нархларини қўйиб юбориш ва ўстириш йўли билан фермер хўжаликларини ташкил этишни ислох қилиш;

– жамиятнинг ижтимоий жиҳатдан заиф қатламларини ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳимоя механизмларини кучайтириш;

– ишлаб чиқаришда пировард маҳсулотларни, яъни сотишга тайёр маҳсулотларнинг улушини кўпайтириш;

– қўшма ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;

– бозор инфраструктураси, тижорат банклари тармоғи, замонавий молия ва солиқ тизими, аудит ва суғурта механизмларини, биржаларни муттасил ривожлантириш.

Республика олдида турган мақсад ва вазифалар жаҳон тажрибасини ўрганиш заруриятини туғдирмоқда. Бу билимларнинг манбаи – йиллар давомида яратилган концепциялар, назариялар ва дунё йирик иқтисодчиларининг қарашларидан иборатдир. Бу, даставвал, Ғарб-нинг илғор иқтисодий тафаккуридир.

2-§. Иқтисодиётни ташкил этишнинг бозор ва буйруқбозлик шакллари

Иқтисодиётни ташкил этишнинг асосий вазифалари. Ҳар қандай жамият кишиларнинг яшаши учун зарур бўлган неъматлар билан таъминлаш ниятида иқтисодиётни ташкил этишнинг кўпдан-кўп муаммоларини муттасил ҳал қилиб бормоғи лозим.

Муаммоларнинг биринчи мажмуи ишлаб чиқариш тузилишини белгилаб олиш билан боғлиқ. Жамиятнинг моддий, ишчи кучи ва молиявий ресурслари чекланганлиги туфайли уларни ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасида оқилона тақсимлаш, қандай неъматларнинг қанча миқдорда ишлаб чиқарилиши лозимлигини билиш зарур бўлади.

Ҳар бир маҳсулот турли усуллар билан ишлаб чиқарилиши мумкинлиги туфайли яна қатор муаммолар мажмуи пайдо бўлади. Маҳсулотни ким ва қандай ресурслар билан ишлаб чиқаради? Ишлаб чиқариш жараёнини қандай қилиб йўлга қўйиш лозим? Муайян товарни ишлаб чиқаришга қандай корхоналар-хунармандлик устахоналари, майда фабрикалар ёки катта концернлар кўпроқ мос келади? Меҳнатни ташкил этишда қандай шакллар афзал (ишлаб чиқариш жараёнида қаттиқ назорат ўрнатишми ёки пировард натижа бўйича ходимни рағбатлантиришми)?

Ниҳоят, яратилган жами маҳсулот тақсимланиши лозим. Унинг қанча қисми истеъмолга, қанчаси захирага кетади? Маҳсулотни яратувчилар унинг қанча улушини оладилар, унинг қанча қисми ижтимоий фондлар орқали қайта тақсимланади? Алоҳида товар ишлаб чиқарувчи олдида (ривожланган товар ишлаб чиқариш шароитида) тайёрланган маҳсулотни сотиш муаммоси, яъни кимга ва қандай нархда сотилади деган муаммо туради.

Хилма-хил жамиятлар ривожланишининг ҳар хил босқичларида мазкур муаммолар турлича ҳал этилади. Анъанавий жамиятда неъматларни ишлаб чиқариш ва тақсимлашнинг шакл ва усуллари анъаналар тарзида авлоддан-авлодга ўтиб боради. Индустриялашган жамият анъанавий алоқалар ва муносабатларни барбод қилади. Урф-одатлар-

га асосланган хўжалик фаолияти шакллариининг суръати иқтисодий ўсишнинг жадал суръатларига тенглаша олмайди. Урф-одатлар ўрнини бозор ҳамда иқтисодиётни давлат йўли билан онгли бошқариш эгаллайди.

Хўжалик ҳаётини бозор ва давлат йўли билан тартибга солиб туриш шаклларииндан тоиндустрія даврида ҳам фойдаланилган, албатта. Аммо улар анъанавий жамиятнинг умумий асосларига таъсир кўрсата олмади. Товар ишлаб чиқарувчилар мавжуд ижтимоий тузумга мослашиб, у билан кўшилиб кетар эдилар. Ҳатто товар муносабатлари етарлича ривожланган шаҳарларда ҳам амалда бозор рақобати йўқ эди: ҳунармандлар ва олиб-сотарлар бозорни монополия қилиш ниятида касбий ташкилотларга бирлашиб, эҳтимол тутилган рақобатчиларга ғоят хилма-хил (ҳам сиёсий) усуллар билан зарба берар эдилар. Иқтисодиётни давлат йўли билан бошқариш анъанавий жамиятда истисно эмас, у кўпроқ қоидага айланиб қолган эди. К.Маркс қайд этганидек, Ҳиндистонда ва умуман Шарқда «ҳосил худди Европада яхши ёки ёмон об-ҳавога боғлиқ бўлганидай, яхши ёки ёмон ҳукуматга боғлиқ»¹⁸. Давлат тоиндустрія даврида анъаналарни сақлашнинг асосий кафолати вазифасини бажаради, давлат йўли билан бошқариш ижтимоий хўжаликни ташкил этиш муаммоларини ҳал қилишнинг анъанавий усуллари доирасидан четга чиқмайди.

Индустриалашган жамият иқтисодиётни ташкил этиш муаммоларини ҳал қилишнинг иккита асосий усулига ва шунга мувофиқ тарзда, иқтисодий тизимнинг иккита, яъни бозор ва буйруқбозлик турига эга. Бозор хўжалиги шароитида ишлаб чиқаришнинг тузилиши, хўжалик фаолиятининг шакл ва усуллари ҳамда неъматларни тақсимлаш усуллариини талаб ва таклиф, бозор нархи, рақобат каби стихияли тартибга солувчилар белгилаб беради. Буйруқбозлик (ёки маъмурий-буйруқбозлик) иқтисодиётида иқтисодий ташкил этиш муаммоси давлат идоралари берадиган буйруқлар ва кўрсатмалар асосида ҳал қилинади. Нимани, қанча ва қай тариқа ишлаб чиқариш, кимга ва қандай нархларда сотиш тартибларда давлат амалдорлари томондан, тузган режалар асосида белгиланади. Аммо иқтисодиётнинг ҳам бозор, ҳам буйруқбозлик турлари «соф» ҳолда бўлмайди. Ҳозирги жамиятнинг ҳар қандай иқтисодий тизимида хўжалик ҳаётини ташкил этишнинг ҳам бозор, ҳам буйруқбозлик, ҳам «анъанавий» шакл ва усулларииндан, лекин турли нисбатларда, фойдаланилади. Иқтисодиёт-

¹⁸ К.Маркс и Ф.Энгельс. Соч. Т.9. -С.133.

ни ташкил этишнинг бозор шакли шароитида муаммолар қандай ҳал қилинишини кўриб чиқайлик.

Ишлаб чиқариш тузилишини аҳоли талаби белгилайди. Харидор ишлаб чиқарувчиларга таъсир ўтказишнинг қудратли воситаси бўлмиш пулга эга бўлиб, унинг воситасида у ёки бу товар учун «овоз беради», уни ишлаб чиқаришни рағбатлантиради.

Товар ишлаб чиқариш учун зарур ресурсларни танлаш уларнинг нархлари асосида амалга оширилади. Йўллар устини олмослар ва қимматбаҳо металллар билан қоплаш, нефтни эса электр станцияларининг ўчоқларида ёқишни тақиқловчи фармойишларни ҳеч ким чиқармайди. Йўл қопламаларини нимадан ҳосил қилиш, электр қувватини нима эвазига олиш кераклигини бозорнинг ўзи «айтиб беради». Бозор иқтисодиётидаги нархлар ҳақида қандайдир давлат идоралари бош қотириб ўтирмайди, маҳсулотларни қимматроқ сотишдан манфаатдор харидор уларни арзонроққа олишга уринади. Пировард-натижада, нархни талаб билан таклифнинг нисбати белгилайди. Бозор шароитида ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакл ва усулларини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш учун ҳеч ким мажбур қилинмайди. Бу ҳақда бош қотиришга ишлаб чиқарувчиларнинг рақобати «мажбур қилади». Акс ҳолда, улар хонавайрон бўладилар.

Бозор хўжалиги шароитида иқтисодиётни ташкил этишнинг барча асосий вазифалари, кўриб турибмизки, стихияли тарзда ҳал этилади. Аммо стихиялилик билан тартибсизлик асло айнан бир хил нарса эмас. Бозор муносабатларининг ҳар бир субъекти мустақил иш тутиб, ўз манфаатини рўёбга чиқара бориб, пировард-натижада, «кўзга кўринмас бир қўл воситасида ўзи асло кўзламаган мақсад сари йўналтиради. У ўз манфаатларини кўзлаб, кўпинча, жамият манфаатларига ўзи онгли тарзда интилгани учун анча кўпроқ, самарали тарзда хизмат қилади»¹⁹. Адам Смит тилга олган «кўзга кўринмас қўл» объектив иқтисодий қонун ҳисобланиб, инсон иродаси ва онгига боғлиқ бўлмайди.

Миллион-миллион кишилар бир-бирлари билан келишиб олмасдан, умумдавлат ҳаракати режасига эга бўлмаган ҳолда ҳар куни ишга келиб, чиндан ҳам жамият учун керакли фаолият турини амалга оширадиган иқтисодий тизимни тартибсиз, деб ҳисоблашлари мумкинми? Гап шундаки, бозор стихияси ўз ички қонуниятларига эга.

¹⁹ А.Смит. Исследование о природе и причинах богатства народов. -М., 1962. -С.332.

Бунда содир бўладиган ҳамма кўринишдаги, ҳатто оқибатини сира билиб бўлмайдиган жараёнлар (масалан, нархларнинг ўзгариб туриши) ўз сабабларига эга ва буни иқтисод фани тушунтириб бериши мумкин.

Буйруқбозлик иқтисодиёти ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Бундан халқ хўжалигини ташкил этишнинг барча асосий масалаларини давлат маҳкамалари ҳал қилиши даркор, объектив қонунлар «бекор қилинади» ва иқтисодиёт у ёки бу ҳукумат амалдорининг ўзбошимча истагига мувофиқ ривожланади, деган маъно асло келиб чиқмайди. Буйруқбозлик иқтисодиёти учун ривожланиш ва иш тутишнинг ўз объектив қонуниятлари хосдир (афсуски, улар ҳали етарлича ўрганилмаган). Ана шулар давлат маҳкамаларининг бирор қарорга келишига «мажбур этади». Мабодо давлат бошқаруви объектив қонунларга таянмаса, у барбод бўлади.

Дастлабки қарашда, буйруқбозликка асосланган иқтисодиёт улкан натурал хўжаликка ёки ўз фойдасига ишлайдиган йирик фабрикага ўхшайди. Аммо ташқи ўхшашлик кишини чалғитади, гарчанд буйруқбозлик иқтисодиёти шароитида корхоналар, тармоқлар ва минтақалар ўртасидаги муносабатлар битта улкан корхона касабаси ва бўлимлари ўртасидаги муносабатларни эслатса-да, улар амалиёт кўрсатиб турганидек, кўпдан-кўп «норасмий» ва «расмий» ижозат берилган товар алоқалари юзага келади. Бу шу боисдан юзага келадикки, давлат маҳкамалари амалда эплаб бўлмайдиган ишни-ҳозирги ўта мураккаб иқтисодий тузумда ҳамма нарсани кўзда тутиб, тез ўзгариб бораётган вазият муносабати билан ўз кўрсатмаларини доимо тузатиб туришни эплай олмайди. Биронта ҳам буйруқбозлик иқтисодиёти товар хўжалигининг пул ва эркин алмашув каби туркумини йўқотишга етарлича ривожланган ва ҳамма соҳани қамраб оладиган «яшириш» бозорисиз кун кўришга қодир бўлмайди. Ниҳоят, буйруқбозлик иқтисодиёти индустрлашган жамият иқтисодиёти бўлиб, натурал хўжаликдан фарқли ўлароқ, жадал иқтисодий ўсиш субъекти бўла олмайди.

3-§. Бозор хўжалигининг яшаш шартлари

Ижтимоий меҳнат тақсимоти ишлаб чиқаришни ташкил этиш бозор шаклининг зарур (лекин ҳали етарли бўлмаган) шарт-шароитидир. У ёки бу иқтисодий неъматни ишлаб чиқариш борасидаги вазифалар кишилар, уларнинг гуруҳлари ва минтақалар ўртасида тақсим-

ланмасдан туриб, эркин товар алмашувининг бўлиши мумкин эмас. Бироқ буйруқбозлик иқтисодиёти худди бозор иқтисодиёти каби ижтимоий тараққиётнинг меҳнат тақсимооти даражаси анча юқори бўлган босқичида юзага келади. Демак, жамият стихияли тарзда ривожланувчи бозор муносабатларининг маъёрида амал қилиш учун қўшимча шароитлар яратилиши лозим.

Бозор мавжуд бўлишининг биринчи ва асосий шарти эркин тадбиркорликдир. Товар ишлаб чиқарувчи мустақил равишда (бозор конъюктурасига ва ўз имкониятларига таяниб) ишлаб чиқаришнинг тузилиши ва ҳажмини белгилаши, хўжалик юритиш шакли ва усуллариани такомиллаштириши лозим. Сотувчи ва харидор бир-бирини бозордан топадилар ва нарх хусусида келишадилар. Тадбиркорлик эркинлиги асло одамлар талаблари ва рақобатидан иборат эмас, балки давлатнинг корхоналар хўжалик фаолиятига тўғридан-тўғри аралашувидаги эркинлик ҳисобланади. Пул талаби ва бозор рақобати ишлаб чиқарувчини жамият учун зарур маҳсулотни чиқаришга буйруқлар ва қарорларга қараганда, анча яхшироқ мажбур қилади.

Ишлаб чиқариш омиллари ва натижаларига хусусий ва жамоа мулкчилиқ ҳуқуқи давлат томонидан кафолатланмаса, тадбиркорлик эркин бўлиши мумкин эмас. Бу хил кафолатларнинг бўлмаслиги хўжалик борасидаги фаоллик заифлигининг энг асосий сабабидир. Оғир меҳнат билан жамғарилган мол-мулкни истаган пайтда бирор киши (кучлироқ қўшниси, хорижий босқинчи ёки «ўз» амалдори)нинг тортиб олиши (талаши, катта солиқ солиш ёки пора олиши) мумкинлигидан иборат тайин хавф аҳоли иқтисодий фаоллиги ривожланишини сира рағбатлантормайди. Бозор тадбиркорлик фаолиятининг шакллари хилма-хил ва тенг, шунингдек улар ўртасида эркин рақобат бўлишини тақозо этади.

Ишлаб чиқариш омиллари (шу жумладан, иш кучига ҳам)га эга бўлиш ҳуқуқи уларнинг эркин тасарруф қилиш ҳуқуқини ҳам ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш воситалари, иш кучи, ахборот бозорлари – ривожланган бозор хўжалигининг зарур унсурлари ҳисобланадики, буларсиз меъёрида иш юритиб бўлмайди. Албатта, мулкчилиқ ҳуқуқи абадий бўлиши мумкин эмас. Солиқлар, чеклашлар ва қонун асосида ер сотиш, иш кучи ёллашни тартибга солиш ва ҳоказолар ёрдамида жамият унинг «доира»сини белгилаб қўяди. Аммо жамият мулкий муносабатларни тартибга солишга ортикча берилиб кетса, аҳоли хўжалик фаоллигининг пасайиб кетиши хавфига дуч келади.

Катта солиқлар катта даромад олишга интилишни, меросни чеклашлар жамғаришга бўлган рағбатни сўндириши мумкин.

Бозор хўжалиги, қайд қилиб ўтилганидек, рақобат бўлмаса меъёрида ишлай олмайди. Ҳар қандай монополия (бозор муносабатлари субъектларининг рақобатни чеклайдиган тарзда бирлашиши) бозор қонунларининг амал қилишига тўғоноқ бўлади: ишлаб чиқаришнинг тузилиши ва ҳажми хўжалик юритиш ва товарларни сотиш усуллари, нархлар – буларнинг бари монополистик тарзда тартибга солиш объектларига айланади. Улар бозорнинг стихияли бошқарилувида амал қиладиган макондан қисман (тўла монополия шароитида – буткул) чиқариб ташланади.

4-§. Бозор тузилиши

Товар сотиш борасидаги иқтисодий алоқалар ва муносабатларнинг мажмуи сифатида бозор меҳнат тақсимоли ривожланган ҳар қандай иқтисодий тузумнинг энг муҳим таркибий туркуми ҳисобланади. Иқтисодий неъматларнинг каттагина қисми давлат бошқарув идоралари томонидан тақсимланадиган, лекин эркин тарзда алмаштирилмайдиган буйруқбозлик иқтисодиёти шароитида бозор ғоят чалакам-чатти ҳолда мавжуд бўлади. Бозор хўжалиги эса бозорнинг жуда кўп хилма-хил турлари мавжуд бўлишини тақозо этади.

Шунингдек, бозор унсурларининг ўзаро боғлиқ бўлиши ва бири-бирини тақозо этиши бозорнинг ички тузилишини ташкил этади.

Бозор ички тузилишини изоҳлашда қуйидаги мезонлар асосида ёндашиш мумкин:

- рақобат;
- бозор субъектларининг аҳволи;
- бозор объектларининг характери;
- бозор муомаласининг миқёси;
- бозор алоқаларининг қонунийлиги.

Буларнинг ичида рақобат ва субъектларнинг ижтимоий-иқтисодий мавқеи асосий ўринда туради. Чунки уларга қараб, иқтисодий муносабатларни характерлаш мумкин. Иқтисодий алоқалар характерига кўра, бозорни икки турга ажратиш мумкин: а) эркин рақобатли бозор; б) монополлашган, рақобат чекланган ёки рақобат мутлақо бўлмаган бозор.

Эркин бозорда сотувчи ва харидор кўпчиликни ташкил қилиб, улардан ҳеч бири бозорда ҳукмрон мавқега эга бўлмайди, аксинча,

улар доимо рақобатда бўлишади. Рақобат сотувчилар билан харидорлар ўртасида, шунингдек ўзлари ичида рўй беради. Бу ўринда товарларнинг нарх-навосини ҳеч ким назорат қилмайди. Нарх бозорда эркин шаклланади.

Монополлашган бозор озчилик сотувчилар ва харидорлар ҳукмрон бўлган, рақобати чекланган ёки рақобати умуман йўқ бозордир. Монополлашган бозорнинг ўзи уч хил бўлади: *монопол рақобатли бозор, олигополистик бозор, соф монополияли бозор.*

Монопол рақобатли бозорда нисбатан кўп бўлмаган фирмалар иштирок этади, уларнинг бозордаги ҳиссаси катта бўлмайди. Улар бозорда ҳар хил, лекин бир-бирининг ўрнини боса оладиган товарлар билан иштирок этади, уларнинг ҳар бири бошқаси билан рақобатлашади. Бунга АҚШдаги кийим-кечаклар бозорини мисол қилиб келтириш мумкин. Мазкур бозорда эркаклар ва ўғил болалар учун костюм ва пальтоллар етказиб берувчи 32 та фирма қатнашади. Улардан 20 таси товарларнинг 57 фоизини бозорга чиқаради. Унда фирмалар рақобатлашади, лекин рақобат иштирокчилари миқдори чекланмаган бўлади.

Монополистик бозорда санокли, озчилик фирма ва компаниялар ҳукмрон бўлади, лекин улар ҳам ўзаро рақобатлашадилар. Бу бозорда бир хил ёки фарқланувчи товарлар сотилади. Кўп ҳолларда ишлаб чиқарувчилар билан харидорлар ўртасида рақобат рўй беради. Олигополистик бозорга Япония автомобиль бозорини мисол қилиб олиш мумкин. Бозордаги товарларнинг ҳаммаси 100 фоиз учта фирма-«Тойота», «Хонда», «Ниссан» фирмаларига тегишлидир. АҚШ автомобиль бозорида эса «Форд», «Крайслер», «Дженерал-моторс» каби концернлар қатнашади.

Соф монополия бозорида сотувчи сифатида бир фирма танҳо ҳукмрон бўлади, бутун бир тармоқ шу фирмадан ташкил топиб, ундан бошқа товар берувчи бўлмайди, Товарнинг ўрнини босадиган бошқа товар ҳам топилмайди. Бу ерда рақобат йўқ. АҚШдаги компьютер бозорини олиб кўрайлик. Бу ердаги товарларнинг 80-85 фоизини танҳо ИБМ корпорацияси етказиб беради. Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлик заводи ишлаб чиқарадиган пахта териш машиналарининг 100 %ни танҳо ўзи етказиб берганлиги учун ҳам уни соф монопол бозор қаторига кўшиш мумкин.

Бозор савдо-сотикнинг шарт-шароитларига қараб, кўпгина бўғинларга ажратиладики, улар бозор сегменти деб аталади. Сегмент

бозорнинг кичик бир қисмини ташкил қилиб, бу ерда харидорларнинг сони чекланган бўлади. Улар маълум турдаги товарлар сотиб олишади.

Бозорнинг сегменти ажралишининг сабаби бозор учун ишлаб чиқарилган товарларнинг жуда ҳам хилма-хиллиги кўпайиб, улар маълум истеъмолчиларга мўлжалланганлиги, жамиятда истеъмолчиларнинг социал-иқтисодий жиҳатдан табақаланганлиги, улар талабининг ўзаро фарқланганлигидадир.

Бозор сегментига ажратиш турли белгиларга қараб рўй беради. Бир сегментда аҳолининг харид қилиш қобилияти устувор бўлса, бошқа сегментлар ҳудудий ва социал–демографик мезонларга қараб ажратилади.

Ҳудудий сегментда аҳолининг сони, зиёлилиги, транспорт, алоқа шохобчаларининг борлиги ва ривожланиш даражаси, табиий-иқлимий шароит, тижорат ишининг асосий йўналиши ва унинг қайси тоифадаги кишиларга хизмат кўрсатиши, информация ва инфратузилманинг мавжудлиги ҳисобга олинади. Бозорнинг социал-демографик сегментларга ажратилиши ҳам бир қатор мезонларга қараб юз беради. Бунга истеъмолчи харидорларнинг ёши, жинси, таркиби, ишчилар, пенсионерлар, ўқувчиларнинг ҳиссаси, билим даражаси, пул даромадларининг миқдори, касб-кори, ирқи ва миллати, оила ва унинг таркиби қабила қиради. Турли-туман сегментлар яхлит бозорни ташкил этади. Бозор ҳажми қанчалик катта бўлса, шунчалик сегментларга бой бўлади. Бозорни олдисотди қилинадиган объектлар жиҳатдан қуйидаги турларга бўлиш мумкин: а) истеъмол товарлари ва хизматлари бозори; б) ишлаб чиқариш воситалари (ресурслар) бозори; в) меҳнат (иш кучи) бозори; г) молия бозори; е) интеллектуал товар бозори.

Товар алмашув муносабатлари тузилишида истеъмол бозори марказий ўринни эгаллайди. Унда инсон эҳтиёжларини бевосита қондирувчи моддий буюмлар ва бевосита хизматлардан иборат иқтисодий неъматлар сотилади. Ҳатто буйруқбозлик иқтисодиёти ҳам нисбатан эркин истеъмол бозорисиз иш юрита олмайди. Уни тўғридан-тўғри марказлаштирилган тартибда тақсимлаш билан алмаштиришга уринишлар ҳар гал барбод бўлаверади. Чунки режалаштириш ва тақсимлаш маҳкамалари ҳар бир инсоннинг барча шахсий талабларини ҳисобга олиши, уларнинг келажакдаги ўзгаришини олдиндан аниқ белгилашга, улар ушбу инсоннинг «умум қозони» га

қўшган ҳиссасига қанчалик мувофиқ бўлиши ва қай даражада қондирилиши лозимлигини аниқлашга қодир эмас.

Ишлаб чиқариш воситалари бозори ресурслар (ер, сув, фойдали қазилма ва ҳоказолар) ва инсон яратган билвосита неъматлар (дастгоҳлар, хом ашёлар, ишлаб чиқариш бинолари ва ҳоказолар) бозори бозор хўжалигида жуда катта аҳамиятга эга. Унда сотиладиган товарлар шахсий истеъмолга эмас, ишлаб чиқариш истеъмолига мўлжалланган бўлади. Демак, ушбу товарнинг сотувчилари ҳам, харидорлари ҳам ишлаб чиқарувчилардир. Мазкур бозор субъектлари ҳам турли мулкчиликка оид корхоналар, фирмалар, ягона тартибда ишловчилар, фермерлар, уй хўжалиги соҳибларидир. Буйруқбозлик иқтисодиёти шароитида моддий ресурслар, одатда, эркин сотувга келиб тушмайди, балки олдиндан тақсимланган фондлар бўйича марказлаштирилган тартибда тақсимланади. Ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар бир-бирига биркитиб қўйилган бўлиб, улар ва хўжалик алоқалари бўйича шерик танлашда эркин эмаслар.

Истеъмол буюмлари ва ишлаб чиқариш воситаларини реализация қилишнинг турли усуллари мавжуд. Савдо ташкилотлари воситачилигида, ким ошдига сотиш, бартер битишуви ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Улгуржи савдо, кўпинча, товар биржаси орқали амалга оширилади. Бу ерда оммавий, бир хилдаги товарлар (пахта, дон, металл) сотилиши мумкин. Сотувчи муайян нархлар билан тегишли миқдорда маҳсулотни харидорга етказиб бериш мажбуриятини олади.

Инсоннинг қобилиятлари ва билимлари (булар ҳам товардир)ни иш кучи бозорида сотиш мумкин. Бу бозорда сотувчи (ишчи) билан харидор (тадбиркор)лар ушбу товарнинг нархи ва иш ҳақи тўғрисида шартлашиб оладилар. Иш кучи бозори мавжуд бўлишининг асосий шартлари ходимнинг шахсий эркинлиги ва тадбиркорликнинг эркинлигидадир. Ходим меҳнатига бўлган ўз лаёқатини сотиш, тадбиркор эса уни сотиб олиш имкониятига эга бўлиши керак. Иш кучи инсонни меҳнат қилиш қобилияти сифатида товарга, олди-сотди орқали ишлаб чиқаришнинг шахсий омилига айланади. Иш кучи товарга айланиб, сотилиб, пулга айланганда ҳам иш кучи унинг эгаси мулки бўлиб қолаверади, лекин уни ишлатиш сотиб олувчи ихтиёрига ўтади. Иш кучи қанчалик бозор муомаласига тушмасин, барибир, инсоннинг қобилияти сифатида ундан ажралмайди, яъни ҳар доим индивидуал мулк бўлиб қолаверади. Меҳнат бозори аниқ шаклларда юз

берадики, уларнинг энг муҳими меҳнат биржаларидир. Савдо биржаси сингари меҳнат биржаси ҳам товарни – иш кучини пулга айирбошлашда воситачилик қилади, иш кучи эгаси билан уни ёлловчи корхона ёки фирма ўртасида туради. Биржалар кўпинча халқаро меҳнат бозорида фаолият кўрсатмоқда. Иш кучини импорт ва экспорт этувчи мамлакатлардаги фирмалар иш кучига бўлган талабни эътиборга олади. Улар ўз хизматлари учун ҳар икки томондан ҳақ оладилар.

Касаба уюшмалари ва давлат ҳозирги замон меҳнат бозорига фаол таъсир кўрсатади. Касаба уюшмалари ишчиларнинг куч-ғайратини бирлаштириб, уларнинг иш ҳақини ошириш ва меҳнат шароитларини яхшилаш учун курашни ташкил қилади.

Пул ҳам сотилиши ва сотиб олиниши мумкин. Уни сотиш кредитлаш дейилади. Кредит истеъмол товарлари сотиб олиш, ўз хусусий ишини ташкил этиш ёки кенгайтириш (ишлаб чиқариш воситалари ва иш кучини сотиб олиш), давлат харажатларини амалга ошириш ва ҳоказолар учун олинади. Кредит учун тўланадиган пул «нархи» фоиздан иборатдир. У, ҳар қандай нарх каби, талаб билан тақлиф нисбатига боғлиқ бўлади. Банклар, корхоналар, давлат, хусусий кишилар пул товарини сотувчилар ва сотиб олувчилардир.

Кредитлаш усулларидан бири қимматбаҳо қоғозларга даромад олиш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларни чиқариш ва сотишдир. Молиявий ресурслар пул ва пулга тенглаштирилган қоғозлар бозоридир. Бундай ресурсларнинг бир қисми бозорни четлаб, иккинчи қисми бозор орқали ўтади. Айни шу иккинчи қисм молиявий бозорнинг объекти бўлиб ҳисобланади. Пулнинг бозорга чиқарилиши ва ишлатилиши, биринчидан, шахсий истеъмол эҳтиёжларини, иккинчидан, пулдан пул чиқариб олиш эҳтиёжини қондиради. Молиявий бозорни пулни ишлатиш хусусиятига қараб, иккига ажратса бўлади: 1) истеъмолни қондирадиган пул бозори; 2) капитал бозори. Биринчи бозорга тушган пул ресурси қарзга олиниб, шахсий истеъмол учун ишлатилади. Иккинчи бозордаги маблағлар қарзга олинганда ёки сотиб юборилганда капитал сифатида ишга солинади, натижада фойдага эришилади. Қимматбаҳо қоғозлар бозорида акция, облигация, вексель, чек, депозит, сертификатлар олди-сотди қилинади ва бозор амалда фонд биржалари, аукционлар ва банклардан ташкил топади. Бу бозорда ҳам сотувчилар ва харидорлар ўртасида брокерлар ва дилерлар (даллоллар) воситачилик қилади. Қимматбаҳо қоғозларнинг эркин

бозори акцияли компаниялар меъёрида ишлашнинг энг муҳим шарти, жамият пул ресурсларини жамлашнинг қудратли воситасидир. Йирик корпорацияларнинг акция ва облигациялари, шунингдек марказий ва маҳаллий давлат маҳкамаларининг облигациялари фонд биржаларида сотилади ва сотиб олинади. Фонд биржасига кирмаган қимматбаҳо қоғозлар биржадан ташқари бозорда муомалада бўлади. Қимматбаҳо қоғозларнинг ҳаракати бўйича молиявий бозор бирламчи ва иккиламчи бозорларга бўлинади. Бирламчи бозорда янги нусхадаги қоғозлар сотилади ва сотиб олинади, иккиламчи бозорда эса олдин чиқарилган қимматли қоғозлар савдоси амалга ошади. Бирламчи бозорда қимматли қоғозлар сотилса, иккиламчи бозорда қайта сотилади. Иқтисодиёт учун қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори фавқулодда муҳим аҳамиятга эга. Чунки у хўжалик объектлари ўртасида молиявий воситаларнинг эркин ҳаракат қилишини таъминлайди.

Ҳозирги замон ишлаб чиқариши шароитида фан-техника ахбороти бозори жуда катта аҳамиятга эга. XX асрнинг 80-йиллари ўрталарида ахборот бизнеси (ахборотни сотувчи, ахборот шохобча-ларига хизмат қилувчи, алоқа воситаларини, ахборотни ва қайта ишлаш воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар) АҚШнинг иқтисодий фаол аҳолисининг 46,6 фоизини ўзига жалб этган эди.

Ахборот бизнеси ҳозирги замон цивилизациялашган бозорда кенг ривожланган. Бу ерда илмий ғоялар сотилади. Шунингдек, техник янгиликлар, санъат ва адабиёт асарлари, хилма-хил ахборотларни олди-сотди қилиш асосида муносабат рўй беради. Интеллектуал товарлар бозорида илмий-техник ишланмалар олди-сотдиси катта ўрин эгаллайди. У амалда патент, лицензия ва ноу-хау сотишдан иборатдир.

Ҳозирги бозор хўжалиги «пинҳоний» иқтисодиёт деган нарсдан ҳам ҳоли эмас. У саноати ривожланган айрим мамлакатларда миллий даромаднинг 1/10 қисмигачасини ишлаб чиқаради. «Пинҳоний» иқтисодиётнинг асосий соҳаси – фаолиятнинг қонун тақиқлаган ёки чеклаб қўйган турлари (наркотик моддалар бизнеси, фоҳишалик, қиморбозлик), шунингдек баъзи бир сермеҳнат тармоқлар (қурилиш, уй-жойни ва автомобилларни таъмирлаш, хизматлар кўрсатиш соҳалари)дир. Яширин бизнес солиқлардан ва иш кучини ёллашни тартибга солиб турувчи қонун ҳужжатларидан ҳоли бўлганлиги сабабли «пинҳоний» иқтисодиётдаги нархлар ва иш ҳақи, одатда, «расмий» иқтисодиётдагига нисбатан пастроқ бўлади.

«Пинхоний» бозор буйрукбозлик иқтисодиёти шароитида ҳам амал қилади. Унинг мавжудлигининг асосий сабаблари ялпи тақчиллик ва эркин тадбиркорликнинг чекланганлигидадир. Аммо унда нархлар ва даромадлар, одатда, давлат шўъбасидагидан юқорироқдир. Яширин тадбиркорлик ва «чайқовчилик» бозори қаттиқ марказлаштирилган бошқарувнинг ношудлиги тақозо этган камчиликларни кўп жиҳатдан қоплайди. Уларнинг асосий вазифаси буйрукбозлик иқтисодиётининг ношудлиги жуда яққол намоён бўладиган давлат хўжалигида ишлаб чиқарилган товарларни тақсимлашдир.

Ниҳоят, жаҳон бозори – турли мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарлар алмаштириладиган соҳа ҳам бор. Бутун жаҳон меҳнат тақсимоти чуқурлаша борган сайин миллий иқтисодиётларнинг ривожланишига жаҳон бозорининг таъсири кучайиб боради. Биронта ҳам давлат бу таъсирдан ҳоли бўла олмайди.

«Аралаш иқтисодиёт» деган ном олган ҳозирги замон бозор хўжалиги ғоят мураккаб, кўп даражали иқтисодий тизим бўлиб, унда стихияли бозор рақобати воситалари давлатни тартибга солиб туриши билан қўшиб олиб борилади. Унда мулк ва хўжалик юриштишининг ғоят хилма-хил шакллари ёнма-ён яшайди ва бир-бирини тўлдиради. Улар бир вақтнинг ўзида рақобатга ҳам дуч келади, ҳам бир-бирига чатишиб кетади. Филипп Марш (француз молия ходими)нинг образли ифодасига кўра, «аралаш иқтисодиёт» давлат билан хусусий секторнинг бирор манфаатини кўзлаб никоҳдан ўтишдир»²⁰. Бунда давлат, биринчидан, ўзининг «табiiй» вазифаларини бажаради, яъни ҳуқуқ-тартиботни ва ҳавфсизликни таъминлайди, теварак – муҳитни муҳофаза этиш ҳақида жон куйдиради, пул муомаласини ташкил қилади, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маиший инфраструктурани қувватлаб туради ва ҳоказо. Иккинчидан, бозорнинг ўзининг зиддиятларини «юмшатади». Бунинг учун эса бозорни тартибга солишнинг бухронга қарши ижтимоий шаклидан фойдаланилади. Солиқлар давлат тадбиркорлигини амалга ошириш, хўжаликка оид қонунлар, давлатнинг иқтисодий режалари каби тадбирлар ҳукумат сиёсатини юргизиш «воситалари»дир.

Айни чоқда давлатнинг аралашуви, одатда, бозор хўжалиги асосларига дахл қилмайди. Иқтисодиётни ташкил қилишнинг асосий муаммолари стихияли тарзда олувчиларнинг талаб ва таклифлари,

²⁰ Марш Ф. «Смешенная экономика»: теория и практика 80-х годов. П-Реферативный сборник. -М., 1990. - С.49.

эркин нархлар, рақобат воситасида ҳал этилади. Давлат бозорнинг ўрнини эгалламайди, балки уни тартибга солиб туради. Баъзан эса ўз-ўзидан емирилиш (масалан, юзага келувчи монополиларга қарши курашни амалга ошириб) идан ҳимоя қилади.

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, бозор яхлит бўлиб, унинг турлари ҳам бир-бири билан узвий алоқада амал қилади. Эркин бозорнинг ривожланиши монопол бозор йўлини тўсади, бундай ҳолат аксинча, бўлиши ҳам мумкин. Истеъмол бозори аҳволига қараб, ресурслар бозори ташкил топади. Шунингдек, ресурслар бозорида меҳнат, илмий-техник янгиликлар бозорлари шаклланади. Ҳозирги давр цивилизациялашган бозор турларининг бир-бирига мослашиб такомиллашуви иқтисодий ўсишнинг юқори даражада бўлишини таъминлайди.

Асосий таянч тушунчалар

Бозор иқтисодиёти – эркин товар-пул муносабатларига асосланган, иқтисодий монополизмни инкор этадиган, бошқариладиган иқтисодий тизимдир.

Бозор механизми – бозор иқтисодиётининг фаолият қилишини тартибга солишни ва иқтисодий жараёнларни уйғунлаштиришни таъминлайдиган дастак ва воситалардир.

Бозор – ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар (сотувчилар ва харидорлар) ўртасида пул орқали айирбошлаш жараёнида бўладиган муносабатлар мажмуидир.

Бозор объекти – бозорга, айирбошлаш муносабатларига жалб қилинган иқтисодий фаолиятнинг натижалари ва иқтисодий ресурслар, товар, пул ва унга тенглаштирилган молиявий активлардир.

Бозор субъектлари – бозорнинг айирбошлаш муносабатларининг қатнашчилари.

Бозор сигменти – бозордаги савдо-сотикнинг шарт-шароитига қараб кўпгина бўғинларга ажратилиши.

Бозор инфраструктураси – айирбошлаш муносабатларига хизмат қилувчи муассасавий тузилмалардан иборат.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

- 1.Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва асосий белгилари нималардан иборат?
- 2.Бозор иқтисодиётининг икки турини тавсифлаб беринг.
- 3.Бозор иқтисодиёти объектларига нималар киради.

4.Бозор иқтисодиётининг қандай субъектларини биласиз? Улар ўртасидаги алоқадорликни аниқланг ва тушунтириб беринг.

5.Бозор иқтисодиётининг афзалликлари ва камчиликлари нималардан иборат?

6.Бозорни туркумлашда қандай мезонлар асос қилиб олинади?

7.Бозорнинг қандай турлари етуклик даражасига қараб ажратилади?

8.Бозор иқтисодиёти деганда нимани тушунасиз? Унинг асосий белгиларини санаб ўтинг.

9.Бозор деб нимага айтилади?

10.Бозор қандай вазифани бажаради?

VI БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ДАВРИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1-§. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишидаги шарт-шароитлар ва уларнинг ўзига хослиги

Ўзбекистон иқтисодиёти СССР ташкил этилганидан сўнг ана шу ягона марказлаштирилган хўжалигининг ажралмас қисми сифатида шаклланди. Унда қатъий тарзда муайян даражада иқтисослаштирилган тармоқ структураси СССРнинг индустриал марказлари учун қишлоқ хўжалиги, ундирувчи саноат, дастлабки қайта ишлаш маҳсулотлари ва комплектловчи маҳсулотлар, ярим тайёр буюмлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган эди. Муайян минтақа, республика ягона халқ хўжалиги мажмуида ўз ролини ўйнаши керак бўлган буйруқ-бозлик иқтисодиётида принцип жиҳатидан оқилона ғоя бўлган тармоқлараро меҳнат тақсимооти СССРнинг таназули бошланганидан сўнг қадрсизланиб кетди. Республикалараро хўжалик алоқаларининг заифлашиши, баъзи жойларда эса ҳатто узилиши, мамлакатда иқтисодий аҳволнинг ялпи ёмонлашиши, дезинтеграция жараёнларининг кучайишига олиб келган марказдан қочма тамойилларнинг кучайиши Ўзбекистондаги умумий иқтисодий вазиятга ғоятда номатлуб таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас. Зеро, дастлабки ишлов бериш тармоқларини ривожлантириш тор миқёсда ихтисослашгани сабабли, у ўз эҳтиёжлари учун халқ истеъмоли асосий молларининг кўпчилигини, қишлоқ хўжалик (аввало чорвачилик) маҳсулотларининг катта қисмини, шунингдек нефть маҳсулотлари, ёқилғи, ишлаб чиқариш воситаларини четдан келтириши керак эди. Чунончи, республикамиз ёғоч тахтанинг қарийб 100, енгил саноат маҳсулотларининг 46 (қишлоқ хўжалигида пахтачилик етакчи ўринда турган бўлса-да), озиқ-овқат маҳсулотларининг салкам 30 фоизини четдан олиб келишга мажбур эди. Четга эса, асосан, хом ашё ва уни дастлабки қайта ишлаш маҳсулотлари чиқарилар эди. Республика бутун экспортининг атиги 13,5 фоизини машиналар, ускуналар, кимёвий маҳсулотлар, бошқа айрим саноат моллари ташкил қиларди (1985-1991 йилларга оид маълумотлар).

Иқтисодиётнинг бир томонлама ривожланиши шунга олиб келдики, Ўзбекистон собиқ СССРнинг барча республикалари билан ташқи савдо балансида манфий сальдога эга бўлиб қолган эди. Аниқроғи, 1990 йилда республика савдо оборотида салбий сальдо 3,7 млрд

сўмни ёки ялпи миллий маҳсулотнинг 11 фоизига яқинини ташкил қилди. Зеро, ярим тайёр маҳсулотларни четга чиқариш ва четдан тайёр маҳсулотни олиб келиш натижасида «нарх қайчилари» - нарх нисбатларининг узилиши ҳосил бўлади. Ўз маҳсулотларининг хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар сифатида четга чиқарилиши натижасида тайёр буюмларни сотиб олувчилар доимо ютқаздилар.

Ушбу қонуният ҳар қандай иқтисодий моделга хосдир. АҚШда федерал ҳукумат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тармоқларига «нарх қайчилари» туфайли кўрган зарарлари ўрнини қоплаш учун ҳар йили ўртача салкам 30 миллиард долларлик субвенция (дотация) ажратиши бежиз эмас (фермаларни кўллаб-қувватлашнинг бошқа ҳамма турлари –имтиёзли кредитлар, хусусий кредитлар учун давлат кафиллигидан ташқари).

Ўзбекистонга хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар етказиб берувчилик ролини ажратган режаловчи – маъмурий тизим мантиқи аввалдан «нархлар қайчиси» ўрнини қоплашнинг тегишли механизмларини экспорт-импорт операцияларидан келиб чиқиб яратишни тақозо этарди. Хусусан, 1990 йили СССР бюджетидан олинган маблағлар республика давлат бюджети даромад қисмининг 6,4 фоизини, 1991 йилда эса 11,4 фоизини ташкил этди. Миллий даромадга нисбатан олганда эса нарх нисбатларидаги тафовут учун товон тўловлари 1990 йилда 27,5, 1991 йилда 28 фоизни ташкил этди. Ўзбекистон сиёсий мустақилликка эришганидан сўнг иттифоқ тасарруфидаги қатор йирик корхоналар унинг ихтиёрига ўтгач, марказий бюджетдан республика бюджетига товон чегирмаларининг ҳажми камайди, СССР таъназулга учраганидан сўнг эса бу амалиёт бутунлай йўқолди.

Бундай ҳолат Ўзбекистоннинг умумий иқтисодий аҳволига ғоятда салбий таъсир кўрсатди, ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолликнинг пасайиши жараёнларини чуқурлаштирди. Республикада ҳосил қилинган миллий даромаднинг камайиши (1991-1992 йилларда 500 фоизга етганлигини ҳисобга олганда) равшан бўлиб қолди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ўз табиий бойликларидан янада самарали фойдаланиш, саноатни, аввало, қайта ишловчи саноатни ривожлантириш учун зарур захиралар, қувватлар ва технологияларга эга эканлигини таъкидлаш жоиздир. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, агар ўз ичига республикадаги мавжуд хом ашёни ундиришдан то пировард маҳсулотни ишлаб чиқаришга қадар бўлган бутун технологик занжирни қамраб оладиган хўжалик тизимини бунёд

этишга қаратилса, ялпи миллий маҳсулот (ЯММ)ни ишлаб чиқариш тахминан 3 баробар ўсиши керак. Ривожланиш учун нефть-газ, энергетика, олтин қазиб олиш, рангли металлургия, кимёвий толалар, пластмассалар, тайёр халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш устувор мавқеига эга бўлиши лозим.

Ҳозирги пайтда самарадор давлат ва ривожланган тадбиркорлик секторларидан иборат «аралаш иқтисодиёт» ни бунёд этишга қаратилган йўлни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасидаги изчил сиёсат ўтказилмоқда. Эндиликда бозор инфраструктураси, бозор муносабатларининг институционал ва қонунчилик базасини шакллантиришга қаратилган ягона йўл танланди. Бу йўл тоталитар иқтисодий тизимдан бозор иқтисодиётига ўтишнинг қонун-қоидалари ва Ўзбекистондаги хусусиятларига оид илмий-назарий қарашлардан иборат бўлиб, И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишлари» асарларида батафсил таҳлил этилган. Бу асарлар мамлакатимиз иқтисодий тафаккур тарихида ўзига хос янги бир саҳифадир. Бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси миллий мустақиллик назариясининг ажралмас қисмидир. Чунки иқтисодиётни мустаҳкам ривожлантириш асосидагина миллий мустақилликни таъминлай олиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси учун бирдан-бир бош йўл иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, халқ фаровонлигини ошириш, ҳуқуқий жиҳатдан таъминланган фуқаролик жамият қуришдир. Шундай жамият сари боришнинг шартини бозор иқтисодиётига ўтиш - ҳозирги даврнинг талаби ва зарурияти ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги таъминланади. Халқаро тажриба кўрсатганидек, бозор иқтисодиётига ўтишнинг уч хил модели мавжуд.

1. Ғарбий Европа мамлакатлари ва бошқа ривожланган мамлакатлар йўли;

2. Мустамлакачиликдан озод бўлиб, мустақил тараққиёт йўлига ўтиб, ривожланаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари йўли;

3. Собиқ социалистик мамлакатлар йўли.

Бу йўлларнинг умумий ва хусусий жиҳатлари бор, албатта. Уларнинг ҳаммаси бир манзилга – бозор иқтисодиётига олиб келадик, бу кўп жиҳатдан иқтисодиётнинг қонун-қоидалари, амал қилиш принциплари учун умумийлик вазифасини бажаради. Бозор муноса-

батлари шаклланишининг ижтимоий-иқтисодий, тарихий, миллий ва халқаро шароитларининг ҳар хил эканлиги сабабли унга ўтишнинг миллий ёки ҳудудий хусусиятлари ҳам мавжуд бўлади. Умумийлик ва хусусийлик турли мамлакатларда турлича қоришмалардан иборатдир.

Бозор муносабатларига ўтишнинг илк Европача модели асосида оддий товар хўжалигидан классик капитализм томон ва ундан бозор иқтисодиёти томон борилди. Мазкур йўлдан узоқ давом этган эволюцион ўзгаришлар воситасида бозор муносабатларига хос белгиларни секин-аста ривожлантириб бориш, оддий товар-пул муносабатларини капиталистик шаклга кўчириш ва, ниҳоят, унинг бозор муносабатларига трансформацияси орқали борилди. XIX аср охиригача Фарбий Европада ёввойи иқтисодиёт ҳукмрон эди. XX асрдан бошлаб, айниса, 80-йиллардан кейин цивилизациялашган бозор иқтисодиётига ўтиш кучайди.

Осиёча моделга хос бозор иқтисодиётига ўтиш мустамлакачиликдан мерос қолган қолоқ, анъанавий иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишдан иборатдир.

Ўзбекистон ўз йўлини қидиришда Советлардан кейинги макондаги кўпгина мамлакатлар ислохотларининг дастлабки босқичларида ички ва қарз олинган валюта захиралари ҳисобига, энг аввало, хориждан истеъмол моллари келтиришни кенгайтиришга сарфлади. Шу тариқа улар ўз ишлаб чиқаришини ички бозорда истаса-истамаса сиқиб чиқарди. Оқибатда миллий инқирозга юз тутилди, баъзан эса барбод бўлгани ҳолда катта валюта маблағлари еб битирилди, деб таъкидлаб: «Биз эса енгил йўлни қидирмадик, -деб ёзади. И.А.Каримов, - ислох қилишнинг дастлабки босқичларида истеъмол бозорини бир қадар чеклашга мажбур бўлдик. Айни чоғда маблағ ва захираларни иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга сарфлаб, хорижга маҳсулот тайёрлайдиган, илғор технология базаси билан жиҳозланган замонавий корхоналар барпо этиб, ички бозорни ўз молларимиз билан тўлдириш йўлидан бордик. Шу мақсадлардан келиб чиқиб, ўз маблағларимиз олган қарзларимизнинг асосий қисми инвестицияларга, республикага янги технология ва техника келтиришга сарфламоқдамиз. Истеъмолни эмас, балки инвестицияни кўпайтирдик».²¹ Президентимиз асарларида Ўзбекистон танлаган йўл

²¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Тошкент.: “Ўзбекистон”, 1997, 192-193 бетлар.

Ўз истиқлоли ва тараққиёти мураккаб тарихий аҳамиятга молик ва масъулиятли эканлиги, ҳозир яшаётган ўзбекистонликларнинггина эмас, балки уларнинг бир қанча келажак авлодларининг ҳам тақдири шу йўл қанчалик тўғри танлаб олинишига боғлиқ эканлиги таъкидланган.

Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига ўтишида танлаб олган йўли унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларига мос келадиган йўлдир. Шу йўл билан бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш учун республикада деярли ҳамма шарт-шароитлар мавжуд. Бу шарт-шароитлар И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» асарида батафсил ёритилган бўлиб, ўз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўли ва андозани танлаб олиши жуда катта аҳамиятга молик, деб таъкидланади. Бу йўл ва андоза иқтисодиёти бозор муносабатлари асосига қурилган ривожланган мамлакатларнинг кўп асрлик тажрибасига, шунингдек Ўзбекистон халқининг миллий, тарихий мероси, турмуш тарзи, анъаналари ва руҳияти хусусиятларига таяниш зарурлигини, кўп йиллар давомида таркиб топган иқтисодий ҳамда маънавий алоқаларни эътибордан четда қолдирмаслик муаммоларига эътибор қаратилади. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишда республиканинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга оладиган, Ўзбекистоннинг ўтмиши, ҳозирги куни ва келгуси тараққиётига тўла-тўқис мос келадиган мутлақо янги андоза ўзига хос йўл зарур. Бу йўл уч таркибий қисмдан иборат:

– ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти миллий андозаси моҳиятининг тавсифи (характеристикаси);

– қатъий марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига асосланган йўлига ўтишнинг энг муҳим принциплари;

– иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, тангликдан чиқиб олиш, барқарорликни ва муҳим ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг аниқ йўналишлари.²² Президент И.Каримов Ўзбекистоннинг иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириши ва босқичма-босқич бозор муносабатларига ўтишида ўзига хос бетакрор йўлни танлаб олиши учун ушбу минтақага хос бўлган хусусиятлар ва шарт-

²² Каримов И.А. Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. -Тошкент.: “Ўзбекистон”, 1993, 7-8- бетлар.

шароитлар мавжуд эканлигини И.А.Каримов чуқур таҳлил этиш зарурлигига тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлаган эди:

– республика қулай жуғрофий-сиёсий мавқега эга. Ҳозирги Ўзбекистоннинг ҳудуди тарихан энг қадимий савдо йўллари туташган, ташқи алоқалар ва турли маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитиш жараёни авж олган жой бўлиб келган. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг ўз мустақил энергетика ва сув тизимларига эга маркази бўлиб, кўпгина масалаларда қўшни республикаларни боғловчи бўғин хизматини ўтайди. Тарихнинг ўзи шундай белгилаб қўйганки, Ўзбекистон Евроосиёнинг Ғарбий Шарқ билан Жанубий Шимол билан боғловчи энг муҳим йўллар чорраҳасида жойлашган. Бу ҳол «Буюк ипак йўли»га монанд Евроосиё иқтисодий ва илмий-маданий кўпригини солиш имконини беради;

-табiiй иқлим шароитларининг ўзига хослиги Ўзбекистонда ва унга ёндашувларни танлаб олишга ҳал қилувчи таъсир ўтказмоқда. Республика иқтисодиётининг деҳқончилик тармоғини кенг ривожлантириш, алоҳида қимматли, жаҳон бозорида ғоят харидоргир бўлган экинлар ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш учун қулай бўлган иқлим минтақасида жойлашган;

– тарихан таркиб топган ижтимоий ва иқтисодий муносабатларнинг мазмунига кўра, Осиёда шаклланган анъанавий ишлаб чиқариш усуллари ва меҳнатни ташкил этиш шакллари Ўзбекистонга хос эканлиги ҳам иқтисодий ислоҳотларнинг йўллари ва андозаларини танлаб олишга таъсир қилаётган жиддий омилдир;

– республикадаги алоҳида демографик вазият ўз ижтимоий, иқтисодий тараққиёт йўлини танлаб олиш зарурлигини белгилаб берувчи ғоят муҳим хусусиятлардан биридир. Ўзбекистон туғилиш даражаси ва аҳолининг табiiй ўсиши юқори бўлган мамлакатлар жумласига киради. Кейинги ўн йилликлар мобайнида республика аҳолиси ҳар йили ўрта ҳисобда 2,5 фоиздан кўпайиб борди. Бу эса иқтисодий ўсиш суръатларига, иш билан бандлик муаммоларини хал қилишга алоҳида талаблар қўяди.

Аҳоли таркибида болалар ва ўсмирларнинг кўплиги ҳам демографик вазиятнинг ўзига хос хусусиятидир. Ўзбекистонда болалар, ўсмирлар 43,1 фоизни ташкил қилади. Республикада оиланинг ўртача сони 5,5 кишидан иборат, бир қанча вилоятларда эса 6 кишидан ҳам ошади.

Аҳолининг 60 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларида истиқомат қилади ва, асосан, деҳқончилик билан шуғулланади.

–республика миллий таркибининг ўзига хослиги уни фарқлантирувчи хусусиятдир. Этник таркиби жиҳатидан туб аҳоли устун мавқени эгаллайди. Республикада яшаб турган аҳолининг 70 фоиздан кўпроғини ўзбеклар ташкил қилади. Айни вақтда Ўзбекистон ҳудудида ўз маданияти ва анъаналарига эга бўлган юздан зиёд миллат вакиллари яшайди.

–Ўзбекистон халқининг миллий руҳиятига хос бўлган этнопсихологик меъёрларнинг хусусиятини ҳам эътиборга олиш зарур;

–туб аҳолининг ерга яқинроқ бўлиш, ўз уйи ёнида томорқа хўжалигига эгалик қилиш учун анъанавий тарзда интилиши унинг манфаатлари ва турмушида ўз изини қолдирмоқда. Ҳаётий қадриятлар, оилавий турмуш муносабатлари нормалари, меҳнат фаолияти соҳасидаги кўникмалар шундай тарзга хосдир.²³

Шундай қилиб, Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишда юқорида кўрсатилган ўзига хос шарт-шароитлар, барча хусусиятлар, белгиларни аниқ ҳисобга олиш лозимлиги ҳаётий зарурият эканлигини тасдиқлайди.

2-§. Давлат мулкни хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш

Ўзбекистонда амалга оширалаётган ислохотларнинг пировард мақсади эркин бозор иқтисодиёти ва очиқ ташқи сиёсат ўтказувчи кучли ҳуқуқий давлат, демократик жамият қуришдан иборат бўлиб, хусусийлаштириш Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган қоидаларга асосланиб амалга оширилди. Хусусийлаштириш иқтисодий тушунча бўлиб, мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, уни жисмоний ва юридик шахсларга бериш, хусусий секторнинг вужудга келишини англатади. Мулкни хусусийлаштириш бозор муносабатларини шакллантиришнинг негизи бўлиб, хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни вужудга келтиради.

Бозор ислохотларининг бош масаласи мулкчилик муносабатларини тубдан ўзгартиришдан иборат. Чунки шундай йўл билан кўп укладли иқтисодиёт ва рақобатлашиш муҳити шакллантирилади ҳамда бозор иқтисодиёти тизимига ўтишнинг шарт-шароитлари вужудга келтирилади. Шу сабабли республикада мулкий муносабат-

²³ Каримов И.А.. Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли, 27-31 бетлар.

ларни ислоҳ қилишдан кўзда тутилган мақсад давлат мулки монополизмини тугатиш, унинг тасарруфидан чиқариш, яъни хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтиришдан иборат.

Дастурий ёндашув ва хусусийлаштиришни босқичма-босқич амалга ошириш республикада ўтказилаётган ислохотларнинг ўзига хос хусусиятидир. Хусусийлаштиришнинг давлат-амалий дастури тузилиб, босқичма-босқич ўтказиб борилмоқда. Хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий-меъёрий жиҳатини таъминлаш учун бир туркум қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Уларда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг қоидалари, амалга ошириш услубиятлари ва шакллари, шарт-шароитлари, объектлари, сотиш ва сотиб олиш тартиблари белгиланиб берилди.

Ўзбекистонда дўконлар, ошхоналар, қаҳвахоналар, сартарошхоналар, корхоналар, тайёрлов идоралари, матлубот жамиятлари, маҳаллий саноат корхоналари хусусийлаштирилди. Натижада ишлаб чиқариш воситаларининг бир неча юз минг янги мулкдори вужудга келди. Аграр секторда колхоз ва совхозлар устун роль ўйнаб келган қишлоқ хўжалигида ҳам (яратилган барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг салкам 80 фоизи улар ҳиссасига тўғри келар эди) хусусий сектор (фермерлик сектори) бунёд этилдики, уларга суғориладиган ерларнинг 900 минг гектардан кўпроғи ажратилди. Ҳозирги кунда фермер хўжалигининг сони 45 мингдан кўпроқ бўлиб, уларда ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоиздан кўпроғи тайёрланади. Халқ хўжалигида банд бўлганларнинг 35 фоизи шу хўжаликларда ишлайди.

Республикада аграр ислохотнинг негизи – ерга мулкчилик масаласи ҳаётий зарурият ҳисобланиб, Республика конституциясида ер хусусий мулк сифатида сотилиши мумкин эмаслиги, лекин унинг узоқ муддатли ижара шартлари билан берилиши мумкинлиги белгиланди. Суғориладиган ерларнинг хусусиятлари ҳисобга олиниб, шунингдек фермер хўжаликларининг ирригация ва мелиорация ишларини амалга оширишда маблағлари етмаслиги туфайли давлат бу дастурни бажаришни ўз зиммасига олди. Фақат давлат маблағи ҳисобидан мелиорация тармоқларини реконструкциялаш, қуриш ва бошқа ирригацион тадбирларни амалга ошириш мумкин. Республикада аграр ислохотларининг навбатдаги йўналиши мавжуд давлат қишлоқ хўжалик корхоналарини жамоа корхоналарига ва мулкчиликнинг бошқа шакллариغا айлантиришдан иборатдир. Аграр ислохотларнинг

яна бир йўналишда шахсий томорқа хўжалигини кенгайтириш, янги суғориладиган ерларни шахсий хўжаликлар ва боғ-дала ҳовли участкаларига ажратиб бериш йўли билан аҳолини ер билан таъминлаш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди. Булар қишлоқ жойларида ишсизликнинг кўпаймаслиги олдини олиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш манбаини кучайтириш, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш даражасини ошириш, якка тартибда уй-жой қурилиш ишларини кўпайтириш каби муаммоларни ҳал этиш учун имкониятлар яратди.

Хорижий капитални жалб этган ҳолда қўшма корхоналарни барпо этиш ҳам рағбатлантирмоқда. Республикада хорижий, асосан, Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Хитой ва Осиёдаги бошқа давлатлар фирмалари иштирокида кўплаб корхоналар ташкил этилганлиги рўйхатга олинмоқда. Фарблик бизнесменларнинг ҳам Ўзбекистонда борган сари кўпроқ амалий ишларни бажариб келишмоқда.

Ўтиш даврида республикада самарадор бозор иқтисодиёти барпо этилганлиги туфайли ҳаракатчан бозор структураси ва мослашувчан бошқарув тизими вужудга келди ва унга монанд равишда давлат сектори шакллантирилди. Бу сектор ишлаб чиқариш тузилмаларининг қуйидаги асосий типларини ўз ичига олади: давлат корпорациялари, акциядорликка алоқасиз корхоналар, ижтимоий инфраструктура соҳасидаги корхона ва хизматлар, аралаш давлат-хусусий корхоналар.

Давлат корпорациялари капиталининг ҳаммаси давлатга тегишли бўлган акциядорлар жамиятларидир. Улар тижорат ҳисоб-китоби ва мустақиллик принциплари асосида ишлайдилар, ўз мажбуриятларига ўзлари жавоб берадилар, давлат бюджетидан субвенция олишни эмас, балки фуқаролик ва савдо ҳуқуқи меъёрлари ва бозор қонунларига амал қилишни кўзлайдилар. Давлат корпорацияларининг энг кенг ёйилган шакли холдинглар бўлиб, улар шерик корхоналарнинг кооперацияланишига ва келишилган ҳолда инвестиция сиёсатини ўтказишга ёрдам бериш учун ташкил қилинади. Корхоналарни кооперациялаштириш натижасида хўжаликка раҳбарлик қилиш функциялари давлат амалдорлари қўлидан бошқарув ва назоратнинг бевосита бозорни кўзлайдиган структураларига олиб берилди. Бинобарин, у ёки бу тармоқда давлат холдинглари, картеллари, саноат молия гуруҳларининг барпо этилиши уни маъмурий муносабатлар соҳасидан бозор муносабатлари соҳасига ўтказди.

Акциядорликка алоқасиз давлат корхоналари бозор рақобатига дахлдор корхоналар эмас. Уларга ишлаб чиқариш инфраструктурасининг сув, газ ва энергия таъминоти, алоқа каби тармоқларидаги «табiiй монополиялар» ва коммуникация тизимларининг кўпи киради. Ушбу хилдаги давлат корхонаси юридик шахс ҳисобланиб, алоҳида мол-мулкка эга бўлади. Бироқ улар ҳар доим ҳам бошқарув ходимларини тайинлаш, сотиш мақсадида мол-мулкни хусусийлаштириш ва тасарруф этиш, ишлаб чиқаришни ўзгартириш, структуравий қайта қуришларда тўлиқ хусусий мустақилликка эга бўла олмайди. Бундай корхона ўз фаолиятини давлат номидан амалга оширади ва ўз фаолияти учун давлат олдида жавобгар (ҳукуматга ҳисоб беради). Гарчи у ўз мол мулкига ва тижорат корхонасининг баъзи белгиларига эга бўлиши керак эса-да, унинг фаолияти бевосита бозор рақобати жараёнларига, талаб ва таклиф механизмларига боғлиқ. Бундай хилдаги корхона капитали акция ва пайларга тақсимланиши, хусусий капитал эса бошқарувга киритилиши мумкин эмас. Тўғри, унинг инвестор сифатида иштирок этиши истисно этилмайди.

Давлат секторига кирадиган ижтимоий инфраструктуранинг корхона ва хизматлари бозорга алоқаси бўлмаган принципларга риоя қилади, ноашёвий неъмат ва хизматлар (таълим, соғлиқни сақлаш, маданиятнинг айрим соҳалари)ни ҳосил қилади. Бу билан уларнинг маблағ манбалари шартланган бўлади. Умумдавлат ва маҳаллий бюджетлар ана шулар жумласидандир. Бундай корхоналарда давлат хизматчилари ишлайди ва улар давлат бюджетидан иш ҳақи оладилар.

Аралаш давлат хусусий корхоналарда давлат улар акцияларининг муайян қисми (пакети)га эгалик қилиб (назорат пакети бўлиши шарт эмас), ўз ҳиссасига тегишли капитал асосида даромад олади ва бошқарувда иштирок этади. Аралаш корпорациялар хўжалик фаолиятида бозор механизмлари ва талаб конъюктурасига йўналтирилган бўлиб, хусусий компаниялар ва корпорациялар билан рақобат курашида тенг ҳуқуқ асосида қатнашади. Ушбу шакл давлат ва хусусий негизларни самара билан қўшиш, давлат капитали ҳажмларини мослашувчанлик асосида маневрлаш, инвестиция, структура ва нарх сиёсатига таъсир кўрсатиш имконини беради.

Айниқса, ижтимоий сиёсий нуқтаи назардан олганда. Тадбиркорликни ташкил этишнинг бундай шакли Ўзбекистон учун ғоятда маъқул бўлди. Ундирувчи, ишлов берувчи, кимё саноатлари, молия

структуралари, савдо ва маиший хизмат соҳасида хусусий капитал давлат корхоналарида иштирок эта бошлади.

3-§. Институционал бозор инфраструктурасининг шаклланиши

«Аралаш иқтисодиёт»ни ва маданий тадбиркорликни, шу жумладан, хусусий тадбиркорликни шакллантириш учун бозор тартиботлари кўринишида пойдевор бўлади. Агар у йирик миқёсда бунёд этилмаса, бозор муносабатларига ўтиш доимо орқага қараб кетаверади. Ўтиш даврида давлатнинг роли ошади, у инспекция (нарх ва андозалар, қимматбаҳо қоғозлар ва ҳоказоларни назорат қилиш бўйича), суғурта назорати, турли фондлар (минтақавий бошқариш, инвестиция, барқарорлаштириш, илмий-техник дастурлар, иш билан таъминлаш фондлари ва ҳоказолар), меҳнат биржалари, кадрлар тайёрлаш ва тижорат ахбороти марказлари сингари инфраструктуравий ташкилотларни шакллантириши керак бўлади. Фонд ва мол биржалари, суғурта, аудиторлик, брокерлик компаниялари, тижорат банклари, марказ ва компаниялари, савдо уйлари, савдо воситачилик фирмалари, кимошди савдолари, ярмаркалар ва ҳоказоларнинг барпо этилиши дастурларини ишлаб чиқишни хал қилиш давлатнинг мададига муҳтождир. Амалиётнинг кўрсатишича, давлат иштирокида шакллантирилган тижорат тузилмаларининг самарадорлиги, ташкилий пухталиги ва иқтисодий барқарорлиги соф хусусий ташаббус асосида барпо этилган шунга ўхшаш корхоналарникидан анча юқори бўлади.

Давлатнинг шартнома (контракт) тизими асосида давлат захиралари ва пул маблағларини бозорнинг иқтисодий субъектлари ўртасида тақсимлаш механизми сифатида савдо ва музокараларни олиб боришнинг махсус ҳужжатлари, қоидаларини норматив жиҳатдан асослаш, шартномалар тартиби ва уларни маблағ билан таъминлашни белгилаш, уларга амал қилинишини назорат этиш билан шуғулланадиган нотижорат характеридаги идора ва муассасалар кўринишида аниқ пухта институционал база яратилди.

Иқтисодий ислохотларни амалга оширишда бошқаришнинг тегишли тизимини яратиш зарурияти вужудга келди. Шунга асосан, республикада бутун халқ хўжалигини, тармоқлар ва ҳудудларни бошқаришнинг энг маъқул ва ҳозирги даврга мос бўлган тузилмалари ишлаб чиқилди. Кўплаб марказий иқтисодий органлар ва вазирликлар тугатилди (Давлат режа қўмитаси, Давлат таъминот қўмитаси,

Давлат нархлар қўмитаси, Давлат агросаноат қўмитаси ва кўплаб вазирликлар) ёки уларнинг фаолияти тубдан қайта қурилди. Фаолияти тугатилган маъмурий аппаратлар ўрнига янги бошқариш бўғинлари тузилди. Масалан, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Республика улгуржи ва биржа савдоси акциядорлик уюшмаси антимонопол ва нарх-наво сиёсатини ўтказиш бошқармаси ташкил этилди. Республика молия вазирлиги зиммасига республика бюджетини вужудга келтириш билан бир қаторда, давлат солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ва қоидаларини ишлаб чиқиш, валюта ишларини бошқариш вазифаси ҳам юклатилди.

Назорат органлари фаолиятини тартибга солиш, давлатнинг ягона солиқ ва божхона сиёсатини ўтказиш мақсадида Давлат солиқ ва божхона қўмиталари тузилди. Ўтказиладиган иқтисодий ислохот ишларини мувофиқлаштириб туриш учун Президент ҳузурида иқтисодий ислохот, тадбиркорлик ва чет эл инвестициялари бўйича идоралараро кенгаш ташкил қилинди.

Кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурини ишлаб чиқиш каби вазифаларни бажариш учун Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тузилди.

Ташқи иқтисодий алоқаларни бошқариш ва шу соҳага алоқадор корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириб туриш учун Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги тузилди.

Республиканинг тармоқлари ва айрим соҳаларини бошқариш тизимида ҳам чуқур таркибий ўзгаришлар юз берди. Уюшмалар, концернлар, корпорациялар ва бошқа хўжалик бирлашмаларига айлантириш йўли билан тармоқ вазирликлари тугатилди. Транспорт, туризм, маданият, кинолаштириш каби фаолият соҳаларида миллий компаниялар тузилди.

Бозор ислохотлари бозор инфратузилмасини яратиш чора-тадбирларини ҳам қамраб олади. Шунинг учун молия, банк-кредит тизими муассасалари, суғурта, аудиторлик, юридик ва консалтинг фирмалари ҳамда компаниялари, биржа тизимини яратиш зарурияти вужудга келди.

Бозор инфратузилмасини яратиш қуйидаги йўналишларда олиб борилди. Биринчи йўналиш бўйича товар – хом ашё биржаси тизими ривожланди. Бу, ўз навбатида, брокерлик ва дилерлик идоралари,

савдо уйлари, воситачи фирмаларнинг пайдо бўлишга олиб келди. Иккинчи йўналишда капитал бозорини таъминлайдиган тизилмалар вужудга келтирилди. Кредит ресурслари, валюта бозори ҳамда давлатга қарашли бўлмаган суғурта компаниялари тузилди. Учинчи йўналиш меҳнат бозорини шакллантиришдан иборат бўлиб, бу соҳада кўплаб меҳнат биржасини ўз ичига олган йирик тармоқ тузилди. Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиши зарур бўлган муассасалар (Ташқи иқтисодий алоқа вазирлиги, ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, божхоналар хизмати) барпо этилди. Республиканинг ҳамма вазирликлари ва идоралари, корхоналарида ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи махсус бўлимлар, ташкилотлар ва фирмалар тузилди.

4-§. «Ўзбекистоннинг иқтисодий модели»

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ўзгаришларнинг ижтимоий йўналтирилган йўлини танлади. Унга мувофиқ ислохотлар натижасида (демак, хусусийлаштириш, эркин нарх белгилаш, рақобат ва якка тартибда ташаббус кўрсатиш соҳасида тезроқ натижаларга эришиш) эмас, балки аввало, фуқароларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги иқтисодиётда барқарорлик, ижтимоий соҳада аҳилликни таъминлаш устувор мавқега эга бўлади.

Нега биз учун мақсади ва идеали хусусий манфаатдорлик ҳамда хусусий ташаббускорлик ҳукмрон бўлган, «меники» «умумники»дан олдинда турадиган жамиятни барпо этишга қаратилган иқтисодий ислохот тўғри келмайди, деган савол туғилади. Мазкур саволга жавоб беришга уринамиз. Зеро, А.Смит ва унинг издошлари назариясига кўра, худбинларча бойлик ва фойда орттиришга интилиш, охир оқибатда, ижтимоий неъматлар бутун жамиятга фойда олиб келади. «Кўзга кўринмас қўл» деб аталувчи ушбу принцип бозор иқтисодиёти диалектикасининг асосий мағизидир. Уни тескарисига талқин қилиш «социал ижтимоий негиздан якка тартибдаги хусусий негиз сари» принципига амал қилиш, фақат далилни чўзади иқтисодиётда ҳам, ижтимоий соҳада ҳам мавжуд муаммоларни чуқурлаштиради. Аҳолига борган сари кенг ижтимоий кафолатлар бериш ва уларни сақлаб қолиш сиёсати учун бозор иқтисодиётида ўрин йўқ, бунда давлат белгиловчи бўла олмайди, балки бунда «пул-мол-рақобат-пул» қоидаси бўйича фаолият кўрсатувчи хусусий мустақил структуралар томонидан белгиланадиган омиллар роль ўйнайди. Бундай ша-

роитда заиф ва ёрдамга мухтож субъект эмас, балки энг кучли, ғоятда рақобатбардош иқтисодий субъект ютиб чиқади.

Умуман олганда, идеал ижтимоий-иқтисодий тизимлар мавжуд эмас. Уларнинг ҳар бирида яхши ва ёмон, мукамал ва чала, илғор ва пассив жиҳатлар бор. Чунончи, бозор самарали ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, иқтисодий ўсишда суръатларни ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, турмушнинг моддий даражасини кўтариш учун мақбул бўлган шарт шароитлар яратди. Лекин, айтилиши вақтда, унинг самарадорлиги ва жозибадорлигини пасайтирадиган ҳолатларни - иқтисодий бухронлар, ишсизлик, инфляцияни ҳам туғдиради. Хусусий ташаббускорлик ва тадбиркорликни намоён этиш учун кенг имкониятлар очадиган, истеъмолда мўл-кўл моддий ва номоддий неъматларни яратадиган, фан ва техниканинг янги ютуқларидан самарадорлик билан фойдаланадиган ва уларни рағбатлантирадиган бозор, айтилиши вақтда, ботиний табиатига кўра, антиижтимоий ва адолатсиздир. Зеро, жуда энг кучли, энг кўп мослашган зотнинг яшаб қолиши тўғрисидаги дарвинизм таълимотига амал қилиш кишиларнинг бирга тотув яшаш негизларига, бир-бирига муносабатларининг инсонпарварларча принципига зиддир. Бозор қонунлари ҳукмрон бўлган жамиятда «яқин кишингга мададкор бўл» деган диний шиор ўрнини анча прагматик ва камроқ ижтимоий аҳамиятга молик бўлган «яқин кишингни қувиб ет ва ундан ўзиб кет» шиори эгаллайди.

Ҳозирги бозор ҳўжалигида ғоятда чуқур ўзгаришлар рўй берганлигига қарамай, ижтимоий муносабатларни барпо этишнинг янги хиллари – «постиндустриал» ва «ахборий» хилларининг пайдо бўлишида айтилиши тилга олинган давринизм принципи иқтисодий ва техник тараққиёт учун зарур бўлган энергетик генератор ролини ўйнайди. Мухтожлар, фойда олиш ва бойишнинг азалий пойгасида қатнаша олмайдиганларни ҳимоя қилиш учун давлат муайян воситалар йўли билан буфер ролини ўйнаши керак. Айтилиши шундай иқтисодиётнинг «аралаш», иккинчи секторли моделининг назарий ва ижтимоий негизлари яширинган давлатнинг коррективроқловчи ва бошқарувчи ролида мустақил хусусий секторнинг салмоғи ўсади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда тадбиркорлик инфраструктураси анча мустаҳкамланди, давлат билан корхоналарнинг ўзаро муносабатлари тизими ўтиш даврида иқтисодиётнинг давлатлаштирилган модели характерига эга бўлди. Корхона ва ташкилотларнинг кўпи

давлат инвестициялари ва дотацияларига таянади. Ҳатто давлатдан ҳоли тизим, хусусий сектор давлат ёрдами ҳисобига кун кечиради: ўз кредит маблағининг етишмаслиги, депозитлар, омонатлар, инвестиция даромадларини жалб этишда, тижорат инфраструктурасининг ривожланиб, ҳозирги даврга келиб мустақил банк тизими барпо этилди.

Ўзбекистонда иқтисодий муносабатларнинг янги моделига ўтишнинг ўзига хослиги объектив ва субъектив омиллар мажмуи, Шарқда ижтимоий-иқтисодий ҳаётни қайта қуриш хусусиятларининг ўзига хослиги билан боғлиқ. Тарихан шундай ҳол шаклланди, Осий мамлакатларида жамиятнинг иқтисодий ривожланишида давлат доимо устун роль ўйнаб келган. Хўжалик юритишнинг муайян усулини танлаган ижтимоий, жуғрофий омиллар йирик қурилиш ва суғориш ишларини ташкил этиш зарурлигини, шунингдек жамиятнинг қатъий тартибдаги ижтимоий поғонадорлиги анъаналари ва уларнинг Шарққа хос руҳияти иқтисодиётда давлат мулкчилиги ва давлат моделидан фойдаланишни тақозо этган эди.

Шарқда жамоанинг манфаатлари, мақсад ва вазифалари яқка шахсниқидан устун турган. Кишилар ҳулқ-атворининг жамоага хос андозалари давлатчилик негизидир. Ҳар бир шахс ўзини алоҳида мустақил шахс сифатида гуруҳдан, жамоадан ажратмайди, балки ўзини ана шу гуруҳ билан тўла уйғунлаштиради. Хўжалик, ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш, ва истеъмолни ташкил этишнинг тегишли усуллари ҳам ана шунга боғлиқ.

Шарқда давлат бошқарувини ташкил этиш, ваколат ва вазифаларни юклаш тизимида тарихан қаттиқ структуравийлик ва раҳнамолик ҳукмрон бўлган. Буни, масалан, Қадимги Хитойда амалдорлар феодализми тузумида кўришимиз мумкин. Конкрет олинган Шарқ давлати катта жамоа бўлиб, унинг ҳаётини, иқтисодиёт принципларини, рационал бюрократияга қараганда, кўпроқ анъаналар, руҳият, дин бошқарган.

Кўпинча туғилиб келаётган бозор муносабатларининг намунаси сифатида тилга олинган Шарқда савдонинг ривожланиши осийча моделнинг қонуний давоми бўлиб, у капиталистик муносабатлар ва ишлаб чиқаришда капиталистик тизимнинг шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қила олмади.

Давлат секторининг устувор таъсири Ўзбекистонда ҳозирда ўтказилаётган ислохотларнинг ҳам ўзига хослигини белгилайди. Ғарб жамиятининг бозор моделларидан, шунингдек Эрон, Ироқ, Саудия

Арабистони, барқарор аҳволда бўлмаган Покистон ва Афғонистон моделларидан ҳам намуна сифатида фойдаланиб бўлмаслиги туфайли иқтисодий ривожланишда ўз моделини шакллантиришнинг зарурлиги аён бўлди.

Туркия модели бозор, давлат ва шарқона ўзига хосликни бирлаштирувчи модель сифатида маъқул вариантлардан бири ҳисобланади. Қаттиққўл сиёсий бошқарув, ижроия маҳкамаларининг кучли ҳокимияти, баъзи демократик тартиботлар фаолиятининг чекланганлиги, хусусий сектор, тадбиркорлик, хорижий инвестицияларни фаол рағбатлантирган ҳолда дунёвий бошқарув усули Ўзбекистон учун жозибали эмас. Шу билан равшанки, узоқ вақт давомида Россиянинг, унинг иқтисодий потенциали, маданий, сиёсий ва бошқа алоқаларнинг таъсири республикамиз иқтисодий ривожланиши йўналганлигида устувор мавқеда бўлади.

Кучли давлат ҳокимияти, давлат бошқаруви, аввало, кичик ва ўрта бизнесга таянувчи Туркия ўзида бамисоли Шарқ ва Ғарбни бирлаштирган ҳамда Шарқ типигаги иқтисодиётнинг аралаш, икки секторли модели мавжуд бўлиши мумкинлигини намойиш этмоқда. Шунинг учун Ўзбекистон аста-секин, лекин изчиллик билан аралаш иқтисодиётни шакллантириб бормоқда. Давлат иқтисодиётни структуравий қайта қуриш, хусусийлаштириш, акциялаштиришни амалга ошириш, тадбиркорлик фаолияти ва хусусий секторга мадад бериш билан бир қаторда, кишиларни озиқ-овқат билан ва моддий таъминлаш механизмларини сақлаб қолиш учун, маълум даражада, давлат ҳокимиятни марказлаштиришдан фойдаланди. Ўзбекистоннинг истиқболи, уни буюк давлатга айлантиришда бош йўл ва мақсад иқтисодиётни ривожлантириб, халқ фаровонлигини ошириш, инсон ҳақ-ҳуқуқлари тўла тантана қилган чинакам демократик жамият барпо этишдан иборат. Шундай жамият сари боришнинг асосий шарти бозор иқтисодиётига ўтиш ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти ишлаб чиқаришни барқарор ва тезкор ўстириш воситаларини юзага келтириши билан истиқболли ҳисобланади. Бутун дунё тажрибаси кўрсатганидек, иқтисодиётни юксалтириш учун бозор иқтисодиётига ўтишни Ўзбекистон учун ҳам зарурият қилиб қўйди. «Жаҳон цивилизацияси ижтимоий тараққиётнинг сифат жиҳатдан янги йўлларини ишлаб чиқди. Тартибга солинган бозор иқтисодиёти мана шу йўлга асос қилиб олинди»²⁴.

²⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон-бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли, 22-бет.

Жаҳон цивилизациясининг ўзига хос хусусиятлари бор. Президентимиз И.А.Каримов бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясида Ўзбекистоннинг ўзига хос йўли борлигини назарий жиҳатдан асослаб берди. Бу йўл бозор иқтисодиётини Ўзбекистоннинг ўзига хос шароитларини ҳисобга олган ҳолда изчиллик билан шакллантириб бориш, унга секин-аста, босқичма-босқич, халқни ҳимоя қила бориб, ижтимоий барқарорликни таъминлаш орқали ўтишни билдиради.

Ўз йўли дейилганда, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш ва мустақилликни таъминлаш муаммоларининг биргаликда ҳал этилиши тушунилади. Ўзбекистон шу йўлдан бориб, келажакда иқтисодиёти ривожланган, демократия ривож топган ижтимоий барқарорлик ҳукм сурган давлатга айлантиришни мўлжаллаб иқтисодий ислохотлар ўтказиб келмоқда. “Республиканинг бозор муносабатларига ўтишда, – деб ёзади И.А.Каримов, - ўз йўлидан изчиллик билан бориши демократик ўзгаришлар, республикани ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш, унинг халқаро обрў-эътиборини мустаҳкамлаш учун пухта моддий негиз яратади”²⁵

Ўзбекистон ўз йўлидан ривожлана бора туриб, бир қатор муаммолар ечимини ҳал этди, чунончи:

- муттасил ривожланиб борувчи иқтисодиёт яратилди;
- мамлакат ўз миллий бойлигидан самарали фойдаланиб, иқтисодий салоҳиятни кучайтириб, аҳолининг ҳамма қатламларининг фаровон яшашини таъминлай бошлади;
- халқнинг келажакка ишончи ва ўзини ўзи англаши таъминланди;
- мулкнинг турли-шакллари вужудга келди, кўп укладли иқтисодиёт шаклланди, ишбилармонлик ривожланди, тадбиркорликка кенг йўл очилди;
- иқтисодий эркинлик таъминланиб, монополизмга йўл берилмаган ҳолда эркин рақобатчилик учун шарт-шароитлар яратилди;
- илғор технологияга асосланган моддий неъматлар ишлаб чиқаришда чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилди;
- халқаро иқтисодий муносабатларда фаол иштирок этиш орқали мамлакат иқтисодиётининг жаҳон хўжалиги билан интеграциялашувига эришилмоқда.

Шундай қилиб, иқтисодиётимиз мустаҳкам ҳуқуқий нормалар негизида институционал ўзгаришларга таяниб, бозор иқтисодиётга

²⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон-бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли, 8-бет.

тинчлик вазиятда босқичма-босқич, эволюцион ўзгаришлар ўтказиш орқали барқарор ва собитқадам бўлиб бормоқда.

Ўзбекистонда ўтказилган ислохотлар туфайли кўлга киритилган натижаларнинг энг муҳими макроиктисодиётнинг барқарорлигига эришилганлигидадир. Натижада иқтисодий ўсиш суръати таъминланди. Ялпи миллий маҳсулот, саноат маҳсулоти ҳажми, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва уларнинг ўсиш суръатларининг юқори бўлиши таъминланди. Давлат бюджети тақчиллиги энг кам даражага туширилди, пулнинг қадрсизланиши бир йилда икки баробарга камайтирилди. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистоннинг ўз йўли ҳаётий ва назарий жиҳатдан асосли эканлигини тасдиқлайди.

Бозор инфраструктураси шакллантирилди. Банк, молия, солиқ тизимлари, фонд, товар, хом ашё биржалари, суғурта, аудиторлик, лизинг компаниялари ва бошқа бозор тузилмаларнинг янги тармоқлари вужудга келтирилди. Энг муҳими, бозор тузилмалари амалда ишлай бошлади. Мустақиллик мафкураси кенг кўламда собитқадамлик билан ҳаётга сингиб бормоқда. Сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маънавий соҳаларда эришилган ютуқлар фуқароларимизнинг ижтимоий аҳвол-руҳиятига ижобий таъсир кўрсатиб, катта-катта ўзгаришлар юз бермоқда.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясига кўра, ўз йўлини бошқа давлатлар моделларидан сунъий равишда кўчириш, бошқалардан андоза олиш орқали эмас, балки мамлакатнинг манфаатларини кўзлаган, реал шароитни ҳисобга олган ҳолда ўз дастурига асосланиб, тоталитар иқтисодий тизимдан бозор иқтисодий тизимига ўтишдан бошлади ва бу дастурни изчил давом эттирмоқда.

5-§. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий тамойиллари

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишида ўзига хос йўли бошқа бирор мавжуд моделнинг кўчирмаси эмас. Бу Ўзбекистоннинг ўзига хос янги типдаги моделидир. Бунда, биринчидан, мамлакатнинг хусусиятлари ҳисобга олинди, иккинчидан, жаҳон цивилизациясида бозор муносабатларига ўтиш жараёнида тўпланган тарихий тажрибалар Ўзбекистон шароитига ижодий қўллаш зарурлиги назарда тутилди. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни мустақил равишда Президентимиз И.А.Каримов таклиф қилган модель замирида амалга ошириш учун ҳуқуқий асослар яратилди. Чинакам миллий, маҳаллий, ўзига хосликка мутаносиб хусусийлаштириш моделини рўёбга чиқа-

риш имконияти пайдо бўлди. Бу модель амалда ўзини тўлиқ оқлади ва «ўзбек модели», деган ном олди. «...бизнинг қатъий нуқтаи назаримиз, – деб ёзади И.А.Каримов, – жаҳон тажрибаси ва ўз амалиётимиздан олинган жамики фойдали тажрибаларни рад этмаган ҳолда, ўзимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлимизни танлаб олишдан иборат»²⁶.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш модели И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган қуйидаги бешта қоидага асосланади: иқтисодиётнинг сиёсатга нисбатан устувор бўлиши; давлат асосий ислоҳотчи бўлмоғи керак; қонунлар ва уларга риоя қилиш устуворлиги; фаол ижтимоий сиёсат юритиш; бозор иқтисодиётига секин-аста, босқичма-босқич ўтиб бориш.

Иқтисодиётнинг устуворлиги. Бу қоида иқтисодий фаолият ижтимоий ҳаётнинг бирламчи асоси эканлигидан келиб чиқади. Ижтимоий ҳаёт иқтисодиётнинг тараққиёти даражасига боғлиқ бўлади. Тараққий этган, цивилизациялашган жамият юксак ривожланган иқтисодиётга асосланади. Иқтисодиёт мафкуравий тазйиксиз, ўзига хос ички қонунларга мувофиқ ривожланиши лозим, – деб ёзади И.А.Каримов, – мафкуравий ақидаларни бартараф этиш хўжалик юритишнинг турли ижтимоий шаклларига нисбатан ҳайрихоҳ бўлган ижтимоий фикрнинг қарор топишига, бозор муносабатларига мос бўлган психологиянинг ва шунга хос иқтисодий тафаккурнинг идрок этилишига кўмаклашади.²⁷

Шундай қилиб, Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг, энг аввал, миллий иқтисодиётни барпо этиш, уни ривожлантириш, иқтисодий нуфузга эга бўлиш, халқаро иқтисодий муносабатларда фаол қатнашишни мақсад қилиб қўйди. Қолоқ иқтисодиёт, паст турмуш даражаси сиёсий мустақилликка таянч бўла олмайди. Ҳақиқий мустақиллик муттасил ривожланиб боровчи ва моддий тўкинчиликни таъминлашга қодир бўлган иқтисодиётнинг амал қилишини талаб қилади.

Аҳолининг эҳтиёжини қондирувчи, унинг келажагини ишончли қилувчи восита иқтисодий фаолиятдир. Иқтисодий ўсиш ижтимоий оқиллик ва сиёсий барқарорликни талаб қилади. Миллий оқиллик бор жойда иқтисодиёт равнақ топаверади.

²⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли, 25-бет.

²⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли, 44-бет.

Давлат асосий ислоҳотчи. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи, иқтисодиёт ва ўзгаришларнинг режаларини тузиб, уларни изчиллик билан амалга оширишда воситачи иштирокчи ва раҳбар бўлиши керак. Бозор ислоҳотлари умумиқтисодий, умуммиллий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлганлигидан, уларни айрим жамоалар, сиёсий партиялар ёки жамоат ташкилотлари бундай ишларни амалга ошира олмайди. Чунки уларнинг тор корпоратив, партиявий ёки гуруҳий манфаатлари умуммиллий манфаатлардан устун туради. Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган ҳозирги бозор давлат томонидан тартибга солиб турилиши лозим. Фақат давлат миллий иқтисодиётни ҳимоялаш, унинг жаҳон хўжалиги билан интеграциясига эришиш, аҳолининг кенг қатламлари манфаатини юзага чиқариш каби вазифаларни амалга оширади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодиётни шакллантиришда давлатнинг роли жуда муҳимдир. Тоталитар тизимдан бозор тизимига ўтишда, ўта давлатлаштирилган иқтисодиётдан эркин бозор хўжалиги тизимига боришда давлатнинг ҳукмронлик фаолияти сақланиб қолишини объектив зарурият талаб қилмоқда. Сабаби ўтиш даврида, яъни тоталитар тизимдан бозор тизимига ўтишда ўта давлатлаштирилган иқтисодиётда давлатнинг салмоғи кучли бўлиб, давлат монополизми устун эди. Давлатлаштирилган иқтисодиётнинг ўзига хос амал қилиш механизмлари бўлган. Бошқариш механизми бирдан, дарҳол йўқолиб, унинг ўрнига бирданига янги иш механизми пайдо бўлмайди. Шу боисдан, давлат иқтисодиёт тизгинини бирдан бўш қўйиб юбормасдан, секин-аста, босқичма-босқич бозор механизми кучайиб, кишилар фаолиятига, ҳаётга сингиб боришига қараб амалга ошириб борилмоқда.

Ўтиш даврида муҳим муаммолардан бири тоталитар тизимни бозор иқтисодиётига айлантириш бўлса, иккинчиси қандай бозор иқтисодиётини вужудга келтиришдан иборат.

«Фақат, - деб ёзади И.А.Каримов, - ривожланган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга бўлган жамиятгина республиканинг давлат мустақиллигини ва иқтисодий қудратини таъминлаши мумкин»²⁸.

Демак, Ўзбекистон фақат цивилизациялашган, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш учун дастурий амалга асосланиб, ислоҳотларни амалга оширмоқда. Бинобарин, барқарор

²⁸ Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли, 54-бет.

иқтисодий ўсишнинг шарти иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибланишига боғлиқ. Юқори даражада тараққий этган иқтисодиёт давлат иштирокида вужудга келади. Ҳатто ривожланган бозор иқтисодиёти тизимида ҳам давлат иқтисодиётдан четлантирилмайди. У ўзининг сиёсати билан иқтисодиётга таъсир кўрсатиб туради. Ислохотларни ўтказиш давомида бозорни хусусийлаштиришсиз тасаввур қилиш қийин. Чунки давлат мулки монополиядан хилма-хил мулкчиликка, яъни мулкчиликдаги демократизмга ўтказилади. Негаки, мулкнинг асосий қисми давлат қўлида бўлади, у эса қонунчиликка мувофиқ равишда бошқа соҳибларга берилиши мумкин. Шу сабабли Ўзбекистонда мулкий ислохотлар фаол ўтказилиб, хусусий мулк тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи синфлар қўлига ўтди. Миллий иқтисодиёт учун зарур, лекин тадбиркорлар ўзини тез оқлай олмайдиган ишга табиатан пул сарфламайди, пул сарфлаш давлат зиммасига тушади. Тадбиркорлар маблағни кам хатарли, тезда фойда келтирувчи тижорат ишларига сарфлашни афзал кўришади. Шундай шароитда, яъни ишлаб чиқаришни инвестициялашда давлат ҳам иштирок этади. Цивилизациялашган бозор иқтисодиёти муносабатлари иқтисодиётда давлатнинг танҳо ҳукмронлигини инкор этади, лекин давлат иқтисодиётдан тамомила четлаштирилмайди. У маълум доирада иқтисодий фаолият юритади. Макроиқтисодиётда бир қатор умумий аҳамиятга эга бўлган соҳалар борки, улар хусусий ёки жамоа тадбиркорлиги асосида ривож топа олмайди. Булар жумласига ёқилғи-энергетика комплекси, сув хўжалиги, темир йўл транспорти, модофаа саноати, экспортга ишловчи корхоналар ва бошқалар киради. Улар давлат ихтиёрида қолади. Бундан иқтисодиёт учун давлат тадбиркорлиги зарур эканлиги аён бўладики, шундай ҳолатнинг ўзи ҳам давлатнинг ислохотлар ўтказишини тақозо қилади. Бу давлат иқтисодиётни юқоридан туриб бошқарадиган орган эмас деган сўз эмас. Давлат тадбиркорлик тартиб-қоидаларини жорий эта бориб, иқтисодиёт субъектларининг маълум қоидаларга қатъий риоя этишла-рини талаб қилади. Давлатнинг бевосита фаолияти унинг қўлида қоладиган мулк доираси билан чекланади. Давлат иқтисодий мустақилликни таъминлаш учун хўжалик ишларига бевосита аралашмайди. Бозор иқтисодиёти ривожланиб бориши натижасида давлат иқтисодиётни ўз қўлидан секин-аста тадбиркорлар синфининг шаклланишига қараб, улар қўлига ўтказиб, иқтисодий эркинликни кафолатлайди. Давлат бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодий бух-

ронларга йўл қўймаслик, макроиктисодиётнинг энг муҳим соҳалари-ни қўллаб-қувватлаш, нарх-наво, солиқ, субсидия ва дотациялар орқали ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоқлари ва корхоналарининг бир меъёрда ишлаш чора-тадбирларини кўриб боради.

Қонунлар ва уларга риоя этишнинг устувор бўлиши. Бу қоида ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутати. Демак, у қонун олдида барчанинг бараварлиги, қонунга риоя этиш ҳамма учун ҳам фарз, ҳам қарз эканлигини билдиради. Қонун олдида ҳамма баробардир. Қонун устуворлиги шуни билдирадики, асосий ижтимоий, энг аввало, иқтисодий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади. Бу муносабатда қатнашувчилар эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқий нормаларни бузганлиги учун жавобгар ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти тизими қонунчиликка таянади, унга хос бўлган фаолият қоидалари, иқтисодий муносабатлар қабул қилинган ҳуқуқий қонунларда қайд этилиб, зарурлиги Ўзбекистон концепциясида ҳисобга олинади.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясида бундай муносабатларни тартибловчи, унинг цивилизация йўналишига қараб боришини таъминловчи ва иқтисодга оид қонунлар алоҳида ўрин тутати. Булар мулкчилик, тадбиркорлик, молия-кредит тизими, рақобат, антимонопол фаолият, ташқи иқтисодий фаолият, ижара, ерга эгалик, концессия, солиқлар, миллий иқтисодиёт ҳимояси, капитал бозори, суғурта каби қатор қонунлардан иборат. Бозор муносабати цивилизациялашган муносабат бўлганлигидан, у қонун рухсат берган доирада амал қилиши шарт. Ҳар қандай фаолият қонунчилик асосида олиб борилиши керак. Юқорида санаб ўтилган қонунлар бир-бири билан мувофиқлаштирилган. Бозор иқтисодиётига тегишли қонунларнинг амал қилишидаги ўзаро мувофиқлик, уларнинг таъсирчан бўлишини таъминламоқда. Муҳими, қонунларга изчил риоя этиш лозим. Улар иқтисодий ҳаёт меъёрини белгиловчи куч сифатида ҳамма иқтисодий субъектлар томонидан ҳурмат қилиниши шарт. Қонунларга сўзсиз итоат этиш, унинг талабларига мос фаолият кўрсатишни талаб қилади. Қонунларга бўйсунуш бозор муносабатларининг муҳим тамойили ҳисобланади. Қонунлар устуворлигининг таъминланишида ҳуқуқий маданият муҳим аҳамият касб этади.

«Бозор муносабатлари – ўзини ўзи бошқарадиган тизимдир. У қайтма алоқага асосланган ҳамда бош-бошдоқликка ва ҳаддан ошишларга, бозор ғоясининг ўзини обрўсизлантиришга йўл қўймайдиган

муайян қоидаларга бўйсунди. Бозор қоидалари минг йиллар мобайнида яратилгандир. Улар тараққий этган барча мамлакатларнинг фуқаролик қонунчилигига ва суд амалиётига асос бўлган. Турли мамлакатлар қонунчилигида қабул қилинган ҳуқуқий шакллар, восита ва услублар хилма-хил бўлгани ҳолда, бозор муносабатлари ривожланиши билан боғлиқ равишда қонун ва юридик амалиётига муттасил ўзгартиришлар киритилгани ҳолда умумий қоидалар ўзгаришсиз қолади, чунки бозор талаблари объектив равишда шунини тақозо этади».²⁹

Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти қонунчиликка таянган ҳолда цивилизациялашган бўлади. Бозор иқтисодиёти қонунлар билан ҳамоҳанг бўлиб, улар шароитга қараб ўзгариб туради, янгилари қабул қилинади, эскиларига тузатишлар киритилади.

Фаол ижтимоий сиёсат. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти концепциясида ўтишдан олдин кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш дастури ишлаб чиқилиб, унинг амалга ошириб борилаётганлиги алоҳида таъкидланган. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида қатъий қафолатлар вужудга келтирилиб, энг аввал, унинг ночор қисмининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилди.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ижтимоий сиёсат фаол амалга оширилмоқда. Давлат реал вазиятни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий сиёсатни юргиза бошлади.

Биринчидан, Ўзбекистон мустақилликка эришган вақтда ўтмишдан оғир ижтимоий мерос қолган, яъни аҳолининг катта қисми камбағалликда яшар ва ёрдамга муҳтож эди. Иккинчидан, Ўзбекистон иқтисодиёти аралаш бозор иқтисодиётига айланаётган шароитда халқ фаровонлигини таъминловчи ижтимоий мўлжалга хос бўлади. Учинчидан, бозор иқтисодиёти табиатининг ўзидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий табақаланиш вужудга келади, ёрдамга муҳтож аҳоли қатлами кўпаяди. Демак, ўтиш даврида камбағаллик муаммоси сақланиб қолади. 1990 йилда Ўзбекистон аҳолиси 70 фоизининг жами даромади тирикчилик ўтказиш учун энг зарур бўлган қуйи даражадан кам бўлган. «Аҳолининг муҳтож табақаларини ижтимоий ҳимоялаш сира кечиктириб бўлмайдиган, энг устувор вазифа, амалий ҳаракатларнинг энг асосий қондаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади».³⁰

Ижтимоий ҳимоялаш дастурлари аҳолининг руҳияти ва кўникмаларини эътиборга олган ҳолда амалга оширилиши зарур. Ижти-

²⁹ Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли, 67-68 бетлар.

³⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли, 74-бет.

мой ҳимоя ўткинчи механизмми ёки доимий хусусиятми, - деган савол туғилади. Таъкидлаш керакки, кишилар табиатига хос бўлган боқимандалик, ижтимоий табақаланишни ёқтирмаслик, бой қатламларга ғараз кўзи билан қараш ва ўз тақдири учун жавобгарликни ҳис этмаслик каби кайфиятлар мавжуд. Улар учун кимлардир қайғуриши лозим деб ҳисобланади. Бундай кишилар давлат ва ҳукумат, корхона ва хўжаликлар бор экан, улар ҳар доим биз ҳақда қайғуради ва бизни кулфатда қолдирмайди, деб ҳисоблайдилар. Бундай ҳолатлар ўтмишдан қолган ўзгача қарашлар бўлганлиги учун бозор иқтисодиёти талаблари асосида кишилар руҳиятидаги камчиликларни тарбиялаш, ўзгартириб бориш, жамиятнинг турли ижтимоий гуруҳлар, миллат ва элатлар ўртасида тотувликни таъминлаш, ижтимоий ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарур. Бунинг учун иқтисодий ўсишнинг қулай шароитларини вужудга келтириш керак. Пировардида, ўтиш даврида вақтинча иш билан таъминланмаган шахсларга ижтимоий мадад беришга катта эътибор қаратилди. Қонунларга мувофиқ, ишсизларга махсус нафақа тўланди, уларни қайта ўқитиб, янги касбларга ўргатиш ташкил этилди.

Ўтиш даврининг дастлабки босқичида ишлаб чиқилган ва амалга оширилган ижтимоий сиёсат ўз олдига қўйган барча вазифаларни тўла-тўқис бажара олди, дея оламиз. Ижтимоий сиёсат сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилиб, мавжуд имкониятларни ва стратегик мақсадларни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига хос ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг ягона тизимини шакллантиришга қаратилгандир. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишнинг марказлаштирилган тартибини режалаштириш ва бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик услубидан бозор иқтисодиётига ўтиш мавжуд хўжалик юритиш усулларини таъмирлаш, у ёки бу томонини давр талабига мослаштиришдангина эмас, балки тамоман янгича хўжалик юритиш тизимини жорий этишдан иборатдир. Бундай ҳолат хўжалик юритишда бир сифат ҳолатдан иккинчи сифат ҳолатига ўтишдир. Демак, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясида мазкур иқтисодиётнинг тамомила янгиланиши, ўзини оқламаган тоталитар режали иқтисодиёт тизимидан истиқболи амалда тасдиқланган эркин ривожланувчи бозор иқтисодиёти тизимига ўтиш кераклиги айрича кўрсатиб ўтилган. Ваҳоланки, бу тизимларнинг негизлари тамомила бир-бирига қарама-

қаршидир. Уларнинг мақсади ва ривожланиш қонун-қоидалари ҳам бир-бирдан фарқланади.

Тоталитар тизим иқтисодий фаолият эркинлигини инқилобий йўл билан тугатиш, хусусий мулк ва тадбиркорликни тағ-томири билан йўқотиш, иқтисодиётни бошдан-оёқ давлатлаштириш, унинг устидан давлат монополиясини ўрнатишга асосланади. Тоталитар тизим табиатан моноструктурали ҳисобланади. Ундан фарқли ўлароқ, бозор тизими полиструктуралидир.

Полиструктурали тизим турли-туман мулкчилик, эркин тадбиркорлик, қонунда рухсат этилган иқтисодий фаолият турлари билан ўз билганича шуғулланиш, ресурсларнинг чек қўйилмаган тарзда ҳаракат қилишига асосланади. Иқтисодиётда давлат монополизми чекланиб боради. Давлатнинг тартибловчи роли эса ортиб боради. Тоталитар тизим билан бозор иқтисодиёти тизими бир-бирига зид, бир-бирини инкор этувчи тизимлардир. Тоталитар тизимда ўз-ўзидан бозор иқтисодиёти тизимига ўтилаверади. Фақат уни чуқур ислоҳ қилиш йўли билан бозор тизимига ўтиш мумкин.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиб бориш. Халқимизда «янги уй қурмай туриб, эскисини бузма - бошпанасиз қоласан», деган нақл бор. Унда республикамиз аҳолисининг бутун руҳияти тўла акс этган. Шунини ҳисобга олиб, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш андозасига босқичма-босқич, эволюцион йўл билан ўтиш асос қилиб олинди. Бозор иқтисодиёти томон сакрашлар, инқилобий ўзгаришлар йўли билан эмас, балки изчиллик билан босқичма-босқич бориш керак. Ўзбекистоннинг бозорга ўтиш йўлининг ўзига хос хусусияти ҳам шунда. Бир босқични тугаллаб, зарур шарт-шароит яратилгандан кейингина янги босқичга ўтилади. Ҳар бир босқичда унинг ўзига хос устуворликлари шаклланади, уларда таъминлаш воситалари такомиллашади. Ҳар бир босқичнинг қанча давом этиши унда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар, ташқи омилларнинг нечоғлик қулайлиги, аҳолининг фидокорона меҳнатига боғлиқдир.³¹

Бозор иқтисодиётини ҳаракатга келтирадиган махсус механизмлар мавжуддир. Бу механизмларни шакллантиришни ва ҳаракатга келтириш натижасидагина бозор ҳаракатга келади. Бозор иқтисодиётининг таянчи тадбиркорликдир. Тадбиркорлик фаолиятининг ҳаракатга келиши учун нарх-наво, рақобат, антимонополиявий давлат

³¹ Каримов И.А. Кўрсатилган асар, 65-бет.

сиёсати, иқтисодий субъектларнинг мустақиллиги, янги солик тизими, суғурта, лицензия, бож тизими шаклланиб амал қилиши лозим. Иқтисодий ислохотларни ўтказиш давомида бу воситалар бирма-бир ишга тушириб борилди ва такомиллаштирилди. Бозор иқтисодиётига ўтиш бирданига вужудга келадиган жараён эмас. Бу жараёнда кўп босқичлилик тақозо этилади. Чунки бозор муносабатларига ўтиш фақат иқтисодиёт соҳаларини ўзгартириш билан чекланмайди. У ижтимоий ҳаётнинг бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган барча соҳаларини, шу жумладан, сиёсий, маънавий-ахлоқий, маиший ва бошқа соҳаларни ҳам тубдан ўзгартиришни талаб қилади. Буларнинг ҳаммаси бозор иқтисодиётига босқичма-босқич, эволюцион йўл билан ўтиш ҳақидаги концепциянинг ҳаётий эканлигини тўлиқ тасдиқлайди.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида иқтисодиётни барқарорлаштириш, уни қисман эркин қўйиб юбориш жараёни ролини бозор ва нобозор сектори ўйнади. Бу босқичда кичик приватизация юз берди, бозор инфраструктураси, асосан, шаклланди, нарх-наво қисман либераллаштирилди, давлат корхоналари сақланиб қолса-да, бозор муносабатларига тортилди, хусусий акционер ва аралаш корхоналар пайдо бўлди, хусусий банклар, суғурта компаниялари, молия ва инвестиция компаниялари ташкил топди. Давлат хўжаликлари жамоа хўжаликларига айланттирилди, улардан фермер хўжаликлари ўсиб чиқдики, натижада фермерлар уюшмаси пайдо бўлди. Фермер хўжалиги секин-аста аграр иқтисодиётнинг асосий бўғинига айлана борди, ер-сув давлат тасарруфида қолди. Иқтисодиёт устидан давлат назорати сақланиб қолди. Иқтисодиётда, бир томондан, давлат сектори, иккинчи томондан, эркин бозор сектори амал қилди. Табиий ресурсларнинг асосий қисми давлат тасарруфида қолди, лекин уларни ишлатиш юзасидан ижара муносабатлари, уларни хорижийларга концессияга бериш жорий этилди. Турли-туман мулкчилик пайдо бўла бошлади, хилма-хил мулкчиликка таянган аралаш хўжалик турлари шакллана бошлади. Биринчи босқичда амалга оширилган тадбирлар натижасида юз берган туб ўзгаришлар ўз тараққиётида кейинги янги босқичга ўтиш учун шарт-шароитлар яратилди. Шунингдек, иккинчи босқич белгилари ҳам амалга оширилди, яъни иқтисодиётни эркинлаштиришга кенг йўл очилди, барча нархлар эркин қўйиб юборилди, улар устидан давлат назорати минимал даражага келтирилди. Хусусийлаштириш

оммавий тус олди. Давлат сектори тобора қисқариб борди. Катта приватизациянинг амалга оширилиши натижасида эркин бозорнинг салмоғи орта борди. Йирик ишлаб чиқариш корхоналари ҳам хусусий мулкка айлантира бошланди. Давлат мулкининг иқтисодиётдаги салмоғи минимал даражага келтирилди. Табиий ресурслардан муҳими бўлган ерни ҳам давлат мулкидан чиқариш бошланди. Ер ҳам хусусий мулкка айлана бошлади; у ҳам олди-сотди гирдобига кириб товарга айланди. Фермер хўжалиги аграр иқтисодиётдаги асосий хўжа-лик шаклини олди.

Иккинчи босқичда банк тизимидаги монополизм тугатилди. Фақат Марказий банк умумий миллий резерв тизими сифатида давлат ихтиёрида сақлаб қолинди. Банк тизими асосида Марказий банк ҳамда нодавлат тижорат банкларидан иборат икки босқичли банк тизими вужудга келтирилди. Давлатнинг бевосита хўжалик юритиш функцияси қисқарди ва иқтисодиётни тартиблаш функцияси билан ўрин алмашди.

Асосий таянч тушунчалар.

Ўтиш даври – бир иқтисодий тизимдан бошқасига мавжуд иқтисодий муносабатлардан бутунлай бошқа янги иқтисодий муносабатларга ўтиш тақозо қилинадиган даврдир;

Бозор ислохотлари – бозор иқтисодиётини ва бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир;

Иқтисодий ислохотлар – иқтисодиётда туб (ёки қисман) ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган тадбирлардир;

Иқтисодий уклад – турли мулкчиликка асосланган хўжалик юритишнинг шакллари ва турлари;

Иқтисодиётни эркинлаштириш – иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларини эркинлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратишдир;

Ислохотлар концепцияси – ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади ва йўналишлари, уни амалга оширишнинг вазифалари ва стратегик йўлларининг умумий ғоясидир;

Иқтисодиётни барқарорлаштириш – танглик ҳолатларига барҳам бериш асосида макроиқтисодий мувозанатликни сақлаш ва

ишлаб чиқаришни юксалтириш учун шарт-шароитларни вужудга келтириш.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг жаҳон тажрибасида синалган асосий йўллари (моделлари)ни таърифлаб беринг. Уларнинг умумий ва ўзига хос томонларини кўрсатинг.

2. Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш йўли қандай хусусиятларга эга? Республика иқтисодиётини ислоҳ қилишга қандай тамойиллар асос қилиниб олинди?

3. Бозор иқтисодиёти муносабатларига босқичма-босқич ўтиш принципларининг мазмунини тушунтиринг. Ҳар бир босқичнинг мақсад ва вазифаларини баён қилинг.

4. Республикада иқтисодиётни ислоҳ қилиш қандай йўналишлар бўйича амалга оширилди? Ҳар бир йўналиш бўйича ўзингизнинг фикр-мулоҳазаларингизни билдириг.

5. Бозор муносабатларига ўтишда иқтисодий ислоҳотлар ўз олдига қандай вазифаларни қўяди? Бу вазифаларнинг тўлароқ тавсифини беринг.

6. Бозор иқтисодиётини шакллантириш даврида давлатнинг етакчилик фаолияти нимадан иборат эканлигини тушунтириб беринг.

7. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини қарор топтиришнинг қандай давлат дастурларини биласиз? Улар бир-бирлари билан қандай боғланганлигини таҳлил қилинг.

8. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг мазмунини тушунтиринг.

9. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш қандай босқичларда амалга оширилди? Бу жараённинг ҳозирги босқичидаги хусусиятлари нималардан иборат?

10. Нима сабабдан иқтисодиётнинг устуворлигини таъминлаш зарур?

11. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида социал сиёсатнинг қандай хусусиятлари мавжуд.

VII БОБ. ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ. БОЗОР МУВОЗАНАТИ

1-§. Талаб ва унинг миқдориға таъсир қилувчи омиллар.

Талаб қонуни

Бозор мураккаб тизими бўлиб, унинг ишлаши бўғинларининг ўзаро таъсирига боғлиқ. Аммо “бозор” тушунчаси қамраб олган қатор иқтисодий муносабатлар орасида унинг асосини ташкил этувчи ўзига хос турлари ҳам борки, уларсиз бозорнинг реал мавжуд бўлиши ҳам, назарияда англашилиши ҳам мумкин эмас. Булар талаб, таклиф, бозор нархи, конъюнктуралардан иборат.

Талаб, энг аввало, бирор неъмат ёки хизматларга эҳтиёжнинг бозорда намоён бўлишидир. Бозорда эҳтиёжларнинг талаб шаклида майдонга чиқишининг сабаби товар ишлаб чиқариш хусусиятининг ўз замиридадир. Ҳар қандай товар фақат бирорта бошқа товар ёки пулга алмашув йўли билан олиниши мумкин. Қондирилганлик учун ҳақ тўлаб бўлмайдиган эҳтиёжни бозор ҳисобга олмайди. Масалан, кимдир автомобиль сотиб олмоқчи (эҳтиёж), аммо унинг пули йўқ. Бундай эҳтиёж, табиийки, талаб бўла олмайди. Пировардида, шундай хулосага келиш мумкин: талаб шунчаки эҳтиёж эмас, балки *тўловга қобил, пул билан таъминланган эҳтиёждир*.

Уч хил омил, яъни товарлар нархи, харидорлар даромадлари, истеъмолчилар диди ва эҳтиёжи талаб даражасига таъсир кўрсатади. Бу омиллар айрим харидорларнинг ҳам, истеъмолчилар катта гуруҳининг ҳам талабига таъсир кўрсатади. Талабнинг кўрсатиб ўтилган омиллардан ҳар бирига боғлиқлигини аниқ мисолларда кўриб чиқамиз.

Талабнинг ўзгариши. Талаб билан нархларнинг ўзаро таъсирини ҳар бир товар бозорида кузатиш мумкин. Мисол учун мол гўштини олайлик. Ҳамма сотувчилар сифати билан бир хил гўштни сотадилар, лекин бунда аҳолининг даромади, анъана ва дидлари ўзгармай қолаверади, деб фараз қилайлик. Аслида фақат мол гўштининг нархи ўзгаради, холос. Вазифа талаб ва нархларнинг бир-бирига қандай таъсир қилишини кузатишдан иборат.

Даставвал, айрим истеъмолчи талабининг ўзгаришини кўриб чиқамиз. У гўштнинг бир килограмми 25 сўм турганда уни олмайди. Борди-ю нарх, масалан, 18 сўмгача тушса 1 килограмм, 12 сўмгача тушса 2 кг, 6 сўмгача тушса 3 кг сотиб олинади ва ҳоказо. Демак, гўштнинг нархи қанча паст бўлса шунча кўп сотилади. Албатта,


бошқа ҳар қандай эҳтиёждек, гўштга бўлган эҳтиёж ҳам қониқишнинг муайян жисмоний чегарасига эга. У қондирилган тақдирда, нархнинг ҳар қанча камайтирилишидан қатъи назар, кишини яна гўшт сотиб олишга мажбур қила олмайди. Аммо нарх пасайган сайин шахсий талабнинг ортиб бориши тенденцияси сақланиб қолади.

Мазкур мисолга оид маълумотларни жадвалда жамлаш ва унинг асосида *шахсий талаб графигини* тузиш мумкин (1-жадвал, 1-график).

1-жадвал

Баҳо, сўм	Талаб, килограмм
25	0
18	1
12	2
6	3
2	5

1-график



Талаб қилинган товарлар миқдорига бир қанча омиллар, яъни товар ёки хизматлар нархи, ўринбосар товарлар ёки хизматларнинг нархи, харидорлар диди, истеъмолчилар даромади, товар ва хизматларни харид қилиб олувчиларнинг умумий сони, инфляция эҳтимоли таъсир қилиши мумкин.

Борди-ю, горизонтал чизиққа талабни, вертикал чизиққа эса 1 килограмм гўшт нархини жойлаштириб, шартли рақамли мисолга мувофиқ бўлган нуқталар билан белгилаб чиқилса, шахсий истеъмолчи талабининг графигига эга бўлинади. Модомики, гўшт жуда кўп майда қисмларга бўлинадиган маҳсулот, нархнинг ўзгаришига боғлиқ ҳолда талабнинг ўзгариши тенденцияси эса графикдаги нуқталарнинг жойлашуви билан белгиланар экан, ушбу нуқталарни бирлаштириб юбориш мумкин бўлади. Нуқталарнинг бирлаштирилиши шуни англатадики, нархнинг ҳар қандай ўзгаришида талабнинг ўзгариши содир бўлади ҳамда графикда талаб ва нархнинг ҳар бир миқдорига бирон-бир нуқта мувофиқ келади.

Шахсий талаб ўзгаришининг шакли тасодифий эмас. У иқтисодий назарияда талабнинг камайиши қонуни деб аталадиган қонуниятни ифодалайди. Мазкур қонунда таъкидланишича, бирон товарнинг

нархи ошса, унга бўлган талаб камаяди ва, аксинча, товар нархи камайса, унга талаб ортади.

Нарх билан талабнинг бундай ўзаро боғлиқлиги батамом тушунарлидир. Товар нархи пасайиб борса-ю, харидорнинг даромади ўзгармай қолаверса, ушбу даромаднинг реал харид қуввати орта боради. Энди истеъмолчи кўпроқ товар, шу жумладан, нархи пасайган товарни сотиб олиши мумкин. Иккинчи изоҳ шундан иборатки, даромаднинг бошқа товарлар сотиб олинган қисми арзонлашган товарни сотиб олишга сарфланади.

Албатта, бошқа ҳар қандай эҳтиёждек, гўштга бўлган эҳтиёж ҳам қониқишнинг муайян жисмоний чегарасига эга. Агар эҳтиёж қондирилган бўлса, нархи қанчалик камаймасин кишини яна гўшт сотиб олишга ундай олмайди. Лекин, шу маълумки, нарх пасайган сайин шахсий талабнинг ортиб боришига мойиллиги ҳамиша мавжуд.

Гўштнинг нархи қанча юқори бўлса, унга талабнинг ҳажми ҳам камаяди ва, аксинча, нархи пасайса унга талаб ортади. Шундай қилиб, нарх билан талаб микдори ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд. Бунинг акси тескари пропорционаллик қонуни дейилади. Бу қонун асосида нималар ётишини қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин:

– товарга ва хизматларга бўлган юқори нарх истеъмолчиларнинг харид қилиш хоҳишини сўндиреди;

– паст нарх эса бу хоҳишни кучайтиради;

– эҳтиёж қондирилиб борган сайин товарнинг истеъмолчи учун нархлари пасая бошлайди;

– нарх пасайса истеъмолчи пул даромадининг реал харид қобилиятини оширади, бундай ҳолатда истеъмол учун кўпроқ маҳсулот қўлга киритилади;

– товарлар нархи юқори бўлса истеъмолда ўхшаш (муқобил) паст нархдаги товарларни харид қилиш хоҳиши пайдо бўлади. Чунки унда ҳар доим қиммат товарлар ўрнига арзонроғини олишга мойиллик мавжуд;


– агар товарларнинг нархи ошиб кетса, айрим истеъмолчилар умуман уни харид қилишни тўхтатади ва арзон ўринбосар товарларни истеъмол қилишга ўтади, айрим истеъмолчилар эса истеъмолини қисқартиради. Бу ҳолат умуман талабнинг қисқартирилишига олиб келади.

Ҳар бир истеъмолчининг ўз, шахсий талаби бўлиб, у ўзгариб туради. Улар шакл жиҳатидан бир-бирини такрорламайди. Жами бозор талаби ёки муайян бозордаги умумий талаб эса барча истеъмолчилар талабининг мажмуидир. Бинобарин, жами талабнинг графиги нархларнинг муайян даражасида барча истеъмолчилар сотиб оладиган товар миқдорининг ифодаси сифатида шаклланади. Бунинг маъноси шуки, товар нархи терилган вертикал чизиқ илгаригича қолади. Горизанталь бўйича эса маҳсулотнинг миқдори териладики, уларни айрим харидор эмас, балки уларнинг ҳаммаси сотиб олган бўлади. Бу ҳолда графикнинг нуқталари нархнинг ўзгаришга боғлиқ тарзда барча истеъмолчилар талабининг ўзгаришини кўрсатади (2-жадвал, 2-график).

2-жадвал

Баҳо, сўм	Талаб, килограмм
25	100
18	300
12	600
6	1000
2	1500

2-график



Гўшт бозори мисолига қайтамиз. Истеъмолчилар 1 килограммининг нархи 25 сўм турадиган гўштан 100, 18 сўм бўлса – 300, 12 сўм бўлса – 1000 килограмм, борди-ю, нархи 2 сўм тушса, 1500 килограмм харид қилишади. Ушбу ҳолда истеъмолчининг хатти-ҳаракати гўштининг нархи тушганда уни кўпроқ сотиб оладиган айрим харидорни рағбатлантирган сабабларга боғлиқ бўлади. Шартли мисолда келтирилган маълумотларни жадвалда жамлаб, унинг асосида график тузиш мумкин.

Талабнинг ўзгарувчанлиги. Нархнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлган талаб ўзгаришининг йўналишинигина эмас, балки бу ўзгаришнинг даражасини ҳам билиб олиш муҳимдир. Нархга яраша талабнинг ўзгарувчанлиги (НТЎ) унинг кўрсаткичидир.



Бунда, Т – нарх ўзгаришидан олдинги талаб, ДТ – нарх ўзгариши натижасидаги талаб ўзгариши, Н – товарнинг нарх ўзгаришидан олдинги нархи, ДН – нархнинг ўзгариши.

Талабнинг камайиши қонунига мувофиқ, нарх ва талаб қарама-қарши йўналишда ўзгариши сабабли нарх ўзгарувчанлигининг миқдори ҳамиша нолдан кам бўлади. Бизни ушбу кўрсаткичнинг мутлақ миқдоригина қизиқтиради. Бунда учта вариант бўлиши мумкин: 1) талаб нархга қараганда кўпроқ даражада ўзгарса, унда /НЎ/-1. Ўзгарувчанлик кўрсаткичидаги нарх билан талабнинг мутлақ ўзгаришига эмас, балки улар нисбий ўзгаришининг қиёсланишига эътибор берайлик. Тилга олинган учта ҳолатнинг биринчисида талаб ўзгарувчан, иккинчисида – талабнинг ўзгарувчанлиги бирга тенг, учинчисида – талаб ноўзгарувчан ёки қатъий бўлади.

Бир товарнинг ўзига талаб истеъмолчиларнинг турли гуруҳлари учун ўзгарувчан ёки ноўзгарувчан бўлиши мумкин. Лекин шундай товарлар ҳам борки, уларга талаб ҳамиша ва аҳолининг ҳамма гуруҳлари учун амалда ноўзгарувчандир. Биринчи галда, зарур буюмлар, хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари шу хилдаги товарлар жумласига киради. Мисол учун ноннинг нархи ошса, камроқ сотиб олинмайди. Чунки у ғоят зарур озуқадир. Натижада нон истеъмол қилишни камайтирмаслик учун бошқа товарларга қилинадиган харажатлар қисқартирилади. Иккинчи томондан, нон озуқа муҳтожлигини қониқтиришнинг жисмоний чегарасига эга бўлиб, у зудлик билан қондирилади. Нон нархининг пасайиши эса уни кўпроқ истеъмол қилишга олиб келмайди, албатта.

Муайян жой ёки ижтимоий гуруҳ учун анъанавий бўлган истеъмол буюмлари шундай товарлар жумласига кирадики, уларга бўлган талаб ноўзгарувчандир. Масалан, Ўзбекистонда гуруч шундай маҳсулот жумласидандир. Гуруч нархининг тушиши ёки ошиши уни истеъмол қилишда, демак, унга бўлган талабда катта ўзгаришлар рўй бермайди.

Талаб қилинган товарлар миқдорини бир қанча омиллар, яъни товар ёки хизматлар нархи, харидорлар диди, истеъмолчилар даромади, ўринбосар товарлар ва хизматларнинг нархи, товар ва хизматларни харид қилиб олувчиларнинг умумий сони, инфляция эҳтимоли.

Аммо талаб фақат товарлар нархигагина эмас, балки харидорларнинг даромадларига ҳам боғлиқ. Даромад билан талабнинг ўзга-

ришлари ўртасида боғлиқликни аниқлаб берувчи кўрсаткич даромадга яраша талабнинг ўзгарувчанлиги (ДТЎ) деб аталади. Бу кўрсаткич қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:



Бунда:

ΔT – даромад ўзгариши билан талаб мутаносибликда ўзгариши;

T – талаб;

ΔD – даромаднинг ўзгариши;

D – истеъмолчининг дастлабки даромади.

ДТЎ нолдан кўпроқ ҳам, камроқ ҳам бўлиши мумкин. Бунинг сабаби даромад ҳажмининг ўзгариши турли товарларга бўлган талаб даражасида турлича акс этишидадир.

Бир хил товарларга бўлган талаб даромад йўналишида, бошқаларига бўлган талаб эса унга қарши йўналишда ўзгаради. Масалан, харидорнинг даромади ошиб борса, албатта, нархи қиммат товарларни, яъни сифатлироқ товарларни кўпроқ сотиб олади. Айни чоғда унинг даромади камроқ бўлган пайтда истеъмол қилинадиган паст сифатли товарларни олмайди ёки уларга бўлган талабни мутлақ рақамларда камайтиради. Даромад билан талаб бир йўналишда ўзгариб борса, унда $ДТЎ > 0$, агар қарамақарши йўналишда ўзгарса, унда $ДТЎ < 0$ бўлади. Шундай бўлиши мумкинки, унда даромаднинг ўзгариши талабнинг ўзгаришига асло таъсир қилмайди. Унда даромадга яраша талабнинг ўзгарувчанлиги нолга тенг бўлади. ДТЎ ҳажмининг мутлақ миқдори бирдан камроқ, унга тенг ёки кўпроқ бўлиши мумкин. Шунга боғлиқ ҳолда талаб тегишли равишда ноўзгарувчан (бирга тенг) ёки ўзгарувчан бўлади.

Нархга яраша талабнинг ўзгарувчанлигида мавжуд бўлган тафовутларнинг борлиги сабабли талабнинг даромад ўзгаришига акс садоси даражаси ҳам турли товарлар учун бир хил эмас.

Нархлар ва даромадларнинг муайян даражасида истеъмолчиларнинг шахсий дидлари, мода, обрў-эътибор, анъаналар каби омиллар ҳам талабга таъсир кўрсатиши мумкин. Неъматлар ва хизматлар жуда хилма-хил бўлган шароитда товарнинг истеъмол хоссалари бирор эҳтиёжини қондириш қобилияти ҳақидаги ахборотнинг аҳамияти анча ортади. Фирмалар уз маҳсулотларини кўпроқ сотиш ва бозор-

даги улушини кўпайтириш учун фойдаланадиган рекламалар талабга жиддий таъсир кўрсатади.

Нихоят, талаб графиги ҳақида яна бир неча сўз. Истеъмолчиларнинг даромадлари ўзгармаса ва нархлар даражасида умумий ўзгаришлар содир бўлмаса, талаб графиги ўзгармай қолаверади. Шу маънода бошқа шароитлар тенг бўлганда, талабнинг муайян тарзда ўзгариши бўйича ҳаракатини шароитларнинг ўзгариши натижасида рўй берадиган талаб ўзгаришининг ҳаракатидан фарқлай олиш зарур. Масалан, даромадларнинг ошиши товарларнинг катта қисмига бўлган талаб ўзгаришларини ўнг ва юқори томон суради, даромадларнинг ошишидан ортиқ бўлган нархлар умумий даражасининг юксалиши эса талаб ўзгаришларини сўл ва паст томонга суради. Талабни ўрганишда буни ҳисобга олиш лозим.

2-§. Таклиф тушунчаси. Таклиф қонуни

Истеъмолчи товарни сотиб олишда шахсан ўзи бўлиши шарт. Товарларни ишлаб чиқариш ва етказиб беришни эса ишлаб чиқарувчиларнинг ўз маҳсулотлари сотилишининг ўзгаришига, энг аввало, нархларнинг чиқиб-тушиб туришига қандай қарашлари белгилайди. Бунинг маъноси шуки, таклиф даражаси, биринчи навбатда, товар нархи даражасига боғлиқ бўлади.

Таклиф муайян пайтда бозорда бўлган ёки унга етказиб берилиши мумкин бўлган товарлар массаси сифатида белгиланади. Бирон бир сабабга кўра, сотиш учун етказиб берилмайдиган маҳсулотни бозор ҳисобга олмайди ва у таклиф жумласига кирмайди. Мисол учун, бирор киши 5 тонна олма ҳосили олса-ю, уни сотиш учун таклиф қила олмаса, бу олма бозор учун йўқ ҳисобланади.

Шунга эътиборни қаратиш зарурки, бозорда товарлар таклиф қилиш ва неъматлар ишлаб чиқариш ҳажмлари бир хил эмас. Бунинг бир нечта сабаби бор. Биринчидан, маҳсулотнинг бир қисми сотиш учун эмас, балки ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарилади; иккинчидан, айтиб ўтилганидек, алмашув учун ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳаммаси ҳам дарҳол сотиш учун таклиф қилинавермайди; учинчидан, бозорда ишлаб чиқариш натижаси бўлмаган товарлар (масалан, ер ва иш кучи) ҳам таклиф қилинади.

Таклифнинг ўзгариши. Сотувчиларнинг нархлар ўзгаришига қандай муносабатда бўлишини аниқлаш учун конкрет мисолни кўриб чиқамиз. Гўштнинг нархи жуда паст бўлган тақдирда, сотувчилар


уни етиштиришга ва бозорга келтиришга кетадиган харажатларни қоплай олмай қоладилар ва бундай ҳолда, умуман, ҳеч нарса таклиф қилмайдилар. Гўштни арзон нархда сотувчилар эса катта даромад ола олмайдилар. Даромад сотувчилар учун асосий стимул бўлганлиги сабабли бозорда гўшт кам бўлади.

Худди талаб каби таклифларни ҳам шахсий ва умумий таклифларга ажратиш мумкин. Даставвал, гўшт нархи ўзгарганда алоҳида сотувчи қандай иш тутишини кўриб чиқамиз. Масалан, сотувчи товар 1 килограммининг нархи 2 сўм бўлса, у 150 кг, 6 сўм бўлса - 250, 12 сўм бўлса - 350, 18 сўм бўлса - 500 килограмм таклиф қилади, дейлик. Ана шу шартли маълумотлар асосида жадвал ва *шахсий таклиф графигини* тузиш мумкин (3-жадвал, 3-график).

3-жадвал

Баҳо, сўм	Таклиф, килограмм
2	150
6	250
12	350
18	400
25	500

3-график



3-жадвал ва графикдан кўриниб турибдики, нарх қанча юқори бўлса, товар шунча кўп таклиф қилинади. Бу тушунарли. Зеро, тадбиркор нархнинг юқорилигига қараб, ўз маҳсулотини сотганда шунча кўп даромад олиши мумкин. Шу боисдан, у нарх ошиши билан товарлар ишлаб чиқариш ва таклиф қилишни кенгайтиради. Бу қоидадан истиснолар ҳам бор. Ҳар қандай тадбиркорни товар сотишдан тушадиган пул (ялпи даромад) эмас, балки соф даромад, яъни товар нархи билан уни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ўртасидаги фарқ қизиқтиради.

Таклифни кенгайтириш харажатларни кўпайтиришни талаб қилади. Кўшимча товарларни сотишдан тушум уларни ишлаб чиқариш ва бозорга келтириш харажатларини қопламайдиган бўлса, унда нархнинг ошишига қарамай, таклиф кўпаймайди. Бошқа томондан, нарх пасайса-ю, товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари янада кўпроқ камайса, бунда хатто товар нархи пасайса ҳам уни таклиф қилиш кўпайиши мумкин.


Алоҳида бир тадбиркорнинг нарх ўзгаришига қарашидаги бутун қонуният кўп тадбиркорларга ҳам тўла тааллуқлидир. Шу сабабли жами таклиф, асосан, шахсий таклифга оид омилларнинг амал қилиши тадорикига буйсунади. Жами таклиф графиги ҳам жами талаб графиги сингари шаклланади. Вертикал чизикқа товар нархи, горизонталига эса барча ишлаб чиқарувчилар сотишни таклиф қилаётган товар миқдори терилади.

Мисол тариқасида яна гўшт бозорига мурожаат қиламиз. Бир килограмм гўштнинг нархи 2 сўм бўлганда сотувчилар сотиш учун 250 кг гўшт чиқарсалар, нархи 6 сўмлигида - 500, 12 сўмлигида - 600, 18 сўмлигида - 1200, 25 сўмлигида - 2000 килограмм чиқарадилар. Ушбу маълумотларни жадвалда жамлаб, улар негизда график тузимиз (4-жадвал, 4-график).

4-жадвал

Баҳо, сўм	Таклиф, килограмм
2	250
6	500
12	600
18	1200
25	2000

4-график



Бу ҳолат товар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ундайди. Шу йўсинда товар ишлаб чиқаришнинг ўсиши таклиф миқдорини ўстиради, нархнинг пасайиши эса таклифни қисқартиради. Бундай ўзига хос ўзаро алоқадорлик таклиф қонуни деб аталади.

Таклифнинг ўзгарувчанлиги. Товар нархига қараб, таклифнинг ўзгариши даражасини аниқлаш учун *нархга яраша таклифнинг ўзгарувчанлиги* кўрсаткичидан фойдаланиладики, у қуйидаги формула буйича ҳисоблаб чиқилади:

$$\frac{\Delta T}{T} = \frac{\Delta N}{N}$$

Бунда:

T - нарх ўзгаришидан олдинги товар таклиф қилиш;

ΔT - таклифнинг ўзгариши;

N - товарнинг дастлабки нархи;

ΔN - нархнинг ўзгариши.

Нархга яраша таклифнинг ўзгарувчанлиги таклиф билан нарх нисбий ўзгаришларининг бир қисмига тенгдир. Ушбу кўрсаткич

ҳаммадан кўпроқ $0 < T\ddot{U} < + 00$ интервалида бўлади, яъни $T\ddot{U}$, одатда, нолдан кўпроқдир. Нолнинг маъноси шуки, нарх билан таклиф бир йўналишда ўзгаради.

Аммо амалда баъзан нарх билан таклифнинг ўзгариши қарама-қарши йўналишда рўй беради. Сотувчиларнинг мутлақ кўпчилиги бозорда товарларнинг ё битта, ёки бир нечта, лекин унча кўп бўлмаган турларини таклиф қилишади. Бундай товарлар нархи пасайиб борса, тадбиркорнинг соф даромади камаяди. Даромаднинг камайиши сотувчини товар таклиф қилишни кўпайтиришга ундаши мумкин. Бундай ҳолда $T\ddot{U} < 0$ бўлади.

Меҳнатни таклиф қилиш ўзгарувчанлиги салбий бўлган таклифга бир қадар яқинлашади. Иш ҳақининг ошиши, одатда, ходимни кўп вақт давомида меҳнат қилишга рағбатлантиради. Аммо муайян миқдордан бошлаб, иш ҳақининг ошиши таклиф қилинаётган меҳнат миқдорининг кўпайишига эмас, балки камайишига олиб келади. Муайян вақт бирлиги давомида қилган меҳнатига етарлича катта ҳақ олаётган киши бу ҳақни кўпайтиришга эмас, хордиқ чиқариш учун кўшимча вақт олишга интилади. Ваҳоланки, иш ҳақининг камайиши ишчи даромадини камайтиради. Натижада у ўзининг кўпроқ миқдордаги меҳнатини таклиф қилишга, яъни кўпроқ вақт давомида ҳам интенсивроқ ишлашга мажбур бўлади.

Нархга яраша таклифнинг ўзгарувчанлиги мутлақ миқдор жиҳатдан бирдан кўпроқ, унга тенг ёки камроқ бўлиши мумкин. ($\ddot{U}T$) 1 бўлганда, таклиф ўзгарувчан, агар $T\ddot{U}$ бўлса, ноўзгарувчан бўлади, яъни $T\ddot{U} > 0$ бўлганда мутлақо ўзгариш рўй бермайди. Бу нархнинг ҳар қандай ўзгариши таклифнинг ҳеч қандай ўзгаришига олиб келмайди, деган гапдир.

Таклифнинг ноўзгарувчанлиги товарлар ишлаб чиқариш ва етказиб бериш ҳажмларини кўпайтириш бирон-бир тўсиқлар, энг аввало, табиий ресурсларнинг етишмаслигига билан боғлиқдир. Чунончи, борди-ю дехқончилик қилишга яроқли ерларнинг миқдори чекланган бўлса, ернинг нархи қанчалик ошмасин, унинг миқдорини, яъни таклиф қилишни ошириб бўлмайди. Ерни таклиф қилишнинг ноўзгарувчанлиги, ўз навбатида, унда етиштирилаётган товарларни таклиф қилишнинг ноўзгарувчанлигини тақозо этади, чунки уларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш имконияти йўқ.

Санъат асарлари ҳам таклиф қилиниши ноўзгарувчан бўлган товарлар жумласига киради. Мисол учун, Рафаэлнинг “Сикста мадон-

наси”, шунингдек у яратган барча асл сурат, ҳайкал, архитектура обидалари ва ҳоказолар дунёда яккаю ягонадир. Мазкур буюмлардан ҳар бирининг нархи қанчалик ўзгармасин, уларни таклиф қилиш кўпаймайди.

Ижодий касб соҳиблари - ёзувчилар, рассомлар, муסיкачилар меҳнатини таклиф қилиш ҳам ноўзгарувчан ҳисобланади. Улар меҳнатига тўланадиган ҳақ пасайиб кетиши мумкин. Бироқ бу ижодкорлар табиат берган қобилиятларини ишга солиб, энг улкан истеъдод соҳасида ишлайверишлари турган гап.

Таклифнинг ўзгарувчанлиги даражаси нарх ошиши ёки пасайиши содир бўладиган муҳлатнинг қанча давом этишига боғлиқлигини назардан қочирмаслик керак. Гўшт бозори мисолига қайтадиган бўлсак, шундай вазиятни тасаввур этиш мумкин: кунларнинг бирида гўштга бўлган талаб кескин ўзгарди, дейлик. Гўшт шундай маҳсулотки, уни бир кун ичида таклиф қилиш анча кўпайиши мумкин эмас. Натижада нарх ҳатто ошганда ҳам таклиф аслида аввалгича қолаверади. Шундай қилиб, жуда қисқа муҳлат давомида товарлар таклиф қилиш ноўзгарувчандир. Борди-ю, гўштга бўлган кўп талаб бир неча ой сақланиб қолса, унда сотувчилар таклифни кўпайтириш имкониятлари (импорт қилиш, молларни бўрдоқига боқиш жадал технологиясини қўллаш, сутга мўлжалланган чорванинг бир миқдорини сўйиш ва ҳоказолар орқали)ни қидириб топишлари мумкин. Ниҳоят, гўштининг қиммат нархи бир неча йил сақланиб қолса, уни етиштирувчилар бундай аҳволга пухта мослашиб олишлари ҳеч гап эмас. Бунинг учун улар янги фермалар қурадилар, чорвачиликка кўпроқ ерлар ажратадилар, чорва селекциясининг янги-янги усулларини қўллайдилар ва ҳоказо. Бу таклиф анча узоқроқ вақт мобайнида кўпроқ ўзгарувчан бўлишини кўрсатади.

Бирон бир товарни ишлаб чиқаришни ва етказиб беришни кенгайтириш тўсиқларга дуч келмаса, уни таклиф қилишнинг ўзгарувчанлиги бирдан каттароқ бўлади.

Сотувчиларнинг нархлар ўзгаришига қарашини кўп жихатдан, улар оладиган даромадга қандай таъсир қилиши белгилаб беради. Шундай кўрсаткич ҳам борки, у бевосита сотувчилар даромадларининг ўзгаришини, товарлар таклиф қилишни *даромадга яраша таклиф ўзгарувчанлиги* билан қиёслайди. Бундай ҳолат қуйидаги формула буйича ҳисоблаб чиқилади:



Бунда:

ΔГ – даромад хажмининг ўзгариши билан таклифнинг ўзгариши;

Г – таклиф;

ΔД – истеъмолчи даромадининг ўзгариши;

Д – истеъмолчининг дастлабки даромади.

Бозор хўжалигида даромадларнинг ўзгариши нархларнинг ўзгариши натижасида содир бўлиши туфайли даромадлар билан таклифлар ўзаро муносабатларининг барча принциплари нархлар билан таклифлар ўзаро муносабатлари принципларига мувофиқ келади.

Шу туфайли ДЎнинг эҳтимол тутилган миқдорларини махсус кўриб чиқишнинг ҳожати йуқ. Чунки улар нархга яраша таклиф ўзгарувчанлигининг кўрсаткичида қандай бўлса худди шундайдир.

Таклиф этилган товарлар хажмига нафақат унинг нархи, балки яна бир қатор бошқа омиллар ҳам таъсир этади:

1. *Ресурслар нархи.* Товарларни бозорда таклиф этиш ишлаб чиқариш ҳолатларига боғлиқ. Чунки ресурслар нархининг пасайиши ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради, товар ишлаб чиқаришни кўпайтиради. Демак, бу омил таклифни орттиради ва аксинча.

2. *Ишлаб чиқаришга такомиллашган технологияни жорий этиши.* Бу тадбир товар ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиради, натижада ишлаб чиқариш ҳолати камаяди. Бу омил ҳам товарлар таклифини кўпайтиради.

3. *Солиқлар ва дотациялар.* Солиқлар миқдорининг ортиб кетиши ҳам ишлаб чиқаришни кўпайтиради, бироқ таклифни камайтиради. Давлат томонидан товарлар ишлаб чиқаришга субсидия берилганда у товарнинг боғлиқлиги ортади.

4. *Бошқа товарлар нархи.* Бундай товарларнинг нархи ўзгариши ҳам товарлар таклифини ўзгартиришга олиб келади.

5. *Бозорда нархнинг ўсиши эҳтимоли* ҳам товар ишлаб чиқарувчининг ҳолатига маълум даражада таъсир этиши мумкин.

6. *Бозор учун товар ишлаб чиқарувчилар сони.* Товар ишлаб чиқарувчилар нечоғлик кўп бўлса, таклиф қилинадиган товарлар миқдори ҳам шунчалик кўп бўлади.

Бозорда товарлар таклиф ҳажмининг ўзгаришига товарлар хусусиятлари, яъни товарларни сақлаш ва транспорт-ташиш имкониятлари ҳам таъсир қилади. Масалан, тез бузилувчан қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларини узоқ вақт сақлаб бўлмайди.

Таклифнинг ўзгарувчан бўлмаслиги табиий ресурсларнинг етишмовчилиги билан боғлиқдир.

Ер чекланган, унинг нархи қанчалик ошмасин, уни таклиф қилишини ошириб бўлмайди.

Ноёб санъат асарлари ҳам таклифи ўзгармайдиган товарлар жумласига киради. Чунки улар яккаю-ягона нусхалардир.

Вақт омили ҳам товарлар таклифига таъсир этади. Маълумки, ишлаб чиқариш жараёнини ўзгартириш маълум вақтни талаб қилади. Шу сабабли нархнинг ўзгаришига дарҳол, тезкорлик билан жавоб бериб бўлмайди. Жамият учун товарга талаб кескин ўзгарганда бир лаҳзада таклифни кўпайтиришнинг иложи бўлмайди. Бунинг учун кўшимча ишлаб чиқаришнинг моддий ва шахсий омиллари талаб қилинади. Товарлар таклифи экспорт ва импортга ҳам боғлиқ. Экспорт миллий бозорда товарлар таклифини кўпайтиради. Иқтисодий ресурсларга бўлган талаб ва таклиф ўзига хос хусусиятларга эга. Чунки ресурслар табиатда анчайин чекланган.

Иқтисодий ресурсларга талаб, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқарилган товарларга бўлган талабга боғлиқ. Бундай товарларга талаб ортиб борган сари иқтисодий ресурслардан фойдаланиш ортади ва аксинча.

Иқтисодий ресурсларга талабнинг ўзгарувчанлиги қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади:

– пировард маҳсулотга талабнинг ўзгарувчанлиги мавжуд бирор ресурсдан фойдаланиб ишлаб чиқилган товарга талаб ҳам ўзгарувчан бўлади. Юқоридаги мисоллардан маълум бўлдики, товар нархининг ўсиши товарга бўлган талабни камайтиради. Бинобарин, шу товарни ишлаб чиқаришга зарур бўлган ресурсга ҳам талаб камаяди ва аксинча.

– ўринбосар ресурсдан фойдаланилганда, биринчи ресурсга талаб ўзгарувчанлиги юқори бўлади.

– товар ишлаб чиқариш учун фойдаланилган ресурсларнинг қиймати умумий харажатлар таркибида ҳисоби юқори бўлиши билан шу ресурсга талаб камаяди. Маълумки, кўплаб табиий ресурслар чекланган, шундай бўлса-да, улар ҳам ўзгариб туриш хусусиятига эга.

Пировардида, шунга мувофиқ равишда унга бўлган таклиф ҳам ўзгариб туради.

3-§. Умумий мувозанат, конъюнктура

Олдинги саҳифалардан нархнинг товарнинг нархи деб аталишини ҳам яхши биламиз. Шунинг учун нархларнинг шаклланиши мувозанати хусусида сўз юритамиз. Бозор хўжалигида товарлар, маълумки, муайян нисбатда пулга алмаштирилади. Бинобарин, шу механизмнинг моҳиятини тушуниб олиш лозим бўлади.

Ҳар бир харидор муайян пул суммаси эвазига товарларни энг кўп миқдорда ва мумкин қадар арзон сотиб олишга интилиши табиийдир. Сотувчи эса бунга тесқари мақсадни, яъни ўз товарини мумкин қадар қимматга сотиш, иложи борича кўпроқ пул суммасини олишни кўзлайди. Шундай экан, идеал тарзда икки хил нарх намоён бўлади. Биринчиси - *талаб нархи*. Бу шундай нархки, истеъмолчилар шу нархга товарни сотиб олишлари ва сотиб олишни исташлари мумкин. Иккинчиси - *таклиф нархи*. Бундай нарх сотувчиларни товарни бозорга олиб боришга рағбатлантириш учун етарли ҳисобланади.

Бироқ олди-сотдидан иборат ҳар қандай конкрет иш сотувчи билан харидор ўртасидаги битим натижасида битта нарх бўйича амалга оширилади. Бундан ташқари, бозорнинг рақобатлилиги туфайли унда маҳсулот битта хилининг жуда кўп харидори ва сотувчиси бўлиб, уларнинг ҳар бири товарнинг кичик бир улушини сотиш ёки сотиб олишга интилади. Товарни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш шароитлари ўзгармаса, унинг нархи, одатда, кичик бир миқёсда тебраниб, маълум даражада мавжуд бўлган миқдорга етишишга интилади. Ҳар қандай бозорда ҳамиша шундай нарх бўлиб турадики, унинг асосида ҳар лаҳзада битишувларнинг жами ёки кўпроқ қисми амалга оширилади.

Олди-сотди содир бўладиган нархнинг қандай шаклланишини яққол тасаввур этиш учун конкрет мисолга мурожаат қиламиз. Бунинг учун гўшт бозоридаги талаб ва таклифни таҳлил этишда кўрсатилган маълумотлардан фойдаланамиз. Биринчи галда, 2-ва 4-жадваллар маълумотлари асосида жами талаб ва таклифларнинг ягона жадвали ва умумий графигини тузамиз.

Жадвал билан график талаб, таклиф ва нархлар ўртасида хилма-хил нисбатлар борлигини кўрсатади. Гўштининг баланд нархи таклифнинг кўпайишини рағбатлантиради. Аммо нарх қанча баланд бўлса,

шунча кам миқдорда товар сотиб олинади. Чунончи, мисолимизда бир килограмм гўштнинг нархи 18 сўм бўлганда таклиф 1200 килограмми ташкил этадики, унинг атиги 300 килограммигина сотиб олинади. Қолган қисмини сотиш учун сотувчилар нархни туширишга мажбур бўладилар. Натижада уларнинг айримлари мўлжалланган даромадни ола олмайдилар. Шу боис, улар ё умуман бозордан кетадилар, ёки ишлаб чиқаришни қисқартирадилар.

Нархнинг пасайиши аста-секин таклифнинг қисқаришига ҳам, талабнинг ошишига ҳам олиб келади. Борди-ю, нарх 2 сўмгача пасайса, истеъмолчилар 1500 килограмм сотиб олишга тайёрдирлар. Аммо сотувчилар бундай нархда атиги 250 килограмми таклиф қиладилар.

Шундай қилиб, нарх баланд бўлганда таклиф талабдан анча юқори, паст бўлганда эса таклифдан ортиб кетади. Бундай ҳолат нархларнинг ошишига олиб келади. Талаб, таклиф ва нархларнинг ўзгариб туриши сотувчиларнинг сотишга тайёр товар миқдори харидорларнинг сотиб олишга тайёр товар миқдorigа тенглашгунча, яъни талаб таклиф билан тенглашгунча давом этаверади. Бундай ҳолда талаб нархи таклиф нархига тенг бўлади, талаб ва таклиф ҳажми эса кўпаймайди ҳам, камаймайди ҳам. Бозордаги бундай таклиф *бозор мувозанати* деб, шу шароитда сотиладиган ва сотиб олинadиган товарлар ҳажмининг миқдори *мувозанати* деб, мувозанатга эришилadиган нарх эса *мувозанат нархи* деб аталади.

Бозорда мувозанат барқарор ва беқарор бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда уч омил (талаб, таклиф, нарх)дан биронтасининг мувозанат ҳолатидан четга чиқиши, бошқаларининг бунга жавобан ўзгариши сабаб бўлади. Бунинг натижасида бутун тизим илгариги мувозанат ҳолатига қайтади.

Масалан, у ёки бу сабабга кўра, товар таклиф қилиш қисқариб, талаб ўзгармай қолса, товар нархи ошиб кетади. Бундан сотувчилар кўпроқ даромад ола бошлайдилар, бинобарин, уларда таклифни кўпайтиришга рағбат пайдо бўлади. Бундай ҳолат бозорда мувозанатнинг тикланишига хизмат қилади. Талаб билан таклиф ҳажми жиҳатидан тенг - 600 килограмм, нарх эса бир килограмми 12 сўм турганда бўлади. Мувозанат нуқтаси А харфи билан белгиланган. Ушбу пайтда ва иқтисодий тизимининг асосий параметрлари жиддий равишда ўзгартирилмайдиган шароитдагина мавжуд аҳволни акс эттиришини қайд этамиз. Бу ўринда харидорлар ва сотувчиларнинг даромадлари товар ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар ўрнини

босувчи товарларнинг таъсири, харидорларнинг афзал кўриши-кўрмаслиги каби параметрлар ҳақида сўз бормоқда. Шу параметрлардан биронтаси ўзгарган тақдирда, талаб ёки тақлиф, ёки униси ҳам, буниси ҳам ўша нархлар шароитида бошқа ўзгаришлар билан характерланиши турган гап.

Асосий таянч тушунчалар

Талаб – тўловга қобил эҳтиёждир.

Талаб эгри чизиғи – графикда нарх ва талабнинг ҳажми ўртасидаги тескари боғлиқликни кўрсатади.

Талаб қонуни – талабнинг нархга нисбатан номутаносиблигидир.

Тақлиф ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарган ёки келтириш мумкин бўлган жами товарлар ва хизматлар миқдоридир.

Тақлиф эгри чизиғи – нарх ва тақлифнинг ҳажми ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқликнинг графикдаги тасвиридир.

Тақлиф қонуни – тақлифнинг нархга нисбатан мутаносиблигидир.

Тақлифнинг эгилувчанлиги – нарх ўзгаришига нисбатан тақлифнинг ортиб бориши.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Талаб қонунига изоҳ беринг.
2. Тақлиф қонунига изоҳ беринг. Тақлифга қандай омиллар таъсир қилади? Бу омиллардан ҳар бири ўзгарса, талаб эгри чизиғида қандай ўзгариш рўй беради?
3. Талаб эластиклиги нима?
4. Тақлиф эластиклиги нима?
5. Бозор мувозанатини тушунтириб беринг.

Такрорлаш ва ўзини ўзи назорат қилиш учун саволлар

1. Сиз қуйидаги тушунчаларни қандай ўзлаштирганлигингни текшириб кўринг:

талаб, шахсий ва жами талаб, талаб графиги, нархга яраша талаб ўзгарувчанлиги, даромадга яраша талаб ўзгарувчанлиги;

таклиф, шахсий ва жами таклиф, таклиф графиги, соф даромад, нархга яраша даромад;

таклиф ўзгарувчанлиги, даромадга яраша таклиф ўзгарувчанлиги;

талаб нархи, таклиф нархи, бозор мувозанати, нарх мувозанати, умумий мувозанат, конъюнктура.

2. Талаб таклифдан нимаси билан фарқ қилади?

3. Талабнинг камайиши қонунини таърифланг.

4. Нима учун бирор товарнинг нархи пасайганда харидорлар уни кўпроқ сотиб олишади? Нархлар ғоят баланд ва ғоят паст бўлганда талаб амалда ноўзгарувчан бўлади, буни қандай изоҳлаш мумкин?

5. Қуйида санаб ўтилган буюмларнинг қайси бирига талаб ўзгарувчан бўлади: нон, гилам, гугурт, атир, тилла безаклар?

6. Бозор таклифининг бир қисми:

а) ун тортиш заводи омборларида бўлган ва жўнатишга тайёр ун;

б) қайта ишлаш учун шу завод сотиб олган ғалла;

в) меҳмонлар келишига пиширилган торт;

г) қандолат дўкони витринасига қўйилган торт, деб ҳисобласа бўладими?

7. Нима сабабдан бирон маҳсулотнинг нархи ошганда ишлаб чиқарувчилар уни ишлаб чиқаришни кўпайтирадilar? Нима учун баъзан шундай ҳол рўй бермайди?

8. Бозор ҳўжалигида балиқ таклиф қилиш ва унинг нархи қандай ўзгаради, агар:

а) бугун балиққа талаб олдинги кунларга қараганда ғоят даражада ошса;

б) балиққа бўлган катта талаб бир неча йил сақланиб қоладиган бўлса;

9. Нархга ва даромадга яраша талаб ва таклифнинг ўзгарувчанлиги формулаларини ёзинг, уларни тушунтириб беринг.

10. Нефтга бўлган талабнинг кенгайишига қандай омиллар олиб келиши мумкин? Нефтни таклиф қилишни қандай омиллар кўпайтириши мумкин?

11. Нархларнинг асосий функцияларини санаб кўрсатинг. Нархларнинг бозор иқтисодиётидаги ролини кўрсатувчи конкрет мисоллар келтиринг.

12. Нима сабабдан олди-сотди содир бўладиган нарх талаб ва таклиф ўзгаришлари тўқнаш келадиган нуқтада белгиланади?

VIII БОБ. РАҚОБАТ

1-§. Рақобатнинг моҳияти, иқтисодий асослари ва ривожланиш босқичлари

Ижтимоий меҳнат тақсимооти хўжалик юритувчи субъектларни доимо бир-бирига товар сотиш ва сотиб олишга, демак, бир-бири билан товар муносабатларига киришишга мажбур этади. Бундай ҳар бир субъект товар ишлаб чиқаришнинг бошқа иштирокчилари билан ўзаро алоқа жараёнидагина ўз манфаатларини рўёбга чиқара олади. Ўзаро алоқаларнинг энг кенг тарқалган шакллари билан бири бозор рақобатидир. Бу рақобат бозор хўжалиги субъектлари ўртасида ўз манфаатларини рўёбга чиқариш учун курашдан иборат. Рақобат у ёки бу даражада ҳар қандай бозорга хос ва ҳар қандай жамият хўжалик муносабатларининг таркибий қисми ҳисобланади. Жамият иқтисодиётининг негизини товар ишлаб чиқариш ташкил этади.

Рақобат бозор иқтисодиётининг ва, умуман, товар хўжалигининг энг муҳим белгиси, ривожланиш усули ҳисобланади. Рақобатнинг иқтисодий мазмунини тушуниб олиш учун унга турли томондан ёндашиш талаб қилинади. Мустақил товар ишлаб чиқарувчилар (корхоналар) ўртасидаги рақобат товарларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нархда сотиш, умуман, иқтисодиётда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашдан иборат. Улар бу жараёнда керакли ишлаб чиқариш воситалари, хом ашё ва материаллар сотиб олиш, ишчи кучини ёллаш учун ҳам курашадилар. Ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат охир-оқибатда истеъмолчилар учун кураш демакдир.

Ресурсларни етказиб берувчилар ўртасидаги рақобат ўзларининг иқтисодий ресурслари (капитал, ер, ишчи кучи)ни юқори баҳоларда сотишга интилиш асосида рўй беради. Ишлаб чиқарувчилар билан ресурсларни етказиб берувчилар ўртасидаги рақобат бозор муносабатлари ривожланган, иқтисодиёт тўлиқ эркинлашган шароитда ёрқин намоён бўлади.

Истеъмолчилар ўртасида рақобат камдан-кам учрайди. Чунки улар товарларни қулай ва арзон баҳоларда харид қилиш, сарфланган ҳар бир пул бирлиги эвазига кўпроқ наф кўриш, арзон ва сифатли товарни тезроқ сотиб олишга интиладилар.

Шундай қилиб, рақобат кўп қиррали иқтисодий ҳодиса бўлиб, бозорнинг барча субъектлари ўртасидаги мураккаб муносабатларни ифодалайди.

Аниқроқ қилиб айтганда, **рақобат** бир мақсад сари интилаётган бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўпланиши, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ наф кўриш учун келиб чиқадиган курашдан иборатдир. Бунда, қатъий равишда, ишлаб чиқарувчилар томонидан сарфланган харажатларнинг ҳар бир бирлиги эвазига кўпроқ фойда олиш учун курашилади. Фойда орқасидан қувиш натижасида товарларни сотиш доираси, яъни қулай бозор, арзон хом ашё, энергия, ишчи кучи манбалари учун кураш рўй беради.

Ўз навбатида, харидорлар, яъни истеъмолчилар ҳам сарфланган ҳар бир сўм харажати эвазига кўпроқ наф кўриш учун курашадилар, арзон ва сифатли товар ва хизматларга эга бўлишга ҳаракат қиладилар. Турли товарлар - истеъмол товарлари, хом ашё, энергия, техник воситалар, асбоб-ускуналар, иш кучи кабиларнинг таклифи талабдан кам бўлса, истеъмолчилар уларни тезроқ ва кўпроқ харид қилишга интиладилар. Бундай ҳолат баҳо ижтимоий қийматининг кўтарилишига олиб келади.

Рақобатнинг асосини, аввало, ишлаб чиқарувчиларнинг мулк эгаси сифатида алоҳидалашуви ва мустақил бўлишга интилиши ташкил этади. Чунки ҳар бир мулк эгасининг ўз манфаати бўлиб, улар бунга эришиш пайида бўладилар. Мулк эгасининг товар ишлаб чиқариш ва барча бошқа соҳалардаги фаолияти шу манфаатга бўйсундирилган бўлади. Шу жиҳатдан қараганда, рақобат иқтисодий муносабатлар субъектлари манфаатларининг тўқнашувидан иборат эканлигини аниқ характерлайди. Рақобатнинг юзага келишини бошқа бир шарти товар-пул муносабатларининг маълум даражада ривожланган бозор тизимга боғлиқ бўлишидир.

Демак, мулк эгаларининг алоҳидалашуви ва мустақил бўлиши билан бирга, товар-пул муносабатлари ёки бозор хўжалиги рақобатнинг иқтисодий асосини ташкил қилади. Бунинг исботи шундаки, бозор иқтисодиётининг дастлабки белгилари пайдо бўлиши билан бирга, унга хос рақобат ҳам юзага келади.

Рақобатнинг асосий соҳаси бозор бўлиб, унда иқтисодий субъектлар алоҳидалашган манфаатларининг тўқнашуви рўй беради.

Қатор иқтисодий адабиётларда рақобатчилик муносабатларининг ривожланиши умумлаштирилиб, унинг икки муҳим босқичи

мавжудлиги алоҳида ажратилиб кўрсатилади. **Эркин рақобат босқичи ва монопол рақобат босқичи** шулар жумласидандир. Айрим иқтисодчилар эса бу босқичларни инкор қилмаган ҳолда, рақобатчилик муносабатлари ривожини тўлароқ таҳлил қилиб, уни тўрт босқичга ажратадилар.

1. Майда товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат босқичи. Бу босқич бозор иқтисодиётининг дастлабки шаклларига ўтиш даврига хосдир. Унда рақобат бир турдаги товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида, маҳаллий бозорлар доирасида боради. Ишлаб чиқарувчиларнинг меҳнат маҳоратини ошириб бориш рақобат курашининг асосий усули ҳисобланади. Рақобат ривожининг бу босқичи капиталистик ишлаб чиқариш усули қарор топгунча бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давргача рақобат ривожлана бошлаган бўлса-да, лекин жамиятнинг хўжалик ҳаётида белгиловчи ўринни эгалламаган эди. Жамиятда турли хил ғайрииқтисодий чеклашлар, монопол тузилмалар, рақобат учун ёпиқ зоналар сақланиб қолган эди.

2. Капиталистик эркин рақобат босқичи. Бу босқич товар муносабатларининг ҳукмрон муносабатларга айланиши, товарлар, капитал ва иш кучининг эркин рақобати йўлидаги ғайрииқтисодий чеклашларнинг олиб ташланиши, ягона миллий ва кейинчалик жаҳон бозори вужудга келиши билан характерланади. Бундай шароитда рақобат иқтисодиётни бозор йўли билан тартибга солишнинг асосий воситаси бўлиб қолади. Янги техника ва технология жорий қилиш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, янги турдаги товарларни ишлаб чиқариш рақобатда ғолиб чиқишнинг асосий шартлари ҳисобланади.

3. Монополистик рақобат босқичи. Мазкур босқичда монополияларнинг баҳоларни белгилашдаги мутлақ имкониятга эга эканлиги туфайли рақобат чекланади, техника тарақиётига интилиш сўндирилади ва ҳар қандай иқтисодий ташаббус бўғилади. Аслида монополия рақобатни чекласа-да, уни йўқота олмайди, фақат унинг характерини тубдан ўзгартиради. Тармоқдаги майда капиталларнинг эркин рақобати ўрнига тармоқлараро, миллий иқтисодиёт ва жаҳон миқёсида иш юритувчи йирик монополиялар ўртасидаги рақобат вужудга келадики, натижада у ҳал қилувчи роль ўйнай бошлайди. Монополистик рақобат босқичида рақобатчилик курашининг қатор кўринишлари намоён бўлади: бир тармоқ монополиялари ўртасидаги рақобат, турли тармоқ монополиялари ўртасидаги рақобат, монополия билан монополиялашмаган корхоналар ўртасидаги рақобат, монополлашма-

ган корхоналар ўртасидаги рақобат ва турли мамлакатлар монополиялари ўртасидаги рақобат. Шундай қилиб, монополистик рақобат босқичи иқтисодиётда йирик монопол тузилмаларнинг ҳукмрон мавқега эга бўлишини характерлайди. Бу босқичда иқтисодиёт монопол ва эркин рақобат турларига ажралади. Иқтисодиётда монопол рақобат етакчи бўлиб, эркин рақобат иқтисодий жараёнларни тартибга солиш мақсадида кейинги ўринга сурилади. Рақобат иқтисодиётнинг монополлашган ва монополлашмаган, ҳамда шу соҳаларнинг ўртасида рўй беради. Рақобат курашида анъанавий усуллар билан бирга, бозорни эгаллаб олиш, сиёсий ҳокимиятдан фойдаланиш каби хатти-ҳаракатлардан ҳам фойдаланилади.

4. Аралаш иқтисодиётга хос рақобат босқичи. Бу босқичга келиб, рақобат доираси мислсиз кенгаяди ва у ишлаб чиқаришдан ташқари хизмат кўрсатиш ҳамда фаолиятнинг барча бошқа соҳаларини қамраб олади. Халқаро бозорда рақобатлашишга интилиш кучаяди.

Янги технологияни жорий қилиш, талабга жавобан товар турларини тез ўзлаштириш, малакали ишчи кучига эга бўлиш ва замонавий маркетинг хизматидан фойдаланиш каби рақобат курашида ғолиб чиқиш шартига айланади.

Рақобатнинг асосий соҳаси бозордир. Чунки сабаб унда эркин иқтисодий субъектларнинг алоҳидалашган манфаатлари тўқнашади. Шунингдек, рақобатдош иқтисодий субъектларнинг ижтимоий-иқтисодий мақоми бир хил бўлмайди. Шу сабабли уларнинг бевосита мақсадлари ҳам фарқланади. Ҳар бир иқтисодий субъектнинг ўз мақсади бор: тадбиркор мақсади кўпроқ фойда ундириш, ер эгаси манфаати ўз еридан кўпроқ даромад олиш, сармоя эгаси ўз сармоясидан кўпроқ фойда кўриш, ишчи кўпроқ иш ҳақи олишга интилади. Рақобат бу фақат индивидуал манфаатнигина эмас, балки жамоанинг ҳам манфаатини кўзлайди. Айрим иқтисодий субъектнинг манфаати, бир томондан, алоҳидалашган, иккинчи томондан, жамоа манфаатига бирлашган тарзда юзага чиқади.

Рақобат бозор иқтисодиётини харакатлантирувчи куч ҳисобланади. Бунинг сабаби рақобатнинг иқтисодий ўсишни таъминлай олишига боғлиқдир. Натижада, бу рақобат доираси кенгаяди, янги рақобатчилар юзага келади. Чунки тадбиркорлар сони ҳар доим кўпайиб боради. Рақобат бозорнинг ҳамма турларида амал қилади.

Рақобат нима ишлаб чиқариш керак, деган саволга аниқ жавоб беради. Маълумки, харидорнинг товар ва хизматларни сотиб олишга

сарфлаш учун мўлжалланган маблағлари доимо чекланган бўлади. Шунингдек, товар ишлаб чиқарувчилар ўз товарларини сотиш орқали маълум фойдага эга бўлиш мақсадини кўзлайдилар. Бозор иқтисодиёти муносабатлари тамойилларидан бири ҳар бир товар ишлаб чиқарувчининг қандай ва нима ишлаб чиқариш, кимга сотиш, олинган фойдани қандай тасарруф қилишни ўзи танлашида намоён бўлади. Пировард, натижада ҳамма товар ишлаб чиқарувчилар бозорда харидорлар чўнтагидаги пуллар учун курашиб, бир-бири билан тўқнаш келади. Ушбу ҳодиса **рақобат кураши** дейилади. Шундай қилиб, рақобатнинг мавжуд бўлиши товар ишлаб чиқарувчиларнинг доимий равишда харидорларнинг талабларига мослашиш, уларни иложи борича юқори сифатли товар ва хизматлар билан таъминлаш учун ҳаракат қилишга боғлиқдир. Бунга эришганлар рақобат курашида ғолиб чиқадилар ва аксинча. Рақобат иқтисодий субъектларнинг ўз билим доирасини узлуксиз ошириб боришга ундаб туради, бусиз рақобатда ғолиб чиқиш мушкул бўлади.

Рақобат муҳитининг мавжудлиги товар ишлаб чиқарувчиларни хўжалик фаолиятининг самарали усулларидан фойдаланиб, янги технологияни жорий этиш, кам харажат қилиб сифатли товар ишлаб чиқаришга мажбур этади. Бундай хатти-ҳаракат корхона фойдасини кўпайтиради ва унинг молиявий фаолиятини барқарорлаштиради. Бозор сифатли товарлар билан тўйинган тақдирда, товарларнинг нархи арзонлашади, истеъмолчиларнинг сотиб олиш имконияти ортади.

Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ўта долзарб муҳим вазифадир. Чунки бундай ҳолат иқтисодиётни эркинлаштиришнинг жуда муҳим шарти ҳисобланади. Тарихий тараққиёт тажрибаси шуни кўрсатадики, бозорларда доимий равишда соғлом рақобатга зид, яъни ҳукмронлик мавқеини эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар вақти-вақти билан пайдо бўлиб туради. Бу табиий ҳолдир. Шу сабабли субъектлар манфаати турли кўринишларда юзага чиқади, даромад топиш манфаати кучли бўлади. Кўпроқ фойда олишга интилиш рақобатни муқаррар қилиб кўяди.

Тадбиркор ҳам сотувчи, ҳам харидор мақомини олиб, у товар бозорида сотувчи, ресурслар бозорида эса харидор сифатида намоён бўлади. Президент И.А.Каримов рақобат ҳақида шундай дейди: «Рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Рақо-

бат-бозорнинг асосий шарти, айтиш мумкинки, унинг қонунидир»³². Бозор иқтисодиёти муносабатлари тараққиёт даражасига қараб, рақобат кучи кўп даражада таъсирчан бўлади. Демак, рақобат бозор иқтисодиётининг ҳаракатлантирувчи механизми ҳисобланади.

2-§. Рақобатнинг асосий шакллари ва белгилари

Рақобат кураши мазмуни тўғрисида тушунчага эга бўлиш учун унинг асосий шакллари ва белгиларини таҳлил этамиз.

Рақобатнинг асосий турлари. *Жуда умумий шаклда рақобатни учта турга: сотувчилар, харидорлар, сотувчилар билан харидорлар ўртасидаги рақобатларга* бўлиш мумкин.

Харидорлар ўртасидаги рақобат. Ривожланган бозор ҳўжалигида рақобатнинг бошқа турларига нисбатан кичикроқ роль ўйнайди. Албатта, сотувчи харидорлардан товар учун камроқ ҳақ ундиришни афзал кўради. Бироқ ишлаб чиқариш билан таклиф талабга бемалол мослаша оладиган вазиятда харидорлар ўртасидаги рақобат иккинчи ўринга ўтадики, мувозанат ёки таклифнинг талабдан ортиқчилиги иқтисодий тизимнинг ҳукмронлик қилувчи ҳолатини ифодалайди. Бирор бир товарни таклиф этишни кўпайтириш учун тўсиқ пайдо бўлган пайтдагина рақобат кескинлашади. Зеро, товар етишмаслиги сезилса, харидорлар уни сотиб олиш учун бир-биридан ўзишга интилиб, сотувчиларга баландроқ нарх таклиф қиладилар. Сотувчилар эса тақчил товарни талаб бўйича, яъни харидори чикса, иложи борича юқори нарх бўйича сота бошлайдилар. Ушбу вазиятда харидорлар имкониятларининг ҳар хил бўлганлиги сабабли уларнинг кўпроқ ҳақ тўлай оладиганлари афзалликка эришадилар. Бундай рақобат натижасида ҳеч нарса сотиб ола олмайдиган харидорлар озми-кўпми ютқазадилар, чунки уларнинг эҳтиёжлари қондирилмайди.

Сотувчилар билан харидорлар ўртасида рақобат мувозанат нархлари шаклланиши жараёнида содир бўлади. Бундан олдинги бобда мувозанат дарҳол юзага келмайди ва унинг даражаси талаб билан таклифнинг нисбатига боғлиқ деб, кўрсатилган эди. Агар дастлаб шаклланган нарх бўйича талаб таклифдан ортиқ бўлса, нарх ошиб боради. Бундай вазиятда сотувчилар биргаликда ҳаракат қилишга интиладилар. Натижада харидорлар пароканда бўладилар ва уларнинг ҳар бири тақчил молни сотиб олиш учун бошқасидан ўзиб кетишга интилади. Борди-ю, дастлабки нарх вазиятида таклиф талабдан ортиқ

³² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: "Ўзбекистон", 1999, 34-бет.

бўлса, харидорлар сотувчиларни бир-бири билан рақобат қилишга ва нархни пасайтиришга мажбур этадилар. Натижада мувозанат биринчи ҳолдагига қараганда пастроқ даражада қарор топади. Бундан харидорлар ютадилар, чунки улардан ҳар бири товарни арзонроқ сотиб олишга муваффақ бўлади. Иқтисодчилар учун сотувчилар ўртасидаги рақобат ғоят қизиқарлидир. Бозор иқтисодиёти шароитида сотувчилар (товар ишлаб чиқарувчилар) истеъмолчиларнинг пули учун курашадилар.

Эркин рақобат даврида рақиблар курашининг икки асосий шакли амал қилади: **тармоқ ичидаги** ва **тармоқлараро рақобат**. Улар ҳақида куйида батафсил тўхтаб ўтилади.

Эркин рақобат. Бундай рақобат шароитида янги корхоналар тармоққа эркин кириши ва уни эркин ташлаб кетиши мумкин. Янги корхоналарнинг пайдо бўлиши ва уларнинг рақобатли бозорда маҳсулотларини қулай технологик, молиявий ва бошқа жиддий иқтисодий тўсиқлар бўлмайди.

Ҳозирги ўтиш даври иқтисодиёти амалиётида эркин рақобат жуда кам учрайди. Аммо бир қатор ҳолатлар бу рақобат турининг амал қилишини ўрганишни тақозо этади.

Биринчидан, шундай ишлаб чиқариш айрим тармоқлари мавжудки, улар эркин рақобатли вазиятга жуда ўхшаб кетади. Иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи шахсий сектори, маҳаллий хунармандчилик соҳалари кабилар шулар жумласидандир.

Иккинчидан, эркин рақобатли вазият нархларнинг ташкил топиши ҳажмини белгилаш ҳақидаги ҳар қандай мунозара учун бошланғич нуқта ҳисобланади.

Учинчидан, эркин рақобат иқтисодиётининг амал қилиши реал иқтисодий самарадорликни баҳолашга намуна бўлиб хизмат қилади.

Эркин рақобат икки хил кўринишда намоён бўлади: **тармоқ ичида**, яъни бир хил товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги рақобат ва **тармоқлараро**, яъни турли тармоқларга тегишли корхоналар ўртасидаги рақобат.

Тармоқлар ичидаги рақобат ишлаб чиқариш ва сотишнинг қулайроқ шароитига эга бўлиш, кўшимча фойда олиш учун бир тармоқ корхоналари доирасида олиб борилади. Ҳар бир тармоқда техника билан таъминланиш ва меҳнат унумдорлиги даражаси турлича бўлган корхоналарнинг борлиги сабабли уларда ишлаб чиқарилган

товарларнинг индивидуал (алоҳида) қиймати бир хил бўлмайди. Бироқ товар қийматлари алоҳида меҳнат сарфи билан эмас, балки ижтимоий зарурий меҳнат сарфи билан белгиланади.

Тармоқ ичидаги рақобат товарларнинг ижтимоий ёки бозор қийматини аниқлайди ва белгилайди. Бундай қиймат, одатда, ўртача шароитда ишлаб чиқарилган ва муайян тармоқ товарларининг анчагина қисмини ташкил этадиган товарларнинг қийматига мос келади. Шундай рақобат натижасида техник даражаси ва меҳнат унумдорлиги юқори бўлган корхоналар кўшимча фойда олади ва, аксинча, техник жиҳатдан ночор корхоналар эса ўзларида ишлаб чиқарилган товарлар қийматининг бир қисмини йўқотади ва зарар кўради.

Тармоқ ичидаги рақобат бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобатдир. Бундай рақобат товарларнинг нархи, корхона фойдасининг миқдори ҳам худди шундай товар ишлаб чиқараётган бошқа субъектларнинг фаолияти оқибатида келиб чиқади. Ишлаб чиқарувчилар ички ва ташқи шароитларнинг кўплиги туфайли, бозорда турлича мавқеини эгаллайди. Улардан ҳар бирининг тармоқдаги ўрнини, энг аввало, корхонанинг техник ва технологик даражаси, унда ишловчиларнинг малакаси, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш қандай ташкил этилганлиги белгилаб беради. Ташқи шарт-шароитлар ҳам корхона ишлаб турган табиий ва ижтимоий муҳит кўп даражада таъсир кўрсатади. Чунки буғдой етиштиришга ихтисослашган ферма, бошқа шарт-шароитлар тенг бўлса-да, тупроғи унумлироқ бўлган жойдан кўпроқ даромад олади. Ишлаб чиқарувчиларга хом ашё етказиб берувчилар ва уларнинг маҳсулотларини истеъмол қилувчилар билан боғлайдиган транспорт узеллари, темир йўл магистраллари ва автомобиль йўлларига бошқалардан кўра яқинроқ жойлашган корхоналар хом ашё етказишда ва маҳсулотни сотишда устунликка эга бўлади.

Битта тармоқнинг ҳамма корхоналари шартли равишда уч гуруҳга бўлиниши мумкин: тармоқ бўйича ўртачадан юқорироқ маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш кўрсаткичларига эга бўлган – «яхши», тармоқда ўртача даражада бўлган – «ўртача», маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича энг паст кўрсаткичларга эга бўлган – «ёмон». Табиийки, яхшироқ техник-технологик асбоб-ускуналарга, малакалироқ ходимларга, шунингдек бошқа эга бўлган корхоналар, бир хилда харажат қилган ҳолда, юқоридаги афзалликларга эга бўлмаган корхоналарга қараганда кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулот ишлаб

чиқаради. Бунинг оқибатида «яхши» корхоналар ўз товарларини ўртача бозор нархларидан пастроқ нархларда, ҳатто «ўртача» ва «ёмон» ишлаб чиқарувчилар зарар кўриб сотадиган нархларда ҳам сотишлари мумкин. Буни рақамларда кўриб чиқамиз.

Айтайлик, ўзаро рақобат қилувчи 3 та корхона жами бўлиб, йилга 100 минг жуфт бир хилдаги пойафзални ишлаб чиқарадилар. 1-корхона 30 минг жуфт тайёрлайди; унинг ҳар бир жуфтига кетган ишлаб чиқариш харажатлари 20 сўмни ташкил этади. 2-корхона тегишли тартибда 60 минг жуфт ва 30 сўмдан тайёрлаб, 20 сўмдан сарфлайди. 3-корхона эса 10 минг жуфт пойафзални тайёрлаш учун 50 сўмдан сарфлайди. Агар 1 жуфт пойафзалнинг нархи 40 сўм даражасида белгиланади деб фараз қилсак, унда мана бундай жадвални тузиш мумкин бўлади:

Корхона номлари	Чиқарилаётган маҳсулот сони (минг жуфт)	Битта маҳсулот харажатлари (сўм)	Умумий харажатлари (минг сўм)	Товар сотишдан ялпи даромад (минг сўм)	Фойда ё зарар (минг сўм)	1 сўм харажат эвазига фойда ё зарар (сўм) (6) : (4)
1	2	3	4	5	6	7
1	30	20	600	1200	600	1,0
2	60	30	1800	2400	600	0,33
3	10	50	500	400	100	-0,2

Кўриниб турибдики, 1-корхона хўжалик фаолиятини тўғри юритиб, катта фойда олмоқда. Ҳатто 1 жуфт пойафзалнинг нархи 30 сўмгача тушса ҳам, у фойда олади, ваҳоланки, 2- ва 3-корхоналар фойда кўрмайди. Жадвалдан кўриниб турганидек, 2-корхона фойда олади. Лекин унда техникани такомиллаштириш, меҳнат шароитларини яхшилаш, ходимлар малакасини ошириш ҳақида, ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ҳақида қайғурилмаса, 1-корхона маҳсулот чиқаришни кўпайтирса ва унинг бозор нархини пасайтирса, 2-корхона зарар кўриб ишлаши мумкин. 3-корхонанинг кўрган зарари 100 минг сўмга етади. Бинобарин, унинг раҳбарлари харажатларни қисқартириш, маҳсулот чиқаришни кўпайтириш ва унинг истеъмол хоссаларини яхшилаш ёки корхонани бошқа маҳсулот ишлаб чиқаришга мослаштиришга мажбур бўладилар. Ҳар икка чора-тадбирлар муайян ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишни талаб қилади. Борди-ю, 3-корхона фаолиятида ҳеч қандай

ўзгариш содир бўлмаса, у бозор иқтисодиёти шароитида синади ва унинг бутун мол-мулки сотиб юборилади.

Ушбу мисол тармоқлар ички рақобати функцияларини яхшироқ тушуниб олиш имконини беради. Биринчидан, фан-техника тараққиётини рағбатлантириб, ишлаб чиқарувчиларни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳақида жон куйдириш талаб қилинади. Иккинчидан, ишлаб чиқаришда иштирок этаётган ҳар бир кишининг малакасини муттасил ошириб бориш, иш усулларини такомиллаштириш зарур бўлади. Учинчидан, ҳар бир тармоқда яхшироқ ишлаётган ишлаб чиқарувчиларнинг кўпроқ даромад олишлари учун шароит яратиш даркор. Тўртинчидан, тармоқ ички рақобати техник ва ташкилий жиҳатдан энг илғор корхоналарни танлаб оладик, бу муайян товарларни ишлаб чиқаришга сарфланадиган ижтимоий харажатларнинг камайишига олиб келади.

Тармоқлараро рақобат. Бундай рақобат турли тармоқлар корхоналари ўртасида энг юқори фойда нормаси олиш учун олиб бориладиган курашдан иборат. Унда фойда нормаси кам бўлган тармоқлардан фойдаланилади. Юқори тармоқларга капиталларнинг оқиб ўтишида кўпроқ фойда келтирувчи соҳаларга интилиб, ишлаб чиқаришнинг кенгайишига, таклиф кўпайишига олиб келади. Шу асосда, нархлар пасая бошлайди. Тегишли фойда нормаси ҳам пасаяди. Кам фойда келтирувчи тармоқлардан капиталнинг чиқиб кетиши тескари натижага олиб келади. Чунки бунда ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаради, товарларга талаб уларни таклиф қилишдан ошиб кетади, оқибатда нархлар кўтарилади. Шу билан бирга, фойда нормаси ҳам кўпаяди. Натижада тармоқлараро рақобат объектив равишда намоён-лашиб, қандайдир динамик мувозанатни келтириб чиқаради. Бу му-возанат капитал қаерга сарфланганлигидан қатъи назар, тенг капитал учун тенг фойда олишни таъминлайди. Демак, тармоқлараро рақобат капитал қайси тармоққа солинмасин, худди шу тармоқнинг фойда нормаларини ўртача фойда нормасига бараварлаштиради. Бундай жараён капитал маблағларнинг кам фойда келтирадиган тармоқлардан оқиб ўтишига интилиш натижасида содир бўлади.

Масалан, учта тармоқ, яъни саноат, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш бор дейлик (аслида тармоқлар анча кўп, лекин ҳозирча бунинг биз учун аҳамияти йўқ). Қимдир 100 минг сўмга эга ва уни даромад олиш мақсадида ишлаб чиқаришга сарфламоқчи, деб фараз қилайлик.

Шу пулни уччала тармоқда сарфлаб, ишлаб чиқарилган маҳсулотни саноатда 115 минг сўмга сотиш (фойда нормаси 15%)га, 110 минг сўм (фойда нормаси 10%)га, қурилишда 105 минг сўм (фойда нормаси 5%)га сотиш мумкинлиги маълум бўлади. Бундан 100 минг сўм пули бўлган кишининг уни саноатга сарфлаб, даромад олиши мумкинлигини тушуниш қийин эмас.

Шундай маблағи бўлган бошқа тармоқлар субъектлари ҳам худди шундай йўлни танлайди. Натижада саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ортади, бинобарин, уни таклиф қилиш ҳам кўпайиб, муайян пайтда талабдан ортиб кетади. Бунда мазкур тармоқ ишлаб чиқараётган товарлар нархи пасайиб, фойда ҳам камаяди. Айни чоғда ресурслар камайиб кетган тармоқларда маҳсулот чиқариш озаяди ва уни таклиф қилиш қисқаради. Башарти, ҳатто талаб ўзгармаганда ҳам у, барибир, қисқарган таклифдан ортиқ бўла бошлайди. Шу туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари кўтарилиб, фойда нормаси ошиб кетади.

Вазиятнинг шу тахлитда ўзгариши саноатдан моддий меҳнат ва молиявий ресурсларнинг унга нисбатан анча фойдалироқ бўлиб қолган қурилиш ва қишлоқ хўжалигига оқиб ўтишига олиб келади. Шундай қилиб, ресурслар ҳамиша фойда нормаси анча паст бўлган тармоқдан ундан юқорироқда турган тармоққа оқиб ўтади. Шу асосда тармоқлараро рақобат - ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўз маблағларини энг рентабел ишлаб чиқариш соҳасига жойлаштириш учун кураш содир бўлади

Тармоқлараро рақобат тушунчаси бошқа бир ҳодисани, яъни бир хил ўхшаш эҳтиёжни қондира оладиган ва шу сабабли бозор истеъмоли учун рақобат қила оладиган ҳар хил тармоқ ишлаб чиқарувчилари ўртасидаги курашни ҳам англатади.

Тармоқлараро рақобат иқтисодий ресурсларни тармоқлар ўртасида тақсимлаб, уларнинг маҳсулотига талаб юқори бўлган соҳаларга ўтишини таъминлайди.

Бозор хўжалигида тармоқлараро рақобат икки хил асосий функцияни бажаради. Биринчидан, у туфайли харидорлар эҳтиёжларига ғоят мос келадиган иқтисодиёт структураси пайдо бўлади. Бу ишлаб чиқарувчиларнинг талабларнинг тармоқлари ўртасида қайта тақсимланишига дарҳол муносабат билдиришларида намоёнлашади. Иккинчидан, тармоқлараро рақобат ишлаб чиқариш самарадорлигининг бир қадар ижтимоий зарур даражасини яратадики, у фойда нормасининг

ўртача даражасига етишига олиб келади. Самарадорликнинг ушбу даражасига ета олмаган корхоналар катта даромадга умид қилсалар ҳам бўлади. Бундай аҳвол барча ишлаб чиқарувчиларни товар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни сотишни такомиллаштиришга мажбур қилади.

Товар хўжалиги шароитида минтақалар ўртасидаги рақобат муҳим роль ўйнайди. Уни Европа иқтисодий ҳамжамияти мисолида кўрсатиб берамиз. Жумладан, Францияда дон етиштириш харажатлари Германиядагига қараганда камроқ бўлганлиги муносабати билан ҳамжамият доирасида нархларнинг ягона тизимини ўрнатиш француз дон етиштирувчилари учун фойдалироқдир. Уларнинг ушбу маҳсулотни мўлроқ етиштириб, кўпроқ экспорт қилишлари табиий. Шу сабабга кўра, Германия озиқовқат ва озуқабоп донга бўлган эҳтиёжларининг каттагина қисмини Франциядан келтириш ҳисобига қондиради. Натижада кўпроқ харажатдор бўлган немис дехқонлари рақобат курашида ютқаздилар ва даромаддан анча-мунча йўқотадилар. Шу боис, уларнинг ташқаридан дон келтиришни чеклаш ва Ғарбий Европадаги интеграция жараёнлари келтирган зарарни қоплашни талаб қилишлари мутлақо табиийдир.

Минтақалараро рақобат, асосан, сотувчилар ўртасида мавжуддир. Лекин у харидорлар ўртасида бўлиши ҳам мумкин. Масалан, жаҳон амалиётида харидорлар гуруҳларининг зарур товарларни арзонга сотиб олиш учун бир мамалакатдан бошқасига қатнайдиغان «ашёвий» ёки «товар» туризми каби ҳодисалардан ҳам фойдаланаётганликлари маълум. Мамлакатимизда эса шундай ниятни амалга ошириш учун харидорларнинг катта-катта гуруҳлари қишлоқ жойлардан шаҳарларга, бир шаҳардан бошқасига, вилоятдан вилоятга, республикадан республикага қатнаётганликлари сир эмас.

3-§. Рақобат усуллари

Рақобат курашининг икки усули фарқланади: *нарх воситасидаги рақобат ва нархсиз рақобат*.

Нарх воситасида рақобатлашув ишлаб чиқарувчиларнинг ўз товарлари нархларини бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг шундай маҳсулотлари нархларига нисбатан пасайтиришга интилишлари билан характерланади.

Унинг асосий ва энг кўп қўлланадиган кўриниши **нархлар жанги** деб айтиладики, бунда йирик ишлаб чиқарувчилар рақиблари-

ни тармоқдан сиқиб чиқариш учун нархларни вақти-вақти билан ёки узоқ муддат пасайтириб турадилар. Рақобатнинг бу усулида корхона ишлаб чиқаришнинг анча паст харажатларидан фойдаланмаган тақдирда, бозордаги ўз ўрнини мустаҳкамлаш учун фойданинг бир қисмидан воз кечишга мажбур бўлади. Ишлаб чиқарувчи бу усулдан фойдаланишни мақсад қилиб олганда, бошқа рақибларига қараганда унумлироқ технологияни жорий қилиши, малакалироқ ишчиларни ёллаши ва ишлаб чиқаришни яхшироқ ташкил қилиши керак бўлади. Шундагина товарнинг индивидуал қиймати бозор қийматидан пастлашиб, унинг нархи тушиши имконияти туғилади.

Нарх воситасида рақобатлашишнинг усулларида бири **демпинг нархларни** қўллашдир. Бунда миллий ишлаб чиқарувчилар ўзларининг товарларини бошқа мамлакатларга ички бозордаги нархлардан, айрим ҳолларда таннархидан ҳам паст бўлган нархлар бўйича чиқаради.

Улар шу йўл билан ички бозорда нархларнинг барқарорлигига эришиш, мамлакатдаги ортиқча маҳсулотни йўқотиш, янги бозорларга кириб олиш ва унда ўзларининг иқтисодий мавқеини мустаҳкамлаш учун ҳаракат қиладилар.

Айрим ҳолларда нарх ёрдамида рақобатлашишнинг белгиланган нархлардан чегирма қилиш, асосий харид қилинган товарларга бошқа товарларни қўшиб бериш, баъзан эса муайян ҳолларда имтиёзли нархларни белгилаш каби усулларида ҳам фойдаланилади.

Ҳозирги даврда бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда баҳо ёрдамида рақобат қилиш ўз ўрнига эга эмас. Чунки ишлаб чиқарувчилардан бирининг ўз маҳсулотига нархни пасайтириши рақобатчиларининг ҳам шундай йўл тутишини тақозо қилади. Бу бозорда фирмаларнинг мавқеини ўзгартирмайди, фақат тармоқ бўйича фойдани камайтиради.

Нархсиз рақобат шу билан характерланадики, бунда рақобат курашининг асосий омили товарларнинг нархи эмас, балки унинг сифати, сервис хизмати кўрсатиш қобилияти, ишлаб чиқарувчи фирманинг обрўэътибори, нуфузи муҳим роль ўйнайди.

Нархсиз рақобат билан бир вақтда яширин нарх ёрдамидаги рақобат ҳам амалда бўлиши мумкин. Бунинг учун янги товарлар сифатининг ошиши ва истеъмол хусусиятларининг яхшиланиши улар нархларининг ўсишига қараганда тезроқ рўй бериши керак. Ҳозирги даврда бир турдаги маҳсулотларнинг кўпайиши уларни сотишни

рағбатлантирувчи реклама, товар белгилари ва фабрика муҳрларидан фойдаланишни зарур қилиб кўймоқда. Истеъмолчилик бозорида кўшимча хизмат кўрсатиш орқали харидорларни ўзига жалб қилиш кенг тарқалмоқда.

Нархсиз рақобатнинг товар сифатини табақалаштириш каби усули ҳам мавжудки, бунда товарларнинг бир хилдаги эҳтиёжни қондириши ва бир турга мансуб бўлиши, лекин турли-туман истеъмол хоссаларига эга бўлиши талаб қилинади.

Товарлар талабга нисбатан ортиқча бўлган шароитда ишлаб чиқарувчилар ўз товарларини кредитга сотиш усулидан ҳам фойдаланиб, рақибларидан устун келишлари мумкин. Бунда, дастлаб, товар нархининг фақат бир қисми, унинг қолган қисми эса шартномада келишилган аниқ муддатларда тўланади.

Фан-техника тараққиёти авж олган ҳозирги шароитда техника ва технологиянинг янги ютуқлари юзасидан назорат ўрнатиш учун кураш рақобатнинг асосий усулларидан бирига айланиб бормоқда. Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчи корхоналар кўпроқ харидорларни жалб қилиш мақсадида узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмолчилик товарларига кафолатли ва кафолатдан кейинги хизмат кўрсатишнинг турли хилларидан фойдаланмоқдалар. Масалан, компьютер ишлаб чиқарувчи фирма ўз маҳсулотини сотибгина қолмасдан, балки уни ўрнатади, истеъмолчи корхона ходимларини улардан фойдаланишни ўргатади, кафолатланган муддатда ва ундан кейинги даврда таъмирлаш ишларини бажаради, техник хизматни амалга оширади, маҳсулотлари ўлчамларини буюртмачи эҳтиёжларига яқинлаштиради.

Нархсиз рақобат усуллари ичида маркетинг муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнини талабга мослаштирувчи тадбирлар тизимидан иборат. Бозор иқтисодиёти шароитида талабни яхши ўрганган ва истеъмолчилар эҳтиёжларини тўлароқ қондира оладиган корхоналар ҳар доим рақобат курашида ғолиб чиқади.

Нарх воситасида амалга ошириладиган рақобат усуллари ўрнини нарх билан боғлиқ бўлмаган усуллар эгаллай бошлайди. Рақобат курашида товарлар сифати, уларни сотиш шарт-шароитларини яхшилаш ва реклама қилишнинг аҳамияти ортди. Кўпчилик фирмалар ўз товарларининг рақобатчилариникидан кўра яхшиланганлигини

ўзларининг товар белгилари ва фирма муҳрлари орқали кўз-кўз қилишга ҳаракат қилмоқдалар.

Товарлар бир хилдаги эҳтиёжни қондириши ва бир турга мансуб, лекин турли-туман истеъмол хоссаларига эга бўлиши мумкин.

Маҳсулот кўп бўлиб, сотувчилар уни тезроқ сотишга уринишганда, товарларни кредитга сотиш каби рақобат кураши усули муҳим аҳамият касб этади. Бунда товар нархининг фақат бир қисми, қолган қисми эса шартномада келишилган муайян муддат давомида тўланади.

Фан-техника инқилоби рақобат курашини ишлаб чиқаришдан олдинги босқичга кўчиради. Бу ўринда ихтиро ва хилма-хил техник ҳамда технологик такомиллаштириш, патентларга назоратни ўрнатиш хусусида гап бормоқда. Мазкур хатти-ҳаракатлар, албатта, бу маҳсулотнинг истеъмол хоссаларини муттасил яхшилаб бориш имконини беради. Шундай экан, ҳозирги шароитда фан ва техниканинг энг янги ютуқларини назорат қилиш учун кураш рақобатнинг асосий усулларида бирига айланганлиги таажжубланарли ҳол эмас.

Бундан ташқари, фирмалар харидорларни жалб қилиш ниятида ўз маҳсулотига кафолатли ва кафолатдан кейинги хизмат кўрсатишнинг турли хилларини амалга оширмоқда. Улар, масалан, дастгоҳларни нафақат ишлаб чиқарадилар ва сотадилар, балки уларни ўрнатадилар, буюртмачи корхона ходимларини улардан фойдаланишни ўргатадилар, уларни кафолатли ва кўпинча кафолатдан кейинги ремонтни бажарадилар, техник хизматни амалга оширадилар, дастгоҳлар параметрларини буюртмачи эҳтиёжларига ғоят яқинлаштирадилар ҳам.

Рақобатлашувда кўпчилик фирмалар, корпорациялар хизмат кўрсатиш орқали харидорларни ўзига жалб этиш дунё автомобиль сотувчи фирмалар ҳар бир автомобилни мижоз дидига мослаш боғлиқ бўлган мингдан яқин техник операцияларни бепул тартиб беради. Харидорга қулайлик яратиш орқали товарларни сотишда рақобатлашиш кучаяди.

Ишлаб чиқарувчиларнинг нархлар рақобатида маркетинг муҳим роль ўйнайди. Маркетинг умумий тарзда олганда, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнини истеъмолчи талабларига мослаштирадиган тадбирлар тизимидан иборатдир. Бозор иқтисодиёти шароитида бирорта ҳам корхона маркетингни четлаб ўта олмайди. Зеро, бозор шароитида яхшироқ йўл тута биладиган ва харидорлар эҳтиёжларини

тўлароқ қондира оладиган фирмалар ҳамиша ютиб чиқиши шакшубҳасиздир.

Рақобат ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бошқа ишлаб чиқарувчилар билан беллаша олмайдиган корхоналар ишлаб чиқаришни қисқартиради ёки тўхтатади. Ресурсларни тақсимлаш ва ишлаб чиқариш структурасини бозор рақобати ёрдамида оптималлаштириш механизмининг амалга оширилиши билан бир каторда, кўпинча, ишсизлик, ишлаб чиқариш таназзули, меҳнат ва хом ашёни исроф қилиш каби ҳолатлар ҳам содир бўлиб туради. Шунинг учун жамият рақобатларнинг салбий оқибатларини юмшатиш имкониятларини излайди.

Рақобатнинг ғирром усулидан ҳам фойдаланилади. Бунда саноат жосуслиги (рақибнинг молия режалари, янгиликлари ва бошқа сирларини ўғирлаш, рақибини хом ашё баъзалари, транспорт хизматидан махрум қилиш, рақиб корхонасида диверсиялар уюштириш, оммавий ахборот воситаларидан рақиб товарларининг обрўсини тушириш ҳаракатлари кабилар) воситаларидан фойдаланишга ҳаракат қилинади. Бундай усул, одатда, табиатан ёввойи бозор иқтисодиётига хосдир. Маданийлашган, яъни тартиблашган бозор иқтисодиёти шароитида ғирром усуллар сиқиб чиқарилади.

Тартиблашган бозор иқтисодиётида рақобатнинг ёввойи усуллари таъқиб этилади, ундан фойдаланганлар қонун билан жазоланади.

4-§. Мукаммал ва номукаммал рақобатлар

Иқтисодий адабиётда *мукаммал ва номукаммал рақобатлар* бир-биридан фарқланади. Аввалги мавзуларда нарх белгилаш ва бозор рақобати механизми тавсифланганда амалда уларнинг биринчиси мавжуд эканлиги хусусида сўз юритилган эди. Рақобатнинг иккинчисини эътиборга оладиган бўлсак, таҳлилни мураккаблаштиришга тўғри келади. Шунга кўра, дастлаб мукаммал рақобат хусусида батафсилроқ тўхтаб ўтамиз.


Мукаммал рақобат ва монополия. Бирор хил маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар ўртасида рўй берадиган рақобат *мукаммал рақобат*, ишлаб чиқарувчиларнинг ўзини эса мукаммал рақобатчилар деб аташ учун қуйидаги учта шарт бажарилган бўлиши керак:

1) сифат жиҳатдан бир хил етарли миқдордаги кўплаб товарлар ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган бўлиши;

2) ишлаб чиқарувчиларнинг ҳар бирига ишлаб чиқарилган ушбу товар умумий ҳажмининг арзимас бир қисми тўғри келиши;

3) ишлаб чиқаришнинг ушбу тармоғида капиталлар ва иш кучининг эркин оқиб келиши ҳамда оқиб чиқиб кетиши учун ҳеч қандай жиддий тўсиқларнинг бўлмаслиги.

Мукаммал рақобат шароитида тайёр маҳсулотнинг нархи объективдир. Бинобарин, мукаммал рақобатчи чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини қанчалик ўзгартирмасин, бозорда нарх ўзгармай қолаверади (1-расм).



Ҳап шундаки, талаб билан таклифнинг нисбатига арзирлик таъсир кўрсатиш учун уни ишлаб чиқаришнинг кўлами ғоят камлик қилади. Бундай рақобатнинг зидди монополия бўлиб, у фақат алоҳида субъект, субъектлар гуруҳи ёки давлат фаолиятининг муайян турини амалга ошириш ҳуқуқига эга эканлигини аниқлатади.

Мукаммал рақобатда бир хил товар ишлаб чиқарувчи кўплаб майда ва ўрта корхоналар иштирок этади. Улар учун кураш доираси кенг бўлиб, мавжуд тармоққа кириш ва ундан чиқиш, ахборотлар олиб туриш эркинлиги билан кафолатланади.

Соф рақобат тизимини мукаммал рақобатга мисол қилиб олиш мумкин. Соф рақобат тизимининг асосий хусусияти бозорда ўз товарларини таклиф қилаётган, бир-биридан мутлақо мустақил равишда иш кўраётган кўп сонли сотувчиларнинг мавжуд бўлишидир. Соф рақобатчи фирмалар бир турдаги товар ишлаб чиқарувчилардир. Демак, бир турдаги товарларнинг мавжуд бўлганлиги учун улар сифатини фарқлашга тўғри келади. Бунинг учун реклама орқали сотиш имтиёзларидан фойдаланилади.

Мукаммал рақобат шароитида нархлар талаб ва таклифлар асосида шаклланадики, рақобатчилар бу билан ҳисоблашишга мажбурдирлар. Товар ишлаб чиқаришда уларнинг улуши кам бўлганлиги учун у бозор нархига таъсир кўрсата олмайди. Пировардида, мавжуд нарх билан ҳисоблашиб иш кўриш лозим бўлади.

Мукаммал рақобат шароитида эркин рақобат чекланмайди.

Номукаммал рақобат деганда маълум даражада чекланган рақобат тушунилади.

Номукаммал рақобатнинг учта тури мавжуд: *монополистик рақобат, олигополия ва соф монополия рақобати*. Уларнинг бир-биридан фарқини 1-жадвалдан кўриш мумкин.

1-жадвал

Ўзига хос белгилари	Бозор моделлари (рақобат шакллари)			
	Эркин рақобат	Монополистик рақобат	Эркин рақобат	Олигополия
1. Фирма (корхоналар) сони	Жуда кўп	Кўп	Битта	Бир нечта
2. Маҳсулот тури	Бир хил	Табақалашган	Ноёб, яъни ўрнини босувчи йўл	Бир хил табақалашган
3. Нарх устидан назорат	Мавжуд эмас	Тор доирада	Сезиларли	Чекланган, ўзаро боғлиқлик, яширинча келишганда анча сезиларли
4. Тармоққа кириш шароити	Жуда енгил, тўлиқ мавжуд эмас	Нисбатан енгил	Кучли тўсиқ мавжуд	Сезиларли тўсиқ мавжуд
5. Нархсиз рақобат	Мавжуд эмас	Реклама, савдо белгилари, савдо маркалари ва шу кабиларга анча эътибор берилади	Фирмаларнинг ижтимоий ташкилотлар билан алоқасида реклама асосий ўрин тутди	Жуда оддий, асосий маҳсулотни табақалаштиришда
6. Мисоллар	Қишлоқ хўжалиги	Чакана савдо, кийим-кечак ва пойафзал ишлаб чиқариш	Ижтимоий фойдаланишдаги маҳаллий корхоналар	Пўлат, автомобиль, қишлоқ хўжалиги, кўплаб маиший, электр ишлаб, чиқариш ускуналар


Бозор иқтисодиёти шароитида монополистик рақобат ишлаб чиқарувчиларнинг мақоми уларнинг бозорда монопол нархлар белгилашида ва ўта катта фойда олишида намоён бўлади.

Монополияларнинг юзага келиши қанчалик ғайритабиий бўлмасин, энг аввало, товар ишлаб чиқарувчиларнинг рақобат кураши билан боғлиқдир. Рақобат уларни бозор стихиясини назорат қилиб туриш учун бирлашишга мажбур қилади. Бозорни тартибга солиб

туришга қодир ғоят улкан корхоналарнинг асосий ячейкалари бўлган йирик машинали ишлаб чиқариш босқичида бозорни монополиялаштиришда, айниқса, катта имкониятлар пайдо бўлади. Айни вақтда, бозор иқтисодиётида табиий монополия ҳам мавжуд бўлиб, у ишлаб чиқаришнинг нодир ва эркин тарзда такрор яратилмайдиган омиллари (фойдали қазилмалар, конлар, серунум ер участкалари, ноёб ижодий қобилиятлар ва ҳоказолар)га эгалик қилишга асосланган.

Тўла (мутлақ) монополия шароитида муайян иқтисодий неъматни фақат битта ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқаради. Дарвоқе, бозорда бор неъматларнинг ўрнини бирон бир тарзда боса оладиган неъматлар бўлмайди. Равшанки, бундай монополист нархларни мутлақ тарзда назорат қилиб туради. Бунда бирдан бир чекловчи омил талабнинг ўзгарувчанлигидир. Агар талаб ўзгарувчан бўлса, нархнинг ошиши, талабнинг камайиши ва ишлаб чиқаришнинг қисқаришига боғлиқ бўлади, ишлаб чиқариш миқёсларининг кенгайиши эса муқаррар равишда нархларнинг пасайишига олиб келади (2-расм).

2-расм



Эркин ёки мутлақ монополия битта фирма маҳсулотининг ягона ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади. Бу маҳсулот, яъни ўрнини босувчилар бўлмаса мавжуд бўлади. Эркин монополиянинг ўзига хос белгилари қуйидагилардан иборат:

1. Тармоқ битта фирмадан иборат бўлганлиги сабабли, маҳсулот (хизмат) нинг ягона ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади.

2. Маҳсулотнинг ўрнини босувчиси бўлмаганлиги сабабли, истеъмолчи фақат монополистдан маҳсулотни сотиб олишга мажбур бўлади. Монополист таклиф қилинадиган маҳсулот ёки хизматнинг турига қараб, кенг реклама билан шуғулланиши ҳам, шуғулланмаслиги ҳам мумкин. Масалан, бриллиант каби зеби-зийнат буюмларини сотувчи эркин монополист ўз маҳсулотига талабни кўпайтиришга ҳаракат қилиб, кенг рекламадан кенг фойдаланиши мумкин. Бошқа

томондан, маҳаллий-коммунал хизмати идораси реклама учун катта харажатлар қилишининг ҳожати йўқ. Чунки сув, газ ва электр энергияга зарурият сезган аҳоли бу хизмат турларини кимдан сотиб олишни рекламасиз ҳам яхши билади.

3.Эркин монополия шароитида фирма нарх юзасидан сезиларли назоратни амалга оширади. Бунинг сабаби оддий. Монополист маҳсулот (хизмат)нинг ягона ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади, бинобарин, таклифнинг умумий ҳажмини назорат қилиб туради.

4.Монополиянинг мавжудлиги тармоққа кириш учун тўсиқларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Иқтисодий, техник, ҳуқуқий ёки бошқа тўсиқлар янги рақобатчиларнинг тармоққа киришига йўл қўймайди.

Тармоққа кириш учун тўсиқлар ҳар хил кўринишларни олади. Булар қуйидагилардан иборат.

А) *Ишлаб чиқариш миқёси тақозо қиладиган тўсиқлар*, шу жумладан, молиявий тўсиқлар кўпинча шунчалик катта бўладики, бу тармоққа киришни тақиқлаш билан баробар демакдир. Масалан, йирик ишлаб чиқарувчи ҳисобланган автомобиль саноатига кириш учун янги технологияга асосланган зарур ускуналарни сотиб олиш жуда катта пул, капитал эвазига талаб қилинади.

Б) *Табиий монополияларнинг хусусиятлари тақозо қиладиган тўсиқлар*. Бунинг мазмуни шундан иборатки, бир қанча тармоқларда рақобат мавжуд бўлмайди, уни амалга ошириш мумкин эмас. Ижтимоий фойдаланишга асосланган бундай тармоқ корхоналари **табиий монополиялар** дейилади. Табиий монополияларга электр, газ ва сув таъминоти, кабелли телевидение, алоқа корхоналари кабилар мисол бўла олади. Бу тармоқларга, одатда, давлат томонидан чексиз имтиёзлар берилади. Шу сабабли давлат бундай монополиялар фаолиятини тартибга солишда ўз ҳуқуқини сақлаб қолади. Агар тармоқлар давлат мулкчилигига асосланган бўлса, бунда ижтимоий фойдаланишдаги корхоналар тартибга солинадиган ёки **давлат томонидан тузилган монополиялар** дейилади.

В) *Патент ва лицензиялар каби қонуний тўсиқлар*. Давлат тармоққа кириш учун патент ва лицензиялар бериш йўли билан қонуний тўсиқлар ҳам яратади. Патентлар тадқиқотчининг ўз маҳсулотини тўлиқ назорат қилиш ҳуқуқини беради. Улар, албатта, тадқиқотчи учун амал қилиб турган даврдагина монопол ҳолатни таъминлайди. Давлат томонидан лицензия бериш йўли билан ҳам тармоққа кириш

ёки фаолият тури билан шуғулланиш чекланиши мумкин. Масалан, давлат миқёсида радио эшиттириш ва телевизион кўрсатувларга тегишли вазирлик (махкама) лицензия беради. Йирик шаҳарларда шахсий автомобилдан такси сифатида фойдаланиш учун маҳаллий ҳокимиятдан лицензия олиш зарур. Шу орқали такси таклифининг чекланиши такси эгалари ва шофёрлар учун монопол даромадни таъминлайди.

Г) Хом ашёнинг муҳим турларига, хусусий мулкчилик монополиялари томонидан потенциал рақобатчилар учун самарали тўсиқ яратиш воситаси сифатида фойдаланиши мумкин. Ишлаб чиқариш жараёни учун зарур ҳисобланган хом ашёга эга ёки уни назорат қилувчи фирма рақобатлашувчи фирмаларнинг пайдо бўлишига тўсқинлик қилиши мумкин.

Фирром рақобат. Фирмалар ўз рақибларининг тармоққа кириб келишини тажовузкорона ва шафқатсиз бартараф қилиши мумкин. Банк ва ресурсларни етказиб берувчиларни материал ва кредит беришдан воз кечтириш, етакчи мутахассисларни оғдириб олиш, баҳони кескин тушириш каби хатти-ҳаракатлар фирром рақобатнинг оддий ва кенг тарқалган усуллари дир.

Реал ҳаётда фақат эркин рақобат бўлмагани каби унинг қарама-қаршиси, яъни фақат эркин монополия ҳам мавжуд бўлмайди. Эркин рақобат ва эркин монополия бозор вазиятининг икки қутбини ифодаловчи назарий абстракт тушунчалар дир.

Номукаммал рақобат. Мукаммал рақобат ва «тўла монополия» тушунчалари илмий абстракция ҳисобланса-да, мутахассислар учун жамиятнинг иқтисодий ҳаётини чуқур таҳлил қилиш имконини беради. Амалда мукаммал рақобат ҳам, тўла монополия ҳам бўлмайди. Лекин шундай иқтисодиёт тармоқлари борки, улар ушбу «идеаллар»га жуда яқин бўлишлари мумкин (айни чоғда тўла монополиялаштирилган тармоқлар, одатда, давлат назорати остида бўлади). Ҳозирги замон бозор иқтисодиётида номукаммал рақобат, яъни бозор рақобатининг монополия билан қоришуви устундир (2-расм).

Фирма чиқараётган маҳсулоти ҳажмини ўзгартириш йўли билан унинг нархини ўзгартирадиган фирма **номукаммал рақобатчи** деб аталади. Америкалик машҳур иқтисодчи П.Самуэльсон донолик билан айтганидек, «бундан унинг (фирманинг) эгасининг феъли ёмон, у хотинини севмайди ёки счётлар бўйича ҳақ тўламайди, деган маъно келиб чиқмайди, асло». Муайян хил маҳсулотни чиқаришда

мазкур рақобатчининг улуши шу қадар катта бўладики, у ишлаб чиқаришни камайтириш ёки кўпайтириш таклиф даражасига, демак, товар нархига ҳам таъсир кўрсатади.

Номукамал рақобатнинг иккита жуда кенг тарқалган ҳолатини алоҳида кўрсатиш мумкин: 1) бирор товар бозорида ишлаб чиқарувчиларнинг сони кам бўлган (олигополия) ҳолати, 2) фарқловчи маҳсулотлар (масалан, автомобилларнинг турли хиллари)ни яратувчи ишлаб чиқарувчиларнинг сони кўп бўлган ҳолат.

Ҳар икки ҳолатда ҳам ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқариш ҳажми-ни камайтириш ёки кўпайтириш орқали нархларга каттагина таъсир кўрсатиши мумкин. Аммо нархларни тартибга солиб туришда қуйидагилар амал қилади: биринчидан, мутлақ монополист сифатида ҳам талабнинг ўзгарувчанлиги билан чекланганлик. Иккинчидан, ўхшаш маҳсулот ишлаб чиқарувчи (олигополия шароитида) оз сонли рақобатчиларнинг ёки бир-бирининг ўрнини босадиган товарлар (фарқланувчи ишлаб чиқарувчи сони кўп бўлганда)ни ишлаб чиқарувчи рақобатчилар хатти-ҳаракатларининг чекланганлиги.

Олигополия. Мукамал рақобатнинг яна бир тури олигополия шароитидаги рақобатдир. Унинг муҳим хусусияти шундан иборатки, рақобат курашида озчилик қатнашади. Товар ва хизматлар бозорида кам сонли фирмалар ҳукмронлик қилади, пировардида, олигополия рақобати юзага келади.

Олигополиянинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

1. Тармоқда оз сонли корхоналарнинг мавжуд бўлиши олигополиянинг энг муҳим белгисидир. Товарлар ва хизматлар бозорида нисбатан кам сонли ишлаб чиқарувчилар ҳукмронлик қилган тақдирда, тармоқ олигополистик ҳисобланади. Бундай тармоққа тегишли корхоналарнинг сони аниқ белгиланмайди. Чунки бозорнинг олигополия модели эркин монополия билан монополистик рақобат оралиғидаги катта соҳани қамраб олади.

2. Олигополистик тармоқ бир хил ёки табақалашган маҳсулот ишлаб чиқариши мумкин. Кўпчилик саноат маҳсулотлари, масалан, пўлат, мис, алюмин, қўрғошин, темир кабилар – физик хоссасига кўра бир турдаги маҳсулот ҳисобланади ва олигополия шароитида ишлаб чиқарилади. Истеъмолчилик товарлари, чунончи, автомобиллар, юувчи воситалар, сигаретлар, маиший электр буюмлар кабиларни ишлаб чиқарувчи тармоқлар **табақалашган олигополия** ҳисобланади.

3. Олигополия қандай усул билан ривожланишидан қатъи назар, кам сонли фирмалар ўртасидаги рақобат ўзаро боғлиқ бўлади. Олигополистик тармоқда ҳеч қайси фирма ўзининг баҳо сиёсатини мустақил ўзгартиришга ботина олмайди. Харажат ва талаблар ҳақидаги маълумотлар олигополистикнинг нарх ўрнатиши учун мавжудлиги муҳим ҳисобланади.

4. Унча кўп бўлмаган фирмаларнинг умумий ўзаро боғлиқликда жойлашиши яширинча келишиш учун қулайлик туғдиради. Яширинча келишиш баҳоларни қайд қилиш бозорни бўлиш ёки тақсимлаш ва бошқача йўллар билан ўзлари ўртасидаги рақобатни чеклашдан иборат. Яширинча келишиш бир қатор шаклларда рўй бериши мумкин. **Картел битими** унинг энг оддий шакли ҳисобланади. Картел битимига кирган фирмалар нархлар ва ишлаб чиқариш ҳажмини ўзаро келишиб олади. Келишилган нархни ушлаб туриш мумкин бўлиши учун ишлаб чиқариш ҳажми тартибга солиниши, яъни бозорга бўлинган бўлиши зарур.

5. Яширинча келишишда баҳога раҳнамолик қилиш ҳам ўз ўрнига эга бўлган норасмий восита ҳисобланади. Бунда тармоқдаги катта ёки анча самарали фирма нархни ўзгартириши, бошқа фирмалар эса ундан ўртак олиши мумкин.

6. Олигополистик тармоқда бозор улуши, одатда, нархсиз рақобат асосида аниқланади. Олигополистиклар асосий эътиборни нархсиз рақобатга қаратадилар. Чунки, биринчидан, рақобатчиларнинг реклама ва маҳсулотни ўзгартириши анча мураккаблашади, иккинчидан, олигополистиклар камдан-кам ҳолда нархсиз рақобатни молиялаштириш учун етарли молиявий ресурсларга эга бўлади.

Олигополия рақобати ҳукмрон бўлган тармоқларда ҳам стандартлашган, ҳам табақалашган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Рух, мис, алюминий, қалай, цемент, техник спирт кабилар, стандартлашган турли истеъмол буюмлари, яъни ҳар хил маркали автомобиллар, кир ювиш машиналари, сигаретлар, электрон асбоблари кабилар эса табақалаштирилган товарлар жумласига киради. Олигополия тармоқларида бир нечта фирма товар ишлаб чиқаришнинг асосий қисмини эгаллаб олади. АҚШ автомобиль саноатида мамлакатда сотиладиган автомобилларнинг 90 фоизи «Дженерал моторс», «Форд» ва «Крайслер» ҳиссасига тўғри келади.

Японияда автомобиллар ишлаб чиқариш ва сотиш соҳаларини «Тойота», «Хонда», «Ниссан» компаниялари тўлиқ эгаллаб олган.

Олигополия шароитида рақобат чекланган бўлади, чунки унга, янги фирмаларнинг кириб келиши жуда ҳам қийин кечади. Беллашув учун ҳажми жуда катта капиталга эга бўлиш керак.

Соф монополия дейилганда, маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқда ягона бир фирманинг фаолияти тушунилади. Якка ўзи ҳукмрон фирма ишлаб чиқарган товарлар ноёб ҳисобланиб, унинг ўрнини босадиган товарлар бўлмайди. Соф монополияда фирмалар ўз товарларини монопол нархда сотади. Соф монополия рақобатида товарлар ва кўрсатилган хизматларнинг аҳамияти қарам рекламаларга боғлиқдир. Баъзан рекламалардан фойдаланилмайди ҳам.

Бошқа фирмаларнинг соф монополия ҳукмрон бўлган тармоқларга кириб келиши қийин кечади, чунки барча йўллар тўсилган бўлади. Бунда катта капитал қийматига эга бўлган фирмаларгина иштирок этиши мумкин. Соф монополияли фирмалар миллий ва халқаро бозорда ўзига ўхшаш кучли фирмалар билан рақобатга дуч келиши мумкин.

Жаҳон бозорида АҚШнинг «Форд» автомобиль компанияси, Япониянинг «Тойота», Германиянинг «Мерседес бенц», Франциянинг «Пежо» фирмалари рақобати кучли ўтади.

Нарх воситасида амалга оширилувчи рақобат усуллари ўрнини нарх билан боғлиқ бўлмаган усуллар эгаллай бошлайди. Рақобат курашида товарларнинг сифатини ошириш, уларни сотиш шарт-шароитларини яхшилаш муҳим аҳамият касб этади. Товарларни сотишда рекламанинг аҳамияти ортади. Кўпчилик фирмалар ўз товарларини рақобатчилариникидан яхшиланганлигини ўзларининг товар белгилари ва фирма муҳрлари орқали кўз-кўз қилишга ҳаракат қилади.

Ресурсларнинг бир тармоқдан бошқасига эркин оқиб ўтишини ҳамда ҳар бир хоҳловчи кишининг ўз ишини бошлаш имкониятини тақозо этувчи ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида монополия узоқ вақтга чўзилиши мумкин эмас. Фақат нархни ошириш ҳисобига фойдани кўпайтиришга интилувчи номукамал рақобатчи, аслини олганда, мағлубиятга маҳкумдир. Зеро, бозорда ҳар бир дамда анча паст нарх, ўрнини босувчи товар (бир-бирининг ўрнини босувчи неъматлар)ларни таклиф этувчи рақобатчи пайдо бўлиши турган гап. Ниҳоят, «бизнинг» номукамал рақобатчимизнинг товарларини сотиб олишини камайтирилиши, ҳатто тўхтатиб қўйилиши мумкин. Монополиялар, кўриб турибмизки, рақобат курашини йўқотмайди ва

ишлаб чиқарувчининг ҳамиша гуллаб-яшнаши учун кафолат бермайди.

Рақобат кураши усуллари номукаммал бозор учун ҳам характерлидир. Аммо бунда ўзига хос жиҳатлар ҳам бор. Борди-ю, монополиялар монополиялаштирилмаган сектор корхоналари билан курашда рақобатнинг нархларга алоқаси бўлмаган рақобатини афзал кўраса, кучли рақибларнинг нархларни пасайтириш воситаси билан бири-бирига қарши кураш олиб бориш улар учун жуда қимматга тушади.

Йирик корпорациялар учун бозорни кўлга киритишнинг воситаларидан бири рекламадир. Ҳозирги кунда АҚШ ва Япония йирик фирмаларининг рекламага ажратаётган маблағлари савдо оборотининг 7-15 фоизига етиб қолгани бежиз эмас. Номукаммал рақобат шароитида рақибларнинг хом ашё, ишчи кучи сотиш бозори, ахборот, кредитлар ва ҳоказоларга эга бўлиш имкониятларини чеклаш каби кураш усуллари ҳам фойдаланилади.

Жадвал ва графикдан кўриниб турибдики, қолган омиллар миқдори ўзгармаган ҳолда ишлаб чиқариш омилларидан бирининг миқдори ўзгариши маҳсулот ҳажмининг муайян пайтга қадар кўпайишига олиб келиши мумкин. Шу жараёндан кейин ишлаб чиқариш ўзгарувчи омилнинг унумдорлиги пасая бошлайди. Гап шундаки, бундай омил миқдори ўса борган сари тобора кам миқдордаги доимий омиллар билан қўшилиб туради. Шу туфайли эса харажатларнинг турли хил улушлари ўртасидаги мувозанат бузилади ва ишлаб чиқариш самарадорлиги пасаяди.

Барча омиллар миқдори мутаносиб равишда кўпайгани ҳолда, улар ўртасидаги мувозанат бузилмайди ва унумдорликнинг пасайиши қонуни «ишламайди». Ишлаб чиқариш жараёни ва унинг айрим элементлари такомиллаштирилган шароитда ҳам «ишлаб кетмаслиги» мумкин. Чунончи, ишлаб чиқаришнинг техник базаси ривожланиб борган сайин ишчи кучининг битта бирлигига ашёвий омилнинг тобора катта бирлиги тўғри келадики, бу техник тараққиётининг энг муҳим қонуниятидир.

Мукаммал рақобатчининг ишлаб чиқариш ҳажмини оптималлаштириш. Энди чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини оптималлаштириш муаммосини кўриб чиқамиз. Даставвал, мукаммал рақобат шароитида ишлаётган корхонани олиб кўрамиз. Фараз қилайлик, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши у чиқараётган товар нархини ўзгартира олмайди.

Иккинчи жадвалдан, бир томондан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдори билан, иккинчи томондан, корхона харажатлари ва фойдаси ўртасидаги нисбат, нархлар қайд этилган (ушбу мисолга нархларнинг учта вариантдан фойдаланилади)лиги кўришиб турибди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмининг 11та вариантыни кўриб чиқамиз: маҳсулотнинг 0, 100, 200, ...1000 бирликлар, 200 долларга тенг доимий харажатлар шароитида ўзгарувчи харажатлар ишлаб чиқариш миқёслари ўсиб борган сайин кўпая боради.

Маҳсулот ҳажми ўсади, улар билан бирга ялпи харажатлар ҳам ортади.

Харажатларнинг охири чегараси билан қиёслаб кўрилганда ўзгарувчи омил кўшимча бирлигини сарфлаш (бошқа омиллар миқдори ўзгармай қолган ҳолда)да олинган маҳсулот ўсишининг динамикасини кўриш мумкин. Ҳар 100 та кўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулотга тўғри келадиган доимий харажатлари (доимий омиллари) қайд этилган миқдори шароитида ўзгарувчи харажатлар (ўзгарувчи омил) ўсишининг динамикаси кўрсатилган. Иккала омил, гарчи, тўғридан-тўғри бир-бирига зид шаклда бўлса-да, аслида бир нарсани ишлаб чиқариш ўзгарувчи омили унумдорлигининг ўзгариши (биринчи ҳолатда ерга солинган ўғит бирлигини, иккинчи ҳолатда кўшимча 100 та маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ўзгарувчи харажатлар)ни кўрсатади. Энди унумдорликнинг пасайиши қонунига таяниб, ялпи харажатлар ўзгаришининг характерини тушунтириб бериш мумкин. Ишлаб чиқариш 300 та маҳсулотгача кўпайтирилган ҳолда уларнинг ўсиши жадал суратларига боғлиқ. Уларга ўзгаувчи харажатларнинг етарли бўлмаган миқдори қарама-қарши турибди. Ишлаб чиқариш 500 та маҳсулотгача кўпайтирилганда харажатларнинг охири чегараси жуда минимал даражага келади. Аммо маҳсулот ҳажмлари янада ошириб борилганда ўзгарувчи ва доимий омиллар ўртасидаги мувозанат доимий омилларнинг етишмаслиги оқибатида яна бузилади. Бунинг натижасида харажатлар ўсишнинг суратларидан ўзиб кетади. Ялпи харажатлар эгри чизиғи кескин тарзда юқорига кўтарилади.

Ялпи харажатлар миқдори маҳсулот миқдorigа бўлинганда, якка (ўртача) харажатлар қандай бўлиши мумкинлигини кўриб чиқамиз.

Якка харажатларнинг чиқарилаётган маҳсулотга яраша ўзгариши таҳлил қилинганда, товар бирлигига сарфланадиган харажатлар

минималлаштирилганда, яъни 600-700 донага етганда ишлаб чиқаришнинг ҳажми ғоят оптимал бўлиши мумкинлиги аёнлашади.

Монополист ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажми қанчалик катта бўлса, нархлар шунчалик пастлашади, демак, рақибларининг даромадлари ҳам камаяди. Айни чоқда монополистнинг ўзи ҳам зарар кўради, албатта. Аммо унинг иқтисодий қуввати монополлаштирилган сектор корхоналари билан нархлар рақобатида унга, шубҳасиз, устунлик беради.

Монопол юқори ва паст нархлар билан ишлаб чиқариш ва истеъмол соҳаларидаги реал ўзгаришлар ҳақидаги ахборотларни бузади. Зеро, монопол нарх талаб билан таклифнинг реал нисбатига қараб эмас, балки номукамал рақобатчининг бозор сиёсатига мувофиқ тарзда иш юритиши билан белгиланади. Натижада ишлаб чиқариш омилларининг бир тармоқдан бошқасига оқиб ўтишидан иборат стихияли механизм бузилади. Чунки у бозор нархига таянадиган ахборот негизида амалга оширилади. Айни чоқда ишлаб чиқариш ресурсларидан оптимал фойдаланишни таъминлайдиган механизм ҳам бузилади. Негаки, монополистлик тартибга солиб туриш товар нархи билан уни ишлаб чиқариш харажатлари ўртасидаги алоқани бузади. Истеъмолчи эса маҳсулот сотиб олар экан, уни ишлаб чиқариш жамиятга қанчага тушишига қараб эмас, балки унга тўлаши керак бўлган пул миқдорига қараб иш туттади. Ниҳоят, монополиялар тартибга солиб турадиган нархларга оид усуллардан бажонидил фойдалансалар (монополистлар паст нархлар белгилайдилар ва бу билан рақибларини хонавайрон қиладилар) вақтдаги ўзаро курашда монополистлар нархларга оид бўлмаган рақобатни афзал кўрадилар. Чунки кучли рақибларнинг нархларни пасайтириш йўли билан бири-бирига қарши кураши уларга жуда қимматга тушади.

Йирик корпорациялар учун бозорни қўлга киритишнинг воситаларидан бири рекламадир. Ҳозирги кунда АҚШ ва Япония йирик фирмаларининг рекламага ажратаётган маблағлари улар савдо оборотининг 7-15 фоизига етиб қолгани бежиз эмас. Номукамал рақобат шароитда рақибларнинг хом ашё, иш кучи сотиш бозори, ахборот, кредитлар ва ҳоказоларга эга бўлиш имкониятларини чеклаш каби кураш усулларидан ҳам фойдаланишади.

Унумдорликнинг пасайиш қонуни. Бозор хўжалиги таҳлилини давом эттириш билан бирга, унумдорликнинг пасайиши қонунини кўриб чиқиш зарур бўлади. Бу қонун чиқарилаётган маҳсулотнинг

Ўсиш билан уни ишлаб чиқариш харажатлари турларидан бири миқдорининг ўсиши ўртасидаги (харажатларнинг бошқа турлари илгариги даражада сақлаб қолинган ҳолда) алоқани кўрсатади.

Қуйидаги мисолни кўриб чиқайлик. Буғдой етиштириладиган ер участкаси мавжуд. Биринчи йил ўғит ишлатилмаганлиги учун олинган ҳосил 500 центнерни ташкил қилди. Иккинчи йилдан бошлаб, ерга изчил тарзда кимёвий ўғит ортиқроқ миқдорда солиниб борилди. Барча бошқа омиллар (ер участкасининг ҳажми, фойдаланилган техника ва иш кучи сони ва ҳоказолар) ўзгармай қолаверади. Маҳсулотнинг ўсиб боришини 2-жадвалдан кўриш мумкин:

2-жадвал

Солинган ўғит миқдори	Олинган маҳсулот миқдори (центнер)	Қўшимча ўғит бирлигини солишдан олинган маҳсулотнинг ўсиши (центнер)
0	500	-
1	550	50
2	620	70
3	720	100
4	790	70
5	830	40

2-жадвал учинчи устунининг маълумотлари ўзгартириладиган ишлаб чиқариш омили (ўғит) бирлигининг унумдорлигини кўрсатади.

Конъюктурадаги арзимас ўзгаришларга ҳам мувофиқлашув, мослашув қобилиятини йўқотади.

Монополист мукамал рақобатчини бир қатор манфаатдорликлардан маҳрум қилади. Ишлаб чиқариш омиллари ва натижаларига қараб, нархларни тартибга солиб туриш имконияти монополистни муайян даражада бозор ва рақобатга қарамасликдан халос этади. Модомики, у фойдани максималлаштириш муаммоларини нархларни ошириш йўли билан ҳал қилар экан, унда харажатларни камайтириш, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришни яхшилашга ҳожат қолмайди.

Бозорни монополлаштириш келтирадиган яна бир офат монополиялар ўртасидаги шафқатсиз рақобат курашидир. Мижозлар учун иккита кичик сартарошхона қурилгани бир гапу, катта-катта концернларнинг курашга кириб кетиши бошқа гап. Нархларни тартибга

солиб туриш имконияти рақобат курашида ғоят кучли курул, лекин у икки томонлама ўткирдир. Шу боисдан, монополиялар ўртасидаги ҳаддан ортиқ рақобат унинг иштирокчиларига ҳам, бутун иқтисодиётга ҳам хонавайронлик келтириши турган гап.

5-§. Ўзбекистонда рақобатчилик муҳитининг вужудга келиши ва антимонопол қонунчилик

Рақобатнинг амал қилиши маълум шарт-шароитларнинг мавжуд бўлишини тақозо этади. Бундай шарт-шароитлар фақат бозор муносабатлари қарор топган муҳитда мавжуд бўлиши мумкин. Шундай экан, бозор иқтисодиётини юзага келтириш айна вақтда рақобатчилик муҳитининг шаклланишини ҳам билдиради.

Иқтисодий субъектларнинг қулай мавқега эга бўлиш, даромад олишга интилишлари натижасида рақобат келиб чиқади. Рақобат тарихий тараққиёт маҳсули бўлганлиги учун унинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатлари мавжуддир. Рақобатда инсон манфаатини акс эттирувчи барча хусусиятлар, яъни ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий каби қатор бошқа жиҳатлар асос сифатида юзага чиқади.

Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда рақобатчилик муҳити узок давр мобайнида ўз-ўзидан, эволюцион йўл билан вужудга келган. Бундай ҳолат аста-секин эркин рақобат муҳитининг ташкил бўлишига олиб келди.

Иқтисодиётда монополлашув тамойиллари кучайиб бориши билан рақобат чекланади. Шу сабабли рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришда давлат кам қатнашади. Бу давлатнинг монополияларга қарши сиёсатида ўз аксини топади. Ҳар бир мамлакатдаги аниқ вазият, яъни иқтисодиётнинг монополлашув даражаси, унинг миқёси ва характериға қараб, бу сиёсат эркин рақобат муҳитини янгидан яратиш, уни сақлаб қолиш, зарур бўлганда қайтадан тиклаш, рақобат усуллариға қарор топтиришга қаратилади. Масалан, АҚШда давлатнинг хусусий монополиялар фаолиятини чеклашга қаратилган тадбирлари 1980 йилда қабул қилинган трестларга қарши қонун (Шерман қонуни)да ўз ифодасини топган. Монополияларга қарши қонунчилик ва уни амалга ошириш учун кўриладиган чора-тадбирлар бошқа мамлакатларда ҳам шароит тақозо этган шаклларда амал қилмоқда.

Жаҳон мамлакатлари тажрибаси кўрсатадики, монополияларга қарши қонунчилик, асосан, қуйидаги йўналишлар бўйича шакллана-

ди: 1) ишлаб чиқариш (тармоқ)ни бошқарувчи қонунлар. Бу қонунларга кўра, ҳеч бир корхона (корпорация) бирор турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ярмидан ортиғини назорат қилишга ҳақли бўлмайди; 2) барча йирик корпорациялар иштирокчилари бошқа корпорациялар акцияларининг маълум чекланган миқдордан ортиғига эга бўла олмаслиги керак; 3) баҳоларни бозор мувозанати белгиланган даражадан юқори ёки паст тутиб туриш, нарх устидан келишиб олишни тақиқловчи картелларга қарши қонунларни жорий қилиш.

Миллий иқтисодиётда давлатнинг монополияларга қарши сиёсати рақобат олдидан шаклланиб бўлган мамлакатларда рақобатчилик муҳитини такомиллаштириш, бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда эса бу муҳитни янгидан шакллантиришга қаратилади.

Иқтисодий жараёнларни бошқариш ва уйғунлаштиришда давлат мулки монополияси ҳукмрон бўлган собиқ социалистик мамлакатларда, шу жумладан, республикамизда соғлом рақобат учун шарт-шароит ҳозирлаш, иқтисодий субъектлар мустақиллигини кенгайтириш орқали уларни рақобатчиликка жалб қилиш, иқтисодий ислохотларни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда давлатнинг рақобатчилик муҳитини шакллантиришга қаратилган сиёсатида хусусийлаштириш, давлат мулки ҳисобидан мулкчиликнинг бошқа шакллари вужудга келтириш асосий ўрин тутди. Хусусийлаштириш натижасида мулк эгалари кўлига топширилган тақдирда, кўп укладли иқтисодиёт ва рақобатчилик муҳити вужудга келади.

Рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришда хусусийлаштиришнинг иштироки турлича бўлади. Давлат мулки монополиясига барҳам бериш, бир хил маҳсулот ишлаб чиқариладиган, мулкчиликнинг турли шакллари (давлат, жамоа, акциядорлик, хусусий ва бошқалар)га асосланган кўплаб корхоналарни ташкил қилиш рақобатчилик муҳитини яратишдаги биринчи вазифа ҳисобланади.

Эркин иқтисодиётни вужудга келтиришнинг навбатдаги вазифаси ягона халқ хўжалиги комплекси шароитида таркиб топган тор ихтисослашган тармоқ монополия тузилмаларига барҳам беришдан иборатдир. Бундай тузилмаларнинг бозорда яқка ҳокимлик мавқеи сақланиб қолган шароитда содир бўлиши мумкин бўлган хавф, давлат корхонаси бўлиб қолганида юз бериши кўзда тутилган хавфдан кучлироқдир. Шу сабабли хусусийлаштирилиши чекланган, моно-

поллаштирилган тузилмалар сонини қисқартириб, уларни энг кам даражага келтириш зарур бўлади. Бунда монополияга қарши бошқарув чораларини кучайтириш, монополия туфайли ортиқча олинган фойдага ўсиб борувчи ставкаларга тегишли солиқ солиниши талаб қилинади.

Рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришдаги кейинги вазифа хусусийлаштирилган корхоналарга маълум давр давомида ўзининг олдинги фаолиятини сақлаб қолиш талабини бекор қилиш ҳисобланади. Бундай жараён чиқарилаётган маҳсулот таркибини тубдан ўзгартириш, талаб катта бўлган, ички ва ташқи бозорда рақобатлаша оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун янги имкониятлар очади.

Навбатдаги вазифа давлатга қарашли бўлмаган янги тузилмаларни, яъни яқка тартибдаги хусусий мулкчиликка асосланган, шунингдек турли хил кооператив, ширкат, масъулияти чекланган жамиятлар кўринишидаги кичик ва ўрта корхоналарни ташкил қилиб рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришдан иборат. Шунингдек, уларнинг кредитлар ва моддий ресурслардан фойдаланишлари учун кенг имконият туғдириш ва ташқи иқтисодиёт фаолият юритишда эркинлик бериш лозим.

Рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришда иқтисодиётнинг давлат корхоналари сақланиб қолиши керак бўлган соҳалардаги корхоналар учун уларнинг бозор шароитларига таркибан мослашувига имкон берадиган хўжалик юритиш муҳанизминини ишлаб чиқиш муҳим ўрин тутади. Бу механизм давлат корхоналари иқтисодий жиҳатдан эркин бўлиши, уларнинг фаолияти тижоратлашган бўлишини ҳисобга олиши лозим.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришнинг асосий йўли, рақобатни инкор қилувчи давлат монополиясидан, нодавлат, турли хўжалик шаклларининг мувозанатига асосланган ва иложи борица, эркин рақобатни тақозо этувчи бозор тизимига ўтишдир. Бу ўринда рақобатчилик муносабатларини шакллантириш, аввало, мустақил товар ишлаб чиқарувчиларнинг пайдо бўлишини талаб қилади. Чунки рақобатнинг асосий шarti алоҳидалашган, мулкий масъулият асосида ўз манфаатига эга бўлган ва тадбиркорлик таҳликасини зиммасига оладиган хўжалик ва субъектларининг мавжудлиги, уларнинг бозор орқали алоқа қилиши кўзда тутилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида рақобатнинг асосий усули баҳо бўлганлиги сабабли нархларни эркин қўйиб юбориш рақобатли муҳитни вужудга келтиришнинг асосий талаби ҳисобланади. Ўзбекистонда шундай ҳолат ҳисобга олиниб, давлат назорати остидаги нархлардан келишилган нархларга, улардан эса эркин бозор нархларига ўтилди. Нархларнинг эркин қўйиб юборилиши билан бирга, маҳсулотларга давлат буюртмалари қисқартирилиб, уларнинг тобора кўпроқ қисми эркин сотишга чиқарилиб бориладиган бўлди.

Рақобат эркин иқтисодий фаолиятни талаб қилиши сабабли давлат рақобатчиларга бир хил имконият, бозор субъектларига бир хил шароит яратиши лозим бўлади. Шу билан бирга, иқтисодий монополизмни чеклаш ва давлатдан монополизмга қарши йўл тутилиши талаб қилинадигани, бусиз рақобатлашиш муҳити вужудга келмайди.

Ўзбекистонда шу мақсадда «Монопол фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги қонун (1992 йилнинг августи) кучга киритилди ҳамда унинг асосида рақобатчиликни ривожлантиришга қаратилган бир туркум норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Мазкур қонунга кўра, бозорда атайлаб тақчиллик ҳосил қилиш, нархларни монополлаштириш, рақобатчиларнинг бозорга кириб боришига тўсқинлик қилиш, рақобатнинг ғирром усулларини қўллаш ман этилди. Қонунни бузувчилар рақибига етказган зарарни қоплашлари, жарима тўлашлари, ғирромлик билан олган фойдадан маҳрум этилиши шарт. Монополияга қарши фаол чораларни амалга ошириш мақсадида Молия вазирлиги тизимидан Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бош бошқармаси тузилди. Унга рўйхатга киритилган монополия мавқеидаги корхоналар маҳсулоти бўйича нархларни ва рентабелликни тартибга солиб туриш ҳуқуқи берилди.

Ўзбекистон Республикасида монополияга қарши орган 1992 йил Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Монополияга қарши ва нарх сиёсати бош бошқармаси сифатида ташкил қилинди. 1996 йилда ушбу бошқарма негизида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ташкил этиш тўғрисида»ги фармони асосан монополияга қарши орган Молия вазирлиги таркибидан чиқарилди ва мустақил давлат қўмитасига айлантилди. Қўмитанинг Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда ва

Тошкент шаҳрида жами 14 та ҳудудий бошқармаси бўлиб, монополияга қарши, табиий монополиялар, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рекламалар ҳақидаги қонунчиликлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини олиб бормоқда.

Монополистик фаолиятни чеклаш ва соғлом рақобат муҳитини шакллантириш Давлат қўмитасининг асосий фаолият йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- республикада бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида рақобат муҳитини яратишга қаратилган шарт-шароит ва ҳуқуқий-меъёрий базани шакллантириш ва мустаҳкамлаш;

- табиий монополия субъектлари ва монополист корхоналар фаолиятларини доимо тартибга солиб туриш;

- фирром рақобат усулларининг олдини олиш ва чеклаш юзасидан назорат олиб бориш;

- иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат ва маҳаллий бошқарув органларининг меъёрий ҳужжатлари, шунингдек иқтисодий концентрациялашув юзасидан назорат олиб бориш фаолияти билан шуғулланиш.

1996 йилнинг 1 июли ҳолати бўйича республика ва маҳаллий бозорлар Давлат реестрида 5153 та маҳсулот, товарлар, ишлар ва хизматлар тури бўйича жами 878 корхона ҳисобга олинган эди. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўз устунлик мавқеидан фойдаланиб, ҳар хил қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида монополист-корхоналар Давлат реестрида қайд этилади. Ушбу реестрга маълум бир товар бозорида 65 фоиздан ортиқ улушга эга бўлган корхоналар киритилди. Реестрга олинган хўжалик юритувчи субъектлар ўз маҳсулотларининг нарх (тариф)лари ёки рентабеллик даражаларини Молия вазирлигида ёки жойлардаги молия органларида декларациядан ўтказишлари шарт.

Кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши, чет эл инвестицияларининг кўплаб келиши натижасида янги-янги корхоналарнинг барпо этилиши ҳисобига уларнинг товарлар бозорида салмоғи ортди, монополисткорхоналарнинг улуши камайди. Бу, ўз навбатида, Давлат реестрига киритилган монополист-корхоналарнинг сони камайиб бориши анча сезиларли даражада бўлаётганлигини кўрсатади.

1996 йилга нисбатан 2003 йилнинг 1 январига келиб, монополист корхоналар сони 2,5, монопол маҳсулотлар сони эса 17 мартага қисқарди. 2003 йилнинг 1 январига келиб, монополист корхоналар

Давлат реестридан 386 та хўжалик юритувчи субъектлар 247 та маҳсулот (товар, иш ва хизматлар) турлари бўйича ҳисобга олинди.

Республикада монопол мавқеига эга бўлган корхоналарни Давлат реестрига киритиш учун мезонларни белгилашда жаҳон тажрибаси ҳамда ўтиш даврининг ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олинади.

Ҳозирги даврда Республикада корхона ишлаб чиқарган муайян маҳсулотлар, товарлар бозоридаги шундай маҳсулотнинг 35% дан ортиқ бўлган тақдирда, мазкур корхона монополист сифатида Давлат реестрига киритилади. Озиқ-овқат товарлари гуруҳи учун бундай мезон даражаси қилиб 20% белгиланган.

Республикада монополиялар рўйхатига киритилган корхона (тармоқ)ларнинг бозордаги мавқеини тартибга солишда давлат бир катор усуллардан фойдаланади. Бундай усуллардан иккитасини ажратиб кўрсатиш лозим:

1. Монопол мавқеидаги маҳсулотлар нархларнинг энг юқори даражасини ёки рентабилликнинг чегарасини белгилаб қўйиш.

2. Ўз монопол мавқеини суистеъмол қилган монопол бирлашмаларини ажратиб ташлаш ёки майдалаштириш. Бу усул Вазирлар Маҳкамасининг қарори (1994 йил 18 июлдаги 366-сонли) билан тасдиқланган «Объектларнинг хўжалик юритувчи жамиятлар ва ширкатлар таркибидан чиқиш тартиби тўғрисида»ги Низом асосида амалга оширилади. Республикада фақат 1994-1996 йиллар давомида монопол мавқеидаги акциядорлар жамиятлари, ижара ва бошқа жа-моа корхоналар таркибидан 14972 объект чиқарилиб, мустақил корхоналарга айлантирилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» (1996 йилнинг апрели) қонун асосида фирром рақобатга, шу жумладан, Республика бозорларига белгиланган талабларга жавоб бермайдиган товарларни чиқаришга йўл қўймайдиган механизм яратишга ҳам алоҳида эътибор берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1996 йилнинг 27 декабрида «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Бу қонунда кўрсатилган муҳим йўналишлар қуйидагича:

- монополияга қарши тартибга солишнинг принципал жиҳатлари сақлаб қолинган ҳолда монополиялар томонидан бозордаги ҳукмронлик мавқеининг суистеъмол қилинишнинг олдини олиш;

- имкони борича монополиядан чиқариш ва соғлом рақобат муҳитини шакллантириш.

1996 йилнинг декабрь ойида «Товарлар бозорида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонунга ўзгартиришлар киритилиб, такомиллаштирилди. Янгидан қўшилган ўзгартиришда монополистик фаолият ва ғирром рақобатнинг олдини олиш, уни чеклаш, тўхтатишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари белгилаб берилди ва товарлар бозорида рақобатни шакллантириш, унга амал қилишни таъминлашга қаратилди.

Қўмита томонидан декларация қилинган нархларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик, истеъмолчиларга маҳсулот етказиб беришда турли хил ноқонуний шартларни, шунингдек бозорга кириш учун тўсиқлар қўйиш каби ҳолатларга йўл қўймаслик юзасидан назорат амалга оширилди. Масалан, 2002 йилда 906 та корхона ва ташкилотда текширишлар ўтказилиб, улардан 643 (70,9%) тасидан турли хилдаги қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди. Ноқонуний йўл билан олинган маблағ (жаримаси билан) 5167,2 млн. сўмни ташкил этди. Ушбу сумманинг 585,2 млн. сўми қишлоқ хўжалик корхоналарига қайтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йилнинг 31 мартдаги «Товар бозорида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори билан тасдиқланган «Нархлар (тарифлар)ни шакллантириш ва уларнинг қўлланилишини назорат қилиш тартиби»га 2002 йилнинг июнь ойида киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар натижасида қишлоқ хўжалиги корхоналарига сотилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича нарх соҳасида ҳисоб-китоблар тартиби бузилиши оқибатида олинган ортиқча маблағ уларнинг ўзларига қайтарилди.

Мисол учун, қишлоқ хўжалигида авиация хизматини кўрсатувчи САР авиакомпанияси фаолиятини текширишда 218,5 млн. сўмлик маблағ ҳамда «Узагромашсервис» ассоциациясининг корхоналари ва бирлашмалари текширилганда 342,6 млн. сўмлик маблағ қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ноқонуний равишда олинганлиги сабабли уларга қайтариш тўғрисида қарорлар қабул қилинди³³.

³³ Миллий иқтисодий рақобатбардошлигини таъминлаш муаммолари ва истиқболлари. – Тошкент, 2003, 11-бет.

Табиий монополияларни давлат йўли билан тартибга солиш улар маҳсулот (хизмат) ларига нархлар ва тарифлар даражасини, шунингдек таклиф этиладиган товарлар ва хизматлар турига доир асосий кўрсаткичларни белгилашни ўз ичига олади.

Рақобатчилик муҳитини шакллантириш мақсадида ва давлатга қарашли бўлмаган секторни қўллаб-қувватлаш учун тадбиркорликни ривожлантириш фонди, кичик ва ўрта бизнесни ўстиришга кўмаклашиш фонди ташкил этилди. Рақобатчилик муҳитини шакллантиришда кўплаб халқаро ташкилотлар ҳам фаол қатнашмоқда. Жумладан, ЮНИДО ёрдамида бир нечта бизнес инкубатор ташкил этилди. Европа ҳамжамияти Комиссияси Амалий алоқалар марказини, Германия техник кўмаклашув жамияти кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш марказини ташкил этди.

Асосий таянч тушунчалар

Рақобат – бозор субъектлари иқтисодий манфаатларнинг тўқнашишидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафликка эга бўлиш учун курашни англатади.

Товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат – товарларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нархда сотиш, умуман иқтисодиётда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашдан иборат.

Рақобат шакллари – рақобатчилик муҳитининг етуклик даражаси билан фарқланиб, соф (эркин) рақобат, монополистик рақобат, монополия ва олигополияни ўз ичига олади.

Рақобат усуллари – рақобат курашида қўлланиладиган восита ва дастаклардан иборат бўлиб, бунда рақобат нарх воситасида ва нархсиз рақобатлашиш усуллари орқали амалга оширилади.

Мукамал рақобат – бозорга маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобатни мукамал рақобат деб, ишлаб чиқарувчиларнинг ўзини эса мукамал рақобатчилар деб аташ учун учта шарт бажарилган бўлиши керак.

1) сифат жиҳатдан бир хил бўлган бирон неъматни етарлича катта миқдорда ишлаб чиқарувчилар ишлаб чиқарадилар;

2) ишлаб чиқарувчиларнинг ҳар бирига ишлаб чиқарилган ушбу неъмат умумий ҳажмининг арзимас бир қисми тўғри келади;

3) ишлаб чиқаришнинг ушбу тармоғида капиталлар ва иш кучининг эркин оқиб келиши ва оқиб кетиши учун ҳеч қандай жиддий тўсиқлар йўқ.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Сиз қуйидаги тушунчаларни қандай ўзлаштирганлигингни текшириб кўринг:

Бозор рақобати корхонанинг умумий (ялпи), доимий, ўзгарувчи, якка (ўртача) ва охириги чегарадаги харажатларни, корхонанинг фойдаси, фойда меъёри, тармоқ ички ва тармоқлараро рақобат, рақобатнинг нархга асосланган ва асосланмаган усуллари, маркетинг.

2. Рақобатнинг қандай турларини биласиз? Улар ўртасида қандай ўхшашлик ва тафовутлар бор?

3. Нима сабабдан талаб таклифдан ортиқ бўлса харидорлар ўртасида рақобат кучаяди, таклиф талабдан ортиқ бўлса-сотувчилар ўртасида рақобат кучаяди.

4. Рақобатнинг тармоқ ичидаги ва тармоқлараро шакллари иқтисодиётда қандай вазифаларни бажаради?

5. Нима сабабдан йирик фирмалар рақобатнинг нархга асосланган усулларида кўра нархга асосланмаган усуллари афзал кўрадилар? Сиз рақобатнинг нархга асосланмаган усуллари ҳақида нималарни биласиз?

6. Корхонанинг бозордаги аҳволини белгилайдиган асосий омилларни санаб кўрсатинг. Корхона рентабеллиги даражасини қандай қилиб кўтариш мумкин?

7. Монополистнинг мукамал рақобатчига нисбатан устунликлари нимада?

8. Монополиялар нима ва улар қандай юзага келади?

9. Номукамал рақобатнинг икки турдаги умумий белгилар ва тафовутларни аниқланг (олигополистик бозор ва кўп ишлаб чиқарувчилар фарқланувчи маҳсулотни таклиф қиладиган бозор).

10. Нима учун ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида монополия узок вақт бўлиши мумкин эмас?

11. Бозор иқтисодиётини монополлаштиришнинг салбий оқибатлари нималардан иборат? Солиқлар ёрдамида монопол ўта юқори фойдани тортиб олиш каби тадбир номукамал рақобатнинг ҳамма камчиликларини бартараф эта оладими?

IX БОБ. НАРХ-НАВО

1-§. Нархнинг моҳияти ва вазифалари

Бозор иқтисодиёти шароитида нархларнинг роли хилма-хилдир. Товарни айирбошлаш нархлар ёрдамида амалга оширилади. Нарх бозор иқтисодиёти категорияси бўлиб, товар қийматининг пулдаги ифодаси ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолиятида нарх муҳим иқтисодий восита, дастакдир. Нарх жамият учун зарур бўлган товарларни ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари миқдorigа амал қилган ҳолда ишлаб чиқаришга ва олинган фойдаларни самарали тақсимлашга ундайди. Товар ишлаб чиқаришда моддийлашган ва жонли меҳнат сарфланади. Уларнинг йиғиндиси товар қийматини ташкил этади. Лекин товар қиймати ҳар қандай меҳнатнинг сарфи бўлиб қолмайди, балки товарни ишлаб чиқариш учун сарфланган ижтимоий зарурий меҳнат сарфи, эҳтиёжни қондира оладиган, бозорда тан олинган меҳнат сарфидир. Меҳнатнинг натижаси истеъмолчиларга наф келтириши керак, лекин наф келтирмаса уни бозор тан олмайди, инкор этади.

Бозорда бир хил товар ишлаб чиқарувчи бир нечта якка тадбиркорларнинг товарлари таклиф этилади. Бундай товарларни ишлаб чиқаришда турли миқдорда якка меҳнат сарфланган. Бозорда бир тадбиркорнинг якка меҳнати тўла тан олинса, иккинчисиники қисман, учинчисиники эса умуман тан олинмаслиги мумкин. Товар ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнатнинг тан олинганлиги ёки олинмаганлиги унга сарфланган меҳнатнинг қопланадиган нархда сотилиши ёки сотилмаслиги билан ўлчанади, яъни бир нечта ишлаб чиқарувчининг бир хил товарни яратиш учун турлича миқдорда меҳнат сарфларининг ўртача миқдори бозордаги нархнинг асосини ташкил этади. Бу бозор томонидан тан олинган меҳнат сарфини кўрсатади.

Нархларнинг иқтисодий мазмунини унинг функциялари аниқ кўрсатиб беради. Нарх нимага тегишли бўлишидан қатъи назар (товар, хизмат, иш кучи, қарз пули нархи ва бошқалар), беш асосий функцияни бажаради.

Бозор мувозанатини таъминлаш функцияси. Нарх ишлаб чиқариш ва истеъмолдаги ўзгаришлардан хабар беради. Мисол учун, ёзув столига бўлган талаб бирон-бир сабабга кўра кўпайиб боряпти. Бундай ҳолат мебель дўконлари эгаларининг улар учун каттароқ нарх сўрашини тақозо этади. Бу биринчидан. Иккинчидан, сотувчилар мебель фабрикаларига ёзув столларига қўшимча буюртма берадилар,

чунки уларни кўпроқ сотиш даромадни оширишга олиб келади. Фабрикани айнан ёзув столи ишлаб чиқаришдан манфаатдор қилиш учун уларга мебель дўконларининг эгалари илгарисига қараганда баландроқ нарх таклиф қилишларига тўғри келади. Фабрикалар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун арраланган бинокорлик ёғочлари, пластмассалар, бошқа ресурсларни кўпроқ сотиб олишлари, шунингдек қўшимча иш кучи ёллашлари лозим бўлади. Ишлаб чиқаришнинг ушбу омилларига талабнинг ортиши уларнинг нархлари ошишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, уларни таклиф қилишнинг ўсишини рағбатлантиради. Шу тариқа ишлаб чиқаришнинг бир бўғинидан бошқасига ёзув столларига талаб ошганлиги ҳақидаги дарак етказиб турилади. Дарвоқе, ёғоч ёки арраланадиган материаллар ишлаб чиқарувчиларга ёзув столларига бўлган эҳтиёж қондирилмай қолаётганлигини билиш шарт эмас. Улар учун асосийси, кимларнингдир маҳсулоти учун каттароқ ҳақ тўлашга тайёрлигидир. Айнан шу нарса уларнинг ўз товарларини ишлаб чиқариш ва таклиф қилиш кўламлигини кенгайтиришга рағбатлантиради.

Нархлар нафақат истеъмол, балки ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлардан ҳам дарак беради. Масалан, ўрмонларга ўт кетиши натижасида ёғоч етказиб бериш, демак, ёғоч материаллар тайёрлаш учун хом ашё миқдори ҳам камаяди. Ушбу ҳол уларнинг нархи ошишига олиб келадик, бу ўз навбатида, мебель фабрикалари эгаларининг ёзув столларини илгариги миқдорда тайёрланиши бефойда қилиб қўйиши мумкин. Талаб илгаригича қолганда столлар ишлаб чиқаришни қисқартириш сотувчилар учун уларга баландроқ чакана нархлар белгилаш имконини яратади. Ёғоч ишлаб чиқаришнинг қисқариши ҳақидаги хабар шу тариқа ёзув столи истеъмолчисига етиб боради. Аммо унинг учун стол нархи нима сабабдан ошганлиги муҳим эмас. Истеъмолчи бундай ҳолат қандай рўй берганлигидан қатъи назар, товар нархи ошганлигига бир хилда қарайди.

Шундай қилиб, нарх бозордаги талаб ва таклифларнинг ҳажми ва таркибига таъсир этиш орқали уларни меъёрга солиб туради.

Ҳисоб-китоб, ўлчов функцияси. Нарх товар қийматининг пулдаги ифодаси бўлганлиги туфайли уни ишлаб чиқаришга кетган сарф-харажатлар, кўриладиган фойда-зарар, бажариладиган иш ҳажмининг ҳаммаси маълум нархларда ҳисоб-китоб қилинади. Ишлаб чиқариш ва унинг натижаларининг натурал-моддий кўрсаткичларини таққослаш ёки умумий кўрсаткичга келтириб бўлмайди. Маса-

лан: 1м газлама, 1 жуфт пойафзал, 1 м² газ, 1 квт-соат электр энергияси, 1 тонна пахта, 1 м² уй-жой каби кўрсаткичлар жамланганда, умумий кўрсаткичга эга бўлинмайди. Уларнинг умумий ўлчови пул, унда ифодаланган нарх бўлиши мумкин. Харажатсиз ишлаб чиқариш, савдо-сотик ёки банк ишини амалга ошириш мумкин бўлмаганидек, ишлаб чиқаришда ҳам маълум нархда сотиб олинган ресурслар сарф этилади. Машина-ускуна, хом ашё, ёқилғи, ҳар хил материал ва ишчи кучининг нархи бор. Уларнинг миқдори ўз нархларига кўпайтирилганда, харажат ҳажми келиб чиқади. Яратилган маҳсулот миқдорининг ҳар бири нархига кўпайтмаси ишлаб чиқариш ҳажмининг пулдаги ифодасини кўрсатади. Ҳисоб-китоб учун жорий ва қиёсий нархлар қўлланилади. Амалдаги нархлар билан йил давомида бажарилган ишлар жорий нархларни ташкил этади. Масалан, миллий ички маҳсулот, экспорт-импорт жорий нархлар билан ўлчанади. Иқтисодий ўсиш динамикаси, миллий даромад, реал иш ҳақи ва реал фойдалар эса қиёсий ҳисобланади.

Бунда муайян йил (база йили) асос қилиб олинади ва иқтисодий динамика шу йилдаги нарх билан ҳисобланади. Чунки жорий нарх инфляция туфайли ўзгариши мумкин. Нарх инфляция таъсиридан холи этилгандагина, реал иқтисодий натижани кўрсата олади. Негаки, иқтисодиёт пасайган шароитда нархнинг тез ошиб бориши ишлаб чиқариш ҳажмининг пулдаги ифодасини сунъий равишда ошириб юборади.

Иқтисодий регуляторлик функцияси. Бозор иқтисодиёти товар-пул муносабатига асосланганлиги учун товар ишлаб чиқариш бозор иқтисодиётининг моддий асоси бўлиб, унинг бозор билан алоқаси нарх-наво орқали юз беради. Шу туфайли нарх бозор иқтисодиётининг асосий воситаси ҳисобланади. Товар ишлаб чиқариш бозор иқтисодиётининг моддий асосидир. Унинг бозор билан алоқаси нарх-наво орқали юз беради. Нархдаги ўзгариш бозор ҳолати (конъюктураси)ни билдирадики, бу талаб-таклиф нисбатига боғлиқдир. Юқорида келтирилган мисолда ёзув столларига талабнинг ортиши уларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантириши ҳақида сўз юритилган эди. Лекин бундай ҳолат ҳам хом ашё, материалларни кўпайтириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун зарур ҳамма нарсаларнинг харид қилинишини талаб этади. Мебель фабрикасида бундай имкониятнинг пайдо бўлганлигига ишонч ҳосил қилинган эди. Зеро, столга бўлган талаб ва нархнинг ошиши кўшимча даромадни

таъминлайдики, у ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфланиши мумкин. Бинобарин, ёзув столининг нархи баландроқ бўлганда мебель фабрикалари эгаларининг ўз даромадларини янада оширишлари учун имкон яратилади.

Шуниси муҳимки, нархлар механизми ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдорини кўпайтиришигина эмас, балки ишлаб чиқаришнинг энг тежамли усулларини ишлаб чиқишни ҳам рағбатлантиради. Ёзув столи ишлаб чиқарувчиларнинг даромади сотишдан тушган пул билан ишлаб чиқариш харажатлари ўртасидаги тафовутдан иборат бўлганлиги сабабли энг кам харажат қилган ҳолда маҳсулот чиқариш улар учун фойдалидир. Ёзув столи ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ёғочнинг бирор хили борган сайин камёброқ ва қимматроқ бўлиб боради, деб фараз қилайлик. Бундай ҳолат хом ашёни тежаш, унинг ўрнини боса оладиган арзонроқ материални излашга, янгиликни ўзлаштиришга, яъни новацияга ундайди. Мебель фабрикаси нархни ҳисобга олган ҳолда янги технология жорий этиб ёки ресурсларнинг арзонини топиб харажатлар камайтирганлигин туфайли нарх пасайган шароитда ҳам яхши фойда кўриши мумкин. Шундай қилиб, нарх ишлаб чиқаришни тартибга солиб, уни ўзгартириб, такомиллаштириб туради, янада ривожланишни таъминлайди. Нархнинг регуляторлик функцияси мана шунда намоён бўлади.

Рақобат воситаси. Бозор иқтисодиёти эркин рақобатга асосланган. Рақобатнинг энг муҳими турларидан бирида нарх воситаси асосида кураш, фирмаларнинг ўз рақибларини енгиши, уларни бозордан сиқиб чиқариш учун нархларни ўзгартириб туриши маълум. Фирмалар харидорларни ўзларига оғдириб олиш мақсадида товарлар нархини пасайтиради, зарар кўрмаслик учун товарлар ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва сотиш харажатларини ҳам қисқартишга қаратилган тадбирлар кўради. Нархларнинг ўзгариши (масалан, пасайиши) иқтисодий неъматларни сотувчилар харажатлари билан боғланмаган ҳолда ҳам рўй бериб туради. Нарх муҳим иқтисодий дастак бўлганидан фирмалар уни тез-тез ўзгартириб, ўз мавқеларини мустаҳкамлаш учун кураш олиб боради.

Ижтимоий ҳимоя функцияси. Нархнинг ўзгариши иқтисодий неъматларнинг сотувчилар ва харидорлар турли гуруҳларининг даромадлари миқдорига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Бундай ҳолат, айниқса, аҳолининг айрим тоифалари моддий аҳволига ўзининг кучли таъсирини ўтказади. Шу сабабли аҳолининг камбағал, ночор

қатламлари учун товарлар арзонлаштирилган нархда сотилади. Бу ижтимоий дотациялаштирилган нарх бўлиб, у молиявий жиҳатдан давлат бюджети ёки турли хайрия маблағлари ҳисобига таркиб топади. Одатда, озиқ-овқат, кийим-кечак кабилар арзонлаштирилган нархда сотилади. Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий-хайрия нархлари асосий омил бўла олмайди, чунки улар онда сонда рўй бериб туради. Аслида, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга нақд пул бериладики, улар шу пул эвазига улар керакли товарларни бозор нархида сотиб оладилар.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида дотациялаштирилган нархлар давлат томонидан жамғарилади. Бундан мақсад аҳолининг кенг қатламларини энг зарур истеъмол моллари билан минимал даражада таъминлашдан иборатдир.

Дотациялаштирилган нарх ижтимоий ҳимояни таъминласа-да, иқтисодий ўсишни рағбатлантормайди. Чунки нарх ҳамма учун бир хил, шу нархда сотиладиган товар ҳам ҳамма учун тенг миқдорда бўлади. Аммо мазкур нархлар аҳолини ҳимоялаб туриш учун вақтинча зарур бўлади. Бозор иқтисодиётига ўтилгандан кейин эса дотациялаштирилган нархлар эркин нархлар билан алмаштирилади.

2-§. Нархларнинг ташкил топиши ва унга таъсир этувчи омиллар

Бозор иқтисодиёти шароитида нархларнинг шаклланишига бир нечта омиллар таъсир кўрсатади. Буларга қиймат, талаб ва таклиф, бозорлар киради. Нархлар, биринчи навбатда, товарларни ишлаб чиқариш жараёнида шаклланади. Иқтисодиётда шундай омил борки, у бозорларнинг турлари, харидор ва сотувчининг хоҳиш-ихтиёридан қатъи назар, нарх учун объектив асос бўла олади. Шундай омил товарнинг қийматидир. Нархнинг шаклланишида товар ишлаб чиқаришдан тортиб, истеъмолга етгунгача қилинган буюмлашган ва жонли меҳнат сарфлари иштирок этади. Бунга ишлаб чиқариш ва тижорат харажатлари киради. Жамики харажатлар нарх таркибига киради.

Ишлаб чиқариш харажатлари шартли равишда нархнинг «замини», талаб даражаси эса «шифти» деб олинади.

Умуман, нарх белгилаш мақсади уч муаммога нисбатан олинади. Биринчиси, товарнинг муомалага чиқариш ҳажмини аниқлаш, иккинчиси, максимал фойда олиш, учинчиси, рақобат муаммоларидир. Товарнинг муомалага чиқарилиш ҳажмини аниқлаш мақсадида нарх

белгилаш фирманинг ҳолати ва вазифалари билан чамбарчас боғлиқ. Рақобат шароитида товарни муомалага чиқариш ҳажмининг кўпайиши ўз-ўзидан, автоматик тарзда ўсадиган фойдани таъминлаб бермайди, балки ғоят мураккаб ва жуда кўп муаммоларни вужудга келтиради. Бундай ҳолатда корхона товарнинг муомалага чиққан мавжуд ҳажми ва ўз ўрнини сақлаб туришини мўлжаллайди. Бу корхоналарнинг нарх белгилашдаги мақсадлари маҳсулот сотиш ҳажмини кўпайтириш ёки сақлаб қолиш йўли билан шунчаки «жон сақлаш»га интилишдан иборат бўлади. Шу мақсадда улар нарх пасайтириш дастурларини қўллайди, диллер ва харидорларга пасайтирилган нархларни таклиф қилади. Улар тежамкор моделлардан фойдаланиб, корхонани синишдан сақлаб қолади. Корхоналар ўз товарларига қуйидаги мақсадларни кўзлаб нарх белгилайди.

Фойда олиш мақсади. Ишлаб чиқариш ва уни ташкил этиш билан боғлиқ харажатларнинг муттасил ошиб бориши нархни бевосита оширишга таъсир қилади. Лекин бундай ҳолатни бозор ҳар доим ҳам кўтара олмайди. Шунинг учун фирмалар нарх сиёсатидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Улар истеъмолчилар талабига билвосита таъсир кўрсатиш йўли билан фойдани кўпайтиришга интилади. Масалан, айрим фотоаппаратлар деярли ўз таннархида сотилади, фойда эса истеъмолчига фотоплёнкани юқори нархларда сотиш натижасида қўлга киритилади. Бундай ҳолатни соқол олгич ва унга қўйиладиган писка ҳамда бошқа ўзаро бир-бири билан боғлиқ товарлар савдосида ҳам кузатиш мумкин.

Фирмаларнинг нарх белгилашдан мақсади «инвестицияланган капиталдан кутилган фойда» олиш, яъни фирма ўзи сарф этган сармоянинг фоиз қайтимини олишга интилишидан иборат.

Рақобат соҳасига боғлиқ мақсадлар. Фирмалар рақобатга бардош бериш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ўз маҳсулотига нархни белгилайди. Бир қатор тармоқларда ҳамиша аниқ ифодаланган «нархлар етакчиси» бор. Бошқа субъектлар ўз маҳсулотига нарх қўйишда, шунчаки, мазкур етакчи изидан боради. Айрим ҳолларда субъектлар бозор ҳиссасини ошириш учун бозорга ғоят паст нархлар билан кириб келиши ёки қиммат нархларни сақлаган ҳолда, доимо моделларни яхшилаш билан шуғулланиши, янгиликларни қўллашдан фойдаланиб, сифат кўрсаткичлари бўйича бозорда пешқадамликни қўлга киритиши мумкин. Нарх таъсирида рақобат соҳаси билан боғлиқ мақсадларни амалга ошириш кўп қирралидир. Шунинг учун,

бозорнинг аксарият жабҳаларини ўрганиш, аниқ шарт-шароитлар асосида хулосалар чиқариб ечимлар белгилаш талаб қилинади.

Тадбиркорликда нарх белгилаш энг муҳим вазифалардан биридир. Айниқса, янги ишлаб чиқарилган, бозорда бўлмаган ёки камёб маҳсулотларга тўғри нарх белгилаш фирма фаолиятига жуда катта таъсир кўрсатади. Тадбиркорликнинг турларидан қатъи назар, ҳозирги кунда нарх белгилашнинг қатор усулларини қўллаш мумкин.

Формулалар ёрдамида нарх белгилаш. Кўпгина корхоналар ишлаб чиқариш харажатларининг жами миқдорини ёки харажат таркибидан айрим катта миқдордаги қисмини ҳисобга олган ҳолда нарх белгилайди. Биринчи ҳолатда фақат фойда кўзланиб қилинади, лекин нарх белгиланади; бунда талаб ҳисобга олинмайди, яъни товарнинг бозорда тўла сотилиши кафолатланмайди, нархни пасайтиришга қаратилган рақобатчиларнинг ҳаракатлари эътиборсиз қолдирилади.

«Ўртача харажатлар + фойда» принципи бўйича нарх белгилаш. Бу нарх белгилашнинг энг оддий усули ҳисобланиб, унда товарнинг таннархига муайян устама қўйиш кўзланади. Сотувчилар томонидан қўйилган нарх таннарх билан фойда нормаси йиғиндисига тенг миқдорда ўрнатилади. Устама нарх миқдори товар турига қараб, жуда кенг чегараларда тебраниб туради.

Товар ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етиб боргунча ишлаб чиқариш нархи улгуржи ва чакана нархларда ҳаракатланиб туради. Устама нархлар бўйича ҳисоблаш усули ишлаб чиқарувчилар ўртасида жуда кенг тарқалган. Бу усулда нарх белгилаш бозорда нарх рақобатини “минимумлаштириш”га олиб келади, аммо стандарт устамаларни қўллаш жорий талабнинг ўзига хос томонларини эътиборга олмайди. Натижада рақобатчилар ўз товарларига пасайтирилган нархларни ҳисобга олган ҳолда нарх белгилаши хавфли бўлиб қолади. Шу сабабли талаб даражаси ва табиати аниқ бўлган ҳолларда, шунингдек муайян миқдорда ва келишилган нархда товарлар ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш контрактлари тузилганда, нархни “ўртача харажатлар + фойда” принципи бўйича белгилаш маъқул ҳисобланади. Негаки, айрим маҳсулотлар истеъмоли йиллар давомида турғунлигини сақлаб, нархларнинг ўзгаришига таъсирчан бўлмай қолади.

Кўзланган фойда нормаси олишни таъминлайдиган нарх белгилаш. Бундай ёндашувни қўллайдиган ишлаб чиқарувчилар олдиндан сарф этилган капитал учун муайян фоиз даромад олишга

интиладилар. Бу усул ўртача солиштирма харажатларни ҳисоблашга асосланади. Инвестицияланган капитал учун кутиладиган даромад фоизи доимий харажатларга қўшилади ва харажатларнинг бир қисми ҳисобига ўтказилади. Сўнгра ўртача харажатлар миқдори томонидан ва орзудаги фойдани ҳам ўз ичига олган нарх белгиланади. Агар фирма режалаштирилган ҳажмда ўз товарини сота олса, у кўзланган фойда нормасини олишга эришади. Савдо ҳажми камайиб кетган тақдирда, маҳсулот босилиб қолади, фирма инвестицияланган капитал учун зарар кўради.

Чегаравий харажатлар бўйича нархни белгилаш. Бундай усулни қўллаш билан фирма маҳсулотнинг қўшимча ҳажми бирлигини шу маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг алоҳида қисми қийматига сотади. Бу ҳолда харажатларнинг фақат бир қисми қопланади, фойда амалга олинмайди. Нархни белгилашнинг бундай стратегияси фирманинг ишни тўхтатиши хавфи остида қолганда ва фойдаланадиган ишчи кучини сақлаб туришни хоҳлаган шароитларда наф келтириши мумкин. Бундан ташқари, нархлар рақобатида рақобатчи томонидан рақибларини йўлдан олиб ташлашда ҳам ушбу усулдан фойдаланилади. Ниҳоят, харидорларнинг дўконларга келишини кўпайтириш учун сотувчилар айрим товарларни тўлиқ харажатларидан пастрок баҳолаб, “жалб этувчи” нархлар яратадилар. Натижада харидорлар оқими кўпаяди, улар арзон нархдаги товарлар билан бирга нархи меъёрида бўлган товарларни ҳам харид қиладилар.

Товар қийматига қўшимча маҳсулот қиймати ҳам киради. У товар эгалари ва уни сотишни уюштирган фирмаларга товар сотилгандан сўнг фойда шаклида тегади. Товар нархи шундай даражада бўлиши керакки, у сотилгач, эл қатори ишлаган корхоналар ўз харажатларини қоплаши, бундан ташқари, нормал фойда ҳам олиши керак. Қиймат нархнинг объектив асоси бўлса-да, уни шакллантирувчи ягона омил бўлиб қолмайди. Бошқа омиллар ҳам нархга таъсир кўрсатади. Масалан, талаб ва таклифлар омили нархнинг шаклланишида муҳим аҳамиятга эгадир. Унинг ўзгариши оқибатида нарх ҳам ўзгариб кетади. Бозорда талабнинг таклифга нисбатан кўп бўлиши товар тақчиллигини келтириб чиқаради. Бундай ҳолатда, ўз навбатида, нархлар кўтарилиб кетади. Аксинча, таклиф талабга нисбатан кўп бўлса, нархнинг пасайиши юз беради. Бозорда талаб билан таклиф нисбатининг мавжуд бўлиши нархнинг қиймат атрофида тебранишига олиб келади. Бозор иқтисодиёти эркин иқтисодиётдир. Шу сабабли

сотувчилар ҳам, харидорлар ҳам кўпчилик бўлиб, улардан ҳеч бири ўз билганича нархни ўрната олмайди. Нарх рақобат жараёнида ташкил топади. Товар таклиф этувчи ўз нарhini айтади, харидор эса ўз нарhini таклиф этади. Харидор-сотувчининг ўзаро алоқасидан бозор нархи шаклланади. Бу мувозанат нархдир. Эркин рақобат бор жойда товарнинг бозор нархи юзага келади. Лекин бу нарх қотиб қолмайди, бозор ҳолатига қараб тез ўзгариб туради.

Товарнинг наф келтириш хусусияти истеъмол этиш жараёнида эгасининг, яъни харидорнинг индивидуал дидига қараб эҳтиёжини қондира олишида намоёнлашади. Товарнинг наф келтириши қанчалик юқори бўлса, шунчалик нарх қийматдан юқорига қараб интилади ва ҳатто унинг қийматидан узилиши ҳам юз беради. Лекин бундай ҳол камдан-кам учрайди. Чунки товарлар ғоят кўп бўлганидан айрим товарларнинг нафлилиги ўта юқориламайди. Уни ўринбосар товарларнинг нафлилиги тутиб туради. Нархнинг товар нафлилигига монанд ошиб бориши чексиз эмас, албатта. Негаки, наф келтириш меъёрининг ҳам охириги чегараси бўлади. Шу чегарадан ўтилгач, товарнинг нафлилиги пасая боради. Бинобарин, нафлилик энг юқори қониқиш ҳисси билан аниқланади. Шундан сўнг кўшимча харид этилган ва истеъмол қилинган товар нафлилиги пасаяди. Демак, нафлиликнинг нархга таъсири маълум вақтгача сақланиб туради, кейин эса нарх ошади. Ниҳоят, сўнгги босқичда нарх пасаяди, чунки нафлилик камаяди. Иқтисодиёт қонунияти нуктаи назардан қаралганда, товарнинг нафлилиги қанча юқори бўлса, унинг нархи ҳам шунча баланд нархни тақозо этса, рақобат кураши натижасида, у пасаяди. Демак, нарх турли омилларнинг зиддий таъсири остида шаклланади. Нарх шаклланишида бундай омиллар таъсири шу йўналишда борманидан, уларнинг нархнинг ўзгаришидаги роли ҳам бир хил бўлмайди. Нархга таъсир этувчи омиллар бозор характериға қараб ҳаракатға келади. Бозорнинг бир қисми эркин, бошқаси рақобатсиз ёки, аксинча, назоратли бўлади. Президент И.А.Каримов баҳо шаклланиши ҳақида сўз юритиб, шундай деган эди: «...чинакам талаб ва таклиф асосида вужудға келадиган эркин бозор нархларининг амал қилиши бозор иқтисодиётининг ғоят муҳим бўғини бўлиб, бу бўғин маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларнинг ўзаро жипс таъсирини таъминлайди».³⁴

³⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995, 88-б.

Рақобатсиз бўлган монопол бозорда товар таклифи танҳо бир фирма ёки озчилик фирмалар кўлида тўпланган ва харидорлар кўпчилик бўлган тақдирда, монополия келиб чиқади. Агар товарларни таклиф этувчилар кўп, харидор эса танҳо ва озчилик бўлса, монополия юзага келади. Монополия ва монополия бозор бўйича ҳукмрон бўлиб, рақобатни чеклайди.

Монополия шароитида ҳам нархни ошириш чегараси мавжуд бўладики, буни бозордаги талаб ўрнатади. Бозор товар нархни маълум даражагача кўтаради. Бироқ нарх жуда ошиб кетиши билан бозор касод бўлади. Фирмалар бозорнинг кўтаришига қараб, фойдани максималлаштириш мақсадида нархни оширишга ҳаракат қиладилар, лекин, барибир, бозордаги мавжуд талаб билан ҳисоблашишга мажбур бўладилар. Бозорда талаб доимо эластик бўлганидан нарх ошиб кетса, талаб қисқаради, бинобарин, товар кам сотилади, фойда максималлашмай қолади. Бунинг устига, монополия мутлақ ҳоким эмас, чунки унинг бошқа монополия тимсолидаги рақиби ҳам бор. Монополия нархни оширса, унинг рақиби нархни пасайтириб, харидорни оғдириб олиши мумкин.

Монополлашган бозорда фирмалар қанчалик кўп бўлса, нарх белгилашда рақобат шунчалик кучли таъсир кўрсатади. Бунда монопол зўравонлиги оз бўлади.

Лекин фирмалар ўзаро тил бириктиришлари ҳам мумкин. Бунда бозорда уларнинг биргаликдаги ҳокимлиги ўрнатилади. Фирмалар ўзаро келишиб, юқори нарх белгилаш, ишлаб чиқаришни қисқартириш йўли билан ҳам юксак фойда олишлари мумкин. Албатта, бу эркин бозор қоидаларига зид, аммо иқтисодиётда юз берадиган реал ҳодисадир. Шу сабабли давлат антимонопол қонунлар орқали бозордаги зўравонликни чеклаб туради. Монополия шароитида нархни оширишга мойиллик пайдо бўлса, монополия шароитида бунинг тескараси юз беради. Чунки бозорда харидорлар озчиликни ташкил этишса-да, бозорда уларнинг ҳукми ўтади. Монополия ҳокимлигини таъминловчи куч товарлар таклифининг ўзгарувчан бўлмаслиги ёки кучсизлигидир. Бунда товар таклифи нархга нисбатан бефарқ бўлади ёки унинг ўзгаришига суст жавоб беради. Нарх ошишига жавобан товар таклифи кўпаймайди, нарх пасайса ҳам қисқармайди. Бу монополия мавқеидаги харидорларга қўл келади. Улар танҳо ёки чекланган харидор бўлганидан сотувчига ўз измини ўтказиб, нархни туширишга

эришадилар. Монополияда сотувчи нархи устун бўлса, монополияда харидор нархи устунлик қилади.

Бозорда маъқеи кучли фирмалар нархни ўзгартириш орқали харидорларнинг ортиқча пулини олишга, халқ ибораси билан айтганда «шилиш»га интиладилар. Бундай ҳолат устама истемолни қўлга киритиш деб юритилади. АҚШда эса истемолчилар доллари учун кураш дейилади. Товарларни маълум миқдорда чиқариб, эл қатори нархда сотиш нормал фойда келтиради. Аммо фойдани ошириш учун турли гуруҳлар харидорларга харид қобилиятини ҳисобга олиб, ҳар хил нархда товар таклиф қилишади. Чунончи, бир гуруҳ одатдаги, иккинчиси учун арзонлаштирилган, учинчиси оширилган нархдаги товарларни таклиф этадилар. Харидорнинг истагини инобатга олиб табақалаштирилган нархлар диверсификациялашган нархлар деб аталади. Бундай нархлар, энг аввало, харидорнинг харид қобилиятига қараб фарқлантирилади. Товарлар учун белгиланадиган қатъий нархлар товар ишлаб чиқаришни рағбатлантирмайди, чунки, олинадиган фойда чекланган бўлади, ҳатто яхши ишлаб, яхши товар чиқарилган тақдирда ҳам фойда кўпаймайди. Давлат чегаралайдиган нарх ҳам иқтисодий жиҳатдан монопол нархга яқин, у бозор таъсиридан холи бўлади ва эркин иқтисодий фаолият талабига жавоб бермайди. Шундай қилиб, эркин рақобатли бозор ва монополлашган ёки рақобат чекланган бозорда нархларнинг шаклланиши ҳар хил кечади. Аммо, бундан қатъи назар, нархни шакллантирувчи умумий омиллар мавжуд. Лекин уларнинг нархга таъсири этиш меъёри бозор турига қараб ўзгаради. Нархни шакллантирувчи асосий омиллар товар қийматининг миқдори, талаб ва таклиф нисбати, товарнинг наф келтириш даражаси, рақобат ҳолати, давлатнинг нархга аралашуви, фирмаларнинг нарх белгилаш стратегияси ҳал қилувчидир.

3-§. Нарх турлари

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос тизими борки, ҳар хил, ўзаро боғланган, бир-бирини тақозо этувчи мақсадларда қўлланувчи нархлар мажмуасидан иборатдир. Нархнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги ўрни, аҳамияти катта бўлганлиги учун унинг ҳар бир туридан оқилона фойдаланишга катта эътибор берилади. Фирмаларнинг нарх белгилаш мақсадлари ва усулларида кўйидаги уч хил натижага эришиш кутилади:

а) товар сотишни кўпайтириш орқали бозорда ўз ҳиссасини ошириш, имкон бўлганда, бозорни ўз назоратига олиш;

б) ҳар бир товар (товар бирлиги)ни сотишдан тушадиган фойданинг камайишига рози бўлгани ҳолда товарларни кўплаб сотиш орқали фойда миқдорини ошириш;

в) товарни кўп сотиш натижасида унинг ҳажмига нисбатан савдосотиқ харажатларини қисқартириш.

Таҳлиллар кўрсатдики, нархнинг шаклланиш жараёни ўта мураккаб бўлиб, унинг иштирокчи унсурлари ғоят кўплаб вазифаларни бажаради. Иқтисодиётда амал қилиб турган барча нарх турлари нарх тизимини ташкил этади. Нархлар тизимида уларнинг турлари кўп. Қуйида шуларнинг айримлари ҳақида сўз боради.

Мувозанатли нархлар. Турли товарлар ўртасидаги иқтисодий жиҳатдан асосланган нисбатлар.

Улгуржи нархлар. Ишлаб чиқарувчилар томонидан катта массадаги товарлар кўтарасига сотилганда улгуржи нархлардан фойдаланилади. Бундай нархлар ишлаб чиқарувчилар ҳамда таъминлаш-сотиш ташкилотлари харажатларини қоплаш ҳамда уларнинг маълум миқдорда фойда олишини таъминлайди. Улгуржи нархлардан товар биржалари ва савдо уйларида ҳам фойдаланилади.

Демпинг нархлар. Бозорда рақибини сиқиб чиқариб, ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун қўлланиладиган махсус нарх. Бундай нархда ўз рақибини сиқиб чиқариш учун расмий нархнинг бир қисмидан кечиб юборилади.

Нуфузли нархлар. Фирма нарх кўйганда товар сотиш ҳажмини қисқартмаган ҳолда юқори нарх ҳисобига қандй йўл билан бўлмасин, фойда олишга интилади. Нуфузли нархни қўллаш учун бозорда рақобат чекланган бўлиши, монопол вазият эса устун туриши зарур. Мазкур вазиятда талаб нархга боғлиқ бўлмайди, шу сабабли нархнинг кўтарилиши товар сотилишини кескин камайтирмайди. Бундан ташқари, аҳолининг юқори даромад олувчи қатлами учун харидоргир товарлар ҳам мавжудки, улар нуфузли нархларда сотилади. Иқтисодий жиҳатдан юқори даражада ривожланган мамлакатларда юқори даромад олувчи аҳоли қатлами учун дала ҳовлига эга бўлиш, машҳур курортларда дам олиш, охирги модадаги кийимлар кийиш, янги моделдаги машинада юриш – буларнинг барчаси мартабали ёки обрўталаб истеъмол ҳисобланади. Мартабали истеъмол нуфузли нархларни юзага келтиради. Улар одатдаги нархлардан анча юқори бўлади. Бун-

дай нархларни қўллашда товарларни ишлаб чиқариш харажатлари ва рентабеллик даражаси бозордаги талаб, унинг ўзгариши ва рақобатлашув шароити ҳисобга олинади. Шунга қараб, маълум давргача ўзгармайдиган қатъий ва ўзгарувчи нархлардан фойдаланилади. Шундай товарлар борки, истеъмолчилар уларнинг нархи ўзгармаслигини афзал кўришади. Масалан, комунал хизмат, транспорт хизмати тарифлари бундай нархлар жумласига киради. Бозор кўламини ҳисобга олган ҳудудий, миллий ва халқаро нархлар ҳам мавжуд. Ҳудудий нарх фақат маълум ҳудуд чегарасидаги бозорга хосдир. У шу ҳудуд доирасидаги омиллар таъсирида ҳосил бўлади.

Миллий бозор нархлари бир мамлакат доирасида амал қилувчи ва уларнинг хусусиятини акс эттирувчи нархдир.

Миллий нарх мамлакат доирасидаги ижтимоий сарф-харажатлар, миллий бозордаги талаб ва таклиф, товарнинг нафлилиги, унинг қанчалик қадрсизланишини ҳисобга олади.

Жаҳон нархи муайян товарга сарфланган байналминал харажатларни, товарнинг жаҳон андозаси талабларига мос келиши даражасини ҳамда халқаро бозордаги талаб ва таклифлар нисбатини эътиборга олади.

Эркин бозор нархлари. Бундай нарх талаб ва таклиф асосида, савдолашув натижасида вужудга келади. Маданийлашган, тўйинган бозор шароитларини вужудга келтиришда эркин нархлар жамият ва бозор муносабатлари барча субъектлар манфаатларининг энг маъқул тарзда келишувларига имкон беради.

Чакана нархлар. Товарлар бевосита истеъмолчиларга сотилаётганда чакана нархлар қўйилади. Бунга товарнинг улгуржи нархи, чакана савдо ташкилотларининг харажатлари ва уларнинг оладиган фойдаси киради. Чакана нарх товарларга бўлган талаб ва таклифни бир-бири билан боғловчи ролини ўйнайди. Бунда нархлар ҳамда уларнинг нисбатига қараб юқори ёки паст бўлиши мумкин.

Шартномавий нархлар. Бу сотувчи ва харидорларнинг розилиги билан белгиланадиган, улар томонидан тузилган шартномада қайд қилинган нархлардир. Шартномавий нархлар, одатда, шартнома битими амал қилиб турган даврда ўзгармайди. Мазкур нархлар ҳам миллий, ҳам халқаро бозорда қўлланилади. У халқаро бозорда қўлланганда товар (хизмат)ларнинг жаҳон нархлари даражасига яқинроқ бўлади.

Давлат нархларни тартибга солиш фаолиятида чегараланган (лимитланган) ва дотацияли нархларни вужудга келтиради. Чегараланган нархларда уларнинг юқори ва қуйи чегараси белгиланади ва шу доирада ўзгариши мумкин. Бундай нархлар ёрдамида давлат инфляцияни жиловлайди, нархларни назорат қилади.

Дотацияланган нархлар. Бу давлат бюджети ҳисобидан махсус арзонлаштирилган нархлардир. Бундай нархлардан аҳолининг кам даромадли қоплами учун ҳаётий зарур неъматлар билан минимал даражада таъминлаб туришда фойдаланилади.

Стандарт нархлар. Бу харидор имкониятини ҳисобга олиб, маълум давргача ўзгармайдиган нархдир.

Ўзгарувчан нархлар. Харажатлар ва бозордаги талабнинг ўзгаришини ҳисобга оладиган нархлар ўзгарувчан нархлар жумласига киради.

Прейскурант нархлар. Бу сотувчи учун мўлжалланган, харидор учун билдириш ёки маълумотномада қайд этиладиган нархдир.

Нарх диапазони нархлар оралиғининг пулдаги ифодасидир. Нарх диапазони қуйи, ўрта ва юқори нархларни ўз ичига олади. Нарх диапазони қанчалик катта бўлса, товар муомаласи шунчалик тез амалга ошади. Чунки талаб билан нарх ўзаро боғланган бўлади. Диапазон доирасида нархнинг ўзгариб туриши, бир нархдан бошқасига ўтилиши харид ҳажмининг ўзгариб туришига олиб келади. Товар ишлаб чиқаришдан истеъмолга етиб боргунча, бир неча нархларга дуч келади. Дастлаб, улар улгуржи нархда сотилади. Бундай нарх ишлаб чиқарувчи томонидан катта миқдордаги товарларни бир йўла кўтарасига харид этувчига сотилаётган пайтда қўлланиладиган нархдир. Улгуржи нархлар ишлаб чиқарувчи учун харажатларни қоплаш ва маълум миқдорда фойда кўришни таъминлаши керак. У, албатта, қийматдан паст бўлиши зарур. Улгуржи нархлар товар биржалари, савдо уйлари ёки сотувчи билан харидорнинг бевосита алоқасида қўлланилади. Улар контракт нарх шаклида бўлади. Контракт нарх ҳар икки томоннинг розилиги билан белгиланади ва уларнинг шартномасида қайд этилади. Бундай нарх контракт амал қилган даврда, одатда, ўзгармайди. Чунки бу олдин келишилган бўлади. Унинг бузилиши икки томондан бирининг лафзсизлигини билдиради. Мазкур нархлар, кўпинча, мижоз фирмалар ўртасида миллий ҳамда халқаро бозорда қўлланади. Айтайлик, Ўзбекистон АҚШ ёки Канададан бугдой сотиб олганда уни контракт нарх билан кўтарасига харид қилади.

Бу нарх халқаро бозор нархига яқин туради. Истеъмол товарлари бевосита аҳолига чакана нархларда сотилади. Чакана нарх таркибига улгуржи нарх, савдо қилувчи фирманинг харажатлари ва оладиган фойдаси киради. Бундай нарх савдо фирмасининг зарар кўрмай ишлаши, фойда кўришини таъминлаши зарур, акс ҳолда, фирманинг фаолияти нафсиз ишга айланади. Амалда чакана нарх талаб ва таклифга қараб юқори ёки паст бўлиши мумкин. Давлатнинг нархларга аралашишдек фаолияти лимитланган ёки чегараланган нархлар ва дотацияли нархларни пайдо қилади. Давлат айрим товарлар учун нархларнинг юқори ва қуйи чегараларини белгилайди. Улар фақат шу доирада ўзгариши мумкин. Бундай нархлар ёрдамида давлат инфляцияни жиловлайди, нархларни назорат қилади. Дотацияланган нарх давлат бюджети ҳисобидан махсус арзонлаштирган нархдир. Уни бозор касод бўлганда фирмалар арзонлаштирадиган нархлар билан адаштирмаслик керак. Дотацияли нархлардан даромади паст оилалар, бева-бечоралар, ишсиз ва ногирон қабиларни минимал даражада таъминлаб туриш учун фойдаланилади. Давлат товарларни арзон сотган субъектларга бюджет ҳисобидан дотация беради. Махсус арзонлаштирилган, аммо дотацияси бўлмаган нархлар ҳам борки, уларни белгилашда фирмалар, хайри-эҳсон ташкилотлари қатнашади. Мазкур ҳомийлар одатдаги нарх билан арзонлаштирилган нарх ўртасидаги фарқни ўз ҳисобидан қоплайдилар. Бозор кўлами жиҳатидан олганда, минтақавий-худудий, миллий ва халқаро ёки байналминал нархлар мавжуд. Худудий нарх унга таъсир этувчи омилларнинг маълум худуд доирасидаги таъсиридан ҳосил бўлади. У фақат маълум худудий бозорга хос бўлади. Масалан, Ўзбекистонда қовун-тарвузнинг муайян жойлар (Андижон, Марғилон, Тошкент, Жиззах ва Термиз)га хос нархи мавжуд. Миллий бозор нархи бир мамлакат доирасида амал қилувчи ва уларнинг хусусиятини акс эттирувчи нархдир. Масалан, лимон ёки апельсиннинг Греция, Италия, Куба, Марокаш каби мамлакатларга хос нархлари бор. Миллий нарх доирасидаги ижтимоий сарф-харажатлар, миллий бозордаги талаб ва таклифлар, товарнинг нафлилигини, муайян жойда нақадар кадрланишини ҳисобга олади. Жаҳон бозори нархи маълум бир товарга кетган интернационал сарф-харажатлар, товарнинг жаҳон стандарти талабларига мос келиш даражаси, ниҳоят, талаб ва таклифларнинг нисбатини ҳисобга олади. Жаҳон нархи, албатта, миллий нархдан фарқланади. Йирик экспорт-импорт муомалалари жаҳон бозори нархларидан

товар бозорлари учун одатий ҳол бўлган шартлар асосида амалга оширилади. Улар жаҳон бозорларидаги мунтазам битишувларда фойдаланилади, тўловлар эса эркин муомаладаги валюта ҳисобида олиб борилади. Иқтисодиётда “нархлар мувозанати ёки нисбати”, деган ҳолат бор. У “нарх паритети” деб ҳам юритилади. Иқтисодиёт ягона бўлганлиги туфайли нархлар занжирли реакция каби бир-бирини юзага чиқаради. Масалан, руда нархи металл нархига, металл нархи машина нархига, машина нархи кийим нархига киради. Чунки бу нархлар жами харажатларни шакллантиради. Бозорда ташкил топган нархлар нисбати товар айрибошланганда ҳосил бўлган эквивалентликни-миқдорий тенгликни билдиради, яъни бир товарнинг қанчаси бошқа бир товарнинг қанчасига тенглаштирилганини билдиради. Нархлар нисбати унга таъсир этувчи омилларнинг ҳар хил амал қилишидан келиб чиқади. Бундай ҳолат, айниқса, жаҳон бозори нархларида яққол кўринади. Масалан, Ўзбекистон олтинининг экспорт қилиниши жаҳон бозоридаги нарх нисбатига таъсир этмай қолмайди. Нарх белгилаш сиёсати корхоналар ўзларининг умумий мақсадларига мувофиқ нархлар бўйича қарор қабул қилганларидан кейин кундалик фаолиятда риюя қилинадиган умумий қоидалардан иборатдир. Фирмалар нарх белгилашда ягона нарх сиёсати билан ўзгарувчан нархлар сиёсатидан бирини танлаш мумкин. Одатда, маркетинг бир нарх сиёсатида маҳсулотга ягона нарх белгилайди ва уни ҳамма харидорларга ҳар қандай шароитларда бир хил тарзда таклиф этади. Ўзгарувчан нархлар сиёсатини ўтказиш бир хил товарнинг ўзини турли истеъмолчиларга бозор вазиятига қараб ҳар хил нархларда сотиш имконини беради. Савдо-сотик фаолиятида маркетинг мутахассислари учун нарх белгилашнинг икки асосий сиёсати мавжуд. Булар “қаймоғини олиш” ва “кириб олиш” сиёсатидир. Шунингдек, бу хилдаги ёндашувларнинг бошқа турлари ҳам учрайди. “Қаймоғини олиш” сиёсатидан, аксарият ҳолда, бозорга янги маҳсулотни жорий этишда фойдаланилади. Бунда нарх қандайдир бир юқори даражада белгиланади, маҳсулот эса сегментация натижасида асосий деб эътироф этилган бозорда сотилади. Бозорнинг тўйинишидан сўнг истеъмолчиларни жалб этиш мақсадида нарх пасайтирилади. Шундай йўл билан тўлиқ даромад энг кўп миқдорга етказилади. “Қаймоғини олиш” сиёсатининг самарадорлигини қатор шароитлар белгилайди. Биринчидан, маҳсулотга бўлган талаб нарх даражасига қисман таъсир кўрсатади. Иккинчидан, харидорлар маҳсулотни ишлаб

чиқариш ва сотиш харажатларидан кам хабардор ва шу сабабли белгиланган суммани тўлашга тайёр бўладилар. Учинчидан, бозор доирасида нарх сегментлари мавжуд бўлиб, улар муайян чегараларда нархни ўзгартириб туришга имкон беради. Ниҳоят, “қаймоғини олиш” сиёсати бозорда рақобат йўқ вақтда, шунингдек бозорда яқин орада рақобатчиларнинг пайдо бўлиши кутилмаган ҳолларда яхши натижа беради. “Қаймоғини олиш” сиёсатининг бир қатор камчиликлари ҳам бор: биринчидан, юқори нархлар юқори фойда беради ва рақибларнинг фаол қизиқишини уйғотади. Дастлабки нарх қанчалик юқорилашгани сари ва бозорда рақибларнинг тез пайдо бўлиши эҳтимоли ҳам шу қадар кўпроқ рўй беради; иккинчидан, юқори нархларни жорий этишда муқобил маҳсулотлар нархларнинг ўртача даражаси нуқтаи назаридан қийинчиликларга учрайди. Мабодо, янги маҳсулот нархи ўзига ўхшаш маҳсулотларга қиёсан ғоят юқори бўлса, бундай маҳсулот бозорда яхши ўтмаслиги мумкин.

“Кириб олиш” сиёсати “қаймоғини олиш” ёндашувига зид ўлароқ, паст нархларни жорий қилиш ва катта ҳажмли товар айланмасини амалга оширишга чорлайди. Бу ёндашувга издош бўлган фирмалар арзон нархлар жозибаси маҳсулот сотиш ҳажмини жуда ошириб, товарни юқори нархларда сотишга қараганда, кўпроқ тўлиқ даромад келтиради, деб фараз қилишади. “Кириб олиш” сиёсати кўпроқ бозор нарх сегментларига ажратилмаган ва юқори нархли маҳсулотларни харид қилишга тайёр бозор харидорлари бўлмаган шароитларда қўлланилади. Шу сабабли, бундай сиёсатни ижтимоий кўзга ташланмайдиган ва ижтимоий мавқени, қиёфа рамзини бермайдиган янги маҳсулотларга нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, талаб нархга нисбатан таъсирчанроқ, арзонроқ нархлар янада кўпроқ товарни сотишга имкон берадиган шароитларда бу сиёсатнинг самараси кўзга яққол ташланади. “Кириб олиш” сиёсати рақобат бўлган ёки рақобатчилар бозорга енгилгина кириб оладиган ҳолларда қўлланилади. Бундай шароитларда фирмалар паст нархларни қўллаб, бозор “жозибасини” сўндирадилар. Аммо арзон нархлар стратегиясида зарар кўрмаслик нуқтасига етиш учун кўп миқдорда товар сотилиши керак. Аксарият ҳолларда, айниқса, маҳсулотни жорий этиш жараёнида эса арзон нархлар зиён кўришга олиб келади. Шу сабабли ягона йўл-товар сотиш бозорларини кенгайтириш, янги сегментлар излаш талаб қилинади.

Нархлар турли-туман бўлсалар-да, улар ўзаро боғлангандир. Чунки улар жамиятдаги моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарасини, уларнинг эҳтиёжларга хизмат қилишини кўрсатади. Иқтисодиётда нархлар мувозанати ёки нисбати деган ҳолат мавжуд. Уни нарх паритети деб ҳам юритилади. Иқтисодиёт ягона бўлганидан нархлар занжирли реакция каби бир-бирини юзага чиқаради. Масалан, руда нархи металл нархига, металл нархи машина нархига, машина нархи кийим нархига киради, чунки нархлар харажатларни шакллантиради. Бозорда ташкил топган нархлар нисбатан товар айирбошланганда, ҳосил бўлган эквивалентликни-миқдорий тенгликни билдиради, яъни бир товарнинг қанчаси бошқа товарнинг қанчасига тенглаштирилганини билдиради.

Масалан, бозорда 1 кг пахта 4 кг буғдой нархига, битта автомашина нархи 100 костюм нархига тенг бўлади дейлик. Биринчи ҳолда нархнинг нисбати 1:4, иккинчисида эса 1:100 га тенг бўлади. Бозорга шундай товарлар чиқариладики, улар кўпчилик ишлатадиган энг муҳим моддий ресурслар ҳисобланади. Уларнинг нархи, аксарият кўпгина товарларнинг харажатларини шакллантиришда қатнашади. Металл, нефть, кўмир, газ, ёғоч, буғдой, пахта каби товарлар шулар жумласидан бўлиб, улар ашё сифатида хўжаликларнинг кўпгина соҳаларида ишлатилади. Улар нархининг ўзгариши бутун нархлар нисбатини ўзгартириб юборади. Энергия омили бўлган ёқилғи товарлари нархининг ўзгариши энергия истеъмол қилинадиган жойларда товарлар нархини ўзгартиради. Маълумки, индустриал ишлаб чиқаришда энергиядан фойдаланмайдиган корхонанинг ўзи йўқ. Шу сабабли энергия омиллари нархидаги силжишлар нархларни оммавий равишда ўзгартириб юборади. Нархлар нисбати унга таъсир этувчи омилларнинг ҳар хил воситаларнинг амал қилишидан келиб чиқади. Бундай ҳолат, айниқса, жаҳон бозори нархларида яққол кўринади. Чунки бу жойдаги ва миллий бозордаги нархлар нисбати ҳар хил бўлади. Масалан, Ўзбекистон миллий бозоридаги нархлар нисбатига олтинни оз ёки кўп ишлаб чиқариш таъсир этмайди, чунки унинг ашё сифатидаги истеъмоли ғоят кам. Аммо Ўзбекистондан олтин экспорт қилинганда, у жаҳон бозоридаги нарх нисбатига таъсир этмай қолмайди. Бозордаги нархлар даражаси ва нисбати бозор ҳолатини белгилайди.

Нархлар даражаси уларнинг ўлчамидир. Бундай даража икки турга бўлинади:

1) мутлақ даража нархнинг умумий миқдори бўлиб, муайян товарнинг қанча туришини кўрсатади; у нарх омилларидан ташқари пул қадрига ҳам боғлиқ; пул қанча қадрили бўлса, у шунча паст бўлади ёки аксинча;

2) нисбий даража нархнинг харид қобилиятига нисбатини ифодалайди, аниқроғи, ундаги ҳиссаси ҳисобланади. У нарх харид пулининг неча фоизидан иборат эканлигини билдиради. Нарх даражаси ўта табақалашади, чунки харидорларнинг сотиб олиш қобилиятлари бир-биридан катта фарқ қилади. Нарх даражаси бозор ҳолатини белгилаб берганлиги учун савдо-сотиқ иштирокчиларига қулай ёки ноқулай бўлиши мумкин. Нархларнинг юқорилашуви сотувчи учун маъқул бўлса, унинг пасайиши харидорга қўл келади. Вазиятга қараб, нарх даражасининг ўзгариб туриши бозор иқтисодиёти учун табиий бир ҳолдир.

Асосий таянч тушунчалар

Нарх – товар қийматининг пулдаги ифодаси бўлиб, бозор иқтисодиётининг муҳим дастагидир.

Улгуржи нарх – ишлаб чиқарувчиларнинг товарларни кўп миқдордаги бир йўла кўтарасига сотаётганлари маҳалида пайдо бўладиган нарх.

Демпинг нарх – бозордан рақибларини суриб чиқариш, ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун қўлланиладиган махсус нарх.

Нуфузли нарх – фирма нарх қўйганида товар сотилишини қисқартмаган ҳолда унинг юқори нарх ҳисобига қандай бўлмасин фойда олиши кераклиги кўзда тутилган нарх.

Дотацияланган нарх – давлат бюджети ҳисобидан махсус арзонлаштириладиган нарх.

Стандарт нарх – харидор имкониятини ҳисобга олиб, маълум давргача ўзгармай турадиган нарх.

Контракт нарх – ҳар икки томоннинг розилиги билан белгиланган ва уларнинг шартномасида қайд этилган нарх.

Чакана нарх – истеъмол товарларини бевосита аҳолига сотиш нархи.

Эркин нарх – савдолашув асосида вужудга келадиган нарх.

Лимит нарх – максимал чегараси аниқланиб, ундан ошиқ даражада белгиланадиган нарх.

Прейскурант нарх – сотувчи учун мўлжалланган нарх, харидор учун билдириш ёки маълумотномада қайд этилган нарх.

Такрорлаш учун саволлар ва ўқув топшириқлари

1. Нархнинг иқтисодий мазмунини унинг вазифалари асосида тушунтириб беринг.

2. Нархларнинг асосий турларини қисқача тавсифлаб беринг.

3. Соф рақобат шароитида нархнинг ташкил топиш механизмини тушунтириб беринг.

4. Нима сабабдан давлат рақибини синдириш ва бозордан суриб чиқаришни кўзлаган ўта паст нархларда товар сотишни ман этади?

5. Нарх товар нафлигининг қайси нуқтасига қадар ортиб боради, сўнгра эса пасайишга мойил бўлади?

6. Тижорат магазинига кириб кўйлак олмоқчисиз. Сиз кўйлакларни кўриб, унинг нархи қандай эканлиги билан танишаётганингизда Сиздан сотувчи неча сўмлик кўйлак олмоқчисиз? деб сўрайди. Ўйлаб кўринг, бу савол билан у нима демоқчи?

Х БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ. ТАДБИРКОРЛИК КАПИТАЛИ ВА УНИНГ АЙЛАНИШИ

1-§. Тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти ва мақсади

Тадабиркорлик бозор иқтисодиётига хос махсус иқтисодий фаолиятдир. У фойда олиш мақсадида махсулот ишлаб чиқаради ёки хизмат кўрсатади.

Тадабиркор – ўз тасарруфидаги мулкни ишлатувчи, ўзга мулкдан фойдаланиб, товар ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатиш йўли билан пул топувчи шахс.

Мулкни ижарага берувчилар, пулини омонат банкка қўйиб фоиз олувчилар, қарзга бериб фоиз олиб судхўрлик қилувчилар тадабиркор ҳисобланмайди. Бундай шахсларнинг хатти-ҳаракатлари тадабиркорликка кирмайди. Тадабиркорлик машаққатли иш бўлиб, уни пухта амалга ошириш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

Тадабиркорлик билан шуғулланувчи киши, албатта, махсус тайёргарликка эга бўлмоғи керак. Аҳоли ичидан тадабиркорлик ишига қизиққан истеъдодли кишилар кўплаб топилади. Бизнес жозибадор иш бўлиб, ўз гирдобига кўплаб кишиларни тортади. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида шундай йўллар билан тадабиркор синф, яъни мулкдор синф вужудга кела бошлайди. Улар фойда олиш мақсадида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ташкил қилади ва бозор учун турли-туман товарлар ишлаб чиқаради. Тадабиркорлик билан шуғулланувчи кишилар тобора бойиб боради, натижада мулк миқдори кўпаяди, турмуш даражаси ўсади ва, пировардида аҳолининг табақаланиши юзага келади. Тадабиркорлик кенг ижтимоий ва иқтисодий муносабатларни ўз ичига оладики, бунда ҳуқуқий, тарихий ва руҳий жиҳатлар ҳам мавжуд бўлади. Капитализм тараққиётининг ибтидоида тадабиркорлик фаолиятини ўргана бошлаган қатор иқтисодчи, сиёсатчи, руҳшунослар, масалан, Ж.Б.Сей, А.Маршалл, В.Зомберт, Й. Шумпетер, Ф. Найт кабилар мазкур масалага алоҳида диққат-эътибор бера бошлаганди. Иқтисодиётнинг дастлабки босқичида “тадабиркор” кўпинча “мулкдор” атамасининг маъноси билан бир хил тушунилган. Кейинчалик, яъни реал хўжалик ҳаёти шароитида “тадабиркор” “мулкдор” тушунчасининг маъносида қўлланмай қўйди.

XVIII асрда Р.Кантильон, А.Тюго, Ф.Кэнэ, А.Смит, Ж.Б.Сей кабилар ўз асарларида тадабиркорлик ҳақидаги тушунчани турлича талқин қила бошладилар. Дастлаб тадабиркорликнинг ижтимоий-

иқтисодий вазифаси кенгайганлиги туфайли уни турли бозорларда талаб билан таклифнинг мувозанатини тиклашга доир таваккалчилик фаолиятдан иборат, деб тан олинди. Бозор иқтисодиёти ривожлана борган сайин “сармоя эгаси” ва “тадбиркор” тушунчалари бир-биридан фарқлана борди.

Р. Кантильон ва унинг тарафдорлари таваккалчилик асосида рақобатлашиб, савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхона эгасини “тадбиркор” деб ҳисоблайди. Тадбиркор олган фойда “таваккалчилик учун тўлов” деб қаралган.

И.Фон Тюнен тадбиркорликда таваккалчилик инновация фаолиятига доир вазифаларни бирлаштиради, деган фикрни билдиради. У: *“Тадбиркорлик фойдаси таваккалчиликдан ва янгиликларни қўллаб иқтисодий самарадорликка эришиши натижасида оладиган даромаддан ташкил топади”*, - деб ёзади.

Жан Батист Сэй эса тадбиркорни: *“Воситачи, ишлаб чиқариш омилларининг координатори ва тажриба ва билим эгаси”*, - деб таърифлайди. У “даромад миқдори тадбиркорлик қобилятининг баҳоси”, деган хулосага келади.

В. Зомбарг эса *“тадбиркорликдаги таваккалчилик фақат саноат, савдодогагина эмас, балки соҳаларга ҳам хос”*, - деб ҳисоблайди ва уларни қароқчи ҳамда талончилар билан тенглаштиради.

Йозеф Шумпетер тадбиркорликнинг қуйидаги бешта муҳим томони борлигини таъкидлайди:

1) истеъмолчиларга номаълум бўлган янги товарларни ишлаб чиқариши;

2) ишлаб чиқаришнинг давомий эканлиги ва мавжуд товарлар тижорийлигини таъминлай олиши;

3) янги товарларни ўзлаштириш;

4) хом ашёларни ишлатиш;

5) тармоқни такомиллаштириш.

Й. Шумпетернинг фикрича, *“Тадбиркор мулкдор бўлиши шарт эмас, у ёлланувчи бўлиши ҳам мумкин. Тадбиркор янги комбинацияларни амалга оширишчи шахсдир”*.

Баъзи адабиётларда “бизнес” ва “тадбиркорлик” тушунчалари бир-биридан фарқли эканлиги кўрсатилади. Яъни тадбиркорлик ишлаб чиқариш соҳасидаги, бизнес эса ишлаб чиқаришдан бошқа соҳалардаги иқтисодий фаолиятдан иборат деб изоҳланади.

Аслида “бизнес” ва “тадбиркорлик” тушунчаларининг моҳияти бир хил. Бизнесмен сўзи инглизчадан олинган бўлиб, business – иш (бизнес), men – одам деган маънони англатади. Иккала сўзнинг қўшилишидан “ишбилармон” маъносини билдирувчи сўз ҳосил бўлган. Бизнес, яъни тадбиркорлик иқтисодий категория бўлиб, у хўжалик юритиш усули, иқтисодий фаолият тури ҳисобланади. Тадбиркорлик асосида фаолият юритаётган яқка хусусий тадбиркорлар, жисмоний шахслар, корхоналар, ташкилотлар, улар номидан иш юритувчи юридик шахслар, ҳиссадорлик жамиятлари, жамоалари, шунингдек давлат корхоналари кабилар тадбиркорлик субъекти бўлиши мумкин. Аммо давлатнинг тадбиркорлик тартиби ва унга амал қилинишини назорат қилувчи ташкилотларнинг ходимлари тадбиркорлик субъекти бўла олмайди. Чунки даромад олиш учун сармоядан фойдаланиш имкониятига эга бўлган кишиларгина тадбиркорликнинг реал субъекти жумласига киради.

“Тадбиркорлик объекти” деганда маълум фаолият тушунилади. Шу фаолият туфайли яратилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар, ундан олинган даромадлар моддийлашади.

Тадбиркорлик фаолияти бозор иқтисодиётининг алоҳида бўғини бўлиб, такрор ишлаб чиқариш жараёнида хизмат кўрсатувчи ташкилий, иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва бошқа хўжалик муносабатларининг мажмуидир. Демак, тадбиркорлик бозор иқтисодиёти ривожланишини таъминловчи воситадир. Тадбиркорлик жамиятда ўз-ўзидан юзага келавермайди. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, тадбиркорлик фаолияти яхши ҳуқуқий базага эга бўлган тақдирда ҳам етарли ташкилий ва иқтисодий шароитлар яратилмаса, ривож топа олмайди.

Демак, тадбиркорлик билан иқтисодий тараққиёт ҳамиша бири-бирига боғлиқ ҳолда ёнма-ён боради. У доимо маълум йўналишда ташкил топиб, аниқ шаклларда ифодаланади, лекин хўжалик юритиш усули сифатида бир неча умумий хусусиятларга ҳам эгадир. Хўжалик субъектларининг мустақиллиги, иқтисодий манфаатдорлик, хўжалик юритишнинг доимо хатарли эканлиги ва жавобгарлиги шулар жумласидандир. Шунингдек, тадбиркорлик, аввало, новаторлик билан белгиланади, чунки у ҳамиша иқтисодий фаолиятда янгиликларни ахтариш, фаолият самарадорлигини кўтариш учун ҳаракат қилади.

Тадбиркор ўз фаолиятида мустақил, эркин равишда бирор қарорга келади. Бу эса бозор механизми ҳаракатини таъминлашга

кўмаклашади. Айтайлик, маълум сармояга эга ва истаги бор шахс тадбиркорлик фаолиятига киришиши, ўзининг тижорат ишини ёки ишлаб чиқаришни ташкил этиши мумкин. Бунинг учун ишлаб чиқариш омилларини, яъни ишлаб чиқариш воситалари ва иш кучини бозордан сотиб олади. Нима чиқариш, қанча ишлаб чиқариш, кимга сотиш, қанчага сотиш каби тадбирлар эркин тарзда, бозор ҳолатини ўрганган ҳолда тадбиркор томонидан мустақил ҳал этилади. Хўжалик юритувчи тадбиркор фаолияти бир-биридан алоҳидалашган бўлади, чунки улар мулк эгалари, меҳнат тақсимооти асосида ихтисослашиб, турли ишлар билан шуғулланади. Бозор иқтисодиётини ташкил этувчи тадбиркорлар кўпчиликдан иборат бўлиб, тарқоқ ҳолда фойда-зарарни ўз зиммасига олиб иш юритадилар. Фаолияти қай даражада тарқоқ бўлишига қарамай, бозор орқали бир-бирига боғланади.

Тадбиркорлик билан шуғулланувчи киши учун энг муҳим меъёрий ҳужжатлардан бири “Ўзбекистонда тадбиркорлик тўғрисида”ги қонундир. Мазкур қонун тамойиллари асосида тадбиркорлик синфи аста-секин ишчи, хизматчи ва деҳқонлар ҳисобига кўпая бошлади. Тадбиркорлар кичик ва ўрта бизнес билан машғул бўлганлар, фермерлар, оилавий бизнес билан шуғулланувчилар, акциядорлик жамияти аъзолари ҳамда яқка тартибда ишловчилардан иборат:

1) тадбиркорлар фаолиятидаги эркинлик, қонун билан тақиқланмаган фаолият билан шуғулланиш учун ўз мол-мулкни ёки ўзга мулкни ижарага олиб, уни эркин ишлата олиш Тадбиркор қонун билан ман қилинмаган ҳар қандай иш тури билан фаолият кўрсатиши мумкин;

2) тадбиркор ўз хўжалик юритиш фаолиятида олган фойдасини тақсимлашда мустақил иш кўради. Яъни тадбиркор масъулиятини ўз зиммасига олиб, топган фойдаси ҳамда кўрган зарари ўзиники, шунинг учун унинг ўзи бу тадбирга жавоб беради;

3) қонун олдида тадбиркорликнинг ҳамма шакллари тенгдир. У давлат корхонаси, чет эл ёки хусусий корхона бўлишидан қатъи назар, қонун-қоидага риоя қилиши, ўз саъйи-ҳаракатлари учун қонун олдида жавоб бериши керак.

4) тадбиркорлик ҳам, тадбиркорларга ишга ёнланиш ҳам мутлақо кўнгилли, ихтиёрий бўлиши шарт. Чунки бизнес билан шуғулланиш машаққатлидир. Бизнес гирдобига кириб боришдан олдин унинг машаққатли меҳнат эканлигини аниқ тасаввур қила олиш керак. Тадбиркор, биринчидан, бозор ҳолатига қараб, қайси товарни қандай

ишлаб чиқиш, товарни қачон ва неча пулга сотиш ёки сотмаслигини, хуллас, ҳар қандай иқтисодий фаолиятини бирор тазйиқсиз, ўз хоҳишига қараб амалга оширади. Иккинчидан, тадбиркор бир неча ёлланма ишчини ишга ёллаганда уларнинг меҳнати қонун билан ҳимояланганлиги, уларнинг қонунда белгиланган соатдан ортиқча ишлатилмаслиги, акс ҳолда, уларга қўшимча ҳақ тўланиши лозимлигини яхши билиши керак. Тадбиркорнинг ўзи иш куни соатини белгилайди. Ёлланган ишчи хоҳишига қараб, эрта-тонгдан кун ботгунга ишлайвериши мумкин;

5) тадбиркор ўз фаолиятдан олган фойдаси тўғрисида давлат солиқ инспекциясига декларация орқали ҳисобот бериши шарт. Бу ўринда тадбиркор ҳалоллик билан иш юритиши зарур бўлади. Далиллардан аниқ бўлишича, айрим тадбиркорлар олган даромадларининг бир қисми тўғрисидаги маълумотни декларацияга киритмасликка ҳаракат қилишади. Дарвоқе, солиқ инспекцияси даромад манбаларини текшириб, доимо уларни ҳисобга оли боради. Ўз навбатида, беркитилган даромад учун тадбиркорга жарима солинади. Тадбиркорлик табиатига қаллоблик, ғирромлик ва алдамчилик зид эканлигини билиш керак. Шу сабабли бизнес оламида энг эъзозланувчи касблардан бири юристлар, адлиячилар ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолиятига шўнғиган инсон тадбиркорлик тамоийилларига риоя қилиши шарт. Тадбиркор корхонасида ишлаб чиқарган товарларининг сифатини мавжуд қонунлар асосида истеъмолчиларнинг товар сифатига қўйиладиган талабларини қондириши ва товарнинг сифатли бўлишини кафолатлаши шарт. “Давлат истеъмолчиларнинг товар (иш, хизмат) сотиб олиш ва ундан фойдаланиш чоғида ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди.” Демак, давлат истеъмолчилар манфаатларини кўзлаб қонун ижросини назорат қилади. Шунинг учун ҳар бир иш бошловчи тадбиркор малакали юрист билан ҳамкорлик қилиб иш бошласа ютқазмайди. Чунки қонунни бузиб бўлмайди. Ҳар бир тадбиркор ўз йўли билан бизнес оламига кириб боради. Кўпгина кишилар тадбиркорлик билан шуғулланишни исташади. Бунинг учун кишида қатъийлик бўлиши керак. Чунки бу борада қатор қийинчиликлар содир бўлиши мумкин. Тадбиркорликни бошлаш матонат талаб қилади. Албатта, ўз фаолиятини бошлаётган тадбиркор юрист билан ва ўзига ёққан банк, фаолият кўрсатмоқчи бўлган соҳа мутахассиси билан шартнома тузиши керак. Корхона

очиш учун таъсис ҳужжатларини тузиб, мутасадди ташкилотдан расмий рухсат олиш шарт. Бундай ҳужжатларни расмийлаштириш вақтида маълум миқдорда харажат керак бўлади, яъни корхонанинг ишлаб чиқиш хусусиятига қараб, Устав фонди тузилади. Тадбиркорликда ишлаб чиқариш кўнгилли бўлиб, ё бозор, ёки буюртма учун товар ишлаб чиқарилади. Ташкил этилган ҳар бир корхонанинг ўз хусусий белгиси бўлиши керак. Тадбиркор ўз фаолиятининг дастлабки қадамида ишлаб чиқарган товарини истеъмолчиларга кўз-кўз қилишда рекламадан фойдаланади. Шунингдек, тадбиркор мутахассислар кўмагига таяниб, уларни ҳам манфаатдор қилиш томонига эътибор берса, ишнинг ривож топиши аниқ. Бозор иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи куч рақобатдир. Шу сабабли тадбиркор ҳар доим рақобат курашига тайёр бўлиши ва яқин рақибига етиб олиши, ундан ўзиб кетишини мақсад қилиб қўйиши керак. Тадбиркорликнинг яна муҳим бир томони сир сақлашдир. Ўзбекистонда тадбиркорликка кириш йўли кўп. Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда етказилган ҳосилнинг 40% нобуд бўлиб кетаётганлиги маълум. Ваҳоланки, мева-чевалар, полиз, сабзавотларни йиғиш, сақлаш ва қайта ишлаш йўли билан, масалан, тут, анжир ва бошқалардан шифобахш мурабблар пишириш, шифобахш ўтларни йиғиш, қамишларни ўриб, чийлар тўқиш ва уй томларини ёпишга тат қилиш, қуён, нутра, ондатра боқиш ва улар терисидан телпаклар тикиш, нон пишириш учун тандирлар ва болалар учун ўйинчоқлар ясаш каби ишлар билан шуғулланиш мумкин.

Тадбиркорликнинг энг муҳим жиҳати мижозларининг буюртмасини ўз вақтида бажаришдан иборатдир. Тадбиркор, албатта, харидор буюртмасининг узлуксизлигини таъминлаши ва ўз вақтида буюртмани бажариб бериши унинг учун ҳам, харидор учун ҳам фойдалидир. Чунки тадбиркор ўз вақтида бажармаган буюртмадан шартнома бўйича жарима тўлайди. Натижада у доимий харидоридан ажралиб, ёмон отлик бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Бизнес ишида нуфуз (имидж) деган тушунча бор. Унинг моҳияти истеъмолчилар орасида, тадбиркорлар доирасида фирма тўғрисида яхши тасаввурда, обрў-эътиборли бўлишдан иборат. Тадбиркор ўз номини авайлаб, шу имиджини сақлаб қолиши, фирма номини янада юқорироқ кўтариб, унга доғ туширмаслиги ғоят муҳимдир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида маданийлашган тадбиркорликнинг вужудга келиши билан бир қаторда “ёввойи бизнес”

билан шуғулланувчи кишилар ҳам кўплаб учрамоқда. “Ёввойи” тадбиркорликка хос бўлган энг хунук “фазилатлар” жумласига юлғичлик, харидорнинг ҳақиға ҳиёнат қилиш, пул деса инсофини сотиб юборишга тайёр бўлган иймонини йўқотган кишилар киради. “Ёввойи” тадбиркорликни йўқотишнинг бирдан-бир йўли маданийлашган тадбиркорликка кенг йўл очиб берувчи қонунчиликни мустаҳкамлаш, моддий неъматларни кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, ўзаро рақобатдош тадбиркорликни ривожлантиришдан иборатдир.

Маданийлашган тадбиркорликда ижтимоийлашган фазилатлар муҳим аҳамият касб этади. Чунки у кишиларни ростгўйликка, бировнинг ҳақиға ҳиёнат қилмасликка ўргатади. Бу фазилатлар уларнинг турмуш тарзига сингиб кетиши зарур, чунки инсон зиддиятли мавжудот бўлганлиги сабабли унинг хулқ-атворидаги салбий томонларни йўқотишда ташқи муҳит кучли таъсир кўрсатади. Иқтисодий адабиётларда тадбиркорлик билан шуғулланувчи кишиларнинг умуминсоний фазилатлари билан бир қаторда уларнинг ўзига хос фазилатлари ҳам кўрсатиб ўтилган. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Ташаббускорлик ва имкониятларни излаш. Бу тадбиркор ҳар доим бозор иқтисодиётидаги вазиятни ҳисобга олиб, юз бераётган ўзгаришларга қараб иш юритиши демакдир.

2. Қатъиятлик ва тиришқоқлик. Тадбиркорлик машаққатли иш бўлганлиги учун маълум қийинчиликлар содир бўлади. Бундан тадбиркор асло чўчимаслиги керак. У бошлаган ишини охиригача етказиши, тиришқоқлик билан бозор талабидаги ўзгаришларга қараб, ўз фаолиятини мослаштириб бориши керак.

3. Доим таваккалчиликка тайёр бўлиш. Бизнес билан шуғулланувчи киши таваккалчилик билан “ё устидан, ё остидан” деган қабилда иш юритади. Тадбиркорликда бусиз ишсиз юритиб бўлмайди. Тадбиркор “меъёр”ни топа билса, чув тушиб қолмайди.

4. Самарадорлик ҳамда сифатни кўзлаб иш кўрсатиш. Рақобатли бозорда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг сифатли бўлишига алоҳида эътибор берилади. Сифатли товар ишлаб чиқариш самарадорликни орттиради. Бу тўйинган бозорга хос хусусиятдир. Тўйинмаган, оч бозорда тадбиркорлар ишлаб чиқараётган товарлар сифатига унчалик аҳамият берилмайди. Лекин ўз имиджини сақлаб иш кўрган корхонанинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ортиб боради, яъни харидори кўпаяди.

5. Масъулиятни ўз зиммасига олиш. “Пулни пул олиб келади” қабилида иш юритган тадбиркор мустақил ҳаракат қилиб, тегишли масъулиятни ўз зиммасига олади, топган фойда-зарарига ўзи жавоб беради.

6. Мақсадни аниқ қилиб қўйиш ва уни бажаришга интилиш. Тадбиркор учун бу фазилатнинг аҳамияти катта. Чунки у бирор мақсадни аниқ қўйиши керакки, бу тадбиркорнинг стратегик режаси бўлиб ҳисобланади. Бундай ҳолат унинг бундан кейинги хатти-ҳаракатида хатоларга йўл қўйилишини кескин камайтиради. Тадбиркор бозордаги, истеъмолчилар руҳидаги ўзгаришлар қай даражада тебраниб туришини кузатиб, ўз олдига қўйган мақсадига ҳам ўзгартиришлар киритиб борса, кўзлаган режаси албатта амалга ошади.

7. Максимал даражада ахборотга эга бўлиш. Бозор иқтисодиёти шароитида ахборотнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Тадбиркор бозор конъюктураси, мувозанати (бозордаги талаб ва таклифлар) харидорлар, рақобатчилар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши, унинг кундалик фаолиятида диққат марказида туриши шарт. Акс ҳолда рақибни ўзиб кетиши мумкин.

Маълумот ва ахборотга эга бўлган тадбиркорлар бозорда ўзгариб турадиган вазиятдан хабардор бўлиб турса, унга жавобан самарали чораларни ўз вақтида қўллаш имконияти юзага келади. Бундай ҳолатда кечикиш рақобатчилар таъсирининг кучайишига йўл очилади.

8. Мунтазам равишда режалаштириш ҳамда кузатув (назорат). Тадбиркор кўрсатиши лозим бўлган фаолиятини режалаштириши шарт. У режалаштирилган ишларнинг бажарилиши натижасини назорат қилиб туриш, хатоларнинг содир бўлишига йўл қўймаслик, борди-ю, айрим хатолар келиб чиқса, уларни ўз вақтида тузатиб бориши, фойданинг маълум қисмидан кечиби, ишлаб чиқарилаётган товарлар сифатини яхшилашга интилиши зарур.

9. Ўзгаларни кўндириш ва алоқа ўрнатиш қобилияти. Тадбиркор учун бу фазилат жуда ҳам муҳимдир. Ҳар доим узлуксиз мулоқотда бўлган кишиларга таъсир ўтказа оладиган, ўз тарафдорларини кўпайтириб борадиган тадбиркорнинг ошиғи доимо олчи бўлади. Тадбиркорликда шахсий муносабатлар ютуқлар гаровидир.

10. Мустақиллик ва ўз кучига ишониш. Ҳар бир тадбиркор ўз кучига ишониб, тўплаган капиталини мустақил, самараси юқори бўлган соҳага йўналтириши керак. Тадбиркорлик учун сарфланаётган

капитал миқдори қанчалик кўпайиб борса, унинг ўз мулки тақдири учун масъулияти ҳам шунчалик ортиб боради. Шу сабабли тадбиркор бозорда фаолият кўрсатиши учун ўз кучига ишонган бўлиши керак. У кўмакдош бўлган юрист ва мутахассиснинг фикр-мулоҳазаларидан ҳам фойдаланиб, мустақил равишда бирор қарорга келиши зарур.

Маданийлашган бозор иқтисодиётининг таянчи тадбиркорликдир, чунки у бозорга узлуксиз зарур бўлган товарлар ва хизматларни мунтазам етказиб беради, бозорнинг талабини қондиради.

Тадбиркор ўзи мустақил фаолият қилар экан, ўзини ўзи бошқаради, демакдир.

Давлат тадбиркорликка қулай шароитлар яратиш мақсадида давлат монополизмига қарши сиёсат юритади.

2-§. Тадбиркорликни ривожлантиришда давлатнинг монополизмга қарши сиёсати

Давлат монополизмга қарши сиёсат юргизишида, умуман олганда, бозорнинг “бир маромда” фаолият кўрсатишидаги тўсиқларни бартараф этишдан жамият манфаатдорлигининг оширилиши тушунилади.

Давлатнинг монополизмга қарши сиёсати рақобат муносабатларини такомиллаштиришда ғоятда муҳим воситадир. У, биринчидан айрим фирмалар томонидан бозорнинг эгаллаб олинишига қарши курашни, иккинчидан, фирмалар ўртасидаги бозор механизмлари ҳаракатини чеклаши мумкин бўлган яширин келишувларни бартараф этишни, учунчидан, захираларнинг иқтисодиётнинг бир тармоғидан бошқасига эркин ўтиши йўлидаги ғовларни йўқотишни тақозо этади. Етарли бўлмаган ёки бузиб кўрсатилган ахборотлар муайян анъаналар, қонунлар, майда тадбиркорлар учун кредит йўлининг берклиги ва ҳоказолар ана шундай ғовлар жумласига киритилиши мумкин.

Монополизмга қарши сиёсат шарт қилиб қўйилган чоралар, кўпинча, “эркин” бозор иқтисодиёти принципларига зид келади. Лекин, қандай ғайритабиий туюлмасин, улар бозор стихиясининг ўз-ўзидан емирилишидан (монополия бозор кучлари ҳаракатининг қонуний натижаси бўлган ҳолда) ва бозорни ташқаридан емирувчи омиллар (рақобатнинг номукамаллигини табиий ресурсларнинг чекланганлиги, хўжалик фаолияти ва қонунчиликнинг хусусияти, ҳукумат муассасалари, анъаналар ва ҳоказоларнинг ҳаракатлари келтириб чиқарган ҳолда)дан ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Монополизмга қарши сиёсатни амалга оширишнинг иккита асосий усули маълум: маъмурий (қонун чиқарувчилик) ва рақобат муносабатларини билвосита тартибга солиш.

АҚШда қўлланилаётган монополизмга қарши қонунчилик иқтисод фанидаги энг маълум ва энг қаттиқ қонунлардан бири ҳисобланади. XIX аср охиридаёқ бу мамлакат жамоатчилиги стихияси бозор механизми иқтисодиётини айрим фирмалар эгаллаб олишидан, уларнинг якка ҳокимликка олиб келувчи келишувларидан ҳимоя қилинмаган, деган хулосага келади. Рақобатчиларнинг иқтисодиётдан ташқари яккаланиши ҳоллари, бозорларни тақсимлаб олиш ва нархларни жуда ҳам ошириш ҳақидаги битимлар кўпайиб кетганлиги сабабли Америка конгресси 1890 йилда трестларга қарши биринчи қонуни – “рақобат тизимининг конституцияси” деб ҳам аталадиган Шерман ҳужжатини қабул қилишга мажбур бўлди. Бу ҳужжат ўша даврда бозорда ҳукмрон бўлган тармоқ монополияларидан ҳимоя қилишни кўзда тутган эди. Кейинчалик бир неча марта қаттиқлаштирилган Шерман қонуни АҚШда ҳам, бошқа мамлакатларда ҳам монополизмга қарши қонунчиликнинг шаклланиши ва ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Шу билан бирга монополизмга қарши қонунчиликни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизми ишлаб чиқилди. У ўз таркибида турли давлат муассасалари – парламент, ҳукумат, ҳар хил даражадаги судлар фаолиятини қамраб олди.

Монополизмга қарши қонунчиликнинг тўртта асосий йўналишини ажратиб кўрсатиш мумкин: трестларга қарши; картелга қарши; фирмаларнинг яккаҳокимлик амалиёти ва виждонсиз рақобатга қарши; давлат ташкилотларининг яккаҳокимлик амалиётига қарши. Қуйида шулар ҳақида сўз юритилади.

Трестларга қарши қонунчилик. Бу қонун трестлар таркибига кирувчи фирмаларнинг ўз мустақиллигини тўла йўқотадиган уюшмалар ва бирлашмаларга қарши қаратилган. Унга мувофиқ, компания у ёки бу турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 40-60 фоизидан кўпрогини ўз қўлида тутиб туришга ҳақли бўлмайди, мамлакатнинг энг йирик корпорациялари акцияларини олиши чекланади, жисмоний, юридик шахсларнинг уларни кўпроқ даражада муайян ҳиссада харид қилиши тақиқланади.

Трестларга қарши қонунчиликни бузганлик учун турли хил жазолар, шу жумладан, монополист фирмаларини парчалаб юбориш ва фирмаларнинг қўшилиши (бирлашуви)ни тақиқлаш кўзда тутилган.

Монополиялаштириш хўжалик фаолиятининг хусусияти (коммунал хизматлар, алоқа, транспорт, энергетика ва ҳоказолар) билан боғлиқ. Иқтисодиёт соҳаларида монополист корхоналар устидан бевосита давлат назорати ўрнатилиши, лицензиялар берилиши солиқлар жорий этиш, давлат нархларини белгилаш ва ҳоказолар амалга оширилиши мумкин.

Асримиз бошларидаёқ, трестларга қарши қонунчиликка мувофиқ, АҚШда “Стандарт ойл” нефть компанияси ва “Дюнон” порох компанияси тарқатиб юборилди. Бундай чора ҳозиргача қўллаб келинмоқда. Чунончи, 1982-1983 йилларда “Америка телефон энд телеграф компани” (“ААТ”) давлат тармоқ монополияси бўлиб юборилди, аниқроғи 23 та мустақил минтақа компаниясига ажратилди.

Картелга қарши қонунчилик. Картел фирмаларнинг ўзаро нарх белгилаш ва сотиш бозорларини тақсимлаш борасидаги шартномага асосланган бирлашув шаклидир. Бундай келишувларнинг бозор механизми ҳаракатини бузиши равшан. Улар, одатда, қонун томонидан тақиқланган.

Фирмаларнинг яккаҳокимлик амалиёти ва нопок рақобатга қарши қонунчилик. Бундай қонунчилик картеллар келишувидан ташқари, фирмаларнинг қуйидаги яккаҳокимлиги амалиётида қўлланилади:

- сунъий тақчилликни юзага келтириш мақсадида товарларни муомаладан чиқариш, уларни ишлаб чиқаришни чеклаш ва тўхтатиш;
- рақобат кураши воситаси сифатида нархларни сунъий равишда пасайтириш;
- товар сотиш шарти сифатида харидорга мажбурий ассортиментни тикиштириш;
- потенциал шериклар билан иш олиб боришдан воз кечиш тўғрисида олдиндан келишиб олиш;
- ўхшаш маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи бир неча фирмаларда раҳбарлик лавозимларини эгаллаш.

Бу ҳаракатларнинг барчаси, шунингдек нопок рақобатнинг қуйидаги усуллари ҳам қонун томонидан таъқиб қилинади:

- бошқа товар белгиси, фирма номи ёки товардан ўзбошимчалик билан фойдаланиш, бошқа фирмалар товарларининг ташқи кўриниши, ўралишидан нусха кўчириш;
- рақобатчиларнинг обрўсига дахлдор ёлғон хабарларни тарқатиш;

- саноат соҳасида жосуслик;
- товар тайёрлаш усули ва жойи борасида истеъмолчини чалғитиш;
- буюртмачи, етказиб берувчи, воситачи ва ҳоказоларни алдаш.

Давлат ташкилоларининг яккаҳокимлик амалиётига қарши қонунчилик. Давлат муассасалари ихтиёридаги имкониятлар – молиявий текширув, жарима солиш, хўжалик фаолиятини тақиқлаш ва ҳоказолар рақобат курашига нуқта қўювчи жуда қудратли қуролдир. Шу сабабли виждонсиз тадбиркорлар давлат амалдорларини сотиб олиб, улардан фойдаланишга интилишади. Давлат муассасаларининг рақобат курашида иштирок этишнинг бошқа бир шакли борки, бу айрим фирмаларга асоссиз имтиёзлар, дотациялар, кредитлар берилишидадир. Бундай “ёрдам” тадбиркорларни тенг бўлмаган шароитга солиб қўяди. Шу сабабли қонунчилик, одатда, хўжалик ҳаётига таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлган давлат амалдорларининг бизнесда иштирок этишини тақиқлайди.

Давлат монополизмига қарши фаолиятнинг соф иқтисодий усулларидан ҳам фойдаланади. Улардан, асосан, монополлаштирилган тармоқларда тадбиркорлик фаоллигинини рағбатлантириш, захираларнинг эркин оқиб келиши йўлидаги ғовларни бартараф этиш, ахборот бериш каналларини такомиллаштириш учун фойдаланилади. Сарф-харажати эвазига анчадан бери тармоқларда фаолият кўрсатаётган фирмаларгагина, одатда, улардан юқорироқ даражада бўлган бошловчи фирмаларга давлат имтиёзли кредит, пул ёрдами, солиқда имтиёзлар беради. Айниқса, улар танлов асосида жойлаштирилган тақдирда ҳукумат буюртмалари тадбиркорлик фаоллигини рағбатлантиришнинг қудратли воситасига айланади. Бундан ташқари давлат муассасалари статистик тўпламлар, ахборот бюллетенлари, махсус иқтисодий адабиётларни нашр этади, тадбиркорларга бепул маслаҳатлар беради. Бу эса хўжалик ҳаётининг ҳолати ҳақидаги ахборотни эркин ҳаракат қилдиришга ёрдам беради, тадбиркорликда таваккал қилишни камайтиради.

Яккаҳокимликда юқори қилиб белгиланган нархларни пасайтиришда ҳам иқтисодий усуллардан фойланиш мумкин. Давлат шунга ўхшаш маҳсулотларни анча паст нархларда сотиб, уларни тушириши ҳам мумкин. Импортни – хориждан мол келтиришни рағбатлантириш монополиялар ҳокимиятини чеклашнинг анча самарали воситадир. Миллий бозор (айрим олинган мамлакат бозори)да монопол афзал-

ликлар барҳам топади. Шу сабабли товарлар импортини кенгайтириш, монополизмга қарши қонун нуқтаи назаридан, бозорда янги рақобатчиларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Ташқи иқтисодий фаолият йўлидаги ҳуқуқий ғовларни бартараф этиш ва божхона пошлиналарини пасайтириш импортни рағбатлантиришнинг энг оддий усулидир.

Монополизмга қарши қонунчилик бозор рақобати механизмини сақлаш ва такомиллаштиришга катта ҳисса кўшади. Бироқ бу ўринда ҳам унинг ўз муаммолари мавжуд. Қонунчилик монополистни баркамол рақобатчидан ажратиб, фирманинг у ёки бу ҳаракатини якка ҳокимлик амалиёти жумласига киритиши мумкин бўлган аниқ мезонларни объектив равишда бера олмайди. Масалан, фирмалар сарф-харажатдан паст нархлар учун, кўпинча, қонун бўйича таъқиб қилинади. Бундай нархлар рақобатчиларнинг аҳволини мушкуллаштириш учун яккаҳокимларча ўрнатиладиган паст нархлар деб ҳисобланади. Айти вақтда, амалиётнинг кўрсатишича, фирмалар, кўпинча, ишлаб чиқаришдаги зарурият (масалан, талаб пасайганда)дан келиб чиқиб шундай иш тутишга мажбур бўладилар.

Трестларга қарши қонунчиликда ҳам рақобат муносабатлари бузилаётганлигини аниқлаш имконини берадиган аниқ мезонлар мавжуд эмас. Чунки фирмаларнинг қўшилишини тақиқлаш иқтисодий самарадорлик ўсишидаги ғовга айланиши мумкин. Зеро, йирик фирмаларда қимматга тушувчи илмий тадқиқотларни олиб бориш, меҳнат тақсимотини чуқурлаштириш, энг янги илмий-техник ютуқларни қўллаш ва ҳоказолар учун имкониятлар кўпроқ. Бундан ташқари, йирик фирма доим ҳам монополист бўлаолмайди: у якка бўлмай, кўплаб турда маҳсулотлар яратиши, биттагина минтақа учун эмас, балки бир неча минтақага хизмат кўрсатиши, товарларнинг ўрнини босувчилари, бинобарин, эластик талаб ҳам кўпайиши мумкин. Эластик талабда фирма, ҳатто агар у тармоқда бирдан-бир ишлаб чиқарувчи ҳисобланса-да, нархни ошириши фойдали бўлиб чиқмайди.

Давлатнинг монополизмга қарши сиёсатида кўзда тутилиши керак бўлган яна қатор ҳолатлар мавжуд. Аввало, бу сиёсатни муайян кишилар амалга оширади. Улар, биринчидан, хатоликка йўл қўйишлари мумкин (айниқса, давлат сиёсатининг оптималлик бўйича аниқ мезонлари бўлмаган тақдирда иккинчидан, улар ўз манфаатларини кўзлашлари мумкин. Хусусан, давлат амалдорлари ҳукумат дастурларини бўрттириб кўрсатишдан манфаатдордир. Чунки бундай ҳаракат

уларнинг сиёсий таъсирини кучайтиради ва мансабларининг ошиши учун имкониятларни кенгайтиради. Бундан ташқари, давлатнинг иқтисодий сиёсатига ўз манфаатларини кўзловчи ишлаб чиқарувчи ва истеъмаолчилар гуруҳи ҳам таъсир кўрсатмоқда. Айтиш керакки, монополизмга қарши қонун – хавфли рақиб билан ҳисоб-китоб қилиш учун жуда қулай воситадир. Бундай иқтисодий, жумладан, монополизмга қарши сиёсат ҳам доимо бутун жамиятнинг мақсадларига мувофиқ равишда ўтказилвермайди. Ундан айрим нуфузли шахслар ёки ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини рўёбга чиқаришга қаратилиши мумкин, деган хулоса келиб чиқади.

3-§. Кўп укладли иқтисодиёт – тадбиркорликнинг асоси

Бозор мавжуд бўлишининг биринчи ва асосий шarti эркин тадбиркорликдир. Тадбиркорлик фақат турли мулк шакллари мавжуд бўлганда ривожланади. Тадбиркорлик-иқтисодий фаолият. Унинг пировард мақсади инсон эҳтиёжларини қондиришдир. Шунга яроқли бўлган воситаларнинг барчаси неъматлар деб аталади.

Ижтимоий меҳнат тақсимоти ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши бозор шаклининг зарур, лекин ҳали етарли бўлмаган шарт-шароитидир. У ёки бу иқтисодий неъматларни ишлаб чиқариш борасидаги вазифаларни кишилар, кишилар гуруҳлари ва минтақалар ўртасида тақсимланмай, эркин товар алмашувининг амалга ошиши мумкин эмас. Демак, жамият стихия тарзда ривожланувчи бозор муносабатларининг меъёрида амал қилиши учун кўшимча шароитлар яратиш лозим.

Бозор мавжуд бўлишининг биринчи ва асосий шarti кўп мулкчиликка асосланган эркин тадбиркорликдир. Товар ишлаб чиқарувчилар мустақил равишда (бозор конъюнктурасига ва ўз имкониятларига қараб) ишлаб чиқаришнинг тузилиши ва ҳажмини белгилаши, хўжалик юритиш шакли ва усулларини такомиллаштириши лозим. Турли хил мулк шаклларига асосланган тадбиркорликда товар эгаси мулкдор сифатида харидор билан бозорда учрашади ва нарх хусусида келишади.

Тадбиркорлик эркинлиги асло одамлар талаблари ва рақобатбардошлигида эмас, балки давлатнинг корхоналари хўжалик фаолиятига тўғридан-тўғри аралашувидан иборат эркинлик эканлигини таъкидлаш лозим.

Пул, талаб ва бозор рақобати ишлаб чиқарувчининг жамиятга керакли нарсани яратиб беришида буйруқлар ва қарорларга қараганда анча яхшироқ харажатлар кўрсатишга мажбур қилади. Ишлаб чиқариш омиллари ва натижаларига хусусий ва жамоа мулкчилик ҳуқуқи давлат томонидан кафолатланмаса, тадбиркорлик эркин бўлиши мумкин эмас. Бу хил кафолатларнинг бўлмаслиги хўжалик борасидаги фаоллик заифлигининг асосий сабабларидан биридир. Оғир меҳнат билан жамғарилган мол-мулкни истаган пайтда бирон-бир киши (кучлироқ қўшни, хорижий босқинчи ёки ўз амалдори) тортиб олиши (талаш, катта солиқ ёки пора шаклида) мумкинлигидан иборат хавф-хатар аҳоли иқтисодий фаоллигининг ривожланишини рағбатлантира олмайди. Бозор тадбиркорлик фаолиятининг шакллари хилма-хил ва тенг бўлишини, улар ўртасида эркин рақобат бўлишини тақозо этади.

Ишлаб чиқариш омилларига (шу жумладан иш кучига ҳам) эга бўлиш ҳуқуқи уларни эркин тасарруф қилиш ҳуқуқини ҳам ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш воситалари, иш кучи, ахборот бозорлари кабилар ривожланган бозор хўжалигининг зарур унсурлари ҳисобланадики, буларсиз меъёрида иш юритиш мумкин эмас. Албатта, мулкчилик ҳуқуқи абадий бўлиши мумкин эмас. Солиқлар, чеклашлар ва қонунлар асосида ер сотиш, иш кучи ёллашни тартибга солиш ва ҳоказолар ёрдамида жамият унинг “доира”сини белгилаб қўяди. Аммо жамият мулкий муносабатларни тартибга солишга ортиқча берилиб кетса, аҳоли хўжалик фаоллигининг пасайиши хавфига дуч келади. Катта солиқлар катта даромад олишга интилишни, уларни чеклаш эса жамғаришга рағбатни сўндириши мумкин.

Мулк моддий ва маънавий бойликларни қонуний равишда белгиланган тартибда кишилар томонидан иқтисодий ўзлаштириш шаклидир. Ўзлаштириш тартибини мулкий ҳуқуқ белгилайди. У кимнинг мулки, мулкдан фойдаланиш қоидалари, мулкни давлат томонидан кафолатлаш кабиларни белгилаб қўяди. Мулк ҳақидаги муносабатлар ва мулкчилик тўғрисидаги қонунларга асосан бошқариб борилади. Республикамиз Конституциясининг 53-моддасида “бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади”, - деб таъкидланган.

Тадбиркорлик билан шуғулланувчи кишилар мулкий муносабатларнинг субъекти, яъни иштирокчилари ҳисобланади. Тадбиркор-

лар мулки, яъни ер, бино, иншоот, асбоб-ускуналар, машина-механизмлар, ишлаб чиқарилган товарлар, илмий ғоялар, лойиҳалар, товар белгилари ва ҳоказолар мулкӣ муносабатларнинг объектидир.

Мулкӣ муносабатлар мулкка эгалик қилиш, мулкдан фойдаланиш, мулкни тасарруф этишни ўз ичига олади. Шу жиҳатдан олиб қараладиган бўлса, тадбиркорлар ўз мулкига суянган ҳолда фаолият юргизиб, ишлаб чиқариш омилларининг моддий асоси ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар уларнинг ўзиники бўлади. Агар тадбиркор ўз фаолиятини юритса, бунда мулкга вақтинчалик эгалик қилиб, ундан фойдаланади, лекин ижарага олган мулкни тасарруф этиб, унга хўжайинлик қила олмайди. Юқоридаги ҳолатлардан қатъи назар, чиқарилган товарлар эгаси тадбиркор бўлиб қолаверади.

Тадбиркорнинг иқтисодий манфаатдорлиги ўз мулкни ишлаб чиқаришга сарфлаб фойда олишида кўринади. Шунингдек, тадбиркор ўз мулкни сотиши, ижарага бериши, шерикчилик асосида фаолият кўрсатиши, меросга қолдириши ва ниҳоят, хайр-эҳсон йўлида ҳадя қилиши унинг ихтиёрида бўлади.

Тадбиркор ўз мулкидан кўпроқ фойда олиш учун ундан фойдаланишнинг самарали йўллари қидириб топади. Тадбиркор ўз мулкидан оқилона фойдаланиб, олган фойдаси ҳисобига миқдорини кўпайтириб ҳам боради. Тадбиркорнинг мулкдор сифатидаги масъулияти ҳамда жавобгарлиги унинг зиммасида бўлади.

4-§. Тадбиркорлик фаолиятининг асосий шакллари

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига ўтиш жараёнида мулкӣ муносабатларни ҳал этиш катта аҳамият касб эта бошлайди. Президентимиз И.А. Каримов: “Иқтисодий ислохотларнинг бугунги босқичида энг муҳим, долзарб вазифа мулкӣ муносабатларни тубдан ўзгартирмоқдир. Унинг туб моҳияти – мулкни ҳақиқӣ эгалари кўлига беришни тезлаштириш, тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш ва мулкдорда янги мулк эгаси ҳиссиётини тарбиялашдан иборатдир”, - деб уқтиради. Дарҳақиқат, тадбиркорлик турли мулк шакллари асосида амалга оширилиб, унинг турлари, шакллари юзага келади ва ривожланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунига биноан тадбиркорлик фаолиятининг қуйидаги шакллари мавжуддир:

- якка тартибдаги меҳнат фаолияти;

- хусусий тадбиркорлик фаолияти (ёлланма иш кучи ёрдамида олиб борилади);

- ширкат тадбиркорлиги (фуқаролар гуруҳи томонидан олиб борилади);

- аралаш тадбиркорлик (юримдик шахс ҳамда фуқаролар томонидан мол-мулкни қўшиш йўли билан олиб борилади);

Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар тўғрисида”ги қонунига асосан уларнинг турлари қуйидагича:

- республика ажнабий мамлакатлар фуқароларининг якка ҳол мулкига асосланган корхоналар;

- жамоалар, оилалар, маҳаллалар жамоаларининг ширкат мулкига асосланган корхоналар;

- давлат мулкига уларнинг кўринишлари бўлмиш республика, муниципалитет (шаҳар, туман ва ҳоказолар)га қарашли корхоналар;

- қатнашувчиларнинг тўла ёки қисман пайига асосланган корхоналар;

- қўшма мулкка асосланган корхоналар.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган “Корхоналар тўғрисида”ги қонунда “Ҳар бир корхона юримдик шахс ҳуқуқига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектлар”, - деб қайд этилган. “Тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунда эса “тадбиркорлар ўз мулклари доирасида жавобгардирлар” - деб уқтирилган.

Ўзбекистонда ишловчилар сони саноат ва қурилишларда 50, бошқа ишлаб чиқаришда 25, фан ва илмий хизмат кўрсатиш соҳасида 10, чакана савдода 5 кишигача бўлган корхоналар кичик корхоналар ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш воситаларига эгаликнинг шакллари, масалан, этикдўз мулки бўлган устахонадан тортиб, акциялари халқаро фонд биржаларида сотиладиган улкан акционерлар компаниялари хилма-хилдир.

Кичик ва ўртача фирмалар. Бозор хўжалиги шароитида кичик ва ўртача корхоналарнинг анча қисми хусусий мулкдир. Шунини айтиш керакки, меҳнатга асосланган мулк билан хусусий – капиталистик мулкни фарқламоқ лозим. Биринчисида, мулк эгаси билан ишлаб чиқарувчи бир шахс (кичик устахона, фирма, магазин)дир. Иккинчисида, мулк эгаси ёлланма ходимлар меҳнатидан фойдаланади. Бунинг устига мулк эгаси битта одам (якка эгалик) ҳам, бир неча тадбиркордан иборат бўлиши ҳам мумкин. Улар ўз капиталлар ва куч-ғайрат-

ларини бирлаштирадилар, фойда билан зарарни ўзаро баҳам кўрадилар.

Кичик бизнес маиший ва ишлаб чиқариш хизмати, чакана савдо, хунармандчилик каби ишлаб чиқариш соҳаларида ғоят кенг қулоч ёйди. Эркин касб намоёндалари – врачлар, ҳуқуқшунослар, меъморлар, ўқитувчилар ва ҳоказолар бажонидил мустақил фирмалар очишмоқда. Иқтисодиётнинг аҳолига бевосита хизмат кўрсатувчи соҳаларида кичик корхонанинг кўпчиликини ташкил этиши таажжубланарли эмас. Биринчидан, кичик бизнес талабнинг заррача ўзгаришига ҳам ҳозиржавоб бўлиб туради. Корпорациялар ишини қайта қуришга ойлари, ҳатто йиллар зарур бўлса, майда фирмаларга бир неча кун кифоя қилади. Иккинчидан, кичик корхоналар истеъмолчиларнинг хилма-хил шахсий талаб-эҳтиёжларини осонгина ҳисобга олади, зеро, бир хилдаги маҳсулотни кўплаб ишлаб чиқаришга мўлжалланган йирик компаниялардан фарқли ўлароқ, улар ностандарт ишларни амалга оширишлари мумкин. Учинчидан, кичик фирмаларда бошқарув ҳужжатлари камаяди. Чунки бу тадбирда малакали бошқарувчиларни тўтиб туришнинг ҳожати йўқ, уларнинг вазифаларини ишлаб чиқариш воситаларининг эгаси ўзи бажара олади. Бундай вазият тегишли қарорларнинг тез қабул қилиниши ва амалга оширилишини таъминлайди (бошқарувчининг ўз қарорларини мулк эгаси билан келишиб олиши шарт эмас).

Кичик корхоналарнинг барқарорлиги қишлоқ хўжалиги учун ҳам хос бўлиб, бу, аввало, аграр ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари билан изоҳланади. Бунда кооперация ва меҳнат тақсимооти асосий ишлаб чиқариш воситаси – бир ходимга тўғри келадиган ернинг майдони билан чекланади. Саноатдан фарқли ўлароқ, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарган маҳсулотларни бир жойга жамлаб бўлмайди. Аграр корхоналар ҳажмларининг ошишига тўсқинлик қилувчи бошқа бир сабаб ҳам борки, бу меҳнатнинг сарфланиши билан натижанинг олиниш вақти ўртасидаги ажралишда кўринади. Чунончи, деҳқон ғалла ҳосилини экилгандан кейин бир неча ой ўтгач йиғиштириб олади. Унинг меҳнати миқдори ва сифатини бевосита назорат қилишнинг амалда иложи йўқ, чунки жуда катта харажат талаб қилади. Негаки, дала ҳамма ишчилар устанинг кўзи олдида бўладиган фабрика эмас. Пировард-натижада ҳар бир жузъий ходимнинг ҳиссасини аниқлаш қийин. Хўш, ҳосилнинг яхшилиги ёки ёмонлиги кимнинг хизмати (ёки айби) билан боғлиқ: ер ҳайдовчи, агроном ёки

хўжалик раҳбарларининг айби биланми? Бунинг сабаби ернинг сифати ёки об-ҳаво шароитига боғлиқми? Модомики, олинган маҳсулотда ходим меҳнатининг ҳиссасини аниқ белгилашнинг иложи йўқ экан, бу меҳнатнинг унумдорлигини ошириш учун уни рағбатлантириб ҳам бўлмайди.

Кичик бизнеснинг яна бир шакли-венчур қалтис тадбиркорликдир. Венчур фирмаларга, одатда, ўз ғояларини ишлаб чиқаришга жорий этиб, муайян моддий фойда олишга интилаётган олимлар, инженерлар, ихтирочилар томонидан асос солинади. Бундай корхоналарнинг даромадлари, гарчи уларга хонавайрон бўлишга катта хавф солса-да, анчагина юқори бўлиши мумкин. Улар иш кўрадиган соҳа, энг аввало, илм-фан кўп ишлатиладиган илғор тармоқлар, яъни микроэлектроника, биотехнология, асбобсозлик, алоқа воситалари ишлаб чиқариш ва ҳоказолардир. Дарвоқе, бир вақтлар микропроцессорлар, шахсий компьютерлар, суперкомпьютер-ларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишни йирик корпорациялар эмас, балки жаҳонда ЭҲМлар ишлаб чиқаришда пешқадам бўлиб қолган кичик, қалтис иш тутувчи корхоналар амалга оширгандилар.

Ўртача корхоналар кичикларига қараганда меҳнат кооперацияси ва тақсимоти афзалликларидан фойдаланишда кўпроқ имкониятларга эга. Чунки уларда асбоб ускуналар ва иш кучининг ихтисослашуви даражаси анча юқори бўлади. Бошқарув вазифаларининг асосий қисмини тадбиркорларнинг ўзи эмас, балки малакали бошқарувчилар амалга оширади. Айни чоқда, корпорациядан фарқли ўлароқ, корхоналарда мулк билан бошқарувнинг батамом ажралиши рўй бермайди, чунки бу ўринда умумий раҳбарликни ишлаб чиқариш воситалари хусусий эгасининг ўзи бажаради. Ҳозирги иқтисодиётда кичик ва ўртача фирмаларнинг хўжалик фаолияти йирик корхоналарнинг ишлари билан чамбарчас боғланган. Таъкидлаш лозимки, саноат қурилишида с у б п о д р я д т и з м и кенг ёйилган: кичик ва ўртача корхоналар йирик компанияларнинг буюртмаларини бажаради. Савдо ва хизматлар соҳасида бундай ҳамкорликнинг асосий шакли шартномалар тизимидир. Бирор илмий-техник лойиҳани текшириш учун йирик корпорациялар “синов майдони” сифатида, кўпинча, қалтис фирмалардан фойдаланадилар.

Хуллас, айнан кичик ва ўртача корхоналар ҳозирги замон бозор иқтисодиётининг мослашувчанлиги ва рақобатга дош беришини таъминлайди. Улар, айтиб ўтилганидек, талабнинг ўзгаришига тез

мослашади, уларнинг энг олис ва майда бозорларга кириб бориши осонроқ кечади. Юқорида кўрсатилган афзалликлар туфайли ҳозирги пайтда кенг тарқалган кичик ва ўртача фирмалар икки хил бўлади:

1. Масъулияти чекланмаган фирмалар. Уларнинг мулки шерикчилик асосида вужудга келади. Шерикларнинг дастлабки мулки фирманинг устав капиталт деб аталади. Ҳар бир шерик устав капиталига ўз ҳиссасини қўшади. Лекин ҳиссадор шериклар тўла ҳуқуқли ёки ҳуқуқи чекланган бўлиши мумкин. Тўла ҳуқуқли шериклар фирманинг ҳам жавобгарлигини, фойдаси-ю зарарини ҳам баҳам кўришади. Улар устав фондига қўшган улуш ҳиссасига қараб фойда оладилар. Масалан, Ғуломов деган шахс фирманинг устав фондига 20 фоиз қўшган бўлса, у фойданинг 20 фоизини олади ва ҳ.к. Борди-ю, фирма касодга учраб синса, шериклар зарарни ҳамжиҳатликда кўтардилар, яъни бир шерик бошқасининг жавобгарлигини ҳам ўз зиммасига олади. Фирмада 5 киши шериклашиб, фаолият кўрсатганда фирма синган ҳолда уларнинг иккитаси фирма зарарини тўлашга қодир бўлмаса, қолган уч шерик улар зиммасидаги зарарни ҳам ўзиникига қўшиб кўтаради.

2. Масъулияти чекланган фирмалар. Бу фирмалар шерик бўлувчилар мол-мулкани ўртага ташлаб, устав фондига қўйилган ҳисса ҳисобидан шаклланади. Шундай фирмалар номига инглиз тилида “co ltd”, немис тилида эса “korg” дейилиб, “лимитед” сўзига қўшилиб “чекланган” деган маънони билдиради. Масъулияти чекланган фирма фақат устав фонди миқдори даражасидагина тенг бўлган маблағга мажбуриятли бўлади. Улар фондидан ортиқча қарзи бўлган тақдирда ундан ҳеч қандай йўл билан ундириб бўлмайди. Бундан ташқари, улар йирик компаниялар томонидан иқтисодиётнинг айрим тармоқларининг монополиялаштирилишига тўсқинлик қилади. Шундай қилиб, майда ва ўртача бизнеснинг мавжудлиги, уларнинг эркин бозор нархлари ва рақобат қилувчи муносабатлар шаклланишида муҳим ўрин тутишидадир.

Ҳозирги замон корпорациялари. Йирик корхоналарнинг ўз афзалликлари бор. Энг аввало, бу бозорни ўрганиш ва шакллантиришда, моддий, ишчи кучи ва молиявий ресурслардан усталик билан фойдаланиш, кенг кўламли илмий тадқиқотлар ва тажрибаларни ташкил қилишда катта имкониятларга эгаликда эканлигидадир. Йирик корхоналар бозор конъюнктурасининг ўзгаришларидан яхшироқ ҳимоя қилинган. Чунки улар бир вақтнинг ўзида халқ хўжалигининг

турли тармоқларида хилма – хил товарларнинг етарлича катта улуши ишлаб чиқарилаётган экан, улар кичик ва ўртача фирмалардан фарқли ўлароқ, нархларни тартибга солиб туриш воситасига эгадирлар.

Йирик ишлаб чиқаришнинг кўлами иш кучини ҳам, меҳнат предметлари ва воситаларини ҳам чуқурроқ ихтисослаштириш имконини беради. Шу туфайли ишлаб чиқариш харажатлари анча камаяди, маҳсулотнинг сифати янада яхшиланади. Тўғри, ишлаб чиқаришнинг ички меҳнат тақсимоти ва корхона кўламларининг ўсиши ўзининг табиий чегараларига эга. Тор ихтисослаштирилган асбоб-ускуналар табиий тарзда оммавий, ишлаб чиқаришга қаратилган бўлади, акс ҳолда, у ишсиз туриб қолади. Шу боисдан, йирик корхоналарнинг самарали ишлаши учун зарур шарт-шароит стандарт товарларга бўлган оммавий талабларнинг мавжудлигидадир.

Ҳозирги бозор иқтисодиётида йирик ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг тарқалган шакли – **акционерлар компанияси**, яъни корпорациядир.

Акционерлар компанияси кўплаб шахсий капиталлар ва жамғармаларни акциялар чиқариш йўли билан ташкил этилади. Акция қимматли қоғоз бўлиб, у ўз эгасини акционерлик капиталининг хусусий эгаси қилади ва унга акционерлар жамияти даромадининг бир қисми (ўз кўлидаги акцияларнинг номинал қийматига муносиб) ни олиш ҳамда компанияни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради. Акционерлар жамияти олган фойдалар (ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ажратиладиган маблағлар, раҳбар ходимлар маоши ва солиқлар чегириб қолингач) дивидендлар шаклида акционерлар ўртасида тақсимланади. Дивидендлар қанчалик кўп бўлса, акцияларнинг курси, яъни уларнинг реал бозор нархи шунчалик юқори бўлади. Акционерлар умумий йиғилишлар (“битта акция-битта овоз” принципи бўйича ўтадиган)да компания раҳбар органларини сайлайдилар ва уларни назорат қилиб борадилар. Акцияларнинг контрол пакети (акционерлар йиғилишларида кўпчиликни таъминлайдиган)га эгалик қилувчи хусусий кишилар, корхоналар, давлат органлари қарор қабул қилишда ҳал этувчи овозга эга бўладилар.

Хусусий тадбиркордан ва ширкатдаги шерикдан фарқли ўлароқ, акционер ўз компаниясининг қарзлари учун мулкий жавобгарликдан холидир. Компания хонавайронликка учраса, у фақат ўз акцияларининг қийматларидангина маҳрум бўлиши мумкин. Акционернинг корпорация фаолияти чекланган жавобгарлиги акционерлар жамия-

тини аҳоли пул маблағлари ва шахсий жамғармаларни ишлатиш учун жозибадор объектга айлантиради.

Қимматли қоғозларнинг бошқа тури эгасига олдиндан қайд этилган даромад (масалан, олти ойда бир марта)ни олиб туриш ҳуқуқини берадиган облигациядир. Тегишли муддат ўтгандан кейин компания облигация эгасига унинг номинал қийматини тўлайди. Облигация эгаси, акционердан фарқли ўлароқ, корпорацияни бошқаришда қатнашмайди. Борди-ю, акционерлар компанияси ўз мажбуриятларини бажармаса, у компанияни суд жавобгарлигига тортиши мумкин. Акциялар, баён этилганлардан кўриниб турибдики, облигацияларга қараганда қалтисроқдир. Чунки дивидендлар облигациялар бўйича фоизлар тўлангандан кейин тўланади. Аммо инфляция шароитида облигациялар қадрсизланади (улар бўйича бериладиган даромадларнинг миқдори олдиндан келишилган бўлади).

Акционерлар жамиятида мулк билан бошқарув бир-биридан узил-кесил ажратилади. Корпорация ичида реал иқтисодий ҳокимият профессионал бошқарувчиларники (технократия) ҳисобланади. Ишлаб чиқариш воситаларининг эгалари (акционерлар) ишлаб чиқариш жараёнининг ўзида, одатда, иштирок этмайди. Бинобарин, хўжаликни самарали юритиш, ишлаб чиқариш воситаларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш муаммоси кескинлашади, чунки технократиянинг ўзи бундан бевосита манфаатдор эмас. “Бошқарувда фаол қатнашмайдиган кишилар нималар бўлаётганлигини борган сайин кам билдилар ва уларда буни билишнинг имконияти тобора кам қолади. Ваҳоланки, корхона ҳажмларининг ортиши ва унинг операцияларининг мураккаблашуви оқилона қарорларни қабул қилиш учун тобора кўпроқ ахборот талаб қилинишини англатади”.³⁵ Шундай қилиб, йирик акционерлар компанияси мулк эгасининг технократия фаолияти устидан ишлаб чиқариш жараёнининг ўзида шахсан назорат қилиши имконияти қолмайди. Ишлаб чиқариш жараёнидан ташқарида, яъни муомала соҳасида назорат қилиб туриш вазифаси қолади. Бинобарин, мулкнинг акционерлик шакли ушбу зиддиятни ўз негизида, ўзининг асосий “ихтироси” – фонд биржасида акцияларни эркин сотиш ёрдамида ҳал қилади. Худди шу ўринда технократия фаолиятининг иқтисодий самарасига баҳо бериш имконияти бўлган объектив механизм амал қилади. Самарадорлик етарли бўлмаса, у

³⁵ Гелбрейт Дж. Новое индустриальное общество. -Москва, 1969. -С.130.

дивиденд ҳажмига ва акцияларнинг курси ҳаракатига салбий таъсир кўрсатади.

Акциялар курсининг пасайиб кетиши акционерларни фирма ишларига аралашушга ва технократияга таъсир ўтказишнинг ишдан бўшатиш ёки лавозимини пасайтириш, фирмани тугатиш, бошқарув ходимлари меҳнат ҳақини ўзгартириш каби воситаларидан фойдаланишга мажбур қилади. Даромадлар камайган тақдирда корпорация раҳбариятига компанияни сақлаб қолишдан манфаатдор бўлган касаба уюшмалари ва унинг синишидан таҳликага тушган банклар катта тазйиқ ўтказишлари мумкин. Технократия ўзини ташқаридан бўладиган бундай аралашувларидан ҳимоя қилишга интилиб, дивиденд миқдорини, демак, корхона рентабеллигини лозим даражада тутиб туришга мажбур бўлади.

Кооператив ва давлат корхоналари. Ҳозирги бозор иқтисодиётида хусусий тадбиркорлик билан бир қаторда, кооператив ва давлат корхоналари кенг қулоч ёйган. Маълумотларга кўра, дунёда қарийб бир миллион кооператив ташкилот ишламоқда. Уларнинг кўплари ўзининг рақобат қилиш қобилиятини кучайтиришга уринаётган майда хусусий тадбиркорларнинг бирлашуви негизида юзага келган. Кооперациянинг бундай шакллари аграр шўъбага хосдир. Ҳозирги кунда улар Франция ва ФРГда барча қишлоқ корхоналарининг камида 80% ни ҳамда Швеция, Дания, Норвегия, Финляндия, Исландия, Голландия ва Япония каби мамлакатларда деярли 100%га яқинини қамраб олган. Бунда фермерлар мустақил товар ишлаб чиқарувчи бўлиб, қолганлари тайёр маҳсулотни сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш, ем-хашак, ўғит ва техника сотиб олиш, бир-бирига молиявий кўмак бериш каби вазифаларни ҳал этиш учун ўз куч-ғайратларини бирлаштирадilar.

Кооператив корхоналар вужудга келишининг бошқа бир усули – меҳнат коллективи томонидан хусусий фирманинг сотиб олинishi ва унинг кооперативга айлантирилишидadir. Бу, одатда, фирманинг синиш ва ишчиларнинг ишсиз қолиш хавфи рўй берганда содир бўлади. Давлат бундай кооперативларнинг бўлишидан манфаатдор ва уларни қўллаб-қувватлайди. Корхоналарни меҳнат коллективларига мулк қилиб бериш иқтисодий бухронлар оқибатларини бартараф этиш ва иш билан бандлик даражасини сақлаб қолишнинг етарлича самарали ва кенг ёйилган усулидир.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг барча асосий муаммоларини ишчилар иштирокида ҳал қилишини кўзда тутувчи энг демократик шакл кооперативлар учун хосдир. Кооператив аъзоси – унинг эгаси сифатида бутун корхона ишининг пировард-натижасини тўғридан-тўғри ўзлаштиришдан манфаатдор. Шу йўл билан ишлаб чиқариш воситаларининг эгаси билан ходимлар ўртасидаги зиддиятлар бартараф этилади.

Акционерлар компаниясида ҳам ишлаб чиқариш шундай тахлитда ташкил этилган. Уларда меҳнат жамоалари акцияларнинг назорат пакетига эга бўлиб, бундан бошқарув тизимини демократлаштириш учун фойдаланилади. Бундай компанияларда акционерлар йиғилишларида акциялар сони бўйича овоз бериш одати кўпинча “битта ишчи – битта овоз” тартиби билан алмаштирилади. Компания идорасини бошқариш учун ишчилар ва хизматчилар сайланади. Бошқарув аппарати ўз-ўзини бошқариш усули ҳисобига кескин қисқартирилиши мумкин.

Бироқ кооператив ҳаракатнинг ривожланиши ва кенг ёйилишига тўғаноқ солувчи омиллар ҳам бор. Буларнинг асосийларидан бири бошқарувнинг нисбатан паст савиялиги эканлигидадир. Гап шундаки, кооперативларда менеджер ўз мавқеининг икки ёқламалиги: унга бўйсунувчи, кишининг айни вақтда ёлловчи эканлиги унинг интизом ўрнатиш, ишчиларни ёллаш ва бўшатиш бўйича ҳуқуқлари чекланган эканлиги эътиборга олиниши керак. Кооператив ходимлари, бир томондан, менеджерларни ёллашлари ва улар меҳнатига ҳақ тўлашлари, иккинчи томондан, уларнинг фармойишларига бўйсунушлари лозимлиги меҳнат интизомининг мустаҳкамланишига ёрдам бермайди. Пайчилар оладиган тайин меҳнат улушидан қатъи назар, фойдadan бир хил миқдорда ҳисса олишлари, демак менеджерлар меҳнатининг рағбатлантирилиш воситалари чекланганлиги туфайли иш интизоми сусаяди.

Иккинчи омил ҳам ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун зарур бўлган қўшимча молиявий маблағларни жалб қилишнинг қийинлигини кўрсатади. Бошқарув ва молия интизоми савиясининг пастлиги сабабли кредит берувчилар кооперативларга ишонмай кўйишади. Айрим виждонсиз кооператив аъзолари эса олинган фойдани ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфлаш ўрнига, кўпинча, уни “еб ётишни” афзал кўришади.

Давлат тадбиркорлиги иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солиш мақсадига эришишнинг энг муҳим воситаларидан биридир. У иш билан банд қолиш сиёсатини амалга ошириш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктурасини таъминлаш, бир қатор илмий-техник ва ижтимоий режаларни рўёбга чиқаришда катта аҳамиятга эга бўлади.

Давлат корхоналари, энг аввало, иқтисодиётнинг марказлаштирилган бошқарувсиз меъёрида ишлай олмайдиган тармоқлари (темир йўл, телеграф, почта, ирригация иншоотлари, телекоммуникациялар)да, шунингдек харажатлар узок муддатдан кейин қопланадиган (энергетика, маиший хизмат) йирик капитал маблағларга муҳтож тармоқлар (ундирма, саноат, транспорт)да ишлайди. Бундан ташқари, давлат одатда фан-техника жиҳатдан истиқболли бўлган тармоқлар (ядро энергетикаси, космик тадқиқотлар, электроника, нефть кимёси), ижтимоий тизим (соғлиқни сақлаш, таълим, маиший хизмат)ни маблағ билан таъминлаб туради.

Давлат корхоналарининг учта асосий турини алоҳида кўрсатиш мумкин: 1) давлат бошқарув идорасига бевосита бўйсунувчи ташкилотлар бўлиб, улар давлат бюджетидан маблағ билан таъминланади; 2) мақсадлари ва фаолият даражасини давлат бошқарув идоралари белгилаб берса-да, нисбатан мустақил бўлган ҳамда бозорга ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга мўлжалланади; 3) мустақил товар ишлаб чиқарувчилар сифатида иш тутадиган (одатда, улар акцияларнинг назорат пакети давлатники бўлган компаниялар) корхоналар. Иккинчи ва учинчи турдаги корхоналар, бир томондан, фойдани максималлаштиришга қаратилган, иккинчи томондан, улардан ҳукумат мамлакат иқтисодиётини тартибга солиш вазифаларини ҳал этиш учун фойдаланиши мумкин.

5-§. Тадбиркорлик капиталининг доиравий айланиши ва айланиши

Тадбиркорлик капиталининг ҳаракати ва унинг босқичлари. Тадбиркорлик иқтисодий фаолиятнинг қандай тарзда амалга оширилишидан қатъи назар, узлуксиз жараён ҳисобланади. Бу жараённи амалга ошириш учун тадбиркор маълум миқдорда ишлаб чиқариш воситалари ва молиявий маблағларга эга бўлиши шарт. Тадбиркор ихтиёрида мавжуд бўлган барча меҳнат воситалари, меҳнат предметлари, тайёр товарлар ва пул маблағларининг жами тадбиркорлик

капитали деб юритилади. Маълумки, узоқ йиллар давомида буйруқ-бозлик иқтисодиёти шароитида, хўжалик амалиётида ва иқтисодиёт атамашунослигида корхона ихтиёридаги ишлаб чиқариш фондлари, деб атаб келинди. Бозор иқтисодиётига ўтилгандан сўнг кўп укладли иқтисодиёт барпо этилди. Натижада, мулкчиликнинг турли-туманлигига асосланган корхоналар, шу жумладан, давлат корхоналари ва муассасалари ҳам тадбиркорликнинг у ёки бу шакли билан шуғуллана бошлади. Шу сабабли фирмалар ва тадбиркорлар ихтиёридаги ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат предметлари, товар ва пул маблағларининг жамини тадбиркорлик капитали ёки капитал термини билан атаймиз.

Моддий неъматлар ишлаб чиқариш учун сарфланадиган ҳар қандай капитал ўз ҳаракатини дастлаб пул суммаси шаклидан бошлайди. Дастлабки авансланган пул тегишли ресурслар бозоридан зарур товарлар, яъни ишлаб чиқариш воситаларини харид қилиш ва иш кучларини ёллашга сарфланади. Демак, бундай ҳолатда пул, шунчаки, товарлар сотиб олишгагина сарфланмасдан, балки ишлаб чиқариш учун зарур бўлган иқтисодий фаолият омилларини сотиб олишга сарфланади.

Фирмалар ёки тадбиркорлар олди-сотди йўли билан меҳнат воситалари ва предметларини харид қилади, иш кучини ёллайди, фойда олиш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиб, тегишли товарлар ишлаб чиқаради. Ишлаб чиқарилган товарлар, сотилгандан сўнг ишлаб чиқаришни ташкил этишга авансланган пул ресурслари фирма ихтиёрига дастлабки шаклида қайтади. Қайтган пул ишлатилган ресурсларнинг ўрнини қоплашга, шунингдек ёлланма иш кучига ҳақ тўлашга сарфланади. Сўнгра бутун жараён яна ва яна қайтадан такрорланади, яъни унинг доиравий айланиши рўй бериб туради.

Бинобарин тадбиркорлик капитали узлуксиз ишлаб чиқариш ва муомала жараёнида доимо ҳаракатда бўлади ва бу ҳаракат жараёнида бир қатор босқичлар кетма-кет, бир шаклдан иккинчи шаклга, яъни пул шаклидан унумли шаклга, сўнгра эса яна товар шаклига айланиб туради. Бундай капиталнинг кетма-кетлиги уч босқичдан ўтади.

Биринчи босқичда авансланган пулга зарур ишлаб чиқариш воситалари сотиб олинади ва ёлланма иш кучига ҳақ тўлаш учун пул авансланадики, бу ишлаб чиқариш омилларини ташкил этади.

Иккинчи босқичда ишлаб чиқариш воситалари билан иш кучини ишлаб чиқариш мақсадларида истеъмол қилиш жараёни юз бериб, бу

жараён товар, унинг истемол қиймати ва қийматини, шу жумладан, кўшимча маҳсулот қийматини яратиш билан тугайди.

Учинчи босқичда ишлаб чиқарилган товарлар сотилади, товар пулга айланади, яъни ўзининг дастлабки шаклига қайтади. Бутун жараён янгидан, аммо миқдор жиҳатдан кўпроқ шаклда бошланади. Ҳар бир муайян пайтда тадбиркорлик капитали маълум нисбатда уччала шаклнинг ҳаммасида пул, унумли ва товар шаклларида бўлади. Уларнинг иккинчиси (унумли капитал) ишлаб чиқариш соҳасининг ўзгинасидир. Биринчи ва учинчи шакллари (пул ва товар шакллари) муомала соҳасида амал қилиб, биргаликда муомала маблағини ташкил этади.

Тадбиркорлик капитали унумли шаклининг доиравий айланиши ишлаб чиқаришнинг муомала нисбати етакчи роль ўйнашини очиб беради: ишлаб чиқариш биринчи ўринга қўйилади. Бу жараёнда истеъмол қийматлари яратилади. Капиталнинг ҳаракати қандай ижтимоий-иқтисодий шаклларда амалга оширилмасин, улар учун, юқорида таъкидланганидек, доиравий айланиш ва унинг босқичлари ҳаракат кўриниши умумий, шу билан бирга, хўжалик юритишнинг айрим шаклларида тадбиркорлик капиталининг доиравий айланиши, унинг босқичлари ва ҳаракат шакллари иқтисодий мазмуни жиҳатдан бири-биридан фарқланади.

Тадбиркорлик капиталининг айланиши. Асосий ва айланма капитал. Тадбиркорлик капиталининг ҳаракати бир карра юз берадиган ҳолат эмас, балки узлуксиз, доимо такрорланиб турадиган жараёндир. Доиравий айланишнинг бундай узлуксиз такрорланиб, янгиланиб туриши *тадбиркорлик капиталининг айланиши* дейилади.

Капиталнинг айрим қисмлари турли тезликда ҳаракат қилади. Шу туфайли сарфланган маблағларнинг айланиш тезлиги турлича бўлади. Масалан, унумли истеъмолда бўлган меҳнат предметлари (хом ашё ва материаллар)нинг қиймати, бир доиравий айланишда ўз қийматни тайёрланган маҳсулотга тўлиқ ўтказиши. Меҳнат қуроли (ишлаб чиқариш воситалари) қиймати бир неча доиравий айланишда ўз қийматини тайёрланаётган маҳсулотларга қисман ўтказиб кейин муайян белгиланган вақтдан сўнг ўзининг бошланғич шаклига қайтади.

Капитал айланиш хусусиятига қараб, айланиш тезлиги турлича бўлади, ўз қийматини тайёрланган товарга ўтказиш усули жиҳатдан бир хил эмас. Мана шундан қилиб чиқилганда, капитални икки қисм-

га: асосий ва айланма капиталга бўлиш мумкин. Бундай бўлинишнинг моддий асосини меҳнат воситалари билан меҳнат буюмлари ўртасидаги фарқ ташкил этади.

Асосий капитал ишлаб чиқариш жараёнида тўлиқ иштирок этиб, ўз қийматини тайёр товарларга қисман, бир марта эмас, балки бир неча доиравий айланиш давомида ўтказди. Машиналар, асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш биноларидан иборат бўлган бу қисм *асосий капитал* деб аталади. Айланма капитал ишлаб чиқариш жараёнида ўз қийматини тайёрланаётган товарга батамом ўтказди ва ашёвий-буюм шаклини йўқотади, сотилгандан сўнг корхонага пул шаклида қайтиб келади. Хом ашё, ёқилғи, ёрдамчи материалларда гавдаланадиган капитал *айланма капитал* деб аталади. Улар жумласига ёлланма меҳнатга ҳақ тўлашга авансланган маблағлар ҳам киради.

Асосий ва айланма капиталлар бир-биридан фарқланишига қараб, қуйидаги белгиларга эга;

– ишлаб чиқариш жараёнида ҳаракат қилиш хусусиятларига қараб, асосий капитал ишлаб чиқарилаётган товарнинг моддий таркибига буюм жиҳатдан кирмайди, чунки у узоқ йиллар давомида ишлатилади (масалан, станок 10 йил, бино 50-100 йил), ўзининг дастлабки натурал буюмлилигини бир неча доиравий айланишлар давомида сақлаб қолади. Айланма капитал (масалан, пахта, жун, пилла, металл) эса ҳар бир доиравий айланишда тўлиқ унумли истеъмол қилинади. У ўзининг буюмлилиги ва ашёвийлик шаклини йўқотади, истемол учун тайёр товарга айланади;

– қийматнинг ишлаб чиқариш натижаларига ўтиш хусусиятига қараб, асосий капитал ишлаб чиқариш жараёнида узоқ йиллар давомида ишлатилади, уларнинг қиймати ишлаб чиқарилган товарларга қисман ўтиб боради. Агар станок 10 йил, бинолар эса 50 йил давомида фойдаланилса, бунда ҳар йили етказилган маҳсулот қиймати станок қийматининг 1/10 ва бино қийматининг 1/50 қисми ўтади. Хом ашё ва ёрдамчи материаллар, ёқилғи, энергия каби айланма капитал ҳар бир доиравий айланишда тўлалигича унумли истеъмол қилинади, уларнинг қиймати етказилган товарлар қийматига тўлалигича ўтади.

– капитал қийматининг айланиш усулига қараб, қийматнинг айланиш усули бўйича асосий капитал қиймати иккига бўлинади: қийматнинг товарга ўтган қисми товарлар ва хизматлар билан биргаликда муомалада бўлади ва доиравий айланиш жараёнида товар шакли-

дан пул шаклига ўтади, ҳамда қоплаш фонди шаклида аста-секин жамғариб борилади, товарга ўтган қисми ишлаб чиқариш доирасида мавжуд асосий капиталда гавдаланганича қолаверади. Истеъмол қилинган предметларнинг қиймати тўла-тўқис айланиб, янги товарлар қиймати таркибига киради. Меҳнат воситалари айланиши давомида бир қатор изчил доиравий айланишларда иштирок этади. Меҳнат предметларининг айланиш вақти бир айланиш даврига тўғри келади;

– асосий капитал қайта тикланиш усулига кўра, ишлаб чиқаришда иштирок этиб, товарга ўтказган қиймати бир қатор доиравий айланишларни ўз ичига олган қисми маълум давр давомида едирилиб, эскириб ишдан чиққандан кейин пул шаклида янги, асосий капитал шаклига айланади. Айланма капитал ҳар бир доиравий айланишдан кейин ашёвий буюм шаклида қайта тикланади.

Шуни айтиш жоизки, барча меҳнат воситалари ҳисобланса ҳам асосий капитал таркибига кирмайди. Муомала жараёнида ишлаб чиқаришнинг маълум даражада давом этиши натижасида унумли капитал (масалан: музлатгич ускуналари, қадоклаш, ўлчаш машиналари, идиш материаллари, приборлар ва бошқалар) мавжуд бўлиб, улар ҳам асосий ва айланма капиталга бўлинади.

Тадбиркорлик капитали ўз ҳаракатида ишлаб чиқариш ва муомала вақтларини ўз ичига олувчи давр мобайнида юз бермайди. Шу сабабли тадбиркорлик капитал айланиши вақти (АВ) ишлаб чиқариш вақти (ИВ) ва муомала вақти (МВ) йиғиндисидан ташкил топди, яъни :

$$AB = IB + MB$$

Фирма томонидан сарфланган маблағларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бўлиш вақти, яъни ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олгандан то тайёр товар бўлган давргача ўтган вақт *ишлаб чиқариш вақтини*, муомала жараёнида бўлиш вақти, яъни ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш ва тайёр товарларни сотиш учун кетган вақт *муомала вақтини* ташкил этади.

Ишлаб чиқариш вақти уч қисмдан иборат:

- бевосита меҳнат жараёни ёки иш даври (ИД),
- турли танаффуслар даври (ТД),
- ишлаб чиқариш воситаларининг ишлаб чиқариш захираларида бўлиш даври (ЗД). Буни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$IB + ID + TD = ZD$$

Иш даври ишлаб чиқариш вақтининг асосий таркибий қисми-дир. Бу вақт давомида маҳсулот меҳнатнинг таъсири остида бўлади. Иш даврининг узунлиги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг хусусиятлари, қўлланиладиган меҳнатнинг миқдори, унумдорлик даражасига боғлиқ.

Айланиш вақтини ташкил этувчи дастлабки омил ишлаб чиқариш вақтидир. У қуйидагилардан иборат:

- хом ашё, материаллар ва асбоб ускуналарнинг ишлаб чиқариш захираларида бўлиш вақти;

- иш вақти, яъни меҳнат буюмлари кишилар томонидан бевосита ўзгартириладиган вақт;

- кишиларнинг бевосита иштирокисиз юз берадиган табиий жараёнларнинг меҳнат буюмига таъсир кўрсатиш вақти (кимё-саноатида, деҳқончиликда ва бир қанча бошқа тармоқларда, айниқса, катта бўлади);

- корхоналарнинг иш режими (сменалар ўртасидаги узилишлар, дам олиш кунлари), шунингдек ҳар хил бекор туриб қолишлар туфайли меҳнат жараёнида бўлиб турадиган узилишлар.

Айланиш вақтини ташкил этувчи иккинчи омил муомала вақти бўлиб, у ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олишга ва ишлаб чиқаришни иш кучи билан таъминлашга сарфланадиган вақтни, шунингдек товарларни сотиш вақтини ўз ичига олади.

Ишлаб чиқариш воситаларининг захира ва эҳтиёжлар сифатида бўлиш вақти уларнинг ишлаб чиқариш жараёни узлуксизлигини таъминлаш учун зарур бўлган даврдир. Тез қуритадиган, ачитадиған, умуман, технологик жараёнларни тезлаштирадиган янги техника ва технологияларнинг қўлланилиши танаффус даврини ва ишлаб чиқариш вақтини қисқартиради. Транспорт шахобчаларини ривожлантириш, хўжалик алоқаларининг самарали тизимини белгилаш, ишлаб чиқариш воситалари бозорни шакллантириш, эҳтиёжлар миқдорини тўғри ҳисобга олиш каби ҳолатлар муомала вақтини қисқартириш учун муҳим аҳамият касб этади.

Капиталнинг айланиш тезлиги улардан фойдаланиш самарадорлигига жиддий таъсир қилади. Айланиш тезлиги муайян давр ичида (А) содир бўлган айланишлар сони (П) ёки бир айланишнинг узун-қисқалиги (а) билан белгиланади, яъни:

$$П = А/а; \quad а = А/П$$

Агар капитал айланиш узунлиги уч ой (90 кун)ни ташкил қилса, у вақтда $\Pi = 12 : 3 = 4$; $a = 360 : 4 = 90$ кун бўлади.

Турли соҳаларда капиталнинг айланиш тезлиги кўпгина омилларга боғлиқ. Шундай муҳим омиллардан бири доимий ва айланма капиталнинг бўлиниш нисбатдир. Асосий ва айланма капиталнинг иқтисодий мазмунига қараб қандай роль ўйнаши аҳамиятлидир. Чунки тадбиркорлик капитали таркиби муҳим аҳамият касб этиб, сифат жиҳатдан ўсиши, такомиллашиб бориши натижасида ишлаб чиқаришнинг юксак техника даражаси таъминланадики, бу ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга олиб келади.

Асосий капитал қийматининг кўчирилган, кейинчалик эса уларнинг ўз ўрнини тўлдиришга мўлжалланган суммаси амортизация фондини ташкил этади. Бу фонддан маблағларнинг маълум улушидан эскирган капитални таъмирлаш, уларнинг истеъмол хусусиятларини қисман тиклаш учун фойдаланиш мумкин. Бундай ҳолатда капиталнинг ўтказган қиймати ҳам қопланади. Асосий капиталнинг хизмат муддати тугагандан кейин ўзларининг натурал ашёвий сифати бўйича яроқсиз ҳолга келиб қолганида ва истеъмол қийматини батамом йўқотгани (асосий капиталнинг жисмоний эскириши)да жамғарилган амортизация фондининг янги меҳнат воситаларини сотиб олиш ва эскирганларини алмаштириш имкони туғилади. Фан-техника тараққиёти шароитида асосий капитал фақат жисмоний эскириб қолмасдан, балки маънавий жиҳатдан ҳам эскиради.

Маънавий эскириш икки хил бўлади. Унинг биринчиси меҳнат воситаларининг муайян турини ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиши натижасида улар арзонлашувининг юз бериши билан боғлиқдир. Чунки илгари ишлаб чиқарилганларига ўхшаш бўлган машиналар, асбоб-ускуналар ва қурилмалар арзонроқ бўлиб қолади. Бироқ бир хил техник воситаларнинг қиймати ҳар хил бўлиши мумкин эмас. Уларнинг реал ижтимоий қиймати дастлабки сарфлар (дастлабки қиймат) билан эмас, балки ушбу капитални такрор ишлаб чиқариш ҳозирги пайтда жамиятга канчага тушганлиги (тиклаш қиймати) билан белгиланади. Шунга мувофиқ, ишлаб турган асосий капитал тайёрланаётган маҳсулотга олдингига қараганда камроқ қийматга кўча бошлайди.

Маънавий эскиришнинг иккинчи тури яъни, сифат жиҳатдан янада мукамалроқ ва самаралироқ меҳнат воситаларининг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Улардан фойдаланиш ишлаб чиқарилаёт-

ган маҳсулотни арзонлаштиради ёки умуман бозордан сиқиб чиқаради. Натижада мавжуд капиталларнинг техник хоссалари ўзгармайди, бироқ уларнинг жисмоний ҳолати яхши бўлиши мумкин, улар ўз истеъмол қийматини йўқотади. Шунга мувофиқ ҳолда аввалги капиталлар қадрсизланиб қолади.

Таъкидлаш керакки, иккинчи турдаги маънавий эскиришнинг оқибатлари зиддиятлидир. Бир томондан, корхоналар ютқазади, иккинчи томондан эса-жамият ютади, чунки эски капиталлар қийматининг йўқотилиш ўрнини янги капиталлардан фойдаланишдан келадиган тежам ортиғи билан қоплаб юборади.

Маълумки, фирмаларда ишлаб чиқариш жараёнида асосий капитал билан бирга, айланма капитал ҳам иштирок этади. Улар меҳнат буюмларининг захираларини ҳамда тугалланмаган ишлаб чиқаришни, шу жумладан, ярим фабрикатларни ўз ичига олади.

Ҳар бир фирма айланма ишлаб чиқариш капиталлари билан бир қаторда муомала маблағларига ҳам эга. Улар жумласига ишлаб чиқариш босқичидан чиқиб кетган тайёр маҳсулот ва пул маблағлари киради.

Доиравий айланиш жараёнида айланма капитал билан муомала маблағлари ўртасида жуда яқин алоқа мавжуд бўлади, яъни бирига ўтиб туради ва ҳар бир доиравий айланишдан кейин тўлатўкис янгиланади. Уларнинг иккаласи бир бўлиб, фирманинг айланма маблағини ташкил этади.

Айланма маблағларнинг фойдаланиш самарадорлиги айланишнинг тезлиги билан белгиланади. Бундай тезлик маблағларнинг йил давомида айланган сони, яъни йил давомида маҳсулот сотиш ҳажми айланма маблағларининг ўртача йиллик қолдиғига нисбати билан ўлчанади. Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги айланма капитал ўртасидаги нисбатга боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқаришда банд бўлган айланма капиталнинг миқдори қанчалик кўп бўлса, айланма маблағлардан фойдаланиш шунчалик самарали бўлади. Айланма маблағларини айланишини тезлаштирувчи асосий омиллар: ишлаб чиқариш вақтини қисқартириб бориш билан белгиланади.

Асосий таянч тушунчалар

Тадбиркорлик фаолияти – фойда олиш мақсадида, мулкий жавобгарлик асосида ва амалдаги қонунлар доирасида ўз ташаббуси билан амалга ошириладиган иқтисодий фаолиятдир.

Ҳиссадорлик жамияти – фойда олиш мақсадида жисмоний ва юридик шахслар томондан ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа меҳнат қуролларини, пул ресурсларини бирлаштирган уюшмалар.

Таъсисчилик фойдаси – сотилган акциялар ва ҳиссадорлик корхонасига ҳақиқатда қўйилган маблағлар суммаси ўртасидаги фарқдан иборат бўлиб, уни жамиятни таъсис этувчилар ўзлаштиради.

Дивиденд – акция эгаси жамият олган фойда ҳисобидан оладиган даромадлар.

Тадбиркорлик капитали – тадбиркорлар ихтиёрида бўлиб, ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган барча моддий воситалар, товарлар ва пул маблағлари.

Айланма капитал – унумли капиталнинг доиравий айланиш ишлаб чиқариш жараёнида тўлиқ ўз қиймати яратилган маҳсулотга тўлиқ ўтказилган ва буюм-ашёвий шаклини ҳам ўзгартирган қисм.

Асосий капитал – ишлаб чиқариш жараёнида капитал доиравий айланишнинг ҳамма босқичида қатнашиб, ўзининг қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга қисман-қисман бўлиб ўтказиб беради ва ашёвий буюм шаклини ўзгартирмайди.

Амортизация нормаси–амортизация ажратмалари йиллик суммасининг асосий капитал қийматига нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Такрорлаш учун саволлар

- 1.Тадбиркорлик фаолияти нима? Унга таъриф беринг.
- 2.Тадбиркорликнинг вазифасини санаб кўрсатинг. Нима учун тадбиркор таваккалчилик билан фаолият кўрсатади?
3. Тадбиркорликнинг шаклларини ва уларнинг хусусиятларини кўрсатинг.
- 4.Ҳиссадорлик жамиятига таъриф беринг. Акция нима, акция курси қандай аниқланади?
- 5.Тадбиркорлик капитали нима?
- 6.Тадбиркорлик капитали айланиш жараёнида қандай босқичларга киради?
- 7.Асосий ва унумли капитал қандай мезонлар билан бири-биридан ажратилади?
- 8.Амортизациянинг иқтисодий мазмуни нимадан иборат?

XI БОБ. БОЗОР ТИЗИМИДА КОРХОНАНИНГ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ

1-§. Фирма ва унинг ташкилий тузилиши

Мустақил корхона (фирма) тегишли тарзда ташкил этилган ва муайян неъматларни ишлаб чиқариш мақсадида мувофиқлаштирилган моддий ҳамда киши ресурсларининг бирлашмасидир. Бундай бироз мавҳум таъриф мўъжаз ҳатто жуда кичик (5-10 киши ишлайдиган) корхоналар учун ҳам, оборотлари Австрия, Дания ва Норвегиянинг биргаликда олинган ялпи миллий маҳсулотидан ошиб кетадиган «Женерал моторс» (салкам 900 минг киши ишлайди) туридаги ниҳоятда катта корхоналар учун ҳам қўлланилиши мумкин.

Фирмани ишлаб чиқариш жиҳатидан ташкил этиш ўз ичига қуйидаги ҳолатларларни қамраб олади:

а) умумий вазифаларни белгилаш (фирма нималарни, қайси мақсадда ишлаб чиқаради);

б) ишнинг конкрет турлари учун вазифаларни аниқлаш (ишлаб чиқариш, молия операциялари, тижорат ва ҳоказолар учун);

в) бўлинмалар бажарадиган вазифаларни конкретлаштириш (1-цех учун, 2-цех учун вазифалар ва ҳоказо);

г) тегишли ваколатлар бериш (ким нима ва қандай ҳажмда иш қилиши, муҳими бажарилган иш учун ким олдида ҳисоб бериши керак);

д) бирор қарорга келишнинг самарадор эканлигини, иш-ҳаракатларнинг амалга оширилишини назорат қилиш ва уларни мувофиқлаштиришни таъминлайдиган коммуникациялар тизимини йўлга солиш;

е) ташқи муҳитга нисбатан ўта сезгирликни таъминлаш (корхона бозор талабининг ўзгаришига мослашувчан бўла олиши керак).


Фирманинг ташкилий қурилишига қатор объектив омиллар катта таъсир кўрсатади: илмий-техник (техника, технология, илмий тадқиқотлар); ташкилий (ихтисослаштириш, кооперациялаш, бирга қўшиш, ишлаб чиқариш миқёси ва ҳоказо); иқтисодий конъюнктура ва хўжалик фаолияти, меҳнат харажатлари ва ҳоказолар ўзаро нисбатининг ўзгариши, ижтимоий-сиёсий омиллар (давлатнинг роли ва таъсири, миллий демографик муҳит, халқаро вазият).

Компания ўз мақсадларига эришгандагина фирманинг ташкилий тузилиши самарадор бўлиб чиқади. Одатда, ҳар бир фирма миқёси ва

фаолияти қандай кечишидан қатъи назар, бир талай мақсадларни ҳал этишни кўзда тутди. Мазкур мақсад қанчалик аниқ ва равшан бўлса, унга эришиш учун тегишли истиқбол йўлини танлаш шунчалик осон ўтади. Фирманинг истиқболи дейилганда мақсадларга жуда маъқул тарзда эришиш учун ресурслардан қандай фойдаланиш борасидаги кенг миқёсли концепция тушунилади.

Ташкилий тузилмаларнинг турлари хилма-хил бўлиб, уларнинг асосийлари бештадир.

1. Чизиқли (поғонали) тузилма (1-расм) юқори ва тобе бўғинлар (бўлинмалар, ходимлар) ўртасидаги тўғри бўйлама бўйича алоқаларни ифодалайди. У кўп босқичли тавсифга эга бўлади (масалан, бирлашма директори – касаба бошлиғи – уста-ишчи). Бу жуда оддий тузилма. Ундан осонгина фойдаланиш мумкин. Бу тузилмада алоқалар тизими коммуникациянинг қисқа каналларига эга бўлиб, унда ҳар бир ходимнинг ҳуқуқ ва бурчлари равшан белгилаб қўйилган бўлади. Натижада топширилган ишнинг аниқ ва пухта бажарилишига эришилади.




чиликлар ҳам мавжуд. Жум-ладан, унда мослашувчанлик юқори савияда амалга ошмайди. Бу эса буйруқбозлик ҳамда расмиятчиликнинг пайдо бўлиши учун озик бе-рувчи манбаи бўлиб хизмат қилади.

2. Чизиқли – штаб тузилмаси. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши, технологияларнинг мураккаблашуви, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатурасининг кенгайиши каби омиллар таъсирида раҳбарларнинг мунтазам равишда ахборотларнинг катта оқимидан бохабар бўлиб туришлари, барча жараёнларни кузатиб боришлари борган

сари қийинлашиб боради. Шу сабабли марказий раҳбарият ҳамда мунтазам раҳбарлар қошида маслаҳатчилардан иборат кенгашлар ташкил этилади. Бу тузилманинг вазифаси тегишли қарорлар қабул қилишда раҳбарларга ёрдам беришдан иборат. Шундай бўлса-да, муайян афзалликларга эга бўлишига қарамай, унда буйруқбозликка мойиллик сақланиб қолаверади.

3. Чизиқли вазифавий тузилма. Уни барпо этишнинг асосий йўли ҳокимият ва масъулиятни бошқарувнинг алоҳида вазифалари мавжудлигидадир. Бунга ишларни режалаштириш, ишлаб чиқариш, молия, сотиш, таъминлаш ва ҳоказо бўйича гуруҳлаштириш кабилар киради.

2-расм




Тегишли шароитларда бундай тузилма етарлича самарадор ва қулайдир. Лекин бозор конъюктураси кескин ўзгарган тақдирда ташкил этишнинг бундай вазифавий тури зарур мослашувчанликни таъминлай олмайди. Шунга қарамай, мазкур тузилма, айниқса, АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида жуда кенг тарқалган.

4. Марказлаштирилмаган вазифавий тузилма. У бутун ишлаб чиқариш тузилмасини маҳсулот турлари бўйича тақсимлашга асосланган. Масалан, Американинг «Боинг» корпорацияси таркибида моторсозлик, гражданлик самолётлари, ҳарбий авиация техникаси бўлинмалари мавжуд. Бўлинма бошқарувчиси муайян маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун ғояни ишлаб чиқаришга жорий этишдан бошлаб, сотишга қадар жавобгар ҳисобланади. Олий раҳбарлик эса умумий, хусусан, фақат ташқи иқтисодий масалалар билан шуғулланади ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш соҳасидаги сиёсатни белгилайди (масалан, янги бўлинмани барпо этиш ёки, аксинча, мавжудларидан бирортасини тугатиш масаласини ҳал этади). Бундай тузилма, айниқса, бўлинмалар ҳудудий жиҳатдан тарқоқ бўлган ҳолда са-

марали ҳисобланади. Лекин бу тузилма ҳам маҳсулот, технологияни доимо янгилаб туриш каби муаммоларни ҳал этишига тўғри келади. Бўлинмалар ўсиб борган сайин марказлаштирилган вазифавий тузилмага хос камчиликлар ҳам намоён бўлиб боради.

5. Матрицавий тузилма. У маҳсулоти нисбатан қисқа «умр» кўрадиган ва тез-тез ўзгариб турадиган фирмалар томонидан қўлланади. Ушбу тузилмани «Тўр» кўринишида тасаввур этиш ҳам мумкин (3-расм).

3-расм



Бўйламасига қараб тузилган вазифавий тузилмалар ишлаб чиқариш, савдо, режалаштириш, ИТТК кабилар, энига эса технология ва бошқарув соҳасида янгиликларни жорий этиш билан шуғулланувчи махсус тузилган гуруҳлар жойлашади. Бундай гуруҳлар вақтинчалик негизда шакллантирилади. Бунда дастурни (А.В.С) бошқарувчининг лойиҳани рўёбга чиқаришининг бутун даври учун вазифавий бўлимлар (бўйламасига), ходимлар ва ресурслар ажратилади. Бошқарувчи умумий раҳбарлик ва ишларнинг бажарилиши бўйича назоратни амалга оширади. Навбатдаги дастур вазифалари (энига) бажарилгач, ходимлар ва фондлар ўзларининг функционал бўлимларига қайтарилади.

Бундай тузилма бозорда талабнинг ўзгаришига тезкорлик билан муносабат билдиришга қодир. Бироқ фирманинг ўса бориши билан

мазкур тузилма ҳам бошқарувни бюрократлаштиришга ва инновацион қобилиятларнинг пасайишига мойил бўлади.

Шундай қилиб, бошқарувнинг қараб чиқилган ташкилий тузилмаларидан бирортасини ҳам расмий деб бўлмайди. Шунинг учун ҳар бир фирма ишлаб чиқариш ва иқтисодий муҳитнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг талабаларини энг кўп даражада қондирадиган ташкилий тузилма турини танлаши керак. Борди-ю, у ёки бу чизиқни соф кўринишда қўллаш мумкин бўлмаса, уларни бирга қўшиш воситасида зарур тузилмага эга бўлиш мумкин.

2-§. Менежмент назарияларининг тадрижий ривожланиши

Сўзни «менежмент» терминининг кўп маъноли эканлигини таъкидлашдан бошлаймиз. Чунончи, инглиз тилининг Оксфорд луғатида унинг қуйидаги иккита маънода қўлланилиши уқтирилган: 1) бошқарув ҳокимияти ва санъати; 2) ташкилот ресурсларини бошқарув бўйича алоҳида моҳирлик ва маъмурий кўникмалар. Илмий терминшуносликда менежмент шундай талқин этилади: менежмент ижтимоий-иқтисодий жараён бўлиб, унинг воситасида қўйилган мақсадларга эришиш учун фирма ресурсларига раҳбарлик қилишни амалга ошириш.

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, менежмент «бошқарув»га қараганда анча тор тушунча. Масалан, машина, дастгоҳ каби технологик линияларни бошқариш мумкин. Бу эса муҳандис ва технологларнинг вазифасига киради. Менежмент эса айни фирманинг ижтимоий-иқтисодий жараёнларини бошқариш маъносини англатади.

Менежмент термини илмий тушунча сифатида тахминан XIX асрнинг биринчи яримлари, яъни капитализмнинг туғилиши билан пайдо бўлган эди. Ўша вақтда бу тушунча анча жўнгина маънода қўлланилар эди: ҳарбий нусха бўйича барпо этилган ташкилот тузилмаси. Дастлабки менеджерлар ҳарбий интизом қондасига кўра, жазо билан қўрқитиш, ҳар қандай буйруқ ва фармонларга сўзсиз итоат этиш усулларини қўллаганлар. Бундай бошқарув усулидан меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, улардан иложи борича кўпроқ қўшимча қийматни ундиришнинг ғоятда самарали эканлиги кўзда тутилган.

Кейинчалик илмий нуқтаи назардан менежмент деб ном олган дастлабки мумтоз мактабнинг шаклланиши XX аср бошларига тўғри келади. Бу мактабнинг сарчашмасида америкалик муҳандис ва ихти-

рочи Ф.Тэйлор³⁶ (1856-1915) турган эди. Унинг назарияси кейинроқ «тэйлоризм» деб юритила бошланди. Тэйлоризмнинг асосий йўналиши ёлланма ишчилар меҳнатининг унумдорлигини оширишда ғоятда самарадор ва маъқул усулларни излашга қаратилган эди. Бу назариянинг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат: барча меҳнат операциялари, уларнинг миқдори, кетма-кетлиги аниқ ва пухта ихтисослаштирилиши ҳамда қатъий вақт оралиқларида тақсимланиши керак; ҳар бир меҳнат операцияси, ҳатто ҳар бир ҳаракат пухта ишлаб чиқилган қоидалар ва меъёрларга бўйсундирилиши, юқоридан белгилаб берилган иш усуллари ва қоидаларни бажариш учун доимий талабчан назорат амалга оширилиши керак. Қисқаси, ишчидан бошлиқларнинг барча буйруқларини ҳеч қандай мулоҳаза юритмасдан ва бирор бир шахсий ташаббус кўрсатмасдан аниқ ҳамда тез бажариш талаб қилинади. Дарвоқе, В.И.Ленин тэйлоризмни «тер тўктиришнинг илмий системаси» деб атаган эди. Бунда чизиқли-поғонали тузилма ҳукмрон ташкилий шаклдан иборат эди.

Шундай қилиб, бошқарувнинг тоиндустрия усулларида илмий менежментга ўтиш ҳақида гап кетар экан, таъкидлаш керакки, моҳиятига кўра, у аслида шаклини ўзгартирди, холос: меҳнатга жисмонан мажбурлаш асосида ишлаб чиқаришни бошқаришнинг тарқоқ, тартиблаштирилмаган усуллари ёлланма ишчи, фикрловсиз робот ўрнида чиқадиган яхлит концепцияга ўсиб чиқди.

Бундай бошқарувнинг аксил ҳаракати сифатида XIX асрнинг 20-30-йилларида АҚШда янги назария-инсоний муносабатлар назарияси пайдо бўлди. Америкалик жамиятшунос ва руҳиятшунос Э.Мейс (1880-1949) шундай назариянинг асосчиси ҳисобланади. Унинг асосий талқини қуйидагичадир: ташкилот шахсни эзган чоғида унинг самарадор ва натижа келтирувчан бўлиши мушкул; у шахснинг ўзини намоён этишини рағбатлантирганда янгиланмаслиги ва такомиллашмаслиги қийин. Инсоний муносабатлар назарияси нуқтаи назардан қаралганда, ишчи фикрловчи бўлмаган робот эмас, балки обрў-эътибор, ўзини ўзи ҳурмат қилиш, ўз кадр-қимматини ҳис этиш, бошқа кишилар томонидан маъқулланиш, шахсий мақсадлар ва манфаатларга эришишга интилишда муайян ижтимоий эҳтиёжлар соҳиби ҳисобланадиган индивиддир. Айни шу индивидлар компания ва фирмаларнинг манбаи эканлигидан келиб чиқилган ҳолда, инсоний муносабатлар мактабида бошқарувнинг ташаббускорлик, ишчилар

³⁶ Баъзи русча ва ўзбекча манбаларда Тейлор деб ёзилган.

билан ҳамкорлик, компанияда «бирдамлик руҳи» ва «муштараклик туйғуси»ни шакллантиришда фойдаланиш ҳамда уларни рағбатлантиришга асосланган тегишли усуллар ишлаб чиқилди.

Инсоний муносабатлар мактабининг атоқли вакили бўлмиш америкалик олим Д.Мак-Грегор (1906-1964) уқтирган эдики, инсон хулқ-атворининг икки хил модели, ходимнинг ўз меҳнатига муносабатининг иккита тури мавжуд; шунинг учун менеджер улардан фойдаланган ҳолда ишчилар меҳнатини асослашнинг ғоятда самарадор усулларини белгилаши керак. Биринчи моделга кўра, намунавий ёлланма ходим – табиатан ялқов киши. Шу сабабли у топширилган ишни бажаришдан бўйин товлашга уринади, унда иззат талаблик, масъулиятни ҳис этиш, фаҳм-фаросат етишмайди. Бундан шундай хулосага келиш мумкин: мазкур меҳнатчиларни ҳар доим мажбурлаш, назорат қилиш, жазолаш ва жарима солиш билан қўрқитиб туриш зарур. Иккинчи модель эса биринчисига қарама-қарши: ёлланма ишчилар табиатан фаол бўлиб, уларга ташаббускорлик ва удабуронлик, ўз зиммасига масъулият олиш ҳиссиёти хосдир. Бундай ҳолда менеджерликнинг вазифаси кишилар учун ўз мақсадларига ва қизиқишларига ғоят маъқул тарзда эриша оладиган шарт-шароитни барпо этишдан иборат; компаниянинг сиёсати ва истиқболи ходимларнинг хулқ-атвориغا асосланган ҳолда ташкил этилиши керак. Иккинчи моделга мувофиқ, ишчини рағбатлантириш ва унга қулай муҳит яратиб бериш билан мақсадга эришиш мумкин.

Албатта, бу иккала модель назарий жиҳатдан мавҳумдир. Чунки улар амалиётда соф кўринишда мавжуд эмас. Инсон зиддиятли шахс бўлиб, ўзида ҳам биринчи, ҳам иккинчи моделларга хос сифатларни бирлаштиради. Шу сабабли менежмент усуллари ҳам интеграцияланган кўриниш касб этмоғи даркор.

3-§. Корхонанинг ички ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш

Корхоналарнинг ички ишлаб чиқариш фаолиятини бошқаришнинг асосий вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин: режалаштириш, раҳбарлик ва етакчилиқни амалга ошириш, лавозимларни бутлаш, меҳнат даражасини асослаш, янгиликлардан унумли фойдаланиш, бошқариш, сифатни бошқариш ва ҳоказо. Уларнинг бозор иқтисодиёти шароитида қандай амалга оширилиши мумкинлиги ҳақида фикр юритамиз.

Режалаштириш. Фирма ичидаги ишларни режалаштиришдан мақсад фирма олдида турган натижаларга эришиш учун нима қилиш, у ким томонидан ва қандай қилиниши кераклигини аниқлашдан иборат. Марказий режалаштириш хизматининг бевосита олий маъмурият қошида жойлашиши ва унинг тўғридан-тўғри компания президентига бўйсундирилиши ҳозирги фирма учун катта аҳамиятга моликдир.

Режалар узоқ, ўртача ва қисқа муддатли бўлиши мумкин.

Узоқ муддатли режалаштириш фирманинг умумий мақсади ва истиқболларини белгилашдан иборат бўлиб, мавжуд ресурсларни ривожлантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш шарт-шароитларини ҳисобга олишдан иборат. Режалаштиришнинг бундай тури бизнесни диверсификациялаш, мулкчилик сиёсатини юритиш, хориждаги хатти-ҳаракатларни амалга ошириш каби кенг эътиборга олиш жиҳатидан истиқболга эгадир. Узоқ муддатли режалар, одатда, 10,15,20 йиллар учун ишлаб чиқилади.

Ўртача муддатли режалаштиришда ходимлар сиёсатини, умумий ишлаб чиқариш истиқболи, молиявий сиёсат каби ишларни амалга ошириш йўллари кўзда тутилади.

Қисқа муддатли режалар (одатда 1 йил учун) муайян муаммоларни ҳал қилиш мақсадида мавжуд ресурслардан фойдаланишни белгилайди.

Фирманинг ички режалари, шунингдек мудофаа ва ҳужум режаларига бўлинади. Мудофаа режалари сотиш бозорида мавқеларни ушлаб қолиш ва фойда даражасини сақлаб қолишга қаратилади. Ҳужум режалари эса рақобатчилардан устунлик бўлишни ўрнатишга хизмат қилади.

Кейинги вақтда башоратларнинг турли шакллари, яъни тижорат, технология, ташқи иқтисодий, сиёсий каби турлари кенг тарқалди. Улар фирманинг мақсадларга эришиши учун олий раҳбарлик томонидан қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш учун имкониятлар ҳамда муқобилликлар тўғрисидаги ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Раҳбарлик ва етакчилик. Менеджерликнинг иккита асосий тури маълум: маъмурий ва қайта тузувчи. Биринчи ҳолда бошқарувчи полиция ҳаками, технократ сифатида ходимга унинг учун қатъиян ажратилган чегаралар ва аниқ таърифлаб берилган қоидалар бўйича ўзўзидан ҳаракат қилувчи «мурватча» сифатида қаралади.

Замонавий юксак технологик ва илм-фанни кўп талаб қиладиган ишлаб чиқаришларнинг пайдо бўлиши муносабати билан қайта тузувчи етакчи, новатор етакчи типи – бошқарувда янги фалсафа ифодачисига айланди.

Замонавий бошқарув тизими ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва кенгайтириш имконияти, катта миқдорда фойда ва даромад олишдангина иборат эмас. Бу, аввало, уларнинг ижодий имкониятларини ўз-ўзидан рўёбга чиқариш асосида ходимларни муваффақиятларга йўналтириш маҳоратидир. Бу, пировард-натижада, фирма ходимларининг ҳар кунда меҳнати эвазига фақат катта пул келтиришдангина эмас, балки ўзининг аҳамиятга эгаллиги, умумий иш учун фойдали эканлигини ҳис этиш имкониятини берадиган, шодлик келтирадиган шарт-шароит барпо этишга олиб келади.

Дунёдаги барча энг йирик компанияларга Г.Форд («Форд»), А.Слоун («Женерал моторс»), Т. Уотсон (ИБМ), С.Жоббс («ЭПЛ компьютерс»), К.Мацусита («Мацусита») сингари ижодкор етакчилар асос солган бошқарувнинг кўрсатиб ўтилган турлари самарадор эканлигини яққол тасдиқлайди.

Лавозимларни бутлаш. Фирма етакчиси қанчалик қобилиятли, ташаббускор, собитқадам бўлмасин, барибир, унинг бир ўзи йирик ташкилотга раҳбарлик қила олишга қодир эмас. Европа компаниялари менеджерларидан олинган сўровлардан маълум бўлишича, самарадор бошқарув дастасини шакллантира олиш етакчилик қилишнинг энг муҳим сифати ҳисобланади. Ишбилармонлик ва таваккал қилиш қобилияти сингари хусусиятлар эса бешинчи ўриндагина қолади. Бинобарин, бундай дастани бунёд қилиш фирма муваффақиятининг энг муҳим шартларидан биридир. Истеъдодли бошқарувчилар, муҳандислар, олимларнинг ғоятда тақчил стратегик ресурслар жумласига кириши бежиз эмас. Маълумот учун қуйидаги далилга мурожаат қиламиз. АҚШда ходимларни тайёрлаш ва малакасини оширишга хусусий шўъба ҳар йили 30 миллиарддан ортиқ доллар сарфлайди; лавозимларни бутлаш учун электрон меҳнат бозорлари мавжуд. Бўш жойлар ва иш ўринларига талаблар ҳақидаги ахборотни ўз ичига олган автоматлаштирилган маълумотлар банклардан фойдаланилади.

Бошқарув лавозимларини бутлаш уларни уч тоифага: олий, ўрта ва қуйи бўғин раҳбарларига бўлиш асосида амалга оширилади. Олий бўғин раҳбарлари компаниялар, фирмаларнинг президентлари, вице-президентлари, бошқарувчилардир. Уларнинг асосий вазифаси, одат-

да, фирманинг умумий мақсад ва истиқболларини, шунингдек ишлаб чиқаришни диверсификациялаш сиёсатини белгилашдан иборатдир. Ўрта бўғин раҳбарлари, заводлар бошқарувчиларининг ўринбосарлари, бўлимлар, турли идоралар, бўлимларнинг бошлиқларидан иборат. Қуйи бўғин раҳбарлари таркибига ишлаб чиқариш усталари, даллоллар, цех назоратчилари киради. Бу тоифадаги ходимлар ўзларининг таъсир кўрсата олиш қобилиятлари, оладиган иш ҳақлари, касбий ўсиш имкониятлари билан фарқланади.

Меҳнатни асослаш. Бу ўринда асослаш дейилганда кишининг хулқ-атворини белгилайдиган ҳаракатлантирувчи кучлар тушунилади. Ишлаб чиқаришда меҳнатни асослашнинг иккита асосий тури – моддий ва номоддий турлари мавжуд. Биринчи турга меҳнатга ҳақ тўлашнинг турли усул ва шакллари киради. Иш ҳақининг вақтбай ва ишбай шаклларидан ташқари рағбатлантиришнинг жамоа усуллари ҳам мавжудки, буларга қуйидагилар киради: корхона акцияларини имтиёзли нархларда ишчи ва хизматчилар ўртасида тарқатиш йўли билан сармояда иштирок этиш; меҳнат унумдорлигини ошириш натижаларида иштирок этиш; ходимларга фойданинг муайян улушини тўлаш йўли билан фирманинг рағбатли иштирок этиш (масалан, ходим қимматли таклиф киритса, уни жорий қилишдан келган фойданинг 10 фоизини олади).

Кейинги вақтда ривожланган капиталистик мамлакатларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг шакли кенг тарқалди. Бунда бригаданинг иш ҳақи фонди унинг умумий унумдорлигига, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига, хом ашёни тежаш, вақт, сарф кўрсаткичларига жамоанинг қанчалик янги ғояларни илгари сурганлиги кабиларга боғлиқ бўлади. Шундай қилиб, бригаданинг фирма иши самарадорлигини оширишга доир биргаликдаги куч-ҳаракатлари рағбатлантирилади.

Бироқ бунинг учун фақат пулнинг ўзи етарлича асос бўла олмайди. Зеро, энг муҳим моддий эҳтиёжлар (овқат, кийим-бош, турар жой масаласида)ни қондиришдан ташқари, кишининг умумий ишга дахлдорлиги, нуфузи, жамиятдаги мавқеи, жамоат томонидан эътироф этилиши сингари талқинлар ҳам ҳаракатга келтирилади. Яъни ходим учун унинг ижтимоий мавқеи, муайян жамоага, фирмага ман-сублиги катта аҳамиятга эга бўлади. Рағбатлантиришнинг тегишли усуллари, масалан, «хурмат тахталари», жамоатчилик томонидан турли хил ша-

рафлашлар ва ҳоказолар ҳам шундан келиб чиқади. «Фирма - кадрдон уй, ягона оила» сингари йўл-йўриқнинг аҳамияти ҳам каттадир.

Янгиликларни бошқариш. Иқтисодиёт фанида янгилик ёки инновацияларнинг аниқ бир бутун таърифи мавжуд эмас. Бироқ қуйидаги таъриф тез-тез учраб туради: янгилик янги ресурсларни барпо этиш ёки аллақачон мавжуд бўлганларидан янгича, ноанъанвий усуллар воситасида фойдаланишдир. Янгиликлар илмий-техник, бошқарувга доир, ижтимоий ва иқтисодий характерда бўлади.

Инновация жараёнининг тузилиши оддий. Янгиликнинг мавжудлиги ҳақидаги дастлабки ахборотни олиш, ундан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигига тегишли баҳо бериш, экспериментнинг тижоратда фойда келтиришини текшириш ва жорий қилиш (янги маҳсулот, янги ташкилий тузилма ва янги ижтимоий муносабатларни оммавий тарзда қўллашга жорий этиш).

Аввало, «янги билимлар», яъни ҳам илмий-техник, ҳам ижтимоий, иқтисодий соҳалардаги ихтиролар, кашфиётлар, анъанавий бўлмаган ғоялар янгиликларнинг манбалари бўлиб хизмат қилади. Ихтиро ёки кашфиётларнинг пайдо бўлиши билан уни кенг миқёсда қўллаш ўртасида тахминан 25-30 йил вақт ўтади. Янгиликни жорий этиш йўллари ғоятда мураккаб ва қалтисдир.

Янгилик ҳақидаги ахборотни ташқи иқтисодий муҳитдан – рақобатчиларнинг янгиликни жорий этишдаги муваффақиятли уринишлари ҳақидаги маълумотлардан ҳам олиш мумкин. Кутилмаганда муваффақият қозониш ёки ишдаги муваффақиятсизлик компания раҳбариятининг ҳеч қандай янгиликларни кўзда тутмаганлигини, уларни жорий этишга тайёр эмаслигини кўрсатади. Бу хилдаги монанд эмаслик фирманинг хўжалик юритиши иқтисодий тангликка мувофиқ келмаслигининг белгисидир. Натижада фирма синмаслиги учун шошилиш равишда ўз сиёсатини тубдан ўзгартириш билан шуғулланиши керак бўлади.

Нуфузга оид жараёнлар, мисол учун, аҳоли таркибида ёшларнинг кўпайиши, истеъмол талабининг тузилишини ўзгартиради. Қадриятлар ва идрок этишлардаги маданий ўзгаришлар ҳам инновациянинг манбаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Маданий ўзгаришлар (мода, дидлар, миллий анъаналар), айниқса, бозор конъюктурасига кучли таъсир кўрсатади

Тез ўзгариб турувчи бозор талаби ортидан «қувиш» учун ишлаб чиқаришда доимий ўзгаришлар рўй бериб туриши зарур. Лекин бу

нарса унчалик осонлик билан амалга ошавермайди. Янгиликлар муаммоси Америка, Европа, Жанубий, Шарқий Осиёнинг етакчи компанияларини жуда ҳам безовта қилаётгани бежиз эмас. Ривожланган бозор механизми доимий янгиланиш, модернизация ва қайта қуришнинг етарлича кафолати эмас. Яхши ғоялар ўз холича ҳеч нарсани ўзгартирмайди. Зеро, ташаббускор жонкуярлар – уларни амалда рўёбга чиқариш учун масъулият ва таваккалчиликни ўз зиммасига оладиган кишилар бўлмаса, ғоялар фирма бўйлаб йиллар давомида «сайр қилиши» ва рўёбга чиқарилмаслиги мумкин. Шу сабабли фирмалар янги ғояларни қўллаб-қувватлашнинг турли дастурларини, масалан, мақсадли гуруҳлар, мўъжаз корхоналарни барпо этмоқдалар.

Янгиликларни самарали бошқаришнинг асосий қоидаларини кўрсатиб ўтишга уриниб кўрамиз. Биринчидан, янгиликларнинг чекланган дастлабки миқёси бир жойга жамланган бўлади. Янгиликларни самарали жорий этиш аввалига арзимас маблағ сарфини ва озгина кишиларни талаб қилади ва кичик бозорга йўналган бўлади. Иккинчидан, янгиликларни жорий қилиш доимий экспериментдир. Инновацион жараён зиддиятли ҳодиса, бинобарин, уни олдиндан башорат қилиб бўлмайди, шу сабабли илдам бошлаб юборилган ташаббусларгина яхши натижа келтириши мумкин. Учинчидан, янгиликларнинг муваффақиятли-эҳтимоллик масаласи мавжуд. Шу сабабли янгиликлардан кўпроқ фойдаланишга уриниб кўрилади. Исталган урушнинг муваффақият қозониши учун умидворлик қанчалик оз таъсир кўрсатмасин, бирор ғоядан фойда чиқиши эҳтимоли, агар бир вақтнинг ўзида кўп йўналишларда ҳаракат қилинадиган бўлса, шунчалик юқори даражага олиб келади. Зеро, «нишонга тегиш» кўпроқ бўлишини таъминлашнинг ишончли усули – ўқ узишлар сонини кўпайтиришдан иборатдир. Тўртинчидан, янгиликлардан фойдаланиш ташаббускор жонкуярларни қўллаб-қувватлаш, уларга нисбатан юқори раҳбариятнинг сабр-тоқатли бўлишга боғлиқдир. Хатоларни лозимича қабул қилиш ва ундан сабоқлар чиқариб олиш зарур, токи кейинги қадамни янада пухта ўйлаб босиш мумкин бўлсин. Бешинчидан, мазкур жараён ташкилот ичида ҳам, рақобатчилар билан ҳам самарадор муносабатни рағбатлантириш, норасмий муносабатлар ва ишбилармонларнинг ички «муҳит»ини ривожлантириш, инновацион маданиятни шакллантириш, ташаббускорлик, хатти-ҳаракатлар эркинлиги, новаторлик, ишончнинг пайдо бўлишига имкон яратувчи кадриятларни қарор топтириш билан узвий боғлиқдир.

Сифатни бошқариш. Сифат буюмнинг белгиланган стандартларга мос келиш даражасидир. Бироқ сифатнинг юқори даражасини таъминлаш, шунчаки, мезонларга риоя қилиш устидан назорат ўрнатилганга иборат эмас, балки у бошқарувнинг барча даражаларида устувор вазифага айланади. Яхши сифат фойдали ва даромадлидир. Японларнинг автомобиль, телевизор, видеомагнитофон, маиший электрасбоблари, баъзи классларга мансуб ЭҲМлар ишлаб чиқариш сингари соҳаларда эришган ютуқлари бунинг яққол исботидир.

Бошқа мамлакатларнинг шу сингари товарларидан усутунликка, рақобат курашидаги ютуқ ва жаҳон бозорларини кенг миқёсда эгаллашга сифат орқали эришилади.

Сифатни бошқаришнинг ташкилий шаклларида сифат тўғараклари «йўлчи юлдуз» бўлиб қолади. Япон компанияларида тахминин бир миллионга ана шундай тўғарак ишламоқда. Улар салкам ўн миллион кишини бирлаштирган. Одатда, бундай тўғарак цех, участканинг 6-8 ходимидан иборат бўлади. Машғулотлар, кўпинча, дарсдан ташқари соатларда мажлислар шаклида ўтказилади. Уларда тўғарак қатнашчилари меҳнат унумдорлигига ва сифат захираларини излаш, рационализаторлик, янгиликлар, техник хавфсизлик қоидаларига амал қилиш масалалари билан шуғулланадилар. Биргаликдаги таҳлил умумлаштирилади ва кўриб чиқиш учун фирма раҳбариятига топширилади. Сифат тўғараклари ишидан олинган иқтисодий самара, ўртача олганда, уларга қараш учун кетган харажатлардан беш баробар ортади. Бу нарса нафақат фирмага, балки тўғарак қатнашчиларига ҳам фойдали, чунки улар кўшимча тўловлар, мукофотлар оладилар, маънавий тақдирланиш сифатида эса жамоат олдида фахрий нишонлар, ёрликлар билан мукофотланадилар.

Сифат тўғараклари АҚШдаги энг йирик корпорацияларининг 90 фоизида ҳам ишлаб турибди. Лекин уларнинг ютуқлари анча камтарона. Унинг сабаби япон ва Америка фирмалари умумий бошқарувидаги жиддий тафовутларга, уларнинг, умуман, менежментга нисбатан концептуал ёндашувларига бориб тақалади. Асосий тафовутлардан бири шундан иборатки, япон корхоналаридаги ходимлар «жамоалик»ни гуруҳнинг мақсадлари устуворлигини ошириш ва жамоа масъулиятини мўлжаллаб иш тутадилар. Ҳолбуки, Фарбда «индивидуализм» – шахсан масъулиятлилик, индивидуал ваколатларни чеклаш устун туради. Бундан сифат муаммоси қандайдир ташкилий ўрин алмаштиришлар воситасидагина эмас, балки бошқарув муаммо-

лари бутун мажмуининг таркибий муаммоси сифатида ҳам ҳал қилинади, деган хулоса чиқариш мумкин.

4-§. Фирманинг бозорга доир сиёсати

Маркетинг. Бозор иқтисодиёти тизимида фаолият кўрсатувчи корхонанинг асосий муаммоларидан бири маҳсулотни сотишдир. Ишлаб чиқарувчилар ўртасида кескин рақобат бориши ва бозорнинг хилма-хил молларга тўлалиги шароитида уни ҳал этиш учун жуда катта куч-ҳаракат сарфлашга тўғри келади. Ушбу ҳолат билан боғлиқ тадбирлар маркетинг термини билан ифодаланади. Умумий қилиб олинганда, у ишлаб чиқарувчиларнинг ўз молларини бозорга олиб чиқиши бўйича олиб борадиган фаолиятини англатади. Бозорни тадқиқ қилиш, аниқроғи, уларни ўрганиш, хилма-хилликларни режалаштириш, маҳсулотни сотишни ташкил этиш, фирманинг нархларга доир сиёсатини амалга ошириш кабилар маркетинг жумласига киради.

Маркетинг термини XIX ва XX асрлар чегарасида АҚШда пайдо бўлган. Унинг бошқарувнинг марказий вазифаси сифатида энг кўп тарқалиши XX асрнинг 50-60 йилларига тўғри келади. Айни шу даврга келиб, етакчи капиталистик мамлакатларда юксак даражада ривожланган иқтисодиёт шаклландики, унда ишлаб чиқариш талаблари динамикаси ва хусусиятлари олдиндан мувофиқлаштирилмасдан туриб, ривожлана олмаслиги маълум бўлган эди. Мавжуд маълумотларга қараганда, ҳозирги Ғарб фирмаларида маркетингга доир чиқимлар маҳсулотнинг сотиладиган нархида унга боғлиқ чиқимлар маҳсулотнинг сотиладиган нархида 50 дан 60 фоизига қадарни ташкил этмоқда.

Бозор иқтисодиёти ва иқтисод фани тадрижий ривожланиб борган сари маркетинг тушунчаси мунтазам тарзда ўзгариб келмоқда. Маҳсулотни сотиш муаммосини ҳал этишнинг долзарблиги билан боғлиқ бўлган маркетинг дейилганда қуйидагилар тушунилади:

– савдо фаолияти (талаб жуда катта даражада қондирилмаган ва бозорда жиддий рақобатчилар бўлмаган шароитида уни шу тарздаги тор маънода тушуниш етарли);

– бозорни ўрганиш ва сотишни рағбатлантиришга доир тадбирларни қўшганда молни сотиш бўйича тадбирлар белгилаш тизими;

– фирмани бошқаришнинг бозор концепцияси (корхонада хўжаликка доир қабул қилинган қарорлар асосида бозордан олинган ахбо-

ротлар ётган бўлса, бу хил қарорларнинг асосли эканлиги бозорда молларни сотиш давомида текширилади).

Ҳозирги корхонада фақат хизматларни бажариш билангина чекланмай, фирманинг барча асосий бўлинмалари маркетинг билан шуғулланиши таъминланиши керак. Бунда маркетинг фирманинг барча ходимлари амал қиладиган бизнес фалсафаси сифатида қаралади.

Бозорни комплекс ўрганиш. Ривожланган капиталистик мамлакатларда бозорлар истеъмол тавсиялари бир-бирига ўхшаш, яъни вазифаси, хоссалари ва сифати бир хил бўлган моллар билан тўлиб тошган. Масалан, АҚШда автомобиль харид қилишни хоҳловчиларга энгил машина ва микроавтобусларнинг салкам 300 маркаси, пиво ишқибозларига эса қарийб 400 хил пиво таклиф қилинади. Бундай бозорда муваффақиятли мавқени эгаллаш учун уни аввалдан комплекс тадқиқ қилиш лозим эканлигини тушуниш қийин эмас.

Харидор хатти-ҳаракатларининг мотивларини ўрганиш иқтисодий тадқиқотларнинг асосий йўналишларидан биридир. Масалан, маркетинг бўйича америкалик мутахассис Д.Шварцнинг концепциясига мувофиқ, харидорлар кўйидаги мотивлар асосид иш кўришлари лозим:

1) эмоционал-ҳиссий (мотивлар-устуворлик туйғуси, урф бўлган ва ўзига хос хатти-ҳаракатлар воситасида харидорларга ёқиш, бошқарувлардан ажралиб туриш истаги, ундан ҳимояланиш воситалари (томоша ёки дорини)ни излашга мажбур этувчи кўрқув, киноюлдузлар, машхур спортчиларга ўхшашга интилиш, оммавий маданият самараларига тақлид қилиш (бу, айниқса, ёшларга хосдир);

2) самарали мотивлар – тежамкорлик (ўзининг истеъмол хусусиятларига кўра ўхшаш моллар ўртасида кўпроқ арзонроқлари харид қилинади); бунда узоқ муддатли кафолат далолати мавжуд ва тезда, қийинчиликсиз сервис хизмати кўрсатилиши мумкин бўлган шароитда янада сифатли маҳсулотлар ҳамда кенг истеъмол молларини харид қилишга интилиш пайдо бўлади.

Субъектлари фирмалар бўлган ишлаб чиқариш аҳамиятидаги моллар бозорига келсак, бунда қиймат, сифат, сервис ва ҳоказолар самарали мотивларни белгиловчи аҳамиятга моликдир.

Бозорни атрофлича ўрганиш тизимида харидорлик хулқ-атвори мотивларини таҳлил қилишдан ташқари харидорлар турли тоифаларининг потенциал талабларини аниқлаш ҳам киради. Бунинг учун маркетинг мутахассислари бозорни сегментациялайдилар, яъни хари-

дорларни муайян белгилар бўйича гуруҳларга ажратиб чиқадилар. Ҳар бир бозор сегментининг вакиллари бир ёки бир неча умумий белгилар (масалан, оғир жисмоний меҳнат билан банд ва шаҳар туманларидан бирида яшовчи 30-40 ёшли эркеклар) ва, одатда, фирманинг маркетингга оид тадбирлари (масалан, реклама)га бир хилда муносабатда бўладилар. Сегментларга бўлиш ишбилармонларга маркетингнинг самарадор стратегия ва тактикасини амалга ошириш, ўз фаолиятини бозорда мавжуд харидорлар гуруҳларининг ўзига хос тавсифларига асосланиб қуриш имкониятини беради.

Бозорни комплекс тадқиқ этиш фирманинг бевосита алоқада бўлган хўжалик субъектлари – хом ашё ва ускуналарни етказувчилар, корхона молларини сотишдаги воситачилар ва рақобатчиларнинг фаолиятини ўрганишни ҳам ўз ичига олади. Бозордаги вазият, фирма ишлайдиган минтақалардаги ижтимоий-иқтисодий, демографик, сиёсий-ҳуқуқий шароитларни, ана шу минтақада яшовчи кишиларнинг ўзига хос миллий-маданий хусусиятларини ҳисобга олмай туриб, амалга ошириб бўлмайди.

Маҳсулот ассортиментини режалаштириш. Истеъмолчиларнинг эҳтиёж ва истаклари таҳлил қилинган ахборотлардан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини режалаштиришда фойдаланилади. Бунда ҳар бир мол ва унинг бозорда пайдо бўлиши тўрт босқичдан: киритиш, ўсиш, етуклик ва инқироздан иборат ҳаётий кечимдан иборат эгаллиги ҳисобга олинади.

Киритиш босқичи молнинг бозорда пайдо бўлиши, сотиш ҳажмининг аста-секин кўпайиши давридир. Ушбу босқичда фойда катта чиқимлар туфайли амалда мавжуд бўлмайди. Чунки бундан сўнг ўсиш босқичи – молнинг керакли эканлигини тезда тан олиш ва фойданинг жадаллик билан ўсиш даври бошланади. Кейинги босқичда – етуклик босқичидан энг юқори даражага етган сотиш ҳажмининг ўсиш суръатлари аста-секин пасая боради. Бу босқичда ҳам фойда энг кўп даражага етади. Ниҳоят, инқироз босқичи – сотиш ва фойда олиш ҳажмининг кескин пасайиши, молнинг бошқалар томонидан ўзлаштирилиши даври бошланади.

Ҳар бир мол, юқорида таъкидланганидек, ўзининг ҳаётий кечимиغا эгадир. Чунончи, эрувчан қаҳва, сут порошоги ёки «скотч» тасмалари бозор томонидан узоқ вақт тан олинмай келди. Лекин улар ҳаётий кечимининг тугалланишига ҳали анча вақт бор. Аксинча, бозорда жуда муваффақиятли ҳамда тезкорлиги билан пайдо бўлган

товушдан тез учувчи «Конкорд» типдаги самолётларнинг ҳаётий кечими ғоятда қисқа бўлди.

Ишлаб чиқарилаётган молларнинг ҳаётий кечинмаларини била олган маркетинг мутахассислари фирманинг ассортимент сиёсатини ишлаб чиқишда фойда келтирмайдиган (киритиш босқичида бўлган) молларни янада даромадли маҳсулот билан мувозанатлаштиришга ҳаракат қиладилар. Сотишни ташкил этиш ва рағбатлантириш сиёсати ҳам молнинг муайян ҳаётий кечимига асосланади.

Фирманинг нархга оид сиёсати. Харидорнинг танловини белгиловчи энг муҳим омил молнинг нархидир. Баркамол рақобатчи молга оқилона тарзда қўйилган нархга деярли ҳеч қандай таъсир кўрсата олмаса, нобаркамол рақобатчи эса (ишлаб чиқарувчиларнинг кўпчи-лиги айна шу гуруҳга мансуб) муайян чегараларда, бозорда банд этилган мавқеларга боғлиқ ҳолда таклиф даражасини, демак молларнинг нархини ҳам бошқариши мумкин.

Нарх белгилаш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишда фирма бир талай хилма-хил омилларни, яъни ўз сарф-харажатларининг миқдори ва динамикаси, молларнинг нархи ва сифати, рақобатчиларнинг нархига оид сиёсати, талаб даражаси ва динамикаси, харидорларнинг руҳияти каби ҳолатларни ҳисобга олиб бориши керак. Шунингдек, маркетингга доир ассортимент сиёсати сотишни ташкил қилиш ва рағбатлантириш сингари тадбирлар ҳам ҳисобга олиншини талаб этади.

Нарх танлови, кўп жиҳатдан, фирманинг бозор сиёсатидан кўзлайдиган мақсадларига боғлиқ бўлади. Фирманинг рақобат курашида мағлуб бўлиш хавфи туғилса, унинг ягона мақсади чув тушишдан омон қолишдан иборат бўлади. Бундай ҳолда нарх, кам деганда, мол ишлаб чиқаришга кетган харажатларнинг ўрнини қоплаши керак. Борди-ю, фирма ўзининг рақобатбардошлигига ишончи комил бўлса, у ўз олдига олаётган фойдасини энг кўп даражага чиқариш вазифасини қўйиши мумкин. Бунга нархни энг юқори нуқтага чиқариб қўйиш йўли билан эришилади. Бироқ бундай ҳолатда корхона юқори даражадаги нарх билан рақобатчилар эътиборини ўзига тортиши ва харидорларнинг ўз улушидан ажралиб қолиш хавфига дуч келади. Ниҳоят, фирма ўз олдига бозорда етакчиликни эгаллаш вазифасини қўйиши мумкин. Бу ҳолда, у, одатда, ўз молларининг нархини энг кам даражага келтиради. Айтмоқчи, нархни пасайтирмасдан (баъзида эса уни оширган ҳолда ҳам) туриб ҳам етакчи бўлиш мумкин. Бунинг

учун фақат мол сифатини яхшилаш ва талабни рағбатлантиришга доир самарадор компания ўтказиш даркор.

Сотишни таъкил этиш ва рағбатлантириш. Молни сотиш чоғида маркетинг мутахассисининг вазифаси сотишнинг маъқул усулларини танлаш ва сотишни рағбатлантиришнинг самарадор йўллари топишдан иборатдир.

Ривожланган капиталистик мамлакатларда истеъмол молларининг асосий қисми (60-90 фоизи) чакана савдо орқали сотилади. Харидорни жалб этиш мақсадида нархни камайтириб сотиш, кредитга, яқка тартибдаги буюртма асосида, турли консултатив, тузатиш, намойиш этиш хизматлари кўрсатилган ҳолда фойдаланилади. Одатда, харидор ўзига ёқмаган молни қайтариб бериши ёки бошқасига алмаштириб олиши мумкин. Баъзан моллар уларга бўлган талабларни текшириш мақсадида текингина берилиши ҳам мумкин. Саноат фирмаларининг дўконлари ўзига хос тадқиқот жойларидир. Фирма улар ёрдамида бозор ва истеъмолчиларнинг потенциал имкониятларини ўрганади, уларнинг янги молларга бўлган муносабатини таҳлил қилади.

Сотишни рағбатлантиришда реклама катта аҳамиятга эга. Фирманинг маркетингга оид фаолияти барча чиқимларининг 70-80 фоизи унга сарфланади. Масалан, Американинг маиший кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи энг йирик корпорацияларидан бири бўлмиш «Проктер энд Гэмбл» бир йилда ўз маҳсулотини реклама қилиш учун 1,6 миллиард доллар сарфлайди (қиёс қилинсин: собиқ СССР ҳар йили хориждан дон олиб келиш учун тахминан ана шундай миқдорда маблағ сарфлар эди).

«Америка маркетинг ассоциацияси» берган изоҳдан маълум бўлишича, реклама – гоё, мол ва хизматларни шахссиз тақдим этиш ёки илгари суришнинг исталган шаклидир. Бунга истеъмолчини мол хусусида хабардор қилиш, уни таништириш, шунингдек қандайдир молга бўлган эҳтиёж ва уни сотиб олиш истагини уйғотиш ёки чўзишга даъват этилган ҳаракатлар киради. Америкалик таниқли иқтисодчи Ж.Гелбрейтнинг таъкидлашича, истеъмолчи, талаб ва таклифлар ҳамда йирик корпорацияларнинг хўжалик юритиш принципларини белгилаш хусусиятидаги хомхаёлдан аллақачон воз кечиш пайти келган. Замонавий корпорация харидор (унинг физиологик, рухий ва ижтимоий хусусиятлари)ни чуқур тадқиқ этиб, талабни ўзи учун шакллантиради. Бунинг устига, доим ҳам энг яхши сифатга эга

бўлмаган дид, мода, хулқ-атворлар ҳам тиқиштирилади. Мақсад, охир-оқибатда, битта «имидж», яъни фирма маҳсулотини учун юксак нуфузлилиқ яратиш ва бу билан ўз маҳсулотларини сотилишини кўпайтиришидир.

Рекламанинг қуйидаги шакллари маълум:

а) умумий реклама; ундан фирма маҳсулотларини (алкоголсиз ичимликлар, автомобиллар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ҳоказолар)ни мамлакат миқёсида сотиш учун фойдаланилади. Бунинг учун компания умумий характердаги газета ва журналлардан, маҳаллий ёки асосий телекўрсатувлардан вақт сотиб олиши керак;

б) чакана ва маҳаллий реклама; ундан универмаг, супермаркетлар, автомобил сотувчилари ва бошқа чакана савдогар ходимлари фойдаланади. У чиройли қилиб безатилган ўров қоғозлари, плакатлар, самарадор витриналар ёрдамида ёки почта орқали юбориладиган реклама буклетлари, открыткалар воситасида амалга оширилади;

в) индустриал реклама; у ишлаб чиқариш воситаларини сотиш учун хизмат қилади ва бевосита ишлаб чиқарувчиларга қаратилган бўлади;

г) институцион реклама; бундай реклама фирма обрўсини яхшилашга йўналтирилган ва маҳсулотларнинг қандайдир аниқ турларини реклама қилиш билан боғланмайди. Мисол учун фирма ўз бюджетининг қандайдир қисмини хайрия мақсадлари, жамоат ишларига ажратиш хусусида кенг хабардор қилади. Энг йирик корпорациялар ва молия тарғиботлари ҳузуридаги турли хайрия фондлари, масалан, Форд фонди, Рокфеллер фонди кабилар ана шунга хизмат қилади. Zero, шу билан бирга, ушбу фирмаларнинг ижтимоий йўналиши, жамиятга хизмат қилиши, ишончилиги, етуқлигини таъминлаш мақсадида рекламавий «имиджи» яратилади.

Маркетинг соҳасидаги фаолиятнинг бошқа турлари каби реклама ҳам фирма барча даромадларининг муайян фоизини ҳар йили унга ажратиш воситасида режалаштирилади.

Шундай қилиб, тижорат фаолиятининг замонавий шакллари билан бири бўлмиш маркетинг билан умумий тарзда танишиб чиқилди. Лекин шуни эътиборга олиш зарурки, маркетингни, умуман, «хўжалиқ юритиш фалсафаси» сифатида қарайдиган бўлсак, ушбу тушунчага фирманинг барча вазифалари – маъмурий, ишлаб чиқариш (янгиликларни жорий этиш, сифат), молиявий ва, албатта, бозорга мол киритиш фаолияти сифатида маркетингнинг ўзини киритиш лозим бўлади.

ди. Шундай бўлса-да, маркетинг харидорларнинг талаб ва эҳтиёжларини аниқлаш ҳамда уларни тўлиқ қондиришга қаратилган фирмани атрофлича бошқаришнинг таркибий қисмига айланган тақдирдагина самарадор бўлади.

5-§. Товар биржаси

Тайёр маҳсулотни сотиш шаклларида бири уни товар биржаси орқали сотишдан иборатдир. Аслида, биржа савдоси фирманинг бозор сиёсати билан чамбарчас боғланган. Шу билан бирга, биржа фойда олишга йўналтирилган мустақил корхона ҳисобланади.

Маълумки, дунёдаги дастлабки биржа 1531 йилда Антверпен (Бельгия)да асосланган. 1566 йилда Лондонда қироллик биржаси пайдо бўлди. 1703 йилда Петр I Петербургда Россия биржасини таъсис этди. Дастлабки пайтларда биржалар фақат товар мавжуд бўлган шароитда олди-сотди амалга ошириладиган катта улгуржи бозорлардан иборат эди. Улар турли саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари омборларини эслатарди. Сотувчилар, харидорлар, даллоллар ана шу маҳсулотлар асосида иш юритишар эди. Товар амалда мавжуд бўлмаган шароитда биржа битишувлари илк бор 1608 йилда пайдо бўлган Амстердам биржаси (Голландия)да амалга оширилган. Бу ерда биринчи мартта акциялар жорий қилинди ва дастлабки фонд биржаси пайдо бўлди.

Ҳозирда биржа дейилганда улгуржи бозор фаолиятининг ғоятда ривожланган шакли тушунилади. Унда олди-сотди молнинг ўзи воқитасида эмас, балки уни етказиб бериш шартномаси асосида амалга оширилади. Одатда, биржа акционерлик жамияти шаклида ташкил этилади. Унга аъзо бўлиб киришда биржа операцияларини олиб бориш ҳуқуқини берадиган бадал («жой» қиймати) тўланади. Биржани, олий орган аъзоларининг умумий йиғилиши бошқаради; биржа кўмитаси (директорлар кенгаши) эса унинг ижроия маҳкамасидир.

Биржани бошқариш учун қуйидаги ишчи маҳкамалар ташкил этилади:

- шартномаларнинг бажарилишини назорат қилувчи ҳисобкитоб палатаси;
- консультациялар ва пайдо бўладиган низоларни ҳал этиш учун биржа ҳакамлиги;

– котировкалар (акциялар ва бошқа қимматдор қоғозлар курсларини белгилаш) қўмитаси; у нархлар ҳаракати тўғрисидаги ахборотни тўплайди, биржа бюллетенларини эълон қилади;

– стандартлар ва сифат бўйича қўмита (моллар сифатини экспертизадан ўтказиш ва молларни биржада муомалага қабул қилиш билан шуғулланади).

Биржада савдо халқаси («чуқурлиги»)да олиб борилади. Савдонини брокерлар амалга оширади. Улар ё ўз ҳисобларидан битим туздилар (Англияда бундайлар дилер дейилади), ёхуд миждозлар ҳисобига битимга келишадилар.

Биржалар қандай товар сотилиши ва харид қилинишига қараб, уларда муайян тарзда ихтисослашиш юз беради. Масалан, пахта, қахва, какао, қанд-шакар биржалари мавжуд. Биржаларда алюминий, никель, бензин, мазут, қорамол, чарм, тухум, ерёнғоқ, сарийёғ, апельсин шарбатининг концентратлари, буғдой, маккажўхори, арпа, жавдар, сули каби кўплаб маҳсулотларни харид қилиш мумкин. Ҳозирда жаҳондаги биржа товар оборотининг салкам 50 фоизини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ташкил этади, қолган 50 фоиз минерал хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар (нефть, нефть маҳсулотлари, қимматбаҳо тошлар) ҳиссасига тўғри келади. Жисмоний молларнинг жаҳондаги бутун биржа обороти йилига тахминан 3,5-4 триллион доллар деб баҳоланмоқда.

Бозор инфратузилмаси ривожланган мамлакатларда кундалик ҳаётда ишлатиладиган нарса-предметлар ва машинавий-техник маҳсулотлар биржа савдосининг объекти эмаслигини таъкидлаймиз. «Универсал биржалар»имизда эса ҳамма нарса – чайналадиган сақичдан тортиб, рақам билан бошқарилувчи дастгоҳлар ва ҳарбий корхоналарда ишлаб чиқарилувчи мураккаб электрон қурилмаларгача сотиб келинмоқда.

Биржада тузиладиган битимларнинг ҳаммаси иккита катта гуруҳга бўлинади: нақд товарли ва фьючерс битимли. Нақд товарли битимларнинг икки хил тури мавжуд: «спот» ва «форвард».

«Спот» битими бевосита товар олди-сотдисининг ўзгинасидир. Товар биржа омборларига келиб тушган ва унинг соҳиби бу ҳақда шаҳодатнома олган тақдирда, айти шундай битим юзага келади. Бу хил шаҳодатнома ўз вақтида харидор учун тўлов ўрнини ўтайди. Товар йўлда бўлиши ҳам мумкин, лекин бу ҳолда унинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлиши шарт.

«Форвард» битими бўлажак мол хусусида битим имзоланиши пайтидаги нархлар, маълумотнома нархлари ёки товар етказиб берилиши пайтидаги нархлар бўйича тузилади. Бундай битимга мувофиқ, товар муайян муддатдан сўнг (одатда 14 ойгача, лекин энг кўп тарқалган муддат – 6 ойгача) етказиб берилиши асосида сотилади.

Фьючерс битимлари жаҳон бозорида биржа савдосининг ҳукмронлик шакли ҳисобланади. Улар шартноманинг амал қилиш даврида нархнинг ўзгариши натижасида ҳосил бўладиган қўшимча фойдани олиш мақсадида тузилади. Шу сабабли фьючерс битимининг бутун мазмуни шартнома бўйича етказиладиган товар нархининг ўзгартирилишига асосланган. Фараз қилайлик, дилер (мустақил ишловчи брокер) йил бошида шаклланган курс (нарх) бўйича шарнома тузади, битимда кўрсатилган товарни ой охирида, яъни муайян муддат ўтгач сотиш кўзда тутилади. Бундай ҳолда дилер умидни нархнинг пасайишига, унинг контрагенти бўлмиш бошқа дилер эса уни оширишга қаратади. Ой охирига келиб, бир тонна пахтанинг нархи биржада 900 долларга тушса, дилер 9 миллион доллар сарфлаб, 10 минг тонна пахта сотиб олади. Пахтани харидорга шартномада айтилган нарх (бир минг доллардан)да сотиб, дилер 10 миллион доллар олади, яъни натижада 1 миллион доллар миқдорида фойда кўради. Табиийки, бунда унинг контрагенти шу бир миллион доллар миқдорида зарар кўради.

Биржа жарғонида нарх пасайишидан умидвор бўлган ҳолда шартнома тузувчи даллоллар «буқа», нарх пасайишидан умидвор бўлувчилар эса «айиқ» деб аталади. Биржадаги «ўйин»да уни қакшатқич жанглар сахнасига айлантирувчи, ҳар бир ўйинчи ўз мулкини қалтис хавф остига қўювчи нарх ўзгаришларини олдиндан айта олмаслиги муҳим аҳамият касб этади. Тўғри, биржа ва бутун товар бозори фаолиятининг беқарор бўлишига олиб келадиган доимий синишлар оқимининг олдини олиш учун фьючерс битимлар бўйича суғурталаш механизми – хеджерлаш жорий этилган. Суғурталаш операциялари иккита битимдан иборат: 1) фьючерс – молга доир шартномаларни сотиб олиш ёки сотиш; 2) офсет деб аталадиган тескари битим.

Тайин мол соҳиби уни уч ойдан сўнг етказиб бериш хусусида битим тузди, деб фараз қилайлик. Бироқ шу муддат ичида мазкур товарнинг нархи пасайиб кетиши мумкин, натижада битимни амалга ошириши лозим бўлган брокер зарар кўради. Бунга йўл қўймаслик

учун хеджирлаш операцияси ўтказилади: брокер қандайдир товар партиясини 3 ойдан сўнг сотиш муддати ҳақида шартномани имзолаганда, шу ернинг ўзидаёқ, ушбу товарнинг яна шунча миқдорини харид қилиш ҳақида шартнома тузади. Масалан, фьючерс битимига кўра, товарнинг нархи 100 минг доллар, уч ойдан сўнг эса биржада нархнинг пасайиши муносабати билан у 30 минг долларни ташкил этади. Шартномага мувофиқ, товар ана шу суммага сотилиши керак, натижада, брокернинг кўрган зарари 20 минг долларни ташкил қилади. Лекин брокер тескари шартнома (офсет битими) тузганлиги, яъни у 100 минг долларлик шундай товар партиясини энди 80 минг долларга сотиб олиши туфайли нарх ўзгаришидан у 20 минг долларлик қўшимча олади. Айни шундай битимлар, яъни уларнинг фьючерс ҳамда офсет хиллари брокер томонидан ҳисоб-китоб палатасига топширилади. Шундай қилиб, хеджерлаш битимни нарх тушишидан суғурталовчи, лекин нархлар барқарорланишидан фойда келтирмайдиган операциядир.

Биржадаги битимлар нархларни котировкалаш асосида амалга оширилади. Бу биржада тузилган битимлар бўйича нархни аниқлаш жараёни бўлиб, биржа савдосининг интенсивлигига, шунингдек битимларнинг тури (нақд молли ёки фьючерс эканлиги)га боғлиқ бўлади. Биринчи ҳолда нарх биржада ўтган кун нархини котировкалаш билан аниқланади, иккинчи ҳолда фьючерс битимларда шартномалар жорий котировка нархлари бўйича амалга оширилади.

Айтилганларни хулосалаб, бугунги кунда жаҳонда энг йирик товар биржалари ва уларнинг савдо-сотик объектлари ҳақидаги айрим маълумотларни келтирамиз. Улар қуйидагилардир:

1. Чикаго Борд оф Трейд (АҚШ) биржаси – буғдой, маккажўхори, сули, соя дони, соя мойи, кумуш, олтин.
2. Чикаго Мэркентайл Эксчейнж (АҚШ) биржаси – қорамол, тирлик чўчқа, аралаш материаллар, олтин.
3. Товар биржаси (АҚШ) – алюминий, мис, кумуш, олтин.
4. Нью-Йорк Мэркентайл Эксчейнж (АҚШ) биржаси – палладий, платина, дизель ёқилғиси, бензин, нефть, пропан.
5. Нью-Йорк пахта биржаси (АҚШ) – пахта, апельсин шарбати концентрати.
6. Лондон металл биржаси (Англия) – алюминий, мис, қўрғошин, никель, кумуш.

7. Париж товар биржаси (Франция) – тозаланган қанд, қаҳва, какао дони, какао мойи ва бошқа маҳсулотлар.

Асосий таянч тушунчалар

Менежмент атамаси кўп маъноли талқинга эга. Инглиз тилининг Оксфорд луғатида улар иккита: 1. Бошқарув ҳокимияти ва санъати; 2. Ташкилот ресурсларни бошқарув бўйича алоҳида моҳирлик ва маъмурий кўникмалар. Қўйилган мақсадларга эришиш учун фирма ресурсларга раҳбарлик қилиш амалга оширилади.

Режалаштириш – режалаштиришдан мақсад фирма олдида турган мақсадларга эришиш учун нима, ким томонидан ва қандай қилиниши кераклигини аниқлашдир. Режалар узоқ муддатли, ўртача муддатли, қисқа муддатли бўлади.

Узоқ муддатли режа – фирманинг умумий мақсадлари ва истиқболлини белгилаш бўлиб, мавжуд ресурсларни ривожлантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш бўлимига бўйсунди (узоқ муддатли режа 10, 15, 20 йилга ишлаб чиқилади).

Ўртача муддатли режалаштириш – ходим сиёсатини умумий ишлаб чиқариш истиқболли умумий молия сиёсатини ўз ичига олади.

Қисқа муддатли режалар – одатда 1 йил учун муайян муаммоларни ҳал қилиш мақсадида мавжуд ресурслардан фойдаланишни белгилайди.

Товар биржаси – тайёр маҳсулот сотиш шаклларида бири, уни товар биржаси орқали сотишдадир. Бинобарин, биржа савдоси фирманинг бозор сиёсати билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Биржа фойда олишга йўналган мустақил корхонадир.

Биржа битимлари – бу икки гуруҳга: нақд товарли ва фьючерс битимларга бўлинади. Нақд товарли битимлар икки типга «Спот» ва «Форвард»га бўлинади. «Спот» битими бевосита товар олди-сотдидир «Форвард» битими бўлажак мол хусусида битим имзоланиш пайтидаги нархлар бўйича тузилади.

Такрорлаш ва ўзини ўзи назорат қилиш учун саволлар

1. Қуйидаги тушунчаларни қандай ўзлаштирганлигини текширинг: фирма, менежмент, тейлоризм, инсоний муносабатлар назарияси;

фирманинг ички режалаштирилиши, узоқ муддатли, ўртача муддатли, қисқа муддатли, мудофаа, ҳужум режаларини асослаш (моти-

вация) янгиликлар, сифат, сифат тўгараклари, маркетинг, бозорни сегментациялаш, реклама, умуммиллий, чакана, индустриал, институцион реклама: биржа, брокер, дилер, тайин молли битим, фьючерс битими, хеджирлаш, котировка.

2.Фирманинг ташкилий тузилмаси нима ва Сиз ташкилий тузилмаларнинг қандай типларини биласиз? Ана шу тузилмалар типлари ҳар бирининг афзаллик ва камчиликлари нимадан иборат?

3.Ҳозирги фирмаларнинг бошқариш амалиётида Сизга маълум бўлган қандай менежмент концепцияларидан фойдаланилмоқда?

4.Ҳозирги фирма етакчиси қандай хислатларга эга бўлиши керак?

5.Меҳнатни асослаш (мотивациялаш)нинг қандай усуллари Сизга маълум?

6.Инновация сиёсатининг асосий қоидалари нимадан иборат?

7.Товарнинг сифати муаммосини қандай усуллар билан ҳал қилиш мумкин?

8.Бозорни атрофлича тадқиқ қилиш нима?

9.Товарнинг ҳаётий цикли қандай босқичлар орқали ўтади?

10.Ҳозирги бозорда сотишни рағбатлантиришнинг қандай усуллари билан фойдаланилмоқда?

11.Товар биржалари ким томонидан ва нима учун ташкил қилинади?

12.Қўлда тайин мол бўлмагани ҳолда товар биржасида пул ишлатиш мумкинми?

ХII БОБ. САРФ-ХАРАЖАТЛАР ВА ФОЙДА

Сарф-харажатларни иқтисодиёт назарияси иккита принципиал категорияга, яъни: ишлаб чиқариш харажатлари ва муомала харажатларига ажратиб ўрганади. Шунинг учун мазкур бобда ишлаб чиқариш ва муомала сарф-харажатларининг умумий табиати ва таркибий тузилиши ҳамда фойданинг ташкил топиш хусусиятлари таҳлил этилади.

1-§. Ишлаб чиқариш харажатлари тушунчаси, турлари ва таркибий тузилиши

Ҳар қандай фирма (корхона) дастлабки фаолиятини аванс тариқасида олган пулига иқтисодий ресурслар сотиб олишдан бошлайди, чунки уларсиз товар ишлаб чиқариб бўлмайди. Шу туфайли корхонада мавжуд бўлган пул капитали билан реал капитални бир-биридан фарқлаш керак.

Корхонанинг пул капитали ресурслар сотиб олиш учун ажратган маблағидир. Реал капитал эса ишлаб чиқаришда товарлар ва хизматлар яратишда бевосита амалий қатнашадиган ва аниқ моддий шаклдаги ишлаб чиқаришнинг ашёвий воситасидир. Демак, асбоблар-ускуналар, машиналар ва бошқа ишлаб чиқариш ускуналари реал капитал бўлиб, булар иқтисодий ресурс ҳисобланади.

Аввало, фирма (корхона)лар харид қилган ресурсларни ишлаб чиқаришга жалб этади. Бу жараёнда ресурслардан фойдаланади ва товар, хизматларни яратади, тайёр товарларни бозорга чиқариб, сотувчига айланади. Товар ва хизматлар сотилиб, у пулга айлантирилади ва шу пулга яна ресурслар сотиб олинади. Шу тариқа доиравий ҳаракат юзага келади ва бу жараён қайтадан такрорланаверади. Корхоналардаги ресурслар қийматининг ҳаракати капиталнинг доиравий обороти шаклида юз беради. Шундай қилиб, бу ҳаракат бозордан бошланади, ишлаб чиқаришда давом этади ва ниҳоят, бозор билан тугалланади. Бундай доиравий ҳаракат тўхтовсиз давом этади. Доиравий ҳаракатда, ишлаб чиқариш босқичида товар яратилади, оқибат-натижада, қийматнинг ўсиши юз беради. Ресурсларга сарфланган қиймат ўса бориб, ортиқча қиймат яратилади. Бу ортиқча қиймат фойдадир. Корхона ўз маблағини ишлаб чиқаришга солиб, товар ва хизматлар яратиб, бозорни таъминлаб фойда кўргандагина унинг корпоратив манфаати юзага чиқади. Корхоналар фойда олиш учун

бор имкониятларини ишга солади. Камроқ ресурс сарфлаб, кўпроқ фойда олишга интилади. Корхоналар иш юритиш фаолиятида ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш ҳисобига харажатларни минималлаштиришга ҳаракат қилади. Фирма (корхона)ларнинг иқтисодий ресурслар учун қилган сарфи ишлаб чиқариш харажатлари деб юритилади.

Ҳар бир корхона (фирма)нинг корпоратив манфаати мавжуд. У, биринчидан, кўпроқ фойда олишни кўзлайди ва бунинг учун товар ишлаб чиқариб, уни юқори нархлар билан сотишга ҳаракат қилади. Иккинчидан, корхона (фирма) сарф харажатларини камайтиришга интилади. Ҳар қандай иқтисодий фаолият харажатсиз амалга ошмайди.

Фирма (корхона)ларнинг ўз маблағини ишга солишдан мақсади фойда олишдан иборат. У бозорни талабга мос товарлар ва хизматлар билан таъминлаб, фойда кўрган тақдирдагина корпоратив манфаати юзага чиқади. Пировардида, ўз маблағини имкони борича кўп фойда берувчи, яъни фойдани максималлаштирувчи соҳага сарфлашга интилади. Ресурслардан самарали фойдаланиб сарфланадиган харажатларни имконият борича минималлаштириш фирманинг асосий мақсадидир. Сотишга чиқарилган товарларнинг нархи ташқи шароитларга – товарларни ишлаб чиқариш учун қилинган харажатлар уларни сотиш харажатларига боғлиқ бўлади.

Товар ишлаб чиқаришда иқтисодий ресурслар учун қилинган сарф-харажатлар ишлаб чиқариш харажатлари деб юритилади. Ҳар бир корхона (фирма)нинг ўз корпоратив манфаатини юзага чиқаришдан мақсади юқори фойда олишдан иборатдир. Фойда олишнинг шарти товарни ишлаб чиқариб, юқори нархда сотиш ва унга кетадиган сарф-харажатларни камайтиришдир. Маълумки, иқтисодий фаолият харажатсиз рўй бермайди.

Демак, ишлаб чиқариш харажатлари дейилганда, товар ишлаб чиқаришга сарфланадиган барча иқтисодий ресурслар сарф-харажатлари тушунилади. Ишлаб чиқариш харажатлари таркибига хом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёнилғи ва энергия сарф-харажатлари, асосий капитал амортизацияси, иш ҳақи ва ижтимоий суғуртага ажратмалар киради. Харажатлар табиатан моддийлашган ва жонли меҳнат сарфини билдиради, чунки улар фирма учун товарлар қанчага тушганлигини кўрсатади. Товар ишлаб чиқаришга кетган барча сарф-харажатларнинг пулдаги ифодаси товар таннарини ташкил этади.

Такрор ишлаб чиқариш харажатлари таркибига маҳсулотни бевосита ишлаб чиқариш учун кетадиган барча сарфлар, иш ҳақи, хом ашё харажатлари, ёнилғи ва мойлаш материалларига кетган харажат-лар, амортизация ва ҳоказолар киради.

Товар бирлиги қийматида ишлаб чиқариш харажатлари фақат унинг бир қисмини ташкил этади, ундан қолган қисми муомала харажатларидан иборат бўлади. Ишлаб чиқариш харажатлари доимий равишда товар қийматидан кам туради.


Ишлаб чиқариш ва муомала харажатларининг иқтисодиёт назариясида шаклланиши ишлаб чиқариш жараёнидаги асосий элементлар жумласига киритилади. Нарх қиймат атрофида тебранади. Баъзан нарх товар қийматидан узоқлашади, талаб ва таклиф мос келганда, сарф-харажатлар камайганда нарх қийматга яқинлашади.

Корхона (фирма) харажатлари товар ишлаб чиқариш ва уни сотиш билан боғлиқ бўлган сарфлардир. Харажатлар табиатан моддийлашган ва жонли меҳнат сарфларидан ташкил топиб, товарлар бирлиги корхона учун қанчага тушганлигини билдиради.

Моддий сарфлар бозор нархида харид этиладиган машина-механизмлар, асбоб-ускуналар, бино-иншоотлар, энергия, хом ашё, ёқилғи ва ҳар хил ёрдамчи материаллар сарфидан иборат бўлиб, амалдаги, реал нархларда ҳисоб-китоб қилинади.

Меҳнат сарфлари иш ҳақи, социал суғурта ажратмалари, вақти-вақти билан бериладиган мукофотлар ва бошқа харажатлардир.


Корхона товар ишлаб чиқаришда ўзида мавжуд бўлган ресурслардан ёки сотиб олган ресурслардан фойдаланиши мумкин. Шунга кўра, харажатлар ички ва ташқи харажатларга бўлинади. Иш кучини ёллашга кетган сарфлар, хом ашё, ёқилғи, транспорт-алоқа хизматлари, энергия, банк-тижорат хизматлари каби субъектларга пул тўланади. Булар ташқи харажатларни ташкил этади. Корхонанинг ўзига қарашли бўлган ресурслар (бино-иншоотлар, машина-ускуналар амортизацияси, ижара ҳақи, фойда тўловлари, меъёрий фойдадан қилинган сарфлар) учун қилинган сарф-харажатлар ички харажатларни ташкил этади (1-чизмага қаралсин).



ўзгарувчан турларга бўлинади.

Ишлаб чиқариш миқдориغا боғлиқ бўлмайдиган ва ишлаб чиқаришсиз ҳам юзага чиқадиган харажатлар *доимий харажатлар* деб аталади. Бунга корхонанинг қарзни тўлов мажбуриятлари, рента тўловлари, заёмлар бўйича фоиз, солиқлар, амортизация ажратмалари, ижара ҳақи, кўриқлаш хизматига тўлов, ишлаб чиқаришнинг ҳажмида ускуналарга хизмат кўрсатиш сарфлари, бошқарув ходимлари оладиган маош кабилар киради. Бундай харажатлар доимий бўлганлигидан ишлаб чиқариш қанчалик ўзгармасин илгариги миқдорида қолаверади.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдориغا боғлиқ бўладиган харажатлар *ўзгарувчан харажатлар* деб аталади. Унга хом ашё, материаллар, ёнилғи, транспорт хизмати, ишчи кучига тўланадиган иш ҳақи кабиларга қилинадиган сарфлар киради. Уларнинг миқдори ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ. Ишламаётган корхона учун ўзгарувчи харажатланиш нолга тенгдир (2-чизмага қаралсин).



Умуман, корхоналар харажатларнинг ўзгариши нотекис кечади. Чунки ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши билан маълум вақтгача сақланиб қолган товарларнинг нави пасаяди, айримлари бузилади ва ҳоказо. Бу жараён сарфлар қийматининг маълум чегарагача ўсиб боришини билдиради. Сарф-харажат юқори нуқтага етгандан сўнг ўзини оқлай олмайди. Натижада, ишлаб чиқаришнинг унумдорлиги пасаяди. Товарлар ишлаб чиқариш учун қўшимча харажатлар қилишга тўғри келади. Бу ҳолат янги технология жорий этгунча давом этади. Янги технологиянинг жорий этилиши меҳнат унумдорлигини оширади, пировардида, ресурслар тежалади, харажатлар камаяди.

Ишлаб чиқаришнинг доимий ва ўзгарувчан харажатлар йиғиндиси ҳажми товар ишлаб чиқаришнинг умумий харажати ташкил этади.

Умумий сарф-харажатлар муайян бир ишлаб чиқариш доирасида кетган сарфлардир. У мазкур ишлаб чиқаришда тайёрланган товарлар қанчага тушганлигини билдиради. Товарлар бирлигига кетган сарф ўртача харажат деб аталади. Ўртача харажатни топиш учун умумий сарф-харажатлар ишлаб чиқилган товарлар сонига бўлинади ва шу йўл билан тегишли birlik (ўртача), яъни товар бирлигига кетган харажатлар аниқланади. Харажатларнинг яна бир тури чегаравий харажатлардир. Бу ишлаб чиқаришни ўстириш учун зарур бўлган ва фақатгина ўзгарувчи харажатлардан иборат харажатлардир.

Корхона (фирма) ҳузурида тадбиркорлик фаолиятини ушлаб туриш учун зарур бўлган минимал тўлов меъёрий фойда дейилади.

Нормал фойда ҳам, ички рента ва ички иш ҳақи билан биргаликда ички харажатларнинг элементи ҳособланади.

Шундай қилиб, ҳозирги давр иқтисодчилари нормал фойдани ҳам ўз ичига олган барча ички ва ташқи тўловларни харажатлар деб ҳисоблайди.

Тадбиркорлик фаолиятини ушлаб туриш учун зарур бўлган нормал фойдани иқтисодий ёки соф фойдадан фарқлаш зарур. Умумий пул тушумидан барча харажатлар (ички ва ташқи харажатлар, нормал фойда) чегириб ташланса, иқтисодий ёки соф фойда қолади.

Ишлаб чиқариш харажатлари ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг ҳажмига боғлиқ ва унга боғлиқ бўлмаган харажатларга бўлинади.

Доимий харажатлар ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмайди, ва ишлаб чиқаришнинг дастлабки ҳажмида ҳам мавжуд бўлади. Бунга корхонанинг тўлов мажбуриятлари (заёмлар бўйича фоиз ва бошқалар) солиқлар, амортизация ажратмалари, ижара ҳақи, кўриқлаш хизматларига тўлов, ишлаб чиқаришнинг дастлабки ҳажмида машина-ускуналарга хизмат кўрсатиш сарфлари, бошқарув ходимлари маоши ва қарз учун тўланадиган пул киради.

Ўзгарувчи харажатлар ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдорига боғлиқ бўлади ва ишлаб чиқариш ҳажмига тўғри боғлиқликда ўзгаради. Унга хом ашё, материаллар, энергия-ёнилғи, транспорт хизмати учун тўловлар, ишчилар иш ҳақи, социал суғурта кабиларга кетадиган сарфлар киради.

Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир мазкур ҳажмида доимий ва ўзгарувчан харажатлар йиғиндиси умумий ёки ялпи харажатларни ташкил қилади (2-чизмага қаралсин).

Маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга қилинадиган харажатларни ҳисоблаш учун ўртача умумий, ўртача доимий ва ўртача ўзгарувчан харажатлар терминларидан фойдаланамиз. Ўртача умумий харажатлар ялпи (умумий) харажатларнинг ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига, бўлинмасига тенг. Ўртача доимий харажатларни аниқлашда доимий харажатларни ишлаб чиқарилган товарлар миқдорига бўлиш йўли билан аниқланади. Ўртача ўзгарувчан харажатларни ҳам ишлаб чиқарилган товарлар миқдорига бўлиш орқали аниқлаш мумкин.

Максимал даражада фойда олишга эришиш учун товар ишлаб чиқаришнинг зарур миқдорини аниқлаб, белгилаб олиш даркор.

Бунда иқтисодий таҳлил воситасидан фойдаланилиб, кейинги харажат термини таҳлиliga муурожаат қилинади. Фойда олишни кўпайтириш мақсадида товар ишлаб чиқариш миқдори кўпайтирилади, бунинг учун эса кўшимча харажатлар сарфланади. Буни кейинги харажат деб, кейинги кўшимча ишлаб чиқилган товарлар бирлигини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган кўшимча харажатлар деб юритилади. Кейинги харажатлар ҳар бир кўшимча товарлар бирлигини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган харажатлардир.

Кўшимча харажатларни шундай ишлата олиш керакки, натижада оз миқдорда сарф билан товар сифатини яхшилаш, унинг бозор харид даражасига қайта ўзгартиришлар киритиш асосида эришиладиган бўлсин. Кўшимча харажатлар эса маҳсулот таннархига устама қилиб қўйиладиган, нархда акс этадиган харажатлардир. Масалан, автомобилга магнитофон ўрнатилиш каби.

2-§. Муомала харажатлари, уларнинг турлари ва фойдаси

Товарларни сотиш жараёни билан боғлиқ бўлиб, айти бирор товарни ишлаб чиқаришдан истеъмолчига етказгунгача кетадиган сарф-харажатлар муомалавий харажатлар деб айтилади. Ҳар қандай фаолият сингари муомалада маълум миқдорда харажатлар талаб қилинади. Муомалада банд бўлганларнинг иш ҳақи, товарларни олди-сотди қилиш, ташиб келтириш, уларнинг истеъмол этилишини қулайлаштириб, харидорга етказиб беришда маълум миқдорда моддий ва меҳнат сарфлари кўзда тутилади.

Маълумки, товарларга кетадиган меҳнат сарфлари ишлаб чиқариш доираси билан чекланмайди. Чунки товарлар ҳаракати ишлаб чиқаришдан бошланиб, таклифга чиқади, яъни бозорда давом этади, товар реализация этилгандан сўнг эса истеъмол этилиши билан якунланади.

Товар ишлаб чиқаришдан тортиб, то истеъмол учун етиб боргунга қадарга бўлган ҳаракати меҳнат сарфини, бинобарин, харажатларни талаб қилади. Муомала жараёни ҳар доим маълум воситачилар аралашуви билан амалга оширилади. Воситачилар товар ишлаб чиқарувчилардан товарларни сотиб олиши учун маълум суммадаги пулни авансга берадилар ва товарларни қўлга киритиб, олди-сотди ишини амалга оширадилар. Бундан фойдаланиш учун тижоратчи савдо кўрганмаларини ташкил қилиш, бозор талабини ўрганиш учун маълум миқдорда харажатлар қилади. Олди-сотди жараёнини савдо

ходимлари юргизадиларки, уларга иш ҳақи тўланади; солиқ учун ҳам пул ажратилади. Бу харажатларнинг йиғиндиси, албатта, тижоратчи олиши керак бўлган фойдага таъсир кўрсатади. Муомала харажатларини икки гуруҳга бўлиш мумкин: доимий ва ўзгарувчан. Доимий харажатлар тижоратчилар фаолиятдан қатъи назар, олдиндан белгилаб қўйилган ва ўзгармай қоладиган харажатлардир. Биноларнинг ижара ҳақи, банкка ўтказиладиган фоиз, тўланадиган солиқ кабилар шулар жумласидандир.

Ўзгарувчан харажатлар. Уларнинг миқдори ҳар хил омиллар таъсири остида ва тижоратчиларнинг хатти-ҳаракати натижасида ўзгариб туради. Харажатларни шакллантирувчи моддий сарфлар ресурсларининг нархига боғлиқ бўлади. Бозор ресурсларининг нархи арзонлашса, харажатлар пасаяди, уларнинг нархи ошса, акси юз беради, яъни харажатлар кўпаяди. Худди шундай қонуният иш ҳақи сарфига ҳам хосдир. Ҳозирги даврда савдо-сотик ишларини бажаришда товарни пулга айирбошлашга хизмат қиладиган харажатлар соф тижорат сарфи бўлиб, унинг қопланиши сотиш ва харид этиш ҳамда сотиш нархи ўртасидаги фарқлар ҳисобига содир бўлади.

Товар ишлаб чиқарувчи ўз товарини тижоратчиларга бозор нархидан пастроғида сотади. Демак, товар эгаси фойдасининг бир қисмини тижоратчига кечиб беради. Товарни сотиш харажати қоплаш манбаи ишлаб чиқариш ҳисобланса-да, товарларни ташиш, сақлаш, қадоқлаш, ўраш ёки уларни истеъмолчиларнинг дидига мослаб бериш харажатлари бундан истиснодир. Бу харажатлар товар қийматини оширади, унинг нархига кўшимча бўлиб киради, бинобарин, харажатлар товар сотилгач қопланади. Демак, мазкур харажатлар ўзини ўзи қоплайди.

Савдо-сотик харажатларининг таркиби ўзгариб туради. Чунки бозор тўйиниб борган сари харажатларнинг янги-янги турлари келиб чиқади, савдо, хизмат кўрсатиш маданияти ошади. Турли омиллар харажатларга ҳар хил таъсир этгани туфайли уларнинг таркиби ҳам ўзгаради. Харид вақтини тежаш учун савдо-сотик жараёнига янги техника (тез ишловчи касса аппаратлари, савдо автоматлари)ни қўллаш натижасида харажатлар таркибида моддий сарфлар ҳиссаси ошади, меҳнат сарфи ҳиссаси эса камаяди. Харажатлар ўсгани сари товарларнинг сотилиш миқдори ва тезлиги ҳам ўсади. Шунда товарлар бирлигига кетган харажатлар камайиб, савдо фойдаси кўпаяди, сарфланган харажат ўзини оқлайди.

Тижорат жараёнида фойда-зарар ҳар доим ёнма-ён ҳаракатда бўлади, бусиз бозор – бозор эмас.

Савдо (тижорат) фойдаси ҳам бошқа фойда турлари каби қўшимча маҳсулотнинг пулда ифодаланган кўринишидир, лекин у товар муомаласи соҳасига хос бўлади.

Савдо фойдаси ўзининг манбаи ва ҳосил бўлиш механизми билангина эмас, балки ўзлаштириш субъектларига боғлиқлик жиҳатидан ҳам муайян хусусиятларга эга. Юқоридаги таҳлилдан кўринадикки, товар ишлаб чиқарувчилар оладиган фойдасининг бир қисмини тижоратчи тадбиркор воситачига кечиб беради. Бунда савдо фойдасининг бир қисми ишлаб чиқарувчилардан тижоратчиларга ўтади. Савдо-сотикдан ҳам ўртача, яъни нормал фойда олинади. Шу билан биргаликда, иқтисодиётда ортиқча ёки иқтисодий фойда ва омад фойдалари ҳам мавжуд.

Бозор учун нормал фойданинг бўлиши шарт. Капиталнинг савдо-сотикдан бошқа соҳага чиқиб кетмаслиги учун иқтисодий фойда зарур ҳисобланадики, бу фойда уни фаоллаштиради, бозорга қўшимча равишда ресурслар келишини таъминлайди. Шу сабабли бозорнинг муттасил ишлаб туриши учун нарх ҳеч бўлмаганда нормал фойда келтиришни таъминлаши керак. Сотувчи бундай фойдани олиши учун нарх билан харажатлар тенг бўлиши зарур. Чунки бозор амалиётида нормал фойда савдо-сотик харажатларига киритилади.

Бозор чакана нархи таркибига товарнинг улгуржи харид нархи, савдо-сотик харажати ва тижоратнинг нормал фойдаси киради.

Масалан, товарнинг чакана нархи 5000 сўм бўлса, шундан 4500 сўм улгуржи нарх, 350 сўм харажатлар ва, ниҳоят, 150 сўм харажатга киритилган фойда бўлади. Мазкур нарх товарнинг бозордаги минимал нархи ҳисобланади. Амалдаги нарх бундан ортиқ бўлиши мумкин. Шундай ҳодиса юз берганда иқтисодий фойда ҳосил бўладики, у товар сотишдан пул, яъни кирим пули билан харажатлар ўртасидаги фарққа тенг бўлади. Савдо пули таркибида ҳам нормал, ҳам иқтисодий фойда мавжуд бўлганидан сотувчи нархни оширишга интилади, аммо бу бозорнинг кўтариши-кўтармаслиги талабига боғлиқ. Шундай қилиб, ишлаб чиқаришда яратилган қўшимча маҳсулотнинг бир қисми савдо фойдасига айланади ва уни тижоратчилар ўзлаштиради.

Муомала соҳасида ишлаб чиқариш жараёни давом этиб, қийматнинг ўсиши юз беради. Бу ўринда қўшимча меҳнат содир бўлиб, у яратган қиймат фойда шаклига киради. Савдо-сотик соҳасидаги

меҳнат функцияси фақат олди-сотди ўтказишдан иборат эмас. Бу жараёнда меҳнат янгидан товар яратмаса-да, мавжуд товарларни сақлаш, ташиш, истеъмолчига элтиб бериш, товарни харидор дидига мослаш, унинг истеъмолини қулай қилиб, харидор вақтини тежаш каби вазифаларни бажаради.

Бундай меҳнат товарнинг миқдорини кўпайтирмайди, лекин унинг истеъмол қийматини наф келтириш даражасини оширади. Шундай экан, у қийматни оширади, унинг бир қисми эса фойдага айланади.

Қийматнинг савдо-сотикда ўсган қисми, агар уни бозор тан олса, товар нархига киради, товар сотилгач, пул шаклини олади ва фойдага айланади.

Қийматда ўсган улушнинг ҳаммаси фойдага айланмайди, албатта. Унинг бир қисми харажатларни қоплашга кетади. Бинобарин, савдо-сотикдан келадиган фойда миқдorigа қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

– бозордаги нарх даражаси; нарх ортишга мойил бўлса, шунга биноан фойда ҳам ортиб боради;

– савдо-сотик оборотининг тезлиги; бозорда товарлар қанчалик чаққон сотилса, шунчалик уларни сотиш ҳажми ортади, фойданинг умумий миқдори кўпаяди;

– савдо-сотик, яъни муомала харажатларининг миқдори; фойда миқдори нисбатан тескари ўзгаради, яъни харажат камайса, фойда ортади ва аксинча.

Товар ишлаб чиқарувчи ўз фойдасининг бир қисмини тижоратчига кечиб берар экан, у, биринчидан, савдо харажатиини қоплайди, иккинчидан, тижоратчи оладиган фойдани ташкил этади.

Бозордаги кутилмаган ҳолда олинган фойда омадли фойда деб юритилади. Бундай фойданинг пайдо бўлиши бирон бир фаолият билан боғлиқ эмас. Омадли фойда бозорда кутилмаганда товар нархининг ортиб кетиши ёки савдо-сотик харажатига кирувчи товарлар ва хизматларнинг арзонлашиб кетиши сабабли юзага келади. Тадбиркорликда ҳам, тижоратчиликда ҳам шуғулланувчи субъект фойда олишни максималлаштириш ва кўп фойда олишга интилади.

Товар ишлаб чиқарувчилар каби тижоратчилар учун ҳам фойданинг умумий миқдорини ошириш қизиқтирса-да, улар учун фойда нормаси ҳам аҳамиятлидир. Фойда нормаси олинган жами фойда миқдори (нормал ва иқтисодий фойда йиғиндиси)нинг, сарфланган

харажатларга нисбатини аниқлаш йўли билан фойда нормаси аниқланади.

Яъни:

Бунда:

ФН – фойда нормаси;

ФМ – фойда миқдори;

Х – сарфланган харажат.

Масалан, тижорат фирмаси бир йилда савдо-сотик ишини юритиш учун 10 млн доллар жорий сарф қилган, эвазига 1,2 млн фойда олган. Бинобарин, фойда нормаси:

Олинган фойда савдо-сотик ишига авансланган капитал (К)га нисбатан фоиз билан ҳисобланади:

Яъни:

Фирма (корхона) 20 млн. доллар капитал сарфлаб 1.2 млн. доллар фойда олди. Фойда нормаси:

Фойда нормасини жорий харажатга ҳисоблаганга қараганда, авансланган капиталга нисбатан ҳисобланганда ҳамиша кам бўлади.

Лекин тижоратчини ҳар доим фойда массаси, айниқса, нормасининг юқори бўлиши қизиқтиради. Савдо капиталининг бошқа соҳага оқиб кетмаслиги учун савдо-сотикдан олинган фойда нормал фойдалилик даражасини таъминлаши даркор. Иқтисодиётнинг бир меъёردа ривожланиши учун ресурсларнинг керакли қисми савдо-сотикда сақланиши зарурки, буни фақат нормал фойда таъминлайди. Моддий неъмат ишлаб чиқаришда фойда нормасининг бирида ортиқроқ, бошқасида эса пастроқ бўлиши фаол ҳаётдаги реал воқелиқдир.

Шу сабабли савдо-сотикда ҳам фойда нормаси ортиқ ёки кам бўлиши табиий. Лекин савдо-сотикда фойданинг норма даражасига яқинроқ бўлишини ижтимоий ҳаёт зарурияти ҳам талаб қилади.

3-§. Фойданинг мазмуни. Фойда нормаси ва массаси

Корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини интенсивлаштириш меҳнат унумдорлигини ўстиради. Натижада ишлаб чиқарилган товар бирлигига сарфланган моддий ҳамда меҳнат сарфлари қисқаради. Бозор нархи талаб мўътадил барқарор бўлган шароитда, фирмалар харажатларини пасайтиришга қаратилган тадбирлар маълум даражада фойда миқдорининг кўпайишига олиб келади. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги жамият учун зарур бўлган товарларни энг кам сарф-харажатлар билан ишлаб чиқаришни тақозо қилади. Сарфланган харажат ҳажми миқёсида ишлаб чиқилган товарлар миқдорининг кўпроқ бўлиши ишлаб чиқариш самарадорлигини билдиради.

Корхоналар фаолиятининг самарадорлик даражаси унинг эришган натижаси, яъни ишлаб чиқарилган товарлар бирлигига сарфланган харажатлари миқдорига боғлиқлиги ёки кам ресурс сарфлаб маҳсулот ишлаб чиқаришга қараб таққосланади.

Корхоналарда ишлаб чиқариш кўлами кенгайтирилиб, янги технология жорий қилинганда ресурслар сарфи кескин қисқаради. Ўртача харажатлар меҳнат унумига нисбатан тескари мутаносибликда ўзгаради. Корхоналарнинг ишлаб чиққан товар ва хизматларни сотишдан тушган маблағлар уларнинг пул даромадидан жами харажати чегириб ташлангандан кейин қолган қисми фойдаси ҳисобланади.

Корхонанинг қўлга киритган фойдаси ишлаб чиқариш жараёнида яратилган қўшимча маҳсулотнинг ўзгарган шаклидир. Демак, фойданинг асосий манбаи қўшимча маҳсулот бўлиб, у сотилгандан кейин пул шаклида намоёнлашиб, корхонанинг ўзига қайтади.


Товарлар сотилгандан сўнг тушган пул тушумидан шу маҳсулотларни ишлаб чиқаришга сарфланган барча хизматлар (маҳсулот таннари) ажратиб ташланса, корхонанинг баланс фойдаси ёки брутто фойдаси қоладики, бу иқтисодий фойда деб ҳам аталади.

Корхонанинг умумий фойдасидан бюджет (асосан солиқ тўловлари), банклар (олинган ссуда учун фоиз)га тўловлар ва бошқа мажбуриятлар тўлаб бўлингандан кейин фирма ихтиёрида қоладиган қисмигина мустақил тасарруф этилади. Бу соф фойда ёки нетто-фойда деб аталади.

Шу туфайли бозордаги нарх, бинобарин, талаб барқарор бўлган шароитда меҳнат унумдорлиги харажатларини камайтириш йўли билан фойдани кўпайтиради. Олинадиган фойда корхонанинг корпоратив манфатини ифодалаганлиги туфайли корхона иқтисодий фаолиятининг умумлашган кўрсаткичи ҳисобланади.

Фирма (корхона) учун фойданинг икки омили бор: биринчиси, фойда массаси, яъни унинг мутлақ миқдори; иккинчиси, фойда нормаси, яъни унинг нима эвазига олингани. Фойдани максималлаштириш унинг ҳам нормасини, ҳам массасини ошириш демакдир. Фирма (корхона) учун фойда нормаси муҳимроқ, чунки бу унинг фаолияти самарадорлигини таъминлайди. Фойда нормаси (нормал фойда ва иқтисодий фойда), фойда миқдори ва уни топиш учун қилинган умумий харажатларига бўлинган ва фоизларда ифодаланган нисбатидир.

Яъни:



Бунда:

ФН – фойда нормаси;

ФМ – фойда миқдори;


УХ – умумий харажатлар.

Фойда нормаси юқори бўлгани ҳолда унинг массаси кичик бўлиши ва, аксинча, у паст бўлган ҳолда массаси катта бўлиши ҳам мумкин. Бу фирма (корхона) фаолиятининг ишлаб чиқариш кўламига боғлиқ. У катта миқдорда капитал сарфлаб ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириб товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун кўплаб ресурслар жалб этган тақдирда, маълумки фойда нормаси пасаяди, аммо унинг массаси кўп бўлади.

Масалан, бир фирма 10 минг доллар сарфлаб, 10 минг дона товар ишлаб чиқаради ва бундан 1,5 минг доллар фойда олади. Натижада, фойда нормаси қуйидагича бўлади:



Бошқа бир фирма 100 минг доллар сарфлаб, 100 минг дона товар чиқаради ва 12 минг доллар фойда кўради. Фойда нормаси қуйидагича бўлади:



Демак, иккинчи фирмада фойда нормаси кам, ($12\% < 15\%$), аммо фойда массаси кўп ($12 \text{ минг} > 1,5 \text{ минг}$).

Фирма эгасини фойда нормасини ҳам, фойда массасини ҳам кўпайтириш, айниқса, фойда нормаси кўпроқ қизиқтиради.

Фойда нормаси фирманинг жорий сарф харажатлари нақадар самарали натижа берганлигини кўрсатади. Бундай норма қанчалик юқори бўлса, фирма ихтиёридаги ресурслар муқобил тарзда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигининг, яъни хом ашё, ёқилғи, энергетик ресурсларни камайтириш, материал ва энергиянинг солиштирма сифимини камайтириш йўли билан ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришга эришилганда фойданинг ўсиши шу қадар ортади. Юқори натижаларга эришиш фойданинг миқдорини кўпайтиради. Фирманинг самарадорлик даражаси сарф-харажатлар ва ишлатилган ресурслардан самарали фойдаланилиб, маҳсулот қанчалик кўп ишлаб чиқарилса ва сотилса ўшанчалик фойда массаси кўп бўлади.

Фойда нормаси ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига тўғри мутаносиб ҳамда фойдаланган авансланган капитал қийматига тескари мутаносибдир. Шу туфайли фойда нормаси корхона иш самарадорлигининг интеграл кўрсаткичи ҳисобланади.

Фирма олган фойда қуйидаги йўналишда тақсимланади:

- маълум бир қисми солиқ сифатида давлат бюджетига ўтказилади;
- маълум бир қисми корхона эгалари ўртасида даромад сифатида ажратилади;
- ишчиларнинг фойдадаги иштироки учун ва ҳар хил мукофотлар сифатида тақсимланади.

Фойданинг шахсий даромад сифатида корхона эгалари ва ишчиларига теккан улуши уларнинг тасарруфида бўлади. Ундан ҳар ким ўз билганича фойдаланади. Ниҳоят, фойданинг маълум бир қисми инвестиция, яъни ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги технологияни жорий қилиш учун ажратилади.

Фирма (корхона) ўзининг корпоратив манфаатини оширишда фойданинг ўсиши (чиқараётган маҳсулот ҳажми ўзгармаган ҳолда)га икки йўл билан эришиш мумкин: а) ишлаб чиқариш сарф харажатларини камайтириш; б) товарлар баҳосини ошириш.

Иқтисодиёт тажрибасидан маълумки, товарлар нархининг тобора баландлашиб кетавериши ёмон оқибатларга олиб келавермайди. Товар сифати реал яхшиланган, истеъмол хоссалари ва фойдаланиш самарадорлиги оширилган тақдирда нархнинг оширилиши мутлақо асосли ва қонунийдир. Товар таннархининг кўтарилиши маҳсулот сифатининг пасайишига боғлиқ бўлганда эса бундай ҳолатга салбий қаралади.

Иқтисодиётда нархларнинг товар қиймати атрофида маълум даражада тебранма ҳаракати (ўсиши ва пасайиши)ни тақозо этадиган ўзгарувчанлик мувозанатга эришишнинг зарур шартларидан бири деб қаралади. Нарх-навонинг асоссиз, стихияли равишда ошириб юборилиш жараёнини иқтисодий усуллар билан тўсиқлар қўйиб бошқариш ўта муҳим вазифадир.

Ҳар қандай иқтисодий кўрсаткичларга алоҳида, ўз ҳолича эмас, балки мулкдорлик тизими сифатида ёндашиш керак. Иқтисодий кўрсаткичлар ўз-ўзича яхши ёки ёмон бўлмайди. Улар маълум бир шароитда жуда муваффақиятли бўлиб чиқса, бошқа бир шароитда эса улар салбий натижалар қаторига ўтиб қолиши мумкин. Чунки бирор товарни ишлаб чиқаришда айрим фирма (корхона)ларнинг монопол мақеи сақланиб, иқтисодиётда мутаносиблик жиддий бузилган (масалан, маълум товарларнинг тақчиллиги), яъни ишлаб чиқарувчининг ўз ҳукми устун бўлган тақдирда, нархнинг ўсиб кетиши, бинобарин, асоссиз фойда олиниши муқаррардир.

Бундай ҳолатда фойда инфляцияси юзага келади. У муайян турдаги товарни сотиш бозорини монополиялаштириш ҳисобига ҳаддан ташқари кўп фойда олишда намоён бўлади. Рақобатлар йўқлиги вазиятида ишлаб чиқарувчилар ишлаб чиқарадиган товарларнинг ҳажми ва ассортиментини кўпайтирмасдан туриб, нархларни мустақил равишда ошириб борадилар. Бу эса бозор иқтисодиётида монополизмга қарши яхши сақланган тизим ва монополизациялаш жараёнларига давлатнинг аралашувини зарурият қилиб қўяди.

Асосий таянч тушунчалар

Ишлаб чиқариш харажатлари – товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришга қилинадиган барча сарф-харажатлардир.

Ички харажатлар – корхонанинг ўзига тегишли бўлган ресурслардан фойдаланиш натижасида сарфланадиган харажатлардир.

Ташқи харажатлар – ташқаридан жалб қилинган ресурсларга тўловларни амалга оширишга кетган харажатлар.

Доимий харажатлар – ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этмайдиган, у ўзгарганда ҳам миқдорини ўзгартирмайдиган харажатлар.

Ўзгарувчан харажатлар – ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига таъсир этадиган харажатлар.

Соф фойда – фирмаларнинг ялпи тушумидан барча харажатларни чегириб ташлангандан кейин қолган қисм.

Фойда массаси – фирманинг йил давомида олган фойда ҳажмининг массасини ташкил қилади.

Фойда нормаси – фойда массасининг ишлаб чиқариш харажатларига бўлинган нисбатининг фоиздаги ифодасидир.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ишлаб чиқариш сарф-харажатларнинг моҳиятини ва таркибини аниқланг.

2. Ички ва ташқи харажатлар ўртасидаги фарқ нимадан иборат?

3. Фойданинг мазмунини ва манбаини тушунтиринг.

ХШ БОБ. АГРАР МУНОСАБАТЛАР ВА АГРОБИЗНЕС

1-§. Аграр муносабатлар ва уларнинг хусусиятлари

Бозор иқтисодиёти тизими макроиқтисодиётнинг ҳамма жабҳаларини, жумладан, қишлоқ хўжалигини қамраб олади.

Қишлоқ хўжалиги моддий ишлаб чиқаришнинг ўзига хос тармоғи эканлиги аграр муносабатларда алоҳида ўрин тутди.

Ер билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар аграр муносабатлар деб аталади. Аграр муносабатларнинг хусусиятлари, энг аввало, асосий ва такрор ҳосил қилинмайдиган ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланмиш ерга бўлган мулкчилик билан боғлиқдир. Аграр муносабатларнинг объекти ер бўлса, унинг субъектлари жумласига ер эгалари, ерда хўжалик юритувчилар, меҳнат қилувчи кишилар ва, ниҳоят, давлат ҳамдир.

Бозор иқтисодиёти тизими аграр муносабатларга янгича бозорга хос бўлган мазмун берди. Булар қуйидагилардан иборат:

- ернинг товарга айланиши;
- ерга мулкчиликнинг пайдо бўлиши ва унинг хилма-хиллиги;
- ернинг тадбиркорлик объектига айланиши;
- ернинг гаровга қўйилиши;
- ердан фойдаланганлиги учун пул шаклида рента ундирилиши;
- агробизнеснинг махсус фаолият турига айланиши.

Аграр муносабатларнинг объекти – ер махсус ресурс, тенги йўқ ишлаб чиқариш воситаси эканлиги туфайли уни бошқа бирор нарса билан алмаштириб бўлмайди. Ер чекланган бўлиб, уни хоҳлаган шароитда такрор ишлаб чиқариш мумкин эмас. Ер умрбод ишлаб чиқариш воситасидир. Ердан агрозоотехника қоидалари асосида фойдаланилар экан, у ўзининг табиий унумдорлигини тобора ошириб боради. Ер майдонлари табиий унумдорлигининг жуда хилма-хиллиги ва унинг такрорланмас табиий шароитда жойлашганлиги билан боғлиқдир.

Ер ишлаб чиқаришнинг бош омили сифатида ўзига хос такрор ишлаб чиқаришни тақозо этади. Маълумки, қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш икки ёқлама хусусиятга эга: биринчидан, у иқтисодий жараён бўлса, яъни инсон меҳнати натижасида юз берса, иккинчидан, табиий-биологик жараён ҳисобланади; чунки маҳсулотни қай даражада етиштириш табиий омилларга, масалан ўсимлик ёки ҳайвонларда кечадиган биологик ўзгаришлар, иқлим шароити, об-

ҳавонинг қандай келиши, тупроқнинг табиий хоссаларига боғлиқ. Қишлоқ хўжалиги инсоннинг табиатга бўлган муносабати билан кишиларнинг ўзаро муносабатлари билан яхлитликда, биргаликда боришни талаб қиладики, бу макроиктисодиётининг аграр секторини ташкил этади. Аграр секторда асосий ресурс ер бўлиб, у ҳеч бир тенги йўқ, танҳо, ўзига хос хусусиятларга эга.

Ерни бошқа ресурс билан алмаштириб ҳам бўлмайди. Лекин уни муқобил тарзда ишлатиш усуллари хилма-хилдир. Шу сабабли жамиятда ерга талаб муттасил ошиб боради. Бундай талаб ер билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришнинг кенгайиши ва ернинг унумдорлигига қараб ўзгариб туради. Ер ўз унумдорлиги бўйича турличадир. Ер табиий хусусиятларга бой манбаларга эгадир. Шу сабабдан ерларнинг табиий ҳосилдорлиги кескин фарқланади. Ўта яхши, яхши, ўртача, ёмон ва, ниҳоят, ўта ёмон ерлар мавжуд. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ернинг сифатлилиги меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш самарадорлиги, тупроқнинг таркиби, ернинг иқлим шароити ва, ниҳоят, ер майдонларининг жуғрофий жойлашуви каби омилларга боғлиқ. Ер ўзи билан боғлиқ ишлаб чиқариш шароитини ўта фарқ-лантиради. Ер танқислиги ресурсларнинг бошқа соҳалардан қишлоқ хўжалигига ёки ундирма саноатга ўтишини чеклайди, кўшимча ре-сурсларнинг кириб келишига халақит беради.

Ер унумдорлик қувватининг табиий шароитларга боғлиқлиги қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш имкониятларини чегаралаб қўяди.

Иқтисодиёт назариясида тупроқ унумдорлигининг пасайиши деган қонун тушунчаси мавжуд. Унга биноан, ердаги ҳосилдорликнинг ўсиш чегараси мавжуд, ҳосилдорлик чексиз ўсавермайди. Ҳосилдорликнинг ўсиши чекланмаганда эди, бир гектар ерга узлуксиз ресурс сарфини ошириб бориш орқали олинган ҳосил билан ер юзидаги аҳолини боқиш мумкин бўлар эди. Аммо бунинг иложи йўқ. Гап шундаки, ерни 100 марта ҳайдаш, керагидан 10 марта кўп ўғит бериш ёки 5 марта кўп уруғ экиш билан ҳосилдорлик ошиб кетмайди. Айтилган ресурслар маълум меъёردа ортиши мумкин. Ер ҳосилдорлигини ошириш имкони чекланганлиги сабабли янги ерлар очилади, экин майдонлари кенгайтирилади. Ҳосилдорликни ошира бориш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида ернинг сифати яхшиланади, яъни ернинг табиий кучига куч қўшилади.

Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқаришнинг ўзига хос муҳим хусусияти мавжуд. Ердаги ишлаб чиқариш жараёни бевосита тирик мавжудодлар – ер, ўсимлик, чорва моллари ёрдамида амалга оширилади. Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги мураккаб иқтисодий ва табиий-биологик жараёндир. Бу ўринда такрор ишлаб чиқаришнинг ер, ўсимлик ва чорва молларидан фойдаланиш, демак, иқтисодий ва табиий-биологик қонунларнинг ўзаро алоқасига асосланганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Бундан, ўз навбатида, қишлоқ хўжалик техникасига ҳамда табиий муҳитни сақлаб туришга қўйиладиган талаблар келиб чиқади. Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқаришнинг бир маромда кечиши биронта бошқа тармоқда бўлмаган мисли кўрилмаган даражада техника, биология, иқтисод ва экологиянинг бирлигини, уларнинг баланслашган ҳолда ривожлантирилишига қаратилган хўжалик механизми яратилишини тақозо этади.

Ернинг ҳосил бериши тупроқ унумдорлигига боғлиқ эканлиги сир эмас. Унинг унумдорлиги табиий ёки иқтисодий бўлиши мумкин. Ернинг табиий унумдорлиги тупроқнинг ҳосилдорлигини оширишга қаратилган бўлиб, у жамият ишлаб чиқариш кучларининг тараққиёт даражасига боғлиқдир. Бинобарин, ернинг ҳам табиий, ҳам сунъий унумдорлигининг аниқ ифодаси ҳосилдорликнинг ўсиб боришида намоён бўлади. Ернинг иқтисодий унумдорлигини оширишда таркибида физик, кимёвий, биологик хоссаларга эга бўлган тупроқ элементларини ҳаракатга келтира оладиган кучлар даражасига боғлиқ. Деҳқончиликдаги такрор ишлаб чиқаришнинг бир қанча хусусиятлари бажариладиган ишларнинг мавсумийлиги билан ҳам боғлиқдир. Қишлоқ хўжалигида ишлар йил давомида, узлуксиз олиб борилмаслигини яхши биламиз. Бундай ҳолат иш кучини такрор яратишга-меҳнатчиларнинг иш билан бандлиги ва уларнинг меҳнати сарфланадиган соҳалар, меҳнатга ҳақ тўлаш ва даромадларнинг зарур даражада бўлишини таъминлашга доир жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Бундай мураккаб вазифалар қатор йўналишларда ҳал қилинади. Аввало, бу вазифа қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ходимларини бутун йил давомида бир текис иш билан банд қилиш имконини берадиган ихтисослашув ва таркибни танлаш йўли билан ҳал қилинади. Шунингдек, маҳсулотни қайта ишлашни бевосита хўжаликларнинг ўзида ташкил этиш, ҳар хил саноат буюмлари ишлаб чиқариш ўринлари ва ёрдамчи корхоналарни ривожлантириш ҳам муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Натижада қишлоқ аҳолисини иш би-

лан таъминлаш билан бир қаторда маҳсулотнинг нобуд бўлишини қисқартириш, унинг сифатини яхшилаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг даромадларини ошириш имкони туғилади. Маълумки, қишлоқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида, айниқса, деҳқончиликда меҳнат сарфлаш билан маҳсулот олиш ўртасида вақт жиҳатидан узилиш мавжуд: меҳнат бутун йил давомида сарфланади, маҳсулот эса вақти-вақти билан, маълум цикллар тугагач ёки йил охирида олинади.

Ҳозирги даврда республикамизнинг қишлоқ хўжалигида хўжалик юритувчи субъектлар – ширкат, фермер, деҳқон хўжалиги шаклларида турли иқлим ва тупроқ шароитларида маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

Қишлоқ хўжалигининг асосий фондлари турли бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари, тракторлар, комбайнлар, плуглар, сеялкалар, мевали ва мевасиз дарахтлар, маҳсулдор чорва ва иш ҳайвонлари, хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлган турли хил асбоб-ускуналардан таркиб топади.

Қишлоқ хўжалиги такрор ишлаб чиқаришининг яна бир хусусияти унинг мавсумийлигидадир. Бу жараёнда иш вақти билан иш даври бир-бирига мос келмайди. Ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги – комбайн, сеялка каби турли техник воситалар фойдаланиш вақтига таъсир кўрсатади. Меҳнат воситалари йил давомида маълум вақтлардагина ишлатилади, қолган вақтларда эса бекор туради. Масалан, комбайн, пахта териш машиналаридан фақат йиғим-терим давридагина фойдаланилади. Сеялка эса фақат экиш давридагина ишлатилади, холос. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнининг айрим томонларининг мавсумийлиги юқори даражада бўлишини, қуролланишни талаб қилади. Қишлоқ хўжалигида фонд сиғими жуда юқоридир. Ишлаб чиқариш жараёнининг табиатга боғлиқлиги керакли ишлаб чиқариш воситаларини мавсумга қараб ишлатишни ва ҳар бир вақтни ҳисобга олган ҳолда улардан фойдаланиш зарурлигини тақозо қилади.

Макроиктисодиётнинг бошқа тармоқларига қараганда, қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқариш фондлари, асосан, ўз маҳсулоти ҳисобидан ташкил топади (уруғлик, озуқа, чорва моллари ва ҳ.).

Қишлоқ хўжалиги моддий ишлаб чиқаришининг яна бир муҳим ўзига хослиги аграр сектордаги ишлаб чиқариш фондларининг тузилиши, ташкил топиши ва доиравий айланишидаги хусусиятларида

ҳам мужассамлашганлигидадир. Қишлоқ хўжалигининг асосий фондлари булардан ташқари чорва ҳайвонлари, мевали дарахтлар, теплицалар, турли полиз-мева каби ўсимликлардан ташкил топади. Шунингдек, уруғ. ем-хашак, боқувдаги ҳайвон боласи каби айланма фондлар қишлоқ хўжалигининг ўзида етиштирилади. Шундай қилиб қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг каттагина қисми фонддини хўжаликнинг ўзида тайёрлаш имконияти мавжуддир. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш фондларининг айланиши табиий иқлим шароитига боғлиқ бўлганлиги сабабли жуда секин амалга ошади. Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқаришнинг бир маромда кечишини таъминлаш учун резерв захираларини тайёрлаб қўйишнинг аҳамияти каттадир. Об-ҳаво шароитларида юз берадиган кутилмаган ҳолларни кўзлаб етарли миқдорда эҳтиёт ресурслар (озуқа, уруғлик ва бошқалар) ўз вақтида ғамлаб қўйилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида аграр муносабатларнинг янгича йўналишлари шаклланаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Маълумки, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги учун яроқли ерлар чекланган. Шу сабабли ўтказилаётган аграр ислохотларни янада чуқурлаштиришда алоҳида эътибор берилмоқда. Ислохотларни амалга оширишда олдинги жамоа (колхоз) ва давлат (совхоз) хўжаликлари ўрнига деҳқон, фермер ва ширкат хўжаликлари вужудга келтирилиб, уларнинг сони кўпаймоқда ва сифати ўсмоқда. Ўзбекистонда «ер-давлат мулки, умуммиллий бойлик...» бўлганлиги сабабли ерга хусусий мулкчилик йўқ. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида «Ер участкалари юридик ва жисмоний шахсларга доимий ва муддатли эгалик қилиш ҳамда улардан фойдаланиш учун берилиши мумкин»³⁷, - деб кўрсатилган. Демак, ердан фойдаланувчи ер эгаси бўлиши шарт эмас.

Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга ошириш жараёнида маънавий-руҳий мутаносиблик ва биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш истаги ҳисобга олинган ҳолда шаклланган мустақил ва оилавий звенолар юзага келмоқда. Улар юридик ҳуқуқларга эга бўлган хўжалик жамиятлари, ширкатлар, кооперативлар ва бошқа тузилмаларга бирлашмоқда, ўз навбатида, бу тузилмалар юридик ҳуқуқлар олмоқда.

³⁷ Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 1999. 20-модда.

Хўжаликлар ва уларнинг бўлинмалари ерни шартнома асосида узоқ муддатли ижарага олгандан кейин ернинг миқдори ва сифатига қараб, ҳар йилги тўловни бажаришлари лозим. Анъанавий ишлаб чиқариш бўлинмалари (бригадалар, звенолар) билан бир қаторда хўжаликларда ижарага олинган ерда оилавий асосда ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи мустақил деҳқон хўжаликлари тобора ривожланмоқда. Шунинг учун деярли барча хўжаликларда ерларнинг бир қисмини мустақил деҳқон хўжаликларига мерос қолдириш ҳуқуқи билан узоқ муддатли ижарага ажратиш ҳисобга олинган ҳолда ерлардан фойдаланиш тузилмаларини қайта режалаштириш ишлари бажарилмоқда.

Меҳнат жамоаларига асосий ишлаб чиқариш фондлари ва бошқа мол-мулк бепул берилди, муддати кечиктириб юборилган тўловларни қоплаш муддати банклар ва таъминловчилар томонидан 20 йилга кечиктирилди.

Жамоат чорвачилигида ҳам қайта тузишлар амалга оширилди. Мулкчиликнинг жамоа усулига асосланган ва хўжаликлар ҳамда таъйёрлов ташкилотлари билан ҳамкорликдаги муносабатларни ўзаро фойдали шартномалар асосида қурилаётган хусусийлаштирилган корхоналар ташкил этилди. Фермаларнинг меҳнат жамоаларига имтиёзли асосда акцияларни 10 йил мобайнида сотиб олиш ва мулк умумий қийматининг 10 фоизи миқдоридаги биринчи бадални тўлаш шarti билан чорва бинолари, чорва моллари, машина ва ускуналар берилди.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш тузилмаларининг ўзгариши натижасида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг 90 фоизидан кўпроғи нодавлат сектор томонидан етиштирилмоқда. Аграр сектордаги қайта тузишларнинг характерли хусусияти шундаки, ерга бўлган мулкчилик ҳуқуқи давлат кўлида сақланиб қолмоқда. Ер меҳнат жамоалари, ассоциациялар, деҳқон хўжаликлари, фуқаролар дала чорвоқлари хўжаликларининг аъзоларига, амалдаги шарт-шароитларга мувофиқ ишлаб чиқарилган маҳсулот ва уни реализация қилишда мулкчилик ҳуқуқидан фойдаланиш ҳамда эгаллик қилиш шартлари билан ижара ажратилмоқда. Таркиб топган ишлаб чиқариш алоқаларини сақлаб қолиш, умумий инфраструктурадан оқилона фойдаланиш, баъзи бир хўжалик вазифаларини биргаликда бажариш учун пай эгалари кичик корхоналар, қишлоқ хўжалик

кооперативлари, деҳқон хўжаликларига бирлашишлари, ихтиёрий асосда ассоциация ёки бирлашмалар ташкил этишлари мумкин.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига ўтиш жараёнида мавжуд аграр муносабатлар ўзгартириб борилмоқда. Ер хусусий эмас, давлат мулки бўлиб қолмоқда. Ердан фойдаланиш бўйича давлат билан турли хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида янгича аграр муносабатлар шаклланимоқда.

2-§. Рента муносабатлари

Ер рентаси ерга бўлган мулкчилик муносабатлари вужудга келишининг маҳсули ва унинг иқтисодий нуқтаи-назардан реализация қилинишидир. Республикамизда ер эгаси ўз ерининг монопол эгаси сифатида унинг узок муддатга қолдирилиши ва унга эгаллик қилиш иштиёқида куйиб-пишади, бундай ҳолат ерга эгаллик қилиш ҳиссиётини кучайтириб юборади. Чунки ер қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида энг ноёб моддий омил бўлиб, ер эгасининг мулкый монополияси ҳисобланади. Шунинг учун у бу ерда ҳар хил қурилишлар қуриши, уни ижарага бериши, сотиши ёки гаровга қўйиб, пул олиши ва шу пулни ишлатиши мумкин. Ер эгаси ўзига маъқул бўлган ва кўпроқ фойда берадиган қулай усуллардан фойдаланади. Бозор иқтисодиёти тизимида ердан фойдаланишнинг кенг тарқалган усули уни ижарага беришдан иборат. Албатт, у ерни маълум ҳақ эвазига маълум муддатга бериб рента олиш пайида бўлади.

Шундай қилиб, ер фақат мулк монополияси сифатида намоёнлашиб қолмай, ишлаб чиқариш, хўжалик юритиш монополияси сифатида ҳам намоёнлашади. Ер хўжалик юритиш объекти сифатида узок муддатга ижарага берилганда, ундан фойдаланиш даражаси юқори бўлади. Таъкидлаш керакки, муайян бир пайтда унумли фойдаланиш учун ажратиладиган ернинг ҳажми чекланган бўлади. Яхши ва ўртача сифатли ерлар мустақил товар ишлаб чиқарувчилар сифатида иш олиб борадиган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчи субъектлари томонидан эгаллаб бўлинганлиги туфайли ер хўжалик юритиш монополиясига айланиб қолади. Бундай шароитда бозорнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун сифати ёмон ерлардан ҳам фойдаланиш зарурати туғилади. Пировардида, ёмон ерларда маҳсулот етиштириш ва уни сотиш иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлиб чиқиши лозим. Бундай ерлардан олинаётган маҳсулотларнинг нархи такрор ишлаб чиқариш учун нормал ҳолатда

бўлиши керак. Натижада нарх бир хил бўлса-да, ўртача ва яхши ерларда доимий кўшимча соф даромад сифатида вужудга келиб, дифференциал рентага айланади.

Ер рентаси ер эгалари билан уни ижарага олувчиларнинг маълум муддатга келишилган ҳолда олиб, мустақил хўжалик объекти сифатида фойдаланишдаги муносабатни ифодалайди. Рента даражаси, яъни рента миқдори қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади:

-ернинг табиий унумдорлиги;

-ернинг истеъмолчиларга нисбатан узоқ -яқин жойлашганлиги;

-маҳсулот ишлаб чиқаришда моддий ва меҳнат ресурсларига сарфланган харажатлар.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши унумдорлиги ва жойлашиши жиҳатидан турлича бўлган ерлардан фойдаланиш билан боғлиқдир. Шу туфайли хўжалик юритиш омили даражаси бир хил бўлгани ҳолда сифат жиҳатдан яхшироқ ерларда ортиқча соф даромад ҳосил бўлади. Лекин қишлоқ хўжалигининг ундан фарқи шундаки, бу ерда ортиқча даромад доимийлик касб этади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналарининг истеъмолчиларга яқинлиги муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиш учун сарф қилинадиган транспорт харажатлари қанчалик кўп кетса олинадиган даромад миқдори шунчалик кўпаяди ва аксинча.

Рентанинг турлари хилма-хил бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

а) абсолют ер рентаси;

б) дифференциал (табақалашган) рента I ва II;

в) монопол рента;

г) қазилма бойликлар, қурилишлар жойлашган ерлардан олинадиган рента. Уларнинг ҳаммаси ерга капитал ва меҳнат сарфланиб келадиган ва ер эгасига тегадиган даромаддир.

Абсолют ер рентаси. Маълумки, ерга бўлган монопол эгалик натижасида энг сифати паст ерлар ҳам бепул ижарага берилмайди. Ер участкаларининг сифати қандай бўлишидан қатъи назар, ер мулк бўлганлиги учун унинг эгалари абсолют рента олади. Абсолют ер рентаси энг унумдор, ўртача унумдор ва унумдорлиги паст бўлган ерлардан ҳам олинади. Барча участкалардан олинадиган рента миқдори тенг бўлади. Сифатли ерлардан ундириладиган абсолют рента, умуман олганда, рента миқдоридан кам бўлади.

Шунингдек, ер танқислиги шароитида унинг мулк бўлиши ва банд этилиши ундан олинган маҳсулотларга талабнинг ортиб бориши натижасида абсолют рента олиш имкони туғилади. Талаб ошган сайин ёмон, ҳатто, энг ўта ёмон ерлардан ҳам фойдаланилади. Сифатсиз ерлардан олинган маҳсулот нархи сарфланган харажатни қоплаши керак. Чунки унинг таркибида тадбиркорнинг нормал фойдаси ва рента ҳам бўлади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот қимматга тушса-да, бозор шу маҳсулотни кўтаради. Негаки, у бозор эҳтиёжини қондиради. Сифати паст ердан олинган маҳсулотнинг одатдагидан юқори нархда сотилиши абсолют рентани ҳосил қилади, бинобарин, ер эгаси уни ўзига ўзлаштиради.

Шунингдек, бундай ер участкаларининг эгалари абсолют рента билан бир қаторда дифференциал рента ҳам оладилар.

Дифференциал (табақалашган) рента ернинг сифатига қараб олинган рента бўлиб, абсолют рентадан ортикча қисмидир. Дифференциал рентанинг табиий шарти миқдори чекланган ернинг сифати, яъни унинг унумдорлигига боғлиқлигидадир.

Тупроқ ҳосилдорлиги икки хил бўлади: табиий ва иқтисодий. Табиий ҳосилдорлик тупроқнинг кимёвий ва физик хоссаларига боғлиқ бўлиб, табиат инъоми ҳисобланади. Ернинг ҳосилдорлиги ҳар хил бўлганидан, унга сарфланган ресурслар ҳам турлича натижа беради. Ернинг сифатига қараб, муайян миқдордаги моддий ва меҳнат ресурслари сарфланади ва натижада турлича ҳосил олинади. Шундай қилиб, ердан олинаётган ҳосилдорликнинг фарқига қараб, рента ҳам тафовутланади.

Тупроқнинг иқтисодий ҳосилдорлиги дейилганда, ерга кўшимча ишлов бериш, кўшимча ресурслар сарфлаш орқали унинг сифатини ошириш тадбирлари тушунилади. Чунки шундай тадбирлар амалга оширилганда маълум даражада ернинг унумдорлиги кўтарилади. Тупроқнинг иқтисодий ҳосилдорлигини тубдан оширишда фан-техника ютуқлари ва меҳнат сарфи муҳим роль ўйнайди. Иқтисодий ҳосилдорликни ошириб бориш чексиз эмаслигини ҳам таъкидлаш лозим. Чунки ерга сарфланган кўшимча ресурслар ҳосилдорликни маълум чегарага қадар ошириб боради, холос. Кўшимча сарфланган ресурслар сарфига нисбатан ҳосилдорлик маълум даражада ўсади, кейинчалик эса ўсмай қолади.

Дифференциал рента келиб чиқишига қараб, дифференциал рента I ва дифференциал рента II дан иборат.

Дифференциал рента I тупроқнинг табиий ҳосилдорлиги билан боғлиқ ҳамда ер участкаларининг саноат марказлари, бозорлар ва алоқа йўлларига яқин жойлашган серунумли ерлардан пайдо бўлади. Маълумки, ер участкалари табиий унумдорлиги жиҳатидан фарқланади. Ер участкаларининг сифати ўта яхши, яхши, ўртача, ёмон ва ўта ёмон бўлиши мумкин. Ўта ёмон ёки ёмон ерлар экилганда улардан олинадиган маҳсулотларга кетган ишлаб чиқариш нархи учун асос бўлиб ҳисобланади, яъни бозор нархи орқали қопланади. Бундан ташқарии, нархга абсолют рента ҳам киради, чунки энг ёмон ер ҳам текинга берилмайди. Ўта ёмон ердан яхши ер сари борилганда индивидуал харажатлар камая боради. Ёмон ерларга кетган сарфлар натижасида кам ҳосил олинса, яхши ерларда, аксинча, кўпроқ ҳосил олинади. Демак, турли ерлардан олинган ялпи ҳосил ўртасидаги фарқ маҳсулот бирлигига кетган сарфларни ҳам фарқлантиради. Ўртача ишлаб чиқариш харажатлари ҳар хил бўлади. Ўта ёмон ёки ёмон ерларга кетган харажатлар маҳсулотларнинг бозор нархига киради, ўртача ва яхши ерлардаги харажатлар ундан пастроқ бўлади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бозор нархи бир хил, ернинг сифатига қараб, ўртача харажатлар ҳар хил бўлганлиги сабабли бозор нархига асос бўлган ёмон ердаги харажатлар билан бошқа сифатлироқ ердаги харажатлар ўртасидаги фарқ дифференциал рента I ни пайдо қилади. Проф. А.Ўлмасов тузган жадвалга асосланиб дифференциал рента I ва II ни таҳлил этамиз (1-жадвал).

1-жадвал

Дифференциал рента I нинг ҳосил бўлиши

Ер сифати	Ер миқдори	Ялпи ҳосил, центнер	Жами харажатлар, сўм	1 центнерга сарфланган ўртача харажатлар, сўм	1 центнер маҳсулотнинг бозор нархи, минг сўм	1 центнер учун ҳисобланган дифференциал рента, сўм
Ўта ёмон	1	15	120	8	8	0
Ёмон	1	18	120	6,67	8	1,33
Ўртача	1	20	120	6	8	2
Яхши	1	22	120	5,45	8	2,55
Ўта яхши	1	25	120	4,8	8	3,2

Дифференциал рента I мазмунан иқтисодий фойданинг бир тури, лекин у ер эгаларига тегишли бўлгани учун рентага айланади.

Саноат маҳсулотларидан фарқлироқ, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харажатлари жумласига моддий ва меҳнат сарфи, нормал фойдадан ташқари рента ҳам киради. Маҳсулот шундай харажатлар негизидаги нархларда сотилганда, ўта ёмон ерларда дифференциал рента I бўлмагани ҳолда (у нархга асос бўлади), бошқа сифатли ерларда шундай рента вужудга келади (1-жадвал).

Жадвалдан ерлар миқдори, сарф-харажатлар тенг миқдорда бўлганда, нархни ўта ёмон ер харажати белгилаши маълум бўлади. Мазкур харажат таркибида абсолют рента мавжуд. Ерларнинг табиий ҳосилдорлиги турлича бўлганидан, сарфланган харажатлар тенг келса-да, ҳосил турлича олинганлиги аёнлашади. Шунга кўра, ўртача 1 центр ҳосилга сарфланган харажатлар ҳам турлича бўлади. Бундай шароитда ўта ёмон ерда дифференциал рента I юзага келмайди. Айни вақтда ернинг сифати ошиб борган сайин рентанинг ҳам кўпайиб бориши юз беради. Бозор талаби қисқариб, ўта ёмон ерни ишлатиш эҳтиёжи қолмаган тақдирда, нархни ёмон ер шароити белгиламайди ва бундай ерда дифференциал рента I пайдо бўлмай кўяди. Агар ёмон ер экилмай қолса, ўртача ер шароити нархни белгиламайди, натижада бу ердан ҳам дифференциал рента йўқолади. Дифференциал рента I мавжудлигидан, ернинг сифатига қараб унинг ижара ҳақи ҳам ҳар хил бўлади. Дифференциал рента юзага келмаганда, ҳамма жойда ижара ҳақи бир хил бўлиши мумкин эди. Реал ҳаётда эса бундай ҳолатнинг рўй бериши мумкин эмас.

Дифференциал рента I ни фақат ернинг табиий унумдорлиги билан боғлаб бўлмайди. Уни юзага чиқарувчи яна бир омил борки, бу ер участкаларининг истеъмолчиларга яқин-узок бўлишидир. Ер участкалари бозорга нисбатан ҳар хил масофада жойлашган бўлиши мумкин. Шунинг учун уларнинг транспорт билан боғланиши ҳам ҳар хилдир. Бу эса транспортдан фойдаланишни арзонлаштиради ёки қимматлаштиради.

Масалан, тупроқ сифати бир хил бўлган А,В,С участкалари бўлиб, уларда пахта етиштирилади дейлик. Фараз қиламиз: А участка автомобиль йўли ёқасида ва пахта пунктидан 5 км узоқликда жойлашган. В участка катта йўлдан анча ичкарида ва пунктга нисбатан 15 км нари масофада жойлашган. С участка эса чўл биқинидаги янги

ўзлаштирилган ерда, пунктга нисбатан 50 км нари масофада жойлашган. Бинобарин, ернинг жойлашган ўрнига қараб, А, Б, С участкаларидан пахтани пунктга ташиб етказиш харажатлари ҳар хил бўлади. Бир тонна пахтани ташиш А участкага бир минг сўмга тушган бўлса, В участка учун 3 минг, С участка учун эса 10 минг сўмга тушади. Шундай қилиб, транспорт харажатлари умумий сарфга таъсир этиш орқали дифференциал рента юзага келади. Транспорт харажатлари арзонга тушган А ва В участкаларида дифференциал рента пайдо бўлади.

Дифференциал рента II тупроқнинг иқтисодий ҳосилдорлиги натижасидир. Ерга қўшимча маблағ сарфлаб, ишлов бериш орқали ҳосилдорликни ошириш натижасида олинган рента дифференциал рента II бўлади.

Тупроқнинг табиий имкониятлари доирасида ерга қўшимча маблағ сарфланганда ҳосилдорлик маълум даражада ошади ва шунга мувофиқ равишда ўртача харажатлар камаяди. Сарфланган харажатлардан самарали фойдаланиш натижасида турли хўжаликларда маҳсулотнинг индивидуал харажатлари дифференциал рента II ни ҳосил қилади. Кўринадикки, тупроқнинг табиий эмас, балки иқтисодий ҳосилдорлигидаги тафовутлар дифференциал рента II ни юзага келтиради.

Хўжалик юритиш амалиётида рента турлари биргаликда мавжуд бўлиб, уларни бир-биридан ажратиш қийин. Шу сабабли дифференциал рента II нинг ҳосил бўлиш механизмини назарий жиҳатдан таҳлил этамиз. Бунда ер сифати бир хил, дастлабки сарфланган маблағ тенг, лекин ерга сарфланган қўшимча маблағ миқдори турлича, бу маблағлар тўла ишлатилиб харажатлар таркибига ўтади, деб фараз қиламиз (2-жадвал).

Жадвал таҳлилидан маълум бўладики, А участкасида дифференциал рента II юзага келмайди, чунки ерга қўшимча маблағ сарфланмаган. В ва С участкаларига қўшимча маблағ сарфлангани туфайли ҳосилдорлик юқори бўлади, маҳсулот бирлигига сарфланган ўртача харажат пасаяди, натижада дифференциал рента II пайдо бўлади. Аммо С участкада маблағлар самаралироқ ишлатилгани учун дифференциал рента II кўп бўлади ($40 > 18$).

Дифференциал рента II моҳиятан қўшимча сарфлар келтирган қўшимча иқтисодий фойда ҳисобланади, лекин у ер эгасига ўтгандagina рентага айланади. Ер эгаси ёки ижрочининг илгари сарфлаган

капитали унинг сифатини яхшилайти. Ерга сарфланган маблағ ерга сингади ва унинг унумдорлигини белгиланган меъёрдагидан оширади. Сифати ошган ер қайтадан ижарага берилганда унинг эгаси дифференциал рента II ни ҳам ижара ҳақи таркибида олади.

Монопол рента. Қишлоқ хўжалигида рентанинг яна бир тури – монопол рента мавжуд. Бу алоҳида иқлим шароитига эга бўлган ўта ноёб маҳсулот етиштириладиган ер учун унинг эгасига тўланадиган рентадир. Бундай рента ноёб маҳсулотлар (чай, кофе, цитрус ўсимликлар меваси, маҳсус қизил ёғоч ва б.) етиштирилишидан пайдо бўлади. Ноёб маҳсулотларнинг таклифи оз бўлса-да, талаби ката. Чунки улар камроқ ишлаб чиқарилади. Ноёб маҳсулотлар таклифи ўзгарувчан (эластик) бўлмайди, чунки улар нархининг ўзгариши, уларни оз ёки кўп ишлаб чиқаришни таъминлай олмайди. Шу сабабли камёб маҳсулотлар монопол нархда сотиладики, бу нарх ишлаб чиқаришга кетган харажатлардан анча юқори туради, натижада ер эгалари монопол рента олишга муваффақ бўладилар. Бундай рента шароити ноёб ерлар учун, бошқаларига қараганда, юқори ижара ҳақи белгиланишида ифода этилади. Мазкур рента йўқолиши ҳам мумкин, чунки фан-техника тараққиёти юқори агротехника туфайли айрим ерлар ўзининг ноёблик хоссасини йўқотади. Чунки бундай ерларда етиштириладиган маҳсулотларни бошқа ерларда ҳам етиштириш имконияти пайдо бўлади, шунга мос навлар, сунъий иқлим шароити яратилади ва ҳоказо.

Ер ости қазилма бойликлари (ундирма саноат)ни олувчи саноатда ҳам қўшимча даромад қўлга киритилади. Ер ости қатламида фойдали қазилма бойликларнинг жойлашган (ишлаш учун қулай)лиги жиҳатидан ҳам, коннинг бойлиги жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Худди қишлоқ хўжалигига ўхшаб, ўрта, яхши ва ўта яхши конларда иш юритувчи корхоналар мавжуд.

Қазилма бойликларни ердан ажратиб бўлмайди, унинг устидаги бойлик ер билан биргаликда мулк ҳисобланади. Мулк эгаси ундан ўзигина фойдаланса қўшимча фойда олади. Конни ижарага олган субъект мулк эгасига ундан фойдаланганлиги учун рента тўлайди. Ундирма саноатдаги рента тупроқ ҳосилдорлигига эмас, балки ер қаъридаги қазилма бойликларнинг оз кўплиги, сифати, қазиб олиш харажатларига боғлиқ бўлади.

Маълумки, саёз жойларнинг таркиби бой геологик шароити яхши, ташиб олиниши қулай бўлган бойликлар мавжуд. Бундай ердан

катта рента олиш кўзда тутилади. Чунки бойликларни ундириб, қайта ишлаш кам харажатни талаб қилади ва аксинча.

Дифференциал рента II нинг ҳосил бўлиши

Ерга қилинган дастлабки сарфлар, сўм	Ерга қилинган қўшимча сарфлар, сўм	Ҳосилдорлик, га. центнер	Ялпи ҳосил, центнер	Жами харажатлар, сўм	Бир центнер ҳосилга кетган харажат, сўм	Бир маҳсулот нархи, сўм
800	-	20	160	800	5	5
600	200	30	180	800	4,4	5
500	300	40	200	800	4	5

Қурилиш участкалари учун ҳам рента тўланади. Маълумки, ер устига бинолар, иншоотлар қурилади. Қурилиш учун ер ижарага олинади. Қурилиш участкасидан ундириладиган рента миқдори фақат тупроқ сифатига эмас, балки ернинг жойлашув ўрнига ҳам боғлиқ бўлади. Маълумки, ер қанчалик шаҳар марказида ва марказга яқин жойлашган, экологик шароити яхши, коммуникациялар (транспорт, алоқа воситалари, йўллар, сув ва иссиқлик қувурлари ва ҳ.к.) билан яхши таъминланганлигига қараб, олинadиган рента даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади. Чунки булар қурилиш харажатлари ва қурилиш, бино-иншоотларни ишлатиб туриш сарфини қисқартиради.


Шундай қилиб, рента ўз турларидан қатъи назар, уни тўловчилар учун харажат, ер эгалари учун эса даромад ҳисобланади. У, бир томондан, доимий харажатларни шакллантирса, иккинчи жиҳатдан, қатъий белгиланган даромадни ташкил этади.

Юқорида келтирилган таҳлиллар асосида хулоса қилиб, рента назарий тушунча сифатида мураккаб аграр муносабатлар асосини ифода этади дейиш мумкин. Ижара ҳақи ижарачи томонидан ер эгасига ерни маълум муддатга ижарага олиб фойдаланганлиги учун тўланадиган тўловдир. Бундай ҳақ маълум муддатга тўланиб, унинг вақти ва миқдори олдиндан белгиланиб қўйилади. Ижара ҳақи ер рентасидан фарқ қилади. Ердан фойдаланилганлиги учун тўланадиган рента, ер эгаси томонидан олдиндан сарфланган капитали учун фоиз, ер участкасини ижарага бергунга қадарги қурилган иморатлар, иншоотлар амортизацияси кабилар ижара ҳақини ташкил этади.

Бозор иқтисодиёти тизими шароитида ерга талаб, доимо унинг таклифидан кўп бўлади. Бунинг таъсири натижасида ижара ҳақи тез ўсади. Шунингдек, ер эгаси ернинг сифатини ошириш учун кўплаб капитал сарфлайди. Бундай ҳолат ҳам ижара ҳақини оширади. Натижада ер мулки даромад топишнинг қулай воситасига айланади.

Маълумки, бозор иқтисодиёти тизимида ер фақат ижара объекти бўлиб қолмай, товар сифатида олди-сотди объектига ҳам айланади. Ернинг нархи бошқа товарлар нархидан фарқланади. Ер меҳнат маҳсули эмас, шу сабабли у алмашув қийматига эга эмас. Чунки ерни инсон яратмаган, у табиатнинг инъомидир. Лекин кишилар уни ўзлаштириш сифатини оширишга капитал ва меҳнат сарфлайдилар. Ерни меҳнат яратмаганлиги учун қийматга эга эмас, лекин унинг нархи бор. Кўпинча, ердан қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар етиштириш учун фойдаланилади. Шу сабабли рента миқдори унинг нархига таъсир кўрсатади. Ер эгаси ўз ерини сотувдан тушган пули банкка қўйилганда, рентага тенг миқдорда фоиз келтириши кўзда тутилганидагина тегишли нархда сотади.

Ер нархи рента миқдorigа нисбатан тўғри мутаносибликда ўзгарса, фоиз даражасига нисбатан тескари мутаносибликда ўзгаради. Бундай боғлиқликнинг ифодаси қуйидаги формулада берилган:



Бунда:

ЕН – ер нархи, R – рента, Ф – фоиз.

Фараз қилайлик, R – 12 минг доллар, Ф – 10 фоиз. Шу шартлар бўйича ер нархи қуйидагича бўлади:

$$ЕН = 12\ 000 : 10 \times 100 = 120\ 000 \text{ доллар.}$$

Демак, ер эгаси уни 120 минг долларга сотганда, шу пулни ишлатиш учун банкка қўйиш орқали рентага тенг.

(12 000=12 000) пул топиши мумкин. Рента ва фоиз нисбати ер нархини белгилаш учун асос ҳисобланади.

Ерни муқобил тарзда ишлатиш ортиши натижасида унга талаб кучайиб бормоқда, чунки ернинг баҳоси ортиб бормоқда. Айниқса, бундай ҳол ердан саноат ва транспорт, уй-жой ва маданий-маиший қурилишлар учун фойдаланилганда юз беради. Шу сабабли йирик шаҳарларда ер нархи тобора кўтарилиб, қимматлаша боради. Йирик шаҳарларда ернинг нархи узлуксиз ўсиб боради, чунки унга бўлган талабнинг муттасил ортиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларига биноан савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси иншоотлари жойлашган ер майдонларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш амалга оширилмоқда. Ерни баҳолаш чоғида Ер кадастри маълумотлари ҳисобга олинади.

Хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини хусусий мулк сифатида сотиш танлов асосида амалга оширилади. Танлов бўйича сотилаётган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг дастлабки нархини белгилаш шу объект бўйича савдо (кимощди ёки танлов) ўтказилаётган вақтда унинг ажралмас қисми ҳисобланган ер майдонининг нархи ҳам ҳисобга олинади.

Ер майдонини тасарруф этиш ҳуқуқи мулкчилик ҳуқуқи тўғрисидаги ҳужжатда қайд қилинади. Ўзбекистонда катта ер тақчиллиги шароитида унга чинакам соҳибини бириктириб қўйиш юзасидан кўрилган чоралар, ҳеч шубҳасиз, прогрессив ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида давлат тасарруфидан чиқариш ва укладли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича қабул қилинган махсус дастур ғоят самарали тус олмоқда. Давлат тасарруфидан чиқариш чоғида ер муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида», «Ижара тўғрисида»ги Қонунлари ва бошқа қонунчилик меъёрий ҳужжатларига асосланади.

Ер давлатга тегишли бўлиб, жамоа ва давлат хўжаликлари тасарруфида туради, амалдаги меъёрий ҳужжатларга биноан меҳнат жамоалари ва алоҳида шахсларга фойдаланиш учун бериб қўйилди.

Қишлоқ хўжалигида ислохотларнинг мақсади ерларни тақсимлашдан эмас, балки қуйидаги омиллардан иборатдир.

– бозор иқтисодиёти тизими шароитида хўжалик юритишнинг энг самарали усулини аниқлаш асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

– ерни ҳақиқий эгаларига фойдаланишга топшириш;

– хўжаликларнинг маъқул ҳажмини белгилаш ва энг самаралисини топиб, ҳаётга йўлланма бериш.

Буларнинг ҳаммаси ер, сув ва меҳнат ресурсларидан янада самаралироқ фойдаланиш, шунингдек илмий-техник ютуқлардан унумли фойдаланиб, аграр муносабатларни ҳозирги замон талаблари даражага кўтаришни тақозо этади.

3-§. Агробизнес ва унинг турлари

Бозор иқтисодиёти тизимининг таркибий қисмларидан бири агробизнесдир. Агробизнес дейилганда, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган фаолият билан шуғулланувчи бизнес турлари тушунилади. Бозор иқтисодиёти чуқур илдиз отиб борар экан, унга хос бўлган агробизнес ҳам ривожланиб боради.

Агробизнес таркибига қишлоқ хўжалигининг ўзидаги соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмолга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик фаолиятлари киради. Шундай қилиб, агробизнес агросаноат интеграцияси, фан-техника, агротехника ютуқлари асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолга етказиб бериш каби амалга ошириладиган жараёнлар мажмуаси ҳисобланади.

Агробизнеснинг мақсади бозорни керакли маҳсулотлар билан узлуксиз, тўла-тўқис, саноатни эса хом ашё билан таъминлаш орқали фойда олишдан иборат.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари агробизнес иштирокчиларининг бирламчи бўғини ҳисобланади. Чунки улар бевосита қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилардир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланувчи саноат тадбиркорлари ва, ниҳоят, шу маҳсулотларни сотиш билан шуғулланувчи тижоратчилардир. Булардан ташқари, агробизнес «гирдоби»га банклар, суғурта ва молия компаниялари ҳам қўшилади.

Агробизнес дастлабки даврларда анча соддароқ, фақат қишлоқ қишлоқ хўжалиги билан чекланган бўлса, ҳозирги даврга келиб, у агросаноат интеграцияси натижасида бутунлай агросаноат комплексини қамраб олди, қишлоқ хўжалиги саноат тармоқлари билан бирика бошлади, ҳатто улар билан чирмашиб кетди.

Қишлоқ хўжалиги ўзига ишлаб чиқариш воситалари етказиб берадиган саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалигига техник хизмат кўрсатувчи тармоқлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини истеъмолчига етказиб беришни таъминлайдиган тармоқлар (тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш, сотиш) билан интеграциялашди. Санаб ўтилган тармоқлар биргаликда, яхлитликда амал қила бошлайди, қишлоқ хўжалиги ҳам саноат асосига, яъни энг мукамал технология замирига кўчирилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қайта ишланади, замонавий технология қўлланилади, меҳнат унумдорлиги ўсади, агробизнесдан келадиган фойда кўпаяди.

Агробизнес фаолияти натижасида аҳолини етарли миқдорда сифатли озиқ-овқат, саноатни кафолатлай оладиган хом ашё билан таъминлаш имкони туғилади. Шундай шарт бажарилган тақдирдагина фойда юзага чиқади.

Агробизнеснинг бирламчи бўғини фермер, деҳқон хўжалигидир. Чунки улар бевосита қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилардир. Фермер ва деҳқон хўжаликлари ўз фаолиятларини ўз ерларида ёки ижарага олган ерларида иш юритади. Бунда ишлаб чиқарувчи фермернинг ўзи ва оила аъзолари мулк эгаси ҳисобланади. Фермер хўжалигининг афзаллиги шундаки, унда мулк ва меҳнат бевосита бир-бири билан қўшилади, бу эса юқори самарага эришишнинг гаровидир. Фермер хўжалиги мустақил тузилма, кичик бизнеснинг намояндаси бўлиб, бозор конъюктурасига мослашади. Бозор иқтисодиёти тизими шароитида оилавий фермер хўжаликлари кенг таракқий этади. Бундай хўжаликлар юқори даражада ихтисослашган бўлади. Унда меҳнатни ташкил этиш, техникадан фойдаланиш самараси устун туради, иқтисодий манфаат ва пировард натижа учун масъулият битта фаолиятнинг икки томонини ташкил этади.

Фермер хўжалигининг яшовчанлиги унинг афзаллигидадир. Бундай хўжаликнинг самарадорлиги ва афзалликларини белгиловчи омиллар қуйидалардан иборат:

- меҳнат ва мулкнинг бевосита қўшилиши, фермернинг ўз мулки ва меҳнати асосида фаолият кўрсатиши, ўз манфаати учун ишлаши;

- фермер хўжалигининг мустақиллиги, мулк унинг тасарруфида эканлиги, фаолияти бозор қонунлари асосида бошқарилиши;

- меҳнат функцияси ва тадбиркорликнинг узвий боғлиқ бўлиши (бунда ўз меҳнати натижасидан тўлиқ манфаатдорлик кучли, иқтисодий манфаат ва масъулият ягона фаолиятнинг икки томони ифодаланади);

- фермер хўжалигининг ҳар доим давлатнинг қўллаб-қувватлаши ёрдамига таяниши;

- фермер хўжалиги яшовчанлигининг сақлаб қолиниши ўта муҳим бу омил унинг фақат даромад манбаи эмас, балки уйи, оиласи истиқомат қиладиган жойи ҳисобланиб, ўз хўжалигини ўта қадрлаши, самарали ривожланиши учун меҳнатини аямаслиги.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичларида фермер хўжаликларини таш-

кил этишга алоҳида эътибор қаратилган эди. Шу сабабли республика қишлоқ хўжалигини фермерлаштириш аграр ислохотларнинг таркибий қисми бўлиб қолади. Юртимизда фермерлаштириш давомида рентабеллиги паст, ночор аҳволдаги давлат хўжаликлари фермерлар уюшмасига айлантирилди. Ўзбекистонда фермерлаштиришнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар таркибида фермер хўжалиklarини ташкил этиш уларнинг хусусий ерга эмас, балки ижарага олинган давлат мулки бўлмиш ерга эга бўлиши тарзида вужудга кела бошлади. Фермер ва деҳқон хўжалиklarини ташкил қилиш, улар фаолиятини тартибга солиш, самарали ривожлантириш каби қатор муҳим вазифалар Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида», «Қишлоқ хўжалиги кооператив (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонунлари ҳамда аграр ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган меъёрий, ҳуқуқий ҳужжатлари ва ҳукумат қарорларида белгилаб берилган.

«Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунда деҳқон хўжалигининг мустақил хўжалик субъекти, тадбиркорлик шаклларида бири эканлиги таъкидланган. Унга кўра, турар-жой, хўжалик бинолари, асбоб-ускуналар, техника ва транспорт воситалари, жамланган пул маблағлари деҳқон хўжалиги мулки ҳисобланади. Бу мулк бошқа мулклар қатори давлат ҳимоясида бўлади. Мазкур қонун асосида деҳқон (фермер) хўжалигини ташкил этиш ва ривожлантириш тартиблаб турилади. Иқтисодий муносабатлар бошқариладиган бозор механизми элементларидан фойдаланилганлиги туфайли аграр секторда муносабатлар тамомила, янгича ўзгарди. Эски хўжалик шакллари ўрнида янги хўжалик юритиш шакллари вужудга келди. Уларга монанд равишда янги ишлаб чиқариш, иқтисодий, технологик жараёнлар амал қила бошлади. Қишлоқ хўжалиги макроиқтисодиётининг бошқа тармоқлар билан алоқалари кучайди ва аграр секторнинг ўзига хос бозор муносабатларига монанд агробизнес механизм вужудга келди. Аграр ислохотларни ўтказишда вужудга келган янги аграр муносабатлар жонли табиат билан боғлиқ қишлоқ хўжалигининг ривожланиш шарт-шароитлари ва қонунларини ҳисобга олиб, улардан максимал, илмий асосда, жамият эҳтиёжларини қондириш мақсадида фойдаланиш ишлари юритилди. Ислохотларни ўтказишда маҳаллий шароитлар, аввало, ернинг табиий ўзига хос хусусиятлари ва бошқа табиий омилларни тўла ҳисобга олган ҳолда олиб бориш назарда тутилди. Ислохотлар чуқурлаштирилишига қарамай, ҳозирги вақтда

ҳам қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни вертикал-территориал йўсинда бошқариш принципларига амал қилинмоқда. Қишлоқ хўжалигида кўп ва фаол иш юритишда зарур деб ҳисобланган якка деҳқон (фермер) хўжалиги, ижро, акционерлик, жамоа шаклларига тўла эркинлик таъминланмаган. Шу сабабли қишлоқ хўжалигини маъмурий-территориал бошқариш тизимини тугатиб, ҳар бир хўжалик ва деҳқон бозорини талабларга мувофиқ товар ишлаб чиқарувчи субъект даражасига кўтариш лозим. Бу субъектлар ўзларининг имкониятлари ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда бир-бири ҳамда халқ хўжалигининг бошқа субъектлари билан ҳамкорликда бозор қонунлари асосида алоқа ўрнатадилар. Бу билан уларнинг фаолияти ва масъулият ҳисси ортади. Хўжаликларга берилаётган мажбурий буюртмалар томонларнинг ўзаро келишилган манфаатлари асосида, шартнома бўйича амалга оширилади.

Ҳозирги вақтда хўжаликлар ўзлари етиштирган чорвачилик, сабзавот, узум маҳсулотларидан ўз хоҳишларича фойдаланмоқдалар. Деҳқон (фермер) нинг ҳақиқий эркин субъект сифатида тан олиниши ва бозорда намоён бўлиши бозор иқтисодиёти учун муҳимдир.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотини ишлаб чиқарувчи хўжалик шакллари, улар хоҳ шахсий ёрдамчи, хоҳ якка деҳқон хўжалиги, хоҳ жамоа хўжалиги ёки бошқа хўжалик шакллари бўлишидан қатъи назар, ўзлари учун керакли ишлаб чиқариш воситаларини тўғридан-тўғри харид қилишга эришиши бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера оладиган мустақилликни таъминлайди.

Аграр соҳадаги меҳнат жараёни бошқа соҳалардаги меҳнат жараёнидан фарқ қилиб, ўзига хос малака ва тажрибани талаб қилади. Аграр соҳадаги меҳнат жараёнининг шу каби алоҳида томонлари ҳисобга олинганда, юқоридан бериладиган турли кўрсатмалар ҳалақит берибгина қолмай, меҳнаткашларнинг мустақиллигини бўғади ва у зарарли оқибатларга олиб келади, холос. Деҳқон аграр соҳанинг ҳақиқий эгаси, тадбиркори, миришкори сифатида ихтиёрни унинг ўзига қўйиб бериш керак, шундагина агросаноат мажмуи хўжалик механизминини соғломлаштиришга олиб келади.

«Бу борада жойларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари фаолиятига вазирликлар ва турли бошқарув тузилмалари томонидан бўладиган ҳар қандай маъмурий-буйруқбозлик уринишлари ва бошқа хил аралашиларга бутунлай чек қўйиш учун қатъиятлик билан изчил иш олиб бориш даркор, - деб таъкидлади И.А.Каримов. - Биз

оддий бир масалани ҳал этиб олишимиз керак, яъни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тизимида ҳар ким ўз ишини бажарсин: вазирлик ва унинг тузилмалари ўз иши билан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўз иши билан шуғулланиши керак ва ҳар ким қонун бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятлар учун жавоб бериши лозим»³⁸.

Фермер хўжалиги қишлоқдаги асосий товар ишлаб чиқарувчи ҳисобланиб, у агросаноат интеграциясида иштирок этади.

Агробизнес турларидан яна бири агрофирмадир. Агрофирмалар муайян турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уни саноат усулида қайта ишлашни қўшиб олиб борадиган корхонадир. Агрофирмалар ҳам қишлоқ хўжалиги, ҳам саноатга доир ресурсларни ишлатиб, истеъмолга тайёр бўлган маҳсулотни яратади. Агрофирмаларда инвестиция ҳам қишлоқ хўжалигига, ҳам саноатга тааллуқли бўлади, ҳар икки соҳага хос ресурслар ишлатилади. Натижада, ходимлар малакаси кенгайиб, улар саноат меҳнати билан ҳам шуғуллана олишга эришадилар. Агрофирмалар кичик оилавий хўжалик асосида ҳам ташкил топади. Бунда кичик хўжалик кичик завод билан бирикади.

Агробизнеснинг йириклаштирилган тури агросаноат бирлашмаларидир. Бундай бирлашмалар бир неча хўжалик ва корхоналар фаолиятини интеграциялаштиради. Бунда ишлаб чиқаришнинг бир нечта ўзаро боғланган тури, уларга хизмат кўрсатувчи ва тижорат иши билан шуғулланувчи корхоналар бирлашади. Масалан, мевачилик ва сабзавотчилик билан шуғулланувчи хўжаликлар, улар маҳсулотини қайта ишловчи заводлар, цехлар, тайёр маҳсулотни сотувчи магазинлар, уларга ресурслар етказиб берувчи бўлимлар бирлашмани ташкил этадилар. Бирлашмалар турли хил мулкка асосланган. Бирлашма иштирокчиларининг мустақил индивидуал мулки билан биргаликда умумий жамоа-корпоратив мулки ҳам мавжуд.

Асосий таянч тушунчалар

Аграр муносабатлар – ер билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлардир. Аграр муносабатларнинг объекти – ер, субъектлари – ер эгалари, ерда хўжалик юритувчилар, меҳнат қилувчи кишилар, ва ниҳоят, давлат ҳамдир.

³⁸ «Халқ сўзи», 2003 йилнинг 19 июли.

Ер рентаси – ерга бўлган эгаликни иқтисодий жиҳатдан амалга оширишнинг шаклидир.

Рента муносабатлари – ердан фойдаланиш натижасида яратилган соф даромадни тақсимлаш ва ўзлаштиришда вужудга келадиган муносабатлар.

Абсолют рента – қишлоқ хўжалигида ерга бўлган хусусий мулкчилик монополияси натижасида вужудга келиб, ҳамма турдаги яхши, ўртача ва ёмон ерлардан олинadиган рента.

Дифференциал рента – ер участкаларининг унумдорлигидан ва жойлашган жойидаги фарқлар натижасида вужудга келадиган қўшимча соф даромад.

Дифференциал рента I – ер участкаларининг табиий унумдорлигидаги фарқлар натижасида вужудга келадиган қўшимча соф даромад.

Дифференциал рента II – ер участкаларининг иқтисодий унумдорлигини ошириш натижасида вужудга келадиган қўшимча соф даромад.

Монопол рента – алоҳида табиий шароитга эга бўлган, ноёб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириладиган ерлардан олинadиган рента.

Ундирма саноат рентаси – фойдали қазилма конларининг жойлашиши ва уларнинг бойлигидаги фарқлар натижасида вужудга келади.

Агросаноат мажмуаси – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ хўжалик тармоқларининг бирлиги.

Агросаноат инфратузилмаси – бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат қилувчи соҳалар.

Агробизнес – тадбиркорлик фаолиятининг қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ соҳаларда намоён бўлиш шакли.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Ер рентасининг асл мазмунини тушунтиринг.
2. Дифференциал рента I ва II, абсолют рентанинг ҳосил бўлиш шарт-шароитлари, манбалари ва тақсимланишини тушунтириб беринг. Монопол рента қаерда вужудга келади?
3. “Ижара ҳақи” ва “Ер рентаси”нинг фарқларини изоҳланг.

XIV БОБ. ЦИКЛИК ТЕБРАНИШЛАР ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ

1-§. Иқтисодиётда цикллар ва фазалар.

Иқтисодий кризислар ва таркибий силжишлар

Иқтисодиёт назарияси фанининг таҳлилида муҳим муаммолардан бири иқтисодиётда юзага келадиган циклик тебранишларнинг юзага келиш сабабларини аниқлашдан иборат. Иқтисодий ривожланиш тарихидан маълумки, иқтисод бир маромда ривожланмайди, унда нотекис тараққиёт ҳам рўй беради. Ҳар доим иқтисодий ўсиш ўрнини турғунлик, ҳатто тушкунлик эгаллаган, сўнгра яна иқтисодий ўсиш юзага келган. Ундаги бундай циклик ҳаракат маълум даврларда такрорланиб турган. Иқтисодиётдаги шундай динамик кўтарилиш ёки пасайиш ҳодисаларини ўз ичига оладиган, иқтисодий тебраниб туриши билан характерланадиган давр иқтисодий ўсиш цикли деб аталади.

Ҳозирги замон иқтисодий фанида иқтисодий циклларнинг мавжудлиги тан олинади, циклни иқтисодий ўсишга хос тебранма ҳаракат деб талқин этилади, лекин унинг сабаб-оқибатларини ҳар хил шарҳлайдилар. Шу сабабли, ҳамма мамлакатларда иқтисодий ўсишга ҳамда ишга яроқли аҳолининг тўлиқ бандлиги ва нархларнинг барқарор даражасига эришилишига ҳаракат қилинади. Иқтисодиётнинг тарихий тараққиётидан маълумки, узоқ муддатли иқтисодий ўсиш бир текис ва узлуксиз кечмайди, у иқтисодий беқарорлик даврлари билан узилиб туради. Иқтисодий ўсиш кетидан доимо иқтисодий таназзул келиб туради. Такрор ишлаб чиқариш циклли хусусият касб этади, яъни вақти-вақти билан объектив қонунларнинг таъсири натижасида ишлаб чиқаришда узилишлар пайдо бўлади ва бу узилиш иқтисодиётнинг номуносивблигига олиб келади.

Иқтисодий цикл нималарда намоён бўлади?

Иқтисодий цикл назарияси ҳар қандай ҳолатда ҳам унинг тўртта асосий фазаси, яъни: кризис, турғунлик, жонланиш ва юксалишни фарқлайди. Бу фазаларнинг ҳар бири ўз ривожланиш жараёнида кейинги фазага ўтиш учун шароитни юзага келтиради.


Кризис ишлаб чиқаришнинг пасайишида ифодаланади ва циклни яна такрорланишини қайд этувчи кўрсаткич ҳисобланади. Бу ҳолатда у бир циклни ниҳоясига етказиб, муқаррар равишда яна янги сининг бошланиши учун шароит яратади.

Такрор ишлаб чиқаришда ғоят хилма-хил номутаносибликлар юзага келади ва кейинги даврда, озми-кўпми, ишлаб чиқаришнинг кенгайиб бориш жараёни вужудга келади. Такрор ишлаб чиқаришнинг биринчи ва иккинчи бўлимларида маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаяди. Вақтнинг ўтиши билан ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги умумий ортиқча капиталнинг жамғарилиши рўй беради. Капиталнинг ортиқча жамғарилиши унинг ҳамма функционал шаклларида намоён бўлади. Турғунлик кризисдан кейинги депсиниш сифатида характерланади ва унинг давом этишида жонланиш учун шарт-шароит вужудга келади.

Жонланиш фазасида маҳсулот ишлаб чиқариш барқарор тарзда кенгайиб боради, яъни юксалишнинг энг юқори нуктасигача ўсади. Юксалиш фазасида у аввалги циклдаги энг кризисолди кўтарилишидан ўсиб кетади.

Бундай ҳолат қуйидагича тасвирий кўринишда ифодаланади:

1-чизма. Иқтисодий цикл



Чизмадан кўриниб турибдики, иқтисодий цикл иқтисодий ривожланишнинг бир ҳолатидан бошланиб, бирин-кетин кейинги фаза-

ларни босиб ўтиб, ўзининг дастлабки ҳолатига қайтиб келгунга қадар ўтган давридир. Демак, иқтисодий ривожланиш бир цикл билан тўхтамайди, у доимо тўлқинсимон тўхтовсиз ҳаракатда бўлади.

Циклнинг ҳар бир фазаси ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларни қуйидаги ҳолида яққол тасаввур қилиш мумкин:

Кризис:

Нархларнинг пасайиб кетиши;

Ишлаб чиқариш ҳажмларининг қисқариши;

Оммавий банкротлик;

Ишсизликнинг ўсиши, иш ҳақининг пасайиб кетиш;

Асосий капиталнинг қадрсизланиш;

Процент даражасининг ўсиш;

Акциялар курсининг пасайиб кетиши.

Турғунлик:

Ишлаб чиқариш орқага кетишининг тўхташи (депсиниш ҳолати), нархларнинг пасайиши;

Паст иш ҳақ;

Ссуда процентининг паст даражаси.

Жонланиш:

Ишлаб чиқаришнинг кризисолди даражасигача ўсиши;

Асосий капиталнинг оммавий янгиланиши;

Товарлар нархининг ўсиши;

Ишсизликнинг бир оз камайиши.

Юксалиш:

Ишлаб чиқаришнинг кризисдан олдинги даражасидан ошиши;

Нархларнинг анчагина ўсиши;

Ишсизлик ҳажмининг қисқариши;

Иш ҳақининг ўсиши;

Кредитга бўлган талабнинг кенгайиши.

Иқтисодий цикллар алоҳида таҳлил қилинганда бир-биридан давомийлиги ва жадаллашуви жиҳатидан кескин фарқланиб туриши маълум бўлади. Шунга қарамай, уларнинг ҳаммаси бир хил фазаларга эгадир. Циклнинг энг юқори нуктасида иқтисодиётда батамом бандлик юзага келади ва ишлаб чиқариш тўлиқ қувват билан ишлай бошлайди. Циклнинг бу фазасида товарлар нархи ўсади, иқтисодий фаолликнинг ўсиши тўхтайдди. Иқтисодий кризис фазасида ишлаб чиқариш ва бандлик сезиларли даражада қисқаради. Бироқ товарлар нар-

хининг пасайиши сезилмайди. Кризис даврида ишлаб чиқариш ва бандлик энг паст даражада бўлади. Иқтисодий кризиснинг юзага келиш сабаблари жамиятда ишлаб чиқарилган товарлар массасининг тўловга қодир бўлган талабга мос келмай (ундан ошиб кетади ёки камаяди) қолишидадир. Натижада ишлаб чиқаришнинг бир қисми тўхтаб қолади, товарлар ишлаб чиқариш камаяди, ишлаб чиқаришнинг ўсиш даври унинг тушкунлиги билан алмашинади. Иқтисодий кризисларнинг асосий сабабларидан яна бири такрор ишлаб чиқаришдаги беқарорлик, яъни номутаносибликдир.

Ишлаб чиқариш билан истеъмол, талаб ва таклифлар ўртасидаги вақти-вақтида юзага келиб турадиган номутаносибликлар ҳам иқтисодий кризисларнинг вужудга келишига сабаб бўлади.

Иқтисодчилар томонидан иқтисодий цикл моҳияти атрофлича тадқиқ этилганда, унинг объектив хусусиятларга эга эканлигини тасдиқловчи бир қатор назариялар вужудга келди. Бу назарияларда иқтисодий циклга таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омиллар кўрсатиб берилди.


Иқтисодиёт назариясида цикл ва циклли ривожланиш ҳолатлари атрофлича талқин этилганлигини кўриш мумкин. Масалан, К.Маркс тарафдорлари циклли ривожланиш фақат капитализмга хос белги, деб қарайдилар. Цикл кризисдан кризисгача бўлган давр тарзида баҳоланган ва унда турғунлик, жонланиш ва юксалиш фазалари мавжудлиги қайд этилган, Бу назарияга мувофиқ кризис циклнинг бошланғич нуқтаси, деб ҳисобланган. Мазкур назарияда XIX асрдаги циклли ривожланишга хос ҳодисалар умумлаштирилган бўлса-да, циклларнинг умумий ҳодиса эканлиги эътибордан четда қолган эди. Ҳозирги замонда иқтисодиёт фанида иқтисодий циклларнинг мавжудлиги тан олинади, улар иқтисодий ўсишга хос тебранма ҳаракат, деб талқин этилади. Бироқ уларнинг сабаб-оқибатлари турлича шарҳланади.

1.«Ҳаддан ташқари инвестициялаш» назарияси тарафдорлари ишлаб чиқаришнинг орқага кетишига етарли миқдордаги инвестициялаш эмас, балки ҳаддан ташқари кўп инвестициялаш сабаб бўлади, деб ҳисоблайдилар.

2. «Етарли истеъмол қилмаслик» назарияси циклларнинг сабабини ишлаб чиқаришга сарфланган даромад улушининг шахсий истеъмолга нисбатан кўпроқ миқдорда сарфланаётганлигида кўради.

Иқтисодиётга оид Ғарб адабиётида А. Бернс ва Дж. Мурларнинг цикл назарияси кенг тарқалган. Унда, асосан, иқтисодий циклнинг икки фазаси – юксалиш ва орқага кетиш жараёни ҳақида сўз юритилади. Бу фазалар «чўққи» ва «туби»га ажратилиб, улар юздан ортиқ турли «цикл кўрсаткичлар»и, яъни кўп миқдордаги статистик маълумотларни таҳлил этишга асосланади.

Иқтисодий циклнинг ўзгача назарияси муаллифи америкалик таниқли иқтисодчи Уесли Митчеллдир. Бу назарияга мувофиқ, цикл тўрт фазага бўлиниб, улардан энг муҳим иккитаси «экспансия» ва «қисилиш» давлари ҳисобланади: «экспансия» фазаси охирига етиб, «қисилиш» фазаси тугагач, пастки бурилиш нуқтасида ёки «жонланиш» нуқтасида «экспансия» учун йўл очилади. Бу қуйидаги схемада ўз ифодасини топган.³⁹



Шундай қилиб, циклнинг ҳар бир фазаси ундан кейин келувчи бошқасига ўтади. Уларнинг ҳар бири турли иқтисодий шароитлар билан характерланади. Масалан, «экспансия» даврида, одатда, ишлаб чиқариш, иш билан бандлик, нарх, пул муаммоси, иш ҳақи, процент нормаси ва фойдаларнинг ўсиши кузатилади. «Қисилиш» даврида тескари ҳол юз беради.

Америка иқтисодчиси П.Самуэльсон иқтисодий циклнинг турли назарияларини таснифлар экан, уларни икки категорияга ажратади: экстернал (ташқи) ва интернал (ички)⁴⁰. Экстернал назария бўйича

³⁹ Самуэльсон П. Экономика. – Москва, 1992. -С. 241.

⁴⁰ Самуэльсон П. Экономика. –Москва, 1992. -С. 244.

иқтисодий циклнинг бош сабаби иқтисодий тизимдан ташқарида ётувчи омиллар, яъни: урушлар, инқилоблар, сиёсат, куёш доғлари, олтин ва нефт конларининг топилиши, фан-техника кашфиётлари, аҳоли миграцияси ва бошқалар ҳисобланади. Интернал назарияда асосий эътибор иқтисодий тизимнинг ўз ички механизмига қаратилади. Бундай ҳолат иқтисодий циклга туртки беради, ҳар бир «экспанция» «жонланиш»ни туғдиради ва бу занжир бетўхтов қайтарилиб туради, деб қаралади. Бу ўринда даромад даражаси, ишлаб чиқариш ҳажми ва асосий капиталнинг ўсиши (яъни соф инвестициялар) муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисобланади.

Ҳозирги замон иқтисодчиларининг кўпчилиги экстернал ва интернал назариялар комбинациялари позицияларида турадилар.

Иқтисодий цикл қанчалик узок давом этади?

XX асрда, иқтисодиётга оид манбаларда товар захиралари тебранишлари билан боғлиқ бўлган ва 3-5 йил муддат ичида давом этадиган «қисқа цикл», деб аталмиш циклнинг мавжудлиги тўғрисида илмий фараз майдонга келди. У бундай фаразни биринчи бўлиб илгари сурган инглиз муаллифи номи билан «Китчин цикли» ёки «захиралар цикли» деб ҳам номланди. Китчин (1926) молиявий ҳисоблар ва товар захиралари ҳаракатида сотиш нархларини таҳлил қилиш асосида қисқа тўлқинларни тадқиқ қилишга эътибор берган эди. Масалан, АҚШ да 1807 йилдан 1937 йилга қадар ўтган 130 йил ичида 37 марта қисқа цикл юз берган. Улар ўртача 3,5 йилда давом этган.

Бу масалани ўрганиш билан шуғулланган айрим иқтисодчилар тўла цикли тахминан ярим асрни қамраб олувчи жуда «узун тўлқинлар»нинг мавжудлиги тўғрисидаги ғояни илгари сурдилар. Х.Кларк, В.Джевокс инглиз, Ван Гельдерен, С.ДюВольф каби голландлар, Т.Барановский, Н.Д.Кондратьев («Кондратьев цикллари» номи ҳам қўлланган), америкалик Дж. Шумпетер каби иқтисодчилар шулар жумласидандир.

Н.Д.Кондратьевнинг асарлари 150 йиллик давр мобайнидаги нархлар индекси, давлат қарз қоғозлари, номинал иш ҳақи, ташқи савдо обороти, кўмир қазиб чиқариш, олтин қазиб олиш, чўян эритиш каби қатор кўрсаткичларни таҳлил қилишга асосланади. Энг кам квадратлар услуби ёрдамида билан тасвирий ҳолда тебранишлар қаторларидан квадрат трендлар ажратиб олинган, кўрсаткичлар қолдиқлари эса 9 йиллик сирпанувчи ўртача кўрсаткич ёрдамида бирлаштирилган, цикл узунлиги «чўққилар» ва «орқага кетишлар» орасидаги

масофа сифатида талқин этилган. Масалан, электр энергияни истеъмол қилиш вақтинчалик қаторининг тебранишларини олиб кўрайлик. Маълумки, электр энергиясини ишлаб чиқариш, одатда, турғунлик бошланаётган даврда айтарлик қисқармайди, шундай бўлса-да, бу кўрсаткич ҳам ўзгариб туради. Одатда, бу нормал ёки узок давом этувчи «асрий тенденция» (тренд)га нисбатан вақтинчалик қатор ўсиш суръатларининг пасайиши шаклида намоён бўлади.

«Катта тўлқин» даврида юксалиш юз бериб, у ишлаб чиқаришда катта ўзгаришлар ясайди; орқага кетиш эса узок муддатга чўзилиб, асосан, қишлоқ хўжалигини чирмаб олади. Кондратьев қарашлари бўйича 3 хил бозор тенглиги мавжуд:

1. «Бирламчи тартиб» тенглиги товар захираларининг циклларига тааллуқли бўлиб, 3-3,5 йил давом этади.

2. «Иккиламчи тартиб» тенглиги 10-11 йил давом этувчи асосий капитал ҳажмига тегишлидир.

3. «Учламчи тартиб» тенглиги узок муддат давомида фойдаланиладиган асосий капитал ҳажми, миллатга қарашли мол-мулк (темир йўллар, алоқа, бинолар, иншоотлар ва ҳ.к.)ларга алоқадор бўлиб, 45-50 йиллик муддатни қамраб олади.

Ғарб иқтисодчилари Кондратьевнинг «узун тўлқинлар» назариясини – асосий капитални қоплаш ва ссуда процентининг роли масаласига ёндашиш йўлини танқид қилиб келадилар.

Фикримизча, Кондратьевнинг мазкур масалага ёндашиши асослидир. Чунки у техник ишлаб чиқариш усулининг ҳаётий цикли тушунчасига яқин келади ва циклнинг моҳиятини очиб беришда нафақат иқтисодий, балки ижтимоий омилларни ҳам эътиборга олади. 1970-йилларда «узун тўлқинлар» назарисига қизиқиш қайтадан туғилиб, янада ривожлантирила бошланди. Чунончи, француз иқтисодчиси Бокарро бу назарияга қуйидаги қоидаларни қўшимча қилиб киритди:

1. Цикл 45-60 йил давом этганда демографик омил улкан аҳамият касб этади.

2. Капитал узвий тузилишининг ўсиши таркибий кризисга олиб келади.

3. Ҳар бир таркибий кризис ўзига хосдир.

4. Кризисдан чиқиш регулятори сифатида фискал сиёсатни киритиш.

Немис олими Мандель Н.Д.Кондратьевнинг фикрини маъқуллаб, қуйидагича хулосаларга келади:

1. «Узун тўлқинлар» умумжаҳон хўжалиги бирлиги шароитларида амал қилиши мумкин.

2. Бундай циклга таъсир этувчи омиллар жумласига фойда нормасининг ўсиши, хом ашёга нархларнинг пасайиши, айланма капитал айланишининг тезлашувини киритиш мумкин. Лекин Мандель нима учун бу ҳодисалар даврий равишда қайтарилишини тушунтириб бермайди.

Шундай қилиб, иқтисодий цикл мавсумий тебранишлар сифатида ҳам, узоқ давом этувчи тенденциялар ҳолатида ҳам бутун дунё мамлакатлари иқтисодий ҳаётининг барча жабҳалари учун хос бўлган умумий қонуниятдир.

Циклли иқтисодий кризислар (асосан, ортиқча ишлаб чиқариш кризислари)ни иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар билан боғлиқ таркибий кризислар (етишмовчилик, ортиқча ишлаб чиқариш) дан фарқ қилиш керак. Чунки ҳозирги замон бозори ва, умуман, жаҳон хўжалигининг ривожланиши шароитларида циклли кризислар кўпгина ҳолларда таркибий кризислар билан чатишиб юборилмоқда. Бундай ҳолат собиқ Совет Иттифоқи тарқалгандан кейин вужудга келган давлатлар иқтисодиётига ҳам хосдир.

Маълумки, ортиқча ишлаб чиқариш даврий кризислари 1825-1826 йиллардан бошланган. Орадан икки ўн йилликлар ўтгач (1845-1847), улар саноати тараққий этган етакчи мамлакатларни қамраб олиб, жаҳон кризислари характериға эға бўлди. Бу даврдаги кризисларнинг даврийлиги яққол намоён бўлди. Масалан, Англияда бир кризиснинг бошланиши билан кейингисининг бошланиши ўртасидаги вақт ўртача 9,2 йилдан иборат бўлган. 8 йилдан 11 йилгача давом этувчи тўла цикл одатдаги ҳол бўлиб, у Германияда 8, АҚШ да 9,7 йилни ташкил этган.

Кризис фазалари, асосан, 1-2 йил давом этган.

Статистик маълумотларға қараганда, XIX асрда бўлиб ўтган 15та кризисға нисбатан олганда олти ҳолда мутлоқ орқаға кетиш 1 йилни, бошқа олти ҳолда 2 йилни ва уч ҳолда 3 йилни ташкил этган. 1872-1978 ва 1883-1886 йиллардаги кризислар, айниқса, кучли бўлган.⁴¹

⁴¹ Меньшиков С.М. Инфляция и кризис регулирования экономики.- Москва: Мысль, 1980. -С.28-29.

XX асрнинг 1900-1903 ва 1929-1933 йилларида бўлиб ўтган кризислар ўзининг куч ва вайронагарчилиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу йилларда жаҳонда ишлаб чиқариш ҳажми 2/5 ва савдо ҳажми 3/5 қисмга қисқарди. Чўян эритиш АҚШда деярли 80, Германияда 70 %га камайиб кетди. Шу вақтда АҚШда тўланган иш ҳақи 58 фоизга пасайди.

1937-1938 йилларда чўзилиб кетган турғунлик ва жуда суст жонланиш хусусиятига эга бўлган янги умумжаҳон кризиси рўй берди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги биринчи циклли кризис (1949) АҚШ ва Канада иқтисодиётига катта зарба берди. У хусусий инвестицияларнинг салмоқли қисқариши билан боғлиқ эди. Кризисга қарши тадбирлар сифатида АҚШ ҳукумати давлат харидлари (айниқса, ҳарбий)ни кўпайтириш йўлига ўтди. Бу тадбир ялпи талабнинг орқага кетишини 3/4 қисмга қопланишини таъминладики, натижада кризиснинг таъсири бўшашди. 1957-1958 йилларда юз берган жаҳон кризиси урушдан кейинги биринчи циклни якунлади.

1974-1975 йилларда юз берган кризиснинг фарқланувчи белгиси чуқурлиги ва бутун ривожланган мамлакатларда бир вақтда бошланганлигидадир. Натижада саноат ишлаб чиқариши 12 фоизга қисқариб кетди. Жумладан, Японияда 18,1, Италияда 17,5, АҚШ да, Францияда 15 фоизга пасайди. Бундай ҳолат, кўпинча, юз берган энергетик, хом ашё ва озиқ-овқат кризислари билан боғлиқ бўлди.

1980-1982 йиллардаги кризис энг чўзилган ва айрим мамлакатлар (Англия ва Канада)да урушдан кейинги даврдаги энг кучли кризис бўлди. Германияда орқага кетиш ва депсиниш 3 йил атрофида давом этди, Италияда эса ишлаб чиқаришнинг кризисга қадар бўлган даражасига фақат 1986 йилдагина эришилди. 1980 йилда АҚШда Р.Рейган президент сифатида ҳокимиятга келиши билан эркин бозорнинг иқтисодий тамойилларини қатъий равишда ҳимоя қилиш йўлига ўтилди. 1981 йилги солиқ ислоҳоти тўғрисидаги қонун 1984 йилга қадар хусусий шахслардан олинадиган даромад солиғини 25 фоизга қисқартиришни тасдиқлади. Шу билан бир вақтда давлат харажатлари ўсди.

Аммо маъмурият пул танқислигини яратиш ва қарзлар учун юқори процентларни белгилаш йўлини тутди. Шундай қилиб, 1983 йилда солиқларнинг қисқартирилиши узоққа чўзилган юксалишнинг бошланишига олиб келди. Нархларнинг йиллик ўсиши 1981 йилдаги, 10,4 фоиздан 1983 йилда 3,2 фоизгача қисқарди. Ишсизлик 1986 йил-

да 7 фоизгача пасайди ва 1988 йилга келиб 5,5 фоизгача тушди.⁴² 1983 ва 1987 йиллар оралиғидаги юқори процент ставкалари чет элларда АҚШда инвестициялаштириш мақсадида олинган америка долларга талабни кучайтириб юборди. Натижада долларнинг бошқа валюталарга нисбатан курси ўсди.

2-§.Таркибий кризислар инқироз ҳолатини юмшатишга қаратилган «даромадлар сиёсати». Аграр кризислар ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Ишлаб чиқаришнинг турли соҳа ва тармоқлари ривожланиши ўртасидаги номутаносиблик таркибий кризисларни туғдиради. Циклли кризислардан фарқли ўлароқ, таркибий кризислар битта такрор ишлаб чиқариш цикли доирасига сиғмайди ва узоқ муддат давом этади. Аммо циклли кризислар билан чатишиб кетгач (бундай ҳолат 1974-1975 ва 1980-1982 йилларда рўй берди), улар кризис ларзалари кўламини кенгайтириб ва муддатини чўзиб юборади.

Таркибий кризис нисбий ортиқча ишлаб чиқариш маҳсулотларига талаб камаядиган ёки умуман барҳам топадиган соҳаларни қамраб олади. Бундай кризислар капиталнинг бир тармоқдан бошқа, кўпроқ даромадлироқ бўлган тармоққа қўйилишини келтириб чиқаради. Ҳозирги жаҳон хўжалигидаги қора ва рангли металлургия тармоқлари шундай кризисларга дучор бўлган. Бу тармоқларнинг маҳсулотлари янги конструкция материаллари (металл, пўлат ўриндошлари) билан бўладиган рақобатга тоб бера олмайди.

Нисбий етишмовчилик таркибий кризисига XX асрнинг 70-йилларида жаҳон хўжалигини чулғаб олган хом ашё ва энергетика кризисларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Валюта кризислари иқтисодий циклга катта таъсир кўрсатади. Шунга кўра, уларни қуйидаги белгилари бўйича таснифлаш мумкин:

а) 1930-1931 йиллардан, яъни олтин стандарти инқирозга учрагандан кейин рўй берган валютанинг умумий ҳолати;

б) иккинчи жаҳон урушидан сўнг ва XX асрнинг 50-йиллари охирига қадар, жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари валюталари бемалол алмашина олмайдиган вақтда валюта тизимининг ҳолати;

в) ўз валютасининг халқаро позицияларини жиддий равишда бўшаштиришга олиб келувчи алоҳида олинган мамлакат тўлов балансининг кўп йиллик камомади;

⁴² Роберт Б., Карсон. Что знают экономисты. -Москва.: СП «Квадрат», 1993. -С. 109-111.

г) мамлакат валюта ресурсларининг қисқариши ва шунинг орқасида валютанинг қадрсизланишини келтириб чиқарувчи тўлов баланси тенглигининг бирданига бузилиши.

Давлат иқтисодий жихатдан орқага кетиш вақтида талабни рағбатлантиришга имкон берувчи кризисга қарши тадбирлар ва юксалиш чораларини қўллайди. Давлатнинг циклга қарши сиёсати иқтисодий циклни силлиқлаш ва ялпи ижтимоий талаб (яъни давлат истеъмол харажатлари ва инвестициялар ҳажми)ни тартибга солиш йўли билан конъюктурани барқарорлаштиришга қаратилади. Кризис даврида асосий капитални янгилашга имкон берувчи циклга қарши сиёсат шахсий истеъмол даражасининг пасайишини тўхтатиш учун шароит яратади. Шу билан бирга, давлат нархларни ҳам тартибга солишни қўллайди ва нархлар ўсишининг чегараларини белгилайди. Шундай йўл билан тартибга солиш «даромадлар сиёсати» деб номланади.

Охирги вақтларда даромадлар сиёсатининг кенг тарқалган вариантларидан бири «ижтимоий битим» бўлиб, бунда давлат корхона маъмурияти ва касаба уюшмалари вакиллари ўртасида нархлар ҳамда иш ҳақи масалалари бўйича келишувга эришиш мақсадида музокара-лар ташкил этади. Лекин иш ҳақи устидан назорат ўрнатишга нисбатан нархларни назорат қилиш анчагина оғир бўлганлиги учун «музлатиб қўйиш» принципи амалда реал иш ҳақининг пасайишига олиб келади. Бинобарин, нархлар ва иш ҳақини шундай тарзда тутиш ижтимоий қарама-қаршилиқларнинг чуқурлашувига сабаб бўлади. Бундай тадбирлар жиддий валюта-молиявий кризислар даврларидагина қўлланилади.

Иқтисодиётда «аграр кризислар» тушунчаси ҳам мавжуд. Аграр кризисларнинг қуйидаги шакллари маълум:

-қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш нисбий ортиқчалигининг тобора кучайиб бориши, маҳсулотларнинг сотилмай қолган катта захираларининг тўпланиб қолиши;

-қишлоқ хўжалик маҳсулотларига нархларнинг пасайиб кетиши натижасида даромад ва фойда олишнинг пасайиб кетиши;

-фермер хўжалиги, кичик ва ўрта фермерларнинг хонавайрон бўлиб, банклардан катта миқдорда қарздор бўлиб қолиши;

-иш билан бандлик қисқариб, ишсизликнинг пайдо бўлиши ва ҳоказо.

Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқариш жараёни мавсумий хусусиятга эгадир. Аграр кризис анча узоқ муддатга чўзилиши мумкин. Иқтисодиёт тарихидан маълумки, XIX асрдаги биринчи аграр кризис 70-йиллардан бошланиб, 90-йилларгача, иккинчиси XX асрнинг 20-йилларидан бошланиб 40-йилларгача, учинчиси 1948 йилдан бошланиб, 80-йилларгача давом этди. Аграр кризисларда циклли хусусият бўлмайди. Чунки қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш мутлақ эмас, аксинча, нисбий хусусиятга эгадир.

Ривожланган давлатларда қишлоқ хўжалигида туб иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларларни амалга оширишга катта эътибор берилди. Қишлоқ хўжалигини ҳозирги замон техникаси билан қуроллантириб индустриал товар ишлаб чиқариш тармоғига айлантириш муҳимдир. Қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш воситалари етказиб берувчи ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи саноат тармоқларини, шунингдек савдо бўғинларини бирлаштирувчи янги агробизнес, агросаноат комплекси системасини бирлаштирувчи ва самарали натижалар келтирувчи интеграцияни вужудга келтириш зарурдир.

3-§. Жамиятнинг иқтисодий потенциали.

Иқтисодий ўсиш манбалари

Таркибий қайта қуриш, силжиш ва кризислар масалалари иқтисодий ўсиш муаммолари билан узвий чатишиб кетган. Ҳозирги кунда иқтисодий ўсиш бутун мамлакатлар учун марказий муаммо бўлиб қолди. Барча иқтисодий муаммоларни ҳал этишда иқтисодий ўсиш етакчи роль ўйнайди. Турли мамлакат иқтисодчилари узоқ муддатли иқтисодий ўсиш учун мавжуд бўлган капиталнинг кўпайиши ҳал қилувчи аҳамият касб этади, деб ҳисоблашмоқдалар.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматининг аксарият кўп қисмини ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олишга сарфланмоқда ва шу орқали ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш, жамиятда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий маҳсулотни ўстиришга қаратилмоқда. Умуман олганда, иқтисодий ўсиш у ёки бу динамикада – миқдорий ўсиш ва сифат жиҳатдан такомиллашув билан ялпи миллий маҳсулот ва унинг ишлаб чиқариш омилларининг ўсишида ифодаланади.

Жамиятнинг иқтисодий потенциали кўп жиҳатдан иқтисодий ўсиш суръатларига боғлиқ. Иқтисодий ўсиш юксалиш ва инқироз

даврларининг ижобий ва салбий томонларини ҳисобга олишни тақозо этади. Мамлакатнинг иқтисодий потенциали асосий ва айланма фондлар билан ифодаланган миллий бойликнинг кўп қисми ҳамда ишчи кадрлар, муҳандис-техник ходимлар ва олимлардан ташкил топади. Буларнинг барчаси у ёки бу мамлакатнинг ишлаб чиқариш ва жамият фаровонлигини бирор даражада таъминлаш қобилиятини акс эттиради.

Ўзбекистон Республикасида, И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Иқтисодий ривожланиш суръатлари ҳақида гапирганда... унинг мезонларига ва, энг аввало, кўрсаткичларига кўпроқ эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Бундай ўсишлар иқтисодиётимизда юз бераётган таркибий ўзгаришлар, унинг изчил ва барқарор ривожини учун хизмат қилиши, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга, бир сўз билан айтганда, амалий ҳаётимизни яхшилашга олиб келиши лозим».⁴³ Бинобарин, иқтисодий ўсиш ўзаро бир-бири билан боғлиқ услублар орқали аниқланади ва ўлчанади. Булар қуйидагилардир:

1. Маълум давр мобайнидаги ҳақиқий ялпи ички маҳсулот ёки соф миллий маҳсулотнинг ўсиши сифатида;

2. Аҳоли жон бошига олинган ҳақиқий ялпи ички маҳсулот ёки соф миллий маҳсулотнинг ўсиши сифатида.

Амалиётда ҳар иккала омилдан ҳам фойдаланилади. Масалан, диққат марказида иқтисодий-сиёсий потенциал муаммолари турган бўлса, биринчи омил, турли мамлакатлар турмуш даражасини таққослаш масаласи кўндаланг бўлса, иккинчи омил қўл келади.

Ўсаётган иқтисодиёт мамлакат ичида ҳам, халқаро миқёсда ҳам ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда кўпроқ қобилиятга эга бўлади. Иқтисодий ўсиш ресурслар чекланганлиги муаммосини ҳал этишни енгиллаштиради. Шунингдек, иқтисодий ўсиш барқарорликка нисбатан ҳам муҳимроқ аҳамият касб этади.

Иқтисодий ўсиш нафақат истеъмол учун товарлар, хизматлар кўпайтиришдан иборат бўлибгина қолмай, ишлаб чиқариш воситалари, яъни ресурсларни кўпроқ ишлаб чиқариш билан ҳам боғлиқдир. Чунки ўсиш жамият аъзоларининг жорий истеъмолини қондириш билан чекланиб қолмайди, балки ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш натижасида келгуси жамият аъзоларининг истеъмолини қондиришни ҳам мўлжаллайди. Иқтисодий ўсиш жамиятнинг ижти-

⁴³ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. «Халқ сўзи» газетаси, 2001 йилнинг 17 феввали.

мой таракқиёти учун мустаҳкам замин яратади. У жамиятнинг бойиб бориши ва аҳоли фаровонлигининг ўсишини таъминлайди.

Иқтисодий ўсиш «микро» ва «макро» даражасида рўй беради.

Микроиқтисодий ўсиш фирмалар, корхоналар, жамоа хўжаликлари ва тарқоқ доирадаги ўсиш бўлиб, бу уларда фаолият кўрсатаётган субъектлар меҳнатининг натижаси ҳисобланади.

Макроиқтисодий ўсиш бутун жамият, яъни мамлакат миқёсидаги иқтисодий ўсишдир. Бундай ўсиш жамият ишлаб чиқариши фаолиятининг натижаси, яъни мамлакатдаги мавжуд турли корхоналар ва тармоқлардаги микроиқтисодий ўсишларнинг мажмуи ҳисобланади.

Иқтисодий ўсишнинг даражаси, ҳажмига қараб жамиятнинг моддий-иқтисодий аҳоли белгиланади. Агар ўсиш юз берса, демак, жамиятда иқтисодий жонланиш, юксалиш мавжуд; борди-ю ўсиш бўлмаса, иқтисодиётда турғунлик, пасайиб кетиш ҳолатлари рўй бериб, иқтисодий танглик пайдо бўлади.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг икки усули мавжуд: экстенсив ва интенсив. Шунга асосан, *иқтисодий ўсишнинг ҳам икки – экстенсив ва интенсив* турлари бор.

Экстенсив иқтисодий ўсиш турида ишлаб чиқаришнинг аввалги техник асоси сақланиб қолган ҳолда ишлаб чиқариш омиллари миқдорини кўпайтириш орқали эришилади. Масалан, маҳсулот ишлаб чиқаришни икки ҳисса кўпайтириш учун мавжуд корхона билан бир қаторда ўрнатилган ускуналарнинг қуввати, миқдори ва сифати, иш кучининг сони ва малакаси ҳамда таркиби бўйича худди ўшандай яна бир корхона қурилади. Экстенсив иқтисодий ўсишда, агар у соф ҳолда амалга оширилса, ишлаб чиқариш самарадорлиги ўзгармай қолади. Дейлик, маҳсулот ишлаб чиқариш икки ҳисса кўпайтирилганда ишлаб чиқариш омиллари, яъни ишчилар сони, асосий капитал (фондлар) ҳам икки марта ўсади. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш бир ходим сонига ҳисоблаганда ўзгармай, аввалгича қолаверади.

Иқтисодий ўсишнинг интенсив типи шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш миқдорини кўпайтириш учун ишлаб чиқариш омилларини сифат жиҳатдан такомиллаштириш, илғор техника ва технологик жараёнларни жорий этиш, иш кучи малакасини ошириш, шунингдек мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан самарали фойдаланиш йўли билан эришилади. Чунки иқтисодиёт яхлит бир нарса. Шу сабабли экстенсив ва интенсив ўсиш алоҳида амал қилмайди, улар кундалик

хўжалик амалиётида ривожланишнинг бу турлари бир-бири билан маълум даражада омихталашади. Шунинг учун иқтисодий ўсишнинг нисбатан экстенсив ёки нисбатан интенсив тури устун бўлган шакллари фарқланади.

Иқтисодий ўсишнинг манбалари нималардан иборат? Иқтисодий ўсишга таъсир этувчи ва ишлаб чиқаришда амал қиладиган кучлар унинг омилларидир. Ўсиш юз бермаса иқтисодиёт ўзгармай қолади, ва аксинча, ўсиш амалга оширилса ривожланиш рўй беради. Иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллар бир-бирига боғлиқ бўлади. Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ўсишини қуйидаги асосий омиллар билан аниқлаш мумкин:

Таклиф омиллари

1. Табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати.
2. Меҳнат ресурсларининг миқдори ва сифати.
3. Асосий капитал ҳажми ва сифати.
4. Ишлаб чиқариш технологияси ва фан-техника тараққиёти.
5. Талаб ва таклиф омиллари.
6. Тақсимот омиллари.

Шуни таъкидлаш лозимки, иқтисодий ўсишга таъсир этувчи талаб ва таклиф омиллари ўзаро боғлиқдир. Масалан, ишсизлик, одатда, жамғариш суръатларини секинлаштиради, шунингдек у илмий тадқиқотларга харажатлар учун ўсишни ҳам сусайтиради. Аксинча, илмий тадқиқот ҳамда капитал сарфларини жорий этишнинг паст суръатлари ишсизликка сабаб бўлиши мумкин.

Аҳоли бандлиги сиёсати бозор иқтисодиётига ўтишда алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Бу даврдаги шундай сиёсатнинг мақсадларини асосий талаблар мажмуи сифатида қуйидагича таърифлаш мумкин:

1. Мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва янги иш ўринларини яратиш.

2. Кўп болали оилалар, кекса ёшдаги шахслар, ногиронлар, ёлғиз оналар ва бошқаларни ижтимоий ҳимоялаш.

3. Ишсизлик миқдорини камайтириш.

4. Ишсизликнинг ижтимоий оқибатларини юмшатиш.

4-§. Фан-техника тараққиётининг иқтисодий ўсишдаги роли

Фан-техника тараққиёти иқтисодий ўсишнинг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Техник тараққиёт нафақат ишлаб чиқаришнинг тубдан янги услубларини, балки уни ташкил этиш ва бошқаришнинг ҳам янги шакллари қамраб олади.

Фан-техника тараққиёти икки хил асосий жараёнда амалга оширилади: эволюцион ва инқилобий (революцион). Эволюцион жараён дейилганда, аввалдан мавжуд бўлган технологик тизимлар ва техниканинг олдинги давр билан бир хилдаги илмий-техник тамойиллар асосида ишлатилиши ҳамда такомиллаштирилиши тушунилади. Инқилобий жараён эса ишлаб чиқаришда сифат жиҳатдан янги фан-техник тамойиллардан фойдаланишга ўтишни назарда тутди. Сифат характериға эға бўлган бундай ўзгаришлар фан-техника инқилоби даврининг кириб келишидан далолат беради. Бундай инқилоб жамият ишлаб чиқариш кучлари ривожланишидаги сакраш, уларнинг илмий билимлар тизимидаги туб силжишлар асосида сифат жиҳатдан янги ҳолатини ифода этади.

Таъкидлаш керакки, фан-техника инқилоби ХХ асрнинг 50-йиллари ўрталаридан бошланди. Шу даврдан бошлаб, табиий фанларда бир қатор асосли кашфиётлар қилинди ва улар ишлаб чиқаришга жорий этилди, атом энергияси бўйсундирилди, дастлабки ЭҲМлар ва квант генераторлари яратилди, кўплаб полимер ва бошқа сунъий материаллар ишлаб чиқарилди ва ҳоказо.

Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти мураккаб, кўп қиррали жараён бўлиб, бир-бири билан узвий боғлиқ учта таркибий қисмдан иборат.

Биринчидан, фан-техника инқилоби фан ва ишлаб чиқаришнинг чуқур туб чирмашиб кетишини таъминлаб, ишлаб чиқаришни аста-секин бамисоли фаннинг технологик цехига айлантиради. Фан-техникаға оид тадқиқотлар, тажрибалар воситасида замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этувчи янги оқим вужудға келтиради. Ҳамма жойда инновация жараёнларининг янгидан вужудға келиши ва уларнинг амалда тезкорлик билан қўллана боришиға эришилади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг янгиланиши кескин кучаяди. Буларнинг ҳаммаси иқтисодий ўсишнинг омиллари ва манбаларида иқтисодиётнинг таркибий жиҳатдан ўзгаришларига олиб келади.

Иккинчидан, фан-техника инқилоби кадрлар тайёрлаш ва бутун таълим системасида инқилобий ўзгаришларнинг рўй беришини тақозо этади. Замонавий техника ва технология янги ходимлар, техник

янгиликларни дарҳол илғаб олувчи кадрларнинг пайдо бўлишини талаб қилади.

Учинчидан, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишдаги, бошқарув системаси ФТИнинг энг муҳим таркибий қисмидир.

Фан-техника тараққиётининг иқтисодий ўсишдаги роли унинг йўналтирилганлигидаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Бундай ўзгаришлар давомида юз бераётган таркибий силжишлар туфайли фан-техника тараққиётини таъминловчи ва янада юқори ўсиш суръатларига эга бўлган тармоқлар гуруҳи (масалан, кимё ва нефть кимёси саноати, атом энергетикаси, электроника, микропроцессорлар ва ЭХМ ишлаб чиқариш, рақамли дастур асосида бошқариладиган дастгоҳлар, роботлар, лазерлар яратиш ва ҳ.к.)нинг шаклланаётганлигини таъкидлаш зарур. Шу билан бир вақтда, бундай шароитларда ижтимоий ишлаб чиқариш инфраструктураси, маиший хизмат соҳаси, транспорт, алоқа, энергетика, ахборот хизмати тез ўсиб бормоқда.

Энг йирик таркибий муаммолардан бири ижтимоий ишлаб чиқаришнинг икки соҳаси – ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш билан истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ўртасидаги нисбатдир. Иқтисодий ўсиш интенсив турининг фондни тежашга қаратилган варианты биринчи соҳа улушининг ўсишисиз ҳам илгарилаб боришига имкон беради.

Фан, маориф, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳасини бирлаштирадиган интеграл ташкилотларнинг оммавий равишда юзага келиши ва ривожланиши бошқаришни ташкил этишдаги янгилик ҳисобланади. Шунингдек, комплекс илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари, йирик муҳандислик фирмалари ва ҳоказоларнинг пайдо бўлиши характерли ҳол бўлиб қолди.

Шу билан бир қаторда, янги маҳсулотларни чиқаришга тез ўта олувчи, якка тартибдаги буюртмаларни бажара олувчи ва техник жиҳатдан яхши жиҳозланган ўрта ва майда корхоналар тез ўсиб бормоқда. Жаҳоннинг барча ривожланган мамлакатларида ўртача машинасозлик ва металлургия корхоналари, қишлоқ хўжалик ва хом ашёларни қайта ишловчи мини заводлар қурилмоқда.

Иқтисодий ўсишнинг янги тури тармоқ ичидаги пропорцияларда муҳим силжишлар билан олға бормоқда. Бу пировард босқич ва операциялар (ишлаб чиқариш ва истеъмолга мўлжалланган маҳсулотларни пардозлаш, саноат эстетикаси воситаларидан фойдаланиш, маҳсулот сифатини ўстирувчи йўллар) салмоғининг ошишида ифода-

ланади. Натижада истеъмолчиларга сервис хизмати кўрсатиш тизими кенг ривожланмоқда.

Ниҳоят, ҳозирги ходимнинг сифати ва кенг такомиллашуви учун бўлган талабларнинг ўсиб бориши ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланишининг умумиктисодий шароити бўлиб ҳисобланади.

Фан-техника тараққиёти талабларини инобатга олган ҳолда иқтисодиётни таркибий қайта қуриш йўли бозор муносабатларига ўтиш шароитларида алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозирги шароитда иқтисодий ўсишнинг янги сифат даражасига эришиши учун бир қатор тадбирлар қабул қилиш зарурияти юзага келганлигини республикамиз мисолида яққол кўриш мумкин. Бу чора-тадбирлар ичида, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Илғор технологиялар, ишлаб чиқаришнинг ҳозирги замон таркибига ўтиш минерал ресурсларни комплекс қайта ишлайдиган, бири бири билан боғлиқ тармоқларнинг шаклланишини талаб этади. Республикада рангли металлургия, кимё ва электроника саноатлари, машинасозлик ва приборсозлик соҳаларида юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ривожлантириш учун катта имкониятлар бор. Қишлоқ хўжалик машинасозлигини деҳқон (фермер) ва томорқа хўжаликларига керакли техник воситаларни ишлаб чиқаришга мослаштириш учун қисман қайта ихтисослаштириш талаб қилинади;

2. Ўз ишлаб чиқаришимиз учун МДХ республикаларидан олиб келинаётган хом ашё, ёқилғи, комплектлаштириш маҳсулотлари, технологик қурилмаларга бўлган қарамлиликни бўшаштириш ҳамда уларни республикамизнинг ўзида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарур;

3. Иқтисодиётимиздаги энг бўш бўғин гипертрофланган тармоқ таркиби ва тайёр аниқ товар маҳсулоти бўлмиш капролактам (кимёвий толалар, тўқимачилик маҳсулотлари, қора, рангли ва қимматбаҳо металллар) ишлаб чиқариш ҳисобланадики, бу соҳани ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор бериш зарур.

4. Ҳисоб-китоблар республикада мавжуд бўлган хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни яқунловчи цикл билан тўлдириб, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш таъминланган тақдирда, ялпи миллий маҳсулотни 2 мартадан ортиқ, миллий даромадни эса тахминан 3 марта кўпайтириш мумкин эканлигини тасдиқламоқда.

Шундай қилиб, ўсишга эришмоқ учун ишлаб чиқариш таркибини диверсификациялаш зарур бўлади. Таркибий ўзгартиришлар истиқболли бўлиб, илмий изланишларни кўп талаб этувчи тармоқларнинг янада ривожланишини таъминлайди, жамиятнинг тараққиёт ва янгилашиш йўлидан барқарор боришига шароитлар яратади.

Асосий таянч тушунчалар

Иқтисодий инқироз – ишлаб чиқарилган товарлар касодга учраши натижасида ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин тушиб кетишидир.

Иқтисодий цикл – иқтисодий ривожланишнинг бир ҳолатдан бошланиб, бирин-кетин тўрт фазани босиб ўтиб, ўзининг олдинги ҳолатига қайтиб келгунга қадар ўтган даврни ўз ичига олади.

Турғунлик (депрессия) – ишлаб чиқаришнинг бир жойда депсиниб туришини билдиради ва бу фазада иқтисодий фаоллик жонланиш учун шарт-шароит вужудга келиш ниҳоясига етади.

Жонланиш – иқтисодий циклнинг ишлаб чиқаришнинг барқарор олдинги ҳолатига тенглашиб боришини тавсифловчи фаза.

Юксалиш – иқтисодий циклнинг иқтисодиётда тўлиқ бандликка эришиши, ишлаб чиқаришнинг инқироздан олдинги даражадан ҳам ортиб кетиши ва тўловга лаёқатли талабнинг кенгайиб боришини тавсифловчи фаза.

Аграр кризислар – қишлоқ хўжалигида рўй берадиган иқтисодий инқирозлар бўлиб, саноат циклларига қараганда анча узок давр давом этади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Иқтисодий инқирозлар моҳияти нимани ифодалайди?
2. Иқтисодий цикл нима? Уни таърифланг.
3. Таркибий инқирозлар нима? Уни тушунтиринг.
4. Цикл тебранишлар вужудга келишининг сабабларини кўрсатинг.
5. Аграр кризисларнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтиринг.

XV БОБ. МОЛИЯ ТИЗИМИ ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

1-§. Молиянинг моҳияти, молиявий муносабатларнинг таркиб топиши

«Халқ хўжалигида айлантириб туриладиган пул маблағлари» тушунчаси рус тилида «финансы» сўзи (аслида француз тилида «finance» шаклида лотинча «накдина, даромад» маъносини англатувчи «financia» сўзидан ҳосил бўлган)нинг ўзбекча муқобили бўлмиш «молия» (аслида арабча) термини орқали ифодаланади.

Молия кишилиқ жамиятида узоқ давом этган товар-пул муносабатларининг маҳсули бўлиб, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий вази-фаси ва эҳтиёжлари асосида шаклланган. «Давлат молияси» тушун-часи биринчи маротаба XV асрда Шимолий Италияда пайдо бўлиб, «пул тўлови» маъносида ишлатилган. Ўша вақтда давлат Шимолий Италия шаҳарлари (Венеция, Генуя, Флоренция) иқтисодиётида катта аҳамиятга эга эмас эди: солиқлар солинар, савдо ва божхона пошли-налари йиғилар ва улардан армия, полицияга қараш, йўллар, портлар қуриш, шаҳарлар ва шаҳар савдо марказларини бунёд этиш ва таъмирлаш учун фойдаланилар эди. Кейинчалик бу тушунча халқаро тус олиб, «пул муомаласи тизими» маъносини касб эта бошлади. Маълумки, такрорий ишлаб чиқариш жараёнида деҳқон (фермер) хўжалигидан тортиб макроиқтисодиётнинг турли поғоналарида ҳам пул маблағлари ҳосил бўлади. Шу муносабат билан уларнинг пайдо бўлиши ва, айниқса, сарфланиш жараёнини тартибга солиш зарурия-ти туғилади.

Ижтимоий такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш учун зарур бўлган пул ресурслари фондларини ҳосил қилиш ва улардан фойда-ланиш жараёни жамиятнинг молиясини ташкил этади. Пул фоизла-рининг ҳаракати муносабати билан давлатнинг корхоналар ва ташки-лотлар, тармоқлар, регионлар ва айрим фуқаролари ўртасида юзага келувчи жамики иқтисодий муносабатлар молиявий муносабатларни вужудга келтиради. Молия ўз моҳиятига кўра, товар ва хизматлар-нинг қиймат шаклидаги ҳаракатларининг пул ифодаси сифатида на-моён бўлади. Айнан шу маънода молиявий муносабатлар шаклланади ва, маълум маънода, ўзига хос хусусиятларни намоён этади. Молия-вий муносабатлар, аввало, пул шаклида мужассамлашади. Айни шун-дай пул муносабатлари молияга амал қилишнинг зарур шартидир. Молиявий муносабатлар такрор ишлаб чиқаришнинг тақсимот

босқичида ижтимоий маҳсулот қийматини белгиланган мақсадлар йўлида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш давомида шаклланади. Бундай муносабатлар мазкур йўналишда жамият аъзоларини моддий рағбатлантириш, ижтимоий ва бошқа эҳтиёжларни таъминлаш ҳамда, энг асосийси, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни узлуксиз амалга оширишни таъминлайди. Шунини таъкидлаш зарурки, ҳамма пул муносабатлари ҳам молиявий муносабатлар бўлавермайди. Молиявий муносабатлар пул маблағларининг ҳосил бўлиши, тақсимланиши ва фойдаланиши билан боғлиқ бўлган жараёнларни ўз ичига олади. Масалан, бунга фуқаронинг шахсий истеъмоли ва айирбошлашга (чакана товар обороти, транспорт, маиший, коммунал хизматлар ва бошқаларга) тўловлар, шунингдек жамиятнинг айрим аъзолари ўртасидаги олди-сотди муомаласи, пулни тортиқ этиш ва мерос қилиб олиш учун хизмат қиладиган пул маблағлари кабилар кирмайди.

Молия жамиятда хўжалик жараёнларига таъсир кўрсатувчи дастак бўлиб, корхоналар, тармоқлар, регионлар халқ хўжалиги, ишлаб чиқариш жараёнларининг иқтисодий манфаатларини ўзаро мувофиқлаштириш воситаси сифатида хизмат қилади.

Молия иқтисодиётни бошқаришнинг амалдаги ҳамма томонларига воситачилик қилади. Молиявий муносабатлар ялпи ички маҳсулот ва миллий даромадни махсус фондлар асосида тақсимлайди. Бундай маҳсулот ва даромадлар худудлараро, тармоқлараро, тармоқ ичида ҳамда моддий, номоддий соҳалар объектларида молиявий муносабатлар воситасида бюджет резервлари, суғурта фондлари, бюджетдан ташқари фондлар, субсидия, субвенция, дотация тарзида тақсимланиб пул ресурслари сифатида жамиятнинг нормал фаолияти учун фойдаланилади. Умумжамят эҳтиёжлари давлат йўли билан қондирилади. Булар жумласига атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, мудофаа, ижтимоий тартибни сақлаш, қатор номоддий соҳаларни пул билан таъминлаш, аҳолининг ночор қатламларини боқиш ва бошқалар ки-ради. Мазкур эҳтиёжларнинг қондирилиши давлатнинг молиявий фаолияти билан боғлиқдир. Зеро, молиядаги иштирокчилар ҳар хил. Лекин унинг умумий асоси бор. Бу маҳсулот қийматининг тақсимланишидир. Маҳсулот ишлатиш учун тақсимланганда пул шаклидаги молиявий фондлар ҳосил бўладики, улар табиатан молиявий ресурслар ҳисобланади.

Молиявий ресурсларни ташкил қилиш ва ишлатиш жараёнида иштирок этувчилар молиявий муносабатларнинг субъектлари ҳисоб-

ланади. Молия иштирокчилари жумласига давлат, унинг идора ва ташкилотлари, турли хўжалик юритиш шаклидаги корхоналар, фирмалар, кооперативлар, бирлашмалар, жамоа уюшмалари, алоҳида аҳоли қатламлари киради. Молиявий муносабатлар субъектлари моддий ёки номоддий соҳада фаолият кўрсатишига қараб, қуйидаги кўринишларда юзага келади:

– давлат билан турли хил корхоналар ўртасидаги муносабатларда;

– корхоналар билан банклар ўртасидаги муносабатларда;

– корхона ичидаги ҳамда унинг бўлимлари ва ишчи ходимлари ўртасида бўладиган хўжалик алоқаларида;

– турли бошқарув даражасидаги давлат ташкилотлари ўртасида;

– давлат билан турли уюшмалар, жамоа ташкилотлари ўртасида;

– давлат билан аҳоли ўртасидаги молиявий муносабатларда.

Шундай қилиб, молиявий муносабатлар ялпи миллий маҳсулотни тақсимлаш, қайта тақсимлаш асосида пул маблағлари фондларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш бўйича иқтисодий муносабатлар тизимидир.

2-§. Молия функциялари

Молиявий муносабатларга хос бўлган белгилар ва хусусиятлар молиянинг функцияси-вазифасида мужассамлашади.

Молиянинг функцияси молия моҳиятининг хўжалик фаолиятидаги аниқ кўриниши, унинг ифодаси эканлигидадир.

Молия, энг аввало, давлат фаолиятининг аккумуляция йўналишига оид моддий асосларини яратишда тақсимлаш, рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоялаш, иқтисодий информация бериш функцияларини бажаради. Буларнинг ҳар қайсига алоҳида-алоҳида тўхтаб ўтамиз.

Тақсимот функцияси. Жамиятда яратилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва унинг асосий қисми бўлмиш миллий даромад (МД) хўжалик субъектлари ўртасида молия воситасида тақсимланади, яъни пул фондларига айлантирилади. Бирламчи тақсимот ишлаб чиқаришнинг ўзида амалга ошади. Бундай тақсимот натижасида бирламчи даромад юзага келади: фойда, иш ҳақи фонди, ижтимоий суғурта учун ажратмалар, амортизация пули кабилар ташкил топади. Уларнинг ҳар бири ўзига тегишли вазифасини бажаради. Масалан, амортизация фонди ишлаб чиқаришни қайта тиклашга ишлатилади, лекин ундан ҳеч қачон иш ҳақи сифатида фойдаланилмайди ёки суғурта учун сарфла-

нилмайди. Ўз навбатида, иш ҳақи фонди амортизация вазифасини бажармайди.

Иккиламчи тақсимот, яъни қайта тақсимлашда бир марта тақсимланган маҳсулот қиймати молия воситаларида, масалан, солиқлар ва ҳар хил тўловлар ёрдамида қайта тақсимланади. Қайта тақсимлашда молиянинг асосий унсури бўлган бюджет асосий роль ўйнади. Даромадни қайта тақсимлаш молиявий алоқаларни қайтадан ишлаб чиқиш натижасида турли корхона, тармоқлар, корхоналар билан давлат, ҳамда аҳоли ўртасида рўй беради.

Рағбатлантириш функцияси. У молиянинг иккинчи функцияси ҳисобланади. Бундан молия воситаси хўжалик субъектларининг иқтисодий фаолиятини тартибга солиш, мувофиқлаштириш йўли билан илмий-техник тараққиётга эришиш ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш мақсадида муайян соҳа субъектларининг фаолиятини рағбатлантириш жараёни тушунилади. Иқтисодий рағбатлантириш воситаси тақсимотдир. Аммо тақсимлаш ва рағбатлантириш функцияси айнан бир хил жараён эмас. Маълумки, тақсимлаш ҳар доим ҳам рағбатлантиришни мўлжалламайди. Масалан, номоддий соҳа ҳамда ижтимоий тадбирлар молия муносабатлари асосида молиялаштирилади, яъни молиядан пул ажратилиб, кишиларни бепул ўқитиш, даволаш, ногиронлар, кўп болали оилаларга нафақа тўлаш кабилар рағбатлантирилмайди. Лекин молияда рағбатлантирувчи жиҳат ҳам мавжуд. Молия тизимида солиқлар, тўловлар, субсидиялар ва субвенциялар асосида рағбатлантириш амалга оширилади. Масалан, солиқдан имтиёз берилиши корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун сарфланадиган инвестицияни кўпайтиради, ишловчиларга кўпроқ мукофот беришни таъминлаб, уларни самарали меҳнат қилишга ундайди. Бож тўловлари камайтирилса, экспорт рағбатлантирилади, импорт эса қисқартирилади. Зарурият туғилганда зарарни қоплаш учун субсидия бериш билан ҳам корхонани молиявий соғломлаштириш имкони яратилади.

Ижтимоий ҳимоя функцияси. Жамиятда аҳолининг шундай қатлами борки, улар объектив сабабларга кўра ҳаёт кечиришда ўзини ўзи тўла таъминлай олмайди (ногиронлар, кўп болали камбағал оилалар, ишсизлар). Давлат бундай аҳоли қатламларининг минимал ҳаёт кечириши учун молиявий жиҳатдан таъминланишни кафолатлайди.

Ёрдамга муҳтож аҳоли қатлами махсус ташкил этилган пул маблағлари (масалан, ишсизлик нафақалари, болалар учун нафақалар,

ногиронлик пенсиялари) ҳисобидан таъминланиб борилади. Бундай маблағ фақат давлат томонидан эмас, балки корхоналар, ташкилотлар (жамоат бирлашмалари) маблағлари ҳисобига ҳам жамғарилади. Жамият аъзоларининг барчасига тегишли бўлган оммавий ижтимоий кафолатлар аҳоли соғлиғини таъминлаш, умумий ўрта таълим, атроф-муҳитни соғломлаштириш кабилар учун сарфлаётган давлат томонидан молиялаштирилади.

Бозор иқтисодиёти тизимига ўтишда нарх кўтарилиши муносабати билан аҳоли кўрган зарар қисми компенсацияланади, яъни аҳолининг пул даромади оширилади. Бунда давлат бюджети дотациялайдиган нархлар ва тарифлар амал қилади. Баъзи товар ва хизматлар аҳолига сотилганда нархи ҳақиқий нархидан анча паст бўладики, орадаги фарқ давлат бюджети ҳисобидан қопланади. Молиянинг ижтимоий ҳимоя функцияси ҳозирда, бозор иқтисодиёти шароитида, аниқ ижтимоий мўлжалга қараб йўналтирилмоқда.

Иқтисодий ахборот бериш функцияси. Иқтисодиётни бошқаришда молиявий хўжалик субъектлари ва жамият иқтисодий фаолиятининг яқунлари хусусида ахборот бериб туриш катта аҳамиятга эга. Чунки мамлакатнинг иқтисодий ҳолати молияда ўзининг миқдорий ифодасини топган бўлади. Ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичлари молия орқали аниқланади. Молиявий фондлар ҳаракатига қараб, ишлаб чиқариш, тақсимот ва истеъмолларнинг бир-бирига нақадар монанд эканлигини билиб олиш мумкин.

Молиявий ахборот тадбиркорлар иш фаолиятининг бориши, шерикларининг аҳволи, рақобатчиларнинг имкониятлари қай аҳволда эканлиги тўғрисида ҳар доим хабардор бўлиб туришни таъминлайди.

Молия функцияларининг намоён бўлиши иқтисодий ўсишнинг шarti ҳисобланади. Молия орқали ҳосил бўлган пул фондлари самарали ишлатилиши лозим, бу моддий ва меҳнат ресурсларини тегишли йўналишда сарфлаш керак демакдир. Такрорий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ўсишини пул маблағ билан таъминлайди. Молия ўз функцияларини аниқ молиявий воситалар, яъни, харажатлар, амортизация, фойда, акция курси, дивиденд, солиқлар, тўловлар, банк ҳақи, суғурта ҳақи, субсидия, дотация, компенсация ва ҳоказолар орқали бажаради. Улар айна вақтда молиявий ресурсларни ташкил қилади. Улар орқали хўжалик фаолиятига таъсир этиш мумкин.

Молиявий ресурслар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун пул манбаи бўлиб хизмат қилади. Амортизация фонди ва фойдадан ажра-

тилган пул маблағлари инвестиция учун хизмат қилади. Уларнинг миқдори орта борган сайин ишлаб чиқариш қуввати ҳам кўпая боради.

Молиявий ресурслар орасида фойда асосий ўринда туради, чунки фойда соф даромад сифатида иқтисодий ўсиш манбаи ҳисобланади. Фойда ҳисобига соф инвестиция фонди ўсади, ҳар хил резерв ва суғурта фондлари ҳамда ижтимоий фондларга ажратмалар кўпаяди.

Молиявий ресурсларни ҳосил қилишда тўпланган миллий бойлик ҳам қатнашади. Масалан, соф олтин, олтин буюмлар, жавоҳирлар, ноёб буюмлар гаровга қўйилиб қарз олинадики, улар иқтисодий ривожланиш учун ишлатилади.

Молиявий ресурслар иқтисодиётда кутилмаган ҳодисалар – табиий офатлар, фалокатлардан ёки дунё бозори нархларининг пасайиб кетишидан ҳимоя қилади.

Молиявий ресурсларнинг икки хил тури мавжуд:

1) микроресурслар ёки марказлашмаган ресурслар. Улар корхона, фирма, компания, концерн, ташкилот, жамоат уюшмалари доирасида бўлиб, хўжалик субъектларининг ўзига тегишли ёки улар қарзга олган пул маблағлари;

2) макроресурслар ёки марказлашган ресурслар. Улар мамлакат миқёсида ташкил топиб, бюджет ёки бюджетдан ташқари фондлар ҳисобига пайдо бўлади ва давлат ихтиёрида туради.

Микроресурслар корхона, ташкилотлар фаолиятига хизмат қилса макроресурслар умумиқтисодий, умумдавлат эҳтиёжларига йўналтирилади. Бозор иқтисодиёти тизимида микроресурслар бир-ламчи бўлиб, улар устуворликка эгадир. Чунки иқтисодий эркинлик шароитида хўжаликнинг дастлабки бўғини – корхона, фирма, компания ва хўжаликлар молияси иқтисодий ўсишнинг таянчи ҳисобланади. Макроресурслар иқтисодиётни тартиблашда асосий роль ўйнайди ва давлатнинг иқтисодий вазифасини амалга оширишга хизмат қилади.

3-§. Давлат бюджети

Бюджет давлатнинг ўз функцияларини амалга ошириши учун сарфланадиган марказлаштирилган пул фондидир. Давлат ўз функцияларини амалга ошириш учун муайян харажатлар қилиши зарур. Бундай харажатлар таркибида инвестиция, ижтимоий вазифалар, давлатни бошқариб туриш, муҳофаа харажатлари асосий ўринда туради. Умумдавлат харажатлари аниқ мақсадларга қаратиб ривожлантириб

борилади ва сўнгра эса сарфланади. Демак, умумдавлат харажатлари бюджет орқали молиялаштирилади. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотни қайта тақсимлаш жараёнида вужудга келтирилади. Мамлакат иқтисодиётининг хусусиятига қараб, бюджет ҳар хил поғонали бўлади. Ўзбекистон Республикасида икки поғонали бюджет тузилиши мавжуд бўлиб, марказий ва маҳаллий бюджетлардан иборатдир. Маҳаллий бюджет айрим олинган туман, шаҳар ва вилоят миқёсидаги даромадлар ва харажатлардан ташкил топади.

Давлат бюджети, ўз навбатида, барча маҳаллий бюджетларни қамраб олади. Давлат бюджети, кўпинча, мамлакатдаги турли оқимларга оид ижтимоий иқтисодий манфаатларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда шаклланади.

Давлат бюджети даромад ва харажат қисмларидан иборат бўлади. Бюджетнинг даромад қисмини шакллантиришда, мулк шаклидан қатъи назар, ҳамма иқтисодий субъектлар иштирок этади. Уларнинг иштироқи солиқлар тўлаш шаклида юз беради. Бюджетнинг харажатлари умумдавлат молия фондини ташкил этган тушумларнинг тақсимланиб, маълум мақсад йўлида ишлатилишидир.

Давлат бюджетининг тузилиши, даромадлари ва харажатлари таркибини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

№	Даромадлар	Харажатлар
1	Корхоналар фирмалар (турли субъектлар) фойдаларидан олинадиган солиқлар	1.Иқтисодиётни молиялаш (инфратузилма объектлари учун капитал маблағлар, дотация, субсидия)
2	Қўшилган қийматдан олинадиган солиқлар	2.Ижтимоий маданий соҳалар (соғлиқни сақлаш, маориф, нафақалар, маҳаллий ҳокимиятларга субсидиялар)
3	Акциз тўловлари	3.Маъмурий-бошқарув харажатлари
4	Божхона тўловлари	4.Мудофаа харажатлари
5	Давлат заёмларидан келадиган даромадлар	5.Илмий ишлар ва илмий техник дастурлари учун харажатлар
6	Пул эмиссияси келтирган даромадлар	6.Давлат қарзи бўйича тўловлар
7	Давлат оладиган дивиденд, фоиз, ижара ҳақлари	7.Ташқи сиёсатни таъминлаш (дипломатия, ташқи мамлакатлар заёмлари) харажатлари
8	Давлат мулкани сотишдан келадиган даромад	8.Мақсадли дастурлар учун харажатлар
9	Солиқсиз даромадлар	9.Кредитлар ва ўзга мамлакатларга

		ёрдам ва ҳ.з.
10	Ташқи иқтисодий фаолиятдан тушадиган даромадлар	
11	Рента тўловлари	
12	Аҳолига солинадиган давлат солиқлари	

Давлат бюджети харажати бўйича келтирилган бандлар умумлаштирилиб, ишлатилишига кўра, тўрт хил тоифага бўлиш мумкин: а) ишлаб чиқаришни ривожлантириш, яъни инвестиция учун сарфлар; б) ижтимоий-маданий сарфлар, яъни давлатга қарашли маданий хизмат соҳалари, соғлиқни сақлаш, маориф, ижтимоий таъминлаш учун сарфлар; в) давлатни бошқариш харажатлари; г) мамлакат мудофааси учун харажатлар.

Давлат бюджети ҳисобидан молиявий имтиёзлар ҳам ташкил топади. Кам рентабелли, режали-зарар кўрувчи корхоналарни, молиявий соғломлаштириш учун маълум муддатга ёрдам берилади. Давлат буюртмаларини биринчи навбатда бажарганлиги ва жамиятнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, корхоналарнинг илмий-техник тараққиётини рағбатлантириш учун ҳам ёрдам ажратилади. Давлат бюджети сарфи унинг харажатини қоплаши шарт. Борди-ю, даромадлар харажатлардан кўпайиб кетса, давлат бундай қолдиқни кўзда тутилмаган шароитлар учун сарфлаши, тўловларини муддатидан олдин тўлаши, келгуси йил бюджети даромади тарзида қолдириши мумкин. Бу хил бюджет нормал бюджет ҳисобланади. Бюджет харажатларининг даромадлардан кўп бўлиши натижасида бюджет тақчиллиги юзага келади. Аммо ҳар қандай тақчиллик хатарли бўлавермайди. Тақчиллик ҳажми яратилган ялпи ички маҳсулотнинг 2-3 фоизини ташкил этса, бу иқтисодиёт учун нормал ҳол ҳисобланади. Бюджет тақчиллиги бу кўрсаткичдан юқори бўлса, пул-кредит ва иқтисодиёт фаолиятида салбий оқибатлар юзага келиб чиқиши мумкин. Бюджет тақчиллигини келтириб чиқарувчи сабаблар натижасида даромадлар пасаяди, акциз солиғи қисқаради, айрим харажатлар кўпаяди ва ҳ.к.

Даромад ва харажатни мувофиқлаштириш орқали бюджет тақчиллиги бартараф этилади.

Молиялаштиришда кредитлашга ўтиш, рентабеллиги паст корхоналар учун дотацияларни аста-секин қисқартириб бориш, давлатнинг бошқарув харажатларини камайтириш, солиқ ундириш тизимини ўзгартириш, маҳаллий бюджетлар ролини ошириш каби тадбир-

лар бюджет тақчиллигини қисқартириш тадбирлари жумласига киради. Иқтисодий соғломлаштириш, циклик хусусиятларини қисқартириб, ўсиш суръатларининг юқори даражада бўлишини таъминлаш бюджет тақчиллигини тугатишнинг бирдан-бир йўлидир. Бюджетдан ташқари молия фондлари ҳам макромолия таркибига киради. Молия тизимида ижтимоий суғурта, бюджетдан ташқари молиявий фондлар (пенсия фонди, аҳолини иш билан таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш, тарихий ёдгорликларни сақлаш, тадбиркорларга кўмак бериш фондлари ва бошқалар)нинг аҳамияти ортиб бормоқда. Улар маълум мақсадлар учун ишлатилади.

4-§. Суғурта ва унинг пул маблағлари ҳаракатидаги роли

Суғурта жамиятда моддий неъматлар ишлаб чиқаришнинг зарурий қисмидир. У ишлаб чиқаришда кўрилган моддий зарарни қоплаш билан боғлиқ. Маълумки, инсон ҳаётида ва фаолиятида кўзда тутилмаган табиий офатлар, бахтсиз ҳодисалар ва бошқа кутилмаган воқеалар юз бериб туради. Айрим ҳолатларда ишлаб чиқариш жараёни балансининг бузилиши ҳам рўй беради. Тадбиркор фаолияти таваккалчиликка асосланган, шу сабабли у, албатта, ўз тасарруфидаги моддий бойлиги учун қайғуради. Ишлаб чиқаришнинг тўхтовсиз амал қилиб туриши учун суғурталанади. Ижтимоий ишлаб чиқариш таркибига моддий маблағ, иш кучи киради. Шу сабабли суғурта ижтимоий мулк, аҳолининг мулки ва даромади, шахсий ҳаёти каби суғурталарга бўлинади.

Ижтимоий суғурта ишлаб чиқаришнинг бузилиш (номаъқул) ҳолати, инсон ва табиат (инсонларнинг табиатга келтирган зарарлари), кишиларни огоҳлантириш, салбий воқеаларни бошдан кечириш пайтларида кўрилган зарарни қоплаш имкониятларини яратади. Албатта, бу муносабатлар инсоннинг ижтимоий фаолиятда эришган даражасини ифодалайди. Ҳозирги даврда фан-техника тараққиёти, ижтимоий ишлаб чиқариш инсон фаолиятининг ҳамма соҳаларини ва йўналишларини ўз ичига олади. Булар бир томондан, табиат кучларини бошқаришга ёрдам берса, бошқа томондан, техника салбий ҳолатлар, бир қатор янги муаммолар, қийинчиликлар, зиддиятларни келтириб чиқаради.

Қишлоқ хўжалиги, сув ва ҳаво орқали юк ташиш, кимё саноати, энергетика каби соҳаларда шундай ҳолатларга кўпроқ дуч келинади. Зеро, ўз капиталини шу соҳага сарфловчи тадбиркорлар таваккалчи-

лик билан иш кўради. Айниқса, саноат объектларининг зич, бири-бирига яқин жойлаштирилганлиги сабабли хавф-хатар кўпроқ кутилади. Бир объектда юз берган ҳодиса, бошқа объектда ҳам юз бериши мумкин.

Шундай қилиб, суғурталаш жисмоний ва юридик шахсларнинг муайян ҳодисалар (суғурта ҳолатлари) юз берган пайтдаги мулкӣ манфаатларни улар тўлаган суғурта бадалларидан шакллантирилган пул жамғармалари ҳисобидан муҳофазалаш борасидаги муносабатларни ифодалайди. Суғурталаш – иқтисодий муносабат бўлиб, унда энг камида икки томон иштирок этади. Бир томон (субъект) – суғурта ташкилоти (давлат ҳиссадорлик жамоасига қарашли ёки хусусий) бўлиб, уни суғурта қилувчи деб аташади. Суғурта қилувчи суғурталаш шартларини ишлаб чиқади (жумладан, суғурта ҳолати юз берган тарзда суғурта қилдирувчига зарарни тўлаш мажбуриятини олади) ва бу шартларни миждозлар – ҳуқуқӣ шахслар (корхоналар, ташкилотлар, муассасалар) ва жисмоний шахслар (алоҳида фуқаролар)га таклиф қилади. Маъқул тушса шартнома имзоланади.

Суғурта иқтисодий муносабатларининг иккинчи томони (субъектив) ёки суғурта қилдирувчи-юридик ёхуд жисмоний шахс ҳисобланиб, тўла фуқаролик лаёқатига эга бўлади, ўз шахсий манфаатини ёки учинчи томоннинг манфаатини суғурталайди. Унинг учун тўловлар, бадалларни тўлайди, қонун ёки суғурта шартномаси бўйича суғурта ҳолати (табий офат, киши йқиқиб майиб бўлганида ва бошқалар) юз берганда суғурта қилдирувчига зиён (иқтисодий ёки унинг саломатлигига) етказилган пайтда суғурта қайтими (товон)ни олиш ҳуқуқига эга бўлади. Шундай қилиб, суғурта қилувчи ва суғурта қилдирувчи суғуртали иқтисодий муносабатларни махсус шартнома билан бириктирадилар. Жаҳон амалиётида “*полис*” деган ном олди.

Полис суғурта шартномасининг тузилишини тасдиқлаб, суғурта қилувчининг суғурта қилдирувчига суғурта ҳолати юз берган тақдирда шартномада белгиланган пул қиймати (суғурта товони ёки қайтариш)ни тўлаш мажбуриятини ифодайдиган ҳужжатдир. Унда суғурта қилдирувчининг ўз номи ёки тақдим этувчининг номи қайд этилган бўлади. Суғурта компаниялари фуқаролар, уй ҳайвонлари, мол-мулк, транспорт хавф-хатари, тижорат операциялари, қарзнинг қайтарилмаслик хавфини суғурталаш ва хизмат кўрсатишнинг бошқа турларини амалга оширади.

Кейинги йилларда давлат ва тижорат тизилмалари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш давлат дастури доирасида ривожланишнинг ўз лойихаларини рўёбга чиқариш учун хусусий корхона ва фирмаларга анчагина миқдорда қарзлар бериляпти. Давлат суғурта идоралари ҳам, тижорат суғурта идоралари ҳам бу таркиблар учун кафиллик бераяпти.

Ҳозирги пайтда тижорат банклари томонидан объектни эмас, субъектни қарзга маблағ билан таъминлаш тажрибаси кенг қўлланилаётгани муносабати билан кредит хавф-хатари ортди.

Қарз олувчининг молиявий аҳволи ёмонлашганда, фаолиятида кутилмаган мураккабликлар юзага келганда, бозорда юзага келган номаъқул вазиятларда кредит хавф-хатари юзага келади. Чиқарилаётган маҳсулотга талабнинг пасайиши, харидорларнинг тўловга қодир эмасликлари, иқтисодий танглик, корхона раҳбарларининг укувсизлиги, баъзан эса виждонсизлиги ҳам шундай хавф-хатарларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Ҳар бир мамлакатнинг суғурта ишларини олиб борувчи ўз суғурта компаниялари мавжуд. Кўпчилик мамлакатларда ўзаро суғурта ташкилотлари ҳам иш юритмоқда. Бу ташкилотларга фермерлар бирикиши мумкин. Ҳозирги даврда экология муаммоларининг юзага келиши ҳолати муҳим масалалар жумласидан бўлиб қолганлиги туфайли кўпчилик мамлакатларда ўзаро суғурта клублари ташкил этилган. Англия, Швеция, Норвегия, Япония, АҚШ да бундай клублар мавжуд бўлиб, улар биргалашиб юзага келган экологик муаммоларнинг ечимини ҳал этишмоқда.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти тизимига ўтишда бир неча суғурта компаниялар вужудга келди. Уларнинг энг йириги «Ўзбекинвест» суғурта компаниясидир. Ундан ташқарии, «Мадад» давлат суғурта агентлиги ҳам иш олиб бормоқда.

«Мадад» суғурта агентлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесларнинг суғурта ҳимоячиси сифатида тузилган. Агентлик бўлимлари республиканинг ҳамма ҳудудларида жойлашган бўлиб, юзага келган масалаларни дарҳол ҳал қилиб келмоқдалар. «Мадад» давлат суғурта агентлиги бизнес-фонд билан якка алоқада ишлайди. Кредитларнинг бизнес-фонд томонидан ажратилиши «Ўзтадбиркорбанк» орқали амалга оширилади.

«Ўзбекинвест» миллий суғурта компанияси маҳаллий ва хорижий сармоядорларни сиёсий, тижорий ва умумий хавф-хатарлардан ишончли ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг расмий давлат суғурта агенти ваколатини олган. Компания фаолиятининг асосий мақсади Ўзбекистон экспортчиларининг чет мамлакатлардаги суғурта манфаатларини мустаҳкам ҳимоя қилишдан иборатдир. Экспорт ўсишини рағбатлантириш, ўзбекистонлик экспорт қилувчиларни суғурталаш, ҳимоя қилишни таъминлаш, республикада ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг технология, товар ва хизматлар халқаро бозорига киришини таъминлаш мақсадида 1997 йилнинг 18 февralида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан «Ўзбекинвест» миллий суғурта агентлиги «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясига айлантирилди.

5-§. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти, зарурлиги ва функциялари

Солиқ иқтисодий тушунча бўлиб, мажбурий тўловни ифода этувчи пул муносабатидир.

Корхона ва ташкилотлар аҳолига хизмат кўрсатганда, турли ишлар бажарганда ёки бозорда олди-сотди қилганда пул тўловларини бажаради. Лекин бу тўловлар солиқ бўла олмайди. Солиқ муносабатининг намоён бўлиши учун давлат томонидан мамлакатда яратилган ички миллий маҳсулотларнинг қийматини тақсимлаш йўли билан мажбуран давлат бюджетига маблағ тўплаш жараёнида амалга оширилади. Солиқ молиявий муносабатларнинг таркибий қисмини ташкил этади. У давлат ва маҳаллий ҳокимият томонидан юридик ҳамда жисмоний шахслар даромадларининг бир қисмини мажбурий равишда бюджетга жалб этилиш шаклидир.

Солиқ миллий ички маҳсулотни, иқтисодий-ижтимоий тараққиётни таъминлаш мақсадида тақсимлаш ва қайта тақсимлашни таъминловчи муҳим воситадир. Солиқ давлат бюджетига келиб тушадиган мажбурий характерга эга бўлган пул тўлови муносабатидир. Солиқ иқтисодий категория бўлганлиги учун бозор иқтисодиёти муносабатлари тизими билан чамбарчас боғлиқдир. Бозор иқтисодиёти эркин иқтисодиётдир, яъни ҳар бир юридик ёки жисмоний шахс эркин баҳо белгилаш, маҳсулот етказиб берувчини топиш ва ўзи маҳсулотини сотиш ҳуқуқига эга. Шунинг учун давлат уларнинг бир қисм даромадларини тақсимлаб, бюджетга оддий ажратма сифатида

ола олмайди. Бундай даромадларни солиқ сифатида олиш учун Олий мажлиснинг қарори зарур, яъни қонун билан олинган тўлов бюджетга ўтади. Солиқ мустақил хўжалик юритувчи субъект даромадининг бир қисмини қонун асосида белгиланган шаклда ва миқдорда давлатга олишдир. Солиқлар, асосан, давлатнинг фирмалар, концернлар, ташкилотлар ҳамда аҳолидан ундириладиган пул маблағларидир. А.Смит солиқлар тўловчилар учун қуллик белгиси бўлмай, балки озодлик белгисидир, деб таърифлаган эди. Солиқ ҳақиқатда демократик тарздаги тўлов бўлиб, бозор муносабатларига ҳуқуқий асосда жорий этилади.

Солиққа тортиш сиёсатининг тўрт тамойилини Амир Темур ўзининг «Тузуқлари»да ишлаб чиққан. Жумладан, асарда ҳосил йиғиб олингандан сўнг солиқ солиниши зарурлиги, бундан суғориладиган ерлардан хазинага ҳосилнинг учдан бир, суғорилмайдиган майдонлардан эса тўртдан бир қисмини ундириш кераклиги таъкидланади. Шунингдек, соҳибқирон даромадларни ҳаддан ортиқ солиқлар билан камраб олмаслик хусусида ҳам қимматли фикрлар билдирган.

Солиқлар фақат солиқ тўловчиларнинг даромадларидан ундирилиши керак. Солиқ тизими бюджетга ундириладиган солиқлар мажмуидир. Унда солиқларни йиғиб олиш йўллари ва услублари мужассамлашган. Солиқлар тизими маълум бир тамойиллар асосида ташкил топади. Шулардан муҳимлари: умумийлик, яъни ҳуқуқий, мулкӣ шаклларидан қатъи назар барча иқтисодий субъектлар солиққа тортилади.

Муқимликда барча солиқ турлари ва уларнинг ҳажмлари қатъий белгиланган бўлади. Мажбурийликда солиққа тортилган барча субъектлар белгиланган солиқни ўз вақтида тўлашлари талаб қилинади. Солиқ тўловининг иқтисодий мустақиллиги кўзда тутилгани туфайли солиқни тўлашдан бошқа иложи йўқлиги эътиборга олинган ҳолда, иқтисодий чоралар асосида уни тўлашга мажбур этилади. Тенг таъсир этиш (ёки барчага баробар таъсир этиш) дейилганда, солиққа тортилувчиларнинг барчасидан даромад ва фойдаларининг салмоғига яраша солиқ даражалари белгиланиб ундирилиши тушунилади. У.Петти, ўзининг «Солиқлар ва йиғимлар тўғрисида трактат» асарида бу тамойилни ифодалаб, шундай деб ёзади: «Солиқлар қанчалик улкан (кўп) бўлмасин, агар у барчага пропорционал тарзда бўлса, бунда ҳеч ким бойлигини йўқотмайди»⁴⁴.

⁴⁴ Петти У. Иқтисодиёт классиклари анталогияси. –М., 1993, 23-бет.

Солиқлар, асосан, давлат (маҳаллий ташкилотлар)нинг фирмалар, концернлар, ташкилотлар ҳамда аҳолидан ундирадиган пул маблағларидир.

Солиқнинг ўзига хос белгилари қуйидагилардан иборат:

- солиқ ва йиғимлар мажбурий бўлиб, бунда давлат солиқ тўловчининг бир қисм даромадини мажбурий бадал сифатида бюджетга олиб қўяди; мажбурийлик чораси ҳукуқий жиҳатдан давлат томонидан кафолатланади;

- солиқлар хазинага-давлат бюджетига тушади; борди-ю, тўлов «Умид», «Экосан» каби жамғармаларга тушса, унда солиқ муносабати рўй бермайди;

- солиқлар қатъий белгиланган ва доимий характерда бўлади;

- давлатга тўланган солиқ суммаси тўловчининг ўзига тўлиқ қайтмайди, яъни у эквалентсиз пул тўлови ҳисобланади.

Солиқ иқтисодий категория бўлганлиги сабабли тўловчилар ва бюджет ўртасида даромадлар тақсимланаётганда томонларнинг манфаати, албатта, эътиборга олиниши зарур. Давлат солиқ тўловчиларнинг даромадини истаганича ола олмайди, чунки солиқларни бюджетга олишнинг маълум чегараси мавжуд. Зеро, ижтимоий адолат ҳукмрон бўлган вақтда, солиққа тортиш ва солиқ даражаларини белгилаш, имтиёзлар беришда барча солиққа тортилувчиларга тенг шароитлар яратилиш, айниқса, кам даромадли субъектларга, аҳолига нисбатан алоҳида эътибор берилиши лозим. Солиқ тўлов тизими ва уни амалга ошириш тартиб-қоидалари содда, тушунарли ва солиқ тўловчилар учун қулай ҳамда солиқ йиғувчилар учун тежамли бўлиши керак.

Солиқ тизими ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш омили экан, давлат ўз иқтисодий сиёсатини самарали амалга ошириш воситаси сифатида макроиқтисодиётни ривожлантириш, бозор инфратузилмасини яратиш, уни янада такомиллаштириш ва бошқа умумдавлат мақсадлари учун етарли молиявий ресурсларни тўплаш ҳамда ундан фойдаланишни кўзда тутаяди.

6-§. Солиқларнинг вазифалари, шакллари, кўринишлари ва гуруҳлари

Солиқ тизими дейилганда, муайян мамлакатнинг давлат ташкилотлари томонидан ундириладиган солиқлар ва уларни ундириш

йўллари ҳамда усулларининг мажмуи англашилади. Солиқ тизимида бир қатор вазифалар амалга оширилади. Солиқ тўловчилар билан давлат ўртасидаги даромадаларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, ижтимоий ва иқтисодий соҳадаги фаолиятни рағбатлантириш ёки чеклаб қўйиш, аҳолининг муайян қатламларига ижтимоий имтиёзлар бериш кабилар шулар жумласидандир.

Солиқ тизими солиқ турлари, имтиёзлари, нормаси (ставкаси), ундириладиган даромадларни аниқлаш каби ишлар ва иқтисодий муносабатларни ўз ичига олади. Бундай тизими муайян мамлакат иқтисодиёти хусусияти, тараққиёти даражасига мувофиқ шаклланади.

Солиқ элементлари солиқ субъекти, объекти, манбаи, ставкаси, бирлиги, юкки каби тушунчаларни камраб олади. Солиқ тизимида солиқ субъектлари ва солиқ объектлари муҳимдир. Солиқ субъекти солиқ тўловчилар, яъни солиқ ундириладиган шахс, фирма, корхоналар ва солиқ ундирувчилардан иборат. Солиқлар қандай субъектлардан ундирилишига қараб, қуйидаги турларга бўлинади:

- юридик шахслардан ундириладиган солиқлар;
- жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар;
- юридик ва жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар.

Кўп укладли иқтисодиётда солиқ объектлари ҳам кўпаяди ва уларнинг ижтимоий маққелари ўзгара бориб, турлича кўринишга эга бўлади. Солиқ объекти солиқ ундириладиган даромад ёки мол-мулкдир. Унга фойда, капитал, ер, иш ҳақи, қўшимча қиймат, иморат, транспорт воситаси, айрим товарлар, гонорар ҳамда қимматли қоғоз кабилар киради.

Уларни уч гуруҳга ажратиш мумкин:

- даромад (аҳоли, корхоналар, фирмалар);
- мулк (ҳаракатдаги мулк, капитал сифатида даромад келтирувчилар) ва ҳаракатда бўлмаган мулк;
- мулкни меросга қолдириш, қимматбаҳо қоғозлар савдосидан олинадиган ҳамда божхона тўловлари кабилар.

Солиқ манбаи субъектларнинг даромадидир, мулк эса фаолият натижасидир. Айнан шу солиққа тортиш манбаининг у ёки бу солиқ тури учун тўланадиган қисми солиқ нормаси (ставкаси) дейилади.

Солиққа тортиш бирлиги объектнинг ўлчов бирлиги демакдир. Бундай birlik даромад солиғи сўм, ер солиғи кв.метр, транспорт солиғида (фуқаролар учун) моторнинг қуввати-от кучи билан белгиланади.

Ўзбекистон солиқ қонунчилигида солиқ ставкаси турлари бўйича солиқларнинг пропорционал, прогрессив ва нолли ставкаларига амал қилинмоқда. Регрессив ставка ҳам 1995 йилдан кучга кирган, бироқ ўша йилиёқ барҳам топган эди.

Прогрессив солиқ усули даромаднинг ўсиб бориши билан ўртача солиқ ставкасининг кўпайишидан иборат. Қонунчилигимизда бундай усул фақат фуқароларнинг даромад солиғига нисбатан қўлланилади. Регрессив солиқ усулида солиқ ставкаси миқдорлари камайиб бориши билан солиқ ставкаси ҳам камайиб, даромаднинг ўсишига нисбатан камайиб боради. Оқибатда айрим табақа солиқ тўловчиларга имтиёзлар бериш имкони яратилади.

Пропорционал солиқ усулида, даромад миқдоридан қатъи назар, ўртача солиқ ставкаси ўзгармайди.

Амалиётда уччала солиқ ундириш кўринишлари мавжуд. Давлат улар асосида ўз ижтимоий вазифаларини бажара боради.

Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг 5-8-моддаларига биноан солиқ тизими қуйидаги таркибга эга:

Ўзбекистон солиқ тизими

Умумдавлат солиқлари	Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар
1.Юридик шахсларнинг даромадлари (фойдаси)га солиқ	1.Мол-мулк солиғи
2.Жисмоний шахсларнинг даромадларига солиқ	2.Ер солиғи
3.Кўшилган қиймат солиғи	3.Реклама солиғи
4.Акциз солиғи	4.Автотранспорт воситаларини қайта сотиш солиғи
5.Ер остидан фойдаланиш солиғи	5.Кичик бизнес учун ягона солиқ
6.Экология солиғи	6.Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи
7.Сув ресурсларидан фойдаланиш солиғи	7.Савдо ҳуқуқи йиғими; жумладан, алоҳида товарлар турларини сотиш, лицензия йиғими
8.Савдо ташкилотларининг ялпи даромад солиғи	8.Ишбилармонлик билан шуғулланувчи юридик ҳамда жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш йиғими
9.Божхона солиғи	9.Автотранспортнинг вақтинчалик турар жойи йиғими ва солиғи
10.Давлат божи	10.Ободонлаштириш ишлари йиғими
11.Қимматли қоғозларни рўйхатдан ўтказиш йиғими	
12.Бошқа даромадлар	

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодексида саккизта умумдавлат (республика) ва бешта маҳаллий солиқлар кўрсатилган. Лекин кейинги солиқ тизимига киритилган ўзгартишлар билан уларнинг сони (йиғимлари ҳам қўшилиб) 22 тага етди. Ҳозирги кунда эса улар-

нинг сони 30 тадан ошиб кетди. Солиқлар ва йиғимлар бир-бири билан боғлиқ бўлиб, улар юридик ёки жисмоний шахсларнинг пул даромадларидан олинади.

Солиқлар объекти ва иқтисодий моҳияти бўйича муайян гуруҳларга бўлинади. Уларни солиққа тортиш объектига қараб уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- оборотдан олинadиган солиқлар;
- даромаддан олинadиган солиқлар;
- мол-мулк қийматларидан олинadиган солиқлар.

Оборот солиғи. Оборотдан олинadиган солиқларга қўшилган қиймат, акциз, божхона солиқлари ва ер ости бойликлари қийматидан олинadиган солиқлар киради.

Даромад солиғи. Юридик, жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган, савдо ташкилотларининг ялпи даромадидан ва рекламадан олинadиган солиқлар даромаддан олинadиган солиқлар жумласига киради. Бу гуруҳ солиқларга ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳам қўшилади.

Мол-мулк солиғи. Бундай солиқлар жумласига мол-мулк, ер, ер ости бойликларидан фойдаланганлик, экология, автомобилларни қайта сотиш солиғи кабилар киради.

Солиқлар иқтисодий моҳиятига қараб, тўғри ва эгри солиқларга бўлинади. Тўғри солиқлар даромад олувчи шахс (мулк эгаси)нинг даромади (фойдаси)дан олинади. Солиқларнинг бундай турида ҳуқуқий ва ҳақиқий солиқ тўловчи битта шахс бўлади. Солиқ аввалдан белгиланган бўлади. Тўғридан-тўғри даромаддан солиқ тўлаганлиги учун солиқлар ставкасининг камайтирилиши муносабати билан корхоналар даромадининг кўп қисми уларга қолдирилиб, инвестиция фаолиятини кенгайтириш, бозор иқтисодиётини ривожлантириш имкони туғилади.

Эгри солиқ. Бундай солиқ товарлар реализацияси маҳалида хизматлар амалга оширилганда товарлар баҳосига устама тариқасида қўшиб ундирилади. Эгри солиқлар корхона ва ташкилотлар фаолиятининг молиявий яқунларига боғлиқ бўлмайди.

Эгри солиқлар таркибига қўшилган қиймат, акциз, ер ости бойликларидан фойдаланиш солиқлари, божхона тўловлари киради.

Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС). Қўшилган қийматга солиқ янги солиқ тизимининг муҳим элементиدير. Бу солиқ эгри солиқларнинг бир тури бўлиб, даромадга эмас, балки сарф қилинган харажатларга

мувофиқ белгиланади. Тадбиркор товар ёки хизмат учун кўп сарф-харажат қилса, шунга мувофиқ, қўшилган қиймат солиғи тўлайди.

Қўшилган қиймат солиғи амалиётда бутун қиймат (оборот)дан олинади. Демак, солиққа тортишда шундай ҳоллар учрайдики, ҚҚС тўғридан-тўғри корхонанинг таннархи (фойдаси)га таъсир қилади. Қўшилган қиймат солиғи бозор иқтисодиётининг барча хусусиятларидан келиб чиқиб, деярли барча товарлар ва хизматларни қамраб олади. ҚҚСни товар сотувчилар тўлайди. Қўшилган қиймат солиғи даромад солиғидан афзал бўлиб, уни ундириш ҳамда ундирилишини назорат қилиш анча осондир. Ҳар бир ишлаб чиқариш соҳасида ёки хизмат жойларида реализация вазиятида маҳсулот ортган қийматининг бир қисми давлат бюджетининг соф даромадидаги бир улуши сифатида ундирилади. Бу қисм муқим тарзда белгиланган бўлиб, маҳсулот нархига киритилгандир.

Таъкидлаш жоизки, тўғри ва эгри солиқлар бир-биридан фарқ қилади. Тўғри солиқларни тўловчи ҳам ҳақиқий, ҳам ҳуқуқий, битта шахс, тадбиркор ҳисобланади. Эгри солиқларнинг ҳуқуқий тўловчиси фақат товар ишлаб чиқариб сотаётган тадбиркор бўлиб қолмай, балки шу товарлар ва хизматларни истеъмол қилувчи субъектлар, асосан, аҳолидир.

Солиқлар бюджетга ўтказилиши нуқтаи назаридан давлат солиқлари ва маҳаллий солиқларга ажратилади. Давлат солиқлари республика бюджетига тушадиган солиқлардир. Буларга қўшилган қиймат, акциз, фойда (даромад), фуқароларнинг даромади каби солиқлар, божхона тўловлари, эмиссия лойиҳасини рўйхатдан ўтказиш йиғими сингарилар киради.

Маҳаллий солиқлар эса тўғридан-тўғри маҳаллий бюджетларга тушади. Бунда бошқа бюджетларга ажратмалар берилмайди. Маҳаллий солиқлар қуйидагиларни ўз ичига олади: ер, мол-мулк, қонунлардан фойдаланиш, реклама, автомобил воситалари, ҳисоблаш машиналари, мойлаш ишлари, техникани қайта сотиш солиқлари. Маҳаллий солиқлар маҳаллий ҳукуматларнинг бажарадиган вазифаларига қараб белгиланиб, уларга доимий ва тўлиқ биркитиб қўйилади. Маҳаллий ҳукуматлар ижтимоий – мактаб, соғлиқни сақлаш, маданият, маориф, шаҳарлар ва қишлоқлар ободончилиги каби вазифаларни бажаради.

Асосий таянч тушунчалар

Молия – пул фондларининг шаклланиши, тақсимланиши ва фойдаланишини тартибга солиш билан вужудга келадиган муносабатдир;

Молия тизими – турли даражадаги молиявий муассасалар бўлиб, молиявий муносабатларга хизмат қилади;

Давлат бюджети – давлат томонидан ўз функцияларини амалга ошириш учун сарфланадиган марказлаштирилган пул фондидир;

Бюджет тақчиллиги – бюджет даромадлари билан харажатларининг номувофиқлиги бўлиб, харажатларнинг даромадлардан ортиқча бўлган фарқ;

Давлат қарзлари – бюджет тақчиллигини қоплаш мақсадида давлат томонидан жалб қилинган молиявий ресурслар;

Бюджет баланси – харажатлар ва даромадларнинг тенг бўлишидир;

Солиқлар – жамиятда яратилган соф даромаднинг маълум бир қисмини бюджетга олиш услуги;

Солиқ ставкаси – солиқ суммасининг солиқ олинадиган суммасига нисбатининг фоиздаги ифодаси;

Лиффер эгри чизиғи – давлат бюджети даромадлари ва солиқ ставкаси ўртасидаги боғлиқликнинг ифодаланиши;

Пул муомаласи – нақд пул бўлиб, товарлар айланиши ва нотоварлар ҳаракати учун тўлов ва ҳисобларга хизмат қилади. Айнан бир процесснинг доимо бир хилда такрорланишиди;

Пул тизими – товар муомаласининг ривожланиши натижаси бўлиб давлатлар томонидан қонунчилик асосида мамлакатда пул муомаласининг ташкил қилиш шакли;

Инфляция – пул бирлигининг қадрсизланиш жараёни;

Кредит – банкда бўш турган пулларни қарзга бериш;

Банк – италянча «саррофлик дўкони», ҳозирги даврдаги банк тушунчаси – пул ва пул капиталини сафарбарлаш, жамғариш, ҳаракатлантириш ва тақсимлашни амалга оширадиган корхонадир;

Банк операциялари – банк икки хил сушт ва фаол операцияларни амалга оширади. Сушт операцияларда пул ресурсларини жамланади, фаол операциялар ёрдамида жойлаштирилади ва тақсимланади;

Банк фойдаси (маржа) – олинган ва тўланган фоиз суммаси ўртасидаги фарқ;

Банк фойда нормаси – банк соф фойдасининг тасарруфида бўлган капиталга нисбати ва юзга кўпайтирилган фойздаги ифодаси.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Молиянинг иқтисодий мазмуни ва иқтисодий вазифалари нимадан иборат?

2. Жамият ва давлат молия тизимлари асосий бўғинлари қандай?

3. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағларининг шаклланиш ва тақсимланиш хусусиятлари ҳақида мулоҳаза қилинг.

4. Давлат бюджети миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлашда қандай роль ўйнайди? Қандай усуллардан фойдаланади?

5. Бюджет тақчиллиги нима?

6. Солиқнинг энг кўп тарқалган турларини аниқланг.

7. Маҳаллий бюджет даромад ва харажатларининг асосий моддаларини санаб чиқинг.

8. Пул муомаласининг мазмунини ва муомала учун зарур бўлган пул миқдорини аниқлашни тушунтиринг.

9. Инфляциянинг мазмуни ва турларини тушунтиринг.

10. Кредитни нима зарур қилиб қўяди? Кредит тушунчасининг мазмунини баён қилинг.

11. Кредитнинг асосий турларини санаб кўрсатинг ва уларнинг асосий вазифаси нима?

12. Марказий банкнинг вазифаси қандай?

13. Тижорат банк билан инвестиция банкни таққосланг.

14. Чек ва векселлар қандай вазифани бажаради?

15. Банкнинг пассив операцияси нимадан иборат?

16. Банкнинг актив операциясининг асосий турларини санаб беринг.

XVI БОБ. ПУЛ МУОМАЛАСИ. КРЕДИТ. БАНКЛАР

1-§. Пул муомаласи ва унинг амал қилиш қонуниятлари.

Пулга талаб ва таклиф. Инфляция

Пул товарларнинг умумий эквиваленти бўлиб, барча товарлар унинг олдида нисбий қийматга эгадир. Товарларнинг қийматлари пулда ифодаланиб, ўз баҳоларига эга бўлади. Пул муносабати, бошқа томондан, истеъмол қиймати сифатида намоён бўлади. Киши уни истаган шароитда, хоҳлаган вақтда керакли товарни истеъмол қийматига айлантира олади. Пул жамиятда умумий эҳтиёж воситаси бўлганлиги учун умумий истеъмол қийматини ифодалайди. Маълумки, бозор иқтисодиёти пул асосида амал қилади. Пул бор экан, бозор ҳам бор. Пул бўлмаса, бозорнинг ҳам бўлмаслиги аниқ. Бозор иқтисодиёти муносабатлари тизимида товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришдан тортиб, истеъмолчига етиб боргунига қадар ҳаракатда бўладики, у пул воситасида амалга ошади.

Пулга бозордан ишлаб чиқариш ресурслари сотиб олинади, товарлар яратилади, ишлаб чиқилган товарлар унинг ёрдамида айирбошланиб, истеъмолчининг ихтиёрига ўтади. Пул (олтин) ҳақиқатдан алоҳида, ўзига хос истеъмол қийматига эгадирки, шунинг учун у алоҳида махсус идеалнинг умумий қиймати сифатида хизматда бўлади. Пул ижтимоий муносабатларнинг моддий элтувчисигина бўлиб қолмай, балки унинг ўзи ҳам муносабатдир, иқтисодий категориядир. Пул айирбошлаш жараёнида бошқа товарларга таъсир этадиган ўзига хос хусусиятга эга эканлигидан далолат беради.

Товарларнинг пул шакли ва умумий истеъмол қиймати – иккаласи бир муносабатнинг бир пайтнинг ўзида юз бериши демакдир. Бунинг сабаби пулнинг ўзи товар, товарларнинг товари, истеъмолчилар хоҳлаган пайтда хоҳлаган товарга айлантира оладиган товар эканлигидадир. Бозор иқтисодиёти учун керакли ишлаб чиқариш узлуксиз доимий такрорланиб турадиган жараён бўлганлиги сабабли пул ўта муҳим иқтисодий воситага айланади. У такрорий ишлаб чиқаришга, иқтисодиётнинг бир маромда ўсишига хизмат қилади. Пул бозор орқали ресурсга, ресурслар эса ишлаб чиқариш жараёнида товарга, товар реализация қилингандан кейин пулга айланади. Зеро, шу нарса маълумки, меҳнат тақсимооти меҳнат маҳсулотини товарга айлантиради. Шунинг учун товарнинг пулга айланиши зарур қилиб қўйилади. Бунда ягона бир жараён юзага келадикки, бу сотиб олишдир.

Шундай қилиб, пул бир товарнинг сотиб олиншига сабаб бўлади. Бундай ҳаракатнинг қайтарилиб туриши иқтисодий жараён юз берганлигини билдиради. Пул жамиятда ижтимоий такрор ишлаб чиқаришга хизмат қилиб, доимий равишда оборотда бўлади.

Иқтисодиёт назарияси фанида пулнинг иқтисодиётдаги аҳамияти талқин этилиб, унинг бешта функцияси (вазифаси) фарқланиши кўрсатилган. Қиймат ўлчови, муомала воситаси, жамғариш воситаси, тўлов воситаси ва жаҳон пуллари шулар жумласидандир. Ҳозирги даврнинг иқтисодиётга доир назарияларида уларнинг учта тури тан олиниб ўрганилмоқда. Пулнинг моҳияти унинг функцияларида янада яққол намоён бўлади. Қуйида шулар ҳақида сўз юритилади.

Пулнинг қиймат ўлчови. Пулқиймат ўлчови сифатида умумий эквивалент бўлиб, ўзида киши меҳнاتини мужассамлаштиради. Шу сабабли, у товарлар қийматини ўлчай олади. Пул бундай вазиятда барча товарларга хос бўлган қиймат ўлчови, яъни кишининг товарларни ишлаб чиқаришга сарф қилган абстракт меҳнатини аниқлайди. Пул умумий эквивалент товар бўлиши билан бирга, қийматга ҳам эгадир. Пул барча товарлар сингари инсон меҳнатининг натижаси ҳисобланади. Товарнинг пулда ифодаланган қиймати унинг баҳосидир. Товарнинг қанча туриши пул билан белгиланади. Шунинг учун уни 100 сўм, 10 доллар, 20 марка, 50 иен туради деб белгилаймиз.

Ҳар бир мустақил давлатнинг ўз ўлчови мавжуд. Бу унинг миллий пулидир. Ўлчов бирлиги нарх масштаби дейилади. Бирлик сифатида АКШда доллар, Англияда фунт стерлинг, Туркияда лира, Германияда марка, Саудия Арабистонида риал қабул қилинган.

Муомала воситаси. Товар истеъмол қиймати бўлиб хизмат қилиш даражасига етганда пул ёрдамида айирбошладан чиқиб, истеъмол соҳасига ўтади.

Демак, сотиш Т-П, бир вақтнинг ўзида П-Т сотиб олиш ҳамдир. Шундай қилиб, пул муомала жараёнида товар сотиб олувчи харидор кўлидан сотувчи кўлига ўтиб туради, натижада пул муомаласи содир бўлади. Муомала воситаси функциясини бажараётган пул кўлдан-кўлга ўтиб, товар айирбошладан фақат воситачи бўлиб қолади. Пул муомалада доимий ҳаракатда бўлади.

Жамғариш воситаси. Бу ҳолатда пул жамланган бойлик шаклига киради. У пул эгаси учун истаган вақтда харид этиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Пул қоғоз ёки танга шаклларда бўлгани учун бойликка айланмайди. У ўзида инсон меҳнатини мужассамлаштирган-

ни, унинг ёрдамида ҳамма нарсани харид этиш ёки уни жамлаб сақлаш мумкин бўлганлиги учун бойлик ҳисобланади. Зеро, пул бойликнинг махсус шакли, унинг бир кўриниши экан, ундан бошқа кўринишдаги бойликлар ҳам бор. Масалан, уй-жой, ер-сув, ўрмон, кон, озиқ-овқат, кийим-кечак, машина-ускуна, акция, облигация кабилар шулар жумласидандир.

Пул бойлик жамғаришнинг қулай бўлган усулидир. Чунки пулда ликвидлик бор, яъни пулни тўлов учун ҳамма жойда белгиланган номинали (ёзиб қўйилган миқдори, кўрсаткичи, масалан, 100 доллар деб ёзилиши)га қараб, тўлов учун қабул қилинади.

Пул бошқа ликвидлик воситаларига, айтайлик, ер, бино, акция, облигация, сертификатларга нисбатан барқарор восита ҳисобланади, унинг қадри бир хил сақланади (инфляция бўлмаган тақдирда), бошқа ликвидларнинг нархи-қадри эса ўзгариб туради. Жамғармага қўйилганда харид қобилиятини сақловчи барча пул воситалари пул агрегати деб аталади. Бунга нақд пуллар, банкка маълум муддатга ёки муддатсиз қўйилган пуллар, сертификатлар киради.

Пул операциялари кўпчилик ҳолатда нақд пулсиз, яъни чеклар ёки унга тенглаштирилган молиявий активлар ёрдамида амалга оширилади. Шу сабабли муомалада бўлган пул миқдорини ҳисоблаш учун М1, М2 пул агрегатлари ёки таркибий қисм тушунчасидан фойдаланилади. Республикамизда умумий пул миқдори қуйидаги кўрсаткичлар асосида ҳисобланади:

М II – нақд пуллар.

М I = М II + тегишли ҳисоб варақаларидаги пул қолдиқлари, маҳаллий бюджетлар маблағлари, бюджет, жамоат ва бошқа ташкилотларнинг маблағлари.

М2 = М1 + халқ (жамғарма) банкларидаги муддатли омонатлар.

М3 = М2 + чиқарилаётган сертификатлар + аниқ мақсадли заём облигациялари + давлат заём облигациялари + хазина мажбуриятлари.

Демак, барча пул агрегатлари йиғиндиси ялпи пул массаси ёки ялпи пул таклифини ташкил этади.

Пулга талаб айирбошлаш учун (М I) ва активлар томонидан пулга талаб (М II) ни ўз ичига олади.

Пул товар экан, талаб ва таклифлар таъсирига берилади. Пул таклифи муомалага чиқарилган маълум турдаги пул миқдоридир. У талабдан ортиқ ёки кам бўлиши мумкин. Кам бўлганда тўлов кризиси

келиб чиқади. Демак, пул таклифи унинг муомалага чиққан миқдори билан ўлчанади. Бундай миқдор унинг тезлигига қараб ҳар хил бўлади. Пулга талаб хўжалик обороти учун керак бўлган пулга эҳтиёжнинг туғилишидир. Пулга талабни корхоналар, ташкилотлар, аҳоли ва давлат томонидан билдирилади. Чунки улар хўжалик субъектлари, ишлаб чиқарувчи ёхуд истеъмолчилар ҳисобланади. Пулга талаб пул операцияларининг миқёси ва тезлиги билан ўлчанади. Пул билан муомала қилиш ишлари қанчалик кўп бўлса, тез айланиб турса (оборот қилса) пулга талаб шунчалик қисқаради.

Пул муомала воситачиси бўлганлиги туфайли кўплаб товарлар сотиб олиниши натижасида истеъмол соҳасига ўтади. Пул муомала жараёнида ҳаракатда бўлади. Муомаладаги пуллар миқдори мазкур мамлакат бозоридаги товарлар баҳосининг суммасига тўғри ва пул айланиши тезлигига тескари нисбатда бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Муомалани таъминлаш учун зарур бўлган пул миқдори нимага боғлиқ? Бу саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин:

– муайян давр, айтайлик, бир йил мобайнида сотилиши лозим бўлган товарлар баҳосининг суммасига (товарлар қанча кўп бўлса, уларни сотиш учун пул бирлиги шу қадар кўп талаб қилинади);

– муомаладаги пул миқдори, қолаверса, ҳар бир пул бирлиги оборотининг тезлигига (пул қанчалик тез айланса, муомала учун зарур бўлган пул миқдори шунча кам талаб қилинади);

– муомала учун зарур бўлган пул миқдори пулдан тўлов воситаси функциясида фойдаланишга (кўпинча, товарлар кредитга сотилади ва сотиш давридан бошқа вақтда уларнинг ҳақи тўланади, пировардида, зарур бўлган пул birlikлари миқдори шунга яраша миқдорда камайиб боради. Иккинчи томондан, бу даврда илгари кредитга сотилган товарлар ҳақини тўлаш вақти бошланади. Бу пулга эҳтиёжни кўпайтиради. Шунинг ҳисобга олиш керакки, тўлов мажбуриятларининг бир қисми ўзаро узилади).

Кўрсатиб ўтилган ҳолатларнинг муомала учун зарур пул миқдори формуласини қуйидагича ифодалаш мумкин:



Бунда:

P_m – муайян даврда муомала учун зарур пул бирлигининг миқдори;

T_n – сотилиши лозим бўлган товарлар нархининг суммаси;

Хк – кредитга сотилган товарлар суммаси;

Хт – ҳақини тўлаш муддати келган товарлар баҳосининг суммаси;

Кт – бир-бирини қоплайдиган товарлар суммаси;

От – пул обороти тезлиги.

Муомалада бўлган пул бирлиги миқдорининг товарлар баҳоси суммасидан ошиб кетиши натижасида товар билан таъминланмаган пулнинг пайдо бўлиши инфляциянинг пайдо бўлганлиги билдиради.

Инфляция товарлар баҳосининг очиқ ёки яширин равишда ошиб кетишига олиб келади. Инфляцияни турли омиллар келтириб чиқариши мумкин: пул birlikларини ортиқча чиқариб юбориш; товар ишлаб чиқаришнинг тўловга лаёқатли талабнинг ўсишидан орқада қолиши; талаб қилинмайдиган товарларнинг бозорга кўплаб чиқарилиши ва бошқалар.

Янада аниқроқ қилиб айтиладиган бўлса, инфляция пулнинг муомалада керагидан ортиқча пайдо бўлиши, нарх-навонинг ўсиб, пулнинг кадр-қиймати, яъни харид қобилиятининг пасайиши, кадрсизланиши демакдир. Кадрсизланиш ҳар ойлик ёки ҳар йиллик суръатлар билан ўлчанади. Бунинг учун нарх индекси ёрдамида базис даврига тўғри келадиган нисбат билан аниқланади. Масалан, истеъмол товарларининг индекси 1998 йилда 113,6, 1999 йилда 118,3 тенг дейлик. Шунга қараб, инфляция даражаси қуйидагича ҳисобланади:



Иқтисодиёт соҳасининг мутахассиси, Нобель мукофотининг лауреати Милтон Фридман инфляцияга қуйидагича таъриф берган: маҳсулот ишлаб чиқаришга нисбатан пулнинг ортиқчалигини юзага келтирадиган нархларнинг барқарор ва узлуксиз ўсиб бориши; ишлаб чиқарувчилар томонидан маҳсулотнинг сифатини яхшиламасдан туриб, нархини ошириш ҳаракатлари.

Макроиктисодиёт нуқтаи назаридан олганда, инфляция давлат пул бирлигининг кадрсизланиши, харид қувватининг пасайишида намоён бўлади. Ўсиш суръати бўйича инфляция уч турга бўлинади:

1. *Муътадил бўлиб турадиган инфляция.* Бунда нарх-наво секин, ўрмалашсимон ҳолда орта бошлайди, иқтисодий ўсиш рўй бериб



туради, ишсизлик у қадар кўп бўлмайди. Инфляция суръати 2-3 фоиздан ортмайди.

2. *Сузувчан инфляция*. Бунда нарх-наво тезроқ ўса бошлайди. Иқтисодий ўсиш суръати сусаяди. Ишсизлик кўпая боради. Инфляция суръати йилига 8-12 фоиз атрофида бўлади.

3. *Югурувчи инфляция ёки гиперинфляция*. Бу ҳаддан катта ташқари инфляция бўлиб, унда нарх-наво шиддат билан ўса боради. Пул ғоят тезлик билан қадрсизлана бошлайди. Пул топишга интилиш минимал даражага келади. Гиперинфляциянинг яна бир белгиси корхоналар, ташкилотлар ва аҳолининг ҳар қандай йўл билан қадрли пул-валюта йиға бошлашида намоён бўлади. Валюта қадрсизланган пулни муомаладан сиқиб чиқара бошлайди. Гиперинфляция шароитида нарх-навони мутлақо тартибга солиб бўлмайди. Нархлар ойига 40-50 фоиз атрофида ўса боради. Масалан, 1922 йилда Германияда инфляция 1300000 фоизни ташкил этган. 1938-1948 йиллар ичида Венгрияда нарх-наво 10-21 мартаба кўтарилган, ҳатто савдода пул тарозида тортиб ўлчанган. Рубль зонасига кирган собиқ СССР мамлакатларида инфляция 1922 йилда 3000 фоиздан кўпроқни ташкил этган эди.

Келиб чиқиш манбаларига кўра, инфляция бир неча турга бўлинади.

Пул массаси инфляцияси. Бундай инфляция пулнинг товар муомаласида ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши сабабли юзага келади. Унинг механизмини тушуниш учун инглиз иқтисодиётчиси Фишернинг моделидан фойдаланилади.



Бунда:

M – муомаладаги пул миқдори;

V – пул муомаласининг тезлиги;

Q – товарлар миқдори;

N – товарлар нархи.

Тенгламадан кўриниб турибдики, пул массаси (M)нинг кўпайиши билан товар ва хизматларнинг нархи ошади. Айланишда пул қанча кўп ва таклиф қилинган товарлар қанча кам бўлса, нархлар шу қадар юқорига кўтарилди боради. Айланишдаги ортиқча пул уни

кўплаб босиб чиқарган давлатнинг нотўғри сиёсати туфайли пайдо бўлади.

Талаб инфляцияси. Пул массаси ўсишининг бошқа сабаби пул муомаласи тезлигининг ортиши билан боғлиқ, яъни бир хил миқдордаги пул мавжуд товарларнинг доимий ҳажмида кўп миқдордаги битишувларда иштирок этади. Бу талаб инфляциясидир. У пулда ифодаланган ҳолда кенгайтирилмасдан туриб, товар миқдорига тазйиқини кучайтиради. Бу билан нархлар, пул, товарлар ва муомала тезлигининг балансланганлиги даражасига кўтарилади (Фишер тенгламаси бўйича).

Иш ҳақининг инфляцияси. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми тўланадиган иш ҳақи ва олинадиган даромадларга мутаносиб бўлса, ижтимоий ишлаб чиқариш самарали ҳисобланади. Бошқача айтганда, иш ҳақи меҳнат унумдорлиги оширилгандагина кўтарилиши мумкин. Товар ишлаб чиқаришнинг ушбу қондаси бузилган ва корхоналарда тўланадиган иш ҳақи ҳажми ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдоридан ошиб кетган тақдирда, инфляция жараёнининг ривожланишига туртки берилган бўлади. Натижада бозордаги нархнаво кўтарила бошлайди. Бунинг икки хил сабаби бор: биринчидан, муомаладаги пул миқдори кўпаяди, товар ва хизматларнинг таъминламаган талаби ўсади, бу эса талаб инфляциясини юзага келтиради (Фишер тенгламаси бўйича); иккинчидан, ишлаб чиқаришнинг сарф-харажати товарларнинг доимий миқдори қийматига кўшилади, бу билан тайёр маҳсулот нархларининг сақланиши рағбатлантирилади. Бозорда “иш ҳақи - нархлар” инфляция чулғами авж олиб кетади: нархларнинг ошиши корхоналар ва давлатни тўлов пуллари ҳамда иш ҳақини кўпайтирган ҳолда даромадларни индексациялашга мажбур этади. Бундай иш ҳақи эса, ўз навбатида, товарларнинг инфляция талаби ва сарф-харажатлар ўсгандан сўнг ҳосил бўлган янги, юқори нархлар иккинчи маротаба даромадларни индексациялаш заруриятини юзага келтиради. Бундан кейинги жараён “даромад-нархлар” чулғами бўйлаб давом этаверади. Одатда, шу хилдаги ҳаракат оқибатида иқтисодиётнинг барқарорлиги кўпорила бошлайди, бозор механизмларининг иши бузилади, оғир иқтисодий тушкунлик кучаяди, оммавий ишсизлик авж олади.

Моддий харажатларнинг ўсиши инфляцияси. Мазкур ҳолат хом ашё, оралиқ товарлар ва хизматлар нархларининг ошиб бориши муносабати билан рўй беради. Бу каби хатти-ҳаракатлар натижасида

маҳсулот қийматга кўшилади ва у бозорда нархларнинг кўтарилишига таъсир кўрсатмай қолмайди. Индустрияси ривожланган мамлакатларда XX асрнинг 70-йиллари ўртасида юз берган энергетик танглик моддий харажатларнинг ўсиши инфляциясига мисол бўла олишини таъкидлаш керак: ўшанда энергетик ресурслар, ёғилғи, бензин нархининг оширилганлиги туфайли маҳсулотлар барча турлари нархининг кескин ошишига олиб келдики, бундай ҳолат узок муддатли иқтисодий тушкунликни шартлаб қўйди. Ҳозирги даврда бундай вазият собиқ Иттифок ўрнига келган давлатларда юзага келган эди. Нархларнинг эркинлаштирилиши муносабати билан ёқилғи-энергетик ресурсларнинг қимматлашувига боғлиқ равишда товарлар, коммунал ва транспорт хизматларининг нархи кўп мартаба ошиб кетди.

Фойдалар инфляцияси. Мазкур турдаги иняляция муайян хилдаги маҳсулотларни сотиш бозорини монополлаштириш ҳисобига ҳаддан ташқари кўп фойда олишда намоён бўлади. Рақобатларнинг йўқлиги вазиятида ишлаб чиқарувчилар ишлаб чиқаришни кўпайтирмай, нархларни мустақил равишда ошира борадилар.

Таъкидлаш лозимки, бозор иқтисодиётида монополизмга қарши яхшигина созланган тизим ва монополлаштириш жараёнларига давлат аралаша бошлади. Инфляциянинг мазкур тури тармоқ супермонополияларининг нархларни белгилашида ўз шартларини тикиштириш, чексиз имкониятга эга бўлган буйруқбозлик, марказлаштирилган иқтисодиёт учун хосдир.

Солиқлар инфляцияси. Давлат бошқаруви, ижтимоий режалар, мудофаа соҳасида ўсиб бораётган чиқимларни қоплаш мақсадида солиқларнинг оширилиши натижасида шундай инфляция рўй беради. Юқори солиқ ставкалари ишлаб чиқариш чиқимларини ҳам бевосита, ҳам билвосита иш ҳақининг ўсиши орқали кўпайтиришни бўғади, унинг унумдорлигини, фойда олишини камайтиради, бу эса талаб ҳамда таклифнинг инфляцияга дуч келишига сабаб бўлади.

Инфляциянинг салбий таъсири бозор организми иш ҳаракатининг бузилиши, нархлар, инвестициялар, фоиз ставкалари механизмлари, тақсимот ва ишлаб чиқариш тизимининг мутаносибсизликлари ҳамда уларнинг деформацияларида ўз ифодасини топади. Айниқса, гиперинфляция оғир оқибатларга олиб келади. Унда, биринчидан, пул бирлиги қадрсизланади, шахсий жамғармалар ва кундалик истеъмол камаяди; иккинчидан, ижтимоий табақаланиш ҳамда бойликларнинг кам ва ўрта таъминланган аҳолидан ўзига тўқ табақаларига

қайта тақсимлаш жараёни рўй беради, учинчидан, банкларда ссуда капитални учун фоизли ставкалар ошади, бу эса тадбирлар ва аҳоли томонидан кредитларга бўлган талабни кескин пасайтиради, иқтисодиётга, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ажратилмаган инвестицияларнинг умумий ҳажмини қисқартиради; натижада, асосан, савдода қисқа муддатли инвестициялар, даллоллик, ишлаб чиқаришдаги инвестицияларга зарар келтирган ҳолда биржа фаолияти устунликка эга бўла бошлайди; тўртинчидан, капиталнинг оқиб келиши туфайли нархларнинг мутаносиблиги ва балансланганлиги бузилади. Чунки гиперинфляция чоғида нархлар ахбороти у ёки бу тармоқнинг ҳақиқий истиқболлиги, фойдалилигини акс эттирмайди, натижада, капитал маблағлар сарфланиши йўналиши белгиланмай қолади; бешинчидан, янги ускуна харида қилиш чиқимлари эски ускуна таъмирлаш харажатларидан анча юқори бўлади, бу эса ишлаб чиқаришни модернизациялашга салбий таъсир кўрсатади, фан-техника таракқиётига ғов бўлади; олтинчидан, меҳнат қилиш ва тадбиркорлик фаолияти омиллари барбод бўлади, олинмаган даромадлар ва иш ҳақи оширишга қараганда тезроқ қадрсизлана боради. Шундай қилиб, гиперинфляция ўзини ўзи тартибга солувчи иқтисодиётнинг бутун тизимини миллий хўжаликни бошқарувни издан чиқаради, оғир иқтисодий тангликка олиб келади.

Инфляцияни бошқариш иши анча эҳтиёткорлик билан унинг тур ва хусусиятларини эътиборга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Масалан, моддий чиқимларнинг ўсиши шароитида хом ашё, сарфхаражатлар, оралик товарлар нархини белгилаш учун маъмурий аралаштириш талаб қилинади. Бундай жараён “иш ҳақи-нархлар” чулғами бўйича ривожланадиган бўлса, корхона меҳнатнинг унумдорлиги ва самарадорлигига боғлиқ ҳолда иш ҳақи ўсишининг чегарасини белгилашга қисман тўлов тўлаш сиёсатини амалга оширишга мажбур бўлади. Бозорда талаб инфляцияси ва пул массаси ортиқча бўлган шароитда давлат пул масаласини ҳал этишда уни камайтириш воситасидан фойдаланади: ўз харажатларини камайтиради. Марказий банкда ҳисоб ставкасини кўтаради ва фуқароларнинг даромадларини, бинобарин, уларнинг харида қилиш қобилятини камайтириш ҳамда бозорга таъсир кўрсатиш учун аҳолига солинадиган солиқларни амалга оширади.

Давлат инфляция оқибатларини тугатиш ёки юмшатиш мақсадида антиинфляция сиёсатини олиб боради. Бундай сиёсат қуйидаги икки йўналишда ҳал этилади.

1. *Ишлаб чиқаришни режаслаштириш.* Бундай тадбирнинг амалга оширилиши натижасида товарлар ва хизматлар миқдори кўпайтирилади, ортиқча пулга талаб қондирилади. Нарх-наво ва пул қадри барқарорлашади. Ишлаб чиқариш рағбатлантирилади. Ишлаб чиқаришга солинган фойда солиқдан озод қилинади. Унга арзон кредит берилади. Янги ишга қўл урган корхоналар учун бюджетдан субсидия ажратилади. Фирмалардан олинадиган даромад солиғи камайтирилади. Экспорт-импорт бўйича имтиёзлар берилади.

2. *Пул массасининг ортишини чеклаш ёки тўхтатиб қолиш, пулга талабларни қисқартириш.* Шу мақсадда пул даромадлари (иш ҳақи, нафақа, пенсия, хайрия тўловлари) назорат қилиниб, уларнинг ўсиши чекланади ёки тўхтатилади. Ортиқча пулни товар бозоридан чиқариб, қантариб қўйиш мақсадида депозитлар (қўйилган пуллар) учун банк тўлайдиган фоиз оширилади. Пул банкда жамланиб, товарларга талабни қисқартириб туради. Натижада уни ишлаб чиқаришга солиш имкони пайдо бўлади.

Масалан, XX асрнинг 80-йиллари бошида АҚШда банклар йилига депозитлар учун 15-18 фоиз тўлайдиган бўлди. Оқибатда бозордаги пулларнинг кўп қисми депозитга айлантирилди. Мухими, дунёдаги пуллар АҚШ банкларига оқиб кела бошладики, улар ишлаб чиқаришга қўйилгандан кейин, иқтисодий жонланиш юз берди.

2-§. Кредитнинг моҳияти, шакллари ва вазифалари

Такрорий ишлаб чиқариш жараёнида товарлар иқтисодий ресурслар ва пул маблағларининг доиравий айланиши, кредит муносабатларининг мавжуд бўлишини тақозо қилади. Шунингдек, кредит бозор муносабатларининг бир унсури ҳам ҳисобланади. Молия билан кредитнинг умумий томони ва бир-биридан фарқи ҳам бор. Уларнинг умумийлиги шундаки, ҳар иккаласи ҳам пул маблағлари юзасидан бўладиган муносабатларни англатади. Фарқи эса пул маблағларини жамлаш ва ишлатиш усулларининг ҳар хил бўлишидан келиб чиқади.

Молия ўз мулки бўлган пул ресурсларини хоҳлаган вақтда, ҳеч бир харажатсиз ишлатиши мумкин. Кредит эса ўзгалар пул маблағларини ҳақ тўлаган ҳолда вақтинча ишлатиб туриш ва муддати келганда қайтариб беришни англатади.

Кредит товар-пул муносабатларига хос бўлган ва пул ҳаракатини билдирувчи иқтисодий категориядир. Кредит дейилганда вақтинча ўз эгалари қўлида бўш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маълум муддатга ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиши ва қайтариб бериши юзасидан келиб чиқадиган муносабатлар тушунилади.

Кредит муносабатлари икки субъект - пул эгаси, яъни қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасида юзага келади. Қарз берувчи қарздорга айланиши ва бунинг акси ҳам бўлиши мумкин. Айни бир субъект бир вақтнинг ўзида қарз берувчи ва бошқалардан қарз олувчига айланиши мумкин.

Турли хил корхоналар, ташкилотлар, давлат ва унинг муассасалари, аҳолининг кенг қатлами кредит муносабатларининг субъектларидир. Кредит муносабатларининг объекти ҳар қандай пул эмас, балки вақтинча бўш турган пул маблағлари ва пул ресурслари кредит маблағларининг манбаини ташкил қилади.

Бўш турган пуллар жумласига қуйидагилар киради:

– тадбиркорлар ёки катта сармоядорлар қўлидаги пул, яъни пул капитали;

– эҳтиёжни қондириш учун аҳоли қўлида тўпланган пул (бундай пул эгаси қўлида капитал эмас, балки истеъмолни қондириш учун ишлатадиган маблағ ҳисобланади);

– давлат ихтиёридаги пул (бу ҳам давлат корхоналари учун ажратилган, ҳам умумий истеъмол пули ҳисобланади).

Буларнинг ҳаммаси, яъни кўрсатилган турдаги пуллар ссуда фонди (қарз фонди)ни ташкил этади. Маълумки, айрим корхоналар ва тармоқлар доирасида капиталнинг ҳаракати алоҳидалашади. Бунинг сабаби бозор ҳолатининг капитални турли шаклга киритиши ва унинг турли ҳаракат босқичида бўлишидир. Айни бир вақтнинг ўзида капитал пул, ресурслар ва товарлар шаклларида намоён бўлади.

Капитал бир жойда кўпроқ пул шаклида бўлса, бошқа ўринда ресурслар ёки яна бир бошқа ҳолатда товарлар шаклини олиши мумкин.

Капиталнинг ўз шаклини ўзгартириб туриши турли соҳаларда бир-бирига мос келмайди ва турли вақтларда юз бериб туради. Масалан, бир ўринда товар шаклидаги капитал пулга айланса, бошқасида пул капитали ресурсга айланаётган бўлади. Капитал ҳаракатидаги

алоҳидалашув натижасида пул бир ўринда бўш бўлгани ҳолда бошқасида етишмай қолиши мумкин.

Бўш пулларнинг манбалари қуйидагилардан иборат:

– корхоналарнинг банкдаги ҳисоб варақаларида турган амортизация ажратмалари муддати тугагунча жамғарилиб боради;

– ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун фойдадан ажратиладиган инвестиция пули (бу пул ҳам белгиланган сумма йиғилгунча жамғарилиб, бўш туради);

– хом ашё, ёқилғи ва материаллар учун олдиндан сарфланган, товар сотилиши билан эгасига қайтиб келадиган пул (улар шу вақтнинг ўзида ишлатилмаслиги туфайли маълум вақтгача бўш туради);

– корхона фойдасидан ажратиладиган ижтимоий фоизлар пулининг келиб тушиши ва уни ишлатиш вақтининг мос келмай қолиши натижасида пул юзага келади (у ҳам муайян вақтгача бўш туради);

– иш ҳақи пулининг келиб тушиш ва сарфланиши бир вақтнинг ўзида юз бермаслиги сабабли пайдо бўладиган пул (товар сотилгач, пул тушиб тураверади; иш ҳақи ҳар 15 кунда берилади, бинобарин, иш ҳақи фонди пули ҳам бўш туради);

– аҳолининг бўш пул маблағлари;

– давлат бюджетига пул даромадларининг келиб тушиши ва улар сарфининг бир вақтда юз бермаслигидан пайдо бўладиган пул (у ҳам маълум вақтгача бўш туради);

– ҳар хил ҳайр-эҳсон ва суғурта пулларининг ҳосил бўлиши ва ишлатилиши турли вақтда юз бериши сабабли юзага келадиган пул (унинг ҳам маълум қисми бўш туради).

Маълумки, жамиятдаги пул ресурслари ҳаракати нотекис кечади. Шу сабабли бир қисм пул ресурслари вақтинча бўш қолади. Такрор ишлаб чиқариш жараёнида вақтинча бўш пул ресурсларининг юзага келиши муносабати билан бир вақтнинг ўзида иқтисодиётнинг айрим соҳаларида қўшимча пулга эҳтиёж пайдо бўлади. Жамиятда ҳар доим пулга талаб мавжуддир. Масалан, тадбиркор ўз фирмаси учун янги асбоб-ускуналар, хом ашё, ёқилғи сотиб олиши, иш ҳақини тўлаши ёки давлат ўз сарфларини қоплаши керак. Бунинг учун эса пул керак бўлади. Демак, ҳамиша пулга талаб бор. Жамиятда бўш турган пуллар ҳисобидан ссуда фонди ташкил топиб, унга талаб юзага келгач, кредит муносабатлари пайдо бўлади.

Кредит қуйидаги вазифаларни бажаради:

– пулга тенглаштирилган тўлов воситалари (вексель, чек, сертификат) ни юзага чиқариб, уларни хўжалик оборотига жорий этиш (вексель-қарзнинг мажбуриятномаси, чек-банкдаги пулни олишни талаб қилувчи ҳужжат, сертификат-пул тўланганлиги, қарз берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат);

– бўш пул маблағларини ҳаракатдаги, ишдаги капиталга айлантириб, пулни пул топади, деган мақол мазмунини амалга ошириш;

– қарз бериш орқали пул маблағларини турли тармоқлар ўртасида қайта тақсимлаш йўли билан ишлаб чиқариш ресурсларининг кўчиб юришини таъминлаш;

– қарз бериш, қарзни ундириш воситалари орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш, яъни уни рағбатлантириш.

Бозор иқтисодиёти шароитида кредит муносабатлари бир-биридан фарқланувчи икки турдаги муносабатнинг яхлитлигини билдиради. Биринчидан, қарзга олинган пул капитал сифатида ишлатилиб, ундан фойда олиш, пулни кўпайтириш мақсади бўлади. Шу туфайли ссуда капитали муносабатлари пайдо бўлади. Ўзганинг қўлида капитал қиймати ўсади. Иккинчидан, қарзга олинган пул шахсий ёки умумий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади. Қарзга олган субъектнинг пулни қандай ва нима мақсада ишлатиши қарзга берувчини мутлақо қизиқтирмайди. Уни қарзини ва қарз ҳақини олиш қизиқтиради, холос.


Кредит пул бозори маҳсули бўлиб, бунда пул маблағини олди-сотди қилиш ҳолати рўй беради. Пул бозори кенг маънода молия бозоридирки, унинг таркибида капитал бозори ҳам мавжуд бўлади.

Қарзга бериладиган пул ссуда дейилади. Қарзга олинган пул фойда олишга ишлатилса, у ссуда (қарз) капиталига айланади. Кредитнинг асосий шарти қарз учун ҳақ тўлашдан иборат. Бу ҳақ қарзга берилган суммага нисбатан фоиз ҳисобида бўлади. Мазкур ҳақ қарз фоизи деб юритилади. Бозорга чиқарилган пулнинг нархи фоиз бўлади. Қарзга олиб ишлатилган капиталдан олган фойдани бир қисмини, пул эгасига беради. Демак ссуданинг моддий таъминланганлиги ва тўловлиги шарт. Қарзга берилган ссуданинг албатта қайтарилиб берилишини, ундан фойдаланганлиги учун олинган фойданинг ссуда фоизини тўлаш зарурлиги, ҳар бир қарз олувчининг хўжалик юртишда самарали усуллардан фойдаланишга ундайди. Фоиз миқдори ёки даражаси олдиндан белгиланган бўлади.

Фоиз даражаси (ФД), қарз фоизи (ҚФ)нинг, берилган қарз миқдори (ҚМ) га бўлган фоизларда ифодаланган нисбатдир:



Агар 120 млн.долларга тенг қарз 6 млн. ссуда фоизи тўлаш шарти билан берилган дейлик. Бунда ссуда фоизи қуйидагича бўлади:



Фоиз даражаси унга таъсир этувчи омиллар ҳаракати тўғрисида ўзгариш туриши мумкин. Булар жумласига пул бозоридаги талаб ва таклифнинг нисбати, қарзга олинган пулнинг ишлатилишидан кутиладиган наф, қарзни тўлаш муддати ва шарти, қарзнинг қандай пул билан берилиши, инфляция даражаси кабилар киради. Бозор иқтисодиётида кредитнинг турли шакллари мавжуд бўлиб, асосан, икки шаклдаги кредит муҳим аҳамият касб этади. Булар банк кредити ва тижорат кредитларидан иборат.

Банк кредити. Банклар, йирик пул эгалари, махсус кредит ташкилотлари томонидан пул шаклида қарз сўровчиларга бериладиган пул банк кредити ҳисобланади. Тадбиркорлар, давлат ва бошқалар қарз сўровчи субъектлардир. Банк кредити объекти пул капиталидир. Бундай кредит ўзининг муддати, мақсадли берилиши ва бошқа қоида ҳамда имтиёзлари бўйича тижорат кредитидан фарқ қилади. Банк кредити капитал жамғариш, аҳоли ва фирмалар пул маблағларини капиталга айлантириш каби бир қатор вазифаларни бажаради. Банк кредити ссуда бериш шаклида амалга оширилиб, асосан, қисқа, ўрта, узоқ муддатли турларга бўлинади. Банк кредитининг муддатли бўлиши кредит ресурсларининг табиати ва тегишли муддатларга ажратилишдан келиб чиқади. Қисқа муддатли кредитлар, одатда, корхоналарга айланма маблағларни ҳосил қилиши учун бир йилга берилади. Ўртача муддатли кредитлар беш йилгача муддатга берилиб корхоналарнинг асосий фондларини барпо этишга мўлжалланади. Узоқ муддатли кредитлар эса янги объектлар қурилиши, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва техник-технологик жиҳатдан такомиллаштиришга мўлжалланган бўлиб, беш йилдан ортиқ муддатларга берилади.

Тижорат кредити. Бундай кредит бир корхонанинг иккинчи корхонага сотилган товарлари учун муддати кечиктирилган тўлов

кўринишида амалга ошади. Тижорат кредитининг муҳим воситаси векселдир. Мазкур кредитнинг мақсади товарлар савдо-сотиғини тезлаштириш асосида улардан келадиган фойдани ўзлаштиришдир.

Товар баҳоси ва вексель суммасига қўйиладиган фоиз ҳар доим банк фойзидан кам бўлади. Тижорат кредити ҳажми тадбиркорлар тасарруфидаги захира маблағларидан камроқ бўлади. Йирик иқтисодий тараққий этган мамлакатларда банк ва тижорат кредитлари бири-бирига қўшилиб кетган.

Ҳозирги даврда кўпчилик мамлакатларда истеъмолчилар кредити ҳам мавжуд. Истеъмолчилар кредити, асосан, аҳолига узоқ муддатли фойдаланиш товарлари, масалан, мебель, автомобиль, телевизор, совутгич ва бошқа уй-рўзғор товарларни харид қилиш учун берилади. Истеъмолчилар кредити, кўпинча, 3 йил муддат билан чегараланган. Ўзбекистонда УзДЭУ автокомпанияси маҳсулотлари етти йилгача муддат билан берилмоқда.

Кредитнинг яна бир шакли давлат кредитидир. Бунда қарз олувчи давлат ёки маҳаллий ҳокимият ташкилотлари ҳисобланади. Улар қимматли қоғозлар бозорида молиявий кредит ташкилотлари орқали заёмлар чиқариб, пул маблағларини тўплашни бажаради. Кейинги йилларда давлатнинг кредит фаолияти кенгайиб кетганлиги туфайли кам рентабелли уй-жой қурилиши, қишлоқ хўжалик инфра-тузилмаси ва бошқа тармоқларни ривожлантириш учун кўплаб кредитлар ажратилмоқда.

Кредитнинг яна бир кўриниши Халқаро кредитлардир. Халқаро кредитлар мамлакатлар ўртасидаги пул капиталининг ҳаракатида намоён бўлади. Халқаро валюта фонди, Халқаро тараққиёт ва қайта тиклаш банки, жаҳон банки турли мамлакатларга кредит беришнинг марказлари ҳисобланади.

3-§. Банклар ва банк операциялари

Бозор иқтисодиётининг негизини банк тизими ташкил этади. Хилма-хил кўринишга эга бўлган банк тизими банк тартиботларидан ташқари, бозор фаолияти жараёнида шаклланадиган кредит бериш, қимматли қоғозлар олди-сотдиси, молиявий хизматларни амалга ошириш, инвестициялар, ссуда ва ҳоказолар борасидаги иқтисодий муносабатларнинг деярли бутун мажмуини камраб олади.

Банкларнинг турлари. Барча мураккаб нималардир ғоятда оддий нималардан пайдо бўлади. Банк тизими ҳақида ҳам шундай дейиш

мумкин. Чунончи, ҳозирги банкларнинг тарихи заргарлик дўконлари, пулни майдаловчи саррофлар-судхўрлар фаолиятдан бошланган. XV-XVI асрларда типик заргарлик дўкони савдогарлардан пул, олтин, кумуш қабул қилиб олар, уларни маълум муддат сақлар ва аввалги эгаларига қайтариб берар эди. Табиийки, сақланганлик учун тегишли ҳақ олинар эди. Бу эса ўша вақтда энг кўп тарқалган банк операциясининг ўзи эди. Кейинроқ шундай операцияларга ихтисослашган ва “банк” деб аталган (итальянча - “саррофлик дўкони”) муассасалар пайдо бўлди.

Бугунги кунда, ҳатто ўртача банк икки юзга қадар турли операция ва хизматларни амалга оширади. АҚШ даги 10 та энг йирик банк эса деярли бутун Африка қитъаси давлатларининг миллий даромадларидан тушадиган пул билан иш тутади. Хуллас, банк пул ва пул капиталини сафарбарлаш, жамғариш, ҳаракатлантириш ва тақсимлашни амалга оширадиган корхонадир. Бозор иқтисодиёти мавжуд бўлган мамлакатларда банкларнинг аксарияти ё акцияли (унга ўз маблағини сарфлаган акционерларга тегишли) ёхуд хусусий (битта соҳибига тегишли) ҳисобланади.

Банкларнинг бир неча тури мавжуд. Улар ичида энг кенг тарқалгани тижорат банки бўлиб, унинг асосий вазифаси аҳоли ва корхоналарнинг омонати сифатида келиб тушадиган пулларни жамғариш, кредит бериш, турли хил молиявий хизматлар кўрсатишдан иборатдир. Ҳозирда МДХ мамлакатларида давлатга тегишли бўлмаган, салкам 200 мингта акцияли ва хусусий тижорат банклари пайдо бўлган. Инвестиция банки бозор хўжалигининг бутунлай барчаси тармоқларига муддатли кредит бериш ва уларни инвестициялаш билан шуғулланади. Шунингдек, улар қимматбаҳо қоғозлар-акциялар, облигациялар, хазина билетлари, банклар, купонлар ва ҳоказолар билан операцияларни амалга оширади.

Одатда, инвестиция банклари фонд биржаси билан яқиндан боғланган бўлади. Бундай биржада портфель инвестициялари амалга оширилади, яъни эгаллаб олиш, ишлаб чиқаришни қайта қуриш, янги моллар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида бирор-бир корхонанинг акциялари, облигациялари сотиб олинади. Ҳамда сотилади. Инвестиция банклари, шунингдек мижозларнинг буюртмалари бўйича қимматбаҳо қоғозлар билан бўладиган операцияларда турлича даллоллик хизматларини ҳам кўрсатади.

Баъзи давлатлар (АҚШ, Италия, Франция кабилар)нинг қонунчилигига кўра, тижорат банклари қимматбаҳо қоғозлар билан бўладиган операцияларга кўштирилмайди. Улар акция, облигация, заём ва ҳоказоларнинг олди-сотдиси билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эмас. Ушбу функциялар инвестиция банклари ва инвестиция фондларининг олий ҳуқуқи ҳисобланади.

Ихтисослаштирилган банклар муайян тармоқлар корхоналари ёки фаолият соҳаларига кредит бериш ва уларни маблағ билан таъминлаш бўйича иш олиб боради. Масалан, қишлоқ хўжалик, қурилиш, ташқи савдо ва бошқа банклар мавжуд. Ипотека (юнонча ипотека - «гаров» демакдир) банки ихтисослаштирилган банкнинг алоҳида тури бўлиб, унинг асосий вазифаси турли кўчмас мулк – ер, иморатлар гаровга қўйилганда ссуда беришдан иборат. Ипотека банклари, асосан, фермерлик ривожланган мамлакатларда тарқалган.

Марказий (ёки давлат) банки давлатнинг мулкидир. У пул, облигация эмиссияси, шунингдек мамлакатнинг бутун банк тизимини бошқариш, назорат қилиш билан шуғулланади. Масалан, Федерал резерв тизими (ФРТ) деб аталадиган АҚШ марказий банки тижорат, инвестиция ва ихтисослаштирилган банкларга кредит беради, уларнинг фаолиятини суғурталайди, бошқаради, давлат облигациялари, хазина билетларини сотиб олади ва сотади. Марказий банк, одатда, ижрочи ҳокимият (президент, ҳуқумат)га қарам бўлмайди, унинг фаолиятини фақат мамлакат парламенти бошқаради. Германияда “Бундесбанк”, Францияда Франция миллий банки, Италияда Италия давлат банки, Ўзбекистонда Давлат банки кабилар Марказий банк ҳисобланади. Марказий банк дейилганда, кўпчилик мамлакатларда давлат банки ягона марказий банкдан иборат эканлиги, у ўтказадиган сиёсат тартиблари юқори давлат органлари томонидан бошқариб турилиши тушунилади. Марказий банк тижорат банклари ва жамғарма муассасаларидан маблағларни қабул қилиб олади ва уларга кредит бериб туради. Шунинг учун марказий банк “банклар банки” деб ҳам юритилади. Марказий банк фақат фойда олишга интилиб, фаолият кўрсатиш билан чекланмайди, балки давлатнинг бутун иқтисодиёт ҳолатини яхшилаш ва ижтимоий сиёсатини амалга оширишга ҳам кўмаклашади.

Банкнинг фаолиятида пул, кредит, фоиз, категорияларининг ҳаракати намоён бўлади. Мазкур банк ўз фаолиятида пул муомаласи,

кредит, фоиз сиёсатини ташкил этиб, унинг ижросини кузатиб боради.

Республикамизда валюта муносабатлари департаменти тузилди. Банк-аудит ташкилотлари барпо этилди. Мустақил Ўзбекистоннинг пул эмиссияси станогини (госзнак-давлат белгиси) вужудга келтирилди. Тангалар зарб этувчи “тангалар уйи” ташкил этилди. Валюта биржалари ишламоқда.

Ўзбекистон банк тизими икки поғонадан иборат, биринчи поғона – марказий банк, иккинчи поғона – тижорат, хусусий, саноат ва бошқа банклар. Шунингдек, чет эл банкларининг ваколатхоналари ҳам иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон Марказий Банки мамлакатнинг бош банки ташкилоти бўлиб, давлатнинг асосий пул-кредит сиёсатини амалга оширади. Марказий банк тубандаги масалаларни амалга ошириш билан шуғулланади: пул-кредит муносабатларини ўрнатиш, валюта захираларини сақлаш ва бошқалар. Ўзбекистон Марказий банкининг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат: пул муносабатларини бошқариш, сўмнинг барқарорлигини таъминлаш, мамлакатда ягона пул-кредит сиёсатини юргизиш, турли ҳисоб-китоблар ва касса хизматини ташкил қилиш ва бошқалар. Шунингдек, марказий банк фоиз ставкаларидаги фарқни тўлдириш фонди, тижорат банкларнинг депозитларини суғурта қилиш фонди ҳамда тижорат банкларни банкротликдан муҳофаза этиш учун суғурта фонди каби тадбирларни ташкил қилади. Марказий банк ташкил топаётган турли банклар, чет эл банкларининг ваколатхоналарига тегишли фаолият юритиш учун лицензиялар беради. Марказий банк турли банкларнинг ҳисобларини олиб бориб, банклар муносабатларининг ҳисоб-китобларини амалга оширади, тижорат банкларнинг ҳисоботини олади ва таҳлилдан ўтказиб, улар фаолиятини назорат қилади.

Тижорат банклари хўжалик юритиш мавқеига кўра, акционерлик турдаги муассасалар ҳисобланади.

Бундай банклар ҳуқуқий мавқеига кўра, фаолиятининг бирор-бир турига хизмат кўрсатувчи, ихтисослашган ёки миллий бўлиши мумкин. Тижорат банклари ҳисоб-китобларни ўз миждозларининг хоҳиш-истаклари асосида юритади ва кредит беради. Банк чеклар бўйича ҳисоб-китоб олиб бориб, валюта, қимматбаҳо қоғозлар билан ўз фаолиятига монанд турли-туман ишларни амалга оширади. Ихтисослашган тижорат банклари иқтисодийнинг турли соҳаларида, ти-

жорат тамойилларида кредит-пул операцияларининг муайян турларини амалга оширади. Жумладан, республикада саноат-қурилиш банки саноат, транспорт, алоқа ва моддий-техника таъминот соҳаларида Замин, Ғалла, Пахта банклар – агросаноат комплекси тармоқларида, Тадбиркор банки майда ва ўрта бизнес кооператив ҳамда яқка тартибдаги меҳнат фаолияти бўйича кредит-пул операцияларини амалга оширади.

Халқ банки мамлакатда омонат ишларни ташкил этиш, нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш ва аҳоли учун касса вазифасини амалга оширади, аҳолининг шахсий эҳтиёжлари учун кредит бериш каби операцияларни бажаради.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки экспорт-импорт операцияларини бажаради, корхона ва муассасаларга кредит ажратиш, қўшма корхоналарга кредит беришда қатнашади, йиғма валюта режасининг ижросини, валюта ресурсларидан тежаб фойдаланишни назорат қилади, ташқи иқтисодий операцияларга оид ҳисоб-китобларни ташкиллаштиради.

Тижорат банклари тизимида тор ихтисослашган банклар, яъни инвестицион ва ипотека банкларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Инвестицион банклар махсус кредит муассасалари бўлиб, облигация ҳамда қарз мажбуриятларининг бошқа турларини чиқариш йўли билан узок муддатли ссуда капиталини жалб қилади ва уларни миждозларга такдим этади.

Инвестицион компаниялар ўзларининг қимматли қоғозларини чиқариш йўли билан ҳуқуқий инвестлар ресурсларини тўплайди ва уларни корхона (миллий ва чет эл)лар акция ва облигацияларига жойлаштиради. Бундай компаниялар тўлиқ инвесторлар манфаатини кўзлайди. Уларнинг асосий мақсади қўйилган капитал ҳисобига фойда олишдан иборатдир.

Ипотека банклари кўчмас мулк (ер ва иншоот) ҳисобига узок муддатли ссуда беришга ихтисослашган кредит муассасаларидир. Ипотека банкининг ресурслари ўзларининг ипотека облигациялари ҳисобига шаклланади. Олинган ссудадан уй-жой ва бошқа иншоотлар қуриш, корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш учун фойдаланилади. Барча тижорат банклари эҳтиёж (резерв)ларининг ҳажми ва таркиби бўйича Марказий банк томонидан ўрнатилган маълум талабларга жавоб бериб туради. Шундай қилиб, республика-мизда иқтисодиётнинг алоҳида соҳалари бўйича тижорат банклари

барпо этилиши билан бир қаторда, ихтисослашган молиявий кредит муассасалар ҳам ташкил қилинди. Шу асосда “Бизнес Фонд”, “Мадад” суғурта ва инвестиция компаниялари каби ихтисослашган молиявий-кредит муассасалари пайдо бўлди.

4-§. Банк ҳужжатлари

Сиёсий иқтисоднинг банк тизимида бир қанча ҳужжатлар асосида иш олиб борилади. Буларнинг асосийлари: чек, вексель, гаров шаҳодатномаси, кредит карточкаси. Қуйида шундай ҳужжатлар хусусида сўз юритилади.

Чек. Мол сотиб олиш, тижорат битимларига ҳақ тўлаш, турли бозор операцияларини ўтказиш учун фойдаланиладиган пул ҳужжати чек дафтарчаси кўринишида бўлади. Чек дафтарчаси банк ёки омонат кассаси томонидан у ерда мавжуд бўлган жорий ҳисоб ёки бошқа пул омонати асосида ва фақат омонат ҳажмида берилади. Чеклар банк пулларининг бир туридир. Уларни битишув пуллари (М2) қаторига киритиш мумкин. МДҲ мамлакатларида чеклардан, асосан, қимматбаҳо моллар, узок муддат фойдаланиладиган буюмлар, автомобиллар, музлатгичлар, квартиралар, мебель ва ҳоказоларга ҳақ тўлаш учун фойдаланилади. Исми шарифи ёзилган чеклар ёки кўрсатилган чеклар мавжуд (кейингисидан уларни ҳақ тўлаш учун тақдим этган ҳар қандай киши, банкда ҳисоб рақами бор-йўқлигидан қатъи назар, фойдаланиш ҳуқуқига эга). Узатма чеклар ҳам мавжуд. Уни фойдаланилган чекни тегишли расмийлаштиришдан сўнг ҳақ тўлаш учун бошқа сотувчига тақдим этиш ва ундан ўз навбатида, керакли молларни харид қилиш учун фойдаланиш мумкин.

Вексель. У тижорат-савдо операцияларида айирбошлаш ва муомала воситаси сифатида фойдаланиладиган кредит ҳужжатидир. Вексель (немисча *bechel* - “айирбошлаш; алмаштириш” маъносидаги сўздан ҳосил бўлган) бирор субъект (вексель эгаси)нинг бошқа бир субъектга берган қарзи суммаси ва уни тўлаш муддати ҳамда жойи кўрсатилган қонуний тартибда тузилган ҳужжатдир. Шу тариқа, савдо битими нақд пул ёки чек эмас, балки кредит ҳужжати бўлмиш вексель воситасида амалга оширилади. Бу ҳужжат кўрсатилган муддат тугаганидан сўнг вексель соҳибига вексель олувчидан унда кўрсатилган пулнинг қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқини беради.

Тўлов қобилиятига эга бўлган ҳар қандай бозор субъекти вексель чиқаришлари мумкин. Векселни эркин ҳолатда олди-сотди

қилиш, кредит тарзида ишлатиш ҳамда тўлов сифатида қонунийлик асосида ишлатиш мумкин. Бунда векселни бир субъектдан иккинчисига ўтказишда индоссант розилиги талаб этилади ва тегишли рўйхатдан ўтказилади. Вексель мустақил равишда тўлов қобилиятига эга бўлган ҳужжатдир. Векселлар икки хил бўлади: оддий ва узатма. Оддий вексель қарз олувчи томонидан кредиторга берилган қарзни тўлаш мажбуриятидир. Узатма вексель кредитор томонидан ёзилиб, кўрсатилган муддатда муайян миқдордаги пулни учинчи шахсга тўлашни кўрсатади. Векселлардан фойдаланиш маълум чегарага эга. Векселни тақдим этувчи шахс қарзини ўз вақтида тўлай олишига ишонч мавжуд бўлган ҳолдагина улар молга ҳақ тўлаш чоғида қабул қилиб олинади.

Гаров шаҳодатномаси. У савдо ва тижорат операцияларини амалга ошириш учун фойдаланиш мумкин бўлган кўчма ҳамда кўчмас мол-мулкнинг қарздор томонидан гаровга қўйилиши ҳақидаги кредит ҳужжати дир. Гаров шаҳодатномаси асосида банкдан нақд пул билан кредит ёки ссуда олиш мумкин. Шунингдек, ундан харид қилинадиган ҳақ тўлаш учун фойдаланса ҳам бўлади.

Кредит карточкаси. У кичик ўлчамдаги пластик ёки металл карточка кўринишдаги ҳужжат бўлиб, банкдаги ҳисоб соҳибининг шахсини тасдиқлайди ва унга нақд пуллар ёрдамисиз товар олиш ҳамда мол ва кўрсатилган хизматга ҳақ тўлаш ҳуқуқини беради. Жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг кўпчилиги савдо марказлари, дўконларида кредит карточкалари ёрдамида битимга келишиш мумкин. Шу билан бирга, кўчалар, автомобиль манзилгоҳлари, муассасалар қошида харид қилиш учун мўлжалланган махсус автоматлар, компьютер тизимлари ўрнатилганки, кредит карточкаси соҳиби улардан нақд пул ола олади. Масалан, XX асрнинг 80-йиллари АҚШда барча типлардаги 200 миллиондан ортиқ, Буюк Британияда салкам 30 миллион кредит карточкаси муомалада бўлган. МДХ мамлакатларида уларнинг сони, ҳозирча, салкам 30 минг дона.

Бозор иқтисодиёти шароитида банклар тўрт йўналишда асосий операцияларни амалга оширади: пассив операциялар, актив операциялар, банк хизматлари, банкларнинг ўзига хос хизматлари.

Пассив операциялар ёрдамида пул ресурслари жамланади, актив операциялар ёрдамида эса улар жойлаштирилади ва тақсимланади. Банкда пул ресурслари ўзига тегишли ва жалб этилган маблағлар ҳисобига шакллантирилади. Банкни таъсис этиш чоғида, шунингдек

фойда ва даромад олиш асосида ҳосил бўладиган капитал (таъсис капитали) унинг ўзининг маблағи ҳисобланади. Пул ресурсларининг асосий қисми жалб этиладиган омонатлар (депозитлар) ва бошқа банклардан келиб тушадиган маблағлар ҳисобига шакллантирилади. Депозитлар икки хил бўлади: йўқлаб олинувчи ва муддатли. Биринчиси омонатчи томонидан исталган пайтда йўқлаб олинishi мумкин бўлган пул маблағи бўлиб, тўлиқ фойдаланмаслиги эвазига қоплайди. Бунда қатъий касса қолдиғи ҳосил бўлади; банк томонидан турли иқтисодий субъектларга ссуда ва кредит сифатида берилади.

Иккинчи ҳолдаги депозитлар кўрсатилган муддатларга қўйилади. Бу муддат тугамагунча, миждоз пулини талаб қилиб олишга ҳақли эмас. Бундай ҳолда омонатчиларга, йўқлаб олинувчи омонатларга караганда, анча катта фоиз тўланади.

Юқорида таъкидланганидек, банк бошқа банклардан ссуда, кредит олиш йўли билан ҳам пул ресурсларини жалб этиши мумкин. Хусусан, марказий банк тижорат банкларига, агар улар ўзларининг тўловга қобил ва ишончли эканлиги хусусида кафолат бера олсалар, муайян фоиз ҳисобида кредит беради.

Банкнинг қуйидаги актив операциялари маълум:

– қисқа муддатли, ўртача муддатли ва онкол (биринчи талабдаёк тўланадиган), ссудалар, банкли (таъминламасдан) ва таъминланган кредитлар (кўчмас мулк, қимматбаҳо қоғозлар, гаров шаҳодатномалари ва ҳоказолар кўринишидаги гаров) бирор кафолат асосида бериш;

– турли қийматдаги векселларни ҳисобга олиш ва харид қилиш (банк векселда имзоси бўлган миждоз билан кредит муносабатларига кириб, векселни ундан, лекин векселда кўрсатилганидан анча паст нархда сотиб олиши мумкин; унда банк векселнинг тайин ва харид нархлари айирмасидан ҳосил бўладиган коммиссион ҳақ олади; одатда, банк қарздорга вексель бўйича тўлаш учун 90 кундан ошмайдиган муддат белгилаб беради);

– акцепт кредити (банк узатма векселга ўз имзосини қўйиб ва бу билан ўз зиммасига унда кўрсатилган пул суммасини кредиторга тўлаш мажбуриятини олиб, вексель бўйича тўловчига айланади; бу анча сийрак учрайдиган операциядир, чунки банк векселни фақат тўловга қобил миждозлардан олади);

– гаров кредити (кўчма ва кўчмас мулк, қимматбаҳо қоғозлар, қимматбаҳо металлар, ёзма мажбуриятлар векселларни гаровга олиб берилади);

– лизинг турли асбоб-ускуналар, техник воситалар, узоқ муддат фойдаланиладиган молларни ижарага бериш; бунда банк мазкур ускуна ва молларни сотиб олиб, ижарага берувчи сифатида чиқади; ижара шартномаси, одатда, 3-5 йилга тузилади; бунинг устига, ижарага топширилаётган мол бўйича рента тўловлари муддат охирида дастлабки нархидан ошиб кетади; айни шу тафовут банкнинг лизинг операциясидан оладиган, комиссиян даромадини ташкил этади);

– факторинг (мижоздан қарздорлик, қарз, мажбуриятларини сотиб олиб, қарздорлардан ундириш ҳуқуқларини ўзига ўтказиш);

– банклар мол-мулкини бошқариш (банк ўз зиммасига корхонанинг барча молиявий ва муҳосиблик операцияларини олиб бориш мажбуриятини олади; қимматбаҳо тошлар билан операцияларни уларни жойлаштириш, сақлаш ва кўпайтириш каби хизматларни ҳам кўрсатади).

Бозор иқтисодиёти муносабатлари тизимида банклар лойиҳавий молиялаш, илғор технология ва илмий-техник ахборотларни марказлаштириш каби хизматларни ва илмий-техника тараққиётни қувватлаб, ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этмоқда. Банкларнинг биржа фаолияти ривожланиб, қимматбаҳо қоғозлар билан алоқалари кучайиб, фаолиятида универсал ҳолат кучаймоқда.

Асосий таянч тушунчалар

Пул муомаласи – пулнинг ўз вазифаларини бажариш жараёнидаги узлуксиз ҳаракати, яъни унинг доимий равишда муомалада бўлиши.

Пул тизими – бирон бир мамлакатда тарихан таркиб топган ва шу мамлакатнинг миллий қонунчилиги билан мустаҳкамланган, мамлакатда пул муомаласининг ташкил қилишга хизмат қилувчи нақд ва кредит пуллардир.

Инфляция – қоғоз пул бирлигининг қадрсизланиши.

Кредит – бўш турган пул маблағларини ссуда фонди шаклида тўплаш ва уларни такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун қарзга бериш.

Банклар – пул маблағларини тўплаш, жойлаштириш ва уларнинг ҳаракатини тартибга солиш билан шуғулланадиган иқтисодий муассасадир.

Банк операциялари – пул маблағларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш бўйича амалга ошириладиган операциялар.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Пул муомаласи мазмунига таъриф беринг.
2. Муомала учун зарур бўлган пул миқдори қандай омиллар таъсирига боғлиқ бўлади?
3. Инфляциянинг мазмуни ва турларини тушунтиринг.
4. Кредит тушунчасининг мазмунини баён қилинг.
5. Кредитнинг асосий турлари ва уларнинг тавсифини беринг.
6. Кредит қандай вазифани бажаради?

XVII БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЁТ ЎЛЧАМИ. ЯЛПИ МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТ ВА УНИНГ ҲАРАКАТ ШАКЛЛАРИ. МИЛЛИЙ БОЙЛИК

1-§ Такрор ишлаб чиқариш ва унинг турлари

Такрор ишлаб чиқариш жараёни ижтимоий ишлаб чиқаришнинг узлуксизлиги ва унинг қайтадан тикланиб, такрорланиб, ривожланиб туришини таъминлайди. Такрор ишлаб чиқариш хилма-хил бўлиб, макроиқтисодиётнинг ҳамма бўғинларида бўлиб туради. У зиддиятли хусусиятга эга бўлиб, турли шаклларда намоёнлашади. Эҳтиёжларнинг мавжудлиги ва уларнинг доимо ўсиб бориши ишлаб чиқаришнинг узлуксиз такрорланиб туришини тақозо этади.

Бир томондан, жамиятда эҳтиёжнинг ўсиб бориш қонуни амал қилиб, доимо узлуксиз равишда қондириб борилади, ишлаб чиқаришнинг доимо такрорланиб туриши таъминланади. Иккинчи томондан, эҳтиёжнинг ўсиши ишлаб чиқариш ҳажмининг доимо ортиб боришини тақозо этади. Такрор ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширишда ишлаб чиқаришнинг иш кучи ва ишлаб чиқариш воситалари каби омиллари мавжуд бўлиши ва уларнинг қўшилиши кўзда тутилади.

Ишлаб чиқаришнинг шахсий омили бўлган иш кучи воситасида маълум миқдорда меҳнат сарфланади. Бундан кейинги меҳнат билан боғлиқ ишларни, вазифаларни бажариш учун иш кучини яна тиклаш керак. Ҳар бир ишлаб чиқариш жараёнининг қайтарилиши учун, ўз навбатида, тағин зарур эканлигидан ишлаб чиқариш воситалари ҳам мавжуд бўлиши керак.

Ишлаб чиқаришнинг такрорланиши учун ейилган машина, механизм, асбоб-ускуналар, эскирган бинолар, иншоотлар янгиланиб, алмаштирилиб турилиши, таъмирланиши керак. Такрорий ишлаб чиқариш жараёнида иш кучи ва ишлаб чиқариш воситаларининг мавжуд бўлиши билан бирга, уларнинг муайян тартибда мутаносибликда иш олиб бориши учун шарт-шароитлар ҳам яратилиши зарур. Ҳар қандай жамиятда иш кучи ва ишлаб чиқариш воситаларининг узлуксиз такрор ишлаб чиқариш жараёнининг умумиқтисодий шарти ҳисобланади. Мутаносиблик бузилган тақдирда ишлаб чиқариш издан чиқади, самарадорлиги пасайиб кетади.

Ишлаб чиқаришни тўхтовсиз равишда қайтадан бошлаш ва уни ривожлантиришнинг моддий асоси ижтимоий маҳсулотни такрор

ишлаб чиқаришдан иборатдир. Такрор ишлаб чиқаришда маҳсулот ҳаракатининг ҳамма фазалари, яъни ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва пировард истеъмолларнинг жамулжами қамраб олинади. Бозор иқтисодиёти муносабатлари тизимида, қонуний равишда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш шароитида навбатдаги ҳар бир ишлаб чиқариш циклидан ижтимоий маҳсулотнинг миқдори ортиб, таркиби ҳамда сифати жиҳатдан янада такомиллашган ҳолда чиқиб келади.

Жамиятда ишлаб чиқаришнинг узлуксиз ҳаракат қилиши жараёнида ишлаб чиқариш кучларининг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариши воқъе бўлади. У навбатдаги ҳар бир циклда меҳнат воситалари ва буюмларини ҳам, жами иш кучини ҳам макроиқтисодиётнинг турли бўғинларида ишлаб чиқаришни жорий этишда қайтадан бошланишини ва ўсишини тақозо этади. Такрор ишлаб чиқариш икки хил бўлади: оддий такрор ишлаб чиқариш ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш.

Оддий такрор ишлаб чиқаришда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдори, шунингдек унинг сифати навбатдаги ҳар бир циклда ўзгармай қолади. Шунга кўра, ишлаб чиқариш омиллари ҳам ўзгармайди. Яратилган кўшимча маҳсулот, агар у ҳосил қилинган бўлса, ишлаб чиқарувчиларнинг ўзлари томонидан шахсий истеъмол мақсадларида фойдаланилади.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш ҳажми навбатдаги ҳар бир ишлаб чиқариш циклида ўса боради. Натижада маҳсулотнинг сифати яхшиланишига, ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг ортиб боришига эришилади. Такрор ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилган миқёсда юзага келиши учун навбатдаги ҳар бир циклнинг бошида кўшимча ёки сифатлироқ ресурслар, яъни меҳнат қуролилари, иш кучи, хом ашё ва ҳоказолар керак бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида такрор ишлаб чиқаришнинг ўзига хослиги шундаки, киши жисмоний ва ақлий қобилият, профессионал тайёргарликка эга бўлган ходим сифатидагина эмас, балки муайян ижтимоий сифат ёки ижтимоий типга эга бўлган ходим (ёлланма ишчи, тадбиркор, мулк эгаси) тарзида ҳам қайтадан юзага чиқади. Бундай ҳолат ҳар қандай жамиятда ҳам узлуксиз такрор ишлаб чиқариш жараёнининг умумиқтисодий шартидир. Шу сабабли табиий ресурслар ҳамда кишилар яшайдиган муҳитнинг такрор ҳосил қилиниши ишлаб чиқариш жараёнининг таркибий қисми ҳисобланиб,

барқарор, узоқ муддатли иқтисодий ўсишнинг асосий омили бўлиб қолаверади. Сиртдан қараганда, табиий ресурслар битмас-туганмас-дек туюлади. Маълумки, табиат қанчалик бой бўлишига қарамай, унинг захиралари чексиз эмас. Ер юзидан миллионлаб йиллар давомида кишилар яшаб, ер қаъридаги ва юзиданги ресурсларни ўзлаштириб, фойдаланиб келишмоқда. Шуниси ҳам борки, баъзан табиий ресурслар аёвсиз, ваҳшийларча, қайта тикланмай фойдаланилаётганлиги натижасида камайиб бормоқда. Ҳатто ғоят нодир ресурслар, ҳаддан ташқари кўплаб фойдаланиш натижасида йўқолиб кетди ёки йўқолиб бормоқда. Айниқса, саноат революциясидан сўнг, хусусан XX аср илмий-техник революцияси натижасида табиат ресурсларидан фойдаланиш ғоят даражада тезлашиб ва кўпайиб кетди. Ҳозирги даврга келиб, табиий ресурслар ғоятда чекланиб бораётганлигини таъкидлаш лозим. Бундай ҳолат инсоният олдида муҳим муаммоларни келтириб чиқармоқда. Сўзсиз, келажак тақдири билан ҳисоблашиш керак. Акс ҳолда инсоният келажак хавф остида қолади. Айрим табиий ресурслар фақат баъзи мамлакатлар ҳудудида жойлашганки, булар шу мамлакатларнинг миллий бойлиги, миллий мулки ҳисобланади. Иқтисодий интеграциялар натижасида бундай бойликлар бошқа мамлакатларда, дунёнинг турли қитъаларида яшайдиган кишилар томонидан ҳам сотиб олинishi, айирбошлашлар орқали истеъмол қилиниши мумкин. Шу сабабли у ёки бу мамлакат, унинг халқи умуминсоний тараққиёт талабига мос равишда табиий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиши, исрофгарчиликка йўл қўймаслиги керак. Айрим меҳнат жамоалари, корхоналар, оилалар, ҳатто айрим шахслар мавжуд ресурслар, уларни ишлатиш, маҳсулот ишлаб чиқариш, уларга хўжалик сифатида эгаллик қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Демак, ресурсларни асраш, ўзига ва бошқаларга фойда келтирадиган қилиб ишлатиш, келажак учун асраш ҳар бир шахснинг асосий бурчи бўлиб қолади. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнининг таркибий қисмлари иқтисодий ўсишнинг табиий шароитлари (тупроқ унумдорлиги, ўрмон ресурслари ва бошқалар)ни такрор ҳосил қилишдан, шунингдек кишининг яшаш муҳитини сақлаб қолиш ва яхшилаш (ободонлаштириш)дан иборат.

Ҳозирги вақтда ҳам, келгусида ҳам ишлаб чиқаришнинг узлуксиз тикланиб бориши учун табиий ресурсларни доимий равишда такрор ишлаб чиқариш, яъни тупроқ унумдорлигини ошириш ва ўрмонларни тиклаб бориш, сув ва ҳаво ҳавзаларини тоза сақлаш

зарурлиги қисқа муддатдагина эмас, балки анча узоқ истиқболда ҳам ижтимоий ишлаб чиқариш узлуксизлигининг таъминланиши чекланиб бораётган ресурслар талабидан келиб чиқади. Буни такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ўзи борган сари кўпроқ экологик иқтисодий характерга эга бўлиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Такрор ҳосил қилиб бўлмайдиган ресурслардан, яъни нефть, газ, металл, руда ва бошқалардан тежамкорлик билан фойдаланиш, фан-техника тараққиёти асосида улар ўрнига бошқа энергия ва хом ашё материалларини ишлаб чиқаришда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Жамиятдаги иқтисодий қонунлар табиий ресурслардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб боради. Шунингдек, бу борада табиий қонунларнинг таъсири ҳам кучли бўлади. Моддий неъматларни кўпайтириш жамиятдаги иқтисодий муносабатларга боғлиқ. Чунки улар бойликни асраш, нес-нобуд этишдан иборат жараёнлар, хатти-ҳаракатларни юзага чиқаради. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўз ҳудудидаги бойликларнинг эгаси бўлиб қолди. Бойлик мулк сифатида ўз эгаси кўлида бўлганда эъзозланади ва авайлаб сақланади. Маълумки, ресурсларнинг бир қисми иқтисодий ресурслардир, яъни дастлабки меҳнат таъсиридан ўтган, бироқ ҳали пировард маҳсулот (тайёр маҳсулот)га айланмаган хом ашёлар шаклидадир. Пахта, пилла, қоракўл, жун, сабзавот, мева, ем-хашак, металл, ёқилғи ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Улардан қандай миқдорда пировард маҳсулот олиш, уларнинг сифатли бўлиши кўп жиҳатдан мавжуд технология, фан-техника ютуқларидан фойдаланиш даражаси, ходимларнинг малакаси, тажрибаси, меҳнати натижасидан манфаатдорлиги, ишга муносабати каби қатор омилларга боғлиқдир. Мавжуд хом ашёлардан кўзда тутилган сифатли маҳсулот олиш, кам чиқимли технология қўллаш, замонавий касб ва малакага эга бўлиш каби омиллар бозор иқтисодиётининг долзарб масалаларидир.

Ҳозирги даврда ишлаб чиқариш кучларини такрор ишлаб чиқариш бевосита бозор иқтисодиёти муносабатларининг такрор ҳосил бўлиши туфайли юз бермоқда. Бозор иқтисодиёти тизими муносабатларини ривожлантириш, сифат жиҳатдан такомиллаштириш кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг зарур шарти бўлиб қолиши керак.

Таҳлил этилган жараёнларнинг ҳаммаси реал ҳаётда ўзаро алоқада бўлиб, бир бутунликни ташкил этади. Шу билан бирга, таҳлил-

дан бу жараёнлардан ҳар бирининг нисбатан мустақил мазмунини анча чуқурроқ ўрганиш мақсадида алоҳида-алоҳида ажратиб олиш мумкин.

2-§. Миллий иқтисодиёт тушунчаси ва унинг кўрсаткичлари

Ўзбекистон танлаб олган йўл ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришдан иборат бўлиб, у республиканинг ўзига хос турмуш шароити, халқ анъаналарининг ўзгача шарт-шароитлари ва хусусиятлари ҳамда урф-одатларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда миллий иқтисодиётни шакллантиришга кенг йўл очиб берди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг хўжалик тизимини қайта қуриши, унинг таркибини ўзгартириб янгилаши лозим эди. Ўтиш даврининг дастлабки йилларида иқтисодий зиддиятлар ғоят кучли бўлганлиги туфайли амалдаги хўжалик юритиш механизми мазкур зиддиятларни бартараф эта олиши мумкин бўлмай қолган эди. Иқтисодий тараққиёт суръатлари кескин сустлашиб кетганлиги натижасида аҳолининг турмуш даражаси ниҳоятда пасайиб кетган эди.

Ўзбекистон иқтисодиёти бир ёқлама ривожланган бўлиб, пахта яккаҳокимлиги, хом ашё ва ярим фабрикат маҳсулотлар ишлаб чиқаришга асосланган, марказга қарашли аграр ўлкага айланиб қолган эди.

Республикадаги кўплаб корхоналар бевосита марказга бўйсунувида бўлиб, улар ишлаб чиқарган маҳсулотларни қайта ишлаш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол учун мамлакат ташқарисига олиб кетилар эди.

«Ўзбекистон бир ёқлама иқтисодиётга-марказга бутунлай қарам, издан чиққан иқтисодиётга эга бўлган»⁴⁵. Мустақилликка эришган Ўзбекистонда хўжалик тизимини қайта қуриш, уни ўзгартириш мамлакат ҳудудидаги барча табиий, минерал-хом ашё бойликларини, жамики иқтисодий ресурсларни халқ манфаати учун фойдаланиш имконияти вужудга келди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти тизимига асосланган янги, мустақил ривожланаётган, ўз халқи, миллати манфаатларига хизмат қиладиган миллий иқтисодиёт шаклланди.

Иқтисодиётда таркибий ўзгариш юзага келди: бир бутун янги энергетик ресурслар, машинасозлик ва бошқа саноат тармоқлари

⁴⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда, 6-бет

курилиб, ишга туширилди, кўплаб йирик иншоотлар, корхоналар, завод ва фабрикалар курилди.

Ҳар бир мамлакат иқтисодий ўсишга эришишни асосий мақсад қилиб қўяди. Чунки ҳар бир жамиятда аҳолининг эҳтиёжи доимо ўсиб боради. Бинобарин, ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва таркибий тузилиши ҳам доимо талабга мос бўлиб бориши, яъни мамлакат умумий ҳолда иқтисодий ўсишга эришиши зарур. Бу ҳолатда, биринчидан, иқтисодий ўсиш параметрлари миллий иқтисодиётнинг қанчалик даражада ривожланганлигига баҳо беради, иккинчидан, иқтисодий ўсиш мамлакатнинг ривожланиб, тараққий этиб боришини ифодалайди.

Ўзбекистон қисқа даврда ёқилғи ва ғалла мустақиллигига эришди. Натижада ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган янги, мустақиллиги таъминланган, ўз халқи, миллати манфаатларига хизмат қиладиган миллий иқтисодиёт шаклланди.

Миллий иқтисодиёт янги сифат ва ўсишга мойил бўлган барча ишлаб чиқариш тармоқлари ва соҳалари, функционал иқтисодиёт, кўплаб инфратузилмаларни қамраб олган яхлит иқтисодиётдир.

Миллий иқтисодиётнинг шаклланиши жараёнида фан-техника революцияси таъсирида нисбатан анча юқори ўсиш суръатига эга бўлган тармоқлар туркумининг вужудга келиши биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Нефть, нефть-кимё саноати, газ конденсати, табиий газ, рангли, нодир ва радиоактив металлар, минерал-хом ашё ва қурилиш материаллари, радиоэлектроника, ҳисоблаш техникаси ва замонавий тармоқлар ишлаб чиқариш кабиларнинг юзага келганлиги шундан далолат беради. Масалан, Ўзбекистон МДҲ давлатларида етиштиралаётган тилланинг 65, қоракўлнинг 40 фоизини ишлаб чиқаради.

Ўзбекистонда иқтисодий потенциалдан самарали фойдаланиш асосида яхлит миллий иқтисодиётни шакллантириш талаблари янги ижтимоий муносабатларнинг ўрнатилишини зарурият қилиб қўймоқда.

Бир бутун тизим сифатидаги миллий иқтисодиёт иқтисодиёт ҳамда бутун миллий хўжалик доирасида юз бераётган жараёнлар макроиқтисодиётни таҳлил қилиш асосида аниқланади.

Иқтисодиётда макродаражада хусусий сектор, давлат сектори, уй-рўзғор хўжалиги ва бошқалар, яъни турли хил мажмуалар (агрегатлар) ўрганилади. Бошқача айтганда, муайян белгиларга эга бўлган

иқтисодий бирликларнинг бирлашмалари ушбу туркумга тегишли фаолият кўрсатиш ва ривожланиш қонуниятлари билан биргаликда иқтисодиётнинг умумий тузилиши битта ягона иқтисодиёт сифатида қаралади. Бундай тушунча макроиқтисодий кўрсаткичларнинг тавсифини белгилаб беради. Шунини таъкидлаш жоизки, микро ва макроиқтисодиётлар хўжалик тайинлиги ва иқтисодий назариянинг бири-бирига боғланган соҳаларидир. Зеро, у ёки бу мамлакатнинг иқтисодиёт асосини, унинг қанчалик кенг миқёсда бўлишидан қатъи назар, айрим кишилар, оилалар, корхоналар меҳнати ташкил этади.

Демак, иқтисодиётни бир бутун ва яхлитликда ўрганишда унинг алоҳида таркибий қисмларини таҳлил қилиш усулидан четга чиқиб бўлмайди. Миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ҳажми ва уларнинг ўсиши қатор кўрсаткичлар тизими асосида микро-ва макроиқтисодий даражада аниқланиб текширилади.

Микро ва макроиқтисодий таҳлил асосида миллий иқтисодиётнинг маълум давр, вақт бирлиги оралиғида ишлаб чиқариш ҳажми ва унга таъсир кўрсатувчи омиллардан фойдаланиш имконияти туғилади.

Иқтисодий фаолиятнинг хилма-хил сифат ва миқдор тавсифлари иқтисодий кўрсаткичлар шаклида ифодаланади. Уларнинг энг тўлиғи, кенг қамровлиги ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ҳисобланади. Шундай кўрсаткичлар асосида жамиятда бир йил давомида ишлаб чиқарилган барча товарлар ва кўрсатилган хизматларнинг жами ҳақида тўлиқ фикр юритиш мумкин.

ЯММ сифат ва миқдор жиҳатдан муайян жамиятда кўзланган мақсадларни амалга ошириш учун бутун такрор ишлаб чиқариш жараёнининг моддий асосини яратади. Бозор иқтисодиёти тизими шароитида такрор ишлаб чиқариш жараёнини бошқариб, ЯММ ва унинг турли қисмлари таркиби ва уларнинг ишлаб чиқариш чиқимлари билан таққосланиши, эҳтиёжларни қондириш навбатининг белгиланиши тақозо этилади. Масалан, микрокўрсаткичлар ёрдамида фирмалар, корхоналар фаолиятига баҳо берилади ва улар иқтисодиётининг ривожланиш даражаси аниқланиб, макроиқтисодий кўрсаткичлар асосида бутун иқтисодиёт ҳолатининг ўсиши ёки пасайиши таҳлил этилиб, тегишли хулоса чиқарилади. Давлат макроиқтисодий кўрсаткичлар асосида ўз иқтисодий сиёсатини белгилайди. Унинг турли кўрсаткичлари маълум вақт оралиғида ишлаб чиқариш ҳажмини ҳисоблаш, яъни миллий иқтисоднинг ҳаракатига таъсир

кўрсатувчи омиллар таъсирини аниқлаш, шунингдек макроиқтисодий тизим, ЯММ ҳаракатининг барча, яъни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва истеъмол босқичларида акс этади.

Миллий иқтисодиётнинг ҳолатини белгиловчи макроиқтисодий кўрсаткичлар, яъни ялпи миллий маҳсулот (ЯММ), ички миллий маҳсулот (ИММ), соф миллий маҳсулот (СММ), миллий даромад (МД), иш кучи бирлиги, иқтисодий тангликлар, ишсизлик, пулнинг кадрсизланиши сингари бозор самарадорлиги ва жозибадорлиги жараёнлари бозорнинг макроиқтисодий бетакрорлиги муаммолари деб номланади.

Мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини аниқлашда кўпгина кўрсаткичлар мавжуд. Худди шундай кўрсаткичларнинг энг асосийси ЯММ кўрсаткичидир.

3-§. Ялпи миллий маҳсулот мазмуни ва уни ҳисоблаш усуллари

Ҳар бир жамият ўз олдига иқтисодиёт соҳасида иқтисодий ўсишнинг юксак суръатларига, йил давомида ишлаб чиқаришнинг муайян ҳажмига эришиш, изсизликни камайтириш, нархлар даражаси, савдо балансини барқарорлаштириш сингари мақсадларни кўяди. Белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун иқтисодиётга тегишлича таъсир кўрсатилиши керак. Ваҳоланки, унда юз бераётган жараёнларни билмасдан туриб, шундай даражага эришиб бўлмайди.

Жамиятда унинг ҳар бир аъзоси учун ишлаб чиқариш натижалари доимо бирламчи аҳамиятга эга. Жамият аъзоларининг ишлаб чиқариш фаолияти натижаси яратилган барча маҳсулотлар ва хизматларнинг мажмуидан иборатдир. Уларнинг фойдали хоссалари кишилар эҳтиёжларини қондира олиш хусусияти ёки уларнинг нафлигидадир. Иқтисодиёт назарияси фанида маҳсулотларнинг хусусиятига қараб ижтимоий ишлаб чиқариш иккита йирик бўлинмага ажратилиб таҳлил қилинади:

1-бўлинма – ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш;

2-бўлинма – истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш.

Ишлаб чиқаришнинг жами ҳажмини ялпи миллий маҳсулот ташкил этади.

Иқтисодий фаолиятнинг хилма-хил сифат ва миқдор тавсифлари иқтисодий кўрсаткичлар шаклида ифодаланади. Улар ичида энг тўлиғи, кенг қамровлиги ялпи миллий маҳсулот (ЯММ)дир. Унга

асосланиб, жамиятда бир йил давомида ишланган барча товарлар ва кўрсатилган хизматларнинг жами ҳақида фикр юритиш мумкин.

Ялпи миллий маҳсулот миллий иқтисодиётнинг бир йил давомида вужудга келтирилган ва бевосита истеъмолчиларга етказиб берилган тайёр товар – пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор баҳосидаги қийматидан иборатдир.

Ялпи миллий маҳсулот пул шаклидаги барча моддий ишлаб чиқариш тармоқларида йил давомида яратилган маҳсулотлар ва хизматлар йиғиндисидан ташкил топади. ЯММ икки қисмдан иборат: 1) ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш воситаларининг етказилган маҳсулотларга ўтказган қиймати, хом ашё, ёқилғи қийматлари ва амортизация ажратмаси; 2) ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг иш ҳақи билан фойда йиғиндиси (миллий даромаднинг янгидан яратилган қиймати).

Макроиқтисодиёт ўзининг вазифаси нуқтаи назаридан икки соҳадан, яъни моддий ва номоддий ишлаб чиқариш- ижтимоий-маданий соҳалар мажмуидан иборат. Шундай қилиб, моддий неъмат яратувчи тармоқлар жумласига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, алоқа, савдо ва умумий овқатланиш, техник таъминот кабилар кирди. Ижтимоий-маданий соҳа тармоқлари, яъни маданият, маориф, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, фан, бошқарув, уй-жой хўжалиги, маиший хизмат сингарилар эса номоддий соҳа таркибини ташкил қилади.

Таъкидлаш жоизки, нархлар даражасининг ўзгариши ҳам макроиқтисодий таҳлил учун катта аҳамият касб этади. Чунки, биринчидан, иқтисодий қарорларни онгли равишда қабул қилиш учун нархлар даражаси вақтнинг муайян даври мобайнида қай тарзда ўзгаришини, унинг ошаётган (инфляция)лиги ёки пасаяётган (дефляция)лиги ва қандай меъёрларда бораётганини билиш зарур. Иккинчидан, бозор иқтисодиётида жамиятда барча ишлаб чиқилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар қиймат (пул)да ўз ифодасини топади. Бундай ҳолат айти шу кўринишда статистика томонидан қайд этилади; пул кўрсаткичлари, кўпроқ, ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг турли хил компонентларини ягона ўзакка келтиришда фойдаланилади.

Нархлар даражаси индекс кўринишида ифодаланади. Бундай индекс товарлар муайян мажмуи нархларининг ўртачаси ҳисобланган қийматини билдиради. У муайян бир давр ичида нархлар ўртача даражасининг нисбатан ўзгаришини кўрсатади ва жорий йил нарх-

ларини база сифатида танланган бирор бошқа йил нархлари билан таққослаш имконини беради. Ушбу кўрсаткичнинг энг умумий тенгламаси қуйидагичадир:

$$\text{Нархлар индекси} = \frac{\text{Жорий йил нархлари}}{\text{База йили нархлари}} \times 100 \%$$

Иқтисод фани ва амалиётда турли таркибдаги нархлар индексларининг анчагина миқдори ишлаб чиқилган бўлиб, кенг қўлланилмоқда. Улар ичида энг кўп тарқалганлари истеъмол нархлари индекси, ишлаб чиқаришга мўлжалланган товарлар нархларининг индекси, ЯММ дефлятори ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий миқёсини аниқлаш учун ЯММ ва унинг пул шаклида ҳисобланадиган таркибий қисми бўлмиш СММ ва МДни нархлар ўзгариши таъсиридан ҳоли этиш керак. Маҳсулотнинг пулда ҳисобланган ҳажми нарх даражасига нисбатан тўғри мутаносибликда ўсади. Маҳсулот миқдори ўзгармай туриб нарх ошса, унинг пулдаги ҳажми ҳам ортади. Демак, маҳсулотнинг моддий ҳажми унинг пулдаги ҳажмига тўғри келмай қолади. Шу сабабли номинал ва реал ЯММнинг нархлари мавжуд. Пулда ифодаланган ва муайян нархларда ҳисобланган маҳсулот номинал ЯММ деб юритилади. Номинал маҳсулот ҳажми маҳсулотнинг моддий миқдори ва нархига боғлиқдир. Жамият эҳтиёжини моддий шаклдаги маҳсулот қондиради. Истеъмол учун маҳсулотнинг ўзи қанча туриши эмас, балки унинг миқдори ва сифатига қараб истеъмол юз беради. Ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий моддий ҳажмини реал ЯММ белгилайди. Реал ЯММ нарх ўзгариши назарда тутилиб ҳисобланган, ишлаб чиқаришнинг амалдаги миқёсини ифодаловчи маҳсулотдир. Реал ЯММ ҳисобланганда нархнинг ўзгариши эътиборга олинади. Шунга қараб, номинал маҳсулот ҳажми ортган пайтда реал маҳсулот камайиши ҳам мумкин. Бу номинал маҳсулот ҳажми билан нархлар ўзгариши ўртасидаги нисбатдир. Агар номинал маҳсулот ҳажмига нисбатан нархлар секин ўсса, реал маҳсулот кўпаяди ва аксинча.

Фоизли ставка муҳим макроиқтисодий кўрсаткич ҳисобланади. Бу кредитга бериладиган пул учун тўлов, тўғрироғи, йил давомида фойдаланилган бир пул бирлиги учун тўлаш талаб қилинадиган сумма бўлиб, фоиз меъёрининг миқдори бутун бир қатор омиллар ёрдамида аниқланади. Булар қуйидагилардан иборат: биринчидан, кредит берувчининг таваккал қилиш даражаси қанча юқори, яъни

қарз олувчи ссудани тўламаслик эҳтимоли қанча катта бўлса, ссуда фоизи ҳам шунча юқорилашади; иккинчидан, бошқа тенг шароитларда узок муддатли ссудалар, одатда, қисқа муддатли ссудаларга қараганда анча юқори фоиз билан берилади; учинчидан, таваккал қилиш даражаси ва кредит муддатида фоизли ставка ссуданинг миқдорига боғлиқ бўлади; тўртинчидан, ссуда фоизи даражасига капиталдан олинган даромадларга солинувчи солиқ хусусияти жиддий таъсир кўрсатади. Солиқ нормаси қанча паст бўлса, фоизли ставка ҳам шунча паст бўлиши мумкин.

Номинал ва тайин фоизли ставкалар мавжуд. Номинал ставка «жорий» пуллардаги фоизли даромаднинг ссуда миқдорига амалдаги нисбатидир. Тайин фоизли ставка пул қадрсизланишининг даражасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Ижтимоий тизимда муомаладаги пулларнинг миқдори пул масасининг ҳажмий кўрсаткичи ҳам катта аҳамият касб этади. Иқтисодиётнинг инфляциясиз фаолияти учун пул миқдори унга бўлган талабга мувофиқ келиши керак. Талаб узок муддатли истикболда жамиятда ҳосил қилинган даромад ҳажми ва ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари, шунингдек пул бозори мувозанатида бўлган чоғда мавжуд нархлар даражаси билан белгиланади. Қисқа муддатли талаб эса, бундан ташқари, фоизли ставкалар даражаси ва пул муомаласининг тезлигига боғлиқдир. Санаб чиқилган барча омиллар давлат томонидан пул муомаласини ташкил этиш чоғида ҳисобга олиниши керак, албатта.

Асосий макроиқтисодий муаммолар ва кўрсаткичлар билан танишиб чиқилгандан сўнг иқтисодиётни бир бутун сифатида янада батафсил ўрганишга киришиш мумкин. Буни, биринчи галда, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажмини тавсифловчи жиҳатларни ўрганишдан бошлаш керак. Чунки хўжалик ҳаётининг кўпгина бошқа томонлари унинг миқдор ва сифат даражалари билан белгиланади.

Жамиятнинг иқтисодий фаровонлиги кўрсаткичларини аниқлашда ёрдам берадиган анчагина кўрсаткичлар мавжуд. Бироқ, юқорида таъкидланганидек, улар ичида энг яққол кўрсаткич ЯММ дир. Миллий ҳисоб-китоблар тизимида асос қилиб олинган ЯММ иқтисодиётда бир йил ичида ишлаб чиқилган пировард товарлар ва кўрсатилган хизматлар бутун ҳажмининг ялпи бозор қиймати сифатида аниқланади. Бунда шуни эътиборда тутиш керакки, жорий йилда

ишлаб чиқарилган товарларнинг ҳаммаси ҳам сотилган бўлиши шарт эмас, чунки уларнинг баъзилари захирани тўлдиради. ЯММни ҳисоблашда захираларнинг ўсиши ҳам эътиборга олинмиши керак. Негаки, айти шу кўрсаткич ёрдамида ҳосил қилинган барча маҳсулот, сотилган-сотилмаганидан қатъи назар, ўлчанади.

Маҳсулотларнинг кўпчилиги истеъмолчига етиб боргунча бир неча ишлаб чиқариш босқичидан ўтади. Натижада товарларнинг айрим қисм ва компонентлари қайта-қайта сотилиши ва сотиб олинмиши мумкин. Ишлаб чиқаришнинг ялпи ҳажмини ҳисоблаш чоғида товарлар қисмларининг қайта-қайта ҳисобга олинмиши билан боғлиқ хатоларга йўл қўймаслик учун ЯММ таркибига фақат пировард маҳсулотларнинг қиймати киритилади.

Пировард маҳсулот деб товар ва хизматларни охириги истеъмол учун сотиб олинмаган маҳсулотлар тушунилади. Оралиқ маҳсулотлар эса сотиб олинган товар ва хизматларни яна қайта ишлаш учун сотиб олинган маҳсулотлардан иборатдир. ЯММда оралиқ маҳсулотларнинг охириги сотилиш қиймати ҳисобга олинади. Оралиқ қиймат эса ҳисобга олинмайди. Чунки у ҳисобга олинган тақдирда, айрим маҳсулотларни икки ёқлама ҳисобга олиш рўй беради. ЯММга ноишлаб чиқариш ишлари ҳам қўшилмайди. Ноишлаб чиқариш 2 турда бўлади: а) соф молиявий ишлар; б) ушлаб турилган товарларни сотиш. Молиявий ишлар, ўз навбатида, 3та асосий турга бўлинади: а) тўловлар; б) хусусий трансферт тўловлар; в) қимматбаҳо қоғозлар сотиш. Ижтимоий суғуртага тўловлар, ишсизлар ва пенсионерларга нафақалар давлат бюджетидан ажратиладиган трансферт тўловлар жумласига киради. Бундай тўловларнинг асосий хусусияти шундаки, давлат нафақахўрларнинг нафақаси эвазига ҳеч нарса бермайди.

Хусусий трансферт тўловлар жумласига талабаларга берилмайдиган ойлик стипендия ва бой қариндош-уруғлардан берилмайдиган бир марталик ҳадялар киради. Қимматбаҳо қоғозларни сотиш, яъни акция ва облигацияларни сотиш ҳам ЯММ таркибига киритилмайди.

Захирада ушлаб турилган товарларни сотиш ЯММ таркибига киритилмайди, чунки бундай товарларни сотиш жорий ишлаб чиқаришни билдирмайди. Шундай йўл тутилганда товарлар икки мартаба, яъни такрор ҳисобланган бўлиб чиқади.

ЯММни ҳисоблашда икки томонлама ёндашилади. Биринчидан, ЯММни ҳисоблаш истеъмолчиларнинг янгидан яратилган пировард маҳсулотларни сотиб олишига кетган барча харажатлари миқдори

бўйича аниқланади. Бу усул ЯММни харажатлар бўйича ўлчаш усули дейилади.

Иккинчидан, ЯММни ҳисоблашда товар ва хизматларни ишлаб чиқариш жараёнида яратилган даромадларнинг йиғиндиси миқдори билан аниқланади. Бу усул ЯММни даромадлар ёрдамида аниқлаш усули дейилади.

ЯММ таркибига экспорт товарлари кўшилади, импорт товарлари эса ундан чегириб ташланади. ЯММ ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳажмини бўрттириб кўрсатади, чунки у нафақат янгидан олинган маҳсулотни, балки янгидан ишлаб чиқариш учун кетган маҳсулотни ҳам ўз ичига олади. ЯММ таркибида, шунингдек ишлаб чиқариш учун фойдаланилган инвестицион товарлар, яъни сарфланган воситалар ўрнини қопловчи маҳсулотлар ҳам мавжуд. Шу сабабли янги ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажмини соф миллий маҳсулот белгилайди. СММ миқдори ялпи миллий маҳсулотдан амортизация ажратмалари чегириб олингандан сўнг қолган қисмига тенг бўлади, яъни:

$$ЯММ - Aa = СММ$$

Бунда:

Aa- амортизация ажратмалари.

Мана шу миқдор соф миллий маҳсулотни ташкил этадики, у халқ истеъмоли ва ишлаб чиқариш омилларининг ортиб боришини таъминлайди.

ЯММ дейилганда, пировард маҳсулот ва хизматлар англатади, яъни истеъмолга тайёр ҳаётини неъматлар тушунилади. Шу сабабли қайта ишлаш ёки қайтадан сотишга мўлжалланган маҳсулотлар бунга кирмайди. Жами ижтимоий маҳсулот ҳам борки, у пировард натижани билдирмайди, чунки унинг таркибида қайта ишланадиган оралик маҳсулот мавжуд. Бир неча бор қайта ишланадиган маҳсулотларнинг қиймати жами ижтимоий маҳсулотдан чегириб ташланади, натижада ЯММ рўёбга чиқади. Пировард маҳсулот деб товар ва хизматларни охириги истеъмол учун сотиб олинган маҳсулотлар тушунилади. Оралик маҳсулотлар эса сотиб олинган товар ва хизматларни яна қайта ишлаш учун сотиб олинган маҳсулотлардан иборатдир. ЯММда оралик маҳсулотларнинг охириги сотиш қиймати ҳисобига олинади. Оралик қиймат эса ҳисобга олинмайди. Чунки у ҳисобга олинса, айрим маҳсулотлар икки ёқлама ҳисобга олинган бўлади. ЯММга ноишлаб чиқариш натижалари ҳам кўшилмайди. Ноишлаб чиқариш икки турда бўлади: а) соф молиявий ишлар; б)

ушлаб турилган товарларни сотиш. Молиявий ишлар ўз навбатида уч асосий турга бўлинади. Давлат бюджетидан трансферт тўловлар, хусусий трансферт тўловлар ва қимматбаҳо қоғозлар сотиш. Давлат бюджетидан трансферт тўловларга ижтимоий суғуртага тўловлар, ишсизларга ва пенсионерларга нафақалар. Давлат трансферт тўловларнинг асосий хусусияти шундаки нафақахўрлар нафақа эвазига давлатга ҳеч нарса бермайди.

Икки мартаба ҳисоблашга йўл қўймаслик учун ЯММга фақат ҳар бир корхона томонидан яратилган қўшилган қиймат киритилиши керак. Қўшилган қиймат корхона томонидан ҳосил қилинган маҳсулотнинг бозор нархи бўлиб, ундан етказувчилардан сотиб олинган ва истеъмол қилинган хом ашё ҳамда материаллар қиймати чиқариб ташланади. Шундай қилиб, барча корхоналар томонидан барпо этилган қўшимча қийматларни қўшиш билан ЯММни ҳисоблаб чиқиш мумкин.

Юқорида ялпи миллий маҳсулот ҳақида умумий тасаввур берилган эди. Энди ишлаб чиқариш бутун ҳажмининг бозордаги қиймати қандай қилиб ўлчаниши мумкинлиги масаласини кўриб чиқамиз. Буни қуйидаги икки усул ёрдамида амалга ошириш мумкин: биринчидан, истеъмолчи маҳсулотнинг пировард фойдаланувчиси сифатида уни харид қилиш учун қанча сарфлаши ҳисобланади, иккинчидан, ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил этилган бутун иш ҳақи, рента тўловлари, ссуда фоизи ва фойда қўшиб чиқилади. Бошқача айтганда, ЯММ жорий йилда сотилган маҳсулотнинг бутун ҳажмини харид қилиш харажатларини қўшиш ёки жорий йилдаги маҳсулотнинг бутун ҳажмини ишлаб чиқаришдан олинган даромадни қўшиш воситасида аниқланиши мумкин. Буни оддий тенглама шаклида қуйидагича ифодалаш мумкин:

Ушбу йилда ҳосил қилинган нарсаларни харид қилиш харажатларининг ҳажми	=	Ушбу йил маҳсулотини ишлаб чиқаришдан олинган пул даромади
------------------------------------------------------------------------	---	------------------------------------------------------------

Харид, яъни пул сарфи ва маҳсулотни сотиш - пул олиш битта битимнинг икки томонидир. Маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфланган нимадир учун унга ресурс ажратган ва бу маҳсулотни бозорда сотаётганларга даромад ҳисобланади. Ушбу ҳолатни жадвал кўринишида қуйидагича ифодалаш мумкин.

ЯММни ҳисоблашда икки хил ёндашиш:

Ишлаб чиқариш ҳажми, ёхуд товар ва хизматларни харид қилиш харажатларининг йиғиндиси бўйича ҳисоблаш	Товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида ҳосил этилган даромад ёки даромадлар йиғиндиси бўйича ҳисоблаш
Шахсий истеъмол харажатлари (п) Ялпи хусусий ички инвестициялар (Ив) Товар ва хизматларнинг давлат хариди (Д) Соф экспорт (Эс)	Истеъмол қилинган капитал ҳажми Бизнес учун эгри солиқлар Иш ҳақи Ижара тўлови
Ялпи миллий маҳсулот	Фоиз Якка тартибдаги маблағлардан олинган даромад Корпорациялар фойдасига солинган солиқ Дивидендлар Корпорацияларнинг тақсимланмаган фойдалари
	Ялпи миллий маҳсулот

Жадвалдан кўриниб турибдики, пировард маҳсулотларнинг ҳаммаси ё мамлакат ичида – уй хўжаликлари, давлат ва бизнеслар, ёхуд хорижлик истеъмолчилар томонидан харид қилинар экан. Жадвалдан даромадни тўлаш билан боғлиқ бўлмаган маблағларни тақсимлашнинг икки туридан ташқари ишлаб чиқариш омилларининг соҳиблари ўртасида тақсимланиш ҳолати ҳам маълум бўлади. Юқорида баён этилганларни эътиборга олиб, турли кўринишдаги харажатлар ва улардан олинган даромадларнинг мазмунини батафсилроқ қараб чиқиш мумкин.

ЯММни харажатлар бўйича ҳисоблаш.

ЯММни ишлаб чиқариш харажатлари бўйича ҳисоблашда, асосан, пировард маҳсулот ва хизматларни яратишга кетган барча харажатлар эътиборга олинади. Булар қуйидагилардан иборат: биринчидан, уй-хўжалигининг истеъмол харажатлари ўз ичига:

- узоқ муддатли фойдаланиладиган истеъмол буюмларини;
- кундалик фойдаланиладиган истеъмол буюмларини;
- истеъмол қилинган хизматларга кетадиган харажатларни қамраб олади.

Иккинчидан, ялпи ички хусусий инвестиция харажатлари:

- асбоб-ускуналар сотиб олиш,

– корхоналар, омборлар, турар-жой биноларини куришга сарфланган харажатлар,

–товар захиралари ўртасидаги фарқлар ёки захираларнинг ўзгаришларидан иборат.

Учинчидан, товар ва хизматларнинг давлат хариди. Бу гуруҳдаги харажатларга давлатнинг барча харажатлари, яъни маҳаллий ва марказий бошқарув ҳокимияти идоралари томонидан корхоналарнинг пировард маҳсулотлар ва ресурслар хариди (курол-яроғ сотиб олиш, автомобиль йўллари ва почта муассалари курилиши, давлат корхоналарида тўланадиган иш ҳақи) киритилади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, бу харажатларга давлат транспорт тўловлари киритилмайди.

Тўртинчидан, соф экспорт ёки мамлакатнинг импорт ва экспорт операциялари ўртасидаги фарқ.

Шундай қилиб, ЯММни харажатлар орқали ҳисоблаш кўрсатиб ўтилган тўртта гуруҳ харажатлари орқали олиб борилад экан. ЯММнинг харажатлар бўйича кўрсаткичлари қуйидаги формула билан аниқланади:

$$ЯММ = C + I_g + G + X_n$$

Бунда:

ЯММ – ялпи миллий маҳсулот;

C – уй хўжалиги истеъмол харажатлари;

I_g – ялпи ички хусусий инвестиция харажатлари;

G – товар ва хизматлар бўйича давлат хариди;

X_n – соф экспорт.

ЯММни ишлаб чиқарувчиларнинг барча даромадлари йиғиндиси кўринишида ҳисоблашда, асосан, қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади. Биринчидан, истеъмол қилинган капитал ҳажми ёки амортизация (A), яъни жорий йилдаги ЯММни ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган инвестиция товарларни сотиб олишга мўлжалланган ажратмалардан иборат.

Иккинчидан, бизнесга солинадиган эгри солиқлар (T) маҳсулот баҳосини оширувчи ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобланади. Сотишдан олинган солиқ, акцизлар, мулкка солиқлар, лицензия тўловлари ва божхона божлари шулар жумласидандир.

Учинчидан, ёлланма ишчиларнинг иш ҳақлари (W), яъни хусусий ва давлат компанияларининг иш ҳақини тўлашга сарфлаган уму-

мий харажатлари (иш ҳақи ва унга қўшимчалар, ижтимоий суғурта, пенсия, бандлик ва бошқа ижтимоий фондларга ажратмалар, бадаллар).

Тўртинчидан, ижара ҳақи (R1). Бу иқтисодий мулк ресурслари билан таъминловчи уй хўжаликларининг даромадларидир. Масалан, ижарага берилган турар жойлар, бинолар, асбоб-ускуналар, ер ва бошқалардан олинадиган даромадлар.

Бешинчидан, фоиз ставкалари ёки фоиз даромадлари (R), яъни пул капиталини етказиб берувчиларга хусусий бизнес даромадидан олинадиган пул тўловлари.

Олтинчидан, мулкдан келадиган даромад ёки фойда (P). Бу мулк эгаларининг даромадлари ва корпорацияларнинг олган фойдалари (TR)дан иборат. Ўз навбатида, корпорацияларнинг фойдалари қуйидагилардан ташкил топади:

- корпорацияларнинг олган фойдасига солиқ ёки фойда солиғи;
- ҳиссадорлар ўртасида тақсимланадиган дивидентлар (P1);
- тақсимланмаган фойда (P2)/

Шундай қилиб, ЯММни даромадлар асосида ҳисоблашда қуйидаги формула қўл келади:

$$ЯММ = A + T + W + R1 + R + P - TR + P1 + P2$$

Мамлакат миллий ҳисобчилик тизимида ЯММ кўрсаткичларидан ташқари яна бир нечта бир-бири билан алоқадор бўлган кўрсаткичлар ҳам мавжуд. Улар миллий ҳисобчилик тизимидаги тушунчаларни кенгайтириш учун хизмат қилади. Бу кўрсаткичларга ЯММ, СММ, МД ихтиёрдаги даромад ва солиқлар тўлангандан кейинги даромадларни киритиш мумкин.

ЯИМ ҳам ЯММ каби моддий ишлаб чиқариш ва хизматлар натижасидан ташкил топади. ЯИМ бирор мамлакат ҳудудида жойлашган корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқарган товар ва хизматларнинг умумий йиғиндисидан иборатдир. ЯИМнинг ЯММдан фарқи муайян мамлакат юридик ва жисмоний шахсларининг хориждан оладиган фойда ва даромадлари ўртасидаги фарқлардан иборатдир, яъни:

ЯММ+	ЯИМ+	шу мамлакат юридик ва жисмоний шахсларнинг хориждан оладиган фойда ва	+	хорижий инвесторлар ва ишчиларнинг шу мамлакатда олган фойда
------	------	-----------------------------------------------------------------------	---	--------------------------------------------------------------

ЯММни ҳисоблашда айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Масалан, ҳисобот йилида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот миқдоридан шу маҳсулотларни ишлаб чиқаришда истеъмол қилинган асосий ишлаб чиқариш воситаларининг қиймати, яъни амортизация қиймати ҳисобга олинмайди. Шунинг учун ҳам миллий ҳисобчилик тизимида СММ кўрсаткичи асосий ҳисобланади. СММнинг ЯММдан фарқи, юқорида айтганимиздек, амортизация ажратмалари миқдорига тенглигидадир, яъни:

$$ЯММ - Aa + СММ$$

Бу ерда: Aa – амортизация ажратмаси.

4-§. Миллий даромад, унинг таркиби ва ундан фойдаланиш

Жами ижтимоий маҳсулот ҳар хил қисмларга бўлинади. Бундай маҳсулот қийматининг бир қисми ишлаб чиқаришда истеъмол этилган ишлаб чиқариш фондлари ва айланма фондларни қоплашга ажратилади. Буни қоплаш фонди деб юритилади.

Қоплаш фонди ишлаб чиқаришда фойдаланилган ишлаб чиқариш воситаларининг маҳсулотга ўтказган қийматига тенгдир. Жами миллий маҳсулот қийматидан истеъмол этилган ишлаб чиқариш воситаларининг қиймати чегириб ташланса, яъни $ЯММ + амортизация$ йиллик суммаси = $СММ$ ҳосил бўлади.

Соф миллий маҳсулот икки қисмдан иборат: 1) зарурий маҳсулот; 2) қўшимча маҳсулот. Зарурий маҳсулот моддий неъматлар ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг ўз меҳнати туфайли яратилади. У ишлаш қобилиятларини тиклаш, оилани боқиш учун кетадиган маҳсулотдир. Озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жойларни сақлаб туриш, маданий ва ижтимоий эҳтиёжлар, экологик заруриятларга сарфланадиган чиқимларни қоплашга кетадиган маҳсулотлар ҳам зарурий маҳсулот жумласига киради.

Қўшимча маҳсулот зарурий маҳсулотдан ортиқча бўлган маҳсулотдир. Бинобарин, зарурий маҳсулот иш кучи эгаларига қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ашёвий соҳиблари даромадидаги ҳиссаси орқали тегади. У ер эгасига рента, капитал эгасига фойда ва фоиз, иш кучи эгасига иш ҳақи тариқасида реаллашади. Миллий даромад миллий ишлаб чиқаришдан олинадиган даромад ёки ижтимоий ишлаб чиқаришдаги барча даромадлар турларининг йиғиндис-

дан иборат. Бу билан ресурсларни, яъни ер, иш кучи, капитал, шунингдек бошқарув фанларини етказиб берувчиларининг ҳисобот йилида оладиган даромадлари миқдори қанчага ташкил қилиниши аниқланади.

МД, моддий жиҳатдан олинганда, ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларидан иборат бўлиб, зарурий ҳамда қўшимча маҳсулотларнинг асосий қисмини ўз ичига олади. МД ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий миқёсини билиш учун пул шаклида ҳисобланади, таркибий қисмидан айрим қўшилмаларни чегириб ташлаш керак.

Фақат бизнесга солинадиган эгри солиқларгина жорий йилдаги иқтисодий ресурслар СММ таркибига киритилмайди. Шунини айтиш жоизки, давлат ўзи оладиган бизнесга эгри солиқлар ўрнига ишлаб чиқаришга ҳеч нарса қўймайди, яъни давлат иқтисодий ресурслар таъминотчиси сифатида қаралмайди. Демак, жорий йилда яратилган ЯММ таркибидан иш ҳақи, рента тўловлари, фоиз ва олинган фойдаларнинг умумий миқдорини аниқлашда СММ таркибидан бизнесга солинадиган эгри солиқлар миқдорини чегириб ташлаш керак. Бундан қолган қолдиқ МД ҳисобланади.

Шундай қилиб, ресурслар билан таъминловчилар нуқтаи назаридан МД жорий йилда ишлаб чиқаришда қатнашиш натижасида олинган даромадларни ўлчашни билдиради. Компаниялар нуқтаи назаридан эса у ишлаб чиқариш омиллари ёки ресурсларининг баҳосини ўлчашни билдиради. МД жорий йилда ишлаб чиқаришга кетган иқтисодий ресурсларнинг бозор баҳосини кўрсатади:

$$СММ - эгри солиқ = МД$$

Бундан МД СММдан бизнесга эгри солиқни чегириб ташлангандан кейин қолган қисмдан иборат эканлиги маълум бўлади.

Такрор ишлаб чиқаришда айнан ана шу босқични: ишлаб чиқариш, тақсимот, муомала ва фойдаланиш босқичларини ўтайди. Унинг ҳажми сарфланган меҳнат, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш воситаларининг тежамлигига боғлиқ.

Миллий даромад моддий неъматлар ишлаб чиқарувчи корхоналарда ва кўрсатилган хизматлар қийматининг йиғиндисидан, моддий неъматларни ишлаб чиқариш тармоқларида иш ҳақи ва фойда шаклида янгидан яратилган қийматлардан иборатдир.

Саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, юк транспорти ва алоқа, савдонинг (ишлаб чиқариш давоми бўлган қисми) ва бошқалар миллий даромад яратувчи тармоқлар жумласига киради.

Бозор иқтисодиётига ўтиш натижасида мулкнинг турли-туман шакллари вужудга келди. Шу муносабат билан миллий даромаднинг яратилиши, ижтимоий таркиби жамиятда бутунлай ўзгариб кетади. Миллий даромаднинг тақсимланиши ва фойдаланилиши унинг ҳажми ва таркибига боғлиқдир.

МДни икки марта ҳисоблашга йўл қўймаслик даркор. Маълумки, маҳсулотларнинг кўпчилиги истеъмолчига етиб боргунча, бир неча ишлаб чиқариш босқичидан ўтади. Натижада товарнинг айрим қисми ва компонентлари қайта-қайта сотилиши ва сотиб олиниши мумкин. Ишлаб чиқаришнинг ялпи ҳажмини ҳисоблаш чоғида бундай товарлар қисмларининг қайта-қайта ҳисобга олиниши билан боғлиқ хатоларга йўл қўймаслик учун ЯММ таркибига фақат пировард маҳсулотларнинг қиймати киритилади.

Икки маротаба ҳисоблашга йўл қўймасликда ҳар бир корхоналар қўшилган қиймат устидан эътибор билан қараб туриш, соф молиявий битимлар товарлар ва хизматлар этмаслигини ҳисобга олиб, улар ҳам ЯММ ни ҳисоблашда киритилмайди.

ЯММ ва МДларнинг ўсиши таҳлил қилинганда жорий ва ўзгармас баҳолардан фойдаланилади. Миллий даромад амалдаги жорий баҳода ҳисобланган бир йил ичида яратилган қиймат ҳажмидир. Миллий даромад ҳажмини ўзгармас баҳода ҳисоблашда базавий йил баҳоси эътиборга олинади.

Амалиётда ишлаб чиқарилган ва фойдаланилган миллий даромад бир-биридан фарқланади. Ишлаб чиқарилган миллий даромад қиймати айнан бир йил мобайнида янгидан яратилган товарлар ва хизматлар қийматининг жамидир.

Фойдаланилган миллий даромад ишлаб чиқарилган миллий даромаднинг табиий офатлар ва йўқотишларга кетган харажатлар ҳамда ташқи савдо қолдиқлари чегирилиб ташланган миқдорга тенг. Миллий даромаднинг фойдаланиш хусусиятига қараб, истеъмол ва жамғарма фондларига бўлинади.

Жамғарма фонд миллий даромаднинг кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқаришнинг ривожланишини таъминлайди. Даставвал, у асосий ва айланма фондларни кўпайтиради ва такомиллаштиради.

Жамғарма фонд номоддий фондлар (уй-жойлар, табиат хоналари, кутубхоналар, мактаблар, санаториялар) ҳисобига қурилади. Жамғарма фонди ҳажмини аниқлашда уй хўжаликлари даромадидан истеъмолга мўлжалланган сарфларни айириб ташлаш керак. Унинг қолдиғи жамғарма фондини ташкил этади.

Даромад фондидан истеъмолга мўлжалланган сарфлар миқдори кўп бўлган тақдирда, жамғарма ҳажми шунчалик кам бўлади ва аксинча. Жамғаришнинг моҳияти асосий ва айланма фондларни ҳамда эҳтиёт захираларини кўпайтириш учун сарфланишидан иборат. Жамғарма фонди, унинг ҳажми ва таркиби кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатини белгилаб берадиган омилдир.

Истеъмол фондлари миллий даромаднинг жамиятнинг жами моддий эҳтиёжларини қондиришга сарфланадиган қисмидир. Жами истеъмол фонди фойдаланилиш хусусиятига қараб, икки қисмга бўлинади: якка тартибдаги ва жамоа бўлиб истеъмол қилиш фондлари. Якка тартибдаги ва жамоа бўлиб истеъмол қилиш фондлари бир-биридан фарқланади.

Якка тартибдаги истеъмол фондига моддий неъмат ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлганларнинг иш ҳақи, ижтимоий таъминот (пенсия, нафақа, стипендия ва ҳ.) кабилар қиради.

Жамият аъзоларининг гуруҳлари истеъмол қиладиган моддий неъмат ва хизматлар, яъни маориф, фан, табиат, санъат, маданият ва бошқарув тизими кабилар жамоа бўлиб истеъмол қилиш қисмига кир-ди. Истеъмол фонди маблағлари бутун миллий иқтисодиёт қамровида банд бўлган ходимларнинг моддий ва маданий эҳтиёжлари, шу жумладан, бошқариш ва мудофаа эҳтиёжларини қондириш учун сарфланади. У жамиятдаги ҳамма аҳолининг шахсий истеъмолини, аҳолига хизмат қиладиган ижтимоий, илмий муассасаларга сарфланадиган моддий харажатларни ўз ичига олади.

Истеъмол фондининг асосий қисми шахсий даромад шаклида ходимларнинг қўлига келиб тушади ва истеъмол мақсадлари учун фойдаланилади.

5-§. Иқтисодий ўсиш тушунчаси, турлари ва кўрсаткичлари

Эҳтиёжларнинг юксалиш қонунига биноан, жамият аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлари узлуксиз ўсиб боради. Мазкур эҳтиёжлар, ўз навбатида, кишиларнинг меҳнат қилиши ва иқтисодий мавқега эга бўлиши учун истеъмол этилиши зарур товар ва хизматлар

мажмуидан иборат. Юксалиб бораётган эҳтиёжларни қондиришнинг ягона воситаси эса иқтисодий ўсиш ҳисобланади.

Иқтисодий ўсиш дейилганда, аҳоли эҳтиёжлари учун зарур бўлган моддий неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариш миқдорининг кўпайиб бориши, сифатининг яхшиланиб туриши тушунилади. Моддий неъматларнинг ўсиши тушунчаси нафақат ноз-неъматларни, балки ишлаб чиқариш воситаларини, яъни ресурсларни ҳам кўпроқ ишлаб чиқариш деган маънони англатади. Чунки ўсиш жамият аъзоларининг жорий истеъмолини қондириш билангина чегараланмайди, балки келажакда ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали бўлғуси истеъмолни қондириш ҳам мўлжалланади.

Иқтисодий ўсиш реал ялпи миллий маҳсулотни аҳоли жон бошига нисбий нархларда тақсимлаш ёки жамият ялпи ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичларида ўз ифодасини топади.

Иқтисодий ўсиш микро- ва макроқўламда юз беради. Микроиқтисодий ўсиш хўжалик бўғинлари, фирма ёки тармоқ доирасидаги, макроиқтисодий ўсиш эса жамият, яъни мамлакат миқёсидаги ўсишни билдиради.

Иқтисодий ўсишнинг ҳажмини унинг кўлами ва суръати кўрсатади. Иқтисодий ўсиш кўлами яратилган товар ва хизматлар ҳажмини билдирса, унинг суръатлари ўсиш тезлигини кўрсатади.

Иқтисодий ўсишнинг натижаси жамият аъзоларини таъминловчи фойдали реал моддий неъматлардан иборат. Айнан улар иқтисодий ўсишнинг ҳақиқий мезонидир. Ижтимоий тараққиётнинг олий мезони ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг даражасига боғлиқдир. Бу мезонга иқтисодий ўсишни аниқловчи кўрсаткичлар мувофиқ келиши керак. Улар, ўз навбатида, статик ва динамик ҳамда миқдор, сифат кўрсаткичларига эгадир.

Иқтисодий ўсишнинг икки жиҳати борки, уларни бир-биридан фарқламоқ керак. Биринчидан, унинг кўлами ишлаб чиқариш ҳажмини билдиради, аниқроғи, бутун жамиятда қанча маҳсулот ва хизматлар яратилиши, уларнинг ўсиши қандай миқдорда бўлишини кўрсатди. Ўсишнинг иккинчи томони унинг суръатлари бўлиб, иқтисодий ўсишни нисбий жиҳатдан ифодалайди, мутлақ ўсишини эмас, балки ўсиш тезлигини кўрсатади. У ўсиш суръати кўрсаткичлари билан ифодаланади.

Иқтисодий ўсиш масалалари таҳлил қилинганда, унинг ҳар иккала жиҳати биргаликда олиб қаралади. Иқтисодий ўсишнинг

нафақат миқдорий, балки сифат меъёри ҳам мавжуд. Шу сабабли яратилган маҳсулот ва хизматлар миқдоран кўпайибгина қолмасдан, сифати жиҳатидан талаб эҳтиёжини қондиришга қодир бўлиши ҳам талаб қилинади. Қолоқ иқтисодиётда иқтисодий ўсишнинг миқдорий томони бирламчи ҳисобланади, чунки ишлаб чиқариш даражаси паст бўлганлигидан маҳсулотларни танлаб истеъмол этиш имкониятлари чекланади, сифати пастлигига қарамай, кўпроқ маҳсулот истеъмол талаб қилинади. Иқтисодий ўсишга қараб, жамиятнинг иқтисодий аҳволига баҳо бериш мумкин.

Ишлаб чиқариш юксалгани сари сифатга талаб ошиб боради. Юқори даражада ривожланган иқтисодиёт шароитида маҳсулот ва хизматлар миқдори кўп бўлганда, уларни танлаб истеъмол этиш имконияти кенгайди, бинобарин, сифат устувор аҳамият касб этади.

Иқтисодий ўсишга таъсир этувчи қатор омиллар мавжуд бўлиб, булар қуйидагилардан иборат:

- табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати;
- меҳнат ресурсларининг миқдори ва сифати;
- асосий капиталнинг миқдори ва таркиби;
- технология даражаси.

Мазкур омиллар ишлаб чиқаришнинг миқдоран ўсишини таъминловчи таклиф омиллари деб аталади. Иқтисодий ўсиш талаб ва тақсимот омилларига боғлиқ. Бунинг сабаблари қуйидагича:

- биринчидан, жамият иқтисодиётида ўсиб бораётган ишлаб чиқариш потенциали (имконияти)ни рўёбга чиқариш учун жами харажатларнинг ҳажмини ошириш заруриятининг реаллиги;
- иккинчидан, ишлаб чиқариш потенциали тўлароқ мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун нафақат ресурсларни тўла ишга солиш, шу билан бирга, улардан тобора самарали, тежамли фойдаланишни таъминлаш талабининг мавжудлиги.

Ресурсларнинг турли соҳаларда мақсадга мувофиқ тақсимланиши ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилиши деб аталади. Бундай тақсимланиш иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлайди. «Таркибий тузилишда чуқур ўзгаришларни амалга ошириш макроиқтисодий барқарорликка эришишнинг, истиқболда Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ўсишини ва аҳоли фаоронлигини таъминлашнинг, жаҳон иқтисодий тизимида қўшилишнинг энг асосий шарт-шароитларидан биридир»⁴⁶.

⁴⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т., 1995, 228-бет.

Иқтисодий ўсиш масаласи мамлакат иқтисодий тараққиёти, у ёки бу ижтимоий тизимни ривожлантириш истиқболлини белгилаш учун муҳимдир. Иқтисодий ўсиш ижтимоий маҳсулот ва уни ишлаб чиқариш омилларининг бирор динамикасида миқдорнинг кўпайиши ва сифатнинг яхшиланишини тақозо этади.

Маҳсулотнинг ўсиши суръати билан ишлаб чиқариш омилларининг ўзгариши ўртасидаги нисбат иқтисодий тараққиётнинг турлари экстенсив ёки интенсивлигига қараб ҳар хил бўлиши мумкин.

Иқтисодий ўсишнинг экстенсив турида ишлаб чиқаришнинг аҳволи, техник асоси сақланиб қолган ҳолда ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг кўпайиши туфайли эришилади. Айтайлик, маҳсулот ишлаб чиқаришни икки ҳисса кўпайтириш учун мавжуд корхона билан бир қаторда, ўрнатилган ускуналарнинг қуввати, миқдори ва сифати, иш кучининг сони ва малака жиҳатидан таркиби бўйича худди шундай яна бир корхона қурилмоқчи. Мазкур иш пухта амалга оширилса, ишлаб чиқариш самарадорлиги ўзгармай қолади. Бу экстенсив ривожланишнинг ўзгинасидир. Масаланинг моҳиятини тушунтиришга уринамиз. Табиийки, маҳсулот ишлаб чиқариш икки ҳисса кўпайтирилганда ходимлар сони, ишлаб чиқариш фондлари ҳам икки ҳисса кўпаяди. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш бир ходим бошига ҳисоблаганда, аввалгича ўзгармай қолаверади.

Иқтисодий ўсишнинг икки тури (типи) мавжуд: экстенсив (кенгайтирилган) ва интенсив (кучайиш).

Экстенсив ривожланишда иқтисодий ўсишга ишлаб чиқаришнинг аввалги техникавий асоси сақланиб қолган ҳолда ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг ўсиши ҳисобига маҳсулот ҳажми ошади. Иқтисодий ўсишнинг бу тури ишлаб чиқариш самарадорлигига олиб келмайди.

Интенсив иқтисодий ўсиш йўлида яратиладиган маҳсулот ва хизматлар миқдорини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, ресурслардан тежамли фойдаланиш, фан-техника ютуқларини татбиқ этиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига амалга ошириш кўзда тутилади.

Ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш унга жалб этилган ресурсларнинг ҳар қайси бирлигидан олинадиган самарадорлик пировард маҳсулот миқдори ва сифатининг ўсишида ўз ифодасини топади.

Интенсив ўсиш шароитида маҳсулот ишлаб чиқаришни икки ҳисса ошириш учун мавжуд корхонага тенг бўлган яна бир корхона

куришга ҳожат йўқ. Бундай натижага эришиш учун ишлаб чиқариш корхонасини реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш, мавжуд ресурслардан яхшироқ фойдаланиш лозим бўлади. Таъкидлаш керакки, реал ҳаётда экстенсив ва интенсив омиллар соф ҳолда, алоҳида эмас, балки муайян комбинацияда, бир-бири билан қўшилган ҳолатда намоён бўлади. Бу ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигига узвий боғлиқдир.

Самарадорлик ишлаб чиқариш натижаларининг харажатларга нисбати билан аниқланади. Самарадорлик қанча ресурс сарфлаб, қанча ва қандай сифатли маҳсулот ҳамда хизматлар яратилиш жараёнини ифодалайди. Макроиқтисодиётда ишлаб чиқариш самарадорлиги ЯММ, яъни пировард натижа билан ўлчанса, макроиқтисодиёт миқёсида эса (корхонада) яратилган соф маҳсулот ёки фонднинг маҳсулот таннархига нисбати билан аниқланади. Амалиётда эса у ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичида ўз ифодасини топади.

Ўсиш самарадорлиги миллий даромад кўпайишининг меҳнат сарфи ўсиши хом ашё, фонд ва инвестиция сарфининг нисбатига тенг бўлади.

$\dot{Y}C =$

Бунда:

$\dot{Y}C$ – ўсиш самарадорлиги; МД – миллий даромад; ИМС – меҳнат сарфи; АС – ашё сарфи; ФС – фонд сарфи; ИС – инвестиция сарфи.

Ушбу формула орқали сарфлар эвазига қанча маҳсулот яратилганлиги аниқланади.

Гарчи иқтисодий ўсиш самарадорлиги интенсив усуллар замирида амалга оширилганда барқарорликка эришилса-да, барқарорлик доимий тус ола олмайди, чунки иқтисодий ўсишда узилишлар ҳам, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишлар ҳам содир бўлиб туради.

Ресурслар кўп ва юксак технология бор бўлганда кучли иқтисодий ўсиш юз беради. У фақат жамғармалар билан инвестиция тенглигини таъминлабгина қолмайди, балки тўла бандликка олиб келадиган зарурий ўсиш маромини ҳам шарт қилиб қўяди. Иқтисодий ўсиш ижтимоий кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш билан боғлиқдир. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш иқтисодий ўсишнинг бош асосидир.

Иқтисодиёт назарияси фани иқтисодий ўсишнинг икки жиҳати борлигини фарқлайди:

а) иқтисодий ўсишнинг кўлами. У ишлаб чиқариш ҳажмини билдириб, бутун жамиятда қанча маҳсулот ва хизматлар яратилиши, ўсиши қандай миқдорда бўлишини кўрсатади;

б) иқтисодий ўсиш суръати. У иқтисодий ўсишни нисбий жиҳатдан характерлайди, яъни унинг мутлақ ўсишини эмас, балки ўсиш тезлигини кўрсатади.

Иқтисодий ўсишни таҳлил этишда унинг ҳар икки жиҳати биргаликда олиниб таҳлил этилади. Иқтисодий ўсишнинг нафақат миқдорий, балки сифати меъёри ҳам мавжуд. Шу сабабли ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизмат миқдоран кўпайибгина қолмасдан, сифати жиҳатидан талаб эҳтиёжини қондиришга ҳам қодир бўлиши тақозо қилинади. Қолоқ иқтисодиётда иқтисодий ўсишнинг миқдорий томони бирламчи бўлади, чунки ишлаб чиқариш даражаси паст бўлгандан маҳсулотларни танлаб истеъмол этиш имкониятлари чекланади, сифати етарли бўлмаса-да, кўпроқ маҳсулот талаб қилинади. Ишлаб чиқариш юксалган сари сифатга талаб ошиб боради. Тараққий этган иқтисодиёт шароитларида маҳсулот ва хизматлар миқдори кўп бўлганда, уларни танлаб истеъмол этиш имконияти ортади, бинобарин, маҳсулот сифати устувор аҳамият касб этади.

6-§. Миллий бойлик ва унинг таркиби тузилиши

Иқтисодий ўсишнинг асоси моддий ишлаб чиқаришдир. У жамиятда нафақат аҳолининг жорий эҳтиёжларини қондирибгина қолмасдан, шу билан бирга, миллий бойликнинг кўпайиб бориш манбаи ҳамдир.

Миллий бойлик нима? Миллий бойлик инсоният жамияти тараққиёти давомида аждодлар меҳнати билан яратилган ва бутун тарихий тараққиёт мобайнида жамғарилиб келинаётган моддий ва маданий неъматлар истеъмол қийматларининг мажмуидир. Миллий бойлик ишлаб чиқариш фаолиятнинг маҳсули ҳисобланади.

Миллий бойлик жамиятда аҳоли турмуши моддий ва маънавий даражасининг негизи, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг моддий асоси ва пировард натижасидир.

Миллий бойликни амалда ўзлаштириш бозор иқтисодиёти шароитида мулкий муносабатлардан келиб чиқади. Миллий бойлик ўзлаштириш хусусиятидан қатъи назар, бир қатор умуминсоний

белгиларга эга. У барча жойларда меҳнат натижаси асосида яратилди ва ҳажми жиҳатидан доимо кўпайиб боради.

Миллий бойликни ташкил этадиган моддий неъматларнинг ҳосил бўлиши жиҳатидан бир қисми инсон меҳнатининг натижаси, иккинчи қисми ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилган табиий бойлик ресурсларидан иборатдир.

Табиий ресурслар жамият тасарруфидаги ер, сув, ўрмон, фойдали қазилмалардан иборатки, улар миллий бойлик моддий неъматлар қисмининг яратилиши учун асосий манбаи бўлиб хизмат қилади. Миллий бойликнинг моддий буюмлашган қисми жамиятда авлодлар меҳнати, яъни ишлаб чиқариш ва унумли меҳнатнинг натижасидир. Бу қисмга тегишли ишлаб чиқаришда яратилган маҳсулотларнинг маълум миқдори истеъмол этилади, ортиқча қисми эса жамғариш натижасида вужудга келади ва йилма-йил ўсиб боради.

Миллий бойликнинг инсон меҳнати билан яратилган моддий қисми қиймат шаклига эга бўлиб, уларнинг таркиби қуйидагилардан иборат:

– ишлаб чиқаришдаги асосий фондлар. Улар асосий ва айланма фондларга бўлинади. Асосий фондлар меҳнат воситаларини ўз ичига олади. Улар узоқ муддат давомида хизмат қилади. Бундай фондни алмаштириш зарурияти туғилгунга қадар, у бир қанча ишлаб чиқариш цикларида иштирок этади. Асосий фондлар миллий бойлик таркибида анча катта қисмни ташкил этади. Меҳнатнинг фондлар билан таъминланиш даражасига қараб, унинг техника билан таъминланиш даражаси белгиланади. Бундай ҳолат жамиятда ялпи миллий маҳсулотнинг кўпайиши ва самарадорликнинг ўсишини белгилаб беради. Айланма фондлар (меҳнат предметлари), аксинча, битта ишлаб чиқариш цикли мобайнида тўла қийматини янгидан яратилган қийматга ўтказди;

– моддий неъматлар ишлаб чиқармайдиган соҳалардаги асосий фондлар. Асосий фонднинг бу турига мамлакатнинг ижтимоий-маданий соҳасида хизмат қилувчи объектлардаги фондлар киради. Мактаблар, касалхоналар, маданий-маърифий, санъат, спорт ва дам олиш каби муассасаларга қарашли бинолар, иншоотлар ва асбоб-ускуналар, шунингдек мамлакатнинг ўзига қарашли уй-жой фондлари шулар жумласидандир;

– тугалланмаган ишлаб чиқариш босқичидаги мавжуд моддий ресурслар;

- аҳолининг уй-жойи, уй-рўзғор анжомлари, ёрдамчи хўжалигида жамғарилган мол-мулки.

Миллий бойлик кенг маънода жамият эга бўлган номоддий, маънавий қадриятлар, кишилар тўплаган ишлаб чиқариш тажрибалари, уларнинг билим потенциали, илмий-техник ҳамда тафаккур ютуқлари, ахборот ресурслари, маданий бойликларни қамраб олади. Ҳозирги даврда жамиятда фан-техника инқилоби таъсири остида содир бўлаётган жараёнлар ҳаётдаги номоддий бойликнинг роли ва аҳамиятининг ошиши билан бирга бормокда.

Миллий бойликнинг ўзига хос хусусиятлари унинг меҳнат маҳсули эканлиги ва кўпая ва жамғарила бориши, такрор ҳосил бўлиши ва муайян мол-мулк сифатида кишилар тасарруфида эканлиги яққол кўринади. Жамғарилиш учун меҳнат маҳсули нафақат жорий истеъмолни, балки келажак истеъмолини ҳам қондира олиши зарур.

Миллий бойлик ва унинг таркибий тузилиши, уни ташкил этган қисмларнинг сифатли бўлиши, ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг муҳим омилдир, мамлакат иқтисодий қудратининг энг муҳим кўрсаткичидир. Миллий бойлик ҳажмининг кўпайиши халқ турмуш даражасини оширишнинг зарур шарти ҳисобланади. Кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқариш жараёнида миллий бойлик фақат ўсибгина қолмасдан, янгидан яратилган маҳсулотлар ҳисобига тўлдирилиб ва доимо янгиланиб боради, шу тариқа иқтисодий тараққиётнинг натижаси юзага келади.

Жамиятда моддий буюмлашган бойликнинг таркибий қисми, асосий унсурларининг мазмуни ва салмоғи, албатта, ўзгариб туради. Негаки, фан-техника тараққиёти таъсирида моддий буюмлашган бойлик таркибида салмоқли ўзгаришлар рўй беради. Макроиқтисодиёт ишлаб чиқариш тармоқларида асосий ишлаб чиқариш фондлари тез кўпаяди, янгиланади, шунингдек ноишлаб чиқариш соҳасининг фондларида ҳам ўзгаришлар юз беради. Табиий ресурсларни ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш миқдори анча кўпаяди.

Миллий бойлик ўсиб бориш жараёнида такроран ҳосил бўлади. Бундай бойлик яратилади, ишлатилади ва янгидан қайта яратилади. Ушбу жараён узлуксиз давом этади. Жамият эҳтиёжини қондириш учун миллий бойлик сарфланар экан, унинг истеъмол этилган қисми тўлдириб борилади, шу сабабли жамият ва табиат иштирокида бойлик такроран яратилади.

Бозор иқтисодиёти тизими мулкдор синфларнинг мавжудлигини тақозо этар экан, жамият миллий бойлиги муайян мол-мулк сифатида кишилар тасарруфида бўлади. У давлат, айрим жамият аъзолари ёхуд гуруҳи, уюшмаларининг мулкидир.

Моддий буюмлашган бойлик ўсишининг асосий омиллари қуйидагилардан иборат: а) ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсиши; б) ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортиши; в) миллий даромаднинг истеъмол ва жамғарма фондларининг тўғри мутаносибликда бўлиши. Жамият иқтисодий потенциалидан самарали фойдаланиш, унинг доимий равишда ўсиб ва миқдоран кўпайиб бориши иқтисодий тараққиётнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Миллий бойликнинг ҳосил бўлиши ва кўпайиши, ишлаб чиқаришнинг ривожланиб бориши иқтисодий ўсиш натижасидир. Яратилган моддий ва маънавий неъматларнинг бир қисми истеъмол этилиб, йўқ бўлиб кетса, бошқа қисми жамғарилиб, миллий бойликка айланади, ўзининг моддий шаклини сақлаб қолади. Илмий-техник тараққиёт натижасида миллий бойликнинг таркиби янгиланиб, ўзгариб боради. Аҳолининг мол-мулки кўпаяверади.

Миллий бойликнинг қисмлари бўлмиш асосий ва айланма фондлар, саноат ишчилари, аграр сектор ходимлари, инженер-техник ходимлар ва фан соҳиблари билан биргаликда мамлакатнинг иқтисодий потенциалини ташкил этади. У муайян давлатнинг жамият ишлаб чиқариши ва фаровонлигининг у ёки бу даражасини таъминлаш лаёқатини ҳам ифодалайди.

Миллий бойликнинг бир қисми ишлаб чиқариш ресурслари сифатида, иккинчи қисми эса истеъмол воситаси сифатида сарфланади.

Жамият ихтиёридаги миллий бойлик, унинг ишлаб чиқариш ресурслари шу жамиятнинг иқтисодий куч-қувватини, яъни иқтисодий потенциалини ташкил қилади. Иқтисодий потенциал бўлғуси жамиятнинг ишлаб чиқара олиш қобилиятидир. Бундай қобилият яратилган ялпи миллий маҳсулотда, ишлаб чиқаришнинг пировард натижасида ўз ифодасини топади. Эришилган иқтисодий потенциал амалда ишлатилган потенциал бўлиб, бугунги ишлаб чиқариш даражасини билдиради, келажак потенциали эса тўла-тўқис ишлатиладиган потенциал ҳисобланиб, ресурслардан максимал даражада фойдаланишни тақозо этади. Келажак потенциали амалда эришилган потенциалдан ортиқ бўлади.

Иқтисодий потенциал куйидаги унсурлардан иборат: меҳнат потенциали, техник-технологик потенциал, илм-фан (интеллектуал) ва табиий потенциаллар.

Меҳнат потенциали аҳолининг ишлаб чиқаришга лаёқатли қисми бўлиб, унинг миқдорини ишга яроқли кишилар сони ташкил этади. Сифати эса аҳолининг билим даражаси, касбий малака ва тажрибасига боғлиқ. Ривожланган мамлакатларда бу унсурнинг иқтисодий ўсишни таъминлашдаги ҳиссаси 20-25 фоизни ташкил этади.

Техник-технологик потенциал жамият ихтиёридаги машиналар, асбоб-ускуналарнинг миқдори, уларнинг техник ва технологик даражаси ва таркибидан иборат.

Табиий потенциал чекланган бўлиб, у ер, сув захиралари, ўрмон ва ер ости бойликлари, сув бойликлари, иқлимий қулайликлардан иборат. Табиий ресурсларнинг камёблиги туфайли вужудга келадиган қийинчилик ва тўсиқларни техник-технологик потенциал ёрдамида бартараф этиш мумкин. Масалан, Япония табиий ресурслари (потенциали)нинг камёблигини ўзининг юксак техник-технологик потенциали ёрдами билан қоплайди.

Ўзбекистон бой табиий, моддий ва меҳнат ресурсларига эга. Шунга қарамадан, собиқ СССР даврида Ўзбекистонда табиий бойликлардан минерал, хом ашё ресурсларининг миқдори миллий даромадда ва аҳоли жон бошига тақсимланганда жуда ҳам паст бўлган эди. Чунки бу табиий бойликларнинг асосий қисми (тоғ, саноат комплекси маҳсулотларининг анчагина тури) Республикадан ташқарига чиқиб кетар ва ундан узокда қайта ишланиб, тайёр маҳсулотга айлантирилар эди. Олтин, кумуш, мис, вольфрам, калий, кўрғошин ва қора металлургияга бой республика тоғ-саноат комплекси ҳамда хом ашё ва ишлаб чиқариш базаси иқтисодий тараққиётнинг қандай боришини кўп жиҳатдан белгилайди. Ўзбекистон 55 хилдаги турли қазилма бойликларга эга. Уларнинг умумий қиймати 3,3 триллион АҚШ долларига тенг.

Ўзбекистонда катта тупроқ-ўсимлик ресурслари мавжуд бўлиб, у интенсив қишлоқ хўжалиги учун қулайдир. Республиканинг умумий ер майдони 44740,0 минг гектарни ташкил этиб, шундан 284494,7 гектари, яъни 63,7 фоизи қишлоқ хўжалигига тегишлидир. «...биз ўз ихтиёримиздаги ғоят бой табиий маъдан хом ашё меҳнат

ресурсларига мустаҳкам таянишимиз, улардан энг самарали фойдаланишни ҳисобга олишимиз лозим».⁴⁷

Ўзбекистон хом ашё етиштиришга мўлжалланган иқтисодиётнинг бир томонламалигини қатъий бартараф этиб, ресурсларни, замонавий саноат тармоқларини ривожлантиришга йўналтириш, барқарор иқтисодий ўсишни, аҳоли фаровонлигини таъминлаш борасида жаҳон иқтисодий тизимига кўшилиш йўлини танлади.

Асосий таянч тушунчалар

Макроиқтисодиёт – моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларини яхлит, бир бутун қилиб бирлаштирган миллий иқтисодиётдир.

Миллий ҳисоблар тизими – (ЯММ, ИММ) ва миллий даромадни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ҳамда улардан фойдаланишни ифодалайдиган ўзаро боғлиқ кўрсаткичларни ҳисоблаш тизими.

Ялпи Миллий Маҳсулот – миллий иқтисодиётда бир йил давомида ишлаб чиқарилган ва бевосита истеъмолчиларга бориб етадиган пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор баҳоларидаги суммаси.

Ички миллий маҳсулот – бир йил давомида мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор баҳоларидаги қиймати.

Соф миллий маҳсулот – ЯММ (ИММ)дан амортизация ажратмалари суммасини чегириб ташлангандан кейин қолган қийматдир (ЯММ – Аа = СММ).

Миллий даромад – бир йил давомида янгидан яратилган қиймат бўлиб, СММдан эгри солиқларни чегириб ташлаш йўли билан аниқланган қийматдир.

Реал ЯММ – баҳоларнинг ўзгаришини ҳисобга олиб, доимий баҳоларда ҳисобланган (ЯММ)қийматдир.

Номинал ЯММ – жорий баҳоларда ҳисобланган ЯММ.

Иқтисодий ўсиш – ЯММ (СММ,МД) миқдорининг мутлақ ва аҳоли жон бошига, иқтисодий ресурс харажатлари бирлиги ҳисобига кўпайишида ва сифатининг яхшиланишида ифодаланади.

Иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари – иқтисодий ўсишни аниқлашда фойдаланиладиган қиймат ва натурал кўрсаткичлар тизимидан иборат.

⁴⁷ Каримов И.А. Дехқончилик таракқиёти фаровонлик манбаи. - Тошкент.: «Ўзбекистон», 1994, 36-бет.

Экстенсив иқтисодий ўсиш – ишлаб чиқаришга кўшимча иқтисодий ресурсларни жалб қилиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириб боришнинг асосий шартидир.

Интенсив иқтисодий ўсиш – ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгартирмаган ҳолда ишлаб чиқариш омилларини такомиллаштириш натижасида самарадорликни ўстириш маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилашдан иборат.

Миллий бойлик – инсоният жамияти тараққиёти давомида ҳамма аждодлар меҳнати билан яратилган ва бутун тарихий тараққиёт мобайнида жамғарилиб келган моддий ва маданий қийматларнинг йиғиндисидир.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1.Макроиқтисодий кўрсаткичларни ва уларнинг миллий иқтисодиётда қандай роль ўйнашини аниқланг.

2.ЯММ ва СМ бир-биридан нима билан фарқланади? СММ ва МДларчи?

3.Иқтисодий тараққиёт, иқтисодий ривожланиш ва иқтисодий ўсиш тушунчаларини таърифланг, уларнинг умумий томонлари ва фарқларини аниқланг.

4.Иқтисодий ўсишнинг экстенсив ва интенсив турлари қандай аниқланади? Нима учун реал ҳаётда уларнинг иқтисодий тури учрамайди?

5.Миллий бойлик тушунчасини таърифланг ва таркибий тузилишини аниқланг.

6.Миллий бойлик таркибида моддий буюмлашган бойлик қандай ўринга эга ва у қандай таркибий қисмларни ўз ичига олади?

XVIII БОБ. АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИ. ДАВЛАТНИНГ ИЖТИМОЙ СИЁСАТИ

1-§. Бозор иқтисодиёти шароитида тақсимот қонунининг амал қилиш хусусиятлари ва аҳоли даромадларининг шаклланиши

Узоқ даврлардан буён жамиятда яратилган маҳсулотлар (товар ва хизматлар) тақсимланишининг тамойиллари ҳақида турлича назариялар яратилиб келинмоқда.

Француз иқтисодчиси Ж.Б. Сей ишлаб чиқаришнинг уч хил омили назариясига асосланиб, уларга ер, капитал ва меҳнатни киритади ва товарлар ишлаб чиқаришда баб-баравар қатнашади, ҳамма даромадларнинг манбаи бўлиб, улар шу омиллар ўртасида тақсимланади, деган хулосага келади. Бу ғоя тарафдорларидан бири америкалик иқтисодчи Ж.Б.Кларк ўзининг «Бойликнинг тақсимланиши» номли асарида жамиятда яратилган бойлик учала омилнинг ҳар бири яратган маҳсулот мақдоридаги иштироки (унумдорлиги)га қараб тақсимланади, деган ғояни илгари суради. Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида яратилган бойлик Ж.Б.Сей ва Дж.Кларк илгари сурган ғояларга қарши ўлароқ, фақат учала омил – ер капитал, меҳнат ўртасидагина тақсимланиб қолмайди, балки бундай бойлик қоплаш фондлари, марказлашган фондларни ташкил этишдан қолган қолдиқ кабилар ҳам кўрсатган омиллар эгалари ўртасида тақсимланади.

Яна бир гуруҳ оқим, масалан, лассалчилар барча бойлик ва маданиятнинг манбаи меҳнатдир, шу сабабли ҳамма даромад жамият аъзолари ўртасида тенг тақсимланиши зарур деб таъкидлайдилар. Лассалчилар фақат бойликни яратувчилар меҳнاتини ҳисобга олиб, ер ва капитални эътибордан соқит қиладилар. Жамиятда яратилган бойлик жамият аъзолари ўртасида тенг тақсимланиши зарур деган ғоя тақсимотда «тенгликни» вужудга келтириб чиқаради. Бундан ҳолат ишлаб чиқарувчиларнинг моддий неъматларни ишлаб чиқариш ва уни кўпайтиришга қизиқишини йўққа чиқаради. Бу, ўз навбатида, ҳар бир кишининг ўз меҳнат натижасидан моддий манфаатдорлигини пучга чиқаради.

Узоқ йиллар давомида собиқ Совет давлатида ҳам тенг тақсимот ҳукмрон эдики, оқибатда меҳнаткаш ўз меҳнатининг миқдори, сифати ва унумдорлиги натижасидан ҳақ олишдан манфаатдор бўлмай келди.

Мавжуд бозор иқтисодиётидаги тақсимот қонунининг амал қилиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жамиятда яратилган маҳсулотларни тақсимлашнинг асосий йўналишларини таҳлил қилиб кўрамиз. Жамият аъзолари муайян йил давомида яшаш ва ҳаёт кечириш учун зарур бўлган моддий неъматлар ва хизматлар, яъни уларнинг пул кўринишидаги суммаси аҳоли даромадларини ташкил этади. Бозор иқтисодиёти такомиллашиб борган сайин аралаш иқтисодиёт ўсиб, унинг бош қонуни бозор механизмларига хос бўлган воситалар орқали амал қила бошлайди. Ҳар қандай ишлаб чиқариш каби товар ишлаб чиқариш ҳам пировард-натижада жамият аъзоларининг тирикчилик эҳтиёжларини қондиришга қаратилади. Маълумки, бозор иқтисодиёти механизми товар тўқинчилигини хосил қилади. Юксак ривожланган ишлаб чиқариш маданийлашган бозор иқтисодиётига хос бўлиб, унинг етуклик даражасини билдиради.

Иқтисодиётнинг етуклик даражаси аралаш иқтисодиётнинг юзага келиши билан белгиланади. Бу, ўз навбатида, оммавий фаровонликнинг таъминланишига олиб келади. Чунки аралаш иқтисодиётигагина ҳамманинг турмуш фаровонлигини оширишга қодирдир. Бироқ бу ўз-ўзидан амалга оширилавермайди. Фақат ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш орқали пул топилади. Натижада тадбиркорлар ўз манфаатларини юзага чиқаришга эриша оладилар. Даромад олишнинг асл мақсади манба ишлаб чиқаришдир. Бозор иқтисодиёти механизми товарлар тўқинлигини юзага келтиради. Юксак даромад ишлаб чиқариш бозор иқтисодиётига хос бўлиб, унинг етуклик даражасини англатади. Жамиятда эҳтиёж юксалиб боради. Уни қондириш учун юксак даражада техника ва технологияни қўллаш иши учун куч сифатини ниҳоят даражада ошириш йўли билан кўтариш лозим. Унумдорлик, ўз навбатида, хилма-хил товарлар ва хизматлар миқдорини кўпайтиришга олиб келади. Ишлаб чиқаришни мўътадил равишда юксак даражада ўстириб бориш натижасида иқтисодиётга инсонпарварлик принципларига амал қилиш учун моддий замин яратилади. Жамиятдаги сифат ўзгаришлар фаровонликни таъминлаш ва ижтимоийлик қондасининг амал қилишида катта роль ўйнайди.

Жамиятда мавжуд бўлган ресурслар ва даромадларни аҳоли ўртасида тақсимлаш тамойиллари ва шаклларининг ва бу жараёнда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар субъектлар манфаатини амалга оширади. Жамиятда тақсимотнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти бозор иқтисодиёти шароитида кўп мулкчилик муносабатлари-

нинг мавжуд бўлишига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Тақсимот – аҳолининг иқтисодий фаолияти натижаларига кўра, аҳоли ўртасида даромад тақсимланади. Улар субъектив хоҳишларга боғлиқ бўлмайди. Тақсимот жамиятнинг иқтисодий тараққиёти ва бозор иқтисодиётининг объектив қонунларига боғлиқдир. Кўп мулкчилик шароитида даромадлар қонуний, яъни кимга, нимага ва қанчага эга бўлишини таъминлайди ҳамда уларни ишлатиш самарасига боғлиқдир.

Тақсимот, бир томондан ишлаб чиқариш билан, иккинчи томондан, айбдорлаш ва истеъмол ўртасидаги ахлоқни ифодалаш қуйидаги вазифаларни бажаради:

– биринчидан, жами икки маҳсулот ва миллий даромаднинг турли мулк шакллари тadbиркорлар ва айрим ходимларнинг иқтисодий меҳнат фаолиятидаги иштирокига қараб, улушни белгилайди;

– иккинчидан, аҳоли гуруҳлари ўртасида даромадлар ва эҳтиёжларнинг таркибини шакллантиради;

– учинчидан, аҳоли гуруҳларнинг даромадлар миқдори билан меҳнат фаолиятининг пировард натижалари ўртасида бевосита алоқа ўрнатади. Натижада, тadbиркорнинг ишлаб чиқаришни ўстиришга рағбати ортади.

Бозор иқтисодиёти ривожланиб ва мустаҳкамланиб боргани сари, унга хос бўлган тақсимот тамойиллари ва функциялари тобора тўлароқ очилиб боради. Бозор иқтисодиёти шароитида бу тақсимот механизми такомиллаштириб, уни талабга мослаштириб борилмаётганлиги туфайли, даромадларнинг шакллари хилма-хил бўлиб бормоқда. Шунга биноан, капитал эгаси – фойда, ишчи кучи эгаси – иш ҳақи, пул эгаси – фоиз ва дивиденд, ер эгаси – рента олади. Муайян мулк шаклидаги маҳсулот ишлаб чиқариш хизмат кўрсатиш омиллари бўлиб хизмат қилади. Унинг самараси қанчалик юқорилашса, даромадлар ҳам ўшанчалик юқори ва чексиз бўлади. Бозор иқтисоди шароити учун даромадларининг чекланмаслиги хосдир. Муайян шароитда даромадларни белгиловчи самардорлик мезони бозорда аниқланади. Яъни ресурслардан фойдаланиб яратилган товарларнинг бозор талабларига қанчалик жавоб бера олишлиги, қанчалик тан олинishi ана шундай мезондир. Шундай мезонга қараб, даромадлар ҳосил бўлади. Даромад ёки кўп, ёки оз бўлади. Тақсимот қонунининг амал қилишига талаб-таклиф қонуни ва бошқа иқтисодий жараёнлар

ҳам таъсир кўрсатади. Бозор иқтисодиёти муносабатларида эквивалентлик характерлидир. Шу боисдан, тақсимот муносабатларидан ҳамда улардан фойдаланиб олган натижаларга қараб даромад тақсимланади. Тақсимот қонунидан четлашган, яъни ноэквивалент тақсимот ҳам бўлиши мумкин. Масалан, ҳамма жойда ва ҳамisha ишчи меҳнатнинг тўла эквиванти бўлавермайди. Шунингдек, фоиз дивидент рента ҳам қандайдир самаранинг ҳақиқий эквиваленти бўлмаслиги мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида даромадларнинг ҳақиқий манбаи моддий неъмат ишлаб чиқаришдир. Шунга биноан, даромадлар ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг муайян шаклларидаги тақсимланиши ҳисобланадики, улар бир-биридан фарқланади; иш ҳақининг манбаи, асосан, зарурий маҳсулот, пул эгаси, ер эгаларининг даромадлари манбаи эса, асосан, қўшимча маҳсулотдир. Бозор иқтисодиёти ривожланиб, такомиллашиб борган сайин жамият аъзолари бир вақтнинг ўзида ҳар хил даромад олиши мумкин. Ишчи – иш ҳақи, капитал эгаси – фойда, пул эгаси – фоиз, акция эгаси – дивиденд олиш натижасида даромадлар манбаининг аралашиб кетиши содир бўлмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида даромадлар, асосан, пул, қисман, натурал ёки имтиёзли хизмат шаклларида ҳам бўлиши мумкин. Чунки бозор иқтисодиёти шароитига ўтиш жараёнида аҳоли тармоқларининг кўпайтирилиши муносабати билан давлат томонидан ижтимоий ҳимоя шакллариининг аҳамияти ошиб боради. Жамият аъзоларининг даромадлари, тузилиши ва турли шаклларда бўлиши билан характерлидир. Аҳолининг пул даромадлари қуйидаги омилларнинг мажмуидан таркиб топади: иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятдан олинadиган даромад, пенсия, нафақа, стипендия тариқасида тушадиган пул тушумлари, капиталдан олинadиган фойда, пулдан олинган фоиз, акциядан олинadиган дивидент, рента шаклидаги даромадлар, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хунармандчилик буюмларини сотиш, ҳар хил хизматлар кўрсатишдан олинadиган даромадлар.

Натурал даромад тармоққа хўжалигидан ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, қишлоқ жамоа хўжаликларида меҳнат эвазига берилadиган натурал маҳсулотлардан иборат бўлади.

Аҳоли даромадларининг таркиб топиши, тузилишида иш ҳақи асосий бўлиб, шунингдек даромад миқдорида таъсир кўрсатувчи омиллар орасида иш ҳақи товарларнинг чакана нархи бозорининг истеъмол товарларининг чакана нархи кабилар ҳам бор. Улар бозор

истеъмол товарлари билан тўйиниш даражаси (талаб, таклиф, нарх) нинг барқарор ёки беқарор бўлишига кучли таъсир кўрсатади. Жамият аъзоларининг муайян вақт оралиғида зарур моддий неъматлар ва хизматлар яратилиши ёки уларнинг пул кўринишидаги суммаси аҳоли даражаси миқдорини ташкил этади. Бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли даромадлари пул шаклида бўлади. Бундай пул даромадлари уларнинг истеъмол этадиган товарларининг эквиваленти ҳисобланади. Бозор механизмида тақсимотнинг ўз кўринишлари борки, улар товарлар ва хизматларни яратишда ҳисобга олинади. Капитал, тадбиркорлик қобилияти, ишчи кучи, ер эгаси ўз ресурсларидан фойдаланишга, жамиятига, иқтисодиётига кўшган хиссасига қараб даромад қиладилар. Кишилар даромад олиш учун нафақат моддий ишлаб чиқариш соҳасида, балки номоддий соҳаларда ҳам хизмат кўрсатиб, ресурсларни сарфлайдилар. Бозор иқтисодиётига хос тақсимот қонунига биноан, моддий неъматлар ишлаб чиқариш соҳасида ҳам хизматлар учун ишлатилган ресурслар натижасида эришган самарага кўра тақсимланади. Демак, бозорга хос тақсимот қонунининг амал қилиш хусусияти ижтимоий адолат принципларини белгилайди. Бунда даромад олиш миқдорини чеклаш инкор этилади. Ўз мулкидан фойдаланиш имкониятига қараб, даромад чексиз ўсиб бориши мумкин. Шундай қилиб, кишиларнинг қандай ва қанча даромадга эга бўлишлари уларнинг субъектив хоҳишларига эмас, балки жамиятнинг иқтисодий тараққиёт даражаси жамиятда амал қилинаётган тақсимот қонунларига боғлиқ бўлади. Даромаднинг қандай ва қанча бўлиши мулкчиликнинг демократлашувига ва уларни ишлатиш самарасига ҳам боғлиқдир. Бу айнан бозор иқтисодиётининг тақсимот қонуни мазмунини ташкил этади. Бозор иқтисодиётида тақсимот қонуни олинаётган фойда, иш ҳақи, дивидент миқдори билан белгиланади. Мулк ҳисобланиши нарсалар ишлаб чиқаришнинг моддий омили бўлиб хизмат қилади. Ундан фойдаланиш самараси нечоғлик юқори бўлса, даромадлар ҳам ўшанчалик юқори бўлади ва акчинча. Бозор иқтисодиёти шароитида даромадларнинг миқдори чекланмайди.

Муайян шароитда даромадларнинг миқдорини белгиловчи самарадорлик мезони айнан бозорда белгиланади. Ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги, улар ёрдамида ишлаб чиқарилган товарларнинг бозор талабларига қанчалик мослиги, уни истеъмол қилиш даражасига боғлиқдир.

2-§. Иқтисодий фаолият шаклларига кўра даромадларнинг тақсимланиши

Иқтисодий фаолият шаклларига кўра даромадларнинг тақсимланиши ривожланган бозор хўжалиги шароитида ишлаб чиқариш омилларининг эгалари маҳсулотни товар сифатида сотадилар. Бундай товар учун олинган ҳақ *даромад* дейилади. Даромадларни икки турга бўлиш мумкин: 1) ишчи кучини сотишдан олинган даромад – иш ҳақи; 2) капитал, мол-мулкдан фойдаланганлик (кредит, ер ижараси, турар-жой ижараси ва хоказолар) учун олинган ҳақ, фойда, фоиз ва рента.

Ишлаб чиқариш омилларини сотувчилар харидор сифатида корхона эгалари (тадбиркорлар)га қарама-қарши туради. У пул, товар ва “инсон” капиталларини яхлит бир бутун қилиб бирлаштириб, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этади. Бунда корхона эгаси, одатда, моддий ресурслар анча қисмининг соҳиби бўлади. Шу сабабли корхона эгаларининг фойда сифатидаги даромадини амалда, қандайдир мол-мулк (ер, ашёвий ёки пул капитали) эгаси сифатидаги ишбилармон даромадидан ажратиш жуда мушкулдир. Лекин буни назарий жиҳатдан асослаб, мавҳум усуллардан фойдаланиб фарқлай олиш мумкин.

Иқтисодий фаолият натижасига қараб, аҳоли табақалари даромадларининг шаклланиш жараёни муҳим аҳамият касб этади.

Иш ҳақи. Иш ҳақи “иш кучи” – товарининг нархи сифатида бозор иқтисодиётининг асосий категорияларидан бири бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ҳамма жараёнларида муҳим роль ўйнайди. Иш кучининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уни ишчининг ўзидан ажратиб олиб бўлмайди. Агар бирор товарнинг сотувчиси уни харидорларга етказиб бериш тўғрисида битим тузса, бу нарса шу сотувчининг ўзи товарини сотиш билан шуғулланади, деган маънони англатмайди.

Бироқ “ишчи кучи” товарига бу нарса тааллуқли эмас. Меҳнат шартномасини тузган шахс иш берувчига шартномада шарт қилиб кўрсатилган хизматларини шахсан ўзи ва бевосита тақдим этиши керак. Иш кучининг ўзига хос иккинчи хусусияти шундан иборатки, исталган мамлакат аҳолисининг жуда кўпчилиги ишлаб чиқаришда фақат ана шу омилнинг эгасидир. Айни меҳнатдан олинган даромад шу кишилар турмушининг моддий негизини ташкил этиши сабабли иш кучининг баҳоси унинг даражаси ва динамикасида катта ижтимоий аҳамият касб этади. Хўш, иш кучи нима? Иш кучи инсон

организмига эга бўлган, ҳар доим ишлаб чиқаришга сарфлаб туриладиган жисмоний ва ахлоқий қобилиятлар йиғиндисидир. Иш кучи фақат инсонга хос хусусият бўлиб, инсон организмидан бир дақиқа ҳам бегоналашмайди. Иш кучи фаросат, касбкор, уқув, малака, тажриба, маънавият ва ҳ.з.нинг жамулжамлигидир. Мана шуларнинг ҳаммаси инсон организмда мукаммалланиши натижасида маълум иқтисодий муносабатлар кўринишида сарфланади, яъни иш кучи ҳосил бўлади. Иқтисодиёт назарияси фанида иш кучининг ҳосил бўлиши ва сарфланиши, унинг қайта тикланиб, такрор ишлаб чиқариш каби хусусиятларини белгилайди. Иш кучини такрор ҳосил қилиш билан боғлиқ барча ижтимоий зарурий меҳнат харажатлари унинг қийматини ташкил этади. Шунингдек, ишчи ўз авлодини ўқитиш, касб-ҳунарга ўргатиш, ўз саломатлигини яхшилаш, маънавият-маданияти учун зарур бўлган харажатлар ҳам бевосита иш кучи қийматига киради. “Иш кучи” товарини сотиб олган корхона эгаси унга шундай ҳақ тўлаши керакки, бу ҳақ самарадор меҳнатни рағбатлантира олиши лозим. Бунда ходим меҳнатининг реал натижаларига баҳо бериш ҳолатини четлаб ўтиб бўлмайди. Бироқ корхона эгаси бу борада бир қатор муаммоларга тўқнаш келади. Булар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, исталган корхонада банд бўлган шахслар меҳнатининг натижаси фақат улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотгагина эмас, балки меҳнатнинг фирмага фойда ёки зарар келтирадиган оқибатларига ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш, унга ходимлар томонидан киритиладиган янада самарадор ва тежамкор усулларни жорий этишга доир таклифлар шулар жумласидандир. Корхона барқарор ва натижали фаолият кўрсатишига ёрдам берадиган руҳий муҳитни барпо этиш ҳам катта аҳамиятга эга. Гарчи, қиймат баҳосини таркибий қисмларга бўлиб бериш мумкин бўлса-да, ҳар бир ходимнинг ана шу барча туркумларни барпо этишга қўшадиган ҳиссасини ҳам баҳолаш зарур.

Иккинчидан, бир қатор меҳнат жараёнларида, хусусан, ходимдан шунчаки жисмоний хатти-ҳаракатлар эмас, балки алоҳида эътибор ва махсус тайёргарлик талаб қилинадиган ҳолатларда меҳнатнинг миқдорий ўлчовларини аниқлаш мушкул.

Учинчидан, маҳсулот ишлаб чиқариш фақат миқдор жиҳатидан эмас, балки сифат жиҳатидан ҳам ўзгаради, шунинг учун меҳнатга ҳақ тўлашда ҳар икки ҳолат ҳисобга олиниши керак.

Ушбу муаммолар иш ҳақининг турли шаклларида турлича ҳал қилинади. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай шаклида ходим ишлаган вақтининг муайян миқдори учун белгиланган миқдорда пул олади. Иш ҳақининг бу шакли бевосита ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳисобга олиш қийин бўлган ёки миқдорий ўлчаш етарлича бўлмаган ҳолларда қўлланилади. Бироқ вақтбай иш ҳақи ҳам маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатландиради.

Ходим томонидан сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилиши ёки хизмат кўрсатишнинг ўсиши унинг малакаси ошганлигини кўрсатади. Ходимнинг малакаси қанчалик юқори бўлса, бошқа тенг шароитларда унинг меҳнатига ҳақ тўлаш ҳам шунчалик юқори бўлади. Анча унумдор ишлайдиган ходим корхона учун машаққатли паллада бекордан-бекорга корхонадан бўшатиб юборилмайди.

Меҳнат унумдорлиги билан унга ҳақ тўлаш чоғида алоқа анча чамбарчасроқ бўлади. Иш ҳақининг ишбай шаклида ҳосил қилинган маҳсулот ёки кўрсатилган хизмат бирлиги учун муайян баҳолар асосида ходимни тақдирлаш кўзда тутилади. Ҳосил қилинган маҳсулот ёки кўрсатилган хизмат қисмлари сифат жиҳатидан бир турда бўлса, бинобарин, миқдорий жиҳатдан ҳам ўлчаш мумкин бўлган тақдирда, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай шакли қўлланилади. Иш ҳақининг миқдори ва даражасини бир қанча омиллар белгилайди. Бу омиллар жумласига иш кучининг қиймати, ишчи (ходим)нинг малака даражаси, миллий истеъмолдаги хусусиятлари, табиий, тарихий, географик шароитлар кабилар киради. Иқтисодиётда, шунингдек иш ҳақининг номинал ва реал даражаси ҳам фарқ қилинади. Иш ҳақининг номинал даражаси дейилганда ходимнинг ишлаб чиқаришда қатнашиш даражасига қараб белгиланган пул кўринишдаги даромаддир. Реал иш ҳақи пул шаклидаги иш ҳақининг тирикчилик неъматларини қўлга киритиш миқдори билан белгиланади. Аҳолидан олинadиган турлича солиқлар, истеъмол буюмлари, намунали хизматлар тўловлари реал иш ҳақига таъсир кўрсатади. Нарх-наво қанчалик барқарор бўлса, ишчи (ходим) нинг турмуш даражаси (реал иш ҳақи) ҳам шунчалик яхшиланади, ёки аксинча, нарх-наво беқарор бўлиб, тез-тез ўзгариб турса, турмуш даражаси шу қадар оғирлашади.

Иш ҳақининг даражасини белгилаш. Иш ҳақи ҳам исталган бошқа товар нархи сингари бозор хўжалигидаги талаб ва таклифлар рақобати жараёнининг ўзаро таъсири асосида белгиланади. Аввало шунини таъкидлаш керакки, муайян касб ва малакага эга бўлган иш кучига

талаб ишлаб чиқариладиган товарларга бўлган талаб билан боғлиқдир. Айнан шу корхонада ишлаб чиқарилаётган товарга талаб қанча кўп бўлса, корхонанинг малакали иш кучига талаби ҳам кўпаяди.

Бироқ иш кучига талабни ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этаётган бошқа таркибий туркумлар таклифидаги ўзгаришлар билан боғлиқ омиллар ҳам белгилайди. Агар ишлаб чиқариш бошқа омилларининг таклифи шартлари ўзгарса, иш кучига талаб ҳам аввалгидек бўлиб қолмайди. Масалан, нефтни қайта ишловчи заводга келаётган нефть миқдори камайган тақдирда ишчилар меҳнатига бўлган талаб ҳам озяди.

Меҳнатга талабнинг ўзгариш хусусияти яна куйидаги омилларга боғлиқ: меҳнатнинг шаклини меҳнат ёки машиналарнинг бошқа тури билан алмаштириш мумкинлигига, муайян ҳосил қилинаётган меҳнат қийматида меҳнатнинг муайян турига бўлган чиқимларнинг кўплигига. Бирорта мамлакатнинг бутун хўжалигидаги меҳнатга талаб ҳақида гап кетадиган бўлса, таъкидлаш жоизки, бу талаб унинг табиий ва техник ресурслари миқдори, эришилган меҳнат унумдорлиги даражаси ҳамда турмуш даражасига боғлиқ бўлади.

Бутун иқтисодий тизимдаги меҳнат таклифи, аввало, аҳоли сонига, қолаверса, табиий бойлиги ва техник ўсиш суръатларига боғлиқдир. Умумий иш кучининг таклифи: а) аҳолининг умумий миқдорида меҳнатга лаёқатли аҳолининг ҳиссаси; б) кун, ҳафта, ой, йил давомида ишланган вақт; в) ходимларнинг малакаси ва улар меҳнатининг сифати билан белгиланади.

Бунда, *биринчидан*, бозор касб бўйича меҳнат таклифи ана шу касбга ўқитиш чиқимларига боғлиқ эканлигини таъкидлаш мумкин. *Иккинчидан*, даромаднинг даражасига қарамай, кишилар ўз меҳнатини сарфлашни истамайдиган бир қатор сабаблар мавжуд. Бу ўринда меҳнат натижасида ходимлар ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғдирадиган, нохуш ҳистуйғулар уйғотадиган ёхуд жамиятда нуфузсиз ҳисобланадиган соҳалар ҳақида сўз бормоқда. Тармоқ ёки корхонанинг барқарорлиги, ишсиз қолиш эҳтимоли ҳам катта аҳамиятга эга.

Жамиятда меҳнат қилаётган кишиларнинг ҳаммаси тамомила бир хил малакали ва бир хилда куч-ҳаракат сарфлаб, умуман олганда, уларнинг ҳар бири сарфлайдиган меҳнат бошқалар сарфлаган меҳнатидан фарқ қилмаганда? барча ходимларга ҳақ тўлашнинг соатбай маоши тенг бўлиб қолар эди. Лекин ҳаётда бундай бўлиши мумкин

эмас. Шу сабабли ишлаб чиқариш тармоқлари, касблар, корхоналар минтақалар бўйича иш ҳақи миқдорида анчагина тафовутлар мавжуд.

Жамиятда меҳнат тақсимоти мавжудлиги ва молларга эҳтиёж бир хилда эмаслиги сабабли иш ҳақи ҳам фарқланади. Эҳтиёж юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариладиган жойларда талаб камроқ моллар ишлаб чиқарилувчи корхоналардагина нисбатан кўпроқ бўлади. Иш ҳақи миқдори ишнинг хусусиятига боғлиқ бўлмаслиги мумкин эмас. Агар иш соғлиқ учун зарарли ёки хавфли бўлса, асабнинг зўриқиши, ҳолдан тойдирувчи жадаллик ва бошқа нохуш хусусиятлар билан ажралиб турса, кишиларни унга жалб этиш учун товон сифатида кўпроқ ҳақ тўлаш зарурати туғилади.

Ишнинг ҳар бир турини бажариш учун киши муайян қобилият, ақлий ва жисмоний хислатларга эга бўлиши керак. Меҳнатга қобилиятлиликини такрор ҳосил этиш учун турли касбдаги ходимлар меҳнатига бир хилда бўлмаган маблағлар талаб қилиниши мумкин. Иш ҳақини тўлашда шу жиҳатларнинг ҳаммаси ҳисобга олиниши керак. Иш кучига бўлган талаб ва таклиф унинг кўчувчанлигига, яъни юмушчиларнинг бир иш жойидан иккинчи иш жойига кўчиб ўтишига ҳам боғлиқ бўлади. Жамиятда иш ҳақининг ҳар хил бўлишининг сабаби иш кучининг етарли, яъни ортиқчалиги ёки етишмовчилиги натижасида иш ҳақининг табақалаштириб юборилишидир. Иш кучи етарли ёки ортиқча бўлса иш ҳақи миқдори ҳам камаяди, етишмайдиган жойда эса юқорилайди. Бозор механизмида малакали, билимдон иш кучи мураккаб иш жараёнлари билан банд бўлишига қараб ҳам иш ҳақи даражаси ўзгариб боради.

Иш ҳақи ва меҳнат унумдорлиги. Бу иккала жиҳат бир-бирига таъсир кўрсатадики, натижада иккаловининг бир йўналишда ўзгариши юз беради. Зеро, ишчи вақт бирлигида қанча кўп маҳсулот ишлаб чиқарса, корхона уни сотишдан шунча кўп маблағ олади, бинобарин, ишчининг иш ҳақи ошиши эҳтимоли кўпаяди. Шу сабабли ҳар қандай корхона эгаси кам унум билан меҳнат қилувчи ишчиларни юқори унум билан ишловчи ишчилар билан алмаштиришдан манфаатдордир.

Бу ҳол ишчиларнинг умумий миқдорини қисқартириш имкони ни бергани учун ҳатто меҳнатга ҳақ тўлашга кетадиган маблағларнинг ўзгармас миқдорида ҳам улардан ҳар бирининг иш ҳақини кўпайтириш имкони пайдо бўлади. Бунинг устига, юқори унум келтирувчи ишчилар меҳнат қиладиган асбоб-ускуналардан янада самара-

лироқ фойдаланилади. Меҳнат унумдорлиги анча юқори бўлса, капитал айланиши шунча тез юз беради. Бу эса корхонанинг даромадлари, демак, меҳнатга ҳақ тўлашни ошириш эҳтимолининг ҳам кўпайишига олиб келади. Шу тариқа, меҳнатнинг юқори унумдорлиги унга ҳақ тўлашнинг юқори бўлиши учун ҳам замин яратади. Бу замин қанчалик юқори бўлса, ходимлар ўз эҳтиёжларини шунчалик тўлиқ қондирадилар. Уларнинг турмуш даражаси ҳам юқори бўлади. Ишчининг унумдор кучи яхшироқ тикланади ва унинг сифати юқорироқ бўлади. Меҳнатга ҳақ тўлаш пасайиб кетса, ишчи ўз соғлиғини мустаҳкамлаш, маданий эҳтиёжларини қондириш, шунингдек тўкин овқат, кийим-кечак, турар-жой учун зарур маблағларга эга бўлмайди. Бунда ишчи меҳнатининг унумдорлиги ҳам паст бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

Бозор иқтисодиёти шароитида кишиларни меҳнатга жалб этиш, уларнинг ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлигини анча кучайтиради. Шунини айтиш жоизки, бозор шароитида иш ҳақини, унинг даражасини шахсий меҳнатга, ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларига, фирмада сарфланаётган меҳнатнинг оқибатларига боғлаб кўйиш муҳим аҳамият касб этади. Ана шу мақсадни кўзлаб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, барча турдаги корхона ва ташкилотлар учун ягона тариф тизими жорий қилинган, тариф разрядлари ва коэффицентлари асосида ҳақ тўлашга ўтилган. Бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан иш ҳақининг энг кам даражасини аниқлаш иш ҳақи миқдорини шакллантиришнинг бошланғич нуқтаси бўлиб хизмат қилади. Энг кам иш ҳақи даражаси ўзгармас бўлиб қолмайди. У доимо ўсиб боради.

Фоииз ва фойда. Бозорда ғоятда турли-туман кўринишдаги битишувлар амалга оширилади. Булар қуйидагилардан иборат: 1) нақд битишувда товар ва пуллар контрагентлар томонидан бир-бирига дарҳол узатилади; 2) муддатли битишувда мол етказиш ва унга ҳақ тўлаш шартнома тузилгандан сўнг қандайдир вақт ўтгач амалга оширилади; 3) кредитли битишувда мол етказиб бериш ва унга пул билан ҳақ тўлаш вақтида узилиш рўй беради. Шундай вақтда мавжуд моллар ёки хизмат кўрсатишлар ваъда қилинганда ҳар қандай айирбошлашни заём сифатида амалиётда, кўпинча, ана шу битишувнинг бир иштирокчиси бир мунча суммадаги пулни бошқа киши олганда биров кўпроқ суммада пул тўлаб, қарзни муайян муддат тугашигача

қайтариб бериш шарті кўзда тутилади. Пулдан фойдаланиш учун тўланадиган ҳақ фоиз деб аталади.

Лекин фоиз фақат пулга қарз беришдагина намоён бўлмайди. Агар моллар кредитга харид қилинса, харидор сотувчига тезлик билан ҳисоб-китоб қилган вақтдан кўпроқ суммани тўлайди. Фоиз қарзга тақдим этиладиган молнинг ўзида ўлчаниши мумкин. Инсоният шундай бутун бир даврни ўз бошидан кечирдики, натурал хўжалик ҳукмронлиги чоғида, масалан, қарзга дон олган қарздорлар уни қайтарар экан, фоизини ҳам тўлаганлар.

Фоизни ҳисоблаш учун фоиз меёри (М) тушунчаси – бир мунча суммадаги пул ёки товарни қарзга беришдан олинган даромаднинг пул билан ифодаланган қийматининг пулнинг ана шу суммасига ёки молнинг пули қийматига нисбатидан фойдаланилади:

$$M = \frac{\text{Даромад}}{\text{Қарз қиймати}} \times 100\%$$

Фоиз меёри фоиз ставкаси деб ҳам аталади. Чунончи, қарзга берилган юз минг сўм учун бир йилдан сўнг бир юз ўн минг сўм олинса, қўшимча даромад ўн минг сўмни, фоиз ставкаси эса йирик даромаднинг 10%ни ташкил этади. Одатда, фоиз меёри ҳақида сўз юритилганда, фоизнинг пул меёри кўзда тутилади. Бу бойлик, даромад ва чиқимларни ўлчаш учун бозор иқтисодиётида пулнинг меёр бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади. Бундан ташқари, ривожланган бозор ва кредит мавжудлиги шароитида ссуда фоизи ёки шунга мувофиқ келувчи фоизнинг пули меёри пул бажараётган вазифалар туфайли иқтисодиёт учун алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар қандай нарх сингари фоиз меёри ҳам талаб ва таклифнинг ўзаро таъсири жараёнида белгиланади. У бозорда капиталга талаб шу ерга келаётган капиталнинг умумий ҳажмига тенг бўлган даражада ўрнатилади. Бироқ қарздор кредит берувчига капиталдан фойдаланганлик учун фоиз сифатида тўлайдиган сумма рақобат даражасида ўрнатиладиган капитал баҳосини билдирмайди. Зеро, кредит берувчи қарзга капитал берганда, доимо унда бой бериш таваккалчилиги мавжуд бўлади. Бу шу билан боғлиқки, заём олувчи ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотга бўлган бозор эҳтиёжини ўз корхонасининг имкониятларини хом ашё етказиб бериш ва маҳсулотни сотишга таъсир кўрсатадиган ташқи омилларни нотўғри баҳолаши мумкин. Натижада корхона эгаси зарар кўриши, ҳатто синиши ҳам мумкин. Бунда унга

капитал берган кредитор ҳам зарар кўради. Бу ҳол корхона эгасининг таваккалчилиги деб аталади. Тўламаслик таваккалчилиги ҳам мавжуд: капиталдан иш кўзини билмай фойдаланган заём олувчи қарзини тўлаш вақтига келиб, маблағсиз қолиши ёки ўз мажбуриятларини бажаришдан қочиш мақсадида ноқонуний усуллардан фойдаланиши мумкин. Бундай ҳолларда кредит берувчи ҳам зарар кўриши турган гап. Шу сабабли қарздорлар кредит берувчиларга капитал даромад сифатида тўлайдиган маблағ ўзида “суғурта мукофоти” ёки “таваккалчилик мукофоти” ни ифодалайди.

Умуман олганда, эркин капиталлар ва кредитларни жойлаштиришни бошқариш каттагина куч-ҳаракатни, муайян қобилият ва тажрибани талаб этади. Бу хил фаолият капитал даромади корхона эгасининг даромадини ҳам ўз ичига олади.

Фоиз меъёри, миқдори ссуда бериш муддатига ҳам боғлиқ бўлишини таъкидлаймиз. Муддат қанча катта бўлса, таваккал қилиш даражаси ҳам шунча юқори, кредит берувчининг капиталдан бошқа мақсадларда фойдаланиш учун имкониятлари шунчалик оз бўлади. Шу сабабли бундай ҳолларда ссуда фоизининг меъёри ҳам юқори бўлади.

Шу тариқа, ҳаётда доимо қандайдир мавҳум “фоизнинг умумий меъёри” билан эмас, балки талай аниқ ставкалар билан иш кўрилади уларнинг ҳар бири у ёки бу тайин вазиятга боғлиқ ҳолда ўрнатилади.

Фоиз меъёри ва хўжалик юритишдаги фаоллик. Корхона эгаси ишлаб чиқаришда ўз капиталидан фойдаланиши, уни кредитга олиши ёхуд олмаслигидан қатъи назар, фоизини у ўз даромадига эмас, балки ишлаб чиқариш чиқимларига сарфлайди. Бу эса фоиз меъёрининг ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир этиш характерини белгилайди. Фоиз меъёри капитал маблағларининг ҳар қандай лойиҳалари учун рентабеллик энг кам даражасининг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Мисол учун, машинасозлик заводи маҳсулот чиқара бошлаган даврга келиб, фоизнинг кутилаётган бозор ставкаси 6% ни ташкил этмаса, ҳар қандай киши ҳам 5 фоиз соф даромад келтирадиган бундай заводни қуриб ўтирмайди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: фоиз қанча паст бўлса, хўжаликка шунча кўп капитал киритилади.

Кредитга берилаётган маблағ ҳозирда пул шаклига эгаллиги сабабли фоиз меъёрининг даражаси иқтисодий фаолият иштирокчилари қўлидаги пул миқдорига боғлиқ бўлади. Қолган тенг

шароитда қанча кўп пул муомалада бўлса, фоизнинг бозор ставкаси шунча паст бўлиши керак.

Ҳозирги бозор иқтисодиётида пул миқдорини тартибга солиш жараёни ўз-ўзидан юз бермайди, балки Марказий банк томонидан амалга оширилади. Шу тарзда тартибга солишнинг моҳияти ва методлари ҳозирча муфассал тавсифлаб ўтирилмайди. Таъкидлаймизки, давлат пул миқдорини ўзгартириш йўли билан жамиятда иқтисодий фаолликка таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлади.

Агар хўжаликда нархлар умумий даражасининг ошиши юз берса, заём олувчи кредит берувчи билан ҳисоб-китоб қиладиган пул кредит берувчи заём олувчига берган пулга қараганда камроқ харид имкониятига эга бўлади. Шу сабабли инфляция даврида қарз олиб яшаш фойдали, чунки уни қадрсизланган пуллар билан узишга тўғри келади. Қисқаси, нархларнинг умумий ўсиши чоғида бойликлар кредит берувчилар зарарига, лекин қарздорлар фойдасига қайта тақсимланади. Мўътадил инфляция сиёсатини олиб бораётган, бозор иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларнинг ҳукуматлари фоизнинг тайин ставкасини пасайтиришга уринадилар ва бу билан хўжалик юритишдаги фаолликни жонлантиради.

Тадбиркор нормал, ўртача фойда олган тақдирда, бу унинг иш-билармонлиги эвазига тегадиган даромаддир. Тадбиркор иш жараёнини яхши ташкил этиб, янги технологиялардан фойдаланиб, самарадорликни ортириб бориш ҳисобига ортиқча фойда олиши мумкин, иқтисодиёт назарияси фани бундай ҳолатни иқтисодий фойда, деб таъкидлайди. Тадбиркор маълум давргача монопол мавқега эга бўлганда ҳам ортиқча фойда олиб туради. Лекин бозор иқтисодиёти доимо ўзгарувчандир, бинобарин, бундай ҳолат тадбиркорнинг иродасига боғлиқ бўлмайди. Тадбиркор олинадиган фойда ёки даромад-ни аниқлашда ўзини қизиқтирадиган жиҳатлари аҳамиятлидир. Тадбиркорни, айниқса, олинадиган фойда нормаси, шунингдек фойда массаси ҳам қизиқтиради.

Фойда ёки корхона эгаси оладиган даромад маҳсулот қийматининг ишлаб чиқаришнинг барча сарфлари чиқарилгандан кейин қолган қисмидир. Фойдани ишлаб чиқарилаётган маҳсулот нархи билан уни ишлаб чиқаришга кетган барча харажатлар йиғиндиси ўртасидаги айирма сифатида ҳам аниқлаш мумкин.

Лекин фойда шундай йўл билан аниқланганда, унинг миқдори қандай омиллар билан белгиланиши тўғрисида ҳеч қандай тасаввур

ҳосил қилиш мумкин бўлмайди. Шуни эътиборда тутиш лозимки, корхона эгаси оладиган даромад, аввало, ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш натижасидир. Чунки ўз ҳолича бир-биридан алоҳида олинган ишчилар, бинолар, ускуналар ҳеч нарса ишлаб чиқармайди. Уни амалга ошириш учун уларнинг барини ягона ишлаб чиқариш жараёнида самарали иштирок этишини таъминлаш зарур. Корхона эгаси айти шундай фаолиятга қодир бўлиши керак. Корхона қанчалик яхшироқ ташкил этилса, ресурслар самарали фойдаланилса, маҳсулот бирлиги ҳисобида кам харажат билан ишлаб чиқаришнинг кўпроқ ҳажмига эришиш мумкин. Бошқача айтганда, корхона эгасининг даромади шунча юқори бўлади.

Фойда миқдори таъсир этувчи муҳим жиҳат ноаниқлилик омилидир. Кредит берувчиларнинг таваккал қилиши хусусида сўз борганда бу омил ҳақида бир оз гапирилган эди. Корхона эгаси ҳам таваккал қилади. Тайинлилик шундайки, ким истеъмочилар мойиллиги, хом ашё, ускуналар, тайёр маҳсулотлар бозорларидаги вазият қандай ўзгаришини у ёки бу даражада аниқ баҳолай олса, у кўшимча фойдага эриша олади. Бозорда бўладиган ўзгаришларнинг ҳаммасини олдиндан башорат қилиш, одатда мумкин эмаслиги сабабли исталган корхона эгаси учун фойда олиш ёки талофат кўриш хавфи реал мавжуд бўлади. Баъзан эса зарар фойдадан ошиб кетиши ҳам мумкин. Шу сабабли бугун олинаётган фойда эртага рўй бериши мумкин бўлган зарарларни бирор даражада қоплай олиши керак. Бунинг устига, ишлаб чиқариш энг кўп таваккал қилиш билан боғлиқ тармоқлар (аввало, янги моллар ишлаб чиқариш ва янги усуллар қўлланилган ишлаб чиқариш) да фойда бошқа тармоқларидагидан юқори бўлиши керак. Акс ҳолда корхона эгалари капитални бунақа тармоқларга сарфламайдилар.

Амалиётда янги, юқори талабгир маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланнаётган корхона эгалари, шунингдек ишлаб чиқаришдаги харажатларни камайтира бориб, маълум молларни такомиллаштириш ҳамда сифатини ошириш йўллари излаб топаётган кишилар кўпроқ фойда олмоқдалар. Маҳсулот бирлигига қанча кам чиқим тўғри келса ва муайян вақт оралиғида қанча кўп мол ишлаб чиқарилса, бошқа тенг шарт-шароитларда корхона эгаси оладиган даромад ҳам шунча кўп бўлади.

Фойданинг миқдори у ёки бу ишлаб чиқарувчининг бозорда ишғол этган мавқеига ҳам боғлиқ. Агар у бирор-бир ихтиро учун па-

тентга эга бўлса, сийрак учрайдиган табиий ресурслардан фойдаланиши ёки бошқа корхона эгалари билан келишиш имкониятига эга бўладики, натижада монополия юзага келади. Монополистлар нархни ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмини назорат қилиш йўли билан кўшимча даромад олишлари мумкин. Бозордаги мавқе ишлаб чиқарувчиларнинг фойдасига бошқа жиҳатдан ҳам таъсир кўрсатади. Корхонада иш қанча яхши борса, рақобатчилар билан қиёслаганда унинг мавқеи шунча мустаҳкам бўлади. Фирманинг обрўси қанча юқори бўлса, унинг етказиб берувчилар, истеъмолчилар, иқтисодий ҳаётнинг бошқа иштирокчилари билан амалий алоқаларининг миқёси шунча кенгаяди. Бундай фирманинг афзалликларга эга бўлиш аниқдир. Бошқа заём олувчиларга қараганда, унга анча паст фоиз билан кредитни жон деб беришади. Бундай корхона хом ашё ва ускунани арзонроқ сотиб олиши ҳам мумкин. Зеро, сотувчилар ишончли шерикка эга бўлишдан кам манфаатдордир. Мавқенинг мустаҳкамлиги молларнинг юқори сифатлилиги тайёр маҳсулотни сотишда ҳам афзалликни таъминлайди. Натижада корхона, жумладан, корхона эгаси ҳам анча юқори даромад олади.

Мулк шаклларининг демократлашуви натижасида моддий омил соҳибларига шахсий омил соҳибларининг ёлланиши натижасида моддий ва шахсий омил бирикади. Яъни ёлланма меҳнат муносабати иш кучининг, яъни инсон меҳнат қобилиятининг товарга айланганлигини билдиради. Бозор мезанизмининг чуқур илдиз отиши натижасида ҳар қандай баҳо ўзгариб турганидек, иш кучи қийматининг ифодаси бўлган иш ҳақи ҳам ўзгариб туради. Тадбиркор кўп ҳолларда ўзганинг меҳнатида фойдаланар экан, бу ёлланма меҳнатга айланадики, унинг бир қисмини ишбилармонлик қобилияти учун олади дейлик. Тадбиркор оладиган даромаднинг иккинчи қисмини ёлланма иш кучи яратган бўлиб, тадбиркор бу қисмга тўлиқ ҳақ тўламасдан ўзлаштирадиган даромаддир. Тадбиркорлик фаолияти асосида ҳосил бўлган даромад эксплуатациядан холи бўлмай, уни инкор этмайди.

3-§. Бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли даромадларининг табақалашуви

Ижтимоий меҳнат тақсимооти хўжалик юритувчи субъектларнинг доимо бир-бирларига товар сотиш ва сотиб олишига, демак, бир-бирлари билан товар муносабатларига киришишига мажбур этади. Ҳар бир субъект товар ишлаб чиқаришнинг бошқа иштирокчила-

ри билан ана шундай ўзаро алоқа жараёнидагина ўз манфаатларини рўёбга чиқариш мумкин. Ўзаро алоқаларнинг энг кенг тарқалган шаклларида бири бозор рақобатидир. Бу рақобат бозор хўжалиги субъектлари ўртасида ўз манфаатларини максимал рўёбга чиқариш учун курашадилар. Шу каби кураш жараёнининг принциплари асосида иқтисодий танлов ётади. Бу танловда энг ишбилармон, ишлаб чиқариш юқори даражада бўлган ва яхши хизмат кўрсатувчи хўжалик субъекти ютиб чиқади. Иқтисодий танлов жараёни муқаррар равишда иш натижасига қараб олинган даромаднинг турлича бўлишини белгилайди.

Бозор иқтисодиётида тақсимот муносабатлари тенгликни эмас, балки тенгсизликни келтириб чиқаради. Баъзи хўжалик субъектларининг фойдаси юқори бўлиб, даромади кўпаяди. Баъзилари эса ишлаб чиқаришда зарар кўриб, инқирозга учраб хонавайрон бўлиши мумкин. Бу эса ўзини оқламайдиган иқтисодий фаолиятнинг барҳам топишига иқтисодий танланишга, унинг иқтисодий ўсишига олиб келади.

Бозор иқтисодиёти ўз асосларига кўра, тенгсизлик иқтисодиёти, унга асосланган жамият ижтимоий тенгсизлик жамияти бўлиб, даромадлар тенгсизлигининг зиддий жиҳати ёмонлашади. Тенгсизлик ҳам адолатли, ҳам адолатсиздир. Даромадлардаги тенгсизликнинг сабаблари нимади?

Унинг икки зиддий жиҳати бор: табиий ва ижтимоий сабаблар. Маълумки, кишилар табиатан жисмоний ва ақлий жиҳатдан бири-биридан фарқ қилади. Уларнинг иш қобилияти, билими, малакаси, маҳорати, ишбилармонлиги бирлигида кўринади. Лекин киши қобилиятининг камол топиши, ривожланиши ва унинг юзага чиқиши ижтимоий сабабларга боғлиқ бўлган жиҳатлар ҳам бор. Жамиятда инсон саводли, қобилиятли ва эгаллаган малакасига яраша иш билан банд бўлиши, умуман, фойдали фаолият билан машғул бўлиши шарт.

Агар инсон бирор фаолият билан шуғулланмаса, ҳар қандай ақли ва қобилиятли киши ҳам фаолиятсиз бўлиб қолади. Масалан, тадбиркорликдан оладиган даромади бўлган фойданинг миқдори ҳам ишбилармонлик қобилиятига, шунинг ҳисобига олинадиган натижага боғлиқ бўлади. Бинобарин, ишни яхши ташкил эта оладиган, ишнинг кўзини билган, малакали, билимдон, яхши тажрибага эга бўлган тадбиркор фаолиятида самараси яхши натижаларга эришиб, кўзлаган фойдасини олиши мумкин. Самарали меҳнат қилиш натижасида кат-

та даромад олиш умумий манфаатдорлик ва умуминсоний қоидалар нуқтаи назаридан қаралганда, адолатли даромад бўлиб чиқади. Мулкдан фойдаланиш ҳисобига келадиган даромадлар, рента, фоиз, дивиденд кабилар меҳнатдан топилган даромад ҳам умуминсоний жиҳатдан адолатли даромад ҳисобланади. Ёлланиб ишловчи ишчи иш ҳақи, тадбиркор ўз фойдаси ҳисобидан сотиб олинган акция ёки облигация келтирадиган дивиденд ёки фоиз кўринишидаги даромадлар ҳам адолатлидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида адолатли даромад билан бирга, ҳар доим адолатсиз даромад ҳам мавжуд бўлади. Товар ёки фонд биржаларида чайқовчилари бўлган брокер ёки дилерлар бир неча дақиқа давомида акция курсини тушириши ёки кўрсатилишидан миллионлар билан ҳисобланадиган мулкӣ даромад топадилар. Катта сармоёга эга бўлган пулдорлар ўз пуллариини банкга қўйиб, меҳнат қилмасдан ҳам мулкӣ даромад оладилар. Бу адолатли даромад эмас, албатта. Бозор иқтисодиёти муносабатлари такомиллашиб ривожланган сари иқтисодиёт ўсиб боради. Бозор иқтисодиёти ўз асосларига кўра, тенгсизлик иқтисодиёти бўлиб, унга асосланган жамияти ҳисобланади. Жамиятда даромадларнинг тенгсизлигига сабаб нима, уларга қандай омиллар таъсир кўрсатади? Бу тенгсизлик адолатлими ёки адолатсизми? Демак, унинг икки хил сабаби аниқ: табиий ва ижтимоийдир, буни таъсир этувчи омилларнинг ҳар хиллиги билан изохлаш мумкин. Табиатан тенгсизликка биология нуқтаи назаридан қараганда, табиат кишиларга турлича қобилият, куч-қувват, ақл-идрок, салоҳият-заковат ато этганлиги маълум бўлади. Бинобарин, табиат инъом этган кишиларнинг туғма қобилиятидаги тафовутлар уларга турлича даромад топиш имконини беради.


Жисмоний бақувват ва ақл-заковатли инсоннинг унумли ишлаши, кўп даромад топиши осон кечади. Шу билан бирга, инсон қобилиятининг ривож топиши ва рўёбга чиқиши ижтимоий сабабларга ҳам боғлиқлигини уқтириш лозим. Инсон яхши билим олиши, қобилиятига яраша иш билан таъминланиши, бирор фойдали фаолият билан шуғулланиш имкониятига эга бўлиши лозим. Бу жамиятнинг иқтисодий, маданий тараққиёти даражаси, ижтимоий-сиёсий, тизимнинг характери каби хусусиятларга боғлиқ бўлади. Жамиятда билим олиш, касб эгаллаш, малака оширишга шароит яратилган бўлса ва иш топилса, даромад топиш имконияти туғилади. Бинобарин, даромадларнинг табақаланиши кишилар туғма қобилиятларининг ишга соли-

ниш имкониятларига ҳам боғлиқ экан. Даромадларнинг табақаланиши иш билан банд бўлишга ҳам боғлиқ. Акс ҳолда, ҳар қандай ақлли ва қобилиятли киши иш билан банд эмаслиги туфайли фаолиятсиз бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Ишсиз ва ишли кишилар даромадларининг фарқланиши табиийдир. Зеро, бирон бир оилада қанчалик кўп киши иш билан банд бўлса, ҳар бир ишловчи нечоғлиқ кўп пул топса, шу оиланинг даромади шунчалик кўпаяди ёки аксинча. Демак, даромаддаги тафовутлар оила таркибига ҳам боғлиқ бўлади. Оилада пул топармандлар кўп бўлишига қарамай, боқимандалар кўп бўлган тақдирда оиланинг даромади кам ошиши аниқ. Айтилган омиллар таъсири натижасида даромад миқдори табақалашуви келиб чиқади. Демак, бозор иқтисодиёти шароитида даромадларнинг тенгсизлиги табиий-ижтимоий, миқдорлик бўлади-ки, бу адолатли саналади. Уни сунъий равишда тенглаштириб бўлмайди. Чунки бу адолатсизлик ҳисобланади. Даромадларда тенгсизлик мавжуд экан, мол-мулкда ҳам тенгсизлик, яъни бой-камбағаллик муаммоси мавжуд бўлади. Бинобарин, бой-камбағаллик мезони ҳар бир давлатнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиш даражасига боғлиқдир. Камбағал давлатдаги бойлик даражаси, бой давлат учун камбағаллик даражасига тенг бўлиши мумкин ва аксинча. Лекин унинг миқёси ва даражаси қандай бўлмасин, у мавжудлигича қолаверади ва ўсиб боради. Камбағаллик ва бойлик муаммоси азалдан яшаб келаётганлигининг энг муҳим омили, асоси ижтимоий тенгсизликдир. Камбағаллик-бойлик муаммоси барча жамиятларда ва давлатларда мавжуд бўлиб, ижтимоий зиддиятларни келтириб чиқарадиган асосий манбадир. Инсоният тарихи давомида шу зиддиятлар атрофида курашиб келди. Бу билан иқтисодий ўсишлар ҳам, вайроналиклар ҳам кўплаб содир бўлиб турди. Лекин булардан жамият тараққиётининг асосий зиддияти ҳал бўлмади ва жамият тараққиёти ҳам тўхтамади. Демак, ижтимоий зиддиятлар мутлақ, абадий бўлиб, ҳал этилиши эса нисбий (турли тарихий шароитда уларнинг намоён бўлиши турлича)дир.

Тоталитар тизим ижтимоий зиддиятларни бир томонлама ҳал қилиш мақсадида мулкни давлатлаштириш, моддий неъмат ишлаб чиқаришни директивалар асосида режалаштириш ва тақсимлаш услубига асосланиб иш юритди. Бу услуб ҳам нисбийдир. Чунки камбағал-бой муаммоси барибир сақланиб, меҳнаткаш омма камбағал ҳолича қолаверади. Тоталитаризм тутган йўл сунъий ва зўравонлик

бўлиб, иқтисодиётнинг мунтазам ўсишини таъминламади ва оқибатда инқирозга юз тутди.

Маълумки, бозор иқтисодиёти тенгсизликка асосланади. Унда бозор механизмига хос тақсимот амал қилади. Шу сабабли даромадлардаги тенгсизлик ғарб иқтисодчилари томонидан лоренц эгри чизиғи деб аталган. Бу эгри чизик даромаддаги ҳисса оилалар ҳиссасига мос бўлиши ёки бўлмаслигини билдиради. Лоренц эгри чизиғи қуйидагича кўринишдадир:



10-А, 30-В, 60-С, 100-Е

Амалда даромадлар фарқланганидан, уларнинг ҳаракати эгри ёйсимон йўналишда А,В,С,Е нуқталари орқали ўтади. Бу нуқталарда даромад ҳиссаси оилалар миқдоридagi ҳиссадан жиддий фарқланади. Бу бозор иқтисодиёти учун табиийдир. Агар даромадлар бир текис тақсимланганда эди, унинг ҳаракати О нуқтадан R нуқтага қадар бўлган тўғри чизик биссектрисадан ўтганда, оилалар сонидagi улуш билан даромаддаги улуш тенг бўлар, яъни 20 фоиз оила даромадининг 20 фоизигина, бинобарин, 60 фоиз оила эса даромадининг 60 фоизига эга бўлар эди. Аммо бозор иқтисодёти буни мустасно этади.

Чунки у тенгсизликка асосланади. Шунингдек, у даромадлар ҳаммасининг муайян оилалар қўлида жамланишини ҳам инкор этади.

Агар 1 фоиз оила даромадни 100 фоиз ўзлаштиради, мулкий тенгсизлик юз беради, чунки 99 фоиз оила даромадсиз қолиб, очликка маҳкум бўлиши мумкин. Умуман, бундай ҳолатнинг юз бериши мум-

кин эмас, аммо даромадлар тенгсизлиги реал ҳодиса бўлиб қолаверадди. Тенгсизлик бор жойда камбағаллик муаммоси ҳамиша мавжуд. Зеро, бозор иқтисодиёти бу ҳолатни маълум даражада камайтириб боради.

Юқорида таҳлил этилган даромад турлари чегараланган бўлиб, уларни бир-биридан ажратиш бозор иқтисодиёти шароитида қийин. Чунки иш ҳақи фойда билан чатишиб кетади. Шунингдек, рента билан фойда ва уларга иш ҳақи баъзан бириккан бўлиб, улар учун даромад турларининг ўзаро чатишиб кетиши характерлидир.

Аҳолига борган сари кенг ижтимоий кафолатлар бериш ва уларни сақлаб қолиш сиёсатига бозор иқтисодиётида ўрин йўқ. Унда давлат белгилловчи эмас, балки «Пул-мол-рақобат-пул» қондаси бўйича фаолият кўрсатувчи хусусий мустақил структуралар томонидан аниқлаштирувчилик ролини ўйнайди. Бундай иқтисодий субъект ютиб чиқади. Умуман олганда, идеал ижтимоий иқтисодий тизимлар мавжуд эмас: уларнинг ҳар бирида яхши ва ёмон, мукамал ва чала, илғор ва прогессив жиҳатлар бор. Чунончи, бозор самарали ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, иқтисодий ўсишда суръатлар тезлиги, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш тадбирлари турмушнинг моддий даражасини ошириш учун мақбул шарт-шароитлар яратади. Лекин айти вақтда унинг самарадорлиги ва жозибадорлигини пасайтирадиган ҳодисалар иқтисодий кризис, ишсизлик, инфляциялар ҳам туғилиши табиийдир.

Хусусий ташаббускорлик ва тадбиркорликни намоён этиш учун кенг имкониятлар очадиган, истеъмолда мул-кўл, моддий ва номоддий неъматларни яратадиган, фан ва техниканинг янги ютуқларидан унумли фойдаланадиган ва рағбатлантирадиган бозор, айти вақтда, ботиний табиатига кўра, аксилижтимоий ва адолатсиздир. Зеро, энг кучли, энг кўп мослашган зотнинг яшаб қола олиши тўғрисидаги дарвинизм таълимотига амал қилиш кишиларнинг бирга тотув яшаш негизларига, бир-бирларига муносабатларининг инсонпарварлик принципига зиддир. Бозор қонунлари ҳукмрон бўлган жамиятда «яқин кишингга мадаккор бўл» деган диний шиор ўрнини анча прагматик ва камроқ ижтимоий «яқин кишингни қувиб ет ва ундан ўзиб кет» шиори эгаллайди. Демак, бундай ҳолатлар аҳоли даромадларининг табақалашувини келтириб чиқаради. Кимнингдир даромади кўп бўлади, кимдир зарар кўради, хонавайрон бўлади, шу ҳолатда мулкый тенгсизлик вужудга келади.

Бозор иқтисодиёти шароитида шундай аҳоли даромадлари тенгсизлигининг асосий сабаблари қуйдаги омилларга боғлиқ:

- кишилар интеллектуал, жисмоний, эстетик қобилиятларининг турли-туманлиги;
- билим ва касб тайёргарлигида фарқларининг мавжудлиги;
- кўпроқ даромад олиш мақсадида бир неча жойларда ўриндошлик асосида ишлаш;
- интенсив ва қийин шароитларда оғир меҳнат қилиш хоҳиши ва таваккалчилик қилишга тайёр бўлиши;
- мулкка эгалик қилишда фарқининг келиб чиқиши;
- кишиларнинг бозордаги мавқеларидаги фарқлар туфайли баҳонинг ошиб юборилишига мойиллик;
- омадлилик, бахтсизлик ва дискриминация кабиларнинг мавжудлиги.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари шундай стимулни вужудга келтирадими, натижада даромадни кўпайтириш учун юқори фойда олишга зўр бериб уриниш ва рақобатлашиш юзага чиқади. Бу бозор иқтисодиётининг асосий қонуниятидир.

Сунъий равишда даромадларни тенглаштиришга уриниш тақсимот натижасида адолат принципларининг энг типик суръатида ғоят фалокатли тарзда бузилишига олиб келади. Бир текис тақсимлашнинг энг одий ва очиқ кўриниб турган натижаси бир-биридан анча фарқ қиладиган меҳнат унумлари учун бир хил ҳақ тўлашда намоён бўлади. Бир текисда тақсимлаш ижтимоий адолат ва моддий манфаатдорлика путур етказди, натижада ижтимоий иқтисодий тараққиёт секинлашади.

Бозор иқтисодиётида тақсимот меҳнатни рағбатлантирувчи кучга ҳақ тўлашдаги фарқ бажарилаётган ишнинг мураккаблиги, унинг натижаси ва масъулияти ўртасидаги фарқларнинг мувофиқлигига асосланади. Бундай иқтисодиёт ўз асосларига кўра, тенгсизлик иқтисодиётидир. Шунинг учун унга асосланган жамиятда, албатта ижтимоий тенгсизлик мавжуд бўлади. Даромадларнинг нотенг бўлишига сабаб нима? Унинг икки сабаби бор:

Табиий ва ижтимоий сабаблар. Кишилар табиатан жисмоний ва ақлий жиҳатдан бир-бирларидан фарқ қиладди. Бундай ҳолат уларнинг қобилияти ва ишбилармонлигини белгилайди.

Лекин қобилиятнинг ривож топиши ва рўёбга чиқиши ижтимоий сабабларга ҳам боғлиқ. Киши яхши билим олиши, қобилиятига

яраша иш билан таъминланиши, бирор фойдали фаолият билан шуғулланиш имкониятига эга бўлиши зарур.

Акс ҳолда ҳар қандай ақлли ва қоблиятли киши ҳам фаолиятсиз бўлиб қолади.

Бу жамиятнинг иқтисодий, маданий тараққиёт даражаси, ижтимоий сиёсий тузум ва бошқа хусусиятларга боғлиқдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир киши имконияти борича кўпроқ натижага эришиб, кўпроқ даромад олишга ҳаракат қилади.

Тадбиркор ўзи эга бўлган мулкни самараси юқори бўлган соҳага жойлаштириб, кўпроқ фойда олишга интилади.

Иш кучи соҳасида бўлган ишчи ўз малакасини ошириб кўпроқ, яхшироқ меҳнат қилиш ва кўпроқ иш ҳақи олишга ҳаракат қилади. Демак, ҳар иккала субъект қонуний ҳолда ўз меҳнати-натижасига мувофиқ кўпроқ даромад олиши уларнинг қобилиятига боғлиқдир. Мустақиллик йиларида кишиларнинг тафаккури, дунё қараши, ҳаётга бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Турмуш даражаси, оиланинг фаровонлиги, энг аввало, унинг ўзига боғлиқ эканлигини тушуниб етаётган одамлар тобора кўпайиб бормоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида даромадларнинг тенгсизлиги мавжуд бўлар экан, албатта, бу маълум даражада мулкий тенгсизликни келтириб чиқаради натижада бой ва камбағаллик реал воқеликка айланади.

Хўш камбағаллик нима?

Камбағаллик киши ўзининг асосий эҳтиёжлари учун пул маблағлари етарли бўлмаган, мулк ва бошқа ресурслар билан нисбатан кам таъминланган, моддий ва маънавий эҳтиёжларининг паст даражада қондирилишидир. Иқтисодиёт назарияси фани ҳар доим нисбий ва мутлоқ камбағалликни бир-биридан фарқлайди.

Бой-камбағаллик муаммоси ҳар бир давлатнинг иқтисодий даражасига боғлиқ бўлади. Муҳими, бозор иқтисодиётига ҳос тақсимот ҳар бир кишининг моддий мавқеда маълум даражасида тенгсизлик, яъни бири мулк эгаси, бошқаси эса фақат ёлланиб ишловчи ҳисобланади. Бу эса тенгсизликни англатади ва уни зарур қилиб кўяди. Демак, даромадларнинг тенгсизлиги бор жойда камбағаллик муаммоси ҳамиша мавжуд бўлади.

Иқтисодиётда бой ва камбағал аҳоли ўртасидаги нотенглик Джинни индекси орқали кўрсатилмоқда. Агар бу индекс 0 га қанчалик яқин бўлса, жамиятда шунчалик мутлоқ тенглик ҳолати рўй

беради. Агар бу коэффициент бирга тенг бўлса, у ҳолда кашшоқлар кўпчиликини, ўрта бойлар озчиликини ташкил этади. Ривожланган давлатларда бундай кескин табақаланиш йўқ.

Иқтисодиётнинг ривожланиши юқори даражада бўлганлиги сабабли кам даромадли оилалар кам бўлиб, улар ўртача ва юқори даромадли оилалар қаторида даромад олиш имкониятига эгадирлар.

Аҳоли даромадлари тенгсизлигининг катта бўлишининг асосий сабаби бозор тизимига асосланган тақсимот қонунининг амал қилишидир. Таъкидлаш жоизки, айниқса, кейинги йилларда республика аҳолиси даромадининг табақаланишидаги тафовут тез ўсиб бормоқда.

Натижада даромаднинг минимал даражасидан бир неча юқори даромадга эга бўлган ижтимоий қатлам юзага келди.

И.А.Каримов бозор иқтисодиётига ўтишда тенгсизликни юмшатиш учун ортикча бой ва камбағаллика йўл қўймаймиз, деб бир неча бор таъкидлаган эди. Ижтимоийлашган бозор иқтисодиётини барпо этиш ҳаммининг иқтисодий фаолиятини ўстириш ишчанлик ва тадбиркорликни рағбатлантириш, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш аҳоли даромадининг тенгсизлигининг юмшатади, лекин бутунлай йўқ қила олмайди. Айни вақтда мулкдор синф шаклланиб боради. Лекин даромад топиш манбалари ва турлари ҳам кўпайиб бориши билан ҳарактерланади.

4-§. Аҳолининг турмуш даражаси. Оилавий даромадлар.

Даромадлар таркиби ва улардан фойдаланиш

Аҳолини турмуш даражаси тушунчаси муракаб ижтимоий иқтисодий категория бўлиб, кишиларнинг яшаши учун мавжуд моддий ва маънавий нематлар билан таминланишни билдиради. Бу тушунча бир-бирига боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар қуйдагича ифодаланади :

- меҳнат шароити, аҳолининг бандлиги ва даромади истеъмол даражаси ва унинг таркиби, яъни унинг тўйимли озиқ-овқати, сифатли кеим кечак пойавзал, маданий маиший молларга бўлган талабларининг қондирилиш даражасидир.

Аҳоли турмуш даражаси тарихий категориядир. Аҳолининг турмуш даражаси жамиятида ҳуқумрон бўлган ишлар чқариш муносабатлари ва ишлаб чиқариш кучлари тараққиёти даражаси, шу билан бирга, ҳар бир иқтисодий режанинг географик муҳит, маданий ўсиш

бошқа халқлар билан иқтисодий-маданий алоқадорлик кўламига боғлиқдир.

Аҳоли турмуш даражаси мамлакатдаги иқтисодий тараққиёт даражасига мос келувчи ҳаёт шароитларнинг йўниси, жамисидир. Турмуш даражаси ишлаб чиқариш тараққиёт даражаси, товар ва хизматларнинг истеъмол фондларига нисбатан даражаси кўпроқ, ишлаб чиқариш ўсиши юқори бўлсада, истеъмолнинг ўсиш даражаси пастлашади ва аксинча.

Миллий даромаднинг жамғариш ва истеъмол фондига бўлиниш нисбати мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт ҳолати ва талабига боғлиқ бўлади.

Жамғариш ва истеъмол фондини оптималлаштириш иқтисод фанининг муҳим вазифасидир. Бозор иқтисодиёти шароитида миллий даромаднинг тақсимоотида юқори малакали иш кучига бўлган талабнинг характерлидир. Бунинг сабаби инсон омилига ўсишга эришиб бўлмайди. мамлакатда аҳоли сонининг бериши туфайли маълум даражада истеъмол камайя бошлади. Бозор иқтисодиёти ривожланиб бориши асосида аралаш иқтисодиёти ўсиб борган сайин иқтисодиёти юқори даражада тараққий этган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, инсонпарварлик тамойиллари ўсиб бориши сабабли миллий даромадни жамғаришга ажратмалар қисқариб, истеъмол учун ажратиш ортиб бормоқда.

Кейинги 30-40 йил давоида ривожланган мамлакатларда жамғариш ҳиссаси икки баравардан кўпроқ қисқарди. Истеъмол ҳиссасига эга анча ортиб унга, миллий даромаднинг 80 –85 фоиздан кўпроқғи сарфланмоқда.

Аҳоли турмуш даражасининг асосий кўрсаткичларидан бири аҳолининг пул тариқасида оладиган турли даромадлари йўниси бўлиб, у турли манбалр ҳисобига шаклланади, буларнинг асосийлари қуйдагилардан иборат :

- ёлланиб ишловчи ходимлар оладиган пул даромадларининг асосий қисми иш ҳақи булиб, пул даромади умумий ҳажмининг шаклланишида салмоқли ўринни эгаллайди;

- аҳоли пул даромади шаклланишининг яна кўрсаткичи давлат бюджетидан ва бошқа манбалардан бериладиган тўловлардир; бу манбалар ҳисобидан пенсия ва турли хил нафақалар берилади;

- аҳолининг молия-кредит тизми орқали оладиган ҳар хил пул даромадлари ва ҳоказолар.

Аҳоли даромадлигининг даражаси ялпи миллий маҳсулотнинг мамлакат аҳолиси, жон бошига нисбат билан аниқланади. Шунга кўра, даромадлилик миқдориغا кўра, мамлакатлар уч гуруҳга бўлинади:

1	Ўртачадан паст даромадли мамлакатлар 695 доллар ва ундан паст
2	Ўртача даромадли мамлакатлар 695 доллар дан 8625 долларгача
3	Юқори даромадли мамлакат 8626 доллар ва ундан юқори

Инсонинг камолат индекси аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш, умр кўриш ёши, аҳолининг билим даражаси (15 ёшдан юқори ёшдаги аҳоли) кўрсаткичлари билан ифодаланади.

Аҳолининг турмуш даражаси сифатидани ифодалайдиган кўрсаткичлар қуйидагилардир:

- ЯММ нинг аҳоли жон бошига тўғри келши;
- кутилаётган умр куриш ёши;
- шахсий бахт (омад) тушунчаси;
- ҳаёт кечиришда даромаднинг минимал даражага мувофиқлиги;
- оиланинг жамиятда эгаллаган мавқеи;
- саломатлик;
- ҳаёт (турмуш) тарзи.

Аҳолининг турмуш даражаси сифатида индекси қуйдаги кўрсаткичлар билан белгиланади:

- соғлиқни сақлашнинг аҳволи;
- билим даражаси;
- ўртача умр кўриш ёши;
- аҳолининг тўлов қобилияти (аҳолининг қанча маҳсулотлар, шу жумладан озиқ-овқатлар ҳамда хизматлар харид қила олиш);
- аҳолининг иш билан бандлик даражаси;
- сиёсий ҳаётда иштирок эта олиши, аҳоли қатлами ва гуруҳларининг ўртача даромади даражасида маълум фарқлар бозор иқтисодиёти шароитида яққол табақалашиб боради. Бозор иқтисодиёти муносабатлари даромадни кўпайтириш, фойда олишга зўр бериб уриниш пойгасини кучайтиради. Бозор иқтисодиёти шундай қудратли стимул яратадики, бу барқарор ривожланишни белгилайди. Иқти-

содий тараққиёт даражаси аҳолининг фаровонлигини таъминлайди, лекин аҳолининг даромадлигидаги фарқларни бартараф қила олмайди, даромаднинг тенгсизлиги, фарқи сақланиб қолаверади.

Аҳоли даромади асосий кўрсаткич бўлиб, у истеъмолнинг ҳамма жиҳатларини ўзида мужассамлаштирувчи умумлашган курсаткичдир. Истеъмолнинг миқдорий кўрсаткичи ўзгарувчан хусусиятга эга бўлиб, у иш ҳақи миқдorigа тўғри пропорционал ва истеъмол товарлари ўзгариб боради. Истеъмол буюмларининг баҳоси ўзгармагани ҳолда иш ҳақи даражаси кўтарилса, сотиб олиш мумкин бўлган товарлар миқдори камаяди, чунки кишиларнинг эҳтиёжлари доимий эмас. Уларнинг эҳтиёжлари жамият тараққиётининг маҳсулидир. Ишлаб чиқариш билан истеъмол ўзаро боғлиқдир. Ишлаб чиқаришсиз истеъмол бўлмайди, лекин истеъмолсиз ҳам ишлаб чиқариш бўлмаслиги аниқ. Негаки бундай ҳолатда ишлаб чиқариш мақсадсиз бўлиб қолади.

Бозор иқтисодиёти шаротида аҳоли даромадининг табақалашув даражаси кескин ўзгариб кетади, айни вақтда аҳоли шахсий истеъмоли даражасининг ўзгариш ҳам бир хилда кечмайди. Истеъмолнинг эластиклиги дейлгандан, оиланинг, пул даромади даражасига, шунингдек бошқа омиллар таъсирига кўра истемолининг ўзгариб бориши тушунилади. Даромади юқори бўлган оилаларнинг истеъмол ўзгарувчан бўлиб, эҳтиёжларни қондириш учун кўпроқ маблағ сарфланади ва аксинча. Бинобарин, даромадлар каби турмуш даражасида ҳам тенгсизлик табақалашув содир бўлади.

Бундай ҳолда моддий неъмат ишлаб чиқаришнинг тараққиёт даражаси эҳтиёжларнинг турлари, даромаддаги тафовутлар, бозор тузилиши ва тўйиниш даражаси ва ҳоказолар билан ифодаланади. Турмуш даражаси ўсган сайин аҳоли қўлида мол-мулк, зеби-зийнат каби буюмлар кўпроқ жамғарила боради. Бозор иқтисодиёти шароитида жамият иқтисодиётининг тараққиёт даражаси қандай бўлишидан қатъи назар, аҳоли даромадлари, мол-мулк истеъмол даражаси ва сифатида тафовутлар мавжуд бўлади. Турмуш даражасидаги тенгсизликнинг мавжуд бўлиш бозор тизми учун табиий, муқаррар ҳолдир. Аҳолининг турмуш даражаси оиланинг сарф-харажатларида ўз аксини топади.

Ҳозирги босқичда аҳоли шахсий истеъмолини ижтимоий гуруҳлар буйича таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Аҳоли шахсий истеъмолини қуйдаги гуруҳларга бўлиш мумкин: а) қисқа муддатга

фойдаланиладиган кундалик буюмлар (озик-овқат маҳсулотлари, баъзан кийим-кечак, уй-рўзғор буюмлари ва ҳ.к); б) ўртача, яъни унча узок бўлмаган муддатда фойдаланиладиган буюмлар (кийим-кечак, пойафзал); в) узок муддатда фойдаланиладиган буюмлар (шахсий уйлар, мебель, электр асбоблар, автомашиналар, велосипедлар, фотоаппаратлар, гиламлар, муйналик кийимлар ва ҳ.к).

Биринчи гуруҳга кирувчи истеъмол буюмлари қисқа вақт ичида истеъмол қилинади, кўплаб жамғарилмайди. Иккинчи гуруҳ маҳсулотлари, яъни кийим-кечаклар ва пойфазалдан маълум давр ичида (ўртача 1-3 йил) фойдаланилади. Бу гуруҳга кирувчи буюмларнинг жамғарилиш ҳажмини аниқлаш мураккабдир. Учинчи гуруҳга кирувчи истеъмол буюмларидан узок вақт давомида фойдаланилади, ҳамда жамғариб борилади.

Оила даромадларининг ўсиши билан унинг истеъмол буюмлари учун ажратиладиган маблағи кўпаяди. Даромади паст бўлган оилалар, даставвал, озик-овқатга маблағ сарфлашни афзал кўради. Аҳолининг истеъмол даражаси оила даромадининг миқдorigа боғлиқ бўлади. Пул даромади ўсиш билан истеъмол структураси ҳам тез ўзгаради. Озик-овқат учун қилинган харажатнинг (абсолют ҳажми ўсиб), умумий даромаддаги салмоғи камаёди, шунингдек истеъмол қилинадиган товарлар таркибида ўзгариш юз беради.

Юқори сифатли ва тўйимли озик-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш ҳажми ошиб боради. Оилалар озик-овқатга сарфланаётган харажатларнинг салмоғини камайтириб, айнаи вақтда узок муддатга ишлатадиган саноат товарлари, маданий буюмлар, ҳамда маданий-маиший мақсадлар учун кўпроқ маблағ ажратишга интилади.

Оила бюджетида озик-овқат учун сарфланадиган харажатнинг салмоғи камайиб, узок муддатли товарлар ва маданий-маиший мақсадлар учун харажатлар салмоғи кўпайиши халқ моддий фаровонлигининг ўсишини билдиради. Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг даромади каби турмуш даражасида ҳам тенгсизлик, табақалашув мавжуд. Ўртача турмуш даражаси қандай бўлишидан қатъи назар, айрим кишилар, оилаларнинг турмуш даражасидаги кўрсаткичлар анча фарқланади. Мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражаси ҳар хил бўлишига қарамай, даромадлар мол-мулк, истеъмол даражаси, сифат ва бошқалар турмуш даражасида маълум тафовутлар мавжуд бўлади.

Одатда, бу тафовутлар аҳолининг турмуш даражаси ўсиб борган сайин, озиқ-овқат масаласи ҳал этилган шароитда яққол кўринади. Иқтисодиёт тараққий этиб бориши муносабати билан тафовутлар оммабоп товарлар истеъмоли жаҳатидан эмас, балки замонавий, янги даврга мос обрў талаб товарлар ва сифатли хизматлар истеъмоли жиҳатидан жойида бўлади.

Аҳоли пул даромадларининг табақалашиб бориши, мулкӣ табақаланиши, турмуш даражасининг табақалашшига асосланиб, бой, ўртача ва камбағал қатламлари аниқланади. Бундай шароитда давлат даромадларни қайта тақсимлаш билан даромадлар тенгсизлигидаги фарқларни камайтириш, бой ва камбағал қатламлар ўртасидаги фарқларнинг камайишига ҳаракат қилади.

5-§. Ўзбекистонда ижтимоӣ сиёсатнинг ўзига хослиги ва асосий йўналишлари

Ўзбекистонда Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг ўзига хос йўли танланди. Ижтимоӣ йўналтирилган бозор иқтисодиёти тизими жорий этилди. Ўтиш даври жараёнларининг 5 та асосий тамойилларидан бири кучли ижтимоӣ ҳимоя соҳасида ҳам узок муддатга мўлжалланган давлат дастури босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу даврда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва турли нафақаларнинг миқдори мунтазам ошириб борилди. Товон тўловлари, шунингдек имтиёзлар ва турли дотациялар шаклида билвосита тўловлар амалга оширилди.

И.А.Каримов Олий мажлисининг 14-сессиясидаги маърузасида шундай деган эди: «Тўртинчи устувор йўналиш – халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, аҳолини янада кучли ижтимоӣ ҳимоя қилишни ифода этади».⁴⁸ Аҳолининг кам таъминланган қатламига пул ёки натурал шаклда ижтимоӣ ёрдам берилганда, уларнинг иқтисодий фаолиятда қатнашиши шарт эмас. Ижтимоӣ ёрдамнинг мақсади жамиятда кам таъминланган оилалар, нафақахўрлар, ногиронлар, кўп болали оилалар, ишсизлар, ўқиётган ёшлар, шунингдек бюджет соҳаси ходимларини ижтимоӣ ҳимоялаш ва кўллаб-қувватлаш минимал даражада турмуш кечиришни таъминлашга қаратишдан иборат.

Бундай ёрдам оилага йўналтирилади ва миллий анъаналаримизга хос бўлган ўз-ўзини бошқариш органи – маҳалла орқали берилади.

⁴⁸ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. –Т.: Ўзбекистон, 1999. 11-б.

Аҳоли ижтимоий ҳимояланишининг иқтисодий соҳаси ижтимоий ишлаб чиқаришда такрор ишлаб чиқарилган тақсимотчилик муносабатларига бевосита боғлиқдир. Бу макроиқтисодий кўрсаткичларда ўзининг миқдорий ифодасини топади.

Мамлакат миқёсида яратилган миллий даромаднинг бир қисми объектив сабабларга кўра, ишлаб чиқариш жараёнида иштирок эта олмайдиган шахсларнинг истеъмоли учун ажратилади. Бундай ажратма «Пенсия фонди», «Нафақалар фонди», «Бандлик фонди» мавжудлиги туфайли аҳолининг ижтимоий ҳимояси учун ажратиладиган маблағлар ҳам турли шаклдаги давлат, корхона, муассасалар даромадларининг бир қисмидан белгиланган меъёрларда шаклланади.

Ундан ташқари, ижтимоий ҳимоя фондларига мамлакатимиздаги корхона ва ташкилотлар, хорижий давлатлардан келадиган ҳомийлик ва инсонпарварлик ёрдамлари ҳам кўшилади. Ижтимоий таъминот фондининг асосий қисми давлат томонидан белгиланган меъёрларга мувофиқ миллий даромаднинг бир қисми ҳисобидан ҳам шаклланади.

Мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб давлат моддий жиҳатдан муҳтож оилаларга фаол ёрдам бера бошлади. Адресли ижтимоий ҳимояга ўтилди. Аҳолининг ижтимоий ночор қатламини кўллаб-қувватлаш ва минимал даражада ҳаёт кечиришлари таъминланди.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ижтимоий ҳимоянинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, Ўзбекистон андозасининг муҳим принципи босқичма-босқич амалга оширилаётган макроиқтисодиётнинг барқарорлигига алоқадор бўлиб, мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий характери билан белгиланади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлинган ҳолларда ёрдам бериш, қарияларга кўмаклашиш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий, ҳаётий зарурий воситалар билан таъминлаш каби муносабатларнинг манзилли ва мақсадли бўлишдан иборат.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли даромадлари кўпроқ табақалаша боради. Бунинг асосий сабаби иқтисодий эркинлик ва рақобат курашининг мавжудлигидадир. Яъни имкониятлари, қобилияти юқори бўлган тадбиркорнинг ишлари юришиб, рақобатда ютади, даромади кўпайиб боради ва аксинча. Бундай ҳолат даромадларнинг мулк сифатида турлича бўлинишини белгилайди. Демак, бозор иқтисодиёти шароитида тақсимотининг тенглиги эмас, тенгсизлиги рўй беради.

Кимларнингдир фойдаси юқори бўлиб, даромади кўпайиб бориши, бошқаларнинг зарар кўриб, инқирозга учраши ва хонавайрон бўлиши муқаррардир. Бу эса ўзини оқламайдиган иқтисодий фаолиятнинг барҳам топишига, иқтисодий танланиш (отбор) эса соғлом ўсишга олиб келади.

Бозор иқтисодиётида аҳолига кенг ижтимоий кафолатлар бериш ва уларни сақлаб қолиш сиёсатига ўрин йўқ. Бундай ҳолатда давлат белгилловчи эмас, балки «пул-мол-рақобат-пул» қоидаси бўйича фаолият кўрсатувчи субъект муҳим роль ўйнайди, яъни заиф ва ёрдамга муҳтож субъект эмас, балки энг кучли, ғоятда рақобатбардош субъект ютиб чиқади.

Умуман олганда, идеал ижтимоий-иқтисодий тизим мавжуд эмас. Бундай тизимларнинг ҳар бирида яхши ва ёмон, мукамал ва чала, илғор ва прогрессив жиҳатлар бор. Чунончи, бозор самарали ишлаб чиқариш, меҳнат унуморлигини ўстириш, иқтисодий ўсишнинг суръатларини ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, турмушнинг моддий даражасини ошириш учун мақбул шарт-шароитлар яратади. Лекин айти вақтда, унинг самарадорлиги ва жозибадорлигини пасайтирадиган ҳодисалар, масалан, иқтисодий бухронлар, ишсизлик, инфляция туғилиши ҳеч гап эмас. Хусусий ташаббускорлик ва тадбиркорликни намоён этиш учун имкониятлар очадиган, истеъмолда мўл-кўл моддий ва номоддий неъматларни яратадиган, фан ва техниканинг янги ютуқларидан самарадорлик билан фойдаланадиган ва уларни рағбатлантирадиган бозор, айти бир вақтнинг ботиний табиатига кўра, аксилижтимоий ва адолатсиз бўлиб чиқади.

Зеро, энг кучли ва энг кўп мослашган зотнинг яшаб қолиши тўғрисидаги давринизм таълимотига амал қилиш инсонларнинг бири-бири билан тотув яшаш негизларига, бир-бирларига муносабатларининг инсонпарварларча принципларига зиддир. Бозор қонунлари ҳукмрон бўлган жамиятда «яқин кишингни қувиб ет ва ундан ўзиб кет» шиори эгаллайди.

«Яқин ўтмишдаги жамиятимизга хос энг машъум кўриниш люмпенлашув—мулкий қиёфасини йўқотиш эди, -деб ёзади И.А.Каримов, - Менинг назаримда, мазкур термин ва салбий кўриниш бугун собиқ шўро ҳудудидаги барча мамлакатларга ҳам тегишлидир. Люмпенлашув инсоннинг реал ҳаётий асосини ташкил этувчи барча нарсалардан маҳрумлигидир. Агар инсонда ана шу боғлиқлик йўқ экан, унда

масъулият ҳам, умрининг ҳар бир лаҳзасидан унумли фойдаланиб нимагадир эришиш, фарзандлари, оиласи, қариндош-уруғларига қолдирадиган бирон-бир нарсани қўлга киритишга интилиш ҳам бўлмайди».⁴⁹

Қашшоқлашиш, камбағаллашиш муаммосининг олдини олиш, инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитини яратиш бериш, қўллаб-қувватлаш, ўз навбатида, ислоҳотларнинг муваффақиятли ўтказилишини тақозо қилади.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти ғоятда чуқур ўзгаришлар рўй бераётганлигига қарамай, ижтимоий муносабатларни барпо этишнинг янги хиллари «постиндустрия» ва «ахборот» кабиларнинг пайдо бўлишида иқтисодий ва техник тараққиёт учун зарур энергия генератор ролини ўйнайди.

Муҳтожлар, шахсий фойда олиш ва бойишнинг азалий пойгасида қатнаша олмайдиган кишиларни ҳимоя қилиш учун муайян воситаларни ишга солишда давлат буфер ролини ўйнаши керак.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти шафқатсиз бўлиб, инсонга ҳар доим меҳнат қилиш ҳуқуқини, даромад олиш ва ижтимоий ҳимоялашни тўла таъминлаш учун кафолат бермайди. Шунинг учун давлат жамиятда тақсимот сиёсатига аралашади, йил давомида яратилган ялпи миллий маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлашда бевосита иштирок этади. Давлат, асосан, давлат бюджети орқали ялпи миллий маҳсулотни қайта тақсимлаш билан жамиятдаги ижтимоий вазиятни юмшатишга ҳаракат қилади. Ижтимоий ҳимоя инсон туғилганидан тортиб умрининг охиригача ҳаёт кечириши ва фаолият кўрсатиши учун амалга ошириладиган турли тадбирлар, яъни турмуш даражасини, ижтимоий эркинлигини, адолат юзасидан тенглигини, моддий жиҳатдан қониқиш даражасини белгиловчи муносабатларни ифодаладиган тизимдир.

Ижтимоий ҳимоя иқтисодий адабиётларда тор ва кенг маънода талқин этилади. Тор маънода, ижтимоий ҳимоя дейилганда, жамиятда меҳнат қилиш лаёқати чекланганлиги сабабли ночор аҳволга тушган, аҳолининг энг камбағал, муҳтож қатламига, ўз вақтида ёрдам бериш чора-тадбирлари тушунилади.

Маълумки, кишининг меҳнат қилиш лаёқати чекланган пенсионерлар, меҳнат ёшигача бўлган ўсмирлар, ногиронлар, ишсизлар, кўп

⁴⁹ Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлида. Том 4. –Т.: Ўзбекистон, 1996. 207-б.

болали оналар кабилар меҳнатга лаёқатсиз шахслар қаторига киради. Буларнинг барчаси ижтимоий ҳимояланишга муҳтождирлар.

Кенг маънода, ижтимоий ҳимоя дейилганда, аҳоли барча табақаларини ҳимоя қилиш, уларнинг моддий фаровонлигига эришиш ижтимоий кафолатланишини юқори даражада таъминланганлик англашилади. Бунга эришиш учун давлат ўзининг кучли ижтимоий сиёсатини юргизади. Бозор иқтисодиётига асосланган ҳар бир жамиятда ижтимоий сиёсатнинг ўз йўналиши ва ижтимоий таъминот тизими шаклландир.

«Барча ислохотларнинг иқтисодий, демократик, сиёсий ислохотларнинг асл мақсади, -деб ёзади И.А.Каримов, -инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборатдир».⁵⁰

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган ислохотларни ўтказишнинг дастлабки йилларидаёқ катта аҳамият берила бошлади. Ўзбекистон ҳукумати бозор иқтисодиётига ўтишда қатор қийинчиликлар мавжудлигини эътиборда тутган ҳолда сиёсий-ижтимоий сиёсат юргизиш шуни белгиладики, бозорга ўтиш концепциясида аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишининг олдини олиш, аҳолининг кенг қатламларини, энг аввало, унинг ночор гуруҳларини ижтимоий ҳимоялашини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш зарур. Ўзбекистон Мустақилликни қўлга киритар экан, ўтмишдан қолган оғир ижтимоий меросга эга бўлиб қолди. Аҳоли турмуш даражасининг кўрсаткичлари ниҳоятда паст бўлиб, жон бошига тўғри келадиган реал пул даромадлари энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш ва ноозиқ-овқат товарлари ҳамда хизматлар билан таъминланиш даражаси жиҳатдан ўртача иттифоқникидан охириги ўринларда турарди. Расмий маълумотларга қараганда, аҳолининг катта қисми, айниқса, қишлоқ жойларида қашшоқликда яшарди. 1989 йилда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда республикадаги мавжуд оилалардан 44 фоизининг пул даромадлари расман белгиланган энг кам иш ҳақидан ҳам оз бўлган.

1990 йилги маълумотларга кўра, Ўзбекистонда аҳоли 70 фоизининг жами даромади тирикчилик учун энг зарур бўлган қуйи даражасидан ҳам кам бўлган. Шунинг учун мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида камбағаллик муаммоси ўткир бўлиб турганлиги муносабати билан қашшоқ табақаларни ҳимоя қилиш учун сама-

⁵⁰Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1996. 119-б.

рали чора-тадбирлар белгилаш, кучли ижтимоий сиёсат юргизиш йўли танланди.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига қийинчиликларсиз ва ижтимоий зиддиятларсиз, силлиққина ўтиб бўлмаслиги бошқа кўпчилик мамлакатларнинг тажрибасидан маълум эди. Президентимиз И.Каримов мана шуларни ҳисобга олиб, ўтиш даврида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш принципи бозор концепцияси стратегиясининг асосий қонидаси эканлигини ва эҳтиёт чора-тадбирларнинг олдиндан кўриб қўйилиши объектив зарурат эканлигини қайта-қайта таъкидлаган эди.

«Шу сабабли, - деб таъкидлайди Президентимиз И.Каримов, - жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатга ўтишида бизга ислоҳот чоғида одамлар моддий аҳволи кескин ёмонлашадиган, ахлоқий қадриятлар, маънавий таянчлар барбод бўладиган, ўтиш даврининг барча қийинчиликлари аҳоли елкасига тушадиган андоза мақбул эмас».⁵¹

Бинобарин, ислоҳотларни ўтказиш жараёнида устуворлик иқтисодиётни соғломлаштиришга қаратилдики, бу бойликни кўпайтиришнинг асосий манбаи – моддий неъмат ишлаб чиқаришдир.

Шунингдек, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни жорий қилиш, инқирозга учраган муносабатларни бозор муносабатларига ўтказишга алоҳида эътибор берилди. Шу йўл асосида республикада кучли ижтимоий ҳимоя қилишнинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий асослари яратилди. Улар муваффақият билан ҳаёт синовидан ўтди.

«Биз бозор муносабатларига яқинлашган сайин ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишлари, - деб ёзади И.А.Каримов, - аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш чоралари ҳамда воситалари ўзгариб бориши керак, деган муҳим сабоқ чиқариб олдик. Ислоҳотларнинг бошланғич босқичининг ҳар бир аниқ даврига мослаб ижтимоий ҳимоялашга оид чора-тадбирларнинг тегишли тизими ҳам яратилди. Бошқача қилиб айтганда, ижтимоий кўникиш чора-тадбирларни ўзгариб бораётган иқтисодий шароитларга мослаштиришнинг ўзига хос воситаси яратиб қўйилади».⁵²

Давлат бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ижтимоий дастур ишлаб чиқди ва уларни амалга ошириш учун қатор чора-тадбирлар белгилаб олди. Ялпи миллий маҳсулотдан маблағ ажратилиб, меҳнатга лаёқатли аъзолари, ишсизларга ижтимоий ёрдам, турли коммунал

⁵¹Каримов И.А. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишининг ўзига хос йўли.-Т.: Ўзбекистон, 1996. 7-б.

⁵² Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.Том 9. Тошкент, 1996, 260-б.

хазматларга тўлаш учун ажратмалар, иш кучини тайёрлаш ва қайта тайёрлашга харажатлар, талабаларнинг ўқишни тугатиб олишлари учун кредитлар бериш, кўп болали оилалар, якка оталар, оналарга ёрдам уюштириш ишлари амалга оширилди. Бериладиган ёрдамнинг миқдори мунтазам ўзгартирилган иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар, компенсация тўловлари тарзида бевосита пул тўловлари, имтиёзли ва турли дотациялар кўринишидаги бевосита тўловлардан ҳам кенг фойдаланилди. Бошланғич синфлар ўқитувчилари ва ёлғиз пенсионерлар учун бепул нонушталар, 2 ёшгача бўлган болалар учун бепул овқат барча мактаб ўқитувчилари ва студентлар учун овқатнинг арзонлаштирилиши каби имтиёзлар ҳам амалга оширилди.

Кўпгина тоифадаги фуқароларга турар жойлари бепул шахсий мулк қилиб берилди, баъзи турдаги коммунал хизматлар ҳақини тўлашда енгилликлар жорий этилди.

Ислохотларнинг биринчи босқичи давомида ижтимоий ҳимоялаш харажатлари республика бюджетининг салкам учдан бир қисмини ташкил этди. Шундай қилиб, қайта тақсимлаш воситаси кенг кўламда ишга солинди, шу туфайли ижтимоий чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур воситаларни сафарбар этиш имконияти вужудга келди.

Шунингдек, И.А.Каримов бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида нархларни эркинлаштириш, пулнинг қадирсизланиш даражасининг ортиб бориши муносабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасини мунтазам равишда ошириш, ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари тизимидаги энг устун йўналишлардан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади, деб таъкидлайди.⁵³ Даромадлар нисбатининг ўзгариши орқали аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари тизимини амалга оширишда 1993 йилда жорий этилган янги ягона тариф сеткаси катта аҳамиятга эга бўлди. Натижада ҳар қандай тоифадаги ҳодимларнинг меҳнат ҳақи миқдорини тариф коэффициентлари орқали энг кам иш ҳақини ошириш йўли билан аҳолининг ўртача иш ҳақини, пул даромадларини кўтаришга эришилди.

«Республиканинг ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат моллари асосий турлари истеъмолини муайян даражада сақлаб туриш чора-тадбирлари кўрилганлиги аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашнинг иккинчи энг муҳим йўналиши бўлди. Илк босқичда аҳолининг кам таъминланган табақа-

⁵³ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Том 3. Тошкент, 1996, 263, 265-бетлар.

ларини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш борасида кучли чора-тадбирлар ўтказилганлиги фаол ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг учинчи жуда муҳим йўналиши бўлди».

Шундай қилиб, иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ўтказилган чора-тадбирлар аҳолининг энг кам, муҳтож, ижтимоий жиҳатдан ночор, моддий ёрдамга муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш амалга оширилди. Бу билан аҳолининг муайян бир қисми қашшоқлашувининг олди олинди ва уларнинг минимал ҳаёт кечириши таъминланди.

Ижтимоий ҳимоя аниқ мақсадли бўлиб, аҳолининг кенг табақаларини қамраб олди. Моддий ёрдам бевосита жамият аъзоларига йўналтирилди ва аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилди. Давлат томонидан бериладиган ёрдам тизими фақат кам таъминланган ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган бўлди.

Кам таъминланган оилаларга давлат томонидан бериладиган нафақа жорий этилиб, дастлабки даврларда энг кам иш ҳақининг 1,5 баравари миқдорида бўлган эди, кейинчалик кўпайтирилиб, 3 бараварга оширилди.

Кам таъминланган оилаларга кўрсатиладиган ёрдамни тақсимлаш ва ёрдам кўрсатиш шакли тизимида фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар родини кучайтиришга алоҳида эътибор берилди. Бугунги кунда оилалар, моддий ёрдам тайинлаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳалла йиғинлари томонидан амалга оширилмоқда. Эндиликда ҳамма нафақа ва моддий ёрдамлар фақат маҳалла орқали етказиб берилмоқда. Бунда оила асосий мавқега эга бўладиги, бундай тартиб умуминсоний қоидалар, миллий анъаналар ва руҳиятга мос келади.

Маҳалла йиғинлари ёрдам сўровчи оилаларнинг реал моддий ва мулкӣ аҳволи, даромад манбаларини яқиндан ва яхши билади. Маҳалла йиғинлари орқали моддий ёрдамнинг азалдан халқимизда мавжуд бўлган инсонпарварлик урф-одатлари, қўшнига ёрдам, унинг аҳволидан хабар олиб туриш каби анъаналар асос қилиб олинганлигини кўрсатади. Шу билан бирга, маҳалла йиғинларида дангасалар ва боқимандалар, текинхўрларга нисбатан нафрат, муросасизлик билан қараб келинаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Болали оилаларга бериладиган тўловларнинг янги тизими жорий этилди. Бола боқувчи оналарга нафақа тўланади ва унинг миқдори

кўпайтириб борилмоқда. Мазкур нафақа олдин 1,5 йилгача тўланган бўлса, энди бу муддат 2 йилга узайтирилди. Ишлайдиган ва ишламайдиган оналар бу нафақани олиб турибди. 18 ёшгача болалари бўлган оналарга ягона нафақа жорий этилиб, болаларга илгари бериб келинган ҳамма нафақа ва имтиёзлар бекор қилинди. Болали оилалар учун ягона нафақа жорий этилди, унинг миқдори нафақа олувчи оиланинг таркиби билан бевосита боғлиқ қилиб қўйилди.

Кучли ижтимоий сиёсат тамойили ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳамма босқичларида асосий йўналишларга амал қилинмоқда. Даромад сиёсати, ижтимоий таъминот ва ижтимоий кафолатлар, аҳолини иш билан таъминлаш ва меҳнат бозорини шакллантириш, аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш кабилар шулар жумласидандир.

«Иқтисодий ислохотларнинг янги босқичига ўтишда, - деб ёзади И.А.Каримов, - аввалги босқичдан чиқарилган сабоқлар ва бой ҳаёт тажрибаси эътиборга олиниши лозим. Асосий сабоқ шундан иборатки, ҳимоя мезонлари ва воситаларини танлашда ижтимоий адолат тамойиллари, ижтимоий кўмаклашувда аҳолининг аниқ табақаларини мўлжаллаб иш тутиш, шу мададнинг имкони борича кўпроқ самарали бўлишига эришиш чоралари тўла-тўқис ҳисобга олиниши лозим. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари миллий анъаналар ва урф-одатларга таянган ҳолда бошқа ижтимоий ва иқтисодий соҳаларга доир муаммолар билан узвий равишда боғлаб ҳал этилиши керак».⁵⁴

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тамойилларга таяниб, аҳолининг аниқ тоифаларини ижтимоий ҳимоялашнинг ноёб тизимини узлуксиз амалга ошириш Ўзбекистон халқининг турмуш даражасини маълум даражада кўтаришга қаратилгандир.

Асосий таянч тушунчалар

Аҳоли даромадлари – аҳолининг маълум вақт давомида (бир йилда) пул ва натурал шаклида олган даромадлари миқдори.

Номинал даромад – аҳолининг пул шаклида олган даромадлар суммаси (булар жумласига иш ҳақи, нафақа, пенсия, стипендиялар киради).

Реал даромад – нарх даражаси ўзгариши ҳисобга олиниб аҳолининг ҳаёт кечириш учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни қўлга киритилиши, таъминланиши ва улар эҳтиёжларининг бу

⁵⁴ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Том 3. Тошкент, 1996, 274-бет.

неъматлар билан қондирилиш даражасидир. Реал даромад пул даромадига тўғри, ва нарх-навога тескари мутаносибликда ўзгаради.

Турмуш даражаси – кишилар ҳаётининг эҳтиёжларининг қондирилиш меъёри турмуш даражаси дейилади.

Тенгсизлик – тенгсизлик бор жойда камбағаллик муаммоси ҳамиша мавжуд. Бозор иқтисодиётига, умуман, тўқчилик мос бўлсада, аммо аҳолининг маълум қатламлари камбағал ҳисобланади.

Адолатли даромадлар – мулкдан келадиган рента, фоиз, дивиденд, меҳнатдан топилган даромад, ишчи хизматчи иш ҳақи, тадбиркор фойдаси ва ҳоказолар.

Адолатсиз даромадлар – товар ёки фоиз биржаларида биржа чайқовчилиги юз берганда брокер ёки диллер бир неча минут давомида акция курсининг тушиши ёки кўтарилишидан даромад топади. Катта пулдорлар ўз пулини банкка қўйиб, ўзлари меҳнат қилмай мўмай пул даромад топишади, бу ҳам адолатли даромад эмас.

Лоренц эгри чизиғи – даромадлар тенгсизлиги даражасини миқдорини аниқлашни ифодалайди.

Ижтимоий тўловлар – бозор иқтисодиёти шароитида кам таъминланган аҳоли қатламига пул ёки натурал шаклда ёрдам кўрсатишга қаратилган давлат ёрдамлари.

Ижтимоий сиёсат – давлатнинг даромадлардаги тенгсизлик ва тенглик иқтисодий зиддиятни бартараф қилишга қаратилган сиёсати.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Даромадларнинг таркибий тузилиши қандай бўлади?
2. Даромадлар қандай иқтисодий қонун таъсирида ҳосил бўлади, уларнинг қандай турлари бор?
3. Даромадлардаги тенгсизлик ва тенгликни қандай англаш керак, уларнинг зиддийлиги нимада?
4. Нима сабабдан иқтисодий тараққиёт ва турмуш даражаси мос бўлмаслиги мумкин?
5. Турмуш даражаси ва турмуш сифатининг умумийлиги ва фарқи нимада?
6. 30 йил ичида бир мамлакатда аҳоли жон бошига ҳисобланган пул даромадлари 4,5 марта, нарх-наво 2,3 марта ўсди, бошқа мамлакатда пул даромадлари 3,7 марта, нарх-наво 4,1 марта ўсди.

Реал даромад, бинобарин, турмуш даражаси ҳар иккала мамлакатда қандай ўзгарганини ҳисоблаб чиқиб, хулоса қилинг.

7. Ўзбекистонда давлат ёрдам дастурлари тизимини ислоҳ қилиш ва уни ҳозирги даврдаги асосий йўналишларига ўзингизнинг фикрингизни билдиринг.

ХІХ БОБ. ИҚТИСОДНИ ТАРТИБЛАШДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ

1-§. Давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг зарурлиги

Иқтисодий тараққиёт мувозанатининг бузилиши ва тикланиши яна бузилиб ва қайтадан юзага келиши жараёнининг узлуксиз давом этишини билдиради.

Шу туфайли жамиятда иқтисодий ўсиш нотекис боради. Иқтисодиётни тартиблаш моддий неъмат ишлаб чиқариш соҳаларидаги турли бўғинлар фаолиятининг бир-бирига боғланиши ва мос ҳолда ривожланиб боришини ифодалайди.

Тартиблаштиришда нарх етакчилик қилади ва иқтисодиётни тартибга солиб туради, корхоналар фаолиятини координация қилади. Иқтисодий фаолиятнинг бозор механизми таъсири остида тартибланиши, асосан, микроиқтисодий миқёсда юз беради. Бозор иқтисодиёти учун микроиқтисодий тартиблаш бирламчидир. Унинг туб моҳияти ва белгиси иқтисодий фаолиятнинг эркин бўлишида ва фақат талаб доирасида чегараланишида кўринади.

Иқтисодиётнинг тартибланиши талаб ва таклифларнинг ўзаро таъсири билан чекланмайди. Товар ҳаракатида бўғинлар фаолият турларининг мослашуви микроиқтисодий даражада ҳам юз беради. Шунга мувофиқ, ижтимоий талаб ва таклиф ҳам маълум мувозанатда бўлиши шарт. Чунки бундай жамият эҳтиёжларини иқтисодий ўсиш орқали қондириш мумкин.

Иқтисодиётни тартиблашнинг микроиқтисодий жиҳатлари икки йўл билан амалга оширилади:

- 1) бозор механизми воситасида тартиблаш;
- 2) давлат иштирокида тартиблаш.

Бозор олдининг бердиси ижтимоий ишлаб чиқаришни ижтимоий талабларга мувофиқлаштириш орқали иқтисодиётни тартиблаб боради. Индивидуал талаб ва эҳтиёжлар ўзаро тутатиб, ижтимоий талабни ҳосил этса, индивидуал ишлаб чиқаришлар ҳам қўшилиб, биргаликда ижтимоий ишлаб чиқаришни вужудга келтиради.

Ижтимоий талаб бозордаги турли-туман талабларнинг жамланишидир. Бу талабларни қондириш учун алоҳидалашган ишлаб чиқариш бўғинлари ва соҳалари уйғунликда иш кўради: бозор талабини қондиришда жамланиб ягона жараёнга айланади.

Иқтисодий регуляторлар макроиқтисодиётни тартиблашда яхши натижа беради. Лекин ижтимоий, яъни макроиқтисодий даражада

тўлатўкис тартиблашни таъминлай олмайди. Бозор иқтисодиётида миллионлаб ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар қатнашади, уларнинг ҳар бири индивидуаллашгандир. Улар олдиндан келишилмаган хатти-ҳаракатлар билан бозорда иштирок этади. Бозор иқтисодиёти уларни ўзаро боғласа-да, лекин манфаатларини тўла мувофиқлаштира олмайди. Шу сабабли макроиқтисодий даражада вақти-вақти билан номутаносиблик, иқтисодий танглик рўй бериб туради. Маълумки, бозор механизми иқтисодиётни тўла тартиблашни таъминлай олмайди. Шу сабабли давлат иқтисодиётни тартиблаш вазифасини ўз зиммасига олади.

Иқтисодиётни тартиблаштиришда давлатнинг аралашуви меъёри ҳақида турлича фикрлар мавжуд. Иқтисодий адабиётларда бир гуруҳ иқтисодчилар бозор ўзини ўзи ички ва ташқи таъсирлар асосида автоматик бошқаради, деган ғояни илгари суришади; иккинчи гуруҳ иқтисодчилар эса давлатнинг иқтисодиётга аралашуви зарурлигини таъкидлайдилар.

Маълумки, бозор иқтисодиёти аралаш иқтисодиётдир. Шу сабабли иқтисодиётда бозор регулятори билан давлат регуляторлари қўшилган ҳолда биргаликда иш юритади. Бозор иқтисодиёти муносабатлари унда иштирок этувчи ҳамма субъектлар манфаатини яқинлаштирувчи куч бўлганлиги, хусусий мулк шароитида келиб чиқадиган иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар ечимини мувофиқлаштиришни бозор механизми тўла-тўкис бажара олмаганлиги сабабли бу вазифа фақат давлатнинг аралашуви асосида ҳал этилади ва ишлаб чиқаришнинг ижтимоийлашуви натижасида ишлаб чиқариш функциялари алоҳидалашган бўлади. Буларни бир-бири билан боғлаш ва мувофиқлаштириш ишини ҳам давлат ўз зиммасига олади. Чунки, фирмалар ва ташкилотларнинг корпоратив эгоизми кучли бўлади. Уларнинг манфаати ҳамиша ҳам умумижтимоий манфаатга мос келавермайди.

Тадбиркорликда ҳамиша банкротлик хатари бор экан, фирмалар давлат ёрдамига муҳтож бўлади. Давлат тадбиркорлик фаолиятида эркинлик, бозор қоидаларига амал қилишни назорат остига олади. Демак, давлат иқтисодиётни тартибга солишда фаол қатнашади. Давлат томонидан иқтисодиётни тартиблаш дейилганда, ўз чоратадбирлари, иқтисодий сиёсати орқали макроиқтисодиётда такрорий ишлаб чиқаришга таъсир этиши тушунилади. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви турли вазиятларда рўй беради. Давлатнинг муайян

шароитларда иқтисодиётга аралашуви жамият олдида турган реал вазифалардан келиб чиқади. Бундай аралашув турлича кўриниш бўлиб, ҳар бир мамлакатнинг муайян шароитлардаги вазифаси, мақсадига мувофиқ келади. Франция, Швеция ва Австралия каби мамлакатларда давлатнинг иқтисодиётга аралашув фаолияти кучли бўлса, АҚШ ва Германияда бу аралашув нисбатан кучсиздир. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда давлатнинг иқтисодий фаолияти маъмурий-буйруқбозлик тизими мерос қилиб қолдирган муносабатларга асосланган иқтисодиётни маданийлашган бозор иқтисодиётга йўналтиришга ҳаракат қилинаётир.

Давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг мақсади, даставвал, микроиқтисодий фаолиятни рағбатлантириш натижасида ижтимоий ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш, ўсиш даражасини таъминлаш асосида умумиқтисодий мувозанатга эришиб, миллий иқтисодиётнинг самарадорлигини ошира бориб, даромадларни қайта тақсимлаш йўли билан жамиятда ижтимоий мувозанатни яхшилашга қаратилган.

Мамлакатнинг иқтисодий барқарорлиги, ўсиши ўтказилаётган ислохотларнинг тақдири, халқнинг турмуш даражасининг ўсиши мустақилликнинг келажаги ҳам иқтисодий сиёсатнинг қандай амалга оширилишига боғлиқдир.

“Мураккаб ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислохотчи бўлиши зарур, - деб ёзади Президент И.Каримов, - давлат бутун халқнинг манфаатларини кўзлаб, ислохотлар жараёнининг ташаббускори бўлиши иқтисодий тараққиётнинг етакчи йўналишларини белгилайди. Иқтисодиётда, ижтимоий соҳада ва мустақил давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиш ва изчил рўёбга чиқариш керак”.⁵⁵

Давлатнинг иқтисодиётга аралашувидан мақсади ва вазифалари аниқ. Бу сиёсат халқнинг манфаати, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий барқарорлигини таъминлашга қаратилган.

Давлат ишлаб чиқаришнинг ижтимоийлашуви муқаррар бўлганлигидан макроиқтисодий алоқа ва боғланишларни уюштириш ишини ҳам ўз қўлига олади. Давлат ўзининг иқтисодий сиёсати орқали такрор ишлаб чиқаришга таъсир ўтказади.

Давлат иқтисодиётини тартиблаши қуйидаги йўналишда рўй беради: қонунлар чиқариш, солиқлар солиш, кредитга таъсир этиш,

⁵⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1995. 10-11-бетлар.

субсидиялар бериш. Бу ишлар билан давлатнинг махсус маҳкамалари, қонун чиқарувчи органлари шуғулланади. Давлат мулкчиликка, тадбиркорликка, тижорат ишларига, молия-кредит фаолияти ва бошқаларга оид қонунларни ишлаб чиқади ва жорий этади. Бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асослари яратилиб, унинг ривожланиши қонун йўли билан кафолатланади, турли мулк шаклларининг дахлсизлиги таъминланади, монополияларга йўл қўйилмайди, эркин рақобат учун шарт-шароит яратилади, қонунбузарликларга катта-катта жарима солинад, уларнинг корхоналари ёпиб қўйилади, ҳатто улар жиноий жавобгарликка тортилади. Ўзбекистонда ҳам мулк, тадбиркорлик, ташқи иқтисодий фаолият, валюта тартиби, кредитбанк тизими, ер, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги ҳақида, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси, Товарлар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида, Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида ва бошқа қонунлар қабул қилинганки, улар иқтисодиётни тартибланишнинг юридик тамойилларини белгилайди.

Мамлакатда ишончли, ҳуқуқий тартиб ва миллий хавфсизликни таъминлаш, жамият аъзолари ва барча бозор субъектларининг ҳуқуқлари ва хавфсизликларини таъминлаши зарур. Агарда давлат ушбу вазифани етарли даражада амалга оширмаса, мамлакатда жиноятчилик, порахўрлик, мафия, коррупциянинг авж олишига шарт-шароит юзага келади ва оқибатда эркин тадбиркорлик бўғилади, умуман, иқтисодиёт издан чиқади.

Давлат иқтисодиётни барқарорлаштириш, ялпи миллий маҳсулот, миллий даромаднинг ўсишига доир инфляцияни, ишсизликни камайтириш, давлат бюджети камомадини пасайтиришга эришиш учун тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқади.

Иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш учун давлат молия-кредит, солиқ-ҳазинабонлик, илмий-техник, инвестиция сиёсатини қўллайди. Давлат иқтисодиётни барқарорлаштиришга эриша олмаса, мамлакатда ижтимоий тушкунлик, норозилик, тадбиркорликнинг сусайиши, иқтисодиётнинг пасайиши каби салбий хатолар юзага келади. Масалан, давлат инфляцияга қарши чора-тадбирлар қўллаб, уни бартараф эта олмаса, қуйидаги оқибатлар келиб чиқади:

- мамлакатнинг тўлов қобилияти пасаяди;
- ишлаб чиқариш пасайиб кетади;
- ишсизлик ортади;

- валюта чайқовчилиги кўпаяди;
- чет эл валюталарининг мамлакатдан оқиб чиқиб кетилиши кучаяди;
- миллий пул бирлиги қийматининг пасайиши оқибатида нархнаво кўтарилади;
- фуқароларнинг жамғарма пуллари қадрсизланади;
- инвестицияларнинг фаоллиги сустлашади ва ҳаказо.

Ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий кафолатнинг таъминла-ниши.

Давлат мунтазам равишда ишчиларнинг иш ҳақи, қариялар, ногиронлар ва ишсизларни пенсия ва нафақа билан таъминлаш, кам таъминланган оилаларга турли ёрдамлар кўрсатиш, даромадларни инфляцияга боғлиқ равишда индексциялаш каби соҳаларда фаол ижтимоий сиёсат юритади.

Рақобатни ҳимоя қилиш. Бозор иқтисодиёти шароитида рақобат асосий хўжалик юритиш воситаси бўлиб, ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчиларни янги техника, технологияни жорий этишга, маҳсулот ва хизматлар сифатини яхшилашга, харажатларни камайтиришга ундаб туради. Бундай ҳолат бутун иқтисодиётнинг ривожланишига туртки беради. Шунинг учун давлат рақобатнинг мавжуд бўлишига зарур шарт-шароитни яратади ва уни ҳимоя қилади.

2-§. Давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг шарт-шароитлари ва меъёрлари

Маълумки, шарт-шароитлар мавжуд бўлгандагина, давлат иқтисодиётга аралашади, акс ҳолда, салбий ҳолатлар юзага келиши мумкин. Шарт-шароитлар ижобий ёки салбий кўринишда бўлади. Кишиларнинг турли соҳалардаги фаолияти, тадбиркорликнинг бутун мамлакатнинг ривожланишига яхши таъсир кўрсатувчи кўринишлари ва шарт-шароитлари ижобий ҳисобланади. Бундай шароитда давлатнинг вазифаси бу хусусиятларни аниқлаб, уларни қўллаб-қувватлаш учун чора-тадбирларни амалга оширади.

Кишиларнинг турли соҳалардаги фаолиятлари давомида юзага келган мамлакат иқтисодиёти ва тадбиркорликнинг ривожланишига тескари таъсир этувчи кўринишдаги шарт-шароитлар салбий ҳисобланади. Масалан, миллий хавфсизлик хатари, ижтимоий танглик, ишлаб чиқаришнинг пасайиши, инфляция, ишсизлик даражасининг ортиши, бюджетнинг камомади, маҳаллий маҳсулотларнинг жаҳон

бозорида рақобатбардош бўла олмаслиги, инвестициянинг камайиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши каби салбий ҳолатлар рўй берганда давлат уларнинг юзага келиш сабабларини аниқлайди ва бартараф этиш чора-тадбирларини белгилайди.

Иқтисодиётни бошқариш жараёнида давлат тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишда эҳтиёткорлик билан ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Чунки сабабсиз аралашавериш кутилмаган салбий оқибатларни юзага келтириши мумкин. Салбий кўринишларнинг даражаси ва миқдорини белгиловчи ўлчов асосида уларнинг нисбати таҳлил этилади. Масалан, салбий кўринишлардан бири бозор иқтисодиётининг ажралмас белгиси ҳисобланадиган ишсизликдир. Ишсизлик ишчи кучи сонига нисбатан 4-6% ни ташкил этса, мамлакат учун табиий нормал ҳолат ҳисобланади. 4-6% ишсизлик даражаси ишсизликнинг ихтиёрий ва даврий кўринишлари мавжудлиги сабабли юзага келиб, мамлакат иқтисодиётининг пасайишига унчалик катта хавф туғдирмайди.

Инфляция ҳам барча мамлакатлар иқтисодиётига хос бўлган салбий кўриниш бўлиб, унинг унча катта бўлмаган даражаси иқтисодиёт учун жиддий хавф туғдирмайди. Агар у юқори даражада бўлса, нафақат иқтисодиётнинг, балки бутун жамиятнинг ҳаётини издан чиқариб юбориши мумкин. Шу сабабли давлат инфляция даражасини мунтазам назорат қилади, унинг ўсиб кетмаслиги чораларини кўради.

Давлат томонидан инфляцияга қарши кўриладиган чора-тадбирлар унинг ўсиш суръатига кўра белгиланади. Ўсиш суръатига кўра, инфляциянинг мўътадил, тезкор ва жадал (гиперинфляция) кўринишлари мавжуд. Агарда нарх-наво йилига 10% дан ўсса, мўътадил, 200% гача ўсса тезкор, бир неча марта ўсиб кетса, жадал-гиперинфляция ҳисобланади.

Инфляцияга қарши чоралар қўллашда давлат унинг ўсиш суръати билан бирга, бундай ҳолатни юзага келтирган сабабни ҳам ўрганиб, эътиборда тутиши лозим.

Инфляцияни бошқариш анча эҳтиёткорлик билан унинг турлари ва хусусиятларига боғлиқ ҳолда амалга оширилиши керак. Масалан, моддий чиқимларнинг ўсиши шароитида хом ашё, сарф-харажатлар, оралиқ товарларнинг нархини белгилаш учун маъмурий аралаштириш чоралари қўлланилади. Агар жараён “иш ҳақи-нархлар” чулғами бўйича ривожланадиган бўлса, корхона меҳнатининг унумдорлиги ва

самарадорлигига боғлиқ ҳолда иш ҳақи ўсишининг чегарасини белгилаш, қисман тўлаш сиёсатига мурожаат қилинади. Бозорда талаб инфляцияси ва пул массаси ортиқча бўлган шароитда давлат уни муомалада камайтириш воситасидан фойдаланади, яъни давлат ўз харажатларини камайтиради, марказий банкда ҳисоб станкасини кўтаради ва фуқароларнинг даромадларини, бинобарин, уларнинг харид қилиш қобилиятини камайтириш ҳамда бозорга таъсир кўрсатиш учун аҳолига солинадиган солиқларни оширади.

Бироқ инфляцияни давлат йўли билан бошқариш иқтисодий ривожланиш учун нохуш оқибатларни юзага келтирадиган бир қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Хусусан, америкалик иқтисодчи Филиппс кўрсатганидек, инфляцияни қисқартиришдек, қиска муддатли давр фақат ишсизликни кўпайтириш ҳисобига рўёбга чиқарилади, иш билан бандликни ошириш эса иқтисодиётда инфляция жараёнларини авжга чиқаради.

Чиндан ҳам ишсизликнинг ўсиши бозорда талабнинг қисқаришига ва пул массасининг камайишига олиб келади. Чунки ишдан бўшатишган ходимлар иш ҳақи олмайдилар. Нафақалар эса уларнинг аввалги иш ҳақларидан анча оз ва аксинча. Давлатнинг иш билан бандликни оширишга доир чоралари талаб ва нархнинг инфляцияли сакрашига олиб келади. Шунинг учун давлат идоралари доимо мушкул аҳволда бўлади: ишсизликни кўпайтириш йўли билан инфляцияга қарши курашиш ёки нархнинг ўсишига имкон яратган ҳолда иш билан бандлик даражасини ошириш керак бўлади. Филиппс модели нархлар талаб инфляцияси ва пул массасининг ортиқчалиги туфайли эмас, балки базавий тармоқлар (энергетика, ёқилғи, ундирувчи тармоқлар) маҳсулоти қимматлашувининг, чиқимларнинг ўсиши оқибатида кўтариладиган таклиф инфляциясига қараганда кўпроқ даражада талаб инфляциясига тааллуқлидир. МДҲ мамлакатларида саноат ва истеъмол молларининг ҳамма турлари нархини кескин равишда оширадиган таклиф ва чиқимлар инфляцияси кенг тарқалди. Бунда Филиппснинг эгри чизиғини қўллаб бўлмайди. Чунки бюджет чиқимларини ва аҳолига тўланадиган пул массасини шунчаки камайтириш нарх ва инфляцияни пасайтирмайди, балки умумий иқтисодий ва ижтимоий аҳволни ёмонлаштиради, холос.

Яна бир салбий кўринишлардан бири бюджетдаги тақчиллик, яъни давлат амалга ошираётган харажатларнинг унинг даромадидан ортиб кетишидир. Бунда давлат бюджетнинг даромадлар ва харажат-

лар қисмини мувофиқлаштиришга эмас, балки тақчиллик миқдорининг маълум миқдордан ортиб кетмаслигига ҳаракат қилиши лозим. Бунинг учун ялпи миллий маҳсулот, миллий даромад миқдорларига нисбатан тақчиллик миқдорининг фоиз ҳисоби асосий ўлчов кўрсаткичи бўлади. Кўпчилик ривожланган мамлакатларда у 8-10% ни ташкил этиши нормал ҳолат ҳисобланади.

Давлатнинг иқтисодиётга таъсир ўтказиш механизми

Давлат иқтисодиётни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни бевосита, яъни маъмурий ва билвосита, яъни иқтисодий усуллар асосида амалга оширади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, бозор иқтисодиётининг таназзули даврида уни ислоҳ этишда давлатнинг роли кучаяди, барқарорлашган, жонланган даврда эса пасаяди. Ҳар қандай вазиятда ҳам давлат тадбиркорликни қўллаб-қувватлаб, иқтисодиётни ривожлантириш, таназзулга йўл қўймаслик чораларини қўллаганда бозор механизмларининг бузилишига таъсир этмаслиги лозим.

Иқтисодиётни ривожлантиришда билвосита усул сифатида давлат қуйидаги иқтисодий дастаклардан фойдаланади:

- солиқ сиёсати;
- даромад ва ресурсларни қайта тақсимлаш сиёсати;
- нарх сиёсати;
- давлатнинг тадбиркорлик фаолияти;
- кредит-молия механизми;
- божхона сиёсати ва бошқалар.

Давлат бевосита – маъмурий усуллардан иқтисодий усуллар кам самара берадиган ёки уни қўллаб бўлмайдиган вазиятларда фойдаланади. Жаҳон тажрибасидан кўринадики, маъмурий усул қуйидаги соҳа ва шароитларда нисбатан самарали қўлланилади:

- айрим соҳалар устидан давлат монополияси ўрнатиш (масалан, йўл, алоқа, фундаментал фанлар тадқиқоти ва шунга ўхшаш);
- сертификатлаш, стандартлаш, метрология;
- ижтимоий сиёсат; бунда энг аввало, аҳоли турмуш даражасининг минимумини аниқлаш ва шунга кўра кафолатланган иш ҳақи, нафақа, пенсиялар жорий этиш.

Шунингдек, давлат тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодиётни кўтариш учун қуйидаги иқтисодий сиёсатларни амалга оширади:

- фискал (бюджет, хазинабонлик);

- илмий-техника;
- инвестиция;
- нарх;
- амортизация;

- пул-кредит ва бошқалар. Бу кабиларни амалга оширишда ҳам иқтисодий, ҳам маъмурий усуллар комплекс равишда қўлланилади.

Давлатнинг фискал (хазинабонлик), бюджет сиёсати. Давлатнинг иқтисодиётни барқарорлаштириш ва жонлантириш, бюджет камомадини пасайтириш, мамлакат иқтисодиётига таъсир ўтказиш механизми қуйидагича: ишлаб чиқаришнинг пасайиши даврида жами талабларни ошириш учун давлат ижтимоий ишлар, яъни йўл, кўпроқ ва шунга ўхшаш қурилишлар бўйича давлат дастурларини амалга ошириб, кўпчилик тармоқ ва фирмаларнинг жонланишига ёрдам бериши учун харажатларни кўпайтиради. Шунингдек, иқтисодиётни кўтариш учун давлат ўз даромадини қисқартиради, яъни аҳоли ва корхоналардан олинадиган солиқларни камайтиради. Бунда аҳолининг истеъмол товарларга бўлган талаби, корхоналарнинг эса ишлаб чиқаришни ривожлантиришга имконияти ортади ва натижада иқтисодиёт жонланади. Давлат солиқ тизими тадбиркорлик фаолиятига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Солиқ даражалари юқори бўлса, ҳатто яхши фаолият юритаётган фирма ҳам нафақат ишлаб чиқаришни кенгайтириш, балки оддий ишлаб чиқаришни ҳам амалга ошира олмай қолиши мумкин. Шунинг учун солиқ сиёсатида давлат айрим соҳа тармоқларидаги тадбиркорликка имтиёзлар бериш, кичик корхоналар ривожланишини рағбатлантириш, корхоналарга даромадларидан бир қисмини ишлаб чиқаришни реконструкциялаш, янги техника, технологияларни жорий этиш ва кенгайтириш учун имкониятлар яратишни кўзда тутиши лозим.

Давлат харажатларининг пасайиши маълум вазиятларда бюджет тақчиллигининг камайишига ва инфляция жараёнининг секинлашувига олиб келади. Лекин иқтисодиётни барқарорлаштириш ва бошқариш фақат давлат ташкилотларининг фаолияти билангина чегараланмайди. Чунки давлат бундай ишга улгурмаслиги ёки унинг имконияти бўлмаслиги мумкин. Шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётда салбий жараёнлар юзага келган захоти ўз-ўзини ташкил этадиган ва ўз-ўзини бошқарадиган механизмлар ишга тушади. У автоматик равишда солиқ тушумларини, ижтимоий нафақа тўловларини ўзгартиришга имкон беради. Даромадлар ошган сари ўсиб

борувчи прогрессив солиқ тизими шундай мувофиқлаштирувчи восита бўлиб хизмат қилади. Аввалдан давлат томонидан белгилаб қўйилганлигига кўра, даромадлар ошган сари солиқ ставкаси ҳам ортиб боради.

Давлатнинг фискал сиёсати, биринчи навбатда, иқтисодий беқарорликни яхшилашга қаратилган бўлади. Лекин бунда давлат, айниқса, чуқур инкироз даврида, пул-кредит сиёсатини қўллаб амалга оширади.

Пул-кредит сиёсати давлатнинг банк фоиз ставкалари орқали пул миқдори ва кредитларни мақсадга мувофиқ ҳолда бошқаришга йўналтирилган сиёсатидир. Фискал сиёсатидан фарқли ўлароқ, пул-кредит сиёсати ишлаб чиқаришнинг пасайишига ва инфляцияни маълум кўринишда жиловлашга имкон беради.

Бу сиёсатнинг моҳияти шундан иборатки, давлат муомаладаги пул миқдorigа ва банк фоиз ставкасига таъсир кўрсатади. Улар эса, ўз навбатида, истеъмол ва инвестиция талабларига таъсир қилади.

Давлат томонидан пул-кредит сиёсатини юритишда Давлат Марказий банки асосий роль ўйнайди. Иқтисодий вазиятдан келиб чиққан ҳолда Марказий банк тижорат банкларига бериладиган кредит ставкаларини бошқариш орқали иқтисодиётга таъсир кўрсатади.

Шунингдек, Марказий банк тижорат банкларига берадиган кредит нормаларининг миқдорини ошириш ёки камайтириш орқали ҳам иқтисодиётга таъсир кўрсатиш имкониятига эга.

Бундан ташқариш, давлат иқтисодий ўсиш ва инфляцияга қимматбаҳо қоғозларни чиқариб сотиш ёки сотиб олиш орқали ҳам таъсир ўтказиши мумкин.

Жаҳон таржрибасидан маълумки, давлат томонидан бюджет ва пулкредит сиёсати ўзаро боғлиқ ва мувофиқлаштирилган ҳолда олиб борилгандагина тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши ва иқтисодиётнинг ўсишига самарали таъсир кўрсатади.

3-§. Илмий – техник сиёсат

Илмий-техник тараққиётни жадаллаштириш мамлакатнинг бақувват индустриал давлатга айланиши ва иқтисодиётнинг ўсиши учун асосий омил бўлиб хизмат қилади. Масалан, Япониянинг урушдан кейинги қисқа давр ичида дунёдаги етакчи давлатлар қаторига киришида муваффақиятли юритилган илмий-техник сиёсат асос бўлди.

“Давлатнинг ягона илмий-техник сиёсати” дейилганда фан ва техникани ривожлантириш, унинг натижаларини халқ хўжалигига татбиқ этилишини таъминлашга йўналтирилган комплекс тадбирлар тушунилади. Давлат мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган устувор соҳаларни, хусусан, ишлаб чиқаришни комплекс автоматлаштириш, электроника, янги технология ва материаллар яратиш, биотехнология ва шунга ўхшашларни ривожлантириш учун тегишли тадбирларни амалга оширади. Шунингдек, айрим соҳаларни эмас, балки бошқа тармоқлар учун базавий асос бўлиб хизмат қилувчи машинасозлик, кимё, энергетика, кончилик ва бошқа тармоқларни ҳам ривожлантириш масаласи давлатнинг диққати марказида бўлиши лозим. Ягона илмий-техник сиёсатни давлат қуйидаги бир қатор тадбирлар, дастурларни амалга ошириш орқали бажаради:

- маориф ва фан соҳаларини молиялаштириш;
- илғор амортизация ва инвестиция сиёсатини юритиш;
- фан ва маориф соҳасидаги ходимларнинг маошлари тизимини такомиллаштириш;
- илғор техника ва технологияларни татбиқ этишдан барча бозор субъектларининг манфаатдор бўлиши учун тегишли шароитлар яратиш;
- халқаро миқёсда илмий-техник соҳада фаол ҳамкорлик ўрнатиш.

Амортизация сиёсати давлат илмий-техник сиёсатининг бир қисми ҳисобланади. Бунда давлат тадбиркорларга амортизация ажратмаси миқдори ва ундан фойдаланиш нормасини белгилаш орқали такрор ишлаб чиқаришга ва асосий фондларнинг янгиланиш тезлигига таъсир кўрсатади.

Амортизация сиёсатини ишлаб чиқишда давлат қуйидаги принципларга амал қилиши лозим:

- асосий фондларни, айниқса, инфляция шароитида ўз вақтида қайта баҳолашни амалга ошириш;
- асосий фондларнинг амортизация нормаси оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун етарли бўлишини таъминлаш;
- корхоналарнинг амортизация ажратмаларидан белгиланган мақсадлар учун фойдаланишига эришиш;

- асосий фондларнинг белгиланган фойдаланиш мақсади ва уларнинг маънавий ҳамда жисмоний эскириши муддатини ҳисобга олган ҳолда амортизация нормаларининг табақаланишига эътибор бериш;

- корхоналарни жадал амортизациялаштириш учун имконлар яратиш;

- амортизация сиёсатини асосий фондарни янгилаш ва илмий-техник тараққиётни жадаллаштириш билан мувофиқлаштиришга эришиш.

Инвестиция сиёсати тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан биридир.

Бундай сиёсат орқали давлат ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фан-техник тараққиёт ва бошқа кўпгина ижтимоий муаммоларни ҳал этишга таъсир кўрсатиши мумкин.

Ўтмиш даврдаги ишлаб чиқариш суръатлари пасайишининг сабабларидан бири моддий ишлаб чиқаришга капитал маблағлар сарфининг қисқариб кетганлигида бўлди. Ривожланган давлатларда инвестиция улуши миллий даромаднинг 40% ва ундан ортиқ қисмини ташкил этади. Энди бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат асосий инвесторлик функциясини қисқартириб, хусусий тадбиркорликнинг инвестиция фаолиятдан манфаатдорлигини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиб беради.

Давлат инвестиция фаолиятини фаоллаштириш учун қуйидагши дастаклар орқали таъсир этади:

- молия-кредит ва инвестиция сиёсати;

- корхоналарга ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш учун турли имтиёзлар жорий этиш;

- амортизация сиёсати;

- чет эл сармоясини жалб этиш учун шарт-шароит яратиш;

- илмий-техник сиёсатни амалга ошириш ва бошқалар.

Давлат тадбиркорлиги иқтисодиётни кўтариш учун тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи энг муҳим тадбирлардан биридир. Шу мақсадда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, товарлар етказиб бериш ва бошқа турли соҳаларда давлат корхоналари ташкил этилади. Давлат ишлаб чиқаришни таркибий қайта қуриш, тармоқлараро ва ҳудудлараро номутаносибликни юмшатиш, илмий-техник тараққиётни рағбатлантириш, иқтисодиёт самарадорлигини ошириш йўналишида

мустақил субъект сифатида маълум умуммиллий мақсадларни амалга оширади.

Давлат тадбиркорлиги унинг такрор ишлаб чиқариш жараёнига тўғридан-тўғри аралашувидир. У, айниқса, хусусий тадбиркорлар учун маблағ сарфидан кам самара берадиган, лекин умумжамиат манфаати учун аҳамиятли бўлган соҳаларда амалга оширилади. Бу, энг аввало иқтисодий инфраструктура тармоқлари (транспорт, алоқа, энергетика)дан иборат бўлади.

Прогнозлаш, режалаштириш ва тартиблаш – мамлакат иқтисодиётини бошқаришда давлатнинг асосий дастаги ҳисобланади. Бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан иқтисодиётни прогнозлаш усуллари ўзгаради. Ҳар қайси корхонага юқоридан белгиланган топшириқ тарзидаги директив режалаштириш ўрнига талаб ва таклифни мувофиқлаштирувчи режалаштириш юзага келади. Унинг моҳияти шундан иборатки, давлат иқтисодиётининг ўтган даврлардаги ҳолатини таҳлил қилади ва мавжуд ресурсларни ҳисобга олади ҳамда қуйидаги кўрсаткичлар бўйича тузиб чиқади:

- ялпи миллий маҳсулот, миллий даромаднинг ўсиш суръатлари;
- инфляция ва ишсизлик даражаси;
- иш ҳақи миқдорининг энг оз миқдори;
- бюджет камомади;
- фоиз ставкалари ва бошқалар.

Ушбу кўрсаткичлар иқтисодиёт режалаштирилаётган даврдаги ҳолатни акс эттиради. Бунда, албатта, давлат режалаштиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари иқтисодиётни ривожлантиришдан ташқари, аҳоли турмуш даражасини яхшилашни ҳам кўзда тутиши лозим.

Давлат макроиқтисодиётни режалаштириш асосида аввалдан ўзининг фискал, илмий-техник, молиявий-кредит, инвестиция ва ижтимоий сиёсатларининг йўналишларини белгилаб олади.

Режалаштириш қисқа, ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган шаклда бўлади. Кўпчилик ривожланган мамлакатларда давлат даражасида режалаштириш маълум дастурларни амалга ошириш шаклида амалга оширилмоқда.

Нарх сиёсати давлатнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсир ўтказувчи энг асосий дастакларидан биридир. Давлат ундан фойдаланган ҳолда талаб ва таклифлар, ресурс ва даромадларнинг тақсимланиши,

яшаш минимуми даражасини таъминлаш, шунингдек монополия ҳамда инфляцияга қарши курашда фойдаланади.

Маълумки, бозор муносабатлари шароитида товарлар нархи талаб ва таклиф таъсирида шаклланади. Лекин, кундалик энг зарур товарлар нархини давлат бошқариб туради.

Бу усул бозор муносабатлари асосида ривожланган барча давлатларда қўлланилади. Нархи бошқариладиган товарлар миқдори умумий товарлар миқдорининг 10-15%ни ташкил этса-да, бундай ҳолат аҳолининг турмуш даражаси минимумини сақлаб туришда катта аҳамиятга эга бўлади.

Кўпчилик ривожланган мамлакатларда давлат томонидан монополист корхоналар маҳсулотининг нархи, баҳоси бошқариб турилади.

XX БОБ. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ, УНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ ВА ҲОЗИРГИ ТАРКИБИ

1-§. Жаҳон хўжалигининг шаклланиш босқичлари

Ҳозирга қадар иқтисодий ҳодисалар, асосан, алоҳида олинган мамлакат халқ хўжалигида қандай намоён бўлса, шундай ўрганиб келинди. Ва бу тўғридир. Чунки ҳозирги вақтда хўжалик ҳаётининг байналминаллашуви кучайишига қарамай, миллий иқтисодиётлар ишлаб чиқариш айирбошлашни ташкил этиш марказлари бўлиб қолмоқда. Миллий хўжаликлар алоҳида олинган давлатлар миқёсида тарихан қарор топган ҳаётнинг моддий ва ижтимоий шароитларини такрор ишлаб чиқариш тизими сифатида намоён бўлади. Турли давлатларнинг бир бутун ички иқтисодий тизимлари йиғиндиси мамлакатлараро меҳнат тақсимоти ва халқаро иқтисодий муносабатлар ривожланишининг асосини ташкил этади. Аммо бу жараён узоқ давом этиб, тобора янги ва янги мамлакатларни, фаолият турларини, фирма ва компанияларни ўз домига тортди, ғоят мураккаб иқтисодий алоқаларни юзага келтирди. Бозор иқтисодиётининг кўп асрлик тараққиёти натижасида капиталистик кўринишдаги жаҳон хўжалиги вужудга келди. Маълумки жаҳон мамлакатлари бир-бирдан табиий-иқлимий шароитлари, ишлаб чиқаришнинг мавжуд техник даражаси, ижтимоий-иқтисодий муносабатлари бўйича фарқ қилади. Ўз аҳолисининг эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган ҳамма нарсани ўзи ишлаб чиқара оладиган миллий иқтисодиётни топиш мушкул. Мамлакатлар ўртасида мавжуд бўлган фарқлар меҳнат тақсимотининг янги даражасини, халқаро меҳнат тақсимотини вужудга келтирди.

Халқаро меҳнат тақсимоти, яъни мамлакатлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти алоҳида олинган миллий хўжаликларнинг барқарор иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлган у ёки бу маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашувига суянади. Бунда мамлакат ва улар ўртасида маълум миқдор ва сифат нисбатида ишлаб чиқариш натижаларини ўзаро айирбошлаш вужудга келади.

Халқаро меҳнат тақсимоти бутун жаҳон мамлакатлари ўртасидаги фан-техника, ишлаб чиқариш, савдо-иқтисодий алоқаларнинг объектив асоси ҳисобланади. Айни шундай пойдеворда мамлакатлар миллий хўжаликлари жаҳон хўжалиги доирасига киради ва шу туфайли ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви умумжаҳон жа-

раёнига айланади. Халқаро меҳнат тақсимоти умумжаҳон бозори ва умуман жаҳон хўжаликлари шаклланиши ва ривожланишининг шарти ҳамда ҳал қилувчи омилидир.

Жаҳон хўжалиги халқаро иқтисодий муносабатлар тизими ва уларнинг амалга оширила бориш воситаларининг бир бутун яхлитлигидан иборат. Халқаро меҳнат тақсимоти хўжаликнинг моддий асосини ташкил этади. Бунда халқаро иқтисодий муносабатлар ўз-ўзича мавжуд бўлмай, балки турли миллий иқтисодиётлар доирасида юзага келадиган иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг ўзига хос давоми, ривожланиши сифатида майдонга чиқади. Шу билан бирга, халқаро хўжалик алоқалари маълум мустақилликка, ўзининг амал қилиш ва ривожланиш қонуниятларига эга бўлиб, алоҳида давлатларнинг ички иқтисодий аҳволига катта таъсир кўрсатади.

Ўзаро халқаро меҳнат тақсимоти ва меҳнат кооперацияси билан боғланган ҳамда бир-бири билан маълум иқтисодий ўзаро муносабатларда бўлган миллий хўжаликларнинг яхлит тизими умумжаҳон хўжалиги ҳисобланади.

Умумжаҳон хўжалиги мураккаб ва ҳаракатчан уюшмадир. Унинг ҳозирги ҳолати кўп асрлик эволюция натижасида вужудга келган. Умумжаҳон хўжалигининг қарор топиши ва ривожланиши кишилик жамияти ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ жараёндир. Бу жараён босқичларини қуйидаги схемада яққол кўриш мумкин:

Умумжаҳон хўжалиги эволюцияси

Локал халқаро бозорлар

Қадимда савдогарлар томонидан юритилган денгиз ва карвон савдоси. Унинг асосий марказлари: Буюк ипак йўлига кирувчи давлатлар -Хитой, Ҳиндистон, Яқин Шарқ, Ўрта ер денгизи бўйи ва Марказий Осиёга кирувчи давлатлар. Айирбошлашда зеб-зийнат буюмлари (матолар, тақинчоқлар), зираворлар, айрим минерал хом ашё хиллари кўпроқ аҳамият касб этган.

Регионлараро халқаро савдо

XV-XVII асрлардаги Буюк жуғрофий кашфиётлар натижасида халқаро савдонинг кенгайиши. Мамлакатлар ва регионлар (Европа-Жанубий Америка, Англия-Ҳиндистон, Голландия-Шимолий Америка ва ҳ.к.) ўртасидаги мустаҳкам, икки томонлама алоқаларнинг қарор топиши.

Жаҳон бозори

Халқаро савдо умумжаҳон характериға эға бўлади. Саноат инқилобидан сўнг (XVIII асрнинг охири - XIX асрнинг биринчи ярми) қишлоқ хўжалик ва минерал хом ашё, саноат маҳсулотлари айирбошланишнинг асосий объектлариға айланади. Мамлакатларнинг хом ашё чиқарадиган ва саноати тараққий этган давлатларға бўлиниши юз беради.

Умумжаҳон хўжалиги

Халқаро иқтисодий муносабатларда оғирлик маркази савдо соҳасидан ишлаб чиқариш соҳасиға кўчади. Халқаро иқтисодий алоқаларнинг савдоға тегишли бўлмаган шакллари ривожланиши XIX аср охиридан бошланди.

Ҳозирги замон умумжаҳон хўжалиги

Бу схемадан кўриниб турибдики, турли мамлакатлар ўртасидаги савдо, халқаро савдо каби алоқалар жуда қадим даврларда юзаға келган. У қадимги Шарқда ҳам, Антик дунёда ҳам Ўрта асрларда ҳам мавжуд бўлган. Лекин ўша вақтларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг озгина қисмигина халқаро миқёсда айирбошланиш учун тушган. Булар, асосан, жамиятнинг энг бой қатламлари истеъмол қиладиган ипак, қимматбаҳо металллар ва тошлар, вино ва зираворлар, гиламлар ва мўйналар каби товарлар эди. Индустириал ривожланиш давригача товарлар ишлаб чиқариш натурал хўжаликка асосланганлиги учун маҳсулотларнинг кўп қисми алоҳида хўжаликлар, жамоалар ёки катта бўлмаган ҳудудлар миқёсида ишлаб чиқарилган ва истеъмол қилинган.

XV-XVIII асрлардаги Буюк жуғрофий кашфиётлар халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланишиға кучли туртки бўлди. Шимолий ва Жанубий Америка, Ҳиндистон, Африка, Европа мамлакатларининг мустамлакалари ва савдо факториялари юзаға кела бошлади. Ост-Индия компанияси (Англия) сингари савдо компаниялари қарор топди. Мустамлакаларда метрополия мамлакатлари учун товарлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундай ҳолат жаҳоннинг турли регионлари ўртасида узок муддатли савдо алоқаларининг ўрнатилишиға объектив равишда ёрдам кўрсатди.

Натурал хўжаликдан товар-пул муносабатлариға ўтилиши, мануфактура саноатининг машиналашган ишлаб чиқаришға айланиши халқаро савдонинг ривожланишиға янги туртки бўлди. Саноат

инқилоби ва ишлаб чиқариш индустриал турининг қарор топиши муносабати билан Европада миллий бозор ҳамда миллий хўжаликларнинг шаклланиши рўй берди.

Индустрлаштириш ва ишлаб чиқаришнинг янги тармоқлари ва хилларининг пайдо бўлиши натижасида турли хил хом ашё, ёғилғи ва материалларга талаб ўса боради. Аммо алоҳида олинган мамлакат учун хом ашёнинг кўпгина хилларидан фойдаланиш имкониятлари табиий шароитларга кўра чекланган. Бу ҳол индустриал мамлакатлардан қишлоқ хўжалиги, саноат хом ашёларини, хусусан, рангли металллар, пахта, ёғоч кабиларни импорт қилишни сезиларли даражада кенгайтиришни талаб қилиб қолди. Йирик машиналашган ишлаб чиқариш оммавий ишлаб чиқаришдир. Ихтисослашган оммавий ишлаб чиқаришнинг ўсиши бозор сиғими муаммосини келтириб чиқаради. Реализация масаласини ҳал қилишнинг йўлларида бири бозорни жуғрофий жиҳатдан кенгайтиришдан иборат. Бу шуни англадики, саноат маҳсулотларининг бир қисмини ички бозорда сотиш мақсадида эмас, балки бошқа мамлакатларда сотиш, яъни экспорт учун ишлаб чиқаради. Саноат товарлари киритиладиган мамлакатлар жумласига, биринчи галда, ҳали машиналашган ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган мамлакатларга киради. Бундай мамлакатларга саноат маҳсулотлари ўрнига хом ашё ва озиқ-овқат етказиб берилади. Шу каби жараёнлар натижаси ўлароқ, алоҳида мамлакатларнинг халқаро ихтисослашуви ва умумжаҳон меҳнат тақсимооти юзага келди.

XIX аср охири-XX аср бошларида йирик машиналашган ишлаб чиқариш асосида умумжаҳон меҳнат тақсимотининг шаклланиш жараёни, асосан, тугалланди. Савдо билан бир қаторда, халқаро ишлаб чиқариш алоқалари борган сари кўпроқ ривожлана бошлади, капитал миграцияси улкан кўламларда амалга оша борди, иш кучининг халқаро миграцияси кучайди ва, ниҳоят, фан-техника байналмилал характер касб эта борди. Жаҳон хўжалиги деб аталмиш ўзаро ҳаракатдаги миллий иқтисодиётларнинг жаҳон тизими шаклланди. Жаҳон хўжалиги жаҳон бозорига нисбатан мураккаброқ ва кўп қиррали тушунчадир. Жаҳон бозори мамлакатлар ўртасидаги товар ва хизматлар айирбошлаш соҳаси ҳисобланади. Жаҳон хўжалиги эса миллий хўжаликлар ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар мажмуини, яъни савдо, ишлаб чиқариш, фан-техника ва ҳоказоларни камраб олади. Шу билан бирга, жаҳон бозори жаҳон хўжалигининг мавжуд бўлиши ва ривожланишининг зарурий шarti ҳисобланади.

Жаҳон хўжалиги ўзаро муносабат тарзида ўзининг объекти ва субъектларига эга. Халқаро миқёсда ресурсларнинг тақсимланиши ва улардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви, кооперацияси, иқтисодий интеграция, савдо-сотиқ, илмий-техник ҳамкорлик, қолоқлик ва қашшоқликка чек қўйиш, экологияга путур етказмайдиган иқтисодий фаолият юритиш ва ҳоказолар умумжаҳон муносабатларнинг объектлари, турли давлатлар, халқаро ва миллий фирмалар, байналмилал ташкилотлар эса уларнинг субъектлари ҳисобланади.

Жаҳон хўжалигида иқтисодий алоқаларнинг шакллари ўзгариб, кўринишлари тобора кўпайиб боради, иштирокчилар доираси янги мамлакатлар ҳисобидан кенгая боради. Кейинги йилларда бу доирага Марказий Осиё ёш давлатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам кириб келди.

Ҳозирги дунё ўз ичига 200 та атрофидаги мустақил миллий бирликни қамраб олган. Алоҳида олинган мамлакат у ёки бу даражада жаҳон хўжалигининг ривожланиш характериға таъсир этади. Ҳар бир давлат ўз жуғрофий, маданий-тарихий ва ижтимоий-сиёсий хусусиятларига эга бўлиб, унинг иқтисодий ривожланиш характери турли-туман шаклларда намоён бўлади.

Жаҳон хўжалиги ранг-баранг. Иқтисодий белгилари бўйича жаҳон мамлакатларини таснифлашға умумий тарзда ёндашилганда қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

– хўжалик тизимларининг ўзига хослиғига эга бўлган уч хил гуруҳни ташкил этувчи: а) бозор иқтисодиёти тараққий этган; б) бозор иқтисодиёти ривожланаётган; в) бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар;

– ривожланиш даражаси бўйича уч гуруҳдан иборат: а) юксак ривожланган, б) ўртача ривожланган, в) кам ривожланган мамлакатлар.

Шунингдек, Жануби-Шарқий Осиё ва Лотин Америкаси (Жанубий Корея, Сингапур, Гонконг, Бразилия, Мексика)нинг янги индустриал мамлакатлари нефть экспорт қилувчи давлатлар (Саудия Арабистони, Қувайт, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқалар) ажратилади. Энг кам тараққий этган мамлакатлар, жумладан, жаҳоннинг энг камбағал мамлакатлари (Чад, Бангладеш, Эфиопия кабилар) алоҳида гуруҳни ташкил этади. Булардан ташқари, турли регионал бирлашмалар, масалан, БЕНИ ЛЮКС (Бельгия, Нидерландия, Люк-

сембург) ва интеграцион гуруҳлар (ЕЭС, НАФТА ва бошқалар) ҳам мавжуд.

Кейинги йилликларда жаҳон мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий табақалашувининг кучайиши билан характерланади. Улар ўртасида ривожланиш даражаси ва суръати бўйича фарқлар яққол кўрина бошлади. Янги индустриал мамлакатлар гуруҳида иқтисодий ўсиш давом этиб, уларда жаҳон иқтисодиётига нисбатан ўсиш суръатлари юқоридир. Шу билан бирга, жаҳон хўжалигида индустриал ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги узилиш сақланиб қолмоқда, ҳатто чуқурлашиб бормоқда. Ҳозирги вақтда биринчи гуруҳ улушига аҳолининг 25% ялпи миллий маҳсулоти ва саноат ишлаб чиқаришининг 80 % тўғри келади. Шунга мос равишда ривожланаётган мамлакатларга аҳолининг 75% ва ЯММнинг 20% тўғри келади. Уларнинг қайта ишлаш саноати маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги улуши фақат 15-17 фоизни ташкил этади. Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилиги ҳалигача жаҳон бозорига хом ашё етказиб берувчи ва тайёр маҳсулот импорт қилувчи бўлиб қолмоқда.

Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги энг кам тараққий этган мамлакатларнинг иқтисодий ўсиши ривожланаётган мамлакатлар ўртача кўрсаткичларидан ҳам орқада қолиши кучаймоқда. Энг кам ривожланган мамлакатлар (БМТнинг мавжуд таснифига кўра, булар 40 та атрофида ва 400 млн.кишидан ортиқ аҳолига эга) ЯММнинг ўртача жон бошига тўғри келадиган миқдори ривожланаётган мамлакатларга нисбатан ўртача тўрт марта ва индустриал ривожланган давлатларга қараганда 50 марта камдир.

Шу билан бирга, барча турли-туман мамлакатлар бир бутун жаҳон хўжалигини ташкил этади. Бундай хўжаликнинг энг характерли ривожланиш белгиси давлатлар ва хўжалик регионларининг ўсиб бораётган ўзаро ҳамкорлигига боғлиқлигидадир. Ривожланишнинг миллий давлат хусусияти борган сари юқорироқ даражада турли мамлакатларнинг, аввало, иқтисодий соҳада бир-бирига таъсири тобора кучайиб бораётганлиги билан характерланади.

Жаҳон хўжалигида дунё бозорларидаги нархлар ҳаракати ва алоҳида мамлакатларнинг экспорт потенциалидан тортиб, то жаҳон иқтисодиётидаги таркибий силжишларда юз берган ўзгаришлар ва трансмиллий корпорациялар фаолияти натижасида бутун дунё давлатлари манфаатлари қамраб олинмоқда. Алоҳида мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиёти, савдо, ишлаб чиқариш, валюта-молия соҳасидаги

ўзгаришларга боғлиқ эканлиги объектив ҳолатдир. Бундан аниқ кўри-
ниб турибдики, ҳозирги шароитда ҳар қандай мамлакат жаҳонаро
хўжалик алоқаларига тортилмаган тақдирда, унинг тўла қонли
иқтисодий ривожланиши рўй бермайди.

2-§. Халқаро иқтисодий муносабатлар ва нисбий афзалликлар

Умумжаҳон хўжалиги ва унда алоҳида мамлакатларнинг тутган
ўрни ўрганила бошланар экан, бир неча саволларнинг юзага келиши
табиийдир: Нима учун жаҳонаро хўжалик алоқалари мавжуд?,
Мамлакатнинг халқаро иқтисодий муносабатларда қатнашиши қай
даражада миллий манфаатларга мос келади, умумжаҳон хўжалигига
кирган мамлакатларнинг ҳаммасига ҳам бундан манфаат етадими ёки
бу жараён давлатларни «ғолиблар» ва «мағлублар»га ажратадими?.
Иқтисодиёт фани деярли ўзининг юзага келиш вақтидан бошлаб бу
муаммоларни ечиш билан шуғулланиб келмоқда.

Адам Смит халқаро айирбошлаш билан боғлиқ ҳодисаларни
таҳлил қила туриб, қандай товарларни экспорт ва қандайларини им-
порт қилиш хусусида қуйидаги фикрни билдирган эди. «Агар қандай-
дир чет мамлакат қайси бир товарни бизнинг тайёрлаб чиқаришимиз-
га кўра арзонроқ нархда етказиб берса, биз бироз афзалликка эга
бўлган ўз саноат меҳнатимизда қўлланадиган соҳада яратиладиган
маҳсулотнинг қандайдир қисмига сотиб олишимиз анчагина маъқул-
дир».⁵⁶ А.Смитнинг бу мулоҳазасида «мутлақ устунлик» тамойили
ғояси илгари сурилган.

Д.Рикардо ўзаро фойдали савдо ва халқаро ихтисослашувнинг
умумийроқ бўлган тамойилларини таърифлаб, унга А.Смитнинг таш-
қи савдо шароитлари сифатидаги мутлақ афзалликлар тўғрисидаги
ғояларини хусусий ҳол, деб ҳисоблайди. Ташқи иқтисодий муноса-
батларнинг ўзига хослигини аниқлаш Рикардонинг хизмати дир: «Бир
мамлакатдаги товарнинг нисбий қийматини тартибга солувчи
қоидалар икки ёки бир неча мамлакатлар ўртасида айирбошланаётган
товарларнинг нисбий қийматини тартибга сола олмайди».⁵⁷

Д.Рикардо томонидан ишлаб чиқилган тамойилларнинг жами
нисбий афзалликлар назарияси деб аталади. Бу универсал тамойил-
лар. У на фақат мамлакатлар ўртасидаги, балки регионлар, корхона-
лар ва миллий хўжаликлар ичидаги, кишилар ўртасидаги ҳар қандай

⁵⁶ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М., 1962. – С.333.

⁵⁷ Рикардо Д. Сочинения. Т-1. – М., 1965, –С. 116.

меҳнат тақсимоти афзалликларини асослаб беради. Шунингдек, Д.Рикардо халқаро меҳнат тақсимоти (ХМТ)нинг мақсадга мувофиқлигини уқтириб ўтади. Бу қоида иқтисодий фан тарихида ХМТнинг биринчи модели сифатида тан олинди.

Ҳар бир мамлакат алоҳида олинган мамлакатлар ичидаги ишлаб чиқариш харажатларидаги фарқдан фойдаланиб, ташқи савдонинг ривожланишидан ютади. Бу Д.Рикардо назариясининг асосий мағзидир. Нисбий афзаллик тамойилига кўра, мамлакатнинг харажатларда энг кўп афзалликларга эга маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашуви мақсадга мувофиқ бўлади. Д.Рикардонинг фикрича, бошқа мамлакатларга нисбатан, унумдорлиги юқорироқ тармоқларда бошқа мамлакатларга қараганда харажатлардаги фарқлар кўпроқ бўлган тақдирда, ишлаб чиқариш харажатлари паст бўлган тармоқларни ривожлантириш мумкин эмас.

Олим ўз фикрини тасдиқлаш учун қуйидаги мисолни келтиради. Португалияда маълум миқдордаги винони ишлаб чиқариш 80 кишининг бир йиллик меҳнати, мато ишлаб чиқариш эса 90 кишининг меҳнати билан амалга оширилиши мумкин. Англияда ўша миқдордаги винони ишлаб чиқариш учун 120 киши меҳнат қилиши керак. Мато ишлаб чиқариш учун йил ичида 100 киши меҳнат сарфлаши лозим. Бундай шароитда Португалия учун винони матога айирбошлаш, гарчи киритилаётган мато Португалияда Англияга нисбатан арзонроқ ишлаб чиқарилиши мумкин бўлса-да, фойдалидир. Гап шундаки, Португалия мато ишлаб чиқаришдан виночиликка ўтганда, Англияга нисбатан кўпроқ нисбий афзалликка эга бўлган тармоқ, яъни меҳнат ва капитални сарфлаб, 80 кишининггина меҳнати натижасида ишлаб чиқарилган винони матога айирбошлайди, яъни 10 кишининг меҳнатини тежайди. Бундай айирбошлаш Англия учун ҳам фойдалидир. Чунки Англия мато ишлаб чиқаришга иш кучи сарфлаб, мато айирбошлаш йўли билан маълум миқдордаги вино олади. Бунда 120 киши ўрнига бор-йўғи 100 кишининг меҳнати сарфланади, яъни у 20 кишининг меҳнати тежалади.

Кейинроқ, бошқа иқтисодчилар томонидан ўзаро савдо ва турли мамлакатлар ихтисослашувининг нафақат товарлар ишлаб чиқариш харажатларини пасайтиришига имкон бериши, балки товарлар истеъмолини ҳам кўпайтириши мумкинлиги йўллари кўрсатиб берилди. Аввалгидек, соддалаштириш учун жаҳон иқтисодиёти икки мамлакатдан, масалан Германия ва Голландиядан иборат, деб фараз қила-

миз. Уларнинг иккаласи ҳам ҳар хил икки товар-буғдой ва картошкани ишлаб чиқаришга қодир. Лекин бунда улар турлича иқтисодий самарадорлик даражаси билан иш кўради. Фараз қилайлик, Германияда ҳар қайси харажатлар бирлигига 40 т буғдой ёки 40 т картошка ёхуд мазкур миқдор ҳажмида уларнинг ҳар қандай комбинациясига кўра, маҳсулот ишлаб чиқарилиши мумкин бўлсин. Шу вақтнинг ўзида Голландияда харажат бирлиги ёрдами билан 10 т буғдой ёки 30 т картошка ёхуд шу миқдорлар чегарасида уларнинг қандайдир комбинацияси бўйича ушбу маҳсулотлар чиқарилиши мумкин. Кўриниб турибдики, у товарнинг ҳам, бу товарнинг ҳам Германияда ишлаб чиқарилиши Голландияга нисбатан кўпроқ самаралироқдир. Бундан ушбу мамлакатлар ўртасида савдога ўрин йўқ деган хулоса келиб чиқмайди, албатта. Дастлаб. халқаро савдо йўқ, деб фараз қиламиз. У ҳолда ҳар бир мамлакат ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотинигина истеъмол қила олади. Бу ўринда миллий иқтисодиётларда ишлаб чиқариш таркиби ички бозордаги талаб - буғдой ҳамда картошка ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат орқали аниқланадиган бўлади. Айтайлик, Германияда ҳар бир харажат бирлигига 30 т буғдой ва 10 т картошка, Голландияда эса 5 т буғдой ва 15 т картошка ишлаб чиқарилади.

Товарларнинг миллий иқтисодиёт ичидаги нисбий нархлари турличадир. Жаҳон бозоридаги савдо-сотик ҳар бир алоҳида олинган мамлакатдаги нисбий ишлаб чиқариш харажатлари ўртасидаги фарққа асосланади. Бундай фарқ экспорт ёки импортнинг қулайлигини таъминлайди. Агар товарни мамлакат ичида ишлаб чиқариш харажатлари унинг жаҳон бозоридаги нархдан паст бўлса, ўз-ўзидан экспортнинг қулай эканлиги аёнлашади. Агар бундай харажат юқори бўлса, импортнинг самарадорлиги ошади.

Энди икки мамлакат ўртасида савдо имконияти туғилди, деб фараз қиламиз. Буғдой етиштирувчи германиялик ишлаб чиқарувчилар ўз товарларини Голландияда сотсалар, буғдойнинг ҳар бир тонна-сига картошкага нисбатан анчагина кўп фойда олишларини дарҳол сезиб қолишади. Ўз навбатида, голланд фермерлари ўзларининг ҳар бир тонна картошкасини буғдойнинг учдан бир тонна-сига қараганда кўпроққа сотиш имкониятига эга бўладилар. Жаҳон бозорида товарларга бўладиган нисбий нархлар буғдой ва картошкага талаб ҳамда уларнинг тақлифига қараб қўйилади. Агар буғдой бозорда кам, унга талаб эса кўп ва шу вақтда картошканинг катта миқдори сотилмаёт-

ган бўлса, нисбий нарх (айирбошлаш коэффиценти) Голландиядаги даражага яқин бўлади: 3 т картошка – 1 т буғдой. Агар бозорда тескари вазият юзага келса, нарх 1 т картошка – 1 т буғдой даражасига яқин бўлади. Ҳар қандай ҳолда ҳам нисбий жаҳон нархи шу миқдорлар ўртасида бўлади. Агар бу шарт бажарилмаса, ўзаро савдо ҳар бир томон учун ҳам фойдали бўлмайди.

Фараз қилайлик, талаб ва таклифнинг нисбати жаҳон бозорида 2 т картошка – 1 т буғдой бўлган нисбий нархнинг қарор топишига олиб келди. Шу билан ҳар икки мамлакатда ишлаб чиқарувчилар учун ҳам, истеъмолчилар учун ҳам янги имкониятлар юзага келади. Германия учун ишлаб чиқаришдан воз кечилган ҳар бир тонна буғдой ўрнига фақатгина 1 т олинадиган картошкага зарурият қолмайди. Худди ўша миқдордаги буғдой учун икки марта кўп картошкани Голландиядан олиш фойдалироқдир. Голландия учун ҳам ўзида 3 т картошка ўрнига етиштирилдиган буғдойнинг 1 тоннасини ишлаб чиқаришга ҳожат қолмайди. Чунки буғдойнинг тоннасини Германияда фақатгина 2 т картошкага айирбошлаш мумкин. Натижада ҳар бир мамлакат бошқа мамлакатдагина нисбатан нисбий харажатлари камроқ бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашади.

Ихтисослашиш икки муҳим оқибатга эга бўлади. Биринчидан, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ялпи ҳажми кўп бўлади. Иккинчидан, у мамлакатда ҳам, бу мамлакатда ҳам ҳар икки товарни қандай миқдорда истеъмол қилишни танлашнинг янги имкониятлари пайдо бўлади. Бундай имкониятлар савдо имкониятлари деб аталади.

Амалда эса жаҳонда фақатгина битта маҳсулот ишлаб чиқарилган мамлакат йўқ. Энг тараққий этган индустриал давлатларда миллионлаб хилдаги турли товарлар ишлаб чиқарилади. Ихтисослашишни чеклайдиган қандай сабаблар борлигини аниқлаш учун яна бир марта мисолимизга қайтамиз. Ҳозирга қадар ҳар иккала мамлакатда буғдой ва картошка ишлаб чиқариш ҳажмлари қандай бўлишидан қатъи назар, буғдойнинг нисбий нархи картошканинг тонналарида ўзгармай қолади, деб фараз қилиб кўрдик, яъни Германияда 1 т буғдой 1 т картошкага тенг, Голландияда ҳам 1 т буғдой 1 т картошкага тенг, деб олинди. Ҳақиқатга эса бошқа фараз яқинроқдир. Қачонки Германия ўз ихтисослашувининг асоси деб буғдойни олиб, уни ишлаб чиқаришга аввал картошка ишлаб чиқаришга кетган ресурсларни ташлай бошлар экан, буғдойнинг нисбий нархи аста-секин ўса боради. Бунинг сабаби, ресурсларнинг тўла ҳолда бир-

бирини қоплай олмаслигидадир. Картошка ишлаб чиқаришда қўлланилган ишлаб чиқариш омилларининг барчаси ҳам буғдой етиштиришда ўшанчалик самарали ишлатилмайди. Буғдой ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиб бориши билан уни ишлаб чиқаришда шу тармоқ учун камроқ мослашган ресурслар қўлланила бошланади. Бир тонна буғдойни ишлаб чиқариш учун энди бир тонна эмас, балки кўпроқ миқдордаги картошкадан воз кечишга тўғри келадики, бу буғдойнинг нисбий ишлаб чиқариш харажатлари ва нисбий нархи ўзгаришини билдиради.

Картошка етиштиришга ихтисослашган Голландияда аксари ҳол юз беради. Ресурслар буғдой ишлаб чиқаришдан олиниб, картошка етиштиришга йўналтирилади. Қанчалик кўп картошка чиқариладиган бўлса, бу ишга камроқ яроқли ресурслар ишга тортилади. Натижада бундай товарнинг нисбий ишлаб чиқариш харажатлари ўса бошлайди. 1 т буғдой ишлаб чиқаришдан воз кечиш уч тоннадан кўпроқ картошка етиштиришга имкон беради. Бу буғдойнинг нисбий нархи пасаяётганини билдиради. Шундай қилиб, Германияда картошканинг тонналарида ифодаланган буғдойнинг нархи ошади, Голландияда эса камаяди. Бу икки мамлакатнинг ҳар бирида мазкур товарларнинг харажатлари ва нархи 1 т буғдой - 2 т картошка нисбатида бўлган вақтда ўзаро савдо барҳам топади. Чунки бундай ҳолат олди-сотди қатнашчилари учун ҳеч қандай фойда келтирмайди. Пировардида, ҳар бир мамлакат маълум миқдордаги буғдой ва картошка ишлаб чиқаришга киришади. Аммо Германияда ишлаб чиқариш таркибида буғдой, Голландияда эса картошка устун бўлади. Ўсиб боровчи харажатлар самарадорлигининг аҳамияти шундаки, у ихтисослашувга чегара қўяди. Шу сабабга кўра, кўпинча, мамлакат ичида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миллий бозорда худди шундай импорт товарлари билан рақобат қила олади.

Нисбий афзалликлар тамойили нафақат икки товар ва икки мамлакатлар учун балки уларнинг ҳар қандай миқдори учун ҳам тааллуқлидир. У меҳнат унумдорлиги ёки экспорт тармоқларининг бошқа сифат характеристикаларида бирор ўзгариш рўй беришини талаб этмайди. Ташқи савдо қатнашчилари мамлакатлар оладиган самарали меҳнат тақсимоти ва ихтисослашув ҳисобига ишлаб чиқаришнинг юқорироқ самарадорлигига эришиш орқасида юз беради.

Алоҳида мамлакатларнинг нисбий харажатларидаги фарқлардан миллий фарқларнинг мавжуд бўлиш сабабларидан бири ишлаб чиқа-

риш омилларига талаб ва уларни таклиф этиш нисбатига боғлиқ эканлигидадир.

Турли мамлакатлар ўз қарамоқларида бир хил бўлмаган миқдордаги ишлаб чиқариш омиллари - меҳнат, ер ва капиталга эга бўлади. Ресурсларнинг сифати ҳам бир хил бўлмайди. Бундай фарқлар аниқ бир товар ишлаб чиқаришга қаратилган ишлаб чиқариш омилларининг нархини белгилайди. Агар мамлакат ишлаб чиқаришнинг бирорта омили, масалан, меҳнат билан тўлиб тошган ҳолда таъминланган ва шунга кўра, пастроқ нархда бўлса, бу мамлакатда кўпроқ миқдорда қўлланиладиган меҳнат маҳсуллари анча арзонлашади. Капитал билан таъминланиш даражаси юқори мамлакатларда кўп товарларнинг қиймати арзонроқ бўлади.

Америка иқтисодчиси Л.Элсворд халқаро иқтисослашувни ҳозирги замон нуқтаи назаридан тушунилишни шундай ифодалайди: «Ҳар бир мамлакат ўзи бой ва демак, арзон омилларни кўпроқ ҳажмда қўллашни талаб этувчи товарларни ишлаб чиқаришга иқтисослашиш тенденциясига эга бўлади. У бундай товарларни экспорт, ишлаб чиқаришга бошқа мамлакатларнинг омиллари кўпроқ тўғри келадиган товарларни эса импорт қилади».⁵⁸

Бу қонидани яхшироқ тушуниш учун мамлакатнинг айрим ишлаб чиқариш омилларига бой деб ҳисобланишини таъкидлаймиз. Қачонки, улар ва бошқа омиллар ўртасидаги нисбат дунёнинг бошқа ерларига қараганда улардан ўртача юқорироқ, маҳсулотнинг қийматида иш кучига сарфлар улуши бошқа маҳсулотлар қийматига қараганда юқорироқ бўлса, унинг меҳнат сиғими кўп эканлиги аёнлашади.

Жаҳон бозорида махсус нархлар-контракт нархлар мавжуд. Бу нархлар харажатларнинг байналмилаллигини, яъни халқаро миқёсда талабтаклиф нисбатини ва рақобатлашув шартини акс эттиради. Талабнинг ҳар доим ўзгариб туриши нархларга таъсир этади. Пировардида, товар таклифи ҳам ўзгаради. Кўпчилик ҳолларда товарлар таклифи уларни ишлаб чиқаришнинг табиий шароити билан чекланиши мумкин. Масалан, қишлоқ хўжалиги товарлари, нефть, газ, кўмир таклифи уларни ишлаб чиқариш имкони доирасидагина бўлади. Унинг товарларни таклиф этувчилар монопол мавқеда бўлганлигидан, жаҳон бозоридаги рақобати чекланади. Масалан, жаҳонда пахтанинг асосий қисмини етказиб берувчи мамлакатлар-АҚШ, Хитой, Ўзбекистон ва Миср ўртасида пахта бозорида рақобат рўй бериши

⁵⁸ Ellsworth L.T. The International Economy N.Y. 1956. - p.124

мумкин. Нефть бозорида эса Яқин Шарқ мамлакатлари монополияси мавжуд.

Шуни таъкидлаш керакки, нисбий афзаллик тамойили жаҳонаро хўжалик алоқаларида иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётнинг кўпгина ҳодисалари таъсирини ҳисобга олмайди. У қанчалик соддалаштирилган бўлмасин, турли мамлакатлардаги ишлаб чиқариш самарадорлигини нисбий баҳолаш ва халқаро ихтисослашиш ҳамда савдонинг йўналишларини башорат қилиш имконини беради. Ҳозирги жаҳонаро алоқалар ранг-баранг. Уларнинг сабабларини турли товарлар нисбий ишлаб чиқариш харажатларидаги фарқларгагина боғлаб қўйилмаслиги керак. Аммо халқаро иқтисодий муносабатларни назарий нуқтаи назардан ўрганиш ва амалий амалга оширишнинг нисбий афзалликларини ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

3-§. Халқаро хўжалик алоқалар шакллари

Жаҳон хўжалиги мураккаб, динамик тарздаги, кўпгина ҳолда, зиддиятли тизимдан иборат. Шиддат билан ривожланаётган фан-техника тараққиёти, миллий иқтисодиётдаги таркибий силжишлар, хўжалик ҳаётининг давлат томонидан тартибга солиниши шакл ва услубларининг эволюцияси халқаро иқтисодий муносабатларнинг қиёфасини ўзгартириб юборди. Хўжалик ҳаётининг байналмиллашuvi такрор ишлаб чиқариш жараёнининг муҳим шартига айланиб қолмоқда. Бунда халқаро алоқаларнинг фақат миқдор жиҳатдангина ўсиши юз бериб қолмай, мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг янги шакллари ҳам пайдо бўлади. Халқаро хўжалик алоқаларининг асосий шакллари қуйидагилардан иборат:

- товар ва хизматларнинг халқаро савдоси;
- капитал ва чет эл инвестицияларининг ҳаракати;
- иш кучининг миграцияси;
- мамлакатлараро ишлаб чиқариш кооперацияси;
- фан ва техника соҳасидаги айирбошлаш;
- халқаро валюта-кредит муносабатлари.

Жаҳонаро хўжалик алоқалари айрим олди-соттилардан мол етказиб беришлар ишлаб чиқариш кооперацияси доирасида амалга ошадиган жараёндан узоқ муддатли, йирик кўламли савдодаги иқтисодий ҳамкорликкача ўсиб ўтди. Ташқи савдо халқаро иқтисодий муносабатларнинг муҳим таркибий қисмидир. Охирги ўн йилликлар

учун жаҳон ишлаб чиқаришининг ривожланишига нисбатан жаҳон савдосининг тезроқ ўсганлиги кўзга ташланади.

Экспортдан фаркли ўлароқ, импорт чет эллик шерикдан товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиб олиб, уларни мамлакатга киритишни англатади. Аслини олганда хизматлар тўғри маънода четдан киритилмайди. Хизматлар импорти дейилганда, ушбу мамлакат истеъмолчиларига чет эллик фирмалар ва хусусий шахслар томонидан хизматлар кўрсатилиши тушунилади.

Товарлар экспорти ва импорти суммаси ташқи савдо оборотини ёки ташқи савдо товар оборотини беради. Мамлакат ташқи савдосини характерловчи бошқа кўрсаткичлар ҳам мавжуд:

– экспорт квотаси экспорт қийматининг ялпи миллий маҳсулот қийматига нисбати;

– импорт квотаси импорт қийматининг ЯММ қийматига нисбати;

– жон бошига ҳисоблангандаги экспорт ҳажми ва импорт ҳажми.

Бу кўрсаткичлар маълум ҳолда мамлакатнинг халқаро хўжалик алоқаларига қўшилиши даражасини ёки айтилганидек, иқтисодиётнинг «очиқлик даражаси»ни акс эттиради.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатурасининг тез ўсиб бориши билан бир вақтда, ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг йирик кўламлари, фан-техника ишланмаларини реализация қилиш, алоҳида товарларни чиқариш технологияларини яратиш билан боғлиқ харажатларнинг мавжудлиги-буларнинг ҳаммаси макроиқтисодиётнинг муваффақиятли ривожланишини, миллий доирадаги такрор ишлаб чиқариш алоқалари билан чекланишни инкор этади. Ўртача ҳудуд ва аҳолиси оз, кам сиғимли ички бозорга эга ҳамда табиий ресурслари унчалик серобмас мамлакатлар ташқи ишлаб чиқариш алоқаларига кўпроқ боғлиқ бўлади. Уларнинг ўзларига зарур бўлган барча товарларни ишлаб чиқаришни ташкил қила олишига имкониятлари чеклангандир. Шунинг учун, бундай жойларда нисбатан чекланган тармоқлардан иборат ишлаб чиқариш таркиби шаклланади. Масалан, Голландия, Норвегия, Бельгияда ЯММдаги экспортнинг улуши 1/2 дан кўп. Истеъмол қилинадиган маҳсулотнинг тахминан шунча қисми импорт қилинади. Аммо, амалиёт шуни кўрсатадики, катта сиғимли ички бозор ва комплекс хом ашё базасига эга бўлган тараққий этган мамлакатлар учун ҳам кўпгина иқтисодий муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш фақат халқаро иқтисодий муносабатларда

қатнашиш орқалигина рўй бериши мумкин. Борган сари кўпроқ миқдордаги маҳсулотларни чиқариш ва ҳатто лойиҳалаш электрон техника ёрдами билан автоматик равишда амалга ошириб борилмоқда. Янги конструкция материаллари (масалан, синтетик газламалар, пластик массалар, металл қоришмалари) аввалдан белгиланган хусусиятларга эга маҳсулотлар яратилмоқда. Иқтисодийнинг ҳамма тармоқларида аста-секин технология такомиллаштирилмоқда.

ФТТ халқаро иқтисодий муносабатларнинг, жумладан, ташқи савдонинг асосий ҳаракатлантирувчи кучларидан биридир. Унинг таъсири остида халқаро савдо таркибида муҳим ўзгаришлар рўй берди.

Халқаро товар айирбошлашда хом ашё товарлари улушининг камайиши ва саноат маҳсулоти улушининг кўпайиши жараёни рўй бермоқда. Табиий ресурслар, арзон иш кучи ва қулай жуғрофий жойлашишлар билан боғлиқ аввалги нисбий афзалликларнинг силжиши аниқ кўриниб турибди. Эндиликда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ва техник даражаси халқаро ихтисослашишда ҳал қилувчи мезон бўлиб қолмоқда. Кейинги ўн йилликларда товар айирбошлашнинг учдан бир қисмидан ортиқроғи юқори технологияли маҳсулотларга тўғри келмоқда.

Товар оқимлари йўналишларига келганда, XX асрнинг 50-йиллари бошларидан ҳозирги кунга қадар бўлган вақт учун ривожланган мамлакатларнинг бир-бири билан ўзаро савдосининг ўсганлиги характерлидир. 90-йиллар бошига келиб, Шарқий Европа мамлакатлари ва собиқ иттифоқ территориясида бунёдга келган давлатлар борган сари жаҳон бозорига фаол равишда чиқа бошлади. Лекин иқтисодий инқироз, ташқи бозорда ишлаш тажрибасининг йўқлиги ва маҳсулотлар сифатининг пастлиги халқаро савдода улар улушининг ўсишига тўсқинлик қилмоқда. У жаҳон товар айирбошлашининг тахминан ўндан бир фоизини ташкил этади.⁵⁹

Халқаро айирбошлаш борган сари товарда буюмлашган шакллардан номоддий шаклларга ўта бошлади, яъни фан-техника ютуқлари, ишлаб чиқариш ва бошқариш тажрибалари, маълумот ва бошқа тадбиркорлик хизматларини айирбошлашнинг ўсиши юз бермоқда.

Халқаро муносабатлар ижтимоий хизмат кўрсатиш маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида кенг тарқалди.

⁵⁹ Тенденция мирового экономического развития. - М., 1991. -С.64.

ЮНКТАД маълумотларига кўра, хизматлар жаҳон ЯММининг 46%ини ташкил этади.

Халқаро савдога ижтимоий хизматлар бўйича энг кўп улушни туризм қўшади. Халқаро туризмнинг уч асосий хили фарқланади: рекреацион, яъни чет элга дам олиш ва даволаниш учун бориш; илмий ёки иш юзасидан бориш. Халқаро туризм сафарларнинг учдан икки қисмига тўғри келади. Илмий туризмда конгресс, симпозиум ва халқаро учрашувларда қатнашиш етакчи ўрин тутаяди. Иш юзасидан бўладиган туризмга келганда, у энг ҳаракатчан ва даромадли эканлигини таъкидлаш керак.

Ишлаб чиқариш омиллариининг ҳаракатчанлиги ошишини жаҳонро хўжалик алоқалариининг ўсиш сабабларидан бири, деб ҳисоблаш мумкин. Чунки бундай ҳолатда капитал миллий чегаралардан ўтиб кетади, иш кучининг миграцияси кучаяди, ишлаб чиқариш кооперацияси мураккаблашади, маълумотлар айирбошлаш тезлиги ўсади. Натижада халқаро меҳнат тақсимоотида чуқур силжишлар юз беради.

Иқтисодий ҳаётнинг байналмилаллашуви муносабати билан мамлакатлар ўртасида нафақат товарларнинг ҳаракати, балки капитал халқаро ҳаракати ҳам кучаяди. Тадбиркорлик ва қарз (ссуда) тарзидаги капиталлар экспорти фарқ қилинади. Тадбиркорлик капиталини чиқариш бевосита капитал қўйишлар ва портфель инвестициялари шаклида амалга оширилади. Ажнабий бевосита инвестициялар тадбиркорлик капиталини экспорт қилишнинг асосий шаклидир. Бевосита инвестициялар дейилганда, филиаллар, қиз компаниялар (йирик компанияга қарашли иккиламчи компаниялар) ва қўшма корхоналар тузиш мақсадида чет элларда узоқ муддатли капитал сарфларини амалга ошириш тушунилади. Тадбиркорлик капитали чет эл корхоналарига солинадиган ўзига хос капитал сарфларидир. У инвестор томонидан қилинадиган сарфларни, самарали назорат ўрнатилишини таъминлайди. Капитал қўйишларнинг бундай шакли инвесторга чет элда жойлашган корхоналар мулкани тасарруф этиш ва улар фаолиятини бошқариш имконини беради.

Четга капитал чиқариш асосида янги компания тури – халқаро корпорациялар юзага келди. Бундай фирмалар жаҳоннинг турли мамлакатларида ўз корхоналарига эга. Жаҳон хўжалигида икки хил халқаро компания иш олиб боради. Ўз фаолияти соҳаси бўйича:

1) капитал мулкдорлари таркиби бўйича ва кўп хилли (КХК), кўп миллатли корпорациялар (КМК);

2) капитали бир миллатга мансуб, лекин ўзининг операциялари хусусиятларига кўра, халқаро характердаги трансмиллий корпорацилар (ТМК) мавжуд.

Тадбиркорлик капитали ҳаракати уч хил жараёндан ташкил топади:

- 1) чет элда янги капиталлар юзага келтириш;
- 2) даромадларни қайта инвестициялаш;
- 3) компанияларни ўзаро кредитлаштириш.

Бевосита инвестициялар янги корхоналар қуришга ёки аввалдан мавжуд бўлганларини сотиб олишга йўналтирилади. Инвесторларга ҳаракатдаги фирмаларни сотиб олиш, кўпинча, янгисини қуришдан қимматроққа тушади. Лекин биринчи йўл бегона мамлакатда тезроқ ўрнашиб олишга имкон беради.

Чет эл портфель инвестициялари ҳам кенг тарқалган. Бундай инвестициялар чет эл фирмалари хўжалик фаолиятларини назорат этиш мақсадида эмас, балки даромад олиш учун чет эл облигациялари, чет эл корхоналари, акциялари ва бошқа қимматли қоғозларига капитал қўйилишини ифодалайди. Портфель инвестициялари кўламининг ўсиши умумжаҳон молия бозорининг мавжуд бўлиш шароитларида жуда фойдали олиб-сотарлик операцияларини ўтказиш имконияти билан боғлиқ. Инвесторлар уларни турли мамлакатлар фирма ва ҳукуматларининг қимматли қоғозларига маблағлар қўйиш йўли билан бошқаришга, ҳатто барқарор даромад олишга эмас, балки қимматли қоғозларнинг бозор қиймати ўзгариши ва валюта курсларининг тебранишидан фойдаланиб, фойда чиқариб олишга интиладилар.

Халқаро иқтисодий алоқалар соҳасида ссуда капиталининг ҳаракати халқаро кредит кўринишида бўлади. Халқаро кредит пул ёки товар шаклидаги; муддатлилиги, қайтариб берилиши ва фоизнинг тўланиши шартлари асосида бир мамлакатдан қарз олувчи иккинчи мамлакатга бериладиган ссудадир. Халқаро қарз беришлар қисқа муддатли (бир йилгача), ўрта муддатли (1 йилдан 5 йилгача) ва узоқ муддатли (5 йилдан ортиқ) бўлади. Кейинги ўн йилликларда ссуда капиталининг экспорти ўсиш суръатлари ва мутлақ кўрсаткичлари бўйича тадбиркорлик капиталини чиқариш ва халқаро савдонинг ўсишидан кўра тезроқ кўпайди. Ссуда капиталларининг умумжаҳон бозори шаклланди.

Ссуда капиталларининг жаҳон бозори турли мамлакатлар қарз берувчилари ва олувчиларининг кредит ресурсларига бўлган талаб ва таклифнинг йиғиндиси сифатида рўёбга чиқади. У ўзининг функционал мақсади бўйича жаҳон миқёсида молия маблағларининг йиғилиши ва қайта тақсимланишининг усули ҳисобланади. Улкан миқдордаги пул маблағларининг ссуда капиталига айланиши ва уларнинг бозор механизми орқали турли мамлакатлар ўртасида қайта тақсимланиши жаҳон иқтисодиётида таркибий силжишларни тезлаштиради ва ишлаб чиқаришнинг байналмиллашув жараёнини кучайтиради. Ссуда капиталларининг жаҳон бозори алоҳида ўзига хос институционал таркибга эга. Унинг асосини пировард қарз олувчи ва қарз берувчиларлар ўртасида воситачи сифатида қатнашувчи бозорнинг профессионал иштирокчилари ташкил этади. Унга халқаро ва трансмиллий банклар, молия компаниялари, фонд биржалари ва бошқа кредит-молия муассасалари киради. Улар давлат институтлари, хусусий фирмалар, банклар, суғурта компаниялари, пенсия фонлари ва бошқалардан жаҳон молия бозорига тушадиган улкан пул жамғармаларини аккумуляция қилади.

Халқаро корпорациялар турли мамлакатларнинг ҳукумат органлари ва халқаро ташкилотлар жаҳон капитал бозорида қарз олувчилар сифатида чиқадиган кредит-молия муассасаларининг асосий миждозлари ҳисобланади.

Узоқ вақт давомида капитал экспорти фақатгина ривожланган индустриал мамлакатлар томонидангина олиб борилди. XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб АҚШ шу соҳада ҳукмронлигини эгаллаб олди: унга ривожланган мамлакатлар бевосита чет эл инвестициялари умумий ҳажмининг ярмидан кўпроғи тўғри келди. Иккинчи ўринда Буюк Британия турар эди. Бу икки илғор мамлакат, асосан, капитал импортери сифатида чиқувчи бошқа барча мамлакатлардан анча ўзиб кетган эди.

XX асрнинг 80-йиллари иккинчи ярми-90-йилларининг биринчи ярмида капитал экспорт қилувчи мамлакатлар тутган ўрнида катта ўзгаришлар юз берди. Масалан, АҚШда капитал чиқаришнинг йиллик ҳажми нотекис ўзгарди ва 80-йиллар ўрталарида бу кўрсаткичнинг камайиши кузатилди. 1985-1990 йиллар ичида капитал экспорти ҳажмида Буюк Британия улуши ҳам анчагина қисқарди. Шу вақт ичида эса Япония, Германия ва Франциядан капитал чиқариш мунтазам ўса борди. 1990 йилга келиб асосий капитал экспорт қилувчилар

учлиги куйидагича бўлди: Япония – 48 млрд.долл., АҚШ – 36,4 млрд.долл., Франция – 26,6 млрд.долл.⁶⁰

Агар XX асрнинг биринчи ярми учун капитал оқимининг анъанавий йўналишини ривожланаётган давлатлар ташкил этган бўлса, кейинги ўн йилликлар ривожланган индустриал мамлакатлар капиталларининг ўзаро чирмашиб кетишининг кучайиши билан характерланади. Ривожланган мамлакатларда бевосита чет эл инвестицияларининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари ЯММ ва товар экспортининг ўсиш суръатларидан юқори бўлди. Ҳозирги вақтда бу мамлакатларга бутун хусусий капитал экспортининг 3/4 қисмидан кўпроғи тўғри келади. Ривожланаётган давлатларнинг халқаро кредит ва инвестициялар ҳажмидаги улуши анчагина камайди. Бундай ҳолатни улар кўпчилигининг оғир иқтисодий ва молиявий аҳволи билан изоҳлаш мумкин.

Четга капитал чиқариш йўналишларининг ўзгариши, аввало, ФТИ (фан сиғими, капитал сиғими, катта технологияларни жорий қилиш, хом ашё аҳамиятининг пасайиши, иш кучи малакасига талабларнинг ўсиши ва ҳ.к.) таъсири остида жаҳон иқтисодиётида юз берган таркибий силжишлар билан боғлиқ. Бундан ташқари, АҚШ ва бошқа айрим индустриал мамлакатлар давлат бюджети ва ўлчов баланси камомадини молиялаштириш учун чет эл кредитларига катта эҳтиёж сизди.

Ҳозирги вақтда бевосита чет эл инвестициялари улушининг кўпайиши капитал экспортининг муҳим белгиси бўлиб ҳисобланади. БЧИ оқимларининг кенгайиши ишлаб чиқариш байналмиллашувининг юксалиши, интеграция жараёнларининг ривожланиши, трансмиллий корпорацияларнинг ўсиши билан боғлиқ. Бундай капитал кўйишларга қизиқиш манбаи сифатида энг янги технологияларга эгалик қила олиш, ишлаб чиқаришни сотиш бозорларига яқинлаштириш, протекционистик тўсиқларни айланиб ўтиш, солиқ тўловларида тежамкор бўлиш кабилар майдонга чиқмоқда.

Бевосита чет эл инвестицияларининг тез кўпайиши муносабати билан бу чет эл инвестициялари жараёнда қатнашувчи мамлакатлар сони тобора ортиб бормоқда. Анъанавий халқаро инвесторлар (АҚШ, Япония ва Франция)га янгилари, жумладан, Жанубий Корея, Тайвань, Сингапур каби ривожланаётган мамлакатлар кўшилди. Яна шуни таъкидлаш керакки, агар XX асрнинг 70-йилларида айрим

⁶⁰ Российский экономический журнал. -1992, №10. -Стр.80.

ривожланаётган мамлакатлар ўзларига ўхшаган давлатларга капитал чиқарган бўлса, ҳозирги вақтда у кўпроқ тараққий этган мамлакатлар сари оқиб бормоқда.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда капиталнинг чет элга «оқиши» ва четдан «оқиб келиши» баланслашуви яқинлашмоқда. Йирик капитал экспортёрлари энг йирик импортёрларга айланди. Ҳозирги вақтда Франция ва Буюк Британияда чет эл инвестициялари ҳисобига қайта ишлаш саноати бутун маҳсулотнинг 1/5, Италияда 1/4 ва Германияда 1/3 атрофидаги қисми ишлаб чиқарилмоқда. Ўтмишда энг йирик капитал экспортёрлари бўлган Буюк Британия ва АҚШ ҳозирги кунда унинг бош импортёрлари сифатида чиқмоқда.

Трансмиллий компаниялар, айниқса, ёш давлатлар катта инвестицияларни жойлаштирмоқда. Улар бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларда хусусийлаштиришда қатнашиб, бозор иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшмоқда.

Ўтмишдан мерос қолган қолоқ ва бир ёқлама иқтисодиётни ислоҳ қилиш ҳамда тез ривожлантириш учун капитал маблағ зарур. Хорижий капиталдан фойдаланиш Ўзбекистон учун муҳим ўрин тутади. Хорижий капитални жалб этиш, қўшма корхоналар қуриш, чет элдан кредит олиш, асосан, замонавий техника ва технология асосида саноат ишлаб чиқаришини жиҳозлаш зарурияти ва шу асосда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш замон талабидир. Республикамизда ҳозирги давр талабига жавоб берувчи корхоналар қурилмоқда. Масалан, чет эл инвестициялари ёрдамида Асака шаҳрида автомобиль заводи, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Кўкдумалоқ ва Мингбулоқ конлари ишга тушурилди. Чет эллик шериклар иштирокида ўнлаб тўқимачилик ва ип-йигирув фабрикалари ва бошқалар барпо этилди.

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши билан иш кучининг миграцияси катта аҳамият касб этмоқда. Сиёсий, диний ва бошқа сабабларга кўра, жойидан кўчиш ҳаракатлари азалдан бор. Кишилик жамиятининг бутун тарихи давомида тузукроқ ҳаёт кечириш ва яхшироқ меҳнат шароитларини излаш мақсадида кишиларнинг кўчиб юриши юз бериб турган. Меҳнат миграциялари ёки меҳнатни таклиф этишнинг фойдалироқ бўлган шароитларини қидириш мақсадида ихтиёрий равишда бошқа мамлакатларга кўчиш иш кучи экспорти ва импортининг шакллари ҳисобланади.

Бундай ҳаракатларнинг кўлами ва кўчувчиларнинг касбий таркиби ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасига боғлиқдир. Аҳоли миграцияси тарихида рўй берган энг кўзга кўринарли ҳолатни Европани миллионлаб кишилар тарк этиб, ҳозирги Шимолий ва Жанубий Америка аҳолисининг юзага кела бошланганлигида кўриш мумкин.

Европадан аҳоли кўчишининг биринчи тўлқини ХҮII аср охири - XIX аср бошларидаги саноат инқилобининг кўтарилиши билан юзага келди. АҚШ ва Канадага, Янги дунёнинг бошқа мамлакатларига, шунингдек Австралияга Европада даромадлари жуда паст бўлган саноат ишчилари кўчиб ўтдилар. Иккинчи оммавий кўчиш XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида юз берди. Бу вақтда кўчувчилар таркибида хонавайрон бўлган деҳқонлар кўпчиликини ташкил этган эди. Миграция ҳаракатининг янги фазаси иккинчи жаҳон урушидан сўнг бошланди. Бу вақтда, биринчидан, мигрантларнинг касбий таркиби яна ўзгарди: улар сафида ақлий меҳнат соҳаси вакиллари, хизматчилар ва мутахассислар борган сари кўпроқ пайдо бўла бошлади. Иккинчидан, миграция оқимларининг йўналиши ўзгарди. Аср бошида ҳали иш кучини экспорт қилган Ғарбий Европа, эндиликда фаол равишда чет эллик ишчилар меҳнатидан фойдаланмоқда. Асосий меҳнат ресурсларини етказиб берувчилар ривожланмаётган мамлакатлар бўлиб қолди.

АҚШ ва Канада ҳамон катта миқдордаги чет эл меҳнат ресурслари учун тортилиш маркази бўлиб қолмоқда. Қўшма Штатларга фаол равишда юқори малакали фан-техника кадрлари, жумладан, Ғарбий Европа мамлакатларидан жалб қилинмоқда. Маълумки, Миллий фанлар академияси аъзоларининг 25%и ва АҚШдаги Нобель мукофоти эгаларининг учдан бир қисми чет элликлардир. Иммигрантлар АҚШдаги барча иш кучининг 5%и атрофида мавжуд.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ғарбий Европа мамлакатлари катта ҳажмда чет эл меҳнат ресурсларини жалб эта бошлади. Бунда қатнашувчи мамлакатлар фуқаролари чекланмаган ҳолда бемалол кўчиб юриши мумкин бўлган Европа иқтисодий ҳамжамияти (ЕИҲ) катта роль ўйнамоқда.

ЕҲМ давлатлари ҳамжамиятга кирмайдиган мамлакатлар иш кучидан кенг фойдаланади.

ЕХМга кирмаган мамлакатлардан иммигрантларнинг энг кўп улуши Франция ва Германияга тўғри келиб, улар бу мамлакатларнинг иш кучи таркибида қарийиб 8 %ни ташкил этади.

Яқин Шарқнинг нефть қазиб чиқарувчи мамлакатларида янги халқаро меҳнат бозори тез қарор топмоқда. Бу мамлакатлардан иммиграциянинг жадал бориши тўғрисида иш кучининг умумий миқдоридида чет эллик иш кучининг салмоқли улуши мавжудлиги дарак беради. Масалан, бундай миқдор Бирлашган Араб Амирликларида 90 %, Катарда 80 %дан кўп, Қувайтда 70 % атрофида, Саудия Арабистони ва Бахрайнда 40% ни ташкил этади. Мазкур мамлакатларда, асосан, кўшни араб мамлакатлари фуқаролари, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш ва Филлипиндан келганлар ишлашади. Чет элдан катта миқдорда меҳнат ресурсларининг жалб қиладиган мамлакатларга Австралия ва Жанубий Африка республикасини ҳам кириштириш мумкин. Даромади паст мамлакатлардан чиққан врачлар, муҳандислар ва бошқа юқори малакали мутахассисларнинг Шимолий Америка ёки Европага миграцияси ҳисобига ўз даромадларини бир неча қарра ошира олдилар.

Иммигрантларни қабул қилувчи мамлакатларда бошқа шароитлар ўзгармаган тақдирда, кўчувчилар оқимидан манфаатдорлик кучаяди. Давлатлараро кўчишда, асосан, 25 ёшгача бўлган ёшлар ва 40 ёшгача бўлган ўрта ёшлилар қатнашадилар. Улар туғилган мамлакатларида таълим ва касбий фаолиятларини қабул қиладиган мамлакатда амалга оширадиларки, бу барча фуқаролар учун иш кучини тайёрлашга кўшимча харажатлар қилмасдан туриб, кўпроқ неъматларни олишга имкон беради. Эмиграция тадбиркорлар учун ҳам фойдалидир. Чунки чет эллик ходимларга бериладиган иш ҳақи, одатда, худди шундай малакага эга маҳаллий ходимларга нисбатан кам бўлади. Бу эса фойданинг ўсишига олиб келади. Бундан ташқари, иммигрантлар уй-жой, товар ва хизматларга талабгор бўладилар, бу эса қўзғалмас мулк эгалари ва тадбиркорларга маъқул келади.

Экспорт қилувчи мамлакат учун иш кучининг миграцияси унинг ишлаб чиқариш потенциали маълум қисмининг йўқотилишига олиб келади. Касбий жиҳатдан энг яхши тайёрланган, меҳнат бозоридида рақобат қила оладиган ва, одатда, ўз ватанларида ўртачадан юқори-роқ даромад оладиган кишилар четга йўл оладилар.

Иш кучини экспорт қилишнинг ижобий томонларига: техник билим ва ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлиш (агар унинг ташув-

чилари охир-оқибат ўз мамлакатларига қайтсалар) чет эл валютасининг эмигрантлар оиласига пул ўтказишлар тарзида тушиши; иш кучини экспорт қилувчи мамлакатларда ишсизлик муаммосининг бир оз юмшашини киритиш мумкин. Агар шартнома муддатлари тугагач, кўчиб борганлар ўз юртларига қайтсалар, экспортёр мамлакат юқори-роқ сифатли иш кучига эга бўлади. Бу маънода турк ишчиларини энг характерли мисол қилиб олса бўлади. Улар бир қанча вақт Германияда ишлаб, Туркияга қайтадилар ва юқори ривожланган индустриал иқтисодиётли мамлакатда орттирган тажриба ва кўникмаларини ўзлари билан олиб келадилар.

Айрим ривожланаётган мамлакатларнинг чет элларда ишлаётган фуқароларидан келадиган валюта тушумларини товар экспортдан тушадиган валюталар ҳажми билан солиштирса бўлади. Масалан, XX асрнинг 80-йиллари охирларида чет элларда ишлаётган шахслардан тушадиган валюта оқимлари Йордания товар экспорти қийматининг 13,4, Миср экспортининг 94, Покистон экспортининг 84 фоизини ташкил қилди. Хитой, Филиппин, Покистон ва кўпгина бошқа ривожланаётган давлатлар ҳукуматлари ишсизликни қисқартириш мақсадида эмиграцияни рағбатлантиришга қаратилган сиёсат юритадилар. Бу шароитларда мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар фан-техника алоқаларининг тез кенгайиши билан характерланади. Фан-техника соҳаси бўйича халқаро айирбошлаш бир неча хил шаклларда амалга оширилади: энг янги технология асосида яратилган машина ва асбоб ускуналарни киритувчи, фан сиғими катта бўлган моддий шаклда; чизмалар, формулалар, спецификациялар кўринишидаги номоддий шаклда; лойиҳалаш, бошқариш ва сифатини назорат қилиш ишларини олиб боровчи мутахассислар ва техник ходимларнинг хизмати шаклида.

Халқаро фан-техник айирбошлаш тижоратли ва тижоратсиз бўлиши мумкин. Тижоратсиз айирбошлаш фан-техникага оид адабиётлар ва бошқа маълумотларни бериш, фундаментал муаммоларни биргаликда ишлаб чиқиш, олимларнинг халқаро анжуманларда қатнашиши, шахсий илмий алоқаларни қамраб олади. Тижоратсиз айирбошлаш, асосан, давлат муассасалари, фойда ололмайдиган ташкилотлар, олий ўқув юртлари ва алоҳида олимлар томонидан амалга оширилади. Бундай айирбошлаш фантехник фаолиятдан даромад олиш билан боғлиқ эмас. Илмий тадқиқот ва амалий конструкторлик ишлари натижалари билан тижоратли айирбошлаш бевосита ишлаб

чиқаришга чиқиш мумкин бўлган амалий тадқиқотлар соҳасида устун туради. Хусусий компаниялар унинг асосий субъектлари бўлиб чиқади. Муносабатлар тижорат асосида қурилганида фан-техника ютуқлари олди-сотди объектига айланади. Технология товар бўлиб, унинг ўзига хос хусусияти ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш ва янги турдаги маҳсулотларни чиқариш учун зарур шароитларни яратиш қобилиятидан иборат.

Жаҳон бозорида фан-техника ютуқларини реализация қилиш шакллари турли-туман. Улардан энг муҳими лицензия савдосидир. Ҳозирги замон лицензия савдоси лицензия келишувларига асосланади. Бундай келишувлар бўйича тўловлар бир галнинг ўзида тўлаш, вақти-вақти билан пул ўтказиш ёки фойдадан улуш олиш кўринишларида амалга ошади.

Фан-техника бўйича айирбошлашнинг бошқа кенг тарқалган шакли «Ноу-Хау» ва техник тажрибани баҳам кўришдир. «Ноу-Хау» бутунлай ёки қисман сирли характерга эга бўлган билимлардан иборат. У техник, иқтисодий, маъмурий, молиявий маълумотларни оладиган ҳамда уларга эга бўлган шахс ёки фирмага маълум устунликлар берадиган ишлаб чиқариш учун хос турли сирларнинг умумлаштирувчи тушунчасидир. «Ноу-Хау» бериш шартномаси лицензия келишувларидан шу билан фарқ қиладики, унда технология ёки кашфиёт эгаси бирор сабабга кўра, патент олишдан воз кечади, аммо ўз янгилигини сотишдан қайтмайди.

Фан сиғими катта бўлган маҳсулотлар савдоси, яъни юқори технологияли буюмларда мужассамлашган илмий фаолиятнинг моддийлашган натижалари сотувчиларга илмий изланишлар давомида олинган кашфиётлардан фойдаланган ҳолда қўшимча фойда олишга имкон беради. Бундай маҳсулотни сотишда харидор ихтиёрига машина ва асбоб-ускуналарни монтаж қилиш, ишлатиш ҳамда техник хизмат кўрсатиш, ярим тайёр маҳсулот ва материалларни тўғри қўллаш учун зарур бўлган техник ва технологик кўрсатмалар ҳавола этилади.

Фан-техника алоқаларининг яна бири инжиниринг хизматидир. Инжиниринг ўз ичига техник иқтисодий асослаш ва лойиҳаларни тайёрлаш, маслаҳатлар бериш, қурилиш-монтаж ва ишга туширишга раҳбарлик қилиш, янги технологияни созлаш, тайёргарлик ишлари вақтида ва бевосита ишлаб чиқариш жараёнида техник ҳамкорлик, текширишлар ўтказиш, қурувчилик ва техник назорати юритишни қамраб олади.

Инвестицион ҳамкорлик жуда катта аҳамиятга эга. Бунда кури-лаётган объектларга етказиб бериладиган машина, асбоб-ускуналар, технология линиялари кўринишида бўлган нафақат буюмлашган технологиянинг тижорати амалга оширилади, балки маслаҳатлар бериш ва мутахассисларни ўқитиш, иш чизмаларини етказиб бериш каби воситалар орқали технологиялар қўлдан-қўлга ўтиб туради.

Жуғрофий нуқтаи назардан олганда, фан-техника алоқалари, асосан, ривожланган индустриал мамлакатлар ўртасида амалга ошади. Бу мамлакатларнинг лицензиялар экспорти тушумидаги улуши АҚШ ва Буюк Британияда 80 % атрофида, Германияда эса 90% га етади. Ривожланаётган мамлакатларга лицензия бўйича тўловларнинг 20% дан камроғи тўғри келади. Ҳозирги вақтда саноати ривожланган давлатлар ўртасида фан-техника ҳамкорлиги кўламларининг ўсиш тенденцияси мавжуд. Бу ҳол ривожланаётган мамлакатларда филиалларга эга бўлган халқаро корпорациялар фаолияти билан боғлиқ. Давом этаётган рақобат ва фаолиятни кенгайтиришга интилиш халқаро компанияларни мунтазам равишда илмий-техник маълумотлар ҳажмини ўстиришга ундайдик, натижада уларнинг асосий бўлинмалари ўртасида илмий айирбошлаш кучаяди. Техник маълумотларнинг 40 дан 60 гача трансмиллий компанияларнинг фирмалар ичидаги каналларда айланиб туради.

Фан-техника маълумотларининг жаҳон бозоридаги асосий харидорлари герман ва япон фирмалари, сотувчилари сифатида эса Америка корпорациялари майдонга чиқмоқда. Энг йирик саноат фирмалари, кўпинча, техник алоқаларнинг кўламлари, характери ва йўналишларини белгилаб беради. Аммо бу ҳол чет эллик шериклар билан бўладиган ҳамма илмий-техник айирбошлаш шаклларида майда ва ўртача фирмаларнинг қатнашувини инкор этмайди. Улар инжиниринг хизматлари кўрсатиш, биргаликда тадқиқотлар олиб бориш, ниҳоят, лицензиялар сотишда ҳам иштирок этади. Америка бизнеси томонидан чет элларда реализация қилинаётган лицензияларнинг 50% атрофидаги қисми катта бўлмаган фирмалар ҳиссасига тўғри келади. 25 % гача бўлган лицензия келишувларини Франция ва Япониянинг майда ва ўрта корхоналари тузади. Фақатгина Америка иқтисодиётида мунтазам равишда илмий иш юритувчи 15 минг кичик фирма бор. Мамлакатда кейинги 30 йил ичида ихтиро қилинган барча йирик кашфиётларнинг 50 %и улар ҳиссасига тўғри келади.

Чет эл компанияларининг унча катта бўлмаган фирмалар билан илмий-техник алоқаларини ўрнатиш борасидаги рағбатлари ичида йирик корпорацияларга нисбатан майда бизнес ўз кашфиётларини ишлаб чиқаришга тезроқ жорий қилади. Шунингдек, уларга сарфланган харажатлар, кўпинча, катта фирмаларга қараганда арзонроқ бўлади. Бундай ҳолат фақат АҚШ майда бизнесида рўй бермай, Германиянинг йиллик обороти 10 дан 20 млн. маркагача бўлган фирмалари илмий-техник тадқиқотларни тугаллагандан кейинги биринчи икки йил ичида ишлаб чиқаришда ўз ишланмаларининг 70 %идан фойдаланади. Унинг йиллик обороти 1 млрд. маркадан ошиқ йирик корпорациялари эса фақат 30 фоизни ташкил этади.

Илмий-техник алоқалар билан биргаликда, ташқи иқтисодий муносабатларнинг халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси сифатидаги шакли ҳам ривожланмоқда. Хусусий фирмалар ўртасидаги келишувларга асосланадиган кооператив ҳамкорликнинг турли шакллари юзага келмоқда. Кооперация алоқаларининг тарихан биринчи кўриниши пудрат тарзидаги кооперативлашишдир. Бунда томонлардан бири-буюртмачи, бошқаси-пудратчига муддати, ҳажми, сифати ва бошқа хоссалари юзасидан аввалдан келишиб олинган талабларга мос равишда маълум ишни бажариш топширилади.

Маҳсулотнинг мураккаб хилларини яратишда кооперациялаш ишлаб чиқаришни биргаликда ташкил қилиш шаклини олади. Биргаликда ишлаб чиқариш шерикларнинг алоҳида деталлар ва бўлақларни чиқаришга ихтисослашиши йўли билан икки томоннинг ҳам тадқиқотлар ва тажриба конструкторлик ишлари юритишини ҳамда тайёр маҳсулотни реализация қилишда ҳамкорлик қилишни тақозо этади.

Айрим ҳолларда кооперациялаш қўшма корхона тузиш йўли билан амалга оширилади. Ҳамкорликнинг бундай шакли шерикларнинг лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш манфаатдорлигини кучайтиради ва томонларнинг илмий-техник ҳамда ишлаб чиқариш потенциалини бирлаштиришга имкон туғдиради.

Шериклар ўртасидаги яқин муносабатлар ишлаб чиқаришнинг шартномавий ихтисослашиши ёки ишлаб чиқариш дастурларини биргаликда амалга ошириш тўғрисидаги халқаро келишувлари асосида юзага келади. Бу ҳолда фирмалар-шерикларнинг ишлаб чиқариш режаларини келишган тарзда ўзгартириш, капитал қўйишларни қайта

тақсимлаш, илмий тадқиқотлар натижаларини айирбошлаш тўғрисида гап бориши мумкин.

Ишлаб чиқариш кооперациялашувининг юқорида зикр этилган барча шакллари қатнашчиларга махсулотни яратиш ва ишлаб чиқаришга кетадиган харажатларни қисқартириш, бир-бирлари билан рақобатнинг бўлмаслиги, бир хил бўлган илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш операцияларини бир вақтда икки томон олиб бормаслигига имкон беради. Халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси ривожлана борган, ўз таъсир доирасига яқин соҳаларни жалб қила борган, комплекс характер касб эта борган сари саноат ҳамкорлиги ўса боради. Кейинги тушунча ўз қамрови бўйича ишлаб чиқариш кооперациясидан кенгрокдир. У ишлаб чиқариш, амалий фан, техника, савдо, техник хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалардаги кўп қиррали фаолият шакллари ўз ичига олади. Комплекслик ҳозирги замон халқаро саноат ҳамкорлигининг муҳим белгисидир.

Асосий таянч тушунчалар

Халқаро меҳнат тақсимоти – алоҳида мамлакатлар товар ва хизматларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашуви.

Халқаро иқтисодий интеграция – мамлакатларнинг чуқур, барқарор ўзаро алоқаларининг ривожланиши ва миллий хўжаликлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти асосида улар хўжалик-сиёсий алоқаларининг бирлашиш жараёни.

Трансмиллий корпорациялар – бир неча мамлакат миллий капиталининг бирикиши бўлиб, халқаро миқёсда иш юритади.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Нима сабабдан жаҳон хўжалиги пайдо бўлди?
2. Жаҳон хўжалигининг миллий иқтисодга таъсири қандай?
3. Нима сабабдан халқаро иқтисодий муносабатлар турли шаклга эга бўлади?
4. Жаҳон хўжалигидаги иқтисодий интеграциянинг аҳамияти қандайлиги ва унда Ўзбекистоннинг иштирок этиши имкониятларини аниқлаб беринг.
5. Халқаро меҳнат тақсимоти қандай тамойилларга асосланади? Унда табиий шароитдаги тафовутлар қандай роль ўйнайди?
6. Халқаро меҳнат тақсимотини мутлақ ва қиёсий устунлик назариясидан фойдаланиб таҳлил қилинг.
7. Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларининг устувор йўналишларини кўрсатинг.

XXI БОБ. ЖАҲОН БОЗОРИ. ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ВА КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ

1-§ Жаҳон бозорининг шаклланиш механизми

Халқаро иқтисодий алоқаларнинг шакллари турли-туман бўлиб, савдо-сотик, капитал кўйиш, кредит бериш ва олиш, фан-техника, кадрлар тайёрлаш, меҳнат ва бошқа ресурслар юзасидан бўладиган муносабатларни қамраб олади.

Ҳозирги жаҳон хўжалиги алоқалари тизимида моддий ишлаб чиқариш маҳсулотлари билан савдо-сотик қилиш ёки товар савдоси етакчи ўринни эгаллайди. Жаҳон хўжалигида ишлаб чиқариш байналмилал хусусиятининг ўсиб кетиши натижасида товар савдоси ҳажми кўпайди. Халқаро меҳнат тақсимоотидаги силжишлар мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий айирбошлаш мазмунида яққол кўрина бошланди.

Умумжаҳон хўжалик савдосининг географик чегараси кенгайиб кетиши муносабати билан айрим давлатларнинг халқаро иқтисодий муносабатларда тутган ўрни мавқеида силжишлар юз берди.

Бу силжишлар, энг аввало, хом ашё савдосининг нисбий қисқарганлигидан ва саноат буюмларини халқаро миқёсда айирбошлашнинг ўсганлигидан дарак беради.

Ҳозирги даврда савдо-сотик жаҳон иқтисодиёти тараққиётининг муҳим шартига айланиб, жаҳон бозорини юзага келтирди. Бу бозорда ҳар бир давлат ўзининг иқтисодий тараққиёт даражаси ва ихтисослашуви хусусиятларига мувофиқ иштирок этади. Ҳозирги шароитда бирор-бир мамлакатни жаҳон бозорисиз тасаввур этиб бўлмайди. Кўпчилик давлатларда миллий маҳсулотнинг ўсиш суръатидан ташқи савдо суръатининг тезроқ ўсиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

Жаҳон бозори халқаро меҳнат тақсимоотида асосланган мамлакатларда олди-сотди муносабатлари тарзида рўй бериб, унинг объекти турли хил товарлар, хизматлар, капитал, валюта, илмий-техника, янги кашф этилган технологиялар, иш кучи ва бошқалар ҳисобланади. Жаҳон бозоридаги товар савдоси миллий бозордагидан фарқ қилади. Бу мамлакатларнинг бирор маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашувига боғлиқ бўладиги, шунга мувофиқ товарлар етказиб берилади. Шу сабабли у ёки бу мамлакатнинг товарлар ассортименти табиий равишда чекланган бўлади. Жаҳон бозорида, кўпинча, асбоб-ускуналар, нефть, кўмир, газ, металл, пахта, дон, чой, кофе, жун, ёғоч

кабилар олди-сотди қилинади. Унинг субъекти ҳам чекланган бўлиб, асосан, жаҳон бозорига хос инфраструктуралар орқали амалга оширилади. Улар жумласига халқаро товар биржалари, фонд биржалари, банклар, аукционлар, молия-суғурта, савдо-сотик компаниялари, ишга ёлловчи фирмалар киради.

Ривожланган мамлакатлар жаҳон бозорида етакчи ўринни эгаллаб, уларнинг мавқеи тобора мустаҳкамланиб боради. Бу ишлов бериш саноати ва, энг аввало, унинг илғор тармоқлари халқаро миқёсда айирбошланишнинг устун даражада ўсиб бориши билан боғлиқдир. Бундай мамлакатларда товар айирбошланишнинг тўртдан уч қисмини икки тарафлама савдо ташкил қилади.

Техник жиҳатдан мураккаб маҳсулотларни халқаро миқёсда айирбошлаш, асосан, трансмиллий корпорацияларнинг байналмилал саноати комплекслари доирасида корпорациялар ичида маҳсулот етказиб бериш интенсивлашиб бормоқда. Йирик мамлакатлараро савдо-сотикнинг тез ривожланиб кетиши ўзаро савдонинг, айниқса, тез кенгайиб кетиши сабабли ишлаб чиқаришнинг байналмилалла-шуви, интеграция жараёнининг чуқурлашуви, ўзаро савдодаги божхона тўсиқларининг олиб ташланиши билан ўсиб бормоқда.

Ғарбий Европа ва Шимолий Америка давлатларида азалдан тарихан ички жипслашув, ички регионал алоқалар, иқтисодий таркибийлашувнинг бир-бирини тўлдириб, чирмашиб кетганлиги туфайли иқтисодий интеграция жараёнлари енгиллашди. Жаҳон бозорларида савдо-сотик товар ишлаб чиқариш харажатларининг мамлакатлараро фарқига, ундан мутлақ ва нисбий афзалликларнинг мавжудлигига боғлиқ бўлади.

Шунга мувофиқ, у ёки бу мамлакатда муайян товарни импорт ёки экспорт қилиш фойдали бўлиши мумкин. Чунки товарнинг миллий, яъни мамлакат ичида ишлаб чиқариш харажатлари ёки товарнинг қиймати жаҳон бозори баҳосидан юқори ёки паст келиши мумкин. Ҳозирги даврда ривожланган мамлакатларда экспорти кўп, ривожланмаган мамлакатларда экспорти оз бўлиб, импорти фақат хом ашёдан иборатдир.

Демак, жаҳон бозоридаги савдо-сотик турли мамлакатлардаги товар ишлаб чиқариш харажатлари ўртасидаги фарқнинг мавжудлигига асосланади, бу фарқ эса экспорт ёки импортнинг қулайлигини таъминлайди. Агар товарни мамлакат ичида ишлаб чиқариш харажатлари унинг жаҳон бозоридаги нархидан паст келса, экспорт нафли

бўлади. Агар бу харажат юқорилашса, импорт нафли бўлади. Ҳар бир мамлакат камроқ харажат билан ишлаб чиқарилган товарларни бошқа мамлакатларга сотишга ва, аксинча, жаҳон бозоридан ўзида ишлаб чиқариш учун кўпроқ харажат керак бўладиган товарларни сотиб олишга интилади.

Жаҳон бозорида товарларнинг нархи қандай шаклланади? Товарларнинг нархи халқаро қийматга асосланган бўлиб, халқаро талаб ва таклифга мос равишда шаклланади. Бунда айрим товарлар монопол мавқеининг мавжудлиги муҳим роль ўйнайди. Масалан, нефть, пахта. Жаҳон бозорида махсус нархлар-контракт нархлар бор. Бу нархлар байналмилал харажатларни, халқаро миқёсдаги талаб-таклифлар нисбатини ва рақобат шароитини акс эттиради.

Жаҳон бозорида айрим товарлар таклифи уларни ишлаб чиқаришнинг табиий шароити билан чекланиши мумкин. Масалан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, нефть, газ ёки кўмир, пахта таклифи уларни ишлаб чиқариш имкони доирасидагина рўй беради. Уларни таклиф этувчилар монопол мавқеда бўлганидан жаҳон бозоридаги рақобат АҚШ, Хитой, Миср, Ўзбекистон ўртасида бўлиши мумкин. Чунки бу мамлакатлар пахтанинг асосий қисмини етказиб беради. Нефть бозорида Яқин Шарқ мамлакатлари монополияси мавжуд. Жаҳон бозорида товарларнинг нархлари ўзгаришида талаб асосий омил ҳисобланадики, уларга таклифнинг таъсири кучсиз, шу боисдан жаҳон нархлари ўсишга мойил бўлади.

Жаҳон нархлари байналмилал харажатлар ва халқаро даражадаги талаб ва таклифга асосланганидан у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқаришга нисбатан кўп меҳнат сарф қилган ёки товар сифатини жаҳон талабларига етказа олмаган мамлакатлар жаҳон бозорида рақобатдош бўла олмайди. Жаҳон бозорида иштирок этишнинг самарадорлигини оширишда меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш ва муаммолар ижтимоий харажатларини камайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ташқи савдо самарадорлигини ошириш каби омиллардан фойдаланиб жаҳон бозоридаги ўзгаришга мувофиқлашиб бориш каби ҳолатлардан фойдаланилади. Жаҳон бозори миллий иқтисодиётнинг ривожланишига кучли таъсир кўрсатади. Иқтисодиёти кучли, ривожланган мамлакатлар ҳам кўп жиҳатдан жаҳон бозорига боғлиқдир. Чунки улар ялпи ички маҳсулотдан экспортга чиқарган миқдорда, ўшанчалик импорт қилиш пайида бўлади.

2-§. Халқаро савдонинг мазмуний тузилиши ва хусусиятлари

Ҳозирги жаҳон ҳўжалиги ривожланишининг ўзига хос белгиси ташқи иқтисодий алоқаларнинг, аввало, жаҳон савдосининг шахдам ўсиб боришдан иборат. Жаҳон савдоси халқаро иқтисодий муносабатларнинг таркибий қисмини ташкил этади. Жаҳон савдоси обороти экспорт ва импорт каби кўрсаткичлар билан ифодаланади.

Экспорт товарлар маҳсулотларни ишлаб чиқарган мамлакатдан четга чиқариб чет эллик контрагентларга сотишни билдиради. Хизматлар экспорти чет эллик истеъмолчига ҳам экспорт қилувчи мамлакатда, ҳам импорт қилувчи мамлакат ҳудудларида амалга оширилади. Экспортнинг бундай турига чет эллик компаниялар ваколатхоналарига почта-телеграф, бошқа мамлакатлар фуқароларига туристик хизмат кўрсатиш, хорижий ташкилотлар ва уларнинг фуқароларига тижорат маълумотларини етказиш каби хизматлар киради. Чекланган ресурслар шароитида кўпчилик мамлакатлар, ўзларининг тор ички истеъмоли учун зарур бўлган товарларни экспорт орқали олади.

Фан-техника революцияси натижасида халқаро меҳнат тақсимоти тобора чуқурлаша бораётганлиги туфайли жаҳон савдосида товарларнинг экспорт таркиби бутунлай ўзгариб кетди. Жаҳон савдоси таркибида қайта ишловчи саноат маҳсулотларининг салмоғи ўсиб, айирбошлашнинг 3/4 қисмини ташкил этмоқда. Экспортдан фарқли ўлароқ, импорт чет эллик мижозлардан товарлар (хизматлар) сотиб олиб, уларни мамлакатга келтиришни билдиради. Товарлар экспорти ва импорти суммаси ташқи савдо обороти ёки товарлар обороти дейилади. Бирор мамлакат товар ишлаб чиқарувчи бошқа бир мамлакатда товарни ўз истеъмоли учун эмас, балки учинчи мамлакатга қайта сотиш мақсадида олган тақдирда реэкспорт рўй беради. Реэкспорт билан реимпорт ўзаро узвий боғлиқдир. Реимпорт истеъмолчи мамлакатлардан реэкспорт товарни сотиб олишни билдиради.

Халқаро савдо меҳнат тақсимоти орқали бир-бирига боғланган турли мамлакатлар ўртасидаги барқарор олди-сотди муносабатларидир. Жаҳон савдоси товарлар, хизматлар, молия, илмий ишлар, меҳнат бозорларидан ташкил топади. Халқаро меҳнат тақсимоти қанчалик чуқурлашиб борар экан, турли мамлакатлардаги ишлаб чиқариш кўлами ҳам ортиб боради, савдо-сотик авжида бўлади, сотиладиган товар ва хизматларнинг турлари кўпаяди, бозор иштирокчилари сони ошади.

Шундай қилиб, жаҳон бозори миллий бозордан фарқли ўларок ишлаб чиқаришнинг мамлакатлараро ихтисослашувига ва, шунга кўра, уларнинг бир-бирига товарлар етказиб бериш зарурлигига асосланади.

Турли мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарларнинг ҳаммаси эмас, балки мамлакатлараро айирбошлашга зарур бўлган турларигина сотилади. Демак, жаҳон бозорида товарлар ассортименти чекланган бўлади. Жаҳон бозоридаги савдо-сотик турли мамлакатлардаги товар ишлаб чиқариш харажатлари ёки қиймати жаҳон бозори баҳосидан паст ёхуд юқори бўлиши билан белгиланади. Ташқи савдо, умуман олганда, бевосита фаол савдо баланси, экспорт, импорт-экспорт нисбати ва таркибига боғлиқдир. Йирик ривожланган давлат экспорти кўп ва тайёр саноат маҳсулоти мавжуд бўлса, ривожланмаганлариники оз ва кўп бўлса ҳам хом ашё оборот қилинади, импорлда эса деярли унинг акси рўй беради. Халқаро харажат даражаси ва талаб-таклифлар шароитида товарга кўп меҳнат сарф қилган ва сифати жаҳон талабларидан паст бўлган мамлакатлар жаҳон бозорида рақобат қила олмайдилар. Харажати ўртача байналмилал даражадан кам бўлган ва товари бозорбоп бўлганлар эса жаҳон бозорида рақобатдош бўлади ва кўпроқ фойда олади.

Товар ишлаб чиқаришга сарфлари ўрта байналминал даражадан кўп бўлган ва товари бозорбоп ишлаб чиқарувчилар эса ўз товарларини экспорт қилишдан кўпроқ фойда оладилар. Шундай қилиб, жаҳон бозорларидаги савдо операцияларидан кўриладиган фойда миқдори экспорт ва импорт қилинаётган товарларнинг миллий ва байналминал харажатлари ўртасидаги фарққа боғлиқ бўлади. Унинг самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш ва муомаланинг харажатларини камайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, шунингдек жаҳон бозоридаги ҳолат ўзгаришларидан моҳирлик билан фойдаланиш ҳисобланади. Жаҳон бозори миллий иқтисодиёт ривожига кучли таъсир кўрсатади. Ҳатто энг тараққий этган мамлакатлар ҳам кўп жиҳатдан жаҳон бозорига боғлиқ бўлади. Масалан, АҚШ иқтисодиёти ҳам какао, кофе, ипак, нефть, никель, қалай, табиий каучук, олмос каби маҳсулотлар импортига тўла боғлиқдир.

Жаҳон бозорида мамлакатларнинг тутган ўрни, даставвал, уларнинг иқтисодий қуввати, ишлаб чиқаришнинг чуқур ихтисослашуви ҳамда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг экспортбоп бўлишига

боғлиқдир. Айрим мамлакатларда товарлар ишлаб чиқариш бошқа мамлакатларга нисбатан кўп бўлишига қарамай, экспорт ҳиссаси кам бўлиши ҳам мумкин.

Жаҳон бозори орқали пул капитали, иш кучи ва технология мамлакатлар ўртасида тақсимланади. Бу ресурслар (капитал, иш кучи) халқаро ҳаракатнинг асосий қисмидир. Йирик ривожланган давлатларда тўпланган капиталларнинг давлатлараро тақсимланиши, айниқса, ривожланаётган давлатларга жойлаштирилиши иқтисодий ривожланишнинг зарур омили бўлиб қолмоқда. Четга чиқарилаётган капитал хусусий ва ссуда капиталидир. Кейинги йилларда четга капитал чиқаришда хусусий капиталнинг салмоғи ўсмоқда. Хусусий капиталнинг $2/3$ қисмидан кўпроғи ривожланаётган мамлакатларга чиқарилмоқда. Четга капитал чиқаришда трансмиллий корпорациялар (ТМК)нинг роли каттадир. Бундай корпорациялар ниҳоятда катта бойликка эга бўлган ва халқаро миқёсда фаолият олиб боровчи йирик корпорациялар ҳисобланадики, улар капиталининг ҳажми ва фаолият доираси жиҳатидан халқаро характерга эгадир. Трансмиллий корпорация капитали бир неча йирик давлатлар капиталига бирикиб ёки битта йирик давлат капиталига таянган ҳолда халқаро миқёсда иш юритади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотиغا кўра, жаҳонда 37 минг ТМК бўлиб (шулардан 20 таси энг йириги ҳисобланади), улар ҳар хил мавқега эгадир. Роял Дач Шелл, Форд, Женерал моторс, Эксон, АВМ кабилар шундай йирик корпорациялар жумласидандир. Улар ривожланган мамлакатлар капиталига асосланган. Бу корпорацияларнинг бош компаниялари, иккиламчи компаниялари ва турли мамлакатларда юзлаб бўлимлари мавжуд. Масалан, электр ускуналар чиқарувчи АВМ корпорацияси 120 дан ортиқ мамлакатда иш олиб боради. «Эксон» нефть компаниясининг 100 та мамлакатда бўлимлари мавжуд. ТМК кўлида ғоят катта миқдорда капитал тўпланган. ТМКлар жаҳон миқёсида иқтисодиётнинг хусусий секторига қўйилган капиталнинг $1/3$ қисмини назорат қилади ва 2 триллион долларга қадар капитални инвестиция қилади.

ТМКлар, айниқса, ёш давлатларга катта инвестицияларни жойлаштиради. Улар иқтисодиётни хусусийлаштиришда қатнашиб, бозор иқтисодиётининг ривожланишига кўмаклашади. ТМКлар воситасида капиталнинг бутун дунё бўйича тақсимланиши, самарали жойлаштирилиши барқарор иқтисодий ўсишни таъминлайди. Жаҳон хўжалиги

ривожининг дастлабки босқичларида капитал саноати ривожланган мамлакатлардан чиқиб, қолоқ мамлакатларга жойлаштирилган эди. Жаҳон хўжалиги цивилизациялашган сайин капитал чиқариш умумжаҳон доирасида юз бериб, унинг оқими ҳар тарафлама рўй бермоқда. Ривожланган йирик давлатлар ўртасида ҳам капитал экспорти юзага келди.

ТМҚлар инвестицияси ёш мустақил давлатлар тараққиётида катта аҳамиятга эга. Ўзбекистонга хорижий капитални жалб этиш қўшма корхоналар ташкил этиш, чет элдан кредит олиш шаклида юз беради. Қўшма корхоналар тузиш портфель инвестициясига ўхшаб кетади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда хорижий капитал иштирокида қурилган қўшма корхоналар 3000 мингдан ортиқ. Йирик, ўрта ва кичик корхоналар қурилмоқда ва фаолият кўрсатмоқда. Бу корхоналарга турли мамлакатлардан тушган капитал қўйилиб, улардан хўжаликнинг хилма-хил соҳаларида фойдаланилмоқда.

Жаҳон ташқи савдосининг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, турли давлатлар намоёндалари рақобати асосида зиддиятлар ичида кечади. Булар қуйидагилардан иборат:

– мамлакатлараро иқтисодий ресурслар ҳаракатчанлиги мамлакат ичкарасига қараганда анча суст бўлади;

– мамлакатлар ўртасида тил ва маданий тўсиқларни ҳисобга олмаганда ҳам иммиграцион қонунлар иш кучининг мамлакатлар ўртасидаги миграциясига маълум даражада қаттиқ чеклашларни шарт қилиб қўяди;

– ҳар бир давлатнинг солиқ қонунчилигидаги тартибга солиш тадбирларидаги фарқлар, шунингдек қатор муассасавий тўсиқлар реал капиталнинг миллий чегара орқали миграциясини чеклайди;

– ҳар бир давлат ўзининг миллий валютасига эга бўлганлиги сабабли мамлакатлар ўртасида халқаро савдони амалга ошириш, ҳисобкитоб қилишда муайян қийинчиликлар вужудга келади.

Давлат миллий иқтисодиётни ҳимоя қилиш ва ривожлантиришни кўзлаган сиёсат олиб боради. Протекционизм мана шундай сиёсатдир. У миллий иқтисодиёт учун фойдали чора-тадбирларни кўзда тутди. Экспорт ва импортнинг мақсадга мувофиқ бўлиши ва бунда халқаро келишувларга ҳам риоя қилинишни таъминлайди. Шунингдек, жаҳон эркин савдосида, халқаро ихтисослашувда маълум тўсиқлар мавжуд. Бож тўловлари, акциз солиқлари, импорт квоталари ёрдамида, маълум вақт оралиғида импорт қилиниши мумкин бўлган

товарларнинг максимал ҳажмини ўрнатиш, лицензиялаш, маҳсулот сифатига стандартлар қўйиш, экспортни ихтиёрий чеклашлар ва ҳоказолар шундай тўсиқлар жумласидандир. Зеро, давлатлар харқаро савдода ўз ресурсларидан нисбий самарадорлик асосида ишлаб чиқаришга ихтисослашган ва уларни ўзлари ишлаб чиқаришини ташкил этиш иложи бўлмаган товарларга айирбошлашга асосланади. Айрим зиддиятларнинг мавжуд бўлишига қарамасдан, халқаро иқтисодий муносабатларда савдо-сотик етакчи ўринда туради. Бу жараён эса умуминсоний воқелик бўлиб жаҳон бозорининг барқарор бўлиб туришини таъминлайди.

3-§. Халқаро ҳисоб-китоблар тизими ва мамлакатларнинг тўлов баланси

Мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар, халқаро ҳисоб-китоблар зарурияти ва тўлов муносабатларини мувофиқлаштириш пулнинг халқаро оборотда фаолият кўрсатишини талаб қилади. Халқаро валюта тизимида халқаро ҳисоб-китоблар ва тўловларни ташкил этиш шакли ифодаланади.

Товарлар, хизматлар, капитал ва иш кучларининг бир мамлакатдан бошқа мамлакатга ҳаракати пул массаси оқими ёрдамида юзага чиқади.

Ана шу ҳаракатни тартибга солиш зарурати халқаро валюта тизими ва регионал (давлатлараро) валюта тизимларининг шаклланишига олиб келди. Натижада унинг халқаро валюта алоқаларини «табiiй» бозор ривожланиши билан биргаликда миллий қонунчилик ва давлатлараро валюта битимлари асосида мувофиқлаштирувчи ҳар хил шакллари пайдо бўлди.

Валюта (том маънода қиймат, баҳо) мамлакатнинг пул бирлиги (доллар, марка, фунт стерлинг, сўм ва б.) бўлиб, халқаро иқтисодий алоқалар ўрнатилаётгандаги миллий ва чет эл валютаси ўртасидаги фарқни ифодалайди. «Чет эл валютаси» тушунчаси ўзида муомалада юритилаётган ва мос ҳолдаги чет давлатнинг қонуний тўлов воситаси бўлган банкнот кўринишдаги пул (нақд валюта), шунингдек ҳисобдаги ва жамғармадаги маблағлар чет давлатнинг пул бирликларида ва халқаро ҳисоб-китоб бирликлари (нақдсиз валюта)даги пул белгиларини қамраб олади.

Миллий валюта Ўзбекистон Республикасининг банкнот ва майда (чақа) пул кўринишидаги пул белгилари, шунингдек Ўзбекистон Рес-

публикаси пул бирликлари (сўм)да ифодаланган ҳисобдаги ва жамғармадаги маблағлардир.

Хорижий валюта, асосан, валюта бойликларининг маълум бир қисмини ташкил этади.

Валюта қадриятларига, шунингдек чет эл валютасидаги қимматбаҳо қоғозлар, жамғарма қадриятлари (акциялар, ютуқ тарзида даромад келтирадиган қоғозлар) ва чет эл валютасидаги тўлов-ҳужжатлари (чеклар, векселлар, аккредитивлар), қимматбаҳо металллар-ҳархил кўринишдаги ва ҳолатдаги олтин, кумуш, платина ана шу металллардан ясалган заргарлик ва маиший маҳсулотлар, шу маҳсулотларнинг иккиламчи (лом) маҳсулотлари, қайта ишланмаган ва қайта ишланган кўринишидаги табиий қимматбаҳо тошлар, шундай тошлардан ясалган заргарлик ва маиший маҳсулотлар ҳамда уларнинг иккиламчи (лом) маҳсулотлари киради. Ҳар бир миллий хўжалик ўзига қарашли валюта тизимига эгадир.

Миллий валюта тизими мамлакат пул тизимининг бир қисми бўлиб, унда валюта маблағлари, бойликлари шаклланади. Унинг воқитасида валютадан фойдаланилади, халқаро тўлов айланмалари амалга оширилади. Унинг таркибий қисмига қуйидаги унсурлар киради: миллий пул бирлиги, валюта қиймати тартиби, валюта айланмалари шарти, валюта бозори ва олтин бозори тизими, мамлакатнинг халқаро ҳисоб-китоблар тартиби, тилла валюта захираларининг тартиби ва бошқариш тизими, мамлакатнинг валюта муносабатларини мувофиқлаштириб турувчи миллий муассасаларнинг мақоми.

Ҳар бир мамлакатнинг валюта тизими халқаро ҳуқуқ меъёрларини ҳисобга олган ҳолда шу мамлакатнинг қонунчилиги асосида шаклланади.

Унинг ўзига хослиги мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш даражаси ва ички хўжалик шароитлари, ташқи иқтисодий алоқаларнинг хусусиятлари, ижтимоий ривожланиш вазифалари орқали аниқланади.

Жаҳон хўжалигидаги пул оқимлари қуйидаги асосий халқаро олди-сотди гуруҳларидан иборат:

- молларни чегарадан ташқарида сотиш ва харид қилиш;
- халқаро хизматлар айирбошлаш (транспорт операциялари, илмийтехник алмашинув, чет эл ишчи ва хизматчилари учун ҳақларини ўтказиш, туризм, молия хизматлари, суғурталаш ва б.);

– хусусий сармоя, маблағларни экспорт ва импорт қилиш, чет эллик заёмчиларга давлат кредитларини бериш ва олиш;

– чет эл инвестиция ва заёмларидан тушадиган даромадни олиш ва чегарадан ташқарига ўтказиш;

– чегарадан ташқарида амалга ошириладиган давлат сарф-харажатлари (дипломатия ваколатхоналарини таъмин қилиш, бошқа мамлакатларга ёрдам, халқаро ташкилотларга бадаллар тўлаш);

– валюта муомалалари (хорижий валютани сотиб олиш ва сотиш билан боғлиқ бўлган битимлар).

Турли мамлакатлар иқтисодий вакиллари орасида пулнинг ҳаракати билан боғлиқ бошқа хил битим турлари ҳам мавжуддир.

Халқаро иқтисодий операцияларни амалга ошириш мос ҳолдаги халқаро ҳисоб-китоблар, ўз шаклига кўра, ҳар хил пул актив тўловлари (кўпинча банкка қўйиш)нинг бир мамлакатдан бошқа мамлакатга ва бир миллий валютадан бошқасига ўтишини кўрсатади.

Ҳамма халқаро олди-сотдилар тўловларнинг мамлакатга кириб келишини ёки ундан чиқиб кетишини мўлжаллайди.

Ушбу мамлакат ва барча бутун дунё орасидаги ҳақиқий, молиявий оқимларни акс эттириш учун барча миллий ҳамда хорижий валюта маблағлари ва уларни халқаро битимлар жараёнидаги қўлланиш жойи махсус ҳисобга олинади.

Тўлов баланси ҳисоботи мамлакатнинг ташқи дунё билан иқтисодий алоқалари ҳақида мукамал тасаввур туғдиради.

Тўлов баланси дейилганда, ушбу мамлакат резидентлари билан ташқи дунё мамлакатлари орасидаги барча иқтисодий битимларни маълум бир вақт мобайнидагисининг мунтазам қайд этиб борилиши тушунилади.

Ушбу таърифни яхшироқ англаб етиш учун иккита саволга жавоб бериш керак бўлади: «Ким резидент ҳисобланади?»; «Иқтисодий битим байи дегани нима?».

Халқаро амалиётга мувофиқ, резидентлар қуйидагилардан иборат: ушбу мамлакатда доимий турар-жойга эга бўлган жисмоний шахслар, юридик шахслар (фирмалар, ташкилотлар), ушбу мамлакат қонунчилигига мувофиқ ташкил этилган ва рўйхатдан ўтказилган мамлакат чегарасидан ташқаридаги дипломатик ва бошқа расмий вакилликлари.

Иқтисодий битимлар ҳар турли қиймат айирбошлашни амалга оширишда ўзини кўрсатади, яъни ушбу мамлакат резидентидан,

бошқа мамлакат резидентига молга бўлган мулкчилик ҳуқуқи далолатномада хизматлар кўрсатиш ёки активлар (капитал)га мулкчилик ҳуқуқини ўтказди. Ҳар қандай битимнинг икки томони бор. Битта келишув тўлов балансининг ҳам дебет, ҳам кредит қисмларида ўз ифодасини топади. Ушбу мамлакат учун битимнинг бу томонлари қуйидаги йўсинда аниқланади:

1. Тўлов балансининг кредит қисмида қадриятлар, бойликларнинг оқиб кетиши, қарз, унинг орқасидан эса ушбу мамлакатга ўрнини тўлдирадиган пул маблағларининг оқиб келиши ёки тўловлар (даромадлар)нинг ундирилиши.

2. Дебет қисмида қадриятлар, бойликларнинг оқиб келиши, орқасидан эса мамлакат резидентлари (сарф-харажатлар) тўлашлари керак; тўлов балансида кредитларнинг умумий суммаси дебетларнинг умумий суммасига тенг бўлиши керак. Тўлов балансидаги барча келишувлар жорий ва капитал операцияларни ўз ичига олиши сабабли учта таркибий қисмдан иборат бўлади:

- жорий операциялар ҳисоби;
- капитал ҳаракати ҳисоби;
- расмий захираларнинг ўзгариши.

Жорий муомалалар балансининг хусусияти кредит ва инвестиция ҳаракатлари тўлов балансининг бошқа бўлимларида кўрсатилганига қарамай, унда инвестициядан даромадлар ва кредит бўйича фоизлар ҳисобини олиб боришдан иборатдир.

Жорий ҳисоб бўйича муомалалар ўз номланишида пул маблағларидан тезлик билан фойдаланиш учун мўлжалланган моллар ва хизматларга алмаштирилиши сабабли олишни ёки пул маблағларини ўтказиш ўрнига бошқа нималарнидир харид қилишни мўлжалламайди.

Бунга ўхшаган ҳисоб-китоблардан ташқари молия активларини олиб-сотиш билан боғлиқ бўлган, шунингдек халқаро амалиётдаги кредит ва қарзлар (заём)ни олиш тўловлари ҳам амалга оширилади. Ана шундай молия битимлари капитал ҳаракатлари ҳисоби бўйича амалга оширадиган муомалалар дейилади.

Капиталлар, маблағлар ҳаракати баланси давлат ва шахсий капиталларни олиб кетиш ёхуд олиб келиш нисбатини акс эттиради. Кўрсатиб ўтилган ҳаракатларнинг муддатларга боғлиқ ҳолда узок муддатли ва қисқа муддатли операциялари бир-биридан фарқланади.

Қисқа муддатли операцияларга товар ва пул шаклида бериладиган кредитлар киради. Хорижий банклар ҳисоби бўйича ҳаракатлар (катта даромад олиш мақсадидаги бир мамлакатдан бошқа мамлакатга маблағларни ўтказиш) дейилганда, миллий ва хорижий пул маблағларини олиб келиш ва олиб кетиш тушунилади.

Бир йилдан ортиқ муддатга кредит олиш ва ажратишлар (давлатникини ҳам ҳисобга олган ҳолда) ишбилармонлик капитали билан боғлиқ операциялар узок муддатли муомалаларга мансуб бўлади. Ишбилармонлик капиталининг қўлланиладиган соҳалари жумласига чет элдаги мавжуд корхоналарни сотиб олиш, янги корхоналар куриш, шунингдек чет эл корхоналари ва ҳукуматларининг қимматбаҳо қоғозларини сотиб олиш каби хатти-ҳаракатлар киради.

Ушбу мамлакат мулклари ва қимматбаҳо қоғозларининг хорижий харидорлар томонидан сотиб олиниши, шунингдек чет эл банклари ва банкка алоқаси бўлмаган манбаларнинг ўз фуқаролари ва фирмаларига бериладиган заёмлари ана шу мамлакатга тегишли пул манбалари бўлимларини ташкил этади.

Ана шундай операциялар натижасида банк ишлари амалиётида капитал оқиб кела бошлайди.

Ушбу мамлакат фуқаролари ва ўз корхоналаримиз томонидан хорижий активлар (мулк ва қимматбаҳо қоғоз)нинг сотиб олиниши, шунингдек банкларимиз ва банкка алоқаси бўлмаган манбалар томонидан хорижий фирмалар ҳамда фуқароларга бериладиган ссудалар пул маблағларини миллий иқтисодиётдан оқиб кетишини ва уларнинг мамлакатдан ташқарида ишлатилишини билдиради.

Бундай операциялар капитал маблағ оқиб кетиши дейилади (тўлов балансининг «дебет» устунда кўрсатилади).

Агар сармоянинг оқиб келиши унинг оқиб кетишидан ортиқча бўлса, бундай ҳолда сармоя ҳаракати ҳисоби ижобий кирим-чиқим нисбати (сальдо)га, сармоянинг оқиб кетиши сармоянинг оқиб келишидан ошиб кетса, сармоя ҳаракати ҳисоби салбий кирим-чиқим нисбати (сальдо)га тенг бўлади. «Сармоя ҳаракати ва хорижий операциялар якуни бўйича умумий баланс» графасидан пастда жойлашган қисми марказий банклар ва ҳукумат органларини расмий захира (ички имкониятлар)даги активлар бўйича муомалаларини қайд этади.

Бу ҳисоб давлат органлари томонидан олиб борилаётган, ҳосил бўлаётган тўлов баланси, сальдосини мувофиқлаштиришни талаб қилади. У чет эл пуллари, тилла олди-сотди муомалаларини, шунинг-

дек халқаро валюта фонди орқали амалга ошириладиган қатор битим, байлар (масалан, ХВФ кредитларидан фойдаланиш)ни ёки фонд орқали бошқа мамлакатларга заёмлар беришни ўз ичига олади. Бу операциялар шахсий фирмалар ва бошқа хўжалик ходимлари олиб бораётган сармоя ҳаракати ҳисоби бўйича битимлардан жуда кам фарқланади.

Бироқ бу операциялар ҳукумат органлари ва марказий банклар орқали амалга оширилаётгани, уларнинг мақсади фойда олиш эмас, балки халқаро ҳисоб-китобларни мувофиқлаштиришдан иборат бўлганлиги сабабли ана шунақа тур тўловлари айрим ҳисобга олиб борилади.

Мамлакат тўлов балансининг ҳамма бўлимлари ўзаро боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдириб туради.

Тўлов баланслари ҳисобининг асосий хоссалари шундаки, даромад (кредит)лар ҳар доим чиқимлар (дебет)га тенг бўлади. Ҳамма моддалар бўйича якуний баланс нолни беради, яъни на камомад, дефицит, на тўлов балансининг актив кирим-чиқим нисбати (сальдо) ҳосил бўлмайди.

Бундай ҳолат шунинг учун рўй берадики, ҳар бир пул маблағлари харажатлари ўз манбаларига эга бўлиши керак.

Чет элга трансфер тўловлари ҳам хорижий шахслардан бир томонлама ўтказишлардан холидир. Чет элдан олинадиган қарзлар тўлов балансига «даромад» ҳолида киради.

Мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларида нима устунлик қилади, хориждан олиб келинган кредитларми ёки чет элликларга берилаётган кредитларми ёхуд хорижий инвестицияларми тарзидаги саволга сармоя ҳаракати ҳисоби сальдоси қабилидаги тушунча жавоб бера олади.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: жорий операциялар бўйича танқислик сармоя ҳаракати сёт ҳисобига, асосан, соф пул маблағлари оқими ҳисобидан маблағ ажратиб қопланади, ва бунинг тесқариси – мамлакатнинг жорий баланси активи соф капиталнинг оқиб кетиши билан кузатилади.

Бу ҳолда жорий муомалалар ҳисоби бўйича олинадиган ортиқча маблағлар хориждаги инвестициялар ва бошқа мамлакатларга бериладиган қарзлар учун фойдаланилади.

Расмий захиралар, жорий муомалалар ҳисоби капитал ҳаракати бўйича умумий якунни мувозанатлаштирувчи моддаларни ўз ичига

олади. Ҳар қандай мамлакатнинг марказий банки маълум бир миқдордаги олтин, халқаро ҳисоб-китоб бирликларида белгиланган (SDR) хорижий пул ва активларга эга бўлади.

Бу маблағлар бошқа ҳисоблар бўйича «балансланганмаслик» мувофиқлаштириш учун фойдаланилади ва у расмий захиралар дейилади.

Жорий муомалалар бўйича пассив, сармоя ҳаракати ҳисоби бўйича активдан ошиб кетса, умумий баланс танқислик билан чиқади. Худди шундай ҳолат соф сармоянинг оқиб кетиши, жорий муомалалар бўйича олинган ортикчаликдан катта бўлганида ҳам вужудга келади.

Умумий баланс сальдоси салбий бўлганида (чиқимлар маблағларнинг тушумидан ортик бўлган ҳолатда) мамлакат халқаро савдода ва молия операцияларида сарф қилган пул маблағларидан кам маблағ топганлигини кўрсатади.

Бу камомадни Марказий банк ихтиёрида бўлган хорижий пулни ишлатиш йўли билан тўлдириш мумкин. Чет эл пулининг ишлатилиши операция балансида даромад (кредит)лар устунида қайд этилади, чунки пул маблағлари таклиф қилинаётган манбани кўрсатади.

Жорий муомалалар ва сармоя ҳаракатлари ҳисоби бўйича камомадлар Марказий банк активлари ҳисобига қопланганлиги натижасида мамлакатнинг захиралари камаяди.

Шуниси аниқки, захираларнинг умумий камайиш миқдори тўлов баланси камомадлиги миқдорига тенг бўлади. Юқорида келтирилган тўлов баланси мисоли бошқа ҳолатни акс эттиради.

Масалан, жорий операциялар бўйича баланс камомад сармоя ҳаракати баланси активида 2 млрд.долл.га кам.

Худди шундай ҳолат жорий операциялар бўйича актив соф капитал оқимида ошиб кетганида ҳам вужудга келади. Натижада Марказий банкда валюта қадрларининг қайдлари (расмий захиралар) кўпаяди. Бу «давлат захираларининг кўпайиши» баланси моддасининг чиқимлар («дебет») устунида қайд этилади, чунки у ўзи билан валюта чиқимларини, яъни ишлатилишини билдиради.

Тўлов баланси маълум бир вақт мобайнида рўй берган ҳамма далилий битимларни ҳисобга олади. У моллар экспорти нархи ва уларнинг импорт нархи орасидаги айирмани билдиради. Агарда экспорт импортдан ортиб кетса, савдо балансининг ижобий сальдоси ҳосил бўлади.

Агарда импорт экспортдан кўп бўлса, «ташқи савдо камомоди» ёки «савдо балансининг салбий сальдоси» вужудга келади.

Савдо баланси активи ташқи савдо камомадлигига қандай муносабатда бўлиш керак?

Актив сальдо-яхши, камомад-ёмон – савдо баланси ҳолатини ХҲП асрда меркантелистлар шундай деб баҳолашган эди.

Экспортнинг импортдан ортиқлиги ушбу мамлакат молларига бўлган ташқи талабнинг кучайганлигини билдиради. Ташқи дунё мамлакат экспорт маҳсулотни сотиб олган, ички бозорда ҳам харидорлар маҳаллий ишлаб чиқариш маҳсулотларини импортникидан афзал кўрган тақдирда, миллий иқтисодиёт яхши ҳолатда эканлиги аён бўлади.

Аммо савдо балансига бошқа кучлар ҳам таъсир кўрсатади. Мамлакатдаги ижобий инвестиция иқлими, масалан, ташқи савдо тақчиллигининг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. XIX асрнинг 80-йиллари ўртасида, чунончи, Хитойда янги корхоналар, темир ва автомобиль йўллари ва инфраструктура объектларини қуриш жуда катта хорижий соф сармоя, маблағ ҳисобига амалга оширилган. Янги заводларда ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг катта қисми саноати ривожланган мамлакатлардан келтирилган.

Жорий муомалалар ҳисоби бўйича ижобий сальдо мамлакатга киримлар, маҳсулотлар ҳаракати, хизматлар, ҳадялар ва хорижий инвестициялардан келадиган даромадларни, ана шу муомалалардан олинган чет эл пуллари миқдоридан ортиқчалигини билдиради.

Мамлакатнинг бойлиги чет элда йиғилиб боради. Бошқа сўзлар билан айтганда, жорий муомалалар бўйича ижобий сальдо мамлакатнинг бошқа давлатларга нисбатан соф инвестор (кредитор) эканлигини билдиради. Ва бунинг тескараси, жорий муомалалар бўйича тақчиллик мамлакатнинг чет элдаги инвестициялари камаяётганини ва мамлакат соф импорт маҳсулотлари, хизматлари, ҳадялар бериши, чегарадан ташқарига ўтказишлар учун ҳисоблашмоғи учун соф қарздорликни келтириб чиқаради.

Тўлов баланси, ташқи иқтисодий операцияларнинг ҳамма турларини муфассал ўрганмай туриб, халқаро валюта алоқалари ҳақида сўз юритиш қийин.

Халқаро битимлар айрим мамлакат ичидаги фирмалар ва фуқароларнинг битимларидан шуниси билан фарқ қиладики, улар бўйича ҳисоб-китоблар чет эл пулидан фойдаланишни талаб этади. Тўлов

балансида қайд этилаётган ҳар бир муомалалар ё чет эл пулига эҳтиёж ҳосил қилади (импорт, чет элдаги инвестициялар, маблағларни тўлдириш), ёки унинг чет эл пули бозоридаги таклифи (экспорт, мамлакат ичкарисидаги хорижий инвестициялар, маблағлар захира-ларнинг ишлатилиши) англатади.

4-§. Валюта муносабатлари ва валюта тизими. Валюта курси.

Халқаро кредит

Валюталарнинг олди-сотдиси бир мамлакатнинг пулларини бошқа мамлакат пулларига айирбошлаш демакдир. Унинг жаҳон хўжалигида амал қилиши (ташқи савдо, иш кучи ва капитал миграцияси, даромадлар, қарзлар ва субсидиялар оқими, фан-техник айирбошлаш, туризм ва ҳ.), хизмат қилиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар халқаро валюта-кредит муносабатлари деб аталади. У пулнинг халқаро тўлов муносабатларида амал қилиш жараёнида вужудга келади. Валюта ҳар қандай мамлакатларнинг пул бирлиги (масалан, сўм, доллар, фунт стерлинг) ҳисобланади.

Ҳар бир миллий валюта ўзга мамлакат пул бирлигидаги баҳога эга бўлади. Бу баҳо валюта қиймати деган махсус номга эга. Ҳозирги даврда жаҳоннинг етакчи ахборот вакилликлари ва кўпчилик йирик газеталари кундалик валюта қийматлари жадвалини босиб чиқаради.

Жадвални босиб чиқаришнинг икки хил тури бор. Биринчиси – чет эл валюталари пул бирликларининг миллий валюта бирлигидаги баҳоси (доллар ва бошқа валюталарнинг сўмдаги баҳоси)ни кўрсатувчи жадвал. Қийматлар мамлакат ичкарисидаги чет эл пуллари савдоси якуни бўйича ёки Марказий банк томонидан ўрнатилади.

Иккинчиси - жаҳоннинг етакчи ахборот воситалари томонидан чиқарилади. Унда чет эл пулларининг АҚШ доллараридаги кундалик баҳоси тўғрисида хабар берилади. Шунини айтиш жоизки, қайсидир бир валютанинг АҚШ доллараридаги баҳосини билган тақдирда, долларнинг ана шу валютадаги қийматини осон аниқлаш мумкин. Мисол келтирамиз.

Англия бир фунт стерлинги 1,1740 АҚШ дол. туради ва бир Америка доллари 0,85 5 фунт стерлинг туради деган ифода

тенг демакдир. Бу ҳамма валюталар учун тўғридир.

Бошқача айтганда, ҳар қандай валюта қийматиға тескари бўлган катталиқ ҳам валюта қийматини кўрсатади.

Фақат иккинчи нисбатда пул бирликлари жойларини алмаштирадилар.

Биринчи валюта қиймати баҳосини ифодалаган валюта иккинчисида ўзи баҳо ўлчовига айланади ва аксинча биринчи нисбатда акс этган пул бирлигининг баҳоси иккинчисида баҳо «ташувчиси»га айланади.

Бундай ҳолат, бир томондан, пуллар, бошқа томондан эса моллар бўлган оддий битимдан фарқлироқ, валюта олди-сотдисида иккала томондан пул бирликларининг қатнашиши натижасида рўй беради.

Айрим шахслар, фирмалар ва давлат тузилмалари валюта билан ҳар хил сабабларга кўра савдо қиладилар. Уларнинг айримлари моллар ва хизматлар айирбошлаш билан шуғулланади ва керакли валютани сотиб олади ёки чет эл валютасидаги тушумларни миллий пул бирликларига айлантиради. Бундай шахслар учун валюта бозори банклараро нақд пулсиз ҳисоб-китоб (клиринг) хизматларини амалга оширади, ҳар бир томоннинг олди-сотдисини улар учун қўлларида энг афзал валюта билан тугатишга ёрдамлашади. Шу бозорнинг ўзи ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиларига активлар ёки мажбуриятларни маълум бир валютада сотиш йўли билан валютавий таваккалчиликни камайтиришга ёрдам беради.

У, шунингдек валютани сотиб олиб ва сотиб, чайқовчилик йўли билан келажакдаги қийматини кўра била олиш ва қандайдир вақт ўтганидан сўнг келажакдаги ва ҳозирги қиймат орасидаги фарқдан фойдаланиб, даромад олишга имконият туғдиради.

Валюта бозоридаги олди-сотдининг асосий қатнашчилари йирик тижорат банкларидир. Улар ҳар доим бир ёки бир неча валюталар мавқеини қўллаб-қувватлайди, яъни ана шу валютада «белгиланган» жамғармага эга бўлади. Мисол учун немис «Дойче банк»и Берлинда ва Парижда ўз бўлимларига эга. Берлиндаги бўлимда француз франкидаги маблағлар жойлаштирилган, Париждаги бўлим эса Берлиндаги банкда маркалардаги депозитга эга.

Бу бўлимларнинг ҳар бири омонатчига чет эл валютасини маҳаллий жамғармадаги валютага алмаштириб беради. Банк ана шу операцияни амалга оширишдан фойда олади, яъни чет эл валютасини «сотувчи баҳоси» бўйича сотиб, «харидор баҳосида» озгина ортиқ

валютани сотиб олади. Баъзида тижорат банклари воситачи ролини ҳам ўйнайди. Шу мақсадда сотувчилар ва харидорлар бир-бирига учраштирилади. Масалан, қандайдир Америка фирмаси «Чейз Манхеттен» банкнинг долларни фунт стерлингларга айирбошлаш заруриятида воситачи ролида чиқишини илтимос қилиши мумкин.

Энг аҳамиятли валюта қиймати долларнинг Германия маркасига бўлган қийматидир.

У ҳатто Осиё валюта бозорида долларнинг япон иенига бўлган қийматига қараганда кам бўлмаган ролни ўйнайди. Шунинг учун доллар-марка операцияларида фақат Германиянинг эмас, бошқа мамлакатларнинг банклари ҳам қатнашади. Улар долларни маркаларга ва, тескариси, сотиб олишга тайёр бўлади. Ана шу операцияларда энг кўп тарқалган бирлик 5 млн.долл. ҳисобланади.

Валюталар олди-сотдиси шартномасини тузмоқчи бўлган банклар сотиб олишда ёки сотишда мўлжалланган курс қиймати тўғрисида хабар беради.

Валюта бозорининг профессионал қатнашчилари тижорат банкларидан ташқари маклерлар-даллоллар ҳам киради. Даллолчилик шакллари валютани сотувчи ва харидорлар орасида воситачилик қилиб, ўз хизматлари учун комисион ҳақ (куртаж) талаб этади.

Даллолларнинг асосий вазифаси харидорга бозордаги ҳолат тўғрисидаги энг тўлиқ ахборотни тақдим этиш ва валюта алмаштиришнинг энг маъқул вариантларини танлашда ёрдам беришдан иборат.

Даллолларнинг яна бир фойдали жиҳати шундаки, улар ўз мижозларига валюта олди-сотдиси билан боғлиқ бўлган харажатлар (ходимлар, телефон алоқалари кабилар учун) ни камайтиришга ёрдам беради.

Валюта бозорларидаги операцияларда йирик моли билан боғлиқ бўлмаган корхоналар ҳам иштирок этади. Масалан, трансмиллий саноат бирлашмаларининг кўпчилиги амалга ошириладиган олди-сотдилар ҳажми бўйича банклар билан тенглашиши мумкин.

Ана шу савдода марказий, шунингдек ташқи савдо, давлат банклари иштирок этади. Марказий банклар фақат валюта бозоридаги умумий шарт-шароитларни тижорат банклари фаолиятини мувофиқлаштириш йўли билан аниқлаб қолмай, балки ўзлари ҳам миллий ва чет эл валютасини сотиб олади ва сотади.

Валюта бозорида шерик сифатида қатнашувчи хўжалик вакилларининг мақсадлари турлича эканлигини таъкидлаш лозим.

Банклар фойда (даромад) олиш мақсадида валюта билан савдо қилади.

Саноат ва савдо корхоналари маҳсулот етказиб берувчилар ва ишлаб чиқариш мулкдорлари билан ҳисоб-китоб қилиш учун керак бўлган валютани сотиб олади, ёки қайси бир давр орасида банд бўлмаган (ликвид) маблағлар билан валюта қийматининг тебранишидаги зарардан қочиш учун савдо қилади.

Ташқи иқтисодиёт фаолиятида амалиётдаги ҳамма савдолар тўловлар, яъни пулларнинг бир мамлакатдан бошқа мамлакатга ўтиши билан боғлиқ.

Халқаро валюта тизимининг таркибий унсурлари қуйидагилар ҳисобланади: халқаро тўлов воситалари (миллий валюталар, олтин, халқаро валюта бирликлари, СДР, евро), валюта курсларини белгилаш ва ушлаб туриш механизми, халқаро тўловларни баланслаштириш тартиби, валютанинг қайтарувчанлик шароити, халқаро валюта бозори ва олтин бозори тартиби, валюта муносабатларини тартибга солувчи давлатлараро муассасалар тизими.

Жаҳон валюта тизими ўзининг ривожланишида уч босқични босиб ўтди:

а) 1879-1934 йилларда олтин стандарти сифатидаги пул тизими устунликка эга бўлган;

б) 1944 йилдан 1971 йилгача олтин-девиз (Бреттон-Вудск тизими деб номланган) тизими устунликка эга бўлган; бу иккала тизим қайд қилинадиган валюта курсларига асосланган;

в) ҳозирги даврда амал қилувчи жаҳон валюта тизими 1971 йилда ташкил топган бўлиб, у бошқариладиган сузиб юрувчи валюта тизими номини олган.

Олтин стандарт шароитида мамлакатлар пул бирлигининг нисбати расмий олтин мазмуни бўйича ўрнатилди. Кейинчалик олтин стандарти Бреттон-Вудск (АҚШ)да келишувдан сўнг барбод бўлди. Унинг асосида олтин-валюта стандарти (АҚШ доллари) ётади, бунда олтин ва доллар захиралар сифатида чиқади. Долларнинг олтинга алмашилиши расман тўхтагандан кейин валютанинг қайд қилинган курси сузиб юрувчи курсга ўрин бўшатиб берди. Халқаро валюта тизимидаги бу ўзгариш 1976 йил Кингстон (Ямайка)даги келишувга

биноан ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Қоғоз пул тизимига ўтилиши билан қоғоз пуллар олтинга алмаштирилмайди.

Операцияларни амалга оширишнинг бу усули клирингли ҳисоб-китоб тизимларидан фарқ қилади, Марказий ёки ташқи иқтисодий банклар ва мижозлар орасидаги тўловлар бир мамлакатда амалга оширилса, якуний ҳисоб-китоблар клиринг шартномасига эга бўлган мамлакатларнинг марказий банклари орасида ўтказилади.

Саноати юқори даражада ривожланган барча давлатлар клирингли ҳисоб китоблардан эркин алмаштириладиган валюта шундай валютаки, уни бир мамлакатдан бошқа мамлакатга чегараланмаган миқдорда ўтказиш ва эркин сотиш-сотиб олиш мумкин.

Валюта бозори жаҳондаги энг катта молиявий бозордир. Ҳар куни унда юз миллиардлаб долларга олди-сотдилар амалга оширилади. Фақат валюта биржаларининг кундалик айланмалари 500 млрд. долларга яқинни ташкил этади.

Валюта биржалари жаҳон валюта бозорининг фақат бир қисми, унча катта бўлмаган қисмидир. Валюта бозори маълум бир жойда ташкил қилинган валюта алмаштириш жойи бўлибгина қолмай, у кўпдан-кўп ташкилотлар орқали иш кўриб, чет эл валютаси савдоси қатнашчиларига телефон ҳамда телетайп алоқаларининг натижасини кўрсатади.

Бутун жаҳонни эгаллаб олган ва кечаю-кундуз иш олиб борувчи ана шу бозорда ҳал қилувчи омил зудлик билан ахборотни илиб олишдан иборат. Чунки қийматлар бир неча сонияларда ҳам кескин ўзгариши мумкин.

Ҳар бир дақиқада миллионлаб олди-сотдилар амалга оширилишини ҳисобга олсак, қийматларнинг фойдалари ёхуд зарарлари жуда катта бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Масалан, бир дақиқа давомида 1,1740 қиймати бўйича 10 млн. фунт стерлинг сотган хизматчи 1,1739 қиймати бўйича таклифни қабул қилмагани учун бир дақиқа давомида ўзининг банкига кўшимча 1000 долл. фойда (даромад) келтириши мумкин. Шундай экан, кимда ким ҳаётнинг сиёсий ва иқтисодий воқеаларига сал суствлик ёки жуда ҳам ҳовлиқиброқ ёндашса, пулларини яна ҳам тезроқ йўқотиши мумкин.

Валюта бозорининг иштирокчилари орасидаги ахборот, хабар алмашинуви Ер йўлдоши ва компьютер алоқаси тармоқлари орқали амалга оширилади. Ҳозирда чет эл валютаси савдосида қатнашувчи

барча банкларда компьютерлар ўрнатилган. Улар, шунингдек маклерлар ва бошқа манфаатдор шахслар, ташкилотларда ҳам бор.

Жаҳоннинг турли регионларида жойлашган ва компьютер тармоқлари билан боғланган банклар ва фирмалар ўзининг амал қилувчи қийматларини, валютани сотиш ва сотиб олиш шартларини ва етказиб бериш муддатини тизилма хотирасига киритадилар. Тизимнинг ҳар бир қатнашчиси бошқа қатнашчига тегишли бўлган кодни териб, унинг маълумотларини билиб олиши мумкин.

Масалан, Лондондаги қандайдир банкнинг хизматчиси ўша банкнинг Нью-Йорк бўлимидаги ҳамкасбларини, Швейцария франкининг долларга нисбати бўйича баҳосини билмоқчи бўлса, унга телефон бўйича қўнғироқ қилиши шарт эмас. Компьютер клавиатура-сида ана шу банкнинг кодини териш етарли ва экранда керакли маълумотлар пайдо бўлади. Шунингдек, рақобатчилар ҳам шундай маълумотлардан хабардор бўлишлари мумкин. Кўрсатилганлардан ташқари, валюта қийматлари динамикасини аниқлаш учун керакли бошқа маълумотлар тизимга киргизилади. Турли мамлакатларнинг тўлов баланслари, уларнинг иқтисодий мавқелари ва ишчанлик фаолияти даражаси, марказий банклар раҳбарлари ва халқаро молия муассасаларининг мулоҳазалари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Компьютер тизимидан фойдаланмайдиган ташкилотлар ва хусусий шахслар керакли маълумотларни телефон ёки телефакс орқали олишга мажбурдирлар. Газеталар ҳам тегишли маълумотларни бериб туради. Масалан, «Фейнеспл таймс» муштарийларини бозорлардаги энг муҳим, аҳамиятли валюта қийматлари тўғрисида муфассал ахборот олиб туришади. Аммо бундай ахборот камида бир кун кечикиб етиб келади.

Мамлакатнинг моллар ва хизматлар экспорти, чет эл валютасини миллий пул бирликларини сотиб олиш мақсадидаги савдоси муҳим ахборотлар жумласидандир. Агарда Ўзбекистон фирмаси хорижда 10 млн. сўмга пахта сотса, эҳтимол, кимдир, чет эл валютасини сотиб, 10 млн. сўмни олиш учун ҳаракат қилади.

Агарда чет эллик шерик чет эл валютасида чек ёзиб бериш йўли билан тўласа (масалан, АҚШ долларларида), маҳаллий фирма бу чекни олганидан сўнг ё банкда долларли ҳисоб очиши, ёки долларни миллий валютага сотиш учун уриниб кўриши керак бўлади. Борди-ю, Ўзбекистон фирмаси тўловларни фақат миллий валютада қабул қилса, чет эллик харидор ўзи долларини сотиш имкониятини топиши

ва сўмларни сотиб олиши керак. Шундай қилиб, моллар ва хизматлар экспорти чет эл валютаси таклифини яратади ва миллий валютага талабгор чет эл харидори ўзининг шахсий пул бирликларини сотиш учун таклиф қилишга мажбур бўлади. Хорижга мол чиқарувчи шахс, идоралар эса савдолар охирида биронта бошқа валютага эмас, балки Ўзбекистон миллий валютасига эга бўлишни маъқул кўриши эҳтимолдан холи эмас.

Хорижга мол чиқарувчи шахслар, идоралар чет эл валютасига эга бўлишни хоҳласалар, чет эллик шерик ҳисоб-китоблар учун етарли миқдордаги сўмларга эга бўлсагина, фақат ана шу ҳолатда, Ўзбекистондан экспорт доллар таклифини ва сўмларга бўлган талабни яратмайди.

Моллар ва хизматлар импорти ўз ортидан миллий валютани, чет эл валютасини сотиб олиш мақсадида сотишни келтириб чиқаради. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги Франциядан 10 млн. сўмга дори-дармонларни келтирса, француз экспорттери унга франкларда тўлашни қаттиқ туриб талаб қилса, вазирлик вакиллари Франция франкларини сотиб олиш учун миллий валютани сотишлари керак бўлади.

Борди-ю, шартнома шартлари бўйича импортер сўмларда тўлай олса, у ҳолда Франция фармацевтика фирмаси франклар олиш учун 10 млн.сўмни сотишга ҳаракат қилиб кўради. У олди-сотдилар натижасида ўз миллий валютасига эга бўлишни истаса, бошқа ҳолларда Ўзбекистондан моллар ва хизматларнинг импорти чет эл валютасига талабни ва импортер сўмларда ҳисоблашувчи, экспорттер тўловларни ўз мамлакати пул бирликларида олишни маъқул кўрган даражада миллий валюта таклифини яратади.

Чет эл экспорттери сўмларни олишга рози бўлса (ёки ўзбекистонлик импортер чет эл валютаси захираларига эга бўлса), импорт миллий валюта таклифи ва чет эл валютасига бўлган талабни келтириб чиқармайди. Ташқи савдо билан боғлиқ битим, олди-сотдиларгина валютага бўлган талаб ва таклифни келтириб чиқарувчи ягона муоамала тури ҳисобланмайди. Бозор қатнашчилари талабни келтириб чиқаришлари мумкин. Масалан, долларга Америка моллари ва хизматларини сотиб олиш мақсадлари бўлмаган ҳолда ҳам. Улар, шунчаки, доллардаги қимматбаҳо қоғозлар сотиб олишни ёки банкларда долларли счет очишни, келажакда юқори даражадаги даромад олиш

учун қандайдир вақт ўтиб, долларга моллар ва хизматлар сотиб олиш учун маблағларга эга бўлишни хоҳлашлари мумкин.

Юқори даражадаги инфляцияли мамлакатларда чет эл валютасини сотиб олиш, кўчмас мулкни ва узоқ муддат фойдаланиладиган моллар қатори жамғармаларни муҳофаза қилиш шаклини ўйнайди. Чет эл валютасига бўлган талабни эмигрантлар ва бошқа мамлакатларда вақтинча ишлаётган ишчилар яратишлари мумкин.

Валюта қийматини қандай йўл билан аниқлаш учун, аввалло, талаб ва таклифларнинг валюта бозоридаги баҳо ва миқдорини аниқлайдиган ўзаро таъсиротларни ўрганиш керак. Шундан кейингина талаб ва таклифга таъсир этувчи омиллар ҳақида сўз юритиш мумкин.

Валютага бўлган талаб ва унинг таклифи валюта курсининг у ёки бошқа мамлакатнинг валюта тизими хусусиятларига таъсир қиладиган чегараларида аниқланади.

Мамлакатда валюта назоратини чеклаб қўювчи омил бўлмаса, унда экспортерлар, импортёрлар, банклар ва даллоллар конкуренция шароитларида фаолият олиб борадилар. Энг содда тизим валюта курсининг пасайиб, кўтарилиб турувчи тизимидир.

Бундай ҳолатда, «тўсиқларсиз ўйин»и асосида талаб ва таклифнинг бозорда кечаётган жараёнлари ҳукумат ва марказий банкларнинг аралашувисиз аниқланади.

Валюта курсларининг тебраниши, харид қилиш лаёқати паритет (турли мамлакатлар пул бирликлари қийматининг бир-бирига нисбати) банкларнинг аралашувисиз аниқланади. Мисол учун, француз франки қайси баҳо ёки қиймат бўйича Америка долларига алмаштирилиши мумкинлигини таҳлил этамиз.

Долларга талаб Франциянинг Америка Қўшма Штатларидан экспорт қилинаётган моллар ва товарларга бўлган талаби натижасида келиб чиқади.

Бундан ташқари, долларга бўлган талаб АҚШга соф капиталнинг оқиб келишини таъминлайди. Франция шахслари ва фирмалари АҚШдаги кўчмас мулклар, Америка корпорациялари акцияларини сотиб олиш учун ўзларининг маблағларини Америка банкларидаги жамғармаларга ёки бошқа турдаги қўйилмаларга қўйиш мақсадида долларга сотиладиган валютани сотиб олишга мажбурдирлар.

Фараз қиламизки, франциялик чакана савдогар АҚШда ишлаб чиқарилган магнитофон кассеталари партиясини сотиб олмоқчи. Ҳар

бир кассета, масалан, 3 доллар туради, дейлик. Уларнинг Франциядаги баҳоси франкнинг долларга нисбатан алмашинув қийматига боғлиқ бўлади. Бир доллар курси 6 франкка тўғри келса, кассеталарни сотиб олиш учун 18 франк, 1 долларга 7 франк тўғри келса 21 франк ва ҳоказо тарзида сарф қилиш керак бўлади.

Эркин бозор кучлари ўрнатадиган валюта қиймати ўзгариб туриши мумкинки, бундай ҳолат ҳақиқатан ҳам тез-тез рўй бериб туради.

Қачонки долларнинг баҳоси француз франкларида, масалан, 1 долларга 5 фр. дан 6 фр.гача ошса, унда франкнинг нархи камаяди ёки франк долларга нисбатан қадрсизланади.

Умумий ҳолда қадрсизланиш шуни билдирадики, бирор бирликдаги қайсидир бошқа валюта (доллар)ни сотиб олиш учун кўп бирлик валюта (франк) керак бўлади. Бундай ҳолатнинг тескараси ҳам рўй бериши мумкин. Масалан, долларнинг баҳоси Францияда камайса, (айтайлик, 1 долларга 6 фр.дан то 5 фр.гача) франкнинг нархи ошади ёки қимматлашади. Умумий ҳолда қимматлашув бирор бирликдаги қайсидир бошқа валюта (доллар)ни сотиб олиш учун ушбу валюта (франк)дан кам бирлик керак бўлишини билдиради.

Шуни ёдда тутиш керакки, франк қадрсизланганлиги сари доллар, албатта, қимматлаша боради ва аксинча. Франкнинг долларга нисбатан қиймати 1 долларга 5 франкдан 6 франкгача ўзгарса, унда бир долларни сотиб олиш учун кўп франк талаб этилади.

Франк сотиб олиш учун кам доллар сарфлаш керак бўлади, дейлик. Бошланғич қийматда бир франкни сотиб олиш учун 1/5 доллар талаб этиларди. Янги қийматдан эса 1 франкни сотиб олиш учун ҳаммаси бўлиб 1/6 доллар талаб қилинади. Натижада доллар франкка нисбатан қимматлашди. Борди-ю, франк долларга нисбатан қадрсизланса, у ҳолда доллар франкка нисбатан қадрсизланади.

Юқорида келтирилган магнитофон кассеталари мисолидан кўрииб турибдики, доллар нархининг ошиши, унинг франкларда ифодаланган қийматини ошиши туфайли Америка молларининг франкдаги баҳосини оширади. Бундай ҳолат Америка молларига талабни, бинобарин, долларга бўлган талабни камайтиради.

Доллар нархининг пасайиши унинг франкда ифодаланган алмашинув қийматининг камайиши оқибатида Америка молларининг франкдаги баҳоси камайиб кетади. Пировардида, Америка молларига

бўлган талаб ошади ва бозордаги долларга бўлган талаб ҳажми ортади.

Доллар қийматининг пасайиши (қийматсизланиши) кўчмас мулкка, қимматбаҳо қоғозларга ва долларга сотиладиган бошқа сармоя турларига франкдаги баҳони пасайтиради. Долларнинг қиймати қандайдир бир вақт мобайнида узоқ муддатли катталигидан паст бўлган тақдирда, унинг тез орада ошишини кутишга асос бор. Бу аҳвол сармоя эгаларига бошқа тенг шароитларда долларга мол-мулк сотиб олиш ва франкда ифодаланган активларни сотишга ундайди, натижада долларга бўлган талаб ошади.

Доллар қимматлашган (баҳоси ошган) чоғда ва қайсидир бир вақт мобайнида унинг франкларда ифодаланган қиймати узоқ муддатли режада кутилаётганидан ортиқ бўлганда, сармоя эгалари унинг пасайишини кутадилар. Бу ҳолда бошқа тенг шароитларда доллардан франкга ўтилади, оқибатда долларга бўлган талаб қисқаради.

Умумлаштириб шунини айтиш мумкинки, бошқа тенг шароитларда маблағларни алмаштириш қийматлари келгусида ошиши кутилаётган валюталарда сақлаш ва активларнинг қиймати тушиб кетиш хавфи бор бўлган валюталарда жойлаштиришдан қочиш ўзгача маъно касб этади.

Шунга ўхшаш мулоҳазалардан ташқи валюта бозорларида заёмлар олиш тажрибасида тескари қоида амал қилади, айнан фоиз миқдорлари бир хил бўлганда қарз олувчи қарзни қиймати пасайиши кутилаётган валютада олиб афзалликка эга бўлиши ва тескариси, қарзнинг қиймати келгусида ошиши мумкин бўлган валютада олиш қўшимча йўқотишга олиб келиши маълум бўлади.

Агарда долларнинг франкда ифодаланган баҳоси пасайиб кетса, у ҳолда актив эгалари ўз маблағларини франкга ўтказадилар, қарз олувчилар эса кредитни Франция банкидан эмас, балки Америка банкидан олиш афзал деб ҳисоблайдилар.

Бундай хатти-ҳаракатлар натижасида АҚШдан сармоя, маблағлар оқиб кета бошлайди ва шунга мувофиқ равишда, Америка долларига талаб камайиб кетади. Бошқа томондан қараганда, жорий алмашинув қиймати кутилганидан паст бўлганда, у бутунлай кўтарилиб кетиши мумкиндир. Бундай ҳолатда сармоя эгалари франкдан долларга ўтишга ҳаракат қилиб кўришадики, маблағларга муҳтож бўлган хўжалик вакиллари француз қарзларини олишни мўлжаллашади.

Баён этилганлардан шундай хулоса келиб чиқади: жорий операциялар бўйича ҳисоб-китоблар, шунингдек сармояларнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлган валюталарга талаб унинг алмашинув қийматининг ўзгаришига бир хилда таъсир кўрсатади; бошқа тенг шароитларда валютанинг қиймати баландлашгани сари талаб паст ва тескариси, алмаштирув қиймати пастлашгани сари талаб юқорилаша боради.

Бу қонун график йўли билан ифодаланганда, валютага бўлган талаб графиги бошқа ҳар қандай молга талабдан ҳеч қандай фарқ қилмайди ва салбий эгри чизикни кўрсатади.

Валюта бозорида пулни пулга алмаштирилиши ҳисобга олинандиган тақдирда, валюта таклифи миллий пул бозоридаги ҳолат билан белгиланади. Чет эл валютаси ҳар доим қайсидир бир мамлакатнинг миллий валютаси бўлиб қолади. Миллий валютанинг таклифи мамлакатнинг пул массаси демакдир. Пул массаси Марказий банкнинг кредит пул сиёсати орқали мувофиқлаштирилади.

Пул бозорининг таҳлили шунини кўрсатадики, мамлакат ичкарисидаги пул таклифи пул талабига тенг бўлиши керак. Бундай ҳолат қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$M + KPY$$

Бу ерда:


P – баҳолар ҳажми даражаси

U – ҳақиқий миллий даромад

K – пул алмашинуви тезлигига боғлиқ бўлган мамлакат ичкарисидаги фоизлар меъёри, коэффициенти, актив ушловчиларнинг афзал кўриши ва бошқалар.

Шу йўсинда пул таклифлари валюта қиймати таъсирига учрамайди, бу эса тикка эгри чизик билан тасвирланади. Валюта бозоридаги таклиф этилган тикка эгри чизик ҳар бир ҳолда ўзи билан умумий пул массасини акс эттиради: муомалада бўлган пуллар қўшув (плюс) банкка таалуқли бўлмаган омонатга пул қўйган банкдан талаб қилиб олинандиган (депозитлар).

График француз валюта бозоридаги долларга бўлган талаб ва таклифни акс эттиради.



Валюта олди-сотдиси содир бўлаётгандаги қиймат ўзида баҳо мувозанатини акс эттиради.

Ҳар қандай бошқа бозордагидек, баҳо мувозанати шундай баҳоки, бунда талаб таклифга тенг бўлади. Келтирилган графикда таклиф ва талаб тенгдир, яъни 500 млрд. долл. (бир долларга 6 француз франки тўғри келади).

Алмашинув қиймати ҳаракати тушунчаси валютага бўлган талаб ва таклифга таъсир этувчи омиллар аниқлангандан кейин ойдинлашади.

Мутлақо аниқки, валюта қийматларига мамлакат пул массасининг нисбий ҳолати таъсир этади.

Халқаро майдонда миллий бозордагидек, валюта муомалада кўп бўлгани сари валютанинг нархи камая боради.

Қачонки, графикда таклиф эгри чизиғи ўнгга, яъни пул массаси ортишини кўрсатиб бориш томон силжиса, валюта қиймати пасая боради.

Пул бозорларида умумий талаб пуллардан муомала воситалари сифатида фойдаланиш натижасида вужудга келади.

Моллар ва хизматларга алмаштириш билан боғлиқ бўлган савдолар баҳосини қоплаш учун ҳаминиша муайян нақд пуллар захираси талаб этилади. Ҳар хил олди-сотдилар учун нақд пулларга бўлган талаб, уларнинг ҳажмига боғлиқ. Чунки ишлаб чиқарилган маҳсулот ЯММ билан тиғиз боғлангандир.

Ҳақиқий ЯММнинг ўсиши мамлакат пулига бўлган талабни, жумладан, валюта бозорида ҳам орттиради. Бу эса талаб эгри чизигининг ўнгга ва юқорига силжишини ҳамда бошқа тенг шароитларда валюта қийматининг ортишига олиб келади. Ҳақиқий ЯММ ҳажмининг пасайиши тескари натижага олиб келади. Ҳақиқий маҳсулоти камайган мамлакатнинг валютага талаби эгри чизиги чапга ва пастга силжийди, бинобарин, алмаштириш қиймати эса пасаяди.

Икки мамлакат пул бирликларининг валюта қийматида акс эттирилган нисбати, кўпинча, уларнинг ички баҳо даражаси ҳолати орқали аниқланади. Нисбий баҳолар ва валюта қийматларини боғловчи гипотеза харид қилиш «тахминий мувозанати» (паритет) тартиби қоидаси номини олган. Ана шу принципга асосан узоқ муддатли келажакда баҳо даражалари ва валюта қийматлари орасида башорат қилиш нисбати мавжуддир; чунки моллар ва хизматлар ё бир мамлакатда, ёки бошқа мамлакатда сотиб олиниши мумкин.

Харид қилиб олиш қобилияти паритети дейилганда, пул маблағларини бир валютадан бошқасига айлантириш (конвертациялаш) натижасида ана шу маблағларни сотиб олиш қобилиятининг ўзгаришини келтириб чиқармайдиган ҳолатлар тушунилади. Иқтисодчилар аллақачон халқаро савдода битта маҳсулот ҳамма мамлакатларда бир хил баҳога эга бўлиши, ягона ҳисоблаб чиқилган валютада қолиши керак, деган, хулосага келганлар.

Америка Қўшма Штатларида тахминан 1000 доллар стандарт истеъмол моллари ва хизматлари тўплами («истеъмол савати»)ни сотиб олиш учун етарли деб фараз қиламиз.


Бу тўплам 5 буханка нон, кўйлак, бир шиша пиво, 50 литр бензин, сартарош хизматлари, 10 дақиқа шаҳарлараро телефон алоқалари ҳақи ва бошқалардан иборат бўлиши мумкин.

Шундай тўплам Францияда 6000 франк турса, унда 1 долларга 6 франк сотиб олиш қобилияти паритетига мос келади. Бу АҚШда 1000 долл. харажатлар ёки уларни франкларга алмаштириш ва франкларда шунга ўхшаган молларни сотиб олиш, истеъмолчи учун бир хилдаги сотиб олиш даражасини кўрсатади.

Валюта қиймати паритетга тенг бўлмаган ҳолда баҳо ва валюта қийматини тенглаштирувчи механизм ишга тушади. Бу эса котировкаларни мувофиқлаштиришга, мослаштиришга олиб келади.

Товар, масалан, шахсий компьютер АҚШда 1000 дол., Францияда эса 5000 фр. туради дейлик. Фараз қиламизки, долларнинг қийма-

ти валюта бозорида 1 дол.га 7 фр. даражасида ўрнатилган, яъни унинг катталиги ушбу молнинг баҳоси нисбатларидан (1 долларга 5 фр) юқори. У ҳолда компьютернинг Франциядаги долларлик баҳоси франкнинг долларга нисбатан алмашиш қийматига мос ҳолда 1 дол х 5000 фр., яъни 751 дол.ни ташкил этади. АҚШ да унинг франкларда ифодаланган баҳоси



, яъни 7000 фр. тенг бўлади.

Бундан кўринадики, бир хил валютада ифодаланган молнинг баҳоси икки мамлакатда бир хил эмас. Долларнинг қиймати баҳо паритетидан юқори бўлгани учун компьютер Францияда арзон туради. Бу омил АҚШ билан Франция орасида савдо-сотиқнинг пайдо бўлишига олиб келади. Савдогарлар учун компьютерни Францияда 5000 фр. сотиб олиш ва уни Америкага экспорт қилиб, 1000 долларга сотиш ҳамда уларни валюта бозорида 7000 фр.га алмаштириш фойдалидир.

Бундай операция уларга 2000 фр. фойда, даромад келтиради (масаланинг моҳиятини жўнлаштириш учун компьютерларни АҚШ га олиб кетиш билан боғлиқ транспорт ва бошқа харажатларни нолга тенг деб тахмин қиламиз).

Америкалик харидорларга компьютерларни Францияда сотиб олиш ҳам фойда келтириши мумкин.

Бу ҳолда улар $1000 - 715 = 215$ дол. иқтисод қилишлари мумкин. Франциядан келтирилган молларга талабнинг ўсиши франкка бўлган талабнинг ортиши ва долларнинг валюта бозоридаги таклифига, бу эса доллар қийматининг паритет даражасигача пасайишига олиб келади. Доллар қиймати баҳолар нисбатидан паст бўлса, у ҳолда савдо йўналиши ўзгаради. Арзонроқ Америка молларининг Францияга экспорти долларга бўлган талабнинг ўсишига ва франк таклифига, бу эса доллар қийматининг паритет даражасигача ортишига олиб келади.

Харид қилиш қобилияти паритети принципи, сўзсиз, чекланган қўлланишда бўлиши мумкин.

Бу чекланганлик мос равишдаги валюта қийматини таққослаш асосни ҳосил қилувчи моллар ва хизматлар таркибига боғлиқлигини билдиради.

Бир миллий иқтисодиётдаги молларнинг нисбий баҳоси ана шу молларнинг бошқасидаги нисбий баҳосига тўғри келмайди. Бунинг

оқибатида «истеъмол савати»да бир молнинг бошқасига алмаштирилиши валюта қиймати катталигининг ўзгаришига олиб келади.

«Истеъмол савати»ни танлаб олишнинг ягона ва энг маъқул, паритети ҳисоблаб чиқиш асосига қўйилган усули бўлмагани учун бу концептуал тушунча алмашинув қийматларини маълум бир диапазонда акс эттиради, аммо аниқ, мутлақ катталиқ бўла олмайди. Сотиб олиш қобилияти паритети параметри тахминий бўлганлигига қарамай, ундан фойдаланиш валютанинг алмашинув қиймати билан боғлиқ муаммосини аниқлаш учун фойдали асос ҳисобланади. Бундай тушунчадан фойдаланиб, валюта қийматининг паритети даражасидан юқори ёки пастга тебранишига мажбур қилаётган сабабларни ўрганишга киришиш мумкин. Бошқача айтганда, энди қандай кучлар валюта талаби ва таклифи эгри чизик ҳолатини ўзгартира олиши мумкинлигини аниқлаш лозим бўлади.

Қайсидир бир валютанинг бозордаги таклифи мамлакатнинг пул массаси ҳажмига тенг бўлса, унинг қийматига таъсир қиладиган омилли пул массасининг нисбий ўзгаришига олиб келади. Агарда доллар таклифи камайтирилса, у ҳолда ҳар бир доллар камдан-кам бўлади ва унинг нархи ўсади. Бундай камайиш АҚШ Федерал резерв тизимининг каттиқроқ кредит пул сиёсатини олиб борилиши туфайли рўй беради.

Чеклаш сиёсати мамлакатнинг банк тизимидаги эркин ликвид маблағларнинг ҳажмини камайтиради, банкларни каттиқроқ шартларда кредитлар тақдим этишга мажбур қилади ва бу билан АҚШ пул массасининг асосий қисмини ташкил этадиган долларли депозитлар ҳажмини камайтиради. Кредит шартларини «қаттиқлаштириш» қарз олувчиларнинг ҳам имкониятларини пасайтиради, пулга маҳсулот чиқаришга, ишчилар жойи, миқдори, баҳоларга бўлган жами талабни камайтириб, умумий харажатларни қисқартиради.

Ички талаб ва иш жойларининг қисқариши баҳо пасайишини келтириб чиқаради. Чет эллик харидорлар ўзларига фойдали, арзонроқ Америка молларини сотиб олишга киришадилар. Америка моллари харидининг ўсиши долларга талабни оширади, бу эса доллар қийматининг бошқа валюталарга нисбатан кўтарилишига олиб келади. Қарама-қарши ўзгаришлар пул массасининг ошиши натижасида рўй беради.

Марказий банк пулга бўлган таклифни кўпайтирган тақдирда доллар баҳоларининг қадрсизланиши рўй беради. Бир муддат даво-

мида юқорироқ доллар баҳолари бошқа мамлакатлар моллари ва хизматларига халқаро талабни кўчиради, чунки бу моллар арзондир. Натижада долларга бўлган талаб қисқаради, бошқа валюталарга масалан франклар ва иенларга эса ортади. Бунинг оқибатида доллар қиймати пасаяди.

Пул таклифи пасайишининг график кўриниши валюта таклифи тикка эгрисининг чапга, кўпайишининг эса ўнгга силжишидан иборат бўлади.

Пул массасининг нисбий ўзгариши ва ҳар хил мамлакатларда мавжуд бўлган бозор фоиз меъёрлари бир-бири билан тиғиз боғланган. Уларнинг алмашинув қийматларига таъсир этиш механизмини шундай таърифлаш мумкин. Францияда фоиз ставкалари 1 фоизга ортди, бошқа мамлакатларда эса ўзгармади, деб фараз қилайлик. Унда инвесторлар франкларни бошқа валюталарга алмаштириб харид қила бошлайдилар. Чунки франкларни банкларга қўйиш, вексель ва облигацияларни айна шу валютада сотиб олиш энди сармойани, маблағни бошқа мамлакатларда ишлатилганига ва уни бошқа валюталарга қўйилганига нисбатан 1 фоизга кўп даромад келтиради.

Шундай қилиб, ана шу валюта қийматида француз фоизларининг ўсиши франкни жозибалироқ валютага айлантиради. Пировардида, франк валюта бозорида харид қилиниб, сўнгра инвестицияланади. Ўз-ўзидан, франкка бўлган талаб ортади. Талаб эгри чизиғи юқорига ва ўнгга силжийди. Франкнинг бошқа валюталарга нисбатан қиймати ортади. Ҳаммаси содда кўринади: франкдан тушадиган фоиз миқдорининг ўсиши бошқа тенг шароитларда бу пул белгиларини инвесторлар учун жозибалироқ кўринади, чунки франкларни қарзга бериш фойдали бўла боради.

Энди фоизни ҳақиқий меъёри, номинал иш эмас, балки валюта бозоридаги талаб эгрисининг ўзгаришини конкрет мисолда кўриб чиқамиз.

Францияда ҳақиқий фоиз ставкаси 5 фоизни ташкил этади, дейлик. Бу вақтда АҚШ ҳамда Францияда иқтисодиётида пул қадрсизланиши рўй бермаган. Сўнгра, Францияда йилига 5 фоиз даражасини тавсифлайдиган нарх ошиши бошланди деб, фараз қилайлик. Бунга мос ҳолда кредиторлар меъёрдаги фоиз миқдорини 10 фоизгача кўтардилар, натижада ҳақиқийси ўзгармасдан 5 фоизлигича қолаверади.

Шу вақтда АҚШдаги нарх даражаси ва мавжуд фоиз меъёрлари олдинги даражада қолди, дейлик. Кўриб чиқиладиган мамлакат

иқтисодиётидаги кадрсизланиш жараёнларидаги фарқ натижасида франкни ва доллар орасидаги харид қилиш қобилияти паритети ўзгара бошлайди. Франция иқтисодиётида рўй бераётган кадрсизланиш натижасида франкнинг паритетлашган алмашинув қиймати йилига 5 фоиз тезлигида пастга туша бошлайди.

Юқоридаги баён этилганлардан қуйидаги хулосага келиш мумкин.

Мамлакат ичкарасидаги фоиз ҳаётий миқдорининг ўсиши капитал оқимини келтириб чиқаради, миллий валюта ва валютанинг алмашинув қийматига талабни оширади. Бундай ҳолат графикда шу валютага бўлган талаб эгри чизиғининг ўнгга ва юқorigа қараб силжиши кўринишида ифода қилинади.

Фоиз ҳаётий миқдорининг пасайиши қарама-қарши натижага олиб келади. Мамлакатдан капитални оқиб кетиши натижасида унинг валютаси ва алмашинув қийматига талабнинг пасайиши юз беради. Графикда бу талаб эгри чизиғининг пастга тушишини ва чапга қараб силжишини ифода этади.

Фоизнинг меъёрдаги миқдорининг ўзгариши катталиги бўйича кадрсизланиш жадаллиги ўсишига тенглигини акс эттирувчи, ҳақиқий фоиз миқдорини олдинги даражада қолдиради; бу эса ўз ҳолича валютани на кўпроқ на камроқ олдингига қараганда жалб қиладиган даражага етказмайди.

Фоизнинг меъёрдаги миқдорининг ўзгариши валютага талаб эгри чизиғининг силжишига бирор таъсир кўрсата олмайди. Баҳоларнинг нисбий ўзгариши ҳам валюта қиймати тебранишларининг сабаби бўла олиши мумкин. Масалан, АҚШда баҳолар даражаси тез ўса борган сари, бошқа мамлакатларда ўзгармай турганда харидорлар Америка ишлаб ишлаб чиқариши маҳсулотларидан воз кечиб, арзонроқ молларни харид қилишга киришадилар. Натижада долларга бўлган талаб камаяди, бошқа валюталарга бўлган талаб эса ўсади.

Талабнинг шу тарзда ўзгариши натижасида долларнинг қиймати бошқа валюталарга нисбатан пасая бошлайди. Валюта қийматига даромаддаги нисбий ўзгаришлар ҳам таъсир кўрсатади (мамлакат миллий даромадининг шу кўрсаткичга нисбатан ўсиши, бошқа мамлакатларда талаб мажмуи ўсиши ва б.к). У ҳолда миллий валюта қиймати пасаяди. Мамлакат импорти унинг даромади даражасига тўғри боғлангандир. Аҳоли даромадларининг ўса бориши натижасида кўпроқ моллар, шу жумладан, импорт молларини харид қилиш имкони

туғилади. Импорт молларига талабнинг ўсиши муносабати билан чет эл валютасига бўлган талаб ҳам ошади ва миллий валютага нисбатан қиймати ортади.

Бошланишда чет эл валютасининг бозори, графикада кўрсатилганидек, мувозанат ҳолатида (айлантириш қиймати 1 долларга 6 франк), бўлади, деб тахмин қиламиз. Унда Франциядаги миллий даромад ўсишининг жадаллиги (талаблар мажмуи) АҚШдаги шундай кўрсаткичдан ортиқча эканлиги маълум бўлади.

Франциядаги иқтисодий фаолликнинг кенгайиши даромадларга мос равишда давлат институтлари, фирмалари ва матлуботчилари харидининг сони кўпайганлигини билдиради. Оқибатда бошқа тенг шароитларда ўзга мамлакатлардан харид қилинадиган моллар ҳам кўпаяди. АҚШдан Францияга импортнинг орта боришига қараб, чет эл валютаси бозоридаги долларга бўлган талаб ҳам ўса боради.

Америка молларини сотиб олиш мақсадида етарли миқдордаги долларни харид қилиш учун АҚШдан молларни импорт қилишни хоҳловчи фирмалар ўша миқдордаги долларга нисбатан кўпроқ франкни таклиф қилишга мажбур бўлади. Шундай қилиб, импорт молларига талабнинг ортиши билан франкнинг долларга нисбатан баҳоси пасайиб кетади.

Ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳажмларининг оширилиши ўзгача натижага олиб келади. Тахмин қиламиз: мамлакатнинг ҳақиқий ЯММи бошқа юртлардагидан тезроқ ўсиб бормокда. Қишлоқ хўжалигига яроқли янги ерларни ўзлаштириш, саноатда меҳнат унумдорлигининг ўсиши, янги нефть конларининг очилиши натижасида шундай ўзгариш рўй бериши мумкин. Бошқача айтганда, сўз билан айтганда ҳақиқий маҳсулот янги ресурсларни жалб этиш йўли билан ёхуд борларидан самаралироқ фойдаланиш йўли билан кўпайиши мумкин. Моллар сони, миқдорининг ортиши ўз ортидан миллий валюта қатнашадиган битимлар ҳажмининг кўпайишини келтириб чиқаради.

Битимлар миқдорининг ўсиши олди-сотдиларни амалга ошириш учун муайян мамлакат валютасига бўлган талабни оширади. Аммо бундай талаб оддий мол эҳтиёжи каби қондирилиши мумкин эмас, чунки пул массаси (валюта таклифи) Марказий банкнинг сиёсати билан аниқланади (ҳар ҳолда қисқа муддатни режада). Талабнинг ўзгаришига «бефарқ» қаровчи хўжалик вакиллари иқтисодиёти жадалроқ ўсаётган мамлакат валютасида қарз олишга ёки молни сотиш ўрнига уни олишга интиладилар.

Бунинг натижасида ушбу валютанинг қиймати ортади. АҚШ ҳақиқий ЯММи ўсаяпти, деб фараз қиламиз. Экспорт улуши ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида ўзгармаса ҳам, молларни АҚШдан олиб кетишнинг мутлақ катталиги ортади.

Америка молларини харид қилиш учун доллари даркор Америка валютасига бўлган талаб ҳам ортади. Шу вақтнинг ўзида доллар таклифи Федерал резерв тизими сиёсатига боғлиқ бўлади. Пул масса-си қисқа муддат давомида ўзгартирилиши мумкин.

Талабнинг таклифдан ошиши натижасида долларни харид қилмоқчи бўлган шахс ҳар бир долларга бошқа мамлакатлар пул бирликларидан кўпроқ беришга мажбурдир. Бу эса долларнинг алмашинув қиймати ошганлигини билдиради. Валюта бозорлари тўлов балансининг икки хил кўрсаткичи ҳақидаги расмий хабарларга таъсирчан бўлади.

Бу кўрсаткичлардан бири савдо баланси, бошқаси жорий операциялар бўйича ҳисоб-китоб балансидир. Айтилганидек, савдо баланси мамлакатнинг мол экспортини импортига нисбатини акс эттиради. Жорий операциялар бўйича ҳисоб-китоб баланси бу моллар ва хизматлар учун тўловларнинг бир мамлакатдан бошқа мамлакатникига нисбати плюс чегарадан ташқарига трафарет тўловнинг чегара ичка-рисидаги трафарет тўловига нисбати (бир томонлама ўтказиш) демакдир. Валюта бозорининг ана шу кўрсаткичлар динамикасига реакцияси ўз мантиқига эга.

Савдо ёки жорий баланснинг салбий сальдоси мамлакат чегарадан ташқаридан олганига кўра кўп пул сарф этишини билдиради. Бундай номослик шунга олиб келадики, кўплаб миллий валюта хорижликларга ўтиб кетади. Оқибатда, унга бўлган эҳтиёж камаяди. Кўплаб чет эллик валюта мулки эгалари уни сотишга ҳаракатига тушадилар. Бундан ташқари, савдо танқислиги, жорий ҳисоб-китоблар танқислиги моллар ва хизматларни чет эл валютасида сотиб олишга бурилиш рўй берганини кўрсатади. Бозорнинг кўплаб қатнашчилари чет эл валютасига эга бўлиш ва уни сарф қилишни афзал кўришади. Бозор бундай ҳолатни ҳисобга олади ва, кўпинча, мамлакат жорий ҳисоб-китоб балансининг ўсиб боровчи танқислиги тўғрисидаги билдиришдан сўнг валютанинг қиймати пасайиши кузатилади.

Салбий сальдо хорижликларнинг ўзга валютага кўплаб эга бўлиш хоҳишини акс эттириши мумкин.

Бундай ҳолатда миллий валюта қийматининг ортиши ёки пасайиши кузатилади. Шу сабабли, XX асрнинг 80-йиллари бошида доллар қийматини ошири рўй берди.

Кишилар валюта қийматининг тебранишларга берилувчанлиги каби ходисаларга бир хилда «эътибор» беравермайдилар. Баъзи шахслар келгусида қандай қиймат вужудга келишига боғлиқ бўлиб қолмаслик учун ўз активларини фақат миллий валютада сақлайдилар. Бошқалари эса чет эл валютаси қийматининг тебранишларидан ёки моллар ва хизматларни харид қилмоқчи бўлгандаги фарқдан фойда олмақчи бўладилар.

Моҳиятига кўра, бозорни ҳамма қатнашчилари хеджерлар (валюта бозорларини суғурталовчи)га ва олиб сотарлар, битта шахснинг ўзи бир ўринда «суғурталовчи, кўриқловчи» бўлиб чиқса, бошқа ўринда олиб сотарга айланиб қолишади.

Валютани суғурталаш «кўриқлаш» ёки хеджерлаш ана шу валютадаги на соф мажбурият, на соф активларга йўл қўймасликка йўналтирилган ҳаракатни билдиради.

Халқаро олди-сотдилар бўйича суғурталанувчилар, одатга кўра, чет эл валютасидаги актив ва пассив, ижобий ва салбий балансга интилаётган корхоналар ва кишилардир. Ўз мавқеини фунт стерлингга суғурталаган америкалик келгусидаги доллар билан фунт орасида валюта қийматининг борлиги учун ўз сармояси, маблағига таъсир кўрсата олмаслигига ишонади.

Валюта бозорлари истовчиларга ўзлари хоҳламайдиган валюталардаги соф актив ва пассивлардан халос бўлиш хизматларини ҳам кўрсатади. Масалан, Америка фирмаси Англияга енгил автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар етказиб беради ва улар учун Лондон депозитга 1 млн. фунт стерлинг ёзилган чек тўловини олади. Фараз қиламиз, ана шу пуллар фирмага уч ойдан сўнг доллар ҳолида эмас, балки фунт стерлинг керак бўлади. Бу ҳолда валюта таҳликаси вужудга келади.

Ҳар бир фунт стерлингнинг баҳоси ҳозирда фунтга 1,2 долларни ташкил этади, дейлик. Кейинги уч ойда эса пастга ёки юқорига чиқиб кетиши ва пировардида фунт стерлингни сотиш натижасида фирма доллардаги баҳосини ўзгартириши мумкин.

Агарда фирма раҳбарияти ана шу таҳликани ўзларига олгилари келмаса ва доллардаги маълум доимий суммани олгиси келса, фунтларни бозорда тезда 1 млн. 200 минг долларга сотиш ҳақида ҳукм чиқариши ва бу долларни АКШда фоизлар учун қўйиши мумкин.

Бошқа мисолни кўриб чиқайлик. Фараз қиламиз, Америка фирмаси Англиядан кийимлар партиясига буюртма беради ва уч ойдан сўнг унинг учун 1 млн.ф.ст. тўлаши керак. Бундай ҳолатда фирма кейинчалик фунтларни номаълум қийматда сотиб олиш учун шу муддатни ўтишини кутиб ўтириши шарт эмас. Фирма фунтларни ҳозир сотиб олиб кўрсатилган суммани кейин тўлаб чет эл валютасидаги қарздан суғурталаниш имкониятига эга эканлигини ҳам таъкидлаш керак.

Шундай қилиб, Буюк Британиядаги ташкилотлар, хусусий шахслар долларни бугунги кундаги валюта қиймати бўйича сотиш имкониятига ва унинг келгусидаги фунт стерлингдаги баҳоси ноаниқлигидан қутулиш имкониятига эга.

Доллардаги қарзларга эга бўлган, улар бўйича тўловлар келгусида яқинлашуви кутилган Буюк Британия резидентлари мажбуриятларини долларда тўлаш учун қанча фунт кераклигини аниқ билиш мақсадида ҳам олдиндан фунт стерлингга доллар сотиб олишлари мумкин. Валюта қийматлари тебранишини келтириб чиқарадиган бозор бир вақтнинг ўзида келгусида бўладиган ўзгаришлардан «суғурталаш» мумкин.

Суғурталашнинг тескариси валюта чайқовчилигидир. У чет эл валютасидаги соф актив ва соф пассив яратиш бўйича ҳаракатни акс эттиради. Чайқовчилик айти пайтда қатнашчилар қўлида бўлган ва аниқланмаган валюта мажбуриятларини ўзига олишини билдиради. Бундай мажбуриятларнинг катта қисми, валюта қийматларининг маълум бир ўзгаришларини кутиш деярли тахминий бўлса-да, онгли ҳисоб-китоблар асосида яратилади. Ҳозирги замон тажрибаларини ҳисобга олиб, «валюта чайқовчилиги» терминига етарли аҳамият беришимиз керак. Иқтисодиётда чайқовчи дейилганда чет эл валютасидаги келгусидаги валюта қийматига кўз тутиш ва ўз «мотив»ларига қарамасдан, ҳар бир тоза позицияни олган шахс тушунилади. Бозор чайқовчилар, шунингдек ўз активлари (маблағлари)ни суғурталовчиларнинг ҳам валюталар билан савдолашишига йўл қўйиб беради. Чунки уларни бир-биридан ажратиш учун ҳеч қандай амалий мезон йўқ. Лондонда 1 млн. ф.ст.га чек олган Америка фирмаси фунтларда чайқовчилик қилиш имкониятига эга бўлади. Фирма уларни ҳозир сотмаслиги, Англияда уч ой мобайнида сақлаши, фоизлар орттириши мумкин. Сўнгра у бу фунтлар уч ойдан кейин неча доллар фоизни келтиришини умид қилади.

Бозор қатнашчисининг қандай валютада чайқовчилик қилиши мамлакатлараро фоиз ставкалари фарқи, шунингдек унинг келгусидаги валюта қийматлари ҳаракатига кўз тутишига боғлиқдир.

Фараз қиламиз, Англияда уч ойлик (90 кунлик) депозитлар бўйича фоиз ставкаси 4 фоизни ташкил этади. АҚШ да эса 3 фоиз, яъни 1 млн. фунт.стерлингга эга бўлган фирма уларни Буюк Британияга 4 фоизга қўйиши ва 90 кун ўтганидан сўнг 1 млн. 40 минг ф.ст. олиши мумкин. Ёки у 1 млн.фунт.стер.ни валюта бозорига 1,2 долларни 1 ф.ст. қиймати бўйича сотиши ва бу 1 млн. 200 минг долл.ни 3 фоизлик инвестицияга қўйиб, уч ойдан сўнг 1 млн. 236 минг долл. (1200000 x 1,03 қ 1236000) олиши мумкин.

Уларнинг қайси бири - 1 млн. 40 минг фунт стерлинг ёки 1 млн. 236 минг доллар яхши, фойдали эканлиги 90 кун ўтганидан кейинги валюта қийматига боғлиқ бўлади. Фунт стерлингнинг қиймати ўзгармаса, пулларни фунтда асраш 4 фоиздан эканлиги маълум бўлади. Бунинг натижасида фирма 1 млн. 40 минг ф.ст.x1.2 дол.= 1 млн.248 минг доллар қўлга киритади. Бу эса пулларнинг АҚШда турганига қараганда тахминан 1 фоиз кўпдир. Фунтнинг қиймати 90 кундан кейин яна ошган тақдирда, маблағларни шу валютада ушлаш яна ҳам фойдали бўлиб чиқади.

Агар фунтнинг қиймати долларга нисбатан 1 фоиздан ортиқроқ қа пасайса, фунтларни ушлаб туришнинг кераги йўқ. Масалан, фунт стерлинг 9 фоизга тушиб кетса ва 90 кундан кейин фақат 1,1 доллар турса, фирманинг зиён кўриши турган гап. Пулларни фунт стерлингларда асраш фақат 1 млн. 40 минг ф.ст.x 1,1 дол.,= 1млн. 144 минг долл. 1млн.236 минг дол. ўрнига, фунтлар ўша заҳоти долларга сотилганида ва АҚШда 3 фоизли депозитга қўйилганида ҳеч қандай қийинчиликларсиз фойда олиш мумкин бўлар эди.

Шундай қилиб, чайқовчилик операцияларининг чет эл валютасидаги фойдалилиги миллий ва муайян чет эл валютасидаги депозитлар бўйича фоизлари айирмасидан валютанинг қанчалик ортиқча қадрсизланишига боғлиқ бўлади.

Юқорида валюта олди-сотдиси бўйича битимлар ҳақида сўз юритилиб, унинг тезлик билан (аниқроғи 2 иш куни мобайнида) амалга оширилиши таъкидланган эди. Ушбу битимлар амалга оширилдиган валюта қиймати касса операциялари бўйича алмаштириш қиймати (СПОТ қиймати) дейилади. Шу вақт мобайнида бозор қатнашчиларидан кўпчилиги келгусидаги аниқланган сана (муддатли

шартнома)да валюталар алмаштирилиши учун шартномалар тузиш ўзларига қулайроқ деб ҳисоблайдилар. Кейинроқ алмаштириш учун қолдирилган валюта қиймати муддатли валюта қиймати деб аталади. Ҳар бир қиймат ҳозирнинг ўзида амалга оширилаётган олди ёки сотди шартномаларига тегишлидир, аммо валюта алмашинуви «келишилган» санада, аниқроғи келажакда рўй беради. Шартга биноан фунт стерлингни сотиш тўғрисида 80 кундан сўнг савдо амалга оширилади деб битим тузилган тақдирда, валюта олдиндан келишиб олинган санада июнда келтириб олинган қиймати бўйича алмаштирилади. Сотувчи учун июнгача фунтларниқўлга киритиш мутлақо шарт эмас. Чунки у июнь ойида у валютани сотиши керак бўлгандаги қиймати март ойида қайд қилиб, белгилаб қўйилган. Шунга диққатни қаратиш керакки, муддатли қиймат ва касса операциялари бўйича келгусидаги қиймат бир хил эмас.

Касса операциялари бўйича алмаштириш қиймати, қайси бир бозорда июн ойининг қандайдир санасида пайдо бўладиган валюта баҳоси демакдир. Бу жараёнда муддатли қиймат юқори, паст ёки унга тенг бўлиши мумкин. Муддатли валюта қиймати хом ашё моллари баҳосига тенг бўлганлиги учун, уларнинг қайсиларини етказиб бериш ҳақидаги муддатли шартнома биржада сотилади.

Валюта бозорининг асосий вазифаси клиринг, суғурта ёки чайқовчилик олди-сотдиларида муддатга оддий касса операциялари кабиларни бажаришдан иборат. Чет эл партнерлари билан ҳисобкитоб қилиш мақсадида чет эл валютаси келажакда маълум бир вақт ўтиб керак бўлиши кўзда тутилганда, уни сотиб олиш учун маблағларни ҳозирнинг ўзида ажратиш зарурати йўқ. Валютани аниқ тўловлар муддати етиб келган вақтда олиш кафолатланган вақтдагина муддатли шартнома тузиш мумкин бўлади. Бу ҳолда валютани сотиб олиш шартномаси уни далилий бажарилишида амалга оширилади.

Энди муддатли бозорда суғурталашнинг қандай кўринишларда амалга оширилиши ҳақида сўз юритади.

Дейлик, Буюк Британияга автомобиль эҳтиёт қисмлари етказиб берган Америка фирмаси валюта таҳликаси ва ўзининг 1 млн.ф.ст. тезликда касса операциялари (спот) бўйича мавжуд бўлган алмаштириш қиймати бўйича 1 фт. ст га 1,2 дол.дан сотишни танлаб ўтирмаслиги мумкин. 1 млн. ф.ст. ни Англияда қолдириш усули мавжуд. Шу билан бир вақтда, қийматни қайси бўйича фирма ўз фунтини сотиши мумкинлиги, қайд этиб қўйилиши мумкин. Масалан,

фунтни 90 кунлик 4 фоизлик депозитга кўйиш мумкин, лекин уни дарҳол сотиш ҳам мумкин. Фараз қиламиз (муддатли бозорда): 1,04x1 млн. 40 минг ф.ст., 1,188 дол. 1 фт.ст.

Бу олди-сотди март ойида рўй берса, у ҳолда фирма раҳбарияти июнь ойида (валюта қийматлари курсида қандай ўзгаришлар рўй беришидан қатъи назар) 1,235520 дол.олиниши (1 млн.40 минг ф.ст. x1.188) керак. 1,188 миқдордаги ўртача қиймат фирма учун ҳам яхши, ҳам ёмон баҳо бўлиши, сотиш қийматига боғлиқ ҳолда ва ўша бўйича фунтни спот бозорида сотиши мумкин.

Аммо муддатли бозордаги олди-сотди валюта қиймати ҳаракатини ҳар хил ноаниқликлардан суғурталанишга имконият мажбур қилади.

Муддатли бозор валюта олди-сотдидан фойда чиқаришни кўшимча имкониятларини яратади. Бозор қатнашчиси спот қийматининг келгусида қандай ўзгаришини кўз олдига келтира олган тақдирда, муддатли бозордан фойдаланиб, ўз фойдасини кўпайтириб олиши осон кечади.

Шуниси ҳам борки, чайқовчиларнинг кўлида керакли пул бўлмаса ҳам тегишли иш юрита оладилар.

Фараз қиламиз, март ойидаги фунт стерлинг 1,2 дол.га тенг бўлиб июнда 0,70 дол.га тушиб кетди. Башорат қила олиш қобилияти бўлганда, муддатли бозордан фойдаланиб, мўмайгина катта фойда олиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилиш қийин эмас.

Валюта диллери билан боғланинг (банк ёки маклерлик контораси) ва 10 млн. ф.ст. 90 кундан кейин муддатли қиймат бўйича 1 ф.ст. 1,188 дол. сотиш тўғрисида битим тузинг. Агарда диллер сизни июн ойидан ўз мажбуриятларингизни бажаришингизга ишонса, сизга мартда пулингиз бўлиши шарт эмас. Фақат муддатли шартномага имзо чекилса бўлди. Июнь ойида 10 млн. ф.ст. қаердан олинади? Агар ҳаммаси сиз ўйлаганингиздек бўлса, у ҳолда ҳавотирланишга ўрин йўқ. Шартнома бажарилишига икки кун қолганда, июнда қайсидир банк бошқарувчисига ўз шартномангизни кўрсатасиз, унга кўра диллер Сизга сизнинг 10 млн.ф.ст. гизга (10x1,188) икки кундан сўнг 11 млн.880 минг дол. тўлаши керак. Негаки фунт стерлинг қиймати 0,7 дол.гача пасайди, спот бозорида банкир Сизни шартномангизни мамнуният билан 7 млн.дол.ни 10 млн.ф.ст. сотиб олиш учун ишлатасиз, қайсини Сиз тезликда шартномага асосан кафолатланган 11,88

млн.дол.га алмаштириб оласиз, Бу операциядан тушган соф 4 млн. 880 минг дол. фойда олади.

Банкнинг бундай кредитлар бўйича фоиз тўловлари фақат бир неча юздан бир фоизни ташкил этади, у ҳолда ҳамма кўрсатилган суммани бир неча дақиқалик зўриқиш ва яхши олдиндан кўра билиш маҳорати учун мукофот деб ҳисоблаш мумкин. Аммо шуни эсда тутиш керакки, Сизнинг операциянгиз бошқачасига ҳам тугаши мумкин.

Фараз қиламиз Сиз ҳақ эмассиз март ва июн оралиғида фунт стерлингни спот қиймати 1.3 дол.ф.ст. кўтарилди. Энди бизларга 10 млн. ф.ст. олиш учун 13 млн.га эга бўлишимиз керак бўлади, қайсиниси Сиз фақат 11,88 млн. дол.га сотишга рози бўлгансиз. Бу ҳолда Сиз катта зарар кўрасиз.

Бу мисолни кўрсатиши бўйича чайқовчилар валюта бозорида муддатли қиймат ва кейинги давр спот қиймати орасидаги фарқдан ўз фойдалари ёки зиёнларини кўрадилар. Шартномада ҳар доим икки томон ҳозир бўлгани учун муддатли қиймат касса операциялар бўйича ўрта алмашинув қийматига тенг даражада ўрнатилади. Агарда валюта бозори субъектлари муддатли қиймат ва спот қийматлари орасида танлаб ола олсалар шундай савол туғилади: Нима учун бу қийматлар фарқланади? Жавоб шундан иборатки, касса операциялари бўйича қийматлар ва муддатли қийматлар бир-бирлари билан шу даражада фарқланадиларки, кўриб чиқиладиган валюта мамлакатларида ҳаётий фоиз миқдорлари қандай фарқланса ўшандай. Нима учун шундайлигини билиш учун автомобилларга эҳтиёт қисмлар етказиб берувчи фирма тўғрисидаги мисолимизга қайтамиз.

Унинг 1 млн. ф.ст. маълум бир муддатдан сўнг уч хил йўл билан долларга алмаштириб берилиши мумкин. Биринчида 1 млн. ф.ст. маълум бир муддатдан сўнг уч хил йўл билан долларга алмаштириб берилиши мумкин. Биринчидан, фунтларни спот бозорида сотиш мумкин ва тушумни АҚШ долларларида инвестициялаш ва 90 кундан кейин 1 млн. 236 минг дол. (1 млн. $\times 1,2 \times 1,03$) олиш мумкин. Иккинчидан, фирма ана шу пулларни Буюк Британияда фоизларга қўйиши ва ҳисоблаб чиқилган 1 млн.40 минг ф.ст.ни валюта бозорида муддатли шартнома тузиб сотиш мумкин. Учинчи йўл Англияда фоизга қўйиш ва сўнгра олинган 1 млн. 40 минг ф.ст. суммасини уч ойдан кейин вужудга келган қиймат бўйича сотиш.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек сўнгги имконият катта таҳлика, хавф билан боғлиқдир. Шунинг учун бозорнинг кўп қатнашчилари биринчи икки вариантида биридан фойдаланадилар.

Бу ҳолда муддатли валюта қиймати иккала вариант бир хилдаги манфаатлилигини таъминловчи даражага интилади. бизнинг мисолимизда Буюк Британияда фоиз миқдори АҚШ дагидан 1 фоизга юқори, шунинг учун муддатга сотиш қиймати, спот қийматига тенг бўлмайди. Агарда улар тенг бўлганида эди. Бозорнинг ҳамма қатнашчилари кредитларни Англияда, АҚШда эмас топширишга ҳаракат қилар эдилар.

Олди-сотдиларни охирида қўлларида доллар қолишини хоҳлаганлар, фунт стерлингларни, маблағларини Буюк Британиядаги депозитга қўйгандан сўнг муддатли қиймат бўйича ортар эдилар. Бундай вазият муддатли валюта қиймати ёки фоиз миқдорларини ўзгаришига олиб келарди. Фараз қиламиз, январда 100 минг ф.ст. бўлган одами апрелда доллар олгиси келиб қолди. У шу бугунги ўзида фунтларни икки хил усулда сотиши мумкин: биринчидан, тезлик билан 1,2 дол. 1 ф.т. ҳисобидан долларни олиб. Шундан сўнг бу долларни Америка банкига қўйиши керак, иккинчидан у ушбу пулларни Англияда инвестициялаши ва бир вақтнинг ўзида уларни апрелда сотиш учун муддатли шартнома тузиши керак.

Тахмин қиламиз, олдингидек, 90 кунлик депозитлар бўйича миқдор Буюк Британияда – 4 фоиз, АҚШда эса 3 фоиз. Бу одам 3 ойдан кейин қанча миқдор. Доллар олиши жорий операциялар бўйича алмаштириш қиймати ва муддатга сотишдаги қиймат нисбатларига боғлиқ бўлади. Фараз қиламиз, бу қийматлар тенг деб.

У ҳолда фунтларни сотиш битимини тезликда бажариб ва долларни кейинги Америка банкидаги ҳисобга қўйиш натижасида сумма $100 \text{ минг} \times 1,2 \times 1,03 + 123,6 \text{ минг дол.}$ ташкил этади. Пулларни Англияда қўйиш ва муддатли шартнома тузувчи вариант $100 \text{ минг} \times 1,0 \times 1,2 + 124,6 \text{ минг дол.}$ келтиради. Шундай қилиб, тенг қийматларда маблағларни, сармояларни фунт стерлингларда сақлаш ва уларни муддатли бозорда сотиш манфаатли бўлади.

Бу ҳол муддатли бозорда фунт стерлинглар таклифини ортишига, натижада эса фунтни ана шундай битимлардаги қийматини тушиб кетишига олиб келади. Муддатга бажариладиган олди-сотдилар қиймати спот қийматига нисбатан пасайиши, иккала кўриб чиқиладиган вариантлар тенг қийматга эгадирлар. Шунингдек 1 фоизга пасаяди.

Фунтни долларга муддатли қиймати спот қийматига кўра 1 фоизга паст бўлади, шу йўл билан Буюк Британиядаги фоиз миқдорини АҚШ дагига қараганда 1 фоизга юқорини, ўрнини тўлдиради.

Фоиз паритети вужудга келади-валютани муддатли қиймати спот қийматидан ошиши (фоизларда) тенденциясига валюталардан иккинчиси мамлакатдаги фоиз миқдорларидан қанча кичик бўлса, ўшанчага эга. Валюта қийматига ва унинг келажакдаги динамикасига таъсир этувчи асосий ўзгарувчиларни санаб ўтмоқ бу бир иш ва валюта баҳоси ўзгаришидаги ҳар бир омилни ҳиссасини аниқ баҳолаш бу бошқа.

Бундан ташқари, жамиятни иқтисодий ҳаёти бевосита боғлиқ бўлмаган ва олдиндан айтиб бўлмайдиган характерга эга: иш ташлашлар, сиёсий тангликлар, сайлов олди кураши, жамият онгидаги ўзгаришлар, ҳарбий низолар ва б.ни эътиборга олиш керак.

Валюта қийматини олдиндан кўра билмоқ, бошқа тур олдиндан кўра билишлар сингари ишончсиздир.

Келажак валюта спот қийматини кейинги ойга баҳолаш билан шуғулланадиган профессионаллар ҳам «кўчадан келган одам»дан сал яхшироқ натижаларга эришадилар ва пулларни шунинг учун ишлаб оладиларки, унчалик катта бўлмаган марже (валютани сотиб олиш қиймати билан валютани сотиш қиймати орасидаги фарқ)да уларда операциялар ҳажми каттадир. Агарда профессионал инвесторлар валюта қийматини олдиндан айтиш бўйича фақат чекланган имкониятларга эга эканлар, у ҳолда иқтисодиётчи олимлар яхши натижага эришишлари эҳтимолдан узокдир.

Аммо валютани профессионал сотувчилари ва академик олимлар умумий тушунчага келажак қийматни кўшишини нима шакллантириш, агарда уни аниқлайдиган аниқ формула йўқ бўлса ҳам эгадирлар.

Йиғилган тажриба валюта қийматларини олдиндан айтишни ташкил қилишда қандай кучларга эътиборни қаратишни кўрсатади.

Валюта бозорини ишлаб механизми тўғрисидаги билимлар нафақат ана шу бозор иштирокчилари ва олимлар учун балки сиёсат арбоблари учун ҳам муҳимдир, чунки ҳар бир давлат фаолиятида валюта алоқаларини мувофиқлаштириш катта ўрин тутаяди, алмаштирув қиймати даражаси ва унинг ўзгариш характери кўпинча иқтисодий сиёсати мақсадлари сифатида кўриб чиқилади.

Халқаро кредит. Халқаро иқтисодий алоқаларда капитал ҳаракатининг муҳим шакллардан бири халқаро кредит бўлиб, бу умумжаҳон миқёсида бўладиган қарз бериш ва уни олиш муносабатидир. Халқаро ссуда фонди вақтинча бўш пул маблағлари йирик банклар ва ТМКлар молия компаниялар ихтиёрида тўпланadi. Бу тўпланган маблағдан харажатларни қоплаш ва капитал қўйиш учун кредит сифатида ажратилади. Жаҳон бозорининг кенгайиб бориши, капитал экспорти ва импортининг кучайиши, давлатлараро ишлаб чиқариш, кооперация ва интеграцион алоқалар халқаро кредитга талабни оширди, унга умумжаҳон тус берди.

Умумжаҳон кредити икки йўналишда кечади. Биринчиси одатдаги кредит бўлиб, у халқаро пул бозоридаги талаб-таклиф таъсири остида бўлади ва бозорда ташкил топган фоиз асосида берилади. Бундай кредитни банклар, ТМКлар ва молия корпорациялари беради. Иккинчиси имтиёздаги ва текин кредит бўлиб, унга мутлақо фоиз тўланмайди ёки ўта паст фоиз берилади. Бундай кредитни бой давлатлар, ўта йирик компаниялар ва халқаро ташкилотлар махсус халқаро дастурларни амалга ошириш учун берилади. Жумладан бундай кредитлар собиқ социалистик давлатларнинг бозор иқтисодиётига ўтишига ёрдам учун берилмоқда. Масалан 1993 йилда Европада конструкция ва тараққиёт банки Ўзбекистонга кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун 60 млн. кредит ажратди.

Халқаро кредит давлатлар иқтисодий ривожланишида катта ижобий аҳамият касб этсада, маълум даражада қарздорлик муаммосини ҳам келтириб чиқаради. Қарзни қайтариш ривожланган бой давлатлар учун қийин эмас. Чунки бой давлатларга олган қарз кредитидан берган кредити кўпроқдир. масалан, ривожланган давлатлар (АҚШ, Япония, Англия, Франция, италия ва Канада)нинг қарзи 2,2 триллион долларга тенг эди. Лекин бу қарзни тўлаш имконияти етарли бўлган. Агар, Япониянинг берган қарзи 1985 йили олган қарзидан 132 млрд.доллар, Англияники 114 млрд. доллар, Германияники 48 млрд доллар зиёд бўлган.

Қарзларни тўлаш қийинлиги иқтисодий заиф ривожланган давлатларга хосдир. Бу ҳолат қарзи ботиб қолган кўпгина ривожланаётган мамлакатларнинг аҳволидан кўриш мумкин. Иқтисодий заиф давлатларни қўллаш учун қарзни бир қисмини ёки бутунлай қарз суммаси кечиб юборилиши ҳам мумкин, бу ҳам нобозор муносабатга хос ҳодисадир.

Иқтисодий алоқалар жаҳон миқёсида байналминаллашув боргач, пул давлатлараро иқтисодий муносабатлар воситасига айланди ва халқаро валюта муносабатлари кенг қулоқ ёйди. Бунда олтин ёки қандайдир пул бу вазифани бажармасдан, айнан миллий валюталар бир-бирига алмаштирилиб, ҳисоб-китоб ишлари юритила бошланди, пул операциялари амалга оширилади. Валютанинг қандай нисбатда алмаштирилиши уларнинг валюта курсига (бир-бирига нисбатан баҳосига) боғлиқ бўлиб одатда, ривожланган давлатларнинг валюта курси юқори бўлишини юқорида таҳлил этдик. Бозор иқтисодиётига ўтиш ва жаҳон иқтисодиётига қўшилишнинг муҳим шарти, аввало, пулнинг ички конвертирланишини таъминлашдир. Кейин эса пулни ташқи валюта бозорида конвертирлаш зарур бўлади. Халқаро кредит миллий иқтисодиётни жаҳон хўжалиги билан боғлаш воситаси ҳам ҳисобланади ва умумжаҳон миқёсидаги иқтисодий фаолиятнинг яхлитлигини таъминлайди. Жаҳон хўжалигида валюта муносабатлари ҳам бор. Жаҳон миқёсида ягона тўлов воситаси бўлмаса хўжалик алоқаларини юритиб бўлмайди. Бу вазифани жаҳон пули бажаради. Ҳозир шундай пул тарзида АҚШ доллари қабул қилинган. Барча валюталар курси АҚШ доллари орқали белгиланади. АҚШ доллари ягона тўлов воситаси бўлганидан ҳамма валюталарнинг курси долларда ифодаланади. Уларнинг ўзаро курси ҳам доллар орқали аниқланади. Ғарбий Европа мамлакатларида умумий ҳисоб-китоб бирлиги сифатида ЭКЮ пул бирлиги қабул қилинган. ЭКЮ доллардан фарқлироқ аниқ ҳамма муомалада юрадиган пул эмас, балки ўзаро ҳисоб-китоб учун қўлланидиган пул бирлигидир. Лекин у доллар каби Европа мамлакатлари учун умумий ҳисоб-китоб воситаси бўлганидан бу ердаги миллий валюталар курсини белгилашга хизмат қилади. 1993 йил 26 ноябр куни Европа мамлакатлари ҳамжамияти расмий равишда 1 ЭКЮни куйидаги миқдордаги валюталарга тенг деб эълон қилди.

Асосий таянч тушунчалар

Жаҳон савдоси бўйича:

Эркин иқтисодий зоналар турли мамлакатлардаги хорижий ва миллий тадбиркорлар фаолияти учун имтиёзли иқтисодий шарт-шароитлар яратилган ҳудудлар.

Эркин савдо зоналарида бож бекор қилинган ёки унинг миқдори камайтирилган, экспорт-импорт устидан назорат бўлмайди.

Экспорт – товарларни чет эллик мижозларга сотишдан иборат бўлиб, мазкур мамлакатда ишлаб чиқарилган товарларни мамлакатларга чиқариш.

Импорт – чет эллик мижозлардан товарлар сотиб олиш, уларни мамлакатга киритиш.

Реэкспорт – бирор мамлакатнинг маҳсулот ишлаб чиқарувчи мамлакатдан ташқари товарларни ўз истеъмоли учун эмас, балки учинчи мамлакатга қайта сотиш учун сотиб олиши.

Реимпорт – истеъмолчи мамлакатдан реэкспорт товарларни сотиб олиш.

Халқаро валюта тизими – халқаро валюта муносабатларининг давлатлараро битимларида ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган шакли.

Жаҳон бозори бўйича:

Валюта курси – бир мамлакат валютасининг бошқа мамлакат валютасида ифодаланган баҳоси.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Ички ва ташқи савдонинг ўхшашликлари ва уларнинг фарқи нимадан иборат? Халқаро савдо қандай кўрсаткичлар билан тавсифланади?

2. Нега халқаро савдода сунъий тўсиқлар пайдо бўлади? Уларни тавсифлаб беринг.

3. Протекционистик сиёсатнинг ижобий ва салбий томонлари қандай? Уларни таққосланг.

4. Халқаро савдода иқтисодий интеграциянинг аҳамияти қандайлиги ва унда Ўзбекистоннинг иштирок этиши имкониятларини аниқланг.

5. Халқаро валюта тизимини тушунтиринг. Ҳар бир тизим қандай устунлик ва камчиликларга эга?

6. Давлат валюта курсларини барқарорлаштириш учун қандай усуллардан фойдаланади? Чет эл валюталарига талаб ва таклифга қандай омиллар таъсир кўрсатади?

7. Жаҳон бозори нимаси билан миллий бозордан фарқланади?

8. Нима сабабдан дунёда кредитга нисбатан портфель инвестициялари устувор бўлиб чиқади?

Адабиётлар

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг асарлари ва нутқлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Т.3. - Тошкент «Ўзбекистон», 1995.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.3. Тошкент, «Ўзбекистон», 1996 й.
3. Каримов И.А. Янги уй курмай туриб, эскисини бузманг. Т.1, Тошкент, «Ўзбекистон», 1996 й.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т.1.Тошкент, «Ўзбекистон»,1996
5. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.1.Тошкент «Ўзбекистон», 1996.
6. Каримов И.А. Дехқончилик тараққиёт фаровонлик манбаидир. Т.2. Тошкент «Ўзбекистон» 1996
7. Каримов И.А. Бунёдкорлик –фаровон ҳаёт асоси. Т.4 «Ўзбекистон», Тошкент, 1996
8. Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Т., «Ўзбекистон»,1996
9. Каримов И.А. Иқтисодий ҳамкорлик-мамлакатларимиз тараққиётининг гаровидир.Т.4. Тошкент, «Ўзбекистон», 1996
10. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби, Тошкент «Ўзбекистон» 1997
11. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий юксалиш йўлида Т.5 Тошкент, «Ўзбекистон», 1997
12. Каримов И.А. Ислохотлар йўлида қатъиятли бўлиш бугунги кун талаби.Т.5, Тошкент «Ўзбекистон» 1997
13. Каримов И.А. Қишлоқларда ислохотларни чуқурлаштириш - устувор вазифа. Т.5.Тошкент «Ўзбекистон» 1997
14. Каримов И.А. Мулкдор синфини шакллантириш ислохотларнинг бош мезон. Т.5.Тошкент, «Ўзбекистон», 1997
15. Каримов И.А. Кучли адолатли жамият сари, Т., «Шарқ» 1998
16. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. «Ўзбекистон», 1998
17. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти-тўкин ҳаёт манбаи.Т.6. - Тошкент, «Ўзбекистон», 1998
18. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. Т. «Ўзбекистон», 1999

19. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкуриси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. Т.1. Тошкент «Ўзбекистон» 1999.

20. Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. Т., «Ўзбекистон», 1999

21. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз.Т.8. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000

22. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда Т., «Ўзбекистон», 2000

23. Каримов И.А. Тадбиркорликнинг юксалиш гарови. Т.8,Тошкент, «Ўзбекистон», 2000

24. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш фаровонлик пойдевори.Т.9,Тошкент, «Ўзбекистон»,2001

25.Каримов И.А. Мавжуд имкониялардан самарали фойдаланиш-юксалиш гарови.Т.9 Тошкент «Ўзбекистон»,2001

26. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз. Т.10, Тошкент, «Ўзбекистон», 2002

27. Каримов И.А. «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман.

28. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш-энг муҳим вазифамиз, Т.2,Тошкент, «Ўзбекистон», 2000.

II. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари
- **«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 25.05.2000 й. № 69-П, «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2004 йил, 51-сон, 514-модда.

- **«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган (ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 43-модда; 1993 йил, № 5, 236-модда; 1994 йил № 11-12, 285-модда; ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда) (ЎзР 26.12.1997Й. 549-1-сон Қонуни таҳририда).

- **«Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган (УзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1990 йил, № 31 - 33, 371-модда; 1993 йил, № 5, 235-модда; 1994 йил, № 11-12, 285-модда; ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда).

- **«Ижара тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган (ЎЗР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, №1, 45-модда; 1993 йил, № 9, 329-модда)

«Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1991 йил 14 июнда қабул қилинган (ЎЗР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 8, 182-модда, 1992 йил, № 9, 335-модда) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқланган.

- **«Чет эл инвестициялари тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998й, № 5-6,91-модда).

- **«Валютани тартибга солиш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири) 07.05.1993й. № 841-ХП, (мазкур қонуннинг янги таҳрири ЎЗР 11.12.2003 й. 556-П-сон қонуни билан тасдиқланган).

- **«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган (ЎЗР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 54-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9. 241-модда).

- **«Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 02.09.1993 й. № 918-ХП (ЎЗР 27.08.2004 й. 671-П-сон Қонуни янги таҳририда).

- **«Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 27.12.1996 й. № 355-1 (ушбу Қонунга ЎЗР 20.08.1999 й 832-1-сон қонунига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган).

- **«Фермер хўжалиги тўғрисида»**ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 30.04.1998й. № 602-1 (мазкур қонуннинг янги таҳрири ЎЗР 26.08.2004 й. 692-П-сон Қонуни билан тасдиқланган, мазкур Қонун ЎЗР ОМ 26.08.2004 й. 693-П-сон қарорига мувофиқ амалга киритилган).

- **«Дехқон хўжалиги тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 30.04.1998 й. № 604-1 (ЎЗР Олий Мажлисининг Қарори 30.04.1998й. № 605-1, 1998 йил 1 июлдан амалга киритилган).

Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 1992 й.

2. Смит А. Халқлар бойлиги табиати ва сабаблари ҳақида изланиш. Иқтисодий классика антологияси. М.1993 й.

3. Петти У. Солиқлар ва йиғимлар ҳақида трактат. Иқтисодий классика антологияси. М., 1993 й.
4. Петти У. Экономические и статистические работы. М. 1940.
5. Рикардо Д. Сиёсий иқтисод ва солиқ олишнинг бошланиши. Иқтисодий классика антологияси. М. 1993 й.
6. Рикардо Д. Сочинение. Т.1. М., 1965.
7. Самуэльсон П. Иқтисод. 1-2 китоб, 1992 й.
8. Сиёсий иқтисод. Иқтисодий энциклопедия. М. 1979.
9. К.Маркс, Ф.Энгелс. Соч. Т.9.
10. К.Маркс. Капитал. Т. 1. Т., 1983 й.
11. Дж.Кейнс. Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси. М., 1936.
12. А.Маршалл принципы экономической науки. Т.11. пер. с.анг. М., Изд. группы. “Прогресс”, “Универс”, 1993.
13. Ц.Шумпетер. Иқтисодий тараққиёт назарияси. М., 1992.
14. Макконелл К., Брю С., «Экономикс» Т.1. -М.: Республика, Ч.Ш. Предмет и метод. 1992.
15. Харрис Л. Денежная теория. М. 1990й.
16. Роберт Б. Карсон. Что знают экономисты. М., СП-Квадрат. 1991.
17. Сажина М.А., Чибриков Г.Г. Экономическая теория. Учебник для ВУЗов. М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРА.М.1998
18. Бекнозов Н. ва бошқалар. Бозор иқтисодиёти назарияси. Тошкент, «Университет», 1993
19. Бекнозов Н. ва бошқалар. Основы рыночной экономики, Тошкент, «Университет», 1997
20. Умаров К., Бекнозов Н. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси (ўқув кўлланма). Тошкент, “Университет”, 2002
21. Шодмонов Ш., Алимов Д., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси, 2002
22. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т., Мехнат, 1995
23. Хаитов А.А., Жалолов Ф.Т. Бозор иқтисодиётининг шаклланиш асослари. Андижон, 1996
24. Меньшиков С.М. Инфляция и кризис регулирования экономики. Москва, Мысль, 1980
25. Роберт Б. Карлсон. Что знают экономисты? Москва, СП «Квадрат», 1993
26. Тенденция мирового экономического развития. Москва, 1991
27. Элевард Л. The international. NY. 1956

Мундарижа

Кириш	3
I-боб. Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети ва билиш услуги	11
1-§ Иқтисодиёт назариясининг фан сифатида шаклланиши.....	11
2-§ Иқтисодиёт назарияси фанининг тутган ўрни, вазифаси ва предмети.....	17
3-§ Иқтисодий қонунлар ва категориялар.....	21
II-боб. Ижтимоий ишлаб чиқариш ва унинг омиллари	33
1-§ Ишлаб чиқаришнинг натижалари ва асосий омиллари.....	33
2-§ Иқтисодий ўсишнинг асосий боғичлари.....	41
3-§ Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг мазмуни, тузилиши ва пировард натижалари.....	45
III-боб. Мулкчилик муносабатлари ва хўжалик юритиш шакллари	56
1-§ Мулквий муносабатларнинг шаклланиш жараёни.....	56
2-§ Иқтисодий муносабатлар тизимида мулкчилик.....	59
3-§ Мулкчиликнинг турли шакллари.....	61
4-§ Иқтисодий ислохотлар ва мулкдорлар синфининг вужудга келиши.....	72
IV-боб. Товар ишлаб чиқариш. Пул	81
1-§ Натурал хўжалик-товар хўжалигининг моддий асоси.....	81
2-§ Товар ишлаб чиқариш.....	83
3-§ Товар ва унинг хусусиятлари.....	86
4-§ Товар қиймати ва унга таъсир этувчи омиллар.....	90
5-§ Қиймат қонуни ва унинг функцияси.....	93
6-§. Қиймат қонуни ва унинг функциялари.....	96
V-боб. Бозор иқтисодиётининг моҳияти, белгилари, тузилиши ва ҳаракат қилиш механизмлари	100
1-§ Бозор иқтисодиётининг моҳияти ва асосий белгилари.....	100
2-§ Иқтисодиётни ташкил этишнинг бозор ва буйруқбозлик шакллари.....	110
3-§ Бозор хўжалигининг яшаш шартлари.....	114
4-§ Бозор тузилиши.....	115
VI-боб. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг ўзига хос хусусиятлари	124
1-§ Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги шарт- шароитлар ва уларнинг ўзига хослиги.....	124
2-§ Давлат мулкани хусусийлаштириш ва кўп укладли	

иқтисодиётни вужудга келтириш.	130
3-§ Институционал бозор инфраструктурасининг шаклланиши.	134
4-§ «Ўзбекистоннинг иқтисодий» модели.	136
5-§ Бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий тамойиллари.	141
VII-боб. Талаб ва таклиф. Бозор мувозанати.	153
1-§ Талаб ва унинг миқдорига таъсир этувчи омиллар. Таклиф қонуни.	153
2-§ Таклиф тушунчаси. Таклиф қонуни.	159
3-§ Умумий мувозанат ва конъюктура.	166
VIII-боб. Рақобат.	171
1-§ Рақобатнинг моҳияти, иқтисодий асослари ва ривожланиш босқичлари.	171
2-§ Рақобатнинг асосий шакллари ва белгилари.	176
3-§ Рақобат усуллари.	182
4-§ Мукамал ва номукамал рақобатлар.	186
5-§ Ўзбекистонда рақобатчилик муҳитининг вужудга келиши ва антимонопол қонунчилиги.	199
IX-боб. Нарх-наво.	208
1-§ Нархнинг ташкил топиш механизми.	208
2-§ Нархларнинг ташкил топиши ва унга таъсир этувчи омиллар.	212
3-§ Нарх турлари.	218
X-боб. Тадбиркорлик фаолияти. Тадбиркорлик капитали ва унинг айланиши.	228
1-§ Тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти ва мақсади.	228
2-§ Тадбиркорликни ривожлантиришда давлатнинг монополизмга қарши сиёсати.	236
3-§ Кўп укладли иқтисодиёт-тадбиркорликнинг асоси.	241
4-§ Тадбиркорлик фаолиятининг асосий шакллари.	243
5-§ Тадбиркорлик капиталининг айланиши ва айланиши.	252
XI-боб. Бозор тизимида корхоналарнинг иқтисодий фаолият.	261
1-§ Фирма ва унинг ташкилий тузилиши.	261
2-§ Менежмент назариясининг тадрижий ривожланиши.	265
3-§ Корхоналарнинг ички ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш.	267
4-§ Фирмаларнинг бозорга доир сиёсати.	274
5-§ Товар биржаси.	280
XII-боб. Сарф-харажатлар ва фойда.	286
1-§ Ишлаб чиқариш харажатлари тушунчаси, турлари ва	

таркибий тузилиши.	286
2-§ Муомала харажатлари ва уларнинг турлари.	292
3-§ Фойданинг мазмуни. Фойда нормаси ва массаси.	297
XIII-боб. Аграр муносабатлар ва агробизнес.	302
1-§ Аграр муносабатлар ва уларнинг хусусиятлари.	302
2-§ Рента муносабатлари.	308
3-§ Агробизнес ва унинг турлари.	318
XIV-боб. Циклик тебранишлар ва иқтисодий ўсиш.	324
1-§ Иқтисодиётда цикллар ва фазалар. Иқтисодий кризислар ва таркибий силжишлар.	324
2-§ Таркибий кризислар инқироз ҳолатини юмшатишга қаратилган «Даромадлар сиёсати». Аграр кризислар ва унинг ўзига хос хусусиятлари.	333
3-§ Жамиятнинг иқтисодий потенциали. Иқтисодий ўсиш манбалари.	335
4-§ Фан-техника тараққиётининг иқтисодий ўсишдаги роли.	339
XV-боб Молия тизими ва давлат бюджети.	343
1-§ Молиянинг моҳияти, молиявий муносабатларнинг таркиб топиши.	343
2-§ Молия функциялари.	345
3-§ Давлат бюджети.	348
4-§ Суғурта ва унинг пул маблағлари ҳаракатидаги роли.	351
5-§ Солиқларнинг иқтисодий моҳияти, зарурлиги ва функциялар.	354
6-§ Солиқларнинг вазифалари, шакллари, кўринишлари ва гуруҳлари.	357
XVI-боб. Пул муомаласи. Кредит. Банклар.	363
1-§ Пул муомаласи ва унинг амал қилиш қонуниятлари. Пулга талаб ва таклиф. Инфляция.	363
2-§ Кредитнинг моҳияти, шакллари ва вазифалари.	372
3-§ Банклар ва банк операциялари.	377
4-§. Банк ҳужжатлари.	382
XVII-боб. Миллий иқтисодиётнинг макроиқтисодиёт ўлчами. Ялпи миллий маҳсулот ва унинг ҳаракат шакллари. Миллий бойлик.	387
1-§ Такрор ишлаб чиқариш ва унинг турлари.	387
2-§ Миллий иқтисодиёт тушунчаси ва унинг кўрсаткичлари.	391
3-§ Ялпи миллий маҳсулот мазмуни ва уни ҳисоблаш усуллари.	394
4-§ Миллий даромад, унинг таркиби ва ундан фойдаланиш.	404
5-§ Иқтисодий ўсиш тушунчаси, турлари ва кўрсаткичлари.	408
6-§ Миллий бойлик ва унинг таркибий тузилиши.	412

XVIII-боб. Аҳоли даромадлари ва турмуш даражаси.	
Давлатнинг ижтимоий сиёсати.	419
1-§ Бозор иқтисодиёти шароитида тақсимот қонунининг амал қилиш хусусиятлари ва аҳоли даромадларининг шаклланиши.	419
2-§ Иқтисодий фаолият шаклларига кўра даромадларнинг тақсимланиши.	424
3-§ Бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли даромадларининг табақалашуви.	434
4-§ Аҳолининг турмуш даражаси. Оилавий даромадлар, даромадлар таркиби ва улардан фойдаланиш.	442
5-§ Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатнинг ўзига хослиги ва асосий йўналишлари.	447
XIX-боб. Иқтисодиётни тартиблашда давлатнинг роли.	458
1-§ Давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг зарурлиги.	458
2-§ Давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг шарт-шароитлари ва меъёрлари.	462
3-§ Илмий техник сиёсат	467
XX-боб. Жаҳон хўжалиги, унинг эволюцияси ва ҳозирги таркиби	472
1-§ Жаҳон хўжалигининг шаклланиш босқичлари.	472
2-§ Халқаро иқтисодий муносабатлар ва нисбий афзалликлар.	478
3-§ Халқаро хўжалик алоқалари шакллари.	484
XXI-боб. Жаҳон бозори ва халқаро валюта, кредит муносабатлари.	499
1-§ Жаҳон бозорининг шаклланиш механизми	499
2-§. Халқаро савдонинг мазмуний тузилиши ва хусусиятлари	502
2-§ Халқаро ҳисоб-китоблар тизими ва мамлакатларнинг тўлов баланси.	506
3-§ Валюта муносабатлари ва валюта тизими. Валюта курси. Халқаро кредит	514
Фойдаланилган адабиётлар	548

Норбой БЕКНОЗОВ

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

(Дарслик)

Мухаррир: М.Боллиева.
Техник муҳаррир: Ж.Абдужалилов.
Мусахҳиҳ: Н.Мирзажонова.
Компьютерда саҳифаловчи: Ф.Нурлибаев.

Босишга рухсат этилди:
Ҳажми: б.т. Адади: Буюртма: №
ТДЮИ кичик босмаҳонасида босилди.
Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ 35.